Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМАНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Нурбой ЖАББОРОВ

МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

*** *** ***

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ

“ФАРҲОД ВА ШИРИН”:
БАДИИЯТ ВА ҒОЯЛАР ОЛАМИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон


ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Монография



КИРИШ

Миллий истиқлол навоийшуносликнинг янги такомил босқичига кўтарилишига замин яратди. Мустақилликкача улуғ мутафаккир асарларининг ўн беш жилдлиги нашр этилган бўлса, миллий истиқлолга эришилгач, шоир асарларининг йигирма жилдлигини мутолаа қилиш имкони туғилди. Шўролар замонида тўлиқ нашр этилиши мумкин бўлмаган “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Сирож ул-муслимин”, “Арбаъин” сингари асарлари дунё юзини кўрди. Гарчи ҳали тўлиқ илмий ечимини топмаган, мунозарали жиҳатлари кўп бўлса-да, шоир ижодида тасаввуф талқини масаласи кун тартибига қўйилди. Муножот, ҳамд ва наътлари муайян даражада ўрганилди. Лирик шеърлари, “Хамса”, насрий ва адабий-илмий асарлари буюк шоир дунёқарашининг асосларидан келиб чиқиб тадқиқ қилина бошлади. Шоир шеъриятида Қуръони карим оятларининг бадиий талқини масаласи монографик асосда алоҳида тадқиқ қилинди. Эришилган илмий натижалар навоийшуносликнинг муттасил ривожланишда эканини кўрсатади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодига бўлган эътибор бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди дейилса муболаға бўлмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ана шу мақсадга қаратилгани жиҳатидан улкан тарихий аҳамиятга эга. Ушбу қарорнинг Ўзбек тили байрами арафасида имзоланганида ҳам беқиёс рамзий маъно бор. Негаки, ҳазрат Алишер Навоий бутун ижодий ва илмий салоҳиятини она тилимиз мавқеини муҳофаза қилиш йўлига сафарбар этди. Фасоҳат ва балоғат намунаси бўлган асарлари орқали миллатнинг шаънини юксалтирди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли ҳазрат Навоий тили БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида жаҳон минбарида баралла янграгани, изма-из ушбу тарихий қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” шиори остида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳаётий тақозосидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг беназир адабий-илмий меросини замон талаблари даражасида тадқиқ этишдан уни ўқитишнинг узлуксиз таълим концепциясини ишлаб чиқишгача, хорижий давлатларда сақланаётган буюк шоир қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келишдан улуғ мутафаккир асарларини чет тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказишгача, Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформасини яратишдан қўлёзма манбалар асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини амалга оширишгача – катта кўламдаги беқиёс ишларни қамраб олгани ушбу қарорнинг аҳамияти нечоғлик баланд экани тасдиғидир.

Қарорда кўзда тутилган Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг ташкил этилиши буюк мутафаккир адабий-илмий меросини ўрганиш ҳамда халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этиш ишини янги сифат босқичига кўтариши аён. Дунёнинг ривожланган давлатлари буюк мутафаккирлари номида Гёте институти, Пушкин институти сингари муассасалар ташкил этиб, улар меросининг халқаро миқёсдаги тарғиби билан шуғулланиб келаётган бир шароитда Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондига бениҳоя катта эҳтиёж бор эди.

Алишер Навоий ордени таъсис этилиб, ушбу юксак мукофот билан буюк мутафаккир ижодини ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш кўзда тутилгани

бутун дунёдаги навоийшунос олимларга, улуғ шоир меросининг тадқиқотчилари ҳамда тарғиботчиларига катта рағбат бериши жиҳатидан улкан аҳамиятга эга. Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш масаласининг кун тартибига қўйилиши улуғ бобокалонимиз руҳини шод этиши, ул зотга бўлган эҳтиромнинг юксак намунаси эканини таъкидлаш керак.

Буюк аждодларнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беназир ҳиссаси, илму ирфондаги оламшумул муваффақиятлари билан фахрланиш яхши. Лекин бу фахр улуғларимизнинг асарларини чуқур ўрганиш, улардаги умрбоқий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш билан чамбарчас боғланмас экан, миллатнинг қаноти қайрилиб қолади. Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиб, 2021-2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйиш, "Навоий ва ёшлар" махсус дастури яратилиб, "Навоий ворислари" ғазалхонлик танлови, "Навоийни англаш" мавзусида иншолар танлови ўтказилиши, беш муҳим ташаббус доирасида ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобил иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш сингари буюк шоир асарларидаги ғояларни бугунги авлод онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ муҳим амалий тадбирлар назарда тутилгани ҳам ушбу қарорнинг ҳаётий аҳамиятига далил бўла олади.

Жорий йилнинг 31 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақида таклиф билдиргани ва буюк мутафаккир бобокалонимиз таваллудининг 580 йиллиги муносиб нишонланаётган қутлуғ санада бу таклифнинг қўллаб-қувватланганида улкан рамзий маъно бор. Қуёш ёғду сочиб турар экан, зулматга ўрин қолмайди. Табиатнинг бу қонуни инсоният жамияти ҳаётига ҳам бирдай дахлдордир. Миллий адабиётимизни жаҳон бадиий-эстетик тафаккурининг чўққисига олиб чиққан буюк Алишер Навоий ўзбек ва қардош туркий халқлар маънавиятининг завол билмас қуёшидир. Аслида, улуғ бобокалонимизни қуёшга ташбеҳ этиш янгилик эмас. Замондоши Давлатшоҳ Самарқандийнинг мана бу сўзлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: "Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушк фазилати ҳақида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир... Бу улуғ амир дин-у давлат ҳомийси, миллат ва шариатнинг пушти паноҳидир". Ёки Ҳусайн Воиз Кошифий фикрича: "Амир Навоий камолот осмонидаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар қуёшдир". Ҳақиқатан, буюк мутафаккир асарлари неча замонлардан буён қуёш янглиғ адабиётсеварлар қалбини маърифат ёғдулари билан мунаввар этиб келаётир.

Улуғ мутафаккирнинг миллат олдидаги хизматларини таърифлашга тил ожиз, уларни ўлчайдиган мезонни топиш маҳол, муносиб даражада баҳолаш имконсиздир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи "Лисон ут-тайр" достонида зиммасидаги буюк миссияни қандай адо этганини фахрия йўлида мана бундай изҳор этган эди:

Турк назмида чу мен тортиб алам
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Ҳақиқатан, ҳазрат Алишер Навоий туркий халқларни ягона адабий тил, юксак адабиёт байроғи остида бирлаштирди. Миллат бадиий-эстетик тафаккурини жаҳоний миқёсга

олиб чиқди. Ҳукмдор дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро таъбири билан айтганда: “Туркий тилнинг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси бирла руҳ киюрди”. Шунинг учун ҳам туркий халқлар олимлари барча даврларда буюк мутафаккир ижодига юксак баҳо берган. Қиёси йўқ бу ижоднинг умумбашарий аҳамияти бугун ҳам таъкидланиб келади. Машҳур турк олими Огоҳ Сирри Левенд мана бундай ёзган эди: “Алишер Навоийни замондошларидан ва барча уммат даври шоирларидан ажратиб турган жиҳат – унинг адабий идрокидир. Навоий ўз асарларини фақат шеър айтиш, асар соҳиби бўлиш, илм ва санъатда устунлигини кўрсатиш фикри билан эмас, муайян бир мақсад билан қаламга олди. Унинг адабиётдаги орзуси – туркий адабиётни тарқоқликдан халос этиб, унга аниқ бир йўналиш бермоқдир”. “Хамса”ни озарбайжон тилига тўлиқ таржима қилган шоир ва олим Рамез Асқар улуғ бобокалонимизни: “Туркий халқларнинг энг буюк шоири ва мутафаккири. Унгача ва ундан кейин ҳам туркий адабиётни бу қадар юксалтирган ижодкор бўлган эмас”, дея эътироф этади. Озарбайжон олимаси Алмаз Улвий бутун илмий салоҳиятини навоийшуносликка бағишлади. Икки қардош халқ адабиётини қиёсий тадқиқ этган олима буюк Навоий таваллудининг 580 йиллиги арафасида “Алишер Навоийнинг асри ва насри” номи билан йирик монография чоп эттирди. Бундай мисолларни саноқсиз келтириш мумкин.

Бу каби ютуқларимиз кўп. Буюк Навоийга эҳтиромнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳамда навоийшунослик эришган муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бу борада ҳали ечимини кутаётган илмий муаммолар оз эмас. Жумладан, улуғ шоир ижодининг чўққиси бўлган “Хамса”нинг янгича талқинлари яратилиши зарур. Бизнингча, “Хамса”нинг калити бу – “Ҳайрат ул-аброр”. Кейинги тўрт достон моҳиятини таҳқиқ этиш учун “Ҳайрат ул-аброр” тўлақонли илмий инкишоф этилиши, бошқа достонлар тадқиқида ҳам ундан фойдаланилиши зарур. Фақат бугина эмас. Маълумки, бизда калом илми ҳадди аълосида ривож топган. Бу борада шаклланган мотуридия мактаби қарашлари бадиий адабиётда, жумладан ҳазрат Навоий ижодида ҳам ҳам ўзига хос тарзда акс этган. Фиқҳ илми юксак даражада ривожланган. Фиқҳий масалалар бадиий талқин этилган мумтоз асарлар ҳам талайгина. Бинобарин, Алишер Навоий ижодида калом ва фиқҳ талқини масаласи бир қанча тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Бугун биз Навоий асарларининг йигирма жилдлик нашрига эгамиз. Бу нашрнинг ютуқларию камчиликлари ҳақида етарли даражада ёзилди. Уларга қўшилган ҳолда, қайд этиш жоизки, улуғ мутафаккир асарларининг эллик, эҳтимолки олтмиш жилдлик нашрларига эҳтиёж бор. Бу нашрлар тўлақонли илмий изоҳлар, шарҳлар билан таъминланган бўлиши зарур. Уларда Алишер Навоий асарларининг бир-биридан фарқли, зарур бўлса, ҳатто бир-бирини инкор этадиган турлича талқинлари берилсин. Унинг замонавий ўзбек тилидаги табдили илова қилинсин. Ваҳоланки, бундай тажриба бизда бўлган. Академик Ғафур Ғуломнинг табдили билан нашр этилган Навоий асарлари бунинг исботи. Бу нашрлар камида уч хил – шахс исмлари, географик номлар ва этник атамалар кўрсаткичлари билан таъминланиши лозим. Улуғ мутафакир ижоди мисолида бундай кўрсаткичларни астрономик атамалар, мусиқий истилоҳлар ва бошқа илмлар мисолида кенгайтириш имкони ҳам мавжуд. Ана шунда битта (эҳтимол бир неча) жилдда, бир асар талқинига оид барча ютуқлар жамланади. Уни мутолаа қилган ўқувчида буларни такрорламаган яна ўзгача қарашлар ҳам туғилиши мумкин бўлади. Бу эса, шубҳасиз, навоийшуносликнинг ривожига хизмат қилади.

Ҳазрат Навоий ижодини ўрганиш ҳақида сўз кетганда яна бир муаммони четлаб ўтиб бўлмайди. Бу – буюк мутафаккир асарларининг ўқитилиши, оммалашуви масаласи. Биз Алишер Навоий меросини ўқитишнинг барча – мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичлари учун бир-бирини тўлдирадиган, тизимли дастурини ишлаб чиқишимиз

зарур. Бу дастур таълимнинг энг янги техника, технологияларига таянмоғи керак. Бугун ёшларнинг китоб ўқимай қўйгани ҳақида куйиниб гапиряпти. Бу фикрда жон бор. Замонавий ёшлар китобдан кўра компьютерга кўпроқ ишқибоз экани рост. Модомики шундай экан, биз компьютер имкониятларидан ҳам унумли фойдаланишимиз лозим. Ҳазрат Навоий асарларининг комиллик тимсоли бўлган образларини мультфильмларга кўчириб, боғча ёшидаги болаларни шу орқали буюк мутафаккир идеали руҳида тарбиялайлик. Улуғ шоир асарлари асосида турли интеллектуал ўйинлар, мультимедиалар дастурларини яратайлик. Токи фарзандларимиз шуурига компьютерда ўйнай туриб ҳам Мир Алишер Навоий орзулари, қарашлари сингсин. Ана шундагина миллат ёўлари улуғ бобокалонимиз меросидан тўлиқроқ баҳраманд бўлиши, ибратланиши мумкин.

Яна бир фикр: Навоийни англаш, мутахассислигидан қатъи назар, барча учун сув ва ҳаводек зарур. Шу боис улуғ шоир асарлари фақат филология йўналишлари эмас, барча соҳалар талабаларига ўқитилиши керак.

Сўз навоийшунослик ҳақида кетадими ёки мумтоз адабиётнинг бошқа жабҳалари хусусидами, бундан қатъи назар, матнни англаш, матнни идрок этиш, матн талқини ва таҳлили масалалари энг асосий ўрин тутади. Устоз академик Матёқуб Қўшжонов бир суҳбатда матнни англамай туриб, матнга муҳаббат қўймай туриб, адиб ҳам, шоир ҳам, адабиётшунос ҳам бўлиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирган эди. Дарҳақиқат, матнни севиш, матн устида қилни қирқ ёриб ишлаш орқалигина мумтоз сўз қадрини тушуниш, уни идрок этиш мумкин. Бусиз улуғ Навоийни англаш маҳол. Ушбу монографияда улуғ бобокалонимиз адабий меросининг нисбатан кам ўрганилган жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат қилинди. Чексиз уммон сувини кўза билан ўлчаб бўлмаганидек, буюк Навоий меросининг қимматини мўъжаз бир китобда баҳолаш, табиийки, имконсиздир. Шу боис муҳтарам ўқувчилардан китобдаги саҳву хатоларни афв қалами билан ўчириб мутолаа этишларини ўтиниб қоламиз.

КОМИЛ ШАХСИЯТ ВА ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

“Адаб” сўзи тор маънода адабиёт илми маъносини англатади. Шарқ-ислом оламида ҳозирги “адабиёт” истилоҳи “адаб илми” деб юритилган. Кенг маънода эса, биринчи навбатда, “ҳар бир ишда меъёрни сақлаш” тушунчасини билдиради. “Ғиёс ул-луғот”да бу сўзнинг адаб илмига доир “сарф, наҳв, маоний, баён, бадеъ каби маънолари изоҳланган. Маҳмуд Замахшарий фикрича, “адаб” сўзи заковат, ҳунар маъносини ҳам англатади. “Мунтахаб ул-луғат”да бу сўзнинг адабиёт илмига доир адаб, луғат, сарф, иштиқоқ, наҳв, маоний, баён, аруз, қофия, расми хат, шеърдаги қариз илми (шеърнинг фасоҳат ва балоғат жиҳатидан мукаммаллиги ёки нуқсонли эканини ажратадиган илм) каби маънолари баён этилган. Қариз илмидан мақсад Қуръони карим мутолааси ва тиловатида хатоликдан сақланиш бўлгани алоҳида таъкидланган. Мазкур луғатда “адаб” кенг маънода яхши хулқ, шарм, ҳаё, тоза табиат, илм, тарбия, танбеҳ, таъзир маъноларида келиши кўрсатилган. Ёш авлодни адабда мукаммал этиб тарбиялаш учун баъзан танбеҳ бериш ҳам тақозо этилади. “Адабини бермоқ”, “адабини олмоқ” тушунчалари замирида таъзир маъноси мужассам. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида “адабини бермоқ” ўрнида аксар ҳолларда “адаб қилмоқ” жумласи қўлланади. “Адабиёт” истилоҳи ана шу “адаб” сўзидан унинг адабиёт илмига оид маъноларининг умумлашмасидан олинган.

Шарқ-ислом дунёқарашида адабнинг икки тури ажратиб кўрсатилган: 1) аслий адаб; 2) касб этилган адаб. Инсонга Тангри таоло томонидан ато этилган ҳар бир ишда меъёрни сақлашга қаратилган фазилатлар аслий адабга киради. Касб этилган адаб таълим олиш, ёдлаш ва кузатиш орқали ҳосил бўлади. Аслий адаб инсоннинг табиатида бўлади, бироқ унинг умри давомида камолотга эришмоғи учун кафолат бўла олмайди. Касб этилган адаб, агар у муттасил бойитиб, ривожлантириб борилса, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилади. Бундан ташқари, ислом олимлари фикрича, «адаб» суннат маъносида ҳам қўлланади. Бу жиҳатдан адаб одамларда Аллоҳ таоло буюрган эзгу ишларда собит бўлиш ҳамда барча қайтариқлардан, хатоликлардан сақланиш хусусиятини шакллантиришга хизмат қилади. Ҳазрат Алишер Навоий фикрича, адаб кичикларнинг саодатга эришмоғига ва улуғларнинг камолотда янада юксалмоғига боис бўлади. Улуғ мутафаккир адабни қуйидагича таърифлайди:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.

Яъни одамзоднинг шараф топиши мансаб-мартаба, бойлик ёки насаб орқали амалга ошмайди. Инсонни фақат ҳаё ва адаб улуғлайди.

“Адабиёт” араб тилидан олинган бўлиб, “адаб” сўзининг кўплик шакли. Адабиёт кенг маънода муайян фан ёки амалиёт соҳаларига доир асарлар мажмуи (диний-маърифий адабиёт, тиббий адабиёт, илмий-техникавий адабиёт ва ҳ.к.). Тор маънода эса, сўз санъати – бадиий адабиёт маъносида қўлланиб, воқеликни сўз воситасида образли ифодалашдир. Бадиий адабиётнинг икки тури ажратилади: оғзаки ва ёзма. Биринчи тури халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олиб, унинг шаклланиши миллат тарихининг ибтидосидан бошланади. Адабиёт инсон кечинмаларию туйғуларини, руҳиятию тахайюлини сўз орқали бор мураккаблиги билан ифодалаш, унинг кўнгли ва шуурига таъсир этиш имконияти-

га эга. Шарқ-ислом мутафаккирлари асарларида бадиий адабиётнинг икки ифода шакли ажратилган: назм ва наср. Шарқ-ислом адабиётида назм насрга қараганда кенг тарқалган ва кўпроқ ривожланган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонида назмнинг насрдан афзаллиги қуйидагича таъкидланади:

Ҳар киши қилмоқ истаса маълум
Бири мансур эрур, бири манзум.
Насру назми ангаки мудракдур,
Назмнинг пояси бийикракдур...

Афлотун ва Арасту асарларида бадиий адабиётнинг уч тури ажратиб кўрсатилган: эпос, лирика ва драма. Эпос воқеликни катта кўламда бадиий ифодаласа, лирикада асосан ижодкорнинг воқеликка ақлий-ҳиссий муносабати акс этади. Шарқ адабиётида лирика ва эпос хусусиятларини уйғунлаштирган лиро-эпик тур ҳам мавжуд. Масалан, "Хамса" достонлари бунга ёрқин мисолдир. Шайх Аҳмад Худойдод ат-Тарозий "Фунун ул-балоға" асарида шеърнинг (лириканинг) *қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, тарже̂ъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард* сингари ўн навъини ажратиб кўрсатади. Туркий шеъриятга хос *туюқ*ни ҳам шу сирага қўшиш мумкин.

Шарқ-ислом адабиёти шаклни ҳам, вазнни ҳам, ижодий концепцияни ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан олган. "Фунун ул-балоға"да асосан шеърнинг поэтик шаклига тааллуқли бўлган бадиий санъатларга мисоллар аввал Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан, кейин турли шоирлар назмий асарларидан келтирилади. Масалан, шеърда биринчи мисрадаги ҳар бир сўзнинг иккинчи сатрдаги ҳар бир сўз билан оҳангдош, вазндош ва қофиядош бўлиши талаб этиладиган тарсиъ санъатига мисол сифатида Қуръони мажиддан қуйидаги икки оят келтирилади:

Иннал-аброра лафий наъим,
Ва иннал-фужжаро лафий жаҳим. (Инфитор, 13-14)

Яна:

Инна илайна ийобаҳум,
Сумма инна аълайна ҳисобаҳум. (Ғошия, 25-26)

Шундан сўнг мазкур бадиий санъатга Расули акрам (с.а.в.)нинг "Кимки ғазабига итоат қилибди, адабини зое қилибди" мазмунидаги мана бу ҳадиси мисол қилинган:

Ман аътоъа ғазабаҳу, азоъа адабаҳу.

Тарсиъ санъатига ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достони муножот қисмидан олинган қуйидаги байт мисол бўла олади:

Кимки боши саждада – масжудисен,
Кимки юзи қиблада – маъбудисен.

Ташбеҳ – бадиий адабиётнинг хусусиятини тўлиқ мужассам этадиган санъат. Шайх Аҳмад Худойдод ат-Тарозий бу бадиий санъатга "Ёсин" сурасидан мисол келтиради:

Вал-қамара қаддарнаҳу манозила ҳатта ъада ка-л-уржуни-л-қадим

Маъноси: Биз ойни ҳам токи у эски хурмо бутоғи каби бўлиб қолгунча манзилларини белгилаб, тайинлаб қўйгандирмиз.

Ушбу ояти каримада "*эски хурмо бутоғи каби*" дейилар экан, Аллоҳ таоло бу орқали инсонларга ташбеҳ воситасида фикр юритишни таълим беряпти. Шу асосда муборак Ҳадисларда ҳам ташбеҳ асосида фикрнинг балоғат ва фасоҳат билан баён этилиши кузатилади. Мас.: *Ан-насу сававун кааснанил-мишти.* Маъноси: *Одамлар худди тароқнинг тишлари каби баробардирлар.*

Алишер Навоий "Хамса"сининг биринчи достони – "Ҳайрат ул-аброр"да устози Абдураҳмон Жомий таърифида қуйидаги ташбеҳлар қўлланилгани кузатилади:

Кўкси – ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли – маоний юзи ойинаси.

Бу мисоллар бадиий адабиёт поэтик шаклни Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан олгани исботидир. Шарқ-ислом адабиёти нафақат шаклни, балки мазмунни ҳам эътиқодимизнинг мазкур мўътабар манбаларидан олган.

Шарқ-ислом адабиётида вазн ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан олинганини ҳазрат Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да: "Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубдурки, аруз қавоиди била ростдур", дея таъкидлайди. Бироқ бу ўринда алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, улуғ бобокалонимиз "назм" деганда бугунги "шеър" истилоҳини назарда тутмаган. "Назм" атамасида сўзнинг "низомга солиниши, аниқ тартибга бўйсундирилиши" маъноси мужассам. Шарқ-ислом адабиёти Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан айни шу хусусиятни олди. Буюк мутафаккир "Мезон ул-авзон"да, жумладан, «Лан танолу-л-бирра ҳатто тунфиқун» (Оли Имрон, 92) ояти *рамали мусаддаси маҳзуф* вазнида, «Вал-мурсалоти урфан, фал-осифати асфан» (Ал-Мурсалот, 1-2) оятлари *музореи мусаммани ахраб* вазнида экани, "Каломуллоҳда кўп ерда бу навъ воқеъ" бўлгани хусусида тўхталиб ўтади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ёзишича: "Расул саллаллоҳу алайҳи вассаллам аҳодисида даҳи ҳам бу тариқ тушубдур". Улуғ аллома фикрича: "Ман акрама олиман фақад акраманий» ҳадиси «мафъулу мафоилун мафоийлу фаул» афоили билан рубоий вазнида *ҳазажи ахраби мақбузи мақфуфи мажбуб*да воқеъ бўлгани бунинг исботидир.

Адабиётда воқеликни акс эттириш тамойили ижодий услубни белгилайди. Бироқ шу пайтгача ижодий услуб масаласига Ғарб адабиётшунослиги мезонлари асосида ёндашилиб келинди. Ижодий услуб масаласига ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, шарқона адабий-эстетик тафаккур мезонлари асосида янгича ёндашилиши замон тақозосидир. Адабиётнинг бадиийлик мезони унинг ҳам мазмун, ҳам бадиият жиҳатидан мукаммал бўлишини тақозо қилади. Бадиийлик мезони бадиий шакл ва мазмуннинг ҳар жиҳатдан уйғун бўлиши, ғоянинг миллий ахлоққа мутаносиблиги, бадиий шаклни юзага келтирувчи компонентларнинг мукаммаллиги асосида юзага келади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг исломий асосларга таяниши унинг миллийлигини инкор этмайди. Улуғ шоиру адибларимизнинг асарларини миллий тилда ёзгани, уларда туркий миллатга хос эътиқод, руҳият, дунёқараш акс этгани бунинг исботидир. Адабиёт ижтимоий воқеликни бадиий акс эттирса-да, унинг асосий тасвир объекти инсондир. Инсон руҳияти, эътиқоди, ҳаёт тарзи, маънавий олами, умр йўлидаги воқеликни бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан образли тасвирлаш орқали шахс камолоти ва жамият равнақига хизмат қилиш адабиётнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари шарқ ислом адабиётининг юксак намуналаридир. Буюк мутафаккирнинг бадиий ижодда камолот даражасига кўтарилишида қуйидаги ижтимоий-маърифий ва бадиий-эстетик омиллар асос-замин бўлган:

1. Қуръон ва Суннатни мукаммал ўрганиб, бутун ҳаёти давомида ислом шариатининг бу икки мўътабар манбасига оғишмай амал қилгани.

2. Буюк ислом мутафаккирлари, тасаввуф алломалари асарларини ўргангани ҳамда улардаги ғояларни муттасил ривожлантириб ва бойитиб, асарларида юксак даражада бадиий талқин эта билгани.

3. Ўзи мансуб туркий халқнинг, ўзбекнинг тарихини мукаммал билгани, бутун ижодий-илмий салоҳиятини миллатнинг ору номуси, шону шарафини ҳимоя қилиш, юксалтириш йўлига сафарбар эта олгани.

Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий шариат арконларига қатъий риоя этган. Ғазалларидан бирида улуғ шоир эътиқод (тавҳид) билан амал (шариат) уйғун бўлиши шартлигини қуйидагича талқин этади:

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади – илҳод бил.

Яъни тавҳид – Аллоҳ таолонинг ягоналиги сирини англамоқчи бўлган киши билсинки, шариат чегарасидан чиқса, йўлдан адашади.

Алишер Навоий – сўзи ва амали бир мутафаккир. Юқоридаги байтда ифодаланган қарашларининг исботи сифатида у бир умр ислом шариати рукнларига қатъият билан амал қилди. Буни улуғ бобокалонимизнинг ўзи “Вақфия” асарида қуйидагича эътироф этади: “...чун кишига абадий давлат ва саромади саодат ва ҳаёт чашмасининг навиди ва нажот манзилининг умиди исломнинг беш сутунлик зоту-л-имодиға кирмагунча мумкин эрмас ва бу хамсу-л-муборак панжасиға илик урмағунча ҳеч иш натижа бермас. Аввал ул калимаи тавҳиддур. Шукрким, они алифдек жоним орасида нақш этибмен. Иккинчи – салоти хамсадур. Биҳамдиллаҳким, они найдек зеҳн аро сабт қилибмен. Учунчи – Рамазоннинг ўттуз кунининг рўзасидур. Шукрулиллаҳким, они ломдек қалбимда ёшурубмен. Тўртинчи – закотдур. Жоним нақди ул Тенгриға закотим...”.

Хондамирнинг ёзишича, ҳазрат Алишер Навоий: “... беш маҳал жамоат билан ўқиладиган намозларнинг барчасида қатнашардилар”. Жума ва жамоат намозлари ўқишни ташкиллаштиришда ҳам алоҳида ғайрат кўрсатган. Ҳирот шаҳридаги Марғаний боғи ичида бениҳоя чиройли безаклар билан зийнатланган жоме масжиди қуриб, ўз замонаси қориларининг сараси бўлган Хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни ушбу масжид имомлигига тайинлаган ҳамда ўзи бу ерда беш маҳал жамоат билан ўқиладиган намозларда мунтазам иштирок этган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилмаган. Хазинага келиб тушган ҳар қандай даромад тез орада турли табақалар вакиллари бўлган кишиларга инъом сифатида сарфланган ёки масжид, мадраса, хонақоҳ ва шу каби иншоотлар қурилишига – халқ манфаатига йўналтирилган. Шунга қарамай, амир Навоий закот бериш борасида ҳам катта ғайрат кўрсатган. Рамазон рўзасини тутишга кучли эътибор бериш баробарида бу муборак ойда садақалар ва хайр-эҳсонлар сонини, айниқса, кўпайтирган. Фозиллар, шоирлар, қашшоқлар, ногиронлар ва етимларни пул ва кийим-кечаклар совға қилиб сийлаган. Турли табақадаги кишиларни хайр-эҳсон дастурхонидан баҳраманд этган.

Ҳазрат Алишер Навоий бир неча марта исломнинг бешинчи рукни – ҳаж сафарини адо этиш ниятида йўлга чиққан. Биринчи марта ҳаж ниятида йўлга тушиб, Машҳадга яқин-

лашганда, Мавлоно Абдулҳай исмли чопар Султон Ҳусайн Бойқародан мактуб олиб келади. Султон Ироқ ва Боғдоддаги вазият нотинч ва беқарор экани, Миср ва Шом чегараларида турли бошбошдоқликлар юз бераётгани тўғрисидаги хабарлар боис, йўлнинг хавфсизлиги ҳажнинг шартларидан бири эканини далил қилиб, улуғ амирни ҳаж сафаридан қайтаради. Иккинчи марта ҳазрат Алишер Навоий давлатнинг бардавом ҳамда унинг қудрати ва улуғлигининг абадий бўлишини дуо қилиш шарти билан ҳаж сафарига рухсат сўраганда, Султон Ҳусайн Бойқаро 1500 йил 2 июнда бажарилиши барча учун мажбурийлиги таъкидланган махсус фармон чиқаради. Унга кўра, ҳазрат Алишер Навоий ҳаж йўлида жойлашган мамлакатлардан қай бирига борса, у ердаги ҳокимлар, аъёнлар, аҳоли ва йўл хавфсизлиги қўриқчилари ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши, хизмат қилиши, хавф-хатарли жойлардан ўтишида қўриқчилар билан таъминлаши шарт, деб белгиланган. Аммо фармон чиқарилган жавзо (21 май – 21 июнь) ойида ҳаво ҳарорати кўтарилгани боис сафарни амалга ошириш катта қийинчилик туғдириши мумкинлиги эътиборга олиниб, ҳаж сафарига сунбула (22 август – 21 сентябрь) ойида боришга қарор қилинади. Ҳазрат Алишер Навоий учинчи марта 1500 йилнинг 26 августида ҳаж ниятида йўлга отланади. Лекин йўлда соғлиги ёмонлашгани сабабли ўша йилнинг сентябрида йўлга чиқишни режалаштириб, уйга қайтади. Бироқ Хуросоннинг улуғ машойихлари ва олимлари шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзо исён кўтаргани муносабати билан салтанат осойишталигини сақлашда буюк амирнинг роли катта эканини айтиб, ҳаж сафарини қолдиришни сўрайди. Шундай қилиб, бу қутлуғ ният амалга ошмай қолади.

Алишер Навоий буюк ислом мутафаккирлари, тасаввуф алломаларининг қуйидаги китобларини қунт билан ўрганган ва ўз асарларида тилга олган: *Тафсир китоблари:* Нажмиддин Кубронинг Қуръони карим тафсирига доир “Айну-л-ҳаёт”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Жавоҳиру-л-Қуръон”, Рўзбеҳон Бақлийнинг “Аройису-л-баён фи-л-ҳақойиқи-л-Қуръон”, Абу Толиб Маккийнинг “Қуту-л-қулуб”, Нажмуддин Розийнинг “Баҳру-л-ҳақойиқ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Жавоҳиру-т-тафсир”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-кашшоф фи тафсири-л-Қуръон”, Садруддин Қўнавийнинг Қуръони карим биринчи сураси тафсирига доир “Тафсири фотиҳа” асарлари. Ушбу зикр этилган асарлар тафсир илми соҳасида мўътабар манбалар сифатида бутун ислом оламида эътироф қозонганининг ўзиёқ буюк мутафаккирнинг Қуръон илмига нечоғлик кучли эътибор қаратганини кўрсатади. Улардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Жавоҳиру-т-тафсир” асари бевосита ҳазрат Навоийнинг тавсияси ва ҳомийлигида ёзилган. Тафсир қўлёзмаси сўнгида муаллиф улуғ амирнинг ислом дини ривожи йўлидаги фаолиятига юксак баҳо берган.

Ҳазрат Алишер Навоий *ҳадислар ва бу илмга доир* нодир манбалар мутолаасига ҳамда уларнинг илмий моҳиятини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берган. Ҳадис илми ривожида беқиёс аҳамиятга эга бўлган Имом Абу Абдуллоҳ бинни Исмоил Бухорийнинг “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ”, Имом Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож л-Қушайрий ан-Нишобурийнинг “Саҳиҳу-л-Муслим”, Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Сунани Термизий”, Маждуддин Муҳаммаднинг “Жомеъу-л-усул” асарлари, бу илмнинг бадиий адабиётга таъсири билан боғлиқ Имом ан-Нававийнинг “Арбаъину-н-Нававий”, Абдураҳмон Жомийнинг “Шарҳи ҳадис” ва “Арбаъин” асарлари буюк шоир тафаккури миқёсларининг юксалишида алоҳида ўрин тутган.

Тасаввуф илми ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида нечоғлик муҳим ўрин тутгани исбот талаб қилмайди. Шу боис болалик кезларидан тасаввуфий адабиётнинг мумтоз намунаси бўлган Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини севиб мутолаа қилган, ҳатто ёдлаб олган эди. Тасаввуф илмининг улкан назарий-фалсафий ва адабий-маърифий аҳамиятга молик манбалари ҳисобланган Муҳиддин ибн ал-Арабийнинг

"Фусус ул-ҳикам", Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Иҳёу улуми-д-дин", Каъб бинни Зуҳайрнинг "Қасидаи бурда", Шайх Хожа Абдуллоҳ ан-Ансорийнинг "Манозилу-с-сойирин", Шаҳобуддин Суҳравардийнинг "Аълому-т-туқо", Ҳаким Саноийнинг "Ҳадиқату-л-ҳақойиқ", Шайх Саййидуддин Фарғонийнинг "Маноҳижу-л-ибод ала-л-миъод", Хожа Муҳаммад Порсонинг "Фаслу-л-хитоб", Амир Қосим Анворнинг "Анису-л-ошиқин", Жалолуддин Румийнинг "Маснавийи маънавий", Абу Али Жуллобий Ҳужвирийнинг "Кашфу-л-маҳжуб", Шайх Алоуддин Симнонийнинг "Иқболия", Абулҳусайн Жаҳзам Ҳамадонийнинг "Баҳжату-л-асрор", Шайх Нажмуддин Кубронинг "Фавотиҳу-л-жамол", Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Миръоту-с-сафо", Ҳорис бинни Асъад Муҳосибийнинг "Китобу-л-мунқиз ва-л-васоё", Шайх Фаридуддин Атторнинг "Мантиқу-т-тайр", "Тазкирату-л-авлиё", Абдуллоҳ ал-Яманийнинг "Равзу-р-райоҳин", Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг "Ҳаққу-л-яқин", Абулқосим Қушайрийнинг "Рисола фи-т-тасаввуф", Абудурраҳмон ал-Сулламий ан-Нишобурийнинг "Табақоти суфия", Ҳаким ат-Термизийнинг "Хатму-л-валоя", Абдурраҳмон Жомийнинг "Ашиаъту-л-ламаъот" ҳамда Ибн ал-Арабийнинг "Нақшу-л-фусус" асарига ёзган "Нақду-н-нусус" номли шарҳи, мазкур алломанинг "Фусусу-л-ҳикам" асарига ёзган "Нақду-л-фусус" номли шарҳи ва бошқа асарлар буюк шоирнинг Мутасаввуф сифатидаги камолотига хизмат қилган, ижодий юксалишида манба вазифасини ўтаган.

Ҳазрат Алишер Навоий диний-маърифий ва фалсафий-ирфоний ғояларни назмий асарлари орқали юксак даражада бадиий талқин этган буюк шоир. Унинг илк девони мухлислар томонидан 1465 йилда тузилган. Бу девон халқ орасида машҳур бўлиб кетган. Девоннинг машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган нусхаси Санкт-Петербургда Россия Миллий кутубхонасида сақланади. 1470-1476 йиллар орасида буюк шоирнинг «Бадоеъу-л-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси») девони тузилди. Девон таркибидан 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас ўрин олган. 1476–1483 йиллар орасида буюк шоир «Наводиру-н-ниҳоя» («Туганмас нодирликлар») девонини тузган. 1481–1482 йилларда эса «Арбаъин» («Қирқ ҳадис») асарини ёзди. Ўша даврда ғазал, қасида, айниқса, муаммо ижодкор салоҳиятини кўрсатувчи мезон эди. Форсий тилдаги "Девони Фоний" таркибидан 373 муаммо ўрин олган. Шоирнинг лирик асарлари ва қитъа жанрига оид шеърлари жамланган "Арбаъин" асарида ислом маърифати ғоялари етакчи ўринда туради.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 1483-1485 йилларда ижод қилинган «Хамса» асари беш достон: "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий"дан таркиб топган бўлса-да, ягона ижодий концепцияга бўйсунади, яхлит поэтик тизим асосида яратилган. "Хамса" таркибига кирган ҳар бир достон Аллоҳ таолога ҳамд, муножот ва Расулуллоҳ (с.а.в)га наът билан бошланади. Ақоид илмига оид ҳақиқатлар ана шу муқаддима қисмларининг асосини ташкил этади. Улуғ шоир ҳар бир байт, ҳар бир мисра замирига Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар мазмунини маҳорат билан сингдириб юборади. Айрим ўринларда улардан иқтибослар келтиради. Жумладан, ""Ҳайрат ул-аброр"нинг аввалги муножотида инсонга мана бундай таъриф беради:

"Каррамно" келди маноқиб анго,
"Аҳсани тақвим"муносиб анго.

Байтдаги "Каррамно" сўзи "Исро" сурасининг "Батаҳқиқ Биз бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик" мазмунидаги 70-оятидан иқтибос. "Аҳсани тақвим" жумласи "Тийн" сурасининг "Батаҳқиқ, Биз инсонни яхши суратда яратдик" мазмунидаги 4-оятидан олинган. Ҳазрат Алишер Навоий Аллоҳ таоло инсонни мукаррам қилгани ва яхши суратда яратгани

билан боғлиқ Қуръони каримдаги икки илоҳий хабарни бир байтга жамлаш орқали Одам фарзандларининг мақоми юксак экани, шунга муносиб ҳаёт кечирмоғи зарурлиги масаласига урғу берган.

Наът бобларнинг биринчисида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури бутун оламлардан аввал яратилгани ва Одам сафийуллоҳдан Расулуллоҳнинг отаси Абдуллоҳга етишгани, иккинчисида пайғамбаримизнинг таваллудидан қирқ ёшга тўлгунга қадар ҳаёти ва пайғамбарликнинг дастлабки даври, учинчи наътда нур ва соя рамзлари воситасида оламлар сарварига берилган ладунний илм ҳамда ислом шариатининг Араб ва Ажамга ёйилиб, куфр зулматини ёритгани, тўртинчи наътда Расули акрам с.а.в.нинг шариат ривожи йўлидаги хизматлари ва асҳоби киром васфи, бешинчи наътда мерож кечаси таърифи қаламга олинган.

Достон йигирма мақолатдан таркиб топган. Ҳар бир мақолатда маълум бир муҳим мавзу ёритилгач, шунга доир ҳикоят келтирилган. Бундай усул достон мазмунининг таъсир кучини оширган, бадииятини юксалтирган. Биринчи мақолатда иймон одамийликнинг шарти, инсон камолотининг асосий манбаи сифатида васф этилади:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур.

Мақолатда иймоннинг олти шарти – Ҳақ таолога, фаришталарга, Тангри таоло сўзи бўлган самовий китобларга, пайғамбарларга, қиёмат кунига ҳамда қазои қадарга иймон келтириш зарурати таъсирли бадиий ифодаланган. Ҳазрат Навоий кимки иймоннинг ана шу олти рукнига эътиқод қилса, ҳар қанча номасиёҳ (амал дафтари қора), ғарқаи дарёи гунаҳ (гуноҳ дарёсига чўмган) бўлса ҳам, афв этилиб, абадий раҳматга эришмоққа умид қилмоғи мумкинлигини таъкидлайди. Асарда таърифланишича, иймон – барча инсоний фазилатлар асоси. Ислом, адолат, карам, адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлиғ, илм, булутдек жамиятга фойда келтирувчи бўлмоқ сингари хислатлар иймон пойдевори устига қурилади. Достонда ушбу фазилатларнинг ҳар бири алоҳида боб доирасида бадиий талқин этилади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг иккинчи мақолати «алиф»лари амният боғининг сарвлари, «син»и саодат қасрининг кунгираси, «лом»и латофат гулчеҳрасининг сунбули зулфи ва «мим»и муҳаббат машъалининг нури” дея таърифланган “ислом” васфига бағишланган. Ҳазрат Навоий талқинича, Тангри таоло олам аҳлини икки тоифа: аҳли нажот ва аҳли ҳалок этиб яратган, биринчиси ислом йўлидагилар, иккинчиси эса “обиди асном” – санамларга топингувчилар. Кейин эса исломнинг беш шарти – “хамси муборак”ни шаҳлайди:

Англағил арконини беиштибоҳ,
Аввали “Иллаллоҳ” ила “ло илоҳ”,
Ёна Муҳаммадни анго бил расул,
Бер мунга тониғлиғу қилғил қабул.

Яъни биринчи шарт – Аллоҳ таолонинг ягоналиги ва Муҳаммад алайҳиссалом унинг расули эканига гувоҳлик бериш ҳамда чин кўнгилдан қабул қилиш. Буюк шоир таърифича, икки оламнинг низоми ана шу икки калом биландир. Исломнинг иккинчи шарти – адои салот, яъни намоз, учинчиси – закот, тўртинчиси – рўза, бешинчиси – ҳаж, яъни Байтулҳарамни зиёрат этмоқ билан боғлиқ талқинлар ҳам фикрнинг таъсир кучи катта экани, бетакрор бадиияти билан алоҳида ажралиб туради.

"Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Сабъаи сайёр" достонлари асосий қаҳрамонлари тарихий илдизларига эга. Жумладан, буюк мутафаккир "Тарихи мулуки Ажам" асарида Хусрав Парвиз бинни Ҳурмуз тарихини алоҳида зикр этади. Асарда Фарҳод, Ширин, Бузург Уммид номлари ҳам тарихий шахслар сифатида тилга олинган. Хусравнинг оламда ҳусну латофат ва жамолу малоҳатда тенгсиз Ширин исмли маҳбубаси, Фарҳоддек рақиби, шунингдек, Бузург Уммиддек асрининг аълами даражасидаги вазири бўлгани, Фарҳодни бегуноҳ қатл эттиргани ҳақидаги маълумотлар мазкур образларнинг тарихий шахслар эканидан далолат беради. Асарда тарихий ҳақиқат юксак бадиий ҳақиқатга айлантирилган. "Тарихи мулуки Ажам"да ёзилишича, Хусрав Парвез ҳукмронлиги Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилиши даврига тўғри келган. Пайғамбаримиз уни ислом динига даъват этиб нома юборган. Лекин у ғурурга кетиб, муборак номани йиртиб отган. Буюк шоир таърифича, бу орқали у ўз мулки ва давлатиға қасд қилган. Расули акрам с.а.в. мўъжизасидан мулки заволга учраб, ўғли Шеруя подшоҳ бўлган. Бундан ҳазрат Навоий тарихий воқеалар ҳамда Шарқ халқлари ижодиётидаги уларга асосланган сайёр сюжетларни "Хамса" концепцияси асосида қайта ижод этиб, мукаммал бадиий асар даражасига кўтаргани ён бўлади.

"Фарҳод ва Ширин" йўналишида Алишер Навоийгача ёзилган Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг ушбу мавзудаги достонлари "Хусрав ва Ширин" деб номланган ҳамда бош қаҳрамон сифатида Хусрав танланган. Ҳазрат Навоий хамсачилик анъанаси негизида ўзига хос ижод мезонлари асосида оламшумул янгилик яратди, хамсанависликни юксак бир даражага кўтарди. Низомий-Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийдай буюк ижодкорлардан кейин хамсачиликни янги босқичга олиб чиқиш осон бўлмагани аён. Алишер Навоий буюк салафларини такрорлаш у ёқда турсин, уларга айрим эътирозларини ҳам билдиради. Жумладан, улар Хусрав образи талқинида *"Ки мулки андоғу ойини мундоқ, сипоҳи андоғу тамкини мундоқ"* тарзида мақтовни ҳаддан оширганини танқид қилади. Ана шу мавзудаги асарини "Фарҳод ва Ширин" деб атар экан, ўз ижод мезонидан келиб чиқиб, бош қаҳрамонликка Хусравни эмас, Фарҳодни танлайди.

Фарҳод – комил инсон тимсоли. У уч ёшга кирганда бошқа ўн ёшга кирган болалар даражасида бўлади. Муаллимга берадилар. Табиият, риёзиёт, илоҳиёт, ҳикмат, абжад илмларини пухта эгаллайди. Уч ойда равон савод чиқаради, бир йилнинг ичида Қуръони каримни ёд олади.

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм, –

дея таърифланади унинг илмдаги даражаси. Ана шундан кейин унинг қалбига ишқ оташи тушади. Бу орқали инсон камолоти учун илмнинг ўзигина кифоя қилмаслиги, ишқсиз комилликка эришиб бўлмаслиги ғояси бадиий талқин этилган.

"Хамса"даги беш достоннинг ҳам муқаддимаси ҳамд, муножот ва наът бобларидан таркиб топган ва улар муаллиф ижодий ниятидан келиб чиқиб достон хусусиятига мос талқинлар билан бойитилган. Жумладан, "Лайли ва Мажнун" достонининг ҳамд бобида Ҳақ таоло қудратини англашда ақлнинг нечоғлик ожиз экани ифодаланади:

Эй сендин улус хужаста фаржом,
Оғозингга ақл топмай анжом.

Эй ақлға фоизи маоний,
Боқийсену борча халқ фоний.

Бу орқали буюк шоир фақат ақлгагина таяниш эътиқод асосларига мувофиқ эмаслигини, ақл ва ишқ муносабатлари билан боғлиқ достон концепциясини ўқувчи шуурига сингдира боради. Аллоҳ таолонинг ҳуснни дилпазир (ёқимли), эл кўнглини унга асир қилганини таъкидлар экан, китобхон руҳиятини Қайснинг Мажнунга айланишига тайёрлайди. Ҳазрат Навоий талқинига кўра, Ҳақ таоло ҳусни тажалли қилгани боис Лайли Унинг ишқига мазҳар бўлди. Лайлининг сифоти эса Мажнун қилмоқдир.

Эй Мажнунунг хираддин озод,
Оҳи берибон хирадни барбод,
Эй ақл сенинг йўлунгда ғофил -
Ким, телба сенинг йўлунгда оқил.

Ҳазрат Навоий ана шу тарзда асарнинг ҳамд бобини асосий сюжет билан мустаҳкам боғлайди. Асардаги ҳар бир сўз ва образ, ҳар бир байт ва боб муаллиф ижодий нияти ифодасига хизмат эттирилади.

"Сабъаи сайёр" достонида муаллиф концепцияси негизида нафс йўриғига юриш, унга қул бўлишнинг оқибати хорлик эканига доир Қуръони карим таълимотининг бадиий талқини туради. Достондаги ҳар бир детал, образ ва талқин ана шу концепцияни мантиқ ва бадиият қонуниятлари асосида далиллашга қаратилади. Овга муккасидан кетган, салтанат ишларига лоқайд, кўнглида дард мояси йўқ, ишқ оташидан маҳрум Баҳром образи орқали нафсга мутелик қораланади. Дунёга ҳирс қўйиш шахсни емириши, салтанатни инқирозга олиб келиши билан боғлиқ барча замонлар учун аҳамиятли хулоса образли ва таъсирли ифодаланади.

"Хамса"нинг сўнгги бешинчи достони "Садди Искандарий"ни ёзишга киришишдан аввал ҳазрат Навоий буюк жаҳонгир тарихини қунт билан ўрганган. Бундан буюк мутафаккирнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо"ни "Хамса"дан кейин ёзган бўлса ҳам, бу тарихий асар учун зарур бўлган материалларни анча аввал тўплай бошлагани аён бўлади. Ушбу асарда "Искандар Зулқарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур", деган хабар берилади. Искандар ўзигача ва ундан кейинги барча ҳукмдорлардан афзал экани, ҳаким ва валий бўлгани, баъзилар уни пайғамбар деб ҳисоблагани айтилади. Тўрт юз ҳаким унинг хизматида бўлгани, Арасту унга вазирлик қилгани, яъжуж-маъжужларга қарши садд – девор қургани, Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Исфаҳон шаҳарларини Искандар бунёд этгани таъкидланади. Буюк шоир бу материаллардан унумли фойдаланган бўлса ҳам, Искандар образини Қуръони каримнинг "Каҳф" сурасидаги Зулқарнайн қиссаси асосига қуради. Барча тарихий-илмий ва бадиий-тарихий асарларда Искандар Зулқарнайннинг инсоният учун энг аҳамиятли хизмати яъжуж-маъжужларга қарши девор қурдиргани экани таъкидланади. "Садди Искандарий" достонининг номланишидан асар сюжети ва композициясигача ана шу тарихий воқеа асос қилиб олинган. Алишер Навоий достони бу жиҳатдан буюк салафлари Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий асарларидан фарқ қилади.

"Каҳф" сурасида, жумладан, қуйидагича хабар берилади: "Сўнгра, у яна йўл олди. То (кетаётиб) икки тоғ орасига етиб келгач, (у тоғлар ортида) бирор гапни англай олмайдиган қавмни учратди. Улар: "Эй Зулқарнайн, шак-шубҳасиз, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб (бир тўғон қуриб) берурмисан?"

дедилар. У (Зулқарнайн) айтди: “Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган(мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга (мол-дунё билан эмас, балки) куч-қувват билан ёрдам берингланр, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай. Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар”. То темир парчалари иккала тоғ билан баробар бўлгач, (Зулқарнайн: “Босқонлар билан”) дам уринглар”, деди. Бас, қачон у (темир-терсакларни қиздириб) ўт қилгач (эритгач), деди: “Менга эритилган мис ҳам келтиринглар, у (темир парчаларининг) устидан қуюрман. Энди улар у (тўсиқ) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга қодир эмаслар”. “Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир”. Ана шу воқеанинг бадиий тасвири Алишер Навоий достонининг асосини ташкил этади. Искандар Ғарб ерларини эгаллагач, Шимолга йўл олиши; Рум йўлида Рус ва Фаранг ҳудудларидан ўтиши; ҳаётдан умидини узган, тушкун бир қавмга дуч келиши; уларнинг Искандарга қўрқинчли қиёфадаги яъжуж-маъжужлар ҳужум қилиб мол-жонини талон қилаётгани ҳақида шикоят қилиши; Искандарнинг яъжуж-маъжужлар ўта олмайдиган мустаҳкам девор қурдириши. Достондаги бошқа барча тасвир ва талқинлар ана шу қуръоний воқеа негизига қурилади. Бу эса Алишер Навоийнинг эътиқоди буюк адиб сифатидаги фаолияти билан нечоғлиқ уйғун эканини кўрсатади.

Достоннинг бешинчи бобида “Хамса”ни беш вақт намозга қиёсланади. Уни тўлиқ адо этмоқни бурчи деб билади. Маълум бўладики, “Хамса” туркий халқлар бадиий-эстетик тафаккурининг юксак намунаси бўлиши баробарида ислом маърифати акс этган беназир ахлоқий-таълимий манба ҳамдир.

Навоийнинг 1485 йили ёзилган “Назму-л-жавоҳир” асари ҳам ислом маърифатининг назмий ифодаси сифатида катта аҳамиятга эга. Муборак ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз с.а.в.: “Мен илмнинг шаҳриман, Али унинг дарвозасидир”, дегани ривоят қилинади. “Назму-л-жавоҳир” ана шундай юксак эътирофга сазовор улуғ саҳоба, Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиси Абу Толибнинг ўғли, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг куёви ҳазрат Алининг 255 ҳикмати шарҳига бағишланган. Ҳикматлар рубоийи тарона (тўрт мисраси ҳам қофияланган) жанрида бадиий талқин этилган. Ҳазрат Навоий замондошлари, жумладан Хондамир бу асарни юксак баҳолаган.

Ҳазрат Али ҳикматлари юксак бадиият билан шеърий талқин этилган бу асарга Абу Али Фазл ибн Ҳасан ибн Фазл Табрисий қаламига мансуб “Насру-л-лаъолий” асари манба бўлиб хизмат қилган. Ҳазрат Навоийнинг асар муқаддимасидаги: “Насру-л-лаолий”ни назм силкиға тортилди, отин “Назму-л-жавоҳир” қўюлди”, деган сўзлари буни тасдиқлайди. Асар муқаддима, ҳикматларнинг арабча матни ва шеърий шарҳидан таркиб топган.

Ҳар икки асар манбаи саналган ҳазрат Али ҳикматларига Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримизнинг с.а.в. ҳадиси шарифлари асос бўлган. Жумладан, “Агар шукр қилсангиз, (неъматларимни) зиёда қилурман” мазмунидаги Қуръони карим ояти таъсирида айтилган “Бойликни зоҳир қилиш – шукр аломати” ҳикмати Алишер Навоий асарида қуйидагича бадиий талқин этилади:

Шукр айлади шиддатда ражо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истасанг эт шукру сано изҳори -
Ким, шукр демак қилур ғино изҳори.

Ҳазрат Али ҳикматида маъно ихчам, лўнда ифодаланган. Навоий ҳикмат моҳиятини мазмунан теран, бадиият жиҳатидан гўзал, тиниқ ва таъсирли услубда талқин этган. Ру-

боийда шукрнинг нафақат моддий, шу билан бирга маънавий бойлик манбаи сифатидаги аҳамияти шиддатда ражо – оғир кунларда умид, меҳнат-машаққат кезларида балони қайтарувчи, мол истаганга ғино – бойлик боиси экани билан изоҳланган.

Асарда муборак ҳадислар таъсирида юзага келган ҳикматлар ва уларнинг назмий ифодаси ҳам етакчи ўринда туради. Масалан, "Назму-л-жавоҳир"даги "Сулмату-д-дини мавту-л-уламои" – "Олимларнинг ўлими динга тушган дарздир" мазмунидаги ҳикмат шарҳи берилган рубоийнинг деярли ҳар бир мисраси алоҳида ҳадис мазмунига мувофиқ келади:

Илм ўлди шараф дин аро ҳар ойинға,
Бормоқ бўлур ўргангали ани Чинға,
Динда уламо мужиб эрур тазйинға,
Ўлмоқлик аларға рахна солди динға.

Биринчи сатрда "Илм – дунёнинг иззати ва охиратнинг шарафидир", иккинчи мисрада "Хитойга бориб бўлса-да, илм ўрган", охирги икки сатрда "Аллоҳ таоло илмни шунчаки суғуриб олмайди, балки олимларнинг ўлими билан кўтаради. Ҳатто бирорта олим қолмайди ва одамлар ўзларига жоҳилларни йўлбошчи қилиб олишади. Одамлар улардан савол сўрашади ва улар ўзлари билмаган ҳолларида фатво берадилар. Ўзлари ҳам адашадилар, одамларни ҳам адаштирадилар" мазмунидаги ҳадислар моҳияти юксак бадиий талқин этилган. Натижада биргина ҳикмат замиридаги маънони таъсирчан ифодалаш учун ҳазрат Навоий бир қанча ҳадислардан маҳорат билан фойдаланган.

"Назму-л-жавоҳир" инсон ҳаёти учун ўта муҳим панд-ўгитлардан иборат жавоҳирлар назмга тизилган ўзига хос асар. Ҳикматларнинг бадиий ифодаси орқали иймон-эътиқод, одоб-ахлоқ, илм-маърифат, ҳақиқат ва адолат каби муҳим масалалар теран ёритилгани асарнинг қиммати баланд экани исботидир.

1487 йилда Алишер Навоий Астрободга ҳоким этиб тайинланади. Бу даврда Астробод обод музофотга айланади, қўшни давлатлар билан муносабатлар яхшиланади, савдо-сотиқ ишлари ривожланади. Бу даврда ҳам улуғ шоир ижод билан мунтазам шуғулланган, Ҳиротдаги ёр-дўстларига мактублар битган. Астроботдан Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли *Бадиуззамонга* ёзган мактубини давлат бошқаруви ҳақидаги мукаммал рисола, дейиш мумкин.

Астроботдан қайтгач, Ҳусайн Бойқаро Навоийга бир нечта юксак лавозимларни таклиф қилади. Рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган расмий унвон берилади. Шу туфайли у гарчи расмий лавозимларда ишламаса-да, давлат бошқарувида фаол иштирок этган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо" ("Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи") асари 1485–1489 йиллар орасида ёзиб тугалланган. Ҳазрат Навоий пайғамбарларни икки гуруҳга: расул ва набийларга хослайди. Пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги маълумотларни сулолалар тартибида баён этади ва Одам Ато (а.с)дан бошлаб, 60 дан ортиқ пайғамбарлар ва улар авлоди биографияларини келтиради.

Асарда пайғамбарлар ҳаётидаги энг муҳим воқеалар мухтасар баён этилган. Ҳазрат Навоий тафсилотларга берилмайди. Ҳар бир пайғамбар қиссасига тўхталар экан, улар фаолиятининг бошқалардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратади. Масалан, Шис алайҳиссаломга саҳифа нозил бўлгани, Каъба биносини илк бор у тош ва ганчдан иморат қилгани; биринчи бўлиб хурмо дарахтини эккан ва садақани жорий этган унинг ўғли Ануш экани, шу боис унинг замонида тинчлик ва фаровонликка эришилгани; Идрис алайҳиссаломга ўттиз саҳифа нозил бўлгани, туркийларнинг отаси Ёфаснинг мурсал пайғамбар экани, саккиз

фарзанди бўлиб, Искандар Зулқарнайн унинг авлодидан дунёга келгани; Ҳуд алайҳиссалом Од, Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмларига юборилгани, бу икки қавмнинг фожиали қисмати ва ҳ.к..

Асарда Муҳаммад с.а.в.нинг пайғамбарлик фаолияти ёритилмаган. Асарнинг икки ўрнида пайғамбаримиз номи келтирилган. Биринчиси, Одам алайҳиссалом қиссасида, Тангри таолонинг олам ва одамни яратмоқдан муроди Муҳаммад алайҳиссалом экани зикр этилади. Иккинчиси, пайғамбарликнинг ғайри мурсал, мурсал, улулазм ва хотим каби даражалари ҳақида маълумот берилганда, Расулуллоҳ с.а.в. номи хотим пайғамбар сифатида тилга олинади. Асарда ёзилишича, пайғамбарга ваҳий Жаброил алайҳиссалом орқали келса – мурсал; илҳом ёки туш билан элга раҳнамолик қилса – ғайри мурсал; самовий китоб нозил этилиб, шариати бўлса – улулазм; ундан кейин пайғамбар келмаса – хотим ҳисобланади.

Асарнинг пайғамбарларга доир қисмининг асосий ўзига хослиги ҳар бир набий қиссасидан кейин назмий хулоса бериб борилганида кўринади. Бу хулоса ким бўлмасин, ҳатто пайғамбарлик даражасига етса-да, инсон ҳаётининг ўткинчилиги билан боғлиқ фалсафий фикрнинг юксак бадиият билан ифодалангани жиҳатидан характерланади. Жумладан, Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар воқеалари зикридан сўнг қуйидаги назмий хулоса берилган:

Гар Иброҳиму Исмоил бўлсун -
Ки, Ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Бу фоний дайрда чун қилди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур.

Асарнинг иккинчи қисмида ҳакимлар зикри берилган. Жумладан, Луқмон, Фишоғурс, Жомосб, Буқрот, Буқротис, Суқрот, Афлотун, Аристотилис, Балинос, Жолинус, Батлимус, Содиқ, Бузуржмеҳр каби ҳакимлар ҳақида мухтасар маълумотлар келтирилган. Ҳар бир ҳаким зикридан кейин унинг ўзига хос ҳикмати шеърда берилади. Масалан, Буқрот ҳаким тўғрисида тўхталганда, ҳазрат Навоий мана бундай ёзади: “Оқил улдурким, бу қисқа умрни бир нимага сарф қилғайким, заруратроқдур, яъни охират маслаҳати ва Тенгри таоло ризоси.

Кишики қилди амал Тенгрининг ризоси била,
Ҳақ этти охиратин кому муддаоси била”.

Ҳакимларнинг энг аҳамиятли ҳикматлари шеър шаклида ифодалангани асар бадийяти ва ифоданинг таъсир кучи юқори бўлишини таъминлаган. Асар буюк шоирнинг умр мазмуни, ҳаёт фалсафасига доир концептуал қарашлари акс этгани билан ҳам қимматлидир.

Ҳазрат Алишер Навоий 1495 йили «Насойиму-л-муҳаббат мин шамойими-л-футувват» («Футувват хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари») асарини ёзди. Асарда тасаввуф таълимотининг асослари, унинг тараққиёт босқичлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Буюк мутафаккирнинг ёзишича, тасаввуф аҳли қатъий амал қилган қоидалар қуйидагилардир: 1) уларнинг энг аввалги ишлари тавба бўлган, яъни улар Ҳақ таолонинг барча қайтариқларидан парҳез қилган; 2) луқма ҳиллияти, яъни луқманинг ҳалол бўлишига жидду жаҳд кўрсатган. Шу боис Хожа Абдуллоҳ Ансорий этикдўз, Шайх Муҳаммад Саккок – пичоқчи, Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчи, Шайх Абу Бакр Хаббоз – новвой, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд – кимхобга нақш солиш орқали тирикчилик қилган. 3) шариат риояти; 4) ҳилм; 5) ризо; 6) сабр; 7) сидқ; 8) риёзат. Биргина шариатга берилган

таърифнинг ўзиёқ ҳазрат Навоийнинг мусулмонликда нечоғлиқ комил бўлгани исботидир. "...шариат риоятидурки, ул жодада истиқомат бўлғай ва улча мумкиндур ондин қадам тажовуз килмағой. Шайх ул-ислом қ.р.а. дебдурларки, ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шариатдин ўзгаки – бир, миқдори ондин кам бўлса, ҳеч нима қолмас". Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг шариат ҳақидаги сўзлари ислом маърифатининг асл илдизига асосланилгани билан қимматлидир. Асар 770 авлиёуллоҳ ҳаётига оид ибратли воқеалар тизимли ёритилгани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

1491–92 йилларда туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларини йиға бошлаган ҳазрат Навоий 1498–99 йилларда "Хазойину-л-маоний" («Маънолар хазинаси») куллиётини тузади. "Чор девон" номи билан ҳам машҳур бу куллиёт инсон умрининг тўрт босқичига монанд тарзда қуйидагича номланган:

1. Ғаройибу-с-сиғар (Ёшлик қизиқликлари).
2. Наводиру-ш-шабоб (Йигитлик нодирликлари).
3. Бадойиъу-л-васат (Ўрта ёш гўзалликлари)
4. Фавойиду-л-кибар (Кекса ёш фойдалари).

"Хазойин ул-маоний"даги тўрт девоннинг ҳар бирига 650 тадан 2600 ғазал, жами 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома – 16 жанрга оид шеърлар киритилган.

"Хазойину-л-маоний" куллиётига кирган ҳар тўрт девондан ўрин олган ҳар бир ҳарфга битилган ғазаллар ва бошқа жанрдаги шеърлар ҳам аввало ҳамд, муножот ва наътлар билан бошланган. Шоирнинг аксар лирик шеърларида ақоид, тафсир ва ҳадис илмлари мужассам экани уларнинг маърифий аҳамиятини оширади. Биргина мисол:

Ибодатингға янги ой бўлуб хам ўлди мусоллий,
Сипеҳр атласидин солибон ҳавоға мусалло.

Ушбу байт "Наводиру-ш-шабоб" девонининг 2-ғазалидан олинган. Аввало, бу ғазал – муножот-ғазал. Байтда: "Янги чиққан ой Сенинг ибодатинг учун қаддини эгиб, намозхон бўлди, Фалак атласидан ҳавога жойнамоз тўшагани (сабаби шунда)", тарзидаги фикр ифодаланган. Бу, етти қават осмон, ер ва улардаги жамиъ ашёлар Аллоҳ таолога тасбеҳ айтиши ҳақидаги Қуръони карим ояти (Исро сураси, 44-оят) мазмунининг назмдаги шарҳи, дейиш мумкин.

Ёки, қуйидаги қитъада ақоид илмидаги Аллоҳ таоло зотининг ҳақиқатини ақл билан англаш имконсиз эканлигига доир қоида ўз ифодасини топган:

Ҳақ зотиға биравки, хирад бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона айлабон.

Миқдорини тенгиз суйининг истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона айлабон.

Буюк мутафаккир шеъриятида «аҳли маоний» атамаси кўп қўлланган. "Ал-мўъжам ул-васийт» луғатида бу тоифага мақтовли сифатларга эга инсонлар кириши таъкидланиб, балоғат илмларидан бири бўлган сўзнинг асл моҳиятини англашга хизмат қилувчи маоний илми ҳақида ҳам маълумот берилган. Деҳхудонинг "Луғатнома"сида бу истилоҳга: "Аҳли суратнинг зидди, яъни аҳоли ҳақиқат. Маъно ва ботиний ҳолатга эътибор қилув-

чилар. Ҳар нарсанинг ботини ва зоҳирини мужассам этган тоифа, авлиёуллоҳ», дея изоҳ берилган. “Наводиру-ш-шабоб” девонидаги 8-қитъа “Маъни аҳлидин гадолиғ башорати ва суврат аҳолидин шохлиг ишорати» деб номланган. Қитъа матни буюк шоирнинг маоний аҳлига муносабатини теранроқ англаш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин -
Ким, буларға гадолиғ ортуғдур,
Аҳли сувратқа подшолиғдин.

Яъни қитъада таъкидланишича, аҳли маъни гуруҳида гадоликдан ор этмаслик зарур. Негаки, аҳли маъни ва аҳли сурат, подшолиғ ва гадолиғ тушунчалари ўртасидаги тазол оркали буюк шоир теран фалсафий мазмунни, таъбир жоиз бўлса, эътиқодий-фалсафий карашларининг асосини ифодалаган. Яъни шоир фикрича, али суврага подшо булишдан кўра маъни ахолига гадо будмок авлороқдир. Не бахтки, маоний аҳлига гадолик афзал эканини ана шу тарзда таъсирчан ифодалаган ҳазрат Алишер Навоийга бу тоифанинг – маоний аҳлининг соҳибқирони мақомига юксалмок бахти насиб этган.

Алишер Навоий 1499-1500 йиллар давомида “Лисону-т-тайр” (“Қуш тили”) достонини, фиққға доир “Сирожу-л-муслимин” назмий рисоласини ва қиёсий тилшуносликка доир “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) асарини яратди. Улардан “Сирожу-л-муслимин” бевосита шариат илмига доир асар эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Асар ҳақида монографиянинг кейинги бобларида муфассал тўхталинади.

“Вақфия” асари буюк мутафаккир биографиясига доир муҳим маълумотларни жамлагани жиҳатидан ҳам қимматлидир. Асар асосан насрда битилган бўлиб, матнда турли муносабат билан шеърий парчалар ҳам келтирилган. “Вақфия” ҳамд, наът ва Султон Ҳусайн Бойқаро васфи билан бошланган. Иккинчи қисм – “Маҳдудот”да ҳазрат Навоий ўз мулки ҳақида маълумот беради. Вақф қилинадиган мулкининг тўлиқ рўйхатини келтиради. Улардан тушган даромадни мадраса, хонақоҳ ва фуқарога сарф этиш тартибини белгилаб беради.

“Вақфия”да Хуросондаги сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, унинг таркибий қисмлари, давлат хизматчиларининг вазифалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар жамланган. Жамиятдаги турли табақа вакилларининг ҳақ ва ноҳақ ишларига муаллифнинг ҳаққоний муносабати ифодалангани жиҳатидан асар муҳим тарихий қимматга эга).

“Маҳбубу-л-қулуб” (“Қалблар севгани”) ҳазрат Навоийнинг сўнгги асарларидан бири бўлиб, 1500 йилда яратилган. Бу асар ахлоқий-дидактик адабиётнинг мукаммал намунаси. “Маҳбубул-қулуб” бу жиҳатдан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носир Хусравнинг “Саодатнома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Асарда турли ижтимоий табақа ва гуруҳлар таснифи келтирилиб, улар фаолияти Қуръони карим, пайғамбар алайҳиссалом суннати ва миллий қадриятлар мезонида баҳоланган.

Асар композицияси, унда ёритилган масалалар моҳиятига кўра уч қисмдан таркиб топган:

“Аввалги қисм – халойиқ аҳволи ва афъоли ва ақволининг кайфияти” – халойиқнинг аҳволи ва феъл-атвори ҳамда сўзларининг кайфияти.

“Иккинчи қисм – ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида” – яхши феъл ва ёмон хислатлар хусусияти.

“Учинчи қисм – мутафарриқа фавоид ва амсол сурати” – турли фойдалар ва шунга ўхшаш маълумотлар ҳақида.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи қисмида одил султонлар, исломпаноҳ беклар, номуносиб ноиблар, золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар, вазирлар, ноқобил садрлар, фосиқ ва бадмаош баҳодирлик лофини урганлар, ясовул гуруҳи, ясоғлик ва қора черик, шоҳ улусининг ўзига муносиб бўлиши, шайх ул-ислом, муфтийи фақиҳлар, мударрислар назм гулистонининг хушнағма қушлари – шоирлар, котиблар, мактаб аҳли, имомлар, ҳофизлар, мутриб ва муғаннийлар, қиссасоз ва қиссахонлар, насиҳат аҳли ва воизлар, мунажжимлар, тижорат аҳли, шаҳарда олиб сотқувчилар, бозор косиблари, деҳқонлик, етимлар, ғарибу бенаволар, тиланчи ва гадойлар, қушчи ва сайёд, ҳаромнамак навкарлар, хотинлар, риёий шайхлар, харобат аҳли ва дарвешлар ҳақидаги муалифнинг ахлоқий-дидактик қарашлари ёритилган. Айрим тоифаларнинг фазилатлари мақталса, баъзиларининг камчилик-нуқсонлари танқид қилинган.

Асарнинг иккинчи қисмини ўз ичида яна икки бўлимга ажратиш мумкин: 1) яхши феъллар; 2) ёмон хислатлар. Алишер Навоий асарнинг бу қисмида тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, зикр, таважжуҳ, ризо, ишқ каби тушунчалар моҳияти хусусида сўз юритади.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг учинчи қисмида саховат ва ҳиммат, карам ва футувват, мурувват, вафо, ҳилм, шабоб айёми, кексалик каби тушунчалар ҳақида фикр юритилган. Ахлоқий-таълимий характердаги 127 та танбеҳ берилган. Мазкур танбеҳларнинг ҳар бирида муайян яхши ёки ёмон хусусият ҳақида тўхталиниб, афоризм даражасида таъриф этилган.

Ҳусайн Бойқаро ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзо исёнини бостириб, у билан сулҳ тузади ва 1500 йил 28 декабрда Астроболддан Ҳирот сари йўлга тушади. Ҳазрат Алишер Навоий бетоб бўлишига қарамай, ҳукмдорни кутиб олиш учун чиқади. 1501 йил 3 январь куни у ҳукмдор истиқболига яқинлашаётганда ўзини ёмон ҳис этади, ҳушидан кетиб, қайтиб ўзига келмайди ва вафот этади.

Ҳазрат Алишер Навоий форсий тилда ҳам юксак даражадаги бадиий асарлар битди. Унинг бу тилдаги шеърлари 1490-йилларнинг ўрталарида, Эрон олими Юсуф Шерозий тахминича, 1495–1500 йиллар орасида муаллиф томонидан девон ҳолига келтирилган ва «Девони Фоний» номи билан машҳур. Мазкур девони 1963 йилда Теҳронда, 1965 йилда Тошкентда, 1993 йилда Душанбеда нашр этилган. Ҳамид Сулаймонов тавсифи бўйича, «Девони Фоний»да, «Дебоча»дан ташқари, 7 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луғз бор. «Девони Фоний»даги ғазалларнинг аксарияти машҳур форс шоирлари шеърларига татаббулардан иборат. Жумладан Жомийнинг 52, Ҳофиз Шерозийнинг 237, Хисрав Деҳлавийнинг 33, Саъдий Шерозийнинг 25, Мавлоно Котибийнинг 5, Шоҳий Сабзаворийнинг 5, Камол Хўжандийнинг 4 ғазалига татаббу боғланган. Ҳазрат Навоий форс тилида ёзган оригинал ғазалларига «Мухтара», «Ихтиро» деб сарлавҳа қўйган бўлиб, уларнинг сони 50 дан ортиқ.

Ҳазрат Навоий ўзининг форсий касидаларидан алоҳида тўпламлар ҳам тузган бўлиб, уларнинг бири “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”), иккинчиси “Фусули арбаъа” (“Тўрт фасл”) деб аталади. “Ситтаи зарурия” тўпламига 6 қасида киритилган. Ўша даврда шоирнинг шеърий маҳорати қасида ёзиш билан белгиланганини ҳисобга олсак, буюк шоирнинг қасиданавислик салоҳияти ижодий эътирофи миқёсини кенгайтиргани аён бўлади. “Фусули арбаъа” тўпламига шоирнинг 4 қасидаси киритилган бўлиб, улардан “Баҳор” 57 байтдан, “Саратон” 71 байтдан, “Хазон” 33 байтдан, “Дай” 70 байтдан иборат. Уларда йилнинг 4 фасли – баҳор, ёз, куз ва қиш, бу фасллардан ҳар бирининг ўзига хос гўзаллиги завқ билан тасвирланган ва ҳар тўрт қасида замон подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқарони подшоҳ ва шахс, яхши дўст ва яхши инсон сифатида васф этишга бағишланган. Алишер Навоий ўзининг форсий тилдаги асарлари билан замондошларининг, биринчи навбатда, ҳазрат Аб-

дураҳмон Жомийнинг юксак таҳсинига сазовор бўлган ва форс-тожик адабиёти, хусусан шеърияти ривожига муносиб ҳисса қўша олган.

БУЮК ШАХС ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Хондамир Алишер Навоийга бағишланган асарини бежиз “Макориму-л-ахлоқ” деб атамаган. “Иннамо буъисту лиутаммима макорима-л-ахлоқ”, яъни “Мен яхши хулқларни мукаммал даражага кўтариш учун юборилдим” мазмунидаги муборак ҳадисдан келиб чиқиб, муаррих буюк мутафаккирни ана шундай мукаммал хулқнинг тимсоли, деб билади. Асарда “боб” ўрнига “мақсад” атамаси қўлланган ва муаллиф ўн мақсадда буюк мутафаккир сиймосини муфассал тасвирлаган:

1-мақсад. Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси ҳақида.
2-мақсад. Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида.
3-мақсад. Шеър фазилати ва шоирларнинг улуғ даражалари ҳақида.
4-мақсад. Иншонинг фазилати, фазилатли сўз усталарининг мартабаси ҳақида.
5-мақсад. Охират захиралари тўплаш, дунё ва ундагилардан юз ўгириш баёнида.
6-мақсад. Шариат арконларига риоя этиш баёнида.
7-мақсад. Меҳрибонлик ва марҳамат баёнида.
8-мақсад. Тавозуънинг фазилати ҳақида.
9-мақсад. Карам ва саховатнинг шарафи ҳақида.
10-мақсад. Латифалар ва мутойибалар.

“Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида” деб номланган мақсаддан олинган юқоридаги иқтибосда “диний ва дунёвий давлат, моддий ва маънавий бахт” деган тавсиф келтирилган. Муаллиф бу орқали Мир Алишернинг ана шундай саодатга ноил бўлганига ишора қилади. Айниқса, асар матнида шу муносабат билан зикр қилинган олимнинг даражаси обиддан баланд экани ҳақидаги ҳадислар муаллиф кўзда тутган мақсадни тўлақонли очишга хизмат қилган: Улардан биринчиси: “Олимнинг обиддан афзаллиги ўн тўрт кечалик ойнинг юлдузлардан афзаллиги кабидир”. Иккинчи ҳадисда эса, пайғамбаримизнинг: “Олимнинг обиддан афзаллиги бамисоли сизларнинг даража жиҳатдан қуйиларингиздан (ҳадисда “аноларингиздан” тарзида келган) менинг афзаллигим кабидир”, деганлари зикр этилади.

Шундан кейин ҳазрат Алининг мана бу мазмундаги байтлари келтирилади.

Биз Жабборнинг қисматига,
Яъни бизга илм, душманларга мол берилганидан розимиз.
Чунки мол тезда фоний бўлғусидир.
Илм эса ҳамиша боқий қолажак.

“Ушбу сўз оқимидан ва айтилганлар мазмунидан қиёмдаги қуёш каби равшан ва зоҳирдирки, – деб ёзади Хондамир. – Илм чўққиси ҳамма чўққилардан юксакдир. Олимларни барча халқдан баланд мартаба ва даражага қўймоқ лозим ва вожибдир”. Муаллиф ҳазрат Навоийнинг олимлар ичида ҳам юксак мақомда эканига урғу беради.

Асарнинг бешинчи мақсади “Охират заҳираларини тўплаш, дунё ва ундагилардан юз ўгириш баёнида”, деб номланган. Бу мақсад аввалида “Дунё ва ундаги нарсалар беҳудадир” деб бошланувчи шеър келтирилади ва шунинг учун “тариқат йўлига қадам босувчи солиҳлар нафси амморани маҳкам жиловлаб олган”и хусусида хулоса қилинади. Таъкид-

лаш керакки, ҳазрат Навоийнинг лирик шеърларида ҳам учрайдиган бундай фикр-хулоса зинҳор таркидунёчилик тарғибини англатмайди. Бунда улуғ мутафаккир дунёни эмас, унга бўлган муҳаббатни тарк этиш, яъни тарки дунё эмас, "тарки муҳаббати дунё" ҳақида сўз юритганини эътиборда тутмоқ керак. Таассуфки, айрим тадқиқотларда шу мазмундаги байтларни таркидунёчилик изҳори тарзида талқин этиш ҳоллари учраяпти.

Масаланинг яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳати шундаки, дунё муҳаббатини тарк этиш, унга эгалик қилмаслик керак, деган маънони англатмайди. Бинобарин, мол-дунёдан мосиво ҳолда, ҳеч вақоси йўқ бўла туриб ҳам дунёга ҳирс қўйиш, дунё муҳаббатига мубтало бўлиш мумкин. Ёки аксинча, дунёдор бўлиб дунё муҳаббатидан устун турган зотлар бизнинг тарихимизда бисёр. Хондамирнинг ёзишича, шундайлардан бири, ҳатто энг афзали ҳазрат Алишер Навоийдир.

"Макориму-л-ахлоқ" муаллифининг таъкидлашича, "ул ҳидоят ва иқбол осмонининг қуёши", яъни ҳазрат Навоий "ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган". Алишер Навоийнинг ўз хусусий мулкини эл-юрт манфаати йўлига сарф этгани, жумладан, 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва бир қанча мадрасалар, хонақоҳлар барпо эттиргани ҳам фикримиз далилидир. "Макориму-л-ахлоқ"да бу иншоотлар номма-ном саналган.

Бундан ташқари, Хондамирнинг ёзишича "... ҳазрат соҳибқироннинг (яъни Ҳусайн Байқаронинг) девон кишилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига зўр маблағлар (оғир солиқлар) юкламоқчи бўлганларида халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат тартибларига бузуқлик солмаслиги учун у маблағларни ҳазрат Навоий ўз маблағидан тўлаб юборар эди". Жумладан, 906 ҳижрийда Мозандарон вилояти ҳокими Муҳаммад Валибек зарур харажатлар учун халққа 100 минг динор солиқ маслаҳати билан Амир Навоийга мурожаат қилади. У киши "бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни ҳазрат Соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман", деб шу заҳотиёқ мазкур маблағни ўз хусусий мулки ҳисобидан тўлаб юборади.

Мана, улуғ бобомизнинг ибрати Бугун ҳам мулкдорлар кам эмас. Лекин улардан нечтасида шундай ҳиммат бор? Улардан қанчаси ҳазрат Навоий каби ўз тинчини эмас, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўя олади?

Хондамирнинг ёзишича, "Ихлосия" мадрасаси қаршисидаги "Халосия" хонақоҳида ҳар куни (!) мингдан ортиқ заифалар ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилган, ҳар йили муҳтожларга 2 мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Машҳаддаги Дору-л-ҳуффозда ҳар куни фақат заиф ва етимларга овқат бериш учун ғалвурхона қурилган.

Бу фактлар "Макориму-л-ахлоқ" ҳазрат Навоийнинг оддий инсон, давлат арбоби, ижодкор ва шахс сифатидаги сийрати, фазилатлари ҳақида тўлақонли маълумот берадиган мўътабар манба экани далилидир. Бундан ташқари, бу асар ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига янгича кўзқараш асосида баҳо бериш имконини беради. Кўп ҳолларда бу икки шахс муносабати улуғ шоир ва золим ҳукмдор зиддияти тарзида бир ёқлама талқин этиб келинди. Ваҳоланки, воқеликнинг бевосита шоҳиди бўлган Хондамирнинг ёзишича "Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ул ҳазратнинг (Навоийнинг) кўнгил истагини ўз муборак кўнгли орзусидан юқори қўйган".

"Макориму-л-ахлоқ"да тўлиқ матни келтирилган Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга ёзган мактубидаги мана бу сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Ҳамма вақт ва ҳамма аҳволда ул жанобнинг, яъни Навоийнинг шариф хотири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз давлат далилларидан санадик". Мак-

тубнинг Ҳазрат Навоий хусусида “Салтанат рукни, мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зубдаси, мулк ва миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўлланган хоқоний давлатнинг мададкори...” каби сифатлашу таърифлар билан бошлангани ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга муносабатини ойдинлаштиради.

Султон Абусаид Мирзо 1469 йили Қорабоғда ўлдирилгач, Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаро ўтиради. Ўша кезлари Самарқандда бўлган Алишер Навоий Ҳиротга қайтиб келади. 873 ҳижрий шаввол ойининг 1-куни (1969 йил 14 апрелда) рамазон ҳайити муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Ҳусайн Бойқарога “Ҳилолия” қасидасини туҳфа этади. Қасидада Алишер Навоийнинг комил ҳукмдор ҳақидаги орзу-идеаллари бадиий талқин этилган:

Зотинг ичраким эрур ҳар яхшилиғнинг жомиъи
Ҳаййу қодир зоҳир айлаб ўз камоли қудратин.

Ройинг ичраким келибдур ҳар ёруғлуғ манбаи,
Фарду воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин.

Чун саховат илги очсанг, даҳр чекмас заррае
Зарфишонлиғда қуёш сарпанжасининг миннатин.

Тарихий манбаларда Ҳусайн Бойқаронинг фазилатлари-ю нуқсонлари ҳаққоний ёритилган. Ҳазрат Алишер Навоий шоҳнинг фазилатлари кўпроқ намоён бўлиши учун кўп сайъ-ҳаракат қилган. Қасидадаги:

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, Ҳақ
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин –

сатрларида ифодаланганидек, аслида Ҳусайн Бойқаро табиатан эзгуликка мойил бўлган.

Ҳусайн Бойқаро ҳазрат Алишер Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлайди. Унинг ўткир ақли ва шахсий жасорати туфайли Ҳусайн Бойқаронинг рақиби Ёдгор Мирзо қўлга олинади. 1472 йилнинг февраль ойида ҳазрат Навоийнинг самарқандлик дўсти Шайхим Суҳайлий унинг ўрнига муҳрдорлик, Навоий эса бош вазир лавозимига тайинланади ва унга Амири кабир унвони берилади.

Алишер Навоий бош вазир – девон соҳиби сифатида қуйидаги соҳа ва тармоқларга масъул бўлган:

1. Турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари.
2. Ташқи ишлар. Ўзга давлатлар вакиллари ва элчиларини расмий қабул қилиш ва кузатиш.
3. Фавқулодда ҳолатлар, исёнлар, чегара муаммолари.
4. Порахўрликка қарши кураш.
5. Талончилик ва босқинчиликка қарши кураш.
6. Суд-адлия ишлари.
7. Мамлакатнинг турли ҳудудларидан тушган ариза ва шикоятларни текшириш.
8. Амнистия (афв этиш).
9. Диний алоқалар.

Давлат арбоби сифатидаги фаолияти давомида ҳазрат Алишер Навоий бунёдкорлик

ишларига алоҳида эътибор қаратади. Унинг бевосита ҳомийлиги ва ташаббуси билан кўплаб, мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, роботлар, кўприклар, ҳовузлар, ҳаммомлар ва бошқа халқ учун зарур иншоотлар қурилган.

“Макориму-л-ахлоқ”да маълумот берилишича, Алишер Навоий қурдирган **масжид**лар: Марғаний боғи ҳамда Инжил кўприги ёнидаги масжидлар, Талли Қутиён масжиди, Улуғ ота, Амир Ислом Барлос кўчаларидаги, Мирзо Алоуддавла чорраҳасидаги, Кўшки Жаҳоннамой атрофидаги, Қаландарон, Тархониён, Миродил маҳаллаларидаги масжидлар, Пули Кортаҳ, Пулидарқаро, Исфизор, Куроти Туршиз, Астробод жомеъ масжидлари, Зиёратгоҳ маҳалласидаги ва Жом ийдгоҳлари, Пуҳра қишлоғидаги, Фушанж қасабасидаги, Ғурдаги ҳамда Сарахс масжидлари бунёд этилган. Шу жумладан, XII асрда қурилиб, даврлар ўтиши билан вайронликка юз тутган Ҳирот жоме масжиди қайта қурилиб, пойдевори мустаҳкамланади, меҳроб айвони аввалгига қараганда олти-етти метрга юксалади, тоқу равоқлари ислимий ва хитойча нақшлар билан безатилади,, баланд гумбазларининг шифти оқлик ва ёрқинлик касб этади, ёруғ ва покиза супалари зийнатланади, мармардан янги минбар қурилади. 906 ҳижрий сана жумодилаввал ойининг биринчисида (1500 йил 23 ноябрида) масжид биносининг очилиш маросими ўтказилади. Бундан ташқари, Алишер Навоий қурдирган мадрасалар, хонақоҳлар ва работларда ҳам масжидлар бино эттирилган.

Ҳазрат Навоий қурдирган **мадраса**лар: Ихлосия, Шифоия, Низомия, Хусравия. Улуғ амир ҳомийлигида бунёд этилган **хонақоҳ**лар: Халосия, Жамоатхона, Фаноия, Ҳавзи моҳиён, Зиёратгоҳ, Дор ул-ҳуффоз, Мавлоно Сиррий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Абдулвалид Аҳмад, Шайх Муҳйи, Амир Абдулвоҳид ибн Муслим, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Шайх Фаридуддин Аттор қабрлари бошида қурилган хонақоҳлар.

Алишер Навоий қурдирган робо**т**лар: Сарихиёбон, Тўғузработ, Ҳавзак, Дараи Зангий, Чиҳилдухтарон, Тариоб, Панждеҳ, Қутулмиш, Мурғоб, Марвчоқ, Пули Аҳмад Муштоқ, Ябғу, Зоҳид, Хожа Дука, Чаҳоршанба, Бобо Бўри, Дараи қўрқуш, Кандаги, Оқработ, Муздурон, Ёнбулоғ, Дашти Шорахт, Адраскан, Фармоншайх, Абдулвалид, Париён, Пули Ғуриён, Поёбак, Тирпул, Шутурхони тирпул, Саҳрои боғанд, Жом, Харгирд, Саъдобод, Ҳазира, Сангбаст, Машҳади муқаддаса, Тепаи Чавк, Дизбод, Келидар, Санглидар, Руниз, Исфаройин, Чинорон, Ишқ, Даҳани тахти Сулаймон, Оҳувон, Аломат, Пули Нигор, Пуҳра, Деҳлар работлари.

Ҳ**овуз**лар: Ихтиёриддин қалъаси ва Шифоия мадрасаси олдидаги ҳовузлар, Шолбофон, Чиҳилгазий, Пир Қавом, Қаландарон маҳаллаларидаги ҳовузлар, Абдураҳмон Жомий қабри ёнидаги ҳовуз, Шўрписта, Хожакалла, Париён, Чарха, Саҳрои боғанд, Шоҳони гармоб, Дизбод, Зиёратгоҳ, Андхуд, Роҳи Хоразм ҳовузлари. К**ўприк**лар: Сепулак, Тулки, Соқисламон, Чилдухтарон, Тарноб, Қаландарон, Қозбонон, Пойи хожа, Жузжонон, Нигор Наҳри араб, Чахчарон, Туруқ кўприклари, Хайробод кўприги ва тўғони. Бундан ташқари, Фушанж, Тир кўприклари қайта таъмирланган. Ҳ**аммом**лар: Шифоия мадрасаси ёнидаги ҳаммом, Зиёратгоҳ, Дарайи зангий, Тувучи, Чилдухтарон, тарноб, Панждеҳ, Файзобод, Саъдобод.

Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати билан Ҳиротда адабий муҳит гуллаб-яшнади. Бобур таъбири билан айтганда, ким қайси касб билан шуғулланса, ўша касбни камолот даражасида эгаллаган. Алишер Навоийнинг бевосита ҳомийлиги, қўллаб-қувватлаши билан Шайхим Суҳайлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдуллоҳ Марворид, Қулмуҳуммад Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур хаттотлар, Беҳзод каби мусаввирлар адабиёт ва санъат ривожига катта ҳисса қўшдилар. Абдураҳмон Жомий ва А.Н. ўртасидаги ижодий ҳамкорлик – устоз-шогирдлик Ҳирот адабий-маърифий юксалишининг асосий омилларидан эди. Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишланган

«Туҳфат ул-афкор» (1476) қасидаси ушбу жанрнинг юксак намунаси бўлиши баробарида икки улуғ мутафаккир дўстлигининг рамзи эканлиги жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. “Хамсату-л-мутаҳаййирин” (1494) асари муқаддима, уч мақолат ва хотимадан таркиб топган. Муқаддимада Аллоҳ таолога ҳамд, Муҳаммад алайҳиссаломга наътдан кейин Абдураҳмон Жомийнинг таърифи келади. Ҳазрат Навоий уни “тариқат аҳлининг муқтадо ва имоми, шараф хайлининг мужтаҳид ва шайх ул-исломи” дея таърифлайди. Устозининг насл-насаби, болалиги, илм таҳсили ва ҳаёт йўли ҳақида мухтасар тўхталади. Биринчи мақолатда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги мулоқотлар, ибратли воқеалар ҳикоя қилинади. Иккинчи мақолатда бу икки улуғ сиймонинг бир-бирига йўллаган мактублари ўрин олган. Улар икки буюк шахс ўртасидаги дўстлик, уларнинг дунёқараши, бадиий ижод сирларига доир қарашлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Учинчи мақолатда Абдураҳмон Жомий адабий-илмий меросига Алишер Навоийнинг муносабати ўз ифодасини топган.

Умуман, ҳазрат Алишер Навоий буюк шахс ва беназир давлат арбоби сифатида Хуросон ва Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаёт юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Улуғ ишларга раҳнамолик қилди. Ўз ҳаёти орқали комил инсон сийратини тўлиқ намоён этди.

БУЮК ШОИРНИНГ ИРФОНИЙ ВА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОЛАМИ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИ

Шахс камолотида тарбиянинг ўрни беқиёс. Кўҳна Шарқда тарбияга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралгани боиси шу. Модомики авлодлар камоли тарбия билан чамбарчас боғлиқ экан, жамият тараққиётини ундан айри тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Мутафаккир аждодларимиз шунинг учун ҳам бу масалага алоҳида эътибор берган. Уларнинг жаҳон бадиий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин олган асарларида тарбиянинг шакс камолоти, эл равнақи, юрт истиқболида тутган ўрни юксак баҳоланган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий асарларида барча замонлар учун долзарб саналган бу муаммо оҳорли поэтик образ ва тимсоллар воситасида бетакрор бадиий талқин этилган. Мана, буюк шоир тарбиянинг аҳамиятини қандай васф этади:

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Халқимизда “Садафсиз дур бўлмас, тикансиз – гул”, деган нақл бор. Ушбу байтда қатранинг гавҳарга айланиши ва бошга қадалиш даражасига етиши садафнинг тарбияси сабабли экани бетакрор поэтик ифодасини топган. Садаф – устоз, қатра эса – шогирд тимсоли. Садафнинг тарбиятисиз қатра ҳеч қачон гавҳарга айланмайди. Яъни устоз таълимини олмаган шогирд камолга етмоғи маҳол. Фақат бунинг учун муайян муддат ўтмоғи зарур. Гавҳарни қўлига олган ёки бошига қадаган одам унинг кўзни шунчалик қувонтирадиган, қимматбаҳо ашёга айланмоғи учун қандай жараёнларни бошдан кечиргани хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳаётда ҳам шундай. Комил инсонни кўрганда ҳамма ҳавас қилади. Лекин у ана шу даражага қандай машаққатлар билан, қай бир фидойи устоз тарбияси эвазига эришгани ҳар доим ҳам мушоҳада этилавермайди. Буюк шоир бу образли тасвир орқали шахс тарбиясида устознинг хизмати беқиёс эканига урғу беради.

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Ёқут – турли рангда, лаъл эса, қизил тусда товланадиган қимматбаҳо маъдан. Хўш, улар кўзни қувонтирадиган, одамларда эстетик завқ уйғотадиган бу рангларни қаердан олади? Ҳазрат Навоийнинг фикрича, бу – қуёшдан тарбият топгани самараси. Агар қуёшдан ранг олмаса эди, улар оддий тошлигича қолар, одамларнинг қизиқишига сабаб бўлолмас эди. Табиийки, бу ўринда ҳам улуғ мутафаккир ёқут ила лаъл ҳақида сўз юритар экан, байт замирига шахс камолоти хусусидаги теран фикрларини жойлаган. Яъни инсон камолотини белгиловчи асосий мезон – тарбия. Чинакам тарбиягина одамнинг имкониятларини оширади, жамиятга наф етказиш борасидаги салоҳиятини юксалтиради.

Буюк ижодкор тарбиянинг аҳамиятини ана шундай оҳорли талқин этиш баробарида ушбу фазилатларни мужассам этган бетакрор образлар яратди. Бу образлар, беш ярим асрдан ошяптики, авлодларга камолот сабоқларини бериб келади. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида куйланган, бугунги кун учун ҳам муҳим бўлган ана шундай фазилатлардан айримларига тўхталиб ўтиш зарурати сезилади:

Ватанпарварлик. Буюк ижодкор Ватанни севмоқ комилликнинг, иймоннинг муҳим шарти эканини таъкидлайди. Бу ҳақдаги машҳур ҳадис мазмунини гўзал бадиий талқин

этар экан, авлодларга: “Ватан ҳубби иймон нишонидурур”, дея таълим беради. Шундай бўлгач, Ватанни ғанимлардан ҳимоя қилмоқ, зарур бўлса, бунинг учун курашмоқ ҳар бир фарзанд учун бурчдир. Бу ғоя “Садди Искандарий” достонида қуйидагича ифодаланган:

Иёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

“Иёл” сўзига “Навоий асарлари луғати”да: “Хотин, бола-чақа; оила”, дея изоҳ берилган. Демак, улуғ бобокалонимиз фикрича, ватанпарварлик оиласининг осойишталиги, Ватанининг тинчлиги учун бор имконини ишга солиб, жони борича курашмоқдир. Барча замонлар учун долзарб бундай фикрлар улуғ ижодкор асарларида кўп учрайди. Мана, шундай фикрлардан яна бири:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Ватандан айри тушмоқ – улкан фожиа. Ватанни тарк этмоқ ўзини машаққатлар гирдобига ташламоқ билан баробардир. Буни ҳазрат Навоий “ранжи ғурбатни ҳавас айлаш”, дея ифода этади. Тарих шоҳид, не-не тақдирлар гувоҳлик беради: инсон Ватандан йироқда ҳеч қачон бахтиёр бўла олмайди. “Ҳайрат ул-аброр”да шоир айни шу моҳиятни *“Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон, Ҳарне йўқ андин ёмон, андин ёмон”*, дея талқин этгани бежиз эмас.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мана ўгити ҳам авлодлар учун алоҳида қимматга эга:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Бу фикрлар буюк шоир асарларида Ватанга муҳаббат туйғуси теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида, таъсирчан ифодаланганидан далолат беради.

Элпарварлик. Ўзи мансуб бўлган улуғ элга меҳр қўйиш, эл-улус бахтини ўз бахти, ғамини ўз ғами деб билиш шахс камолотининг муҳим шартларидандир. Комиллик тимсоли бўлган ҳазрат Навоий асарларида бу ғоя етакчи мавқеда туради. Биргина мисол:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Яъни мансаб-мартабаю мол-дунё – вақтинчалик, яхши ном эса абадий. Шундай бўлгач, ўзингни комрон кўрган, яъни баланд мавқега эришган чоғингда ўзгалар ҳожатини раво айламоқни одат қил – мана, улуғ донишманд нима демоқчи! Аслида, ҳақиқий элпарварлик ҳам шуни тақозо этади. Лекин одамзод ҳаёти бир текисда кечмайди. Ҳазрат Навоий ҳар доим ана шундай бир хил фикрлаган, мудом бир хил туйғуни ҳис этган десак, тўғри бўлмас. Ҳаёт деганлари анчайин мураккаб, зиддиятларга бой. Улуғ мутафаккир гарчи ҳаммага баравар яхшилик қилишни орзу этган, имкон қадар бунга эришган бўлса-да, баъзан қилган яхшилиги эвазига ёмонлик ҳам кўрган. Табиийки, бундан изтироб чеккан, руҳан эзилган, қарама-қарши туйғулар гирдобида қолган. Мана бу каби мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст,
Истарамким, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Ҳатто бир шеърида улуғ шоир “Парим бўлса учиб қочсам, улусдин то қанотим бор”, дейишгача борган. Лекин ҳазрат Навоийнинг буюклиги шундаки, оний кайфиятдаги бундай кечинмаларни ирода кучи, матонат қуввати билан енга билган; ҳаёт синовларига ҳикмат назари билан қарай олган. Айтишга осон, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмагани аён. Буюк мутафаккир зиддиятли кечинмалар гирдобидан чиқиш учун ҳикматни наинки топган, теран мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида шеърга ҳам айлантирган:

Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил, валек
Кимни хушҳол этсанг, андин тут ўзунгга юз малол.

Вафо кўрмаганинг ҳолда вафо қилмоқ осонми? Сендан кўп яхшиликлар кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одамдан юз малол келса, буни қандай қабул қилиш керак? Бу саволларга жавоб бермоқ анчайин мушкул экани рост. Ҳазрат Алишер Навоий неча бор ана шундай қийин вазиятларга тушгани ҳолда “*Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил*”, деган тўхтамга келган. Таъкидлаш керак, фақат буюк сиймоларгина бундай хулоса чиқариши мумкин. Фақат улуғларгина ҳеч бир эвазсиз яхшилик қилмоққа қодир. Юрак ёлқини билан битилган мана бу сўзлар ҳам улуғ мутафаккирларгагина тан:

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,
Нединки ўтни туташтурғоли керак хошок.

Элпарварликнинг бундан ҳам юксакроқ даражаси бўлиши мумкинми? Улусга фидойиликнинг мезони бўла оладиган бундай фикрга келиш учун элга муҳаббатнинг миқёси қанчалар баланд бўлиши керак ахир! Мана бу мисралар моҳиятан юқоридаги байтга ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Ўзи мансуб бўлган халққа меҳр қўймоқ қандай бўлишини ҳазрат Навоийдек улуғлардан ўрганиш керак. Элпарварлик бобида ҳам буюк бобокалонимиз авлодларга мудом сабоқ бериб келаётир.

Маърифат. Шахс камолоти ва маърифат тушунчалари шу даражада боғлиқки, уларнинг бирини иккинчисидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг “Лисон уттайр” достонида қушлар сафари тимсолида инсон камолотининг етти босқичи ҳақида сўз юритилади: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано. Достоннинг махсус боби “Маърифат водийсининг васфи” деб номланган. Маърифат водийсини “дашти бепоён”га қиёслаган ҳазрат Навоий унда “ҳоллар мухталиф” *(*ихтилофли, бирбиридан кескин фарқ қилувчи – *қавс ичидаги барча изоҳлар бизники* – Н.А.*)* эканини таъкидлар экан, “Водиедур юз туман минг онда йўл” дея одамларнинг маърифий даражаси турлича бўлишига ишора қилади. Улуғ шоирнинг “жузв ила кулл” – бўлак ва бутун, тараққий ва таназзул ихтилофи ҳақидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Муаллиф фикрича, бу водийда “юз туман раҳрав”ни (йўловчини) кўриш мумкин. Пашша ҳам, фил ҳам, Жибрил ҳам йўлда. Мусою Фиръавн, Маҳдийу Дажжол, Аҳмад ва Абу Жаҳл ҳам

раҳрав. Шундай бўлгач, улуғ шоир таъбири билан айтганда: *“Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш”.* Ушбу мулоҳазалари тасдиғи учун ҳазрат Навоий Ҳаққа элтувчи йўллар сони халойиқнинг нуфуси билан баробар экани ҳақидаги ҳадисни келтиради. Бошқача айтганда, маърифати даражасига кўра, ҳар бир одам ўз йўлини тўғри деб билади. Улар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби ҳам шунда. Танлаган йўллари эгри ёки тўғри, яқин ёхуд йироқ, кўпраги дурд (қуйқа), озроғи соф бўлса-да, аслида ҳаммасининг мақсади, тўғрироғи, даъвоси бир – ҳақиқат.

Гар сулук атворида тағйир эди,
Мақсади лекин боринг бир эди.

Достоннинг мазкур бобида ҳазрат Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда ёзилишича, бир неча кўзи ожиз кимса маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушибми, Ҳиндистонда бўлади. Тақдир иноятн билан ўз юртларига қайтиб келганида бир киши улардан сўрайди: “Филни кўрдиларингми?” Кўрлар тасдиқ ишорасини қилади. Бунга далил келтиринг, дейди. Табиийки, улар филни кўрмаган, у ҳақда сўраб ҳам олмаган эди. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунгагина асосланиб жавоб бера кетади. Оёқларини силагани фил бу – “сутун” деса, қорнини пайпаслагани “бесутун” дейди. Хартумини ушлаб кўргани филни аждаҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қуйруғини силагани илонга, бошига қўл ургани қиянинг тумшуғига, қулоғини ушлагани эса елпиғичга қиёслайди.

Гарчи кўрларнинг сўзи фил ҳақида эмас, унинг муайян аъзолари хусусида эканини билса-да, “пилбонлиғ шевасида устод” бўлган ҳакими комил уларнинг сўзини рад этмайди.

Деди: “Ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар”.

Қиссадан ҳисса шуки, маърифатда комил бир мақомга эришмаган киши бамисоли ўша кўрларнинг ҳолига тушади. Ўзи “ушлагани”нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади.

Ҳаёт – инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Ҳар ҳолда, мутафаккир аждодларимиз шундай деб ҳисоблаган. Камолга эришмай, “жаҳондин нотамом ўтмак”ни ҳазрат Навоий бамисоли ҳаммомга кириб нопок чиқишга менгзайди. Камолга эришмоқ эса юксак маънавий-маърифий тарбия самараси. Биз жаҳоннинг тарбия борасида ҳам беқиёс меросга эга саноқли халқларидан биримиз. Бу соҳада “авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони” ҳазрат Алишер Навоий мероси ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Кексаларга ҳурмат ифодаси. Ҳазрат Алишер Навоий шеърлар девонини “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) деб атагани бежиз эмас. Улуғ мутафаккир асарлари чиндан ҳам сўз жавоҳирлари хазинасидир. Инсон ва унинг ҳаётига алоқадор ҳар қандай мавзу теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида бетакрор талқин этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Миллатимизда қадрият даражасига кўтарилган кексаларни эъзозлаш мавзуси буюк шоир ижодида қай тарзда тасвирланган? Бобокалонимизнинг бу борадаги ўгитлари бугунги кунда қандай аҳамият касб этади? Бу каби саволлар замондошларимизни қизиқтириши табиий.

Шеърият мулкининг султони “тезфаҳм ва баланд идрок, хилқати соф ва пок” дея таърифлаган она халқимиз улуғ ёшдагиларга эҳтиром кўрсатиш бобида, дарҳақиқат, ўзига хос

анъаналарига эга. Бизда отаси ўтирган уйнинг томига чиқмаслик, ёшларнинг қарияларга аввал салом бериши – азалий урф. Юзма-юз келганда кексаларга йўл бериш, қўлида оғир юки бўлса, ёрдамга шошилиш – тарбия белгиси. Эгаллаган мансабидан, бойлигидан қатъи назар, ёшларнинг улуғлар олдида ўзини камтарин тутиши, тўй-маъракаю издиҳомларда уларни тўрга ўтқазиши – миллий удум, гўзал одоб нишонаси. "Фавойид ул-кибор" девонида *"Қарилиғ истар эсанг, қариларни ҳурмат тут"*, – деб ёзар экан, ҳазрат Алишер Навоий халқимиз тийнатидаги ана шу фазилатни улуғлайди. Уни асраб-авайлаш зурурлигини уқтиради.

Яна бир шеърида шоир мана бундай ёзади:

Лутф айла қариларға десангким узун яшай.

Узоқ умр кўрмоқ учун ҳаётнинг машаққату заҳматларга тўла йўлларини сабру матонат билан босиб ўтган кексаларга лутф кўрсатиш, уларнинг дуоларини олиш зарур. Дуо олган одам Яратганнинг паноҳида бўлади. Турли бало-қазо, офат-туҳмат, ёмонликлар унга йўламайди. Юқоридаги мисрада халқимизга хос ана шу дунёқарашнинг бадиий талқинини кузатиш мумкин.

Машҳур "Хамса"нинг иккинчи достони "Фарҳод ва Ширин"да оз сўз замирига мана бу тарзда кўп маъно юкланган:

Кичикларга кичикдур умр асоси,
Улуғларға улуғроқдур қиёси.

Яъни инсон ҳаётининг моҳиятини, одамзод умрининг асосини ёшлардан кўра тажрибали инсонлар – улуғлар кўпроқ англайди. Уларга қулоқ тутмоқ, улардан ўрганмоқ, маслаҳатларини олмоқ ёшлар учун шу боисдан ҳам сув ва ҳаводек зарур, фойдали.

Буюк мутафаккирнинг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асаридаги мана бу сўзларига қулоқ тутайлик: "Ота болани шунинг учун тарбия қиладики, токи у катта бўлганида ғамхўрлик қилсин". Улуғ ёшга етган ота-онага эҳтиром кўрсатиш одамийликнинг асосий шартларидан. Бу туйғу, бу фазилат ўзбекнинг боласига она сути, оиладаги тарбия, маънавий муҳит орқали болаликдан сингдирилади.

Агар инсон учун энг азиз саналган сиймолар – ота-она кексайган бўлса-чи? Уларга қай даражада эҳтиром кўрсатмоқ керак? Ҳазрат Навоий фикрича, ота учун бошни фидо, она учун жонни садқа қилмоқ – бурч. Кимки бу бурчни шараф билан адо этиб, ҳар иккисининг ризосини топса, икки дунё саодатига эришади. Зеро, ота-онанинг бири бамисоли ой бўлиб тунни нурафшон қилса, иккинчиси қуёш мисоли кунни ёруғ айлайди.

Бугина эмас. Ҳазрат Навоий "Арбаъин" асарида "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" мазмунли ҳадисни бетакрор назмий талқин этганки, ўқиганларнинг вужудига титроқ югуради. Онанинг нечоғлик улуғ сиймо эканини яна бир бор юракдан ҳис этади.

"Садди Искандарий"да улуғ шоир дунёнинг катта қисмини эгаллаган Искандарнинг онасига муносиб даражада хизмат қила олмаганидан ўкинчини тасвирлайди. Бу орқали она ризоси дунёнинг барча неъматларидан улуғ эканини таъкидлайди. Буюк шоирнинг ёши улуғларни қадрлаш, уларни ҳурмат қилиш ҳақидаги нодир фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлсин йўқотган эмас.

Тинчлик ва офият талқини. Одамзоднинг табиати қизиқ. Бутун онгу шуурини эгаллаб олган лоқайдлигу бепарволик уни мудом таъқиб этади. Ақлу тафаккурини аксар ҳолларда кеч ишлатади. Бой берилган имконият, исроф қилинган вақт олдида кўпинча ожиз қола-

ди. Акс ҳолда бугун дунёнинг турли бурчакларида кечаётган нотинчлигу одамкушлик рўй бермас эди. Терроризм балосидан ҳеч ким жабр чекмас, экстремизм вабо сингари қутқу сололмаган бўлар эди...

Тинчлик ва осойишталик шундай бир неъматки, одамзод унинг қадрини кўпинча бой берилгандагина англайди. Ҳолбуки, уни ўз вақтида қадрламоқ керак. Улуғ мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий бундан қарийб олти юз йил нарида туриб, кўнгилларни ана шу ҳақиқат нури билан ёритиб турибди:

Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Байтдаги "адно" – "озгина", "сокин" – "яшовчи" маъносида келган. Иккинчи мисрадаги "амн" – "тинчлик", "гунбади гардон" – "айланиб турувчи фалак" демакдир. Модомики уй озгина тебранар экан, унда яшаётган одам хотиржам бўла олмайди. Шундай экан, мудом айланиб турувчи фалак ичра осойишталик йўқлиги асло ажабланарли эмас, дейди буюк адиб. Тинчликка, хотиржамликка эришмоқ осон эмаслиги ифодаланган ушбу байтда.

"Бадойиъу-л-васат" девонидаги мана бу байтда юқоридаги фикрнинг мантиқий давомини кузатиш мумкин. Жаҳон осойишига эришмоқ осон эмаслиги аён. Бироқ ҳаммаси ниятга яраша бўлади. Агар инсон ўзини ўзи мушкулотга дучор қилмаса, осойишга осонроқ ҳам эришмоқ мумкин:

Жаҳон осойишин оллингда мушкул қилмаким, бордур
Тутай мушкул десанг – мушкул ва гар осон десанг – осон.

Ҳазрат Алишер Навоий ўгитлари инсониятни бахту саодатга элтувчи йўлчи юлдуз. Дарҳақиқат, осонлик ҳам, мушкулот ҳам инсоннинг ўзига: хулқига, ниятига, амалига боғлиқ. Бу ўгитга амал қилган одам ҳеч қачон осонни мушкулга айлантирмайди. Аксинча, мушкулни осон қилиш йўлини тутади.

"Умрни ғанимат бил, сиҳҳат ва амниятқа шукр қил". Буюк адибнинг "Маҳбубу-л-қулуб" асаридан олинган бу сўзлари нечоғлик ҳаётий ва кўнгилга яқин-а! Яъни ҳаётингнинг ҳар бир дақиқасини огоҳлик билан ўтказ, нима учун яратилганингни, зиммангда қандай масъулият борлигини ёдингдан чиқарма, демоқчи шоир. "Сиҳҳат ва амниятқа шукр қил!" Қадим тарихга ва беқиёс маданиятга эга халқимиз дуо қилар экан, Яратгандан икки неъматни сўрайди: соғлик ва тинчлик. Ана шу неъматлар учун шукрона билдириш ҳам миллатимизнинг асл табиатига хос. Улуғ мутафаккир асарлари ана шу асл моҳиятни ифодалагани жиҳатидан ҳам ҳеч бир замонда эскирмайди. Авлодлар қалбини маърифат зиёси билан мудом ёритиб келаётгани сабаби шунда.

Буюк мутафаккир "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида Луқмони ҳаким тилидан мана бу эътирофни ёзади: "...борча юкни торттим, бурчдин оғирроқ юк кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, офиятдин чучукрок шарбат тотмадим". Яъни инсон зиммасидаги бурчни унутишга ҳаққи йўқ. Дунёдаги энг тотли неъмат эса, тинчлик ва осойишталик. Бу неъматга эришганлар чин маънода бахтиёрдирлар.

Алишер Навоий ижодини ўрганган канадалик олим Гарри Дик мана бундай ёзади: "Биз миллатимизни тарбиялаш учун чин санъаткорларга муҳтожмиз... Ҳақиқий тараққиёт ташқарида эмас, инсоннинг юрагида содир бўлиши керак. Биз Навоийдек шоирларнинг ўз тилимизда кўпроқ сўзлашлари ва кишиларнинг улардан кўп нарсаларни ўрганишларига муҳтожмиз". Бу эътироф замирида чуқур маъно бор. Буюк бобокалонимизнинг тинчлик

ва осойишталикка даъват ўлароқ битилган ҳикматлари ҳам буни тасдиқлайди. Улар худди бугунги кун учун ёзилгандек. Инсоният чин маънода саодатга эришмоқ учун ана шу ҳикматлар мағзини чақмоғи, уларга амал қилмоғи зарур.

Огоҳлик фалафаси. Вақт – шиддаткор. Ўтаётган ҳар лаҳза эса умрнинг муайян бўлаги. Шу боис тафаккур юритувчи одам умрнинг ҳар онини ғанимат билади, уни яралмишларнинг афзали деган номга муносиб ўтказишга интилади. "Вақтинг кетди – нақдинг кетди" дейди доно халқимиз. Бундаги "нақд" моддий бойлик маъносини ҳам ифодалар эҳтимол. Аслида эса, ундан кўра кенгроқ – умр мазмунини англатади бизнингча. Йўқотилган мол-дунёнинг ўрни қопланиши мумкин. Бироқ бой берилган вақтни зинҳор ортга қайтариб бўлмайди. Шу боис мутафаккир аждодларимиз умрнинг ҳар лаҳзасини огоҳлик билан ўтказганлар. Ушбу мавзуда дурдона асарлар ёзиб қолдирганлар. Миллий маънавиятимиз қуёши – ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борадаги ҳикматлари, айниқса, қимматлидир.

"Ҳайрату-л-аброр" достонининг ўн саккизинчи мақолатида "ҳар нафаским ҳаёт гулшанидин насим дурур, қадрин билмак" зарурлиги бетакрор поэтик ифодасини топган. Мана, улуғ бобокалонимиз қандай насиҳат қилганлар:

Ҳар нафасинг жавҳаре эрур нафис -
Ким, санга ул бир нафас эрур анис.

Жавҳар – бу ўринда "бебаҳо" маъносида. "Бурҳони қотеъ" луғатида бу сўзнинг "вужуди мутлақ"ни ҳам англатиши айтилади. Шунинг ўзиёқ нафаснинг жавҳарга ташбеҳ этилишида қанчалик фасоҳат ва балоғат борлигидан далолат беради. Анис – "дўст" демоқдир. Демак, нафас – инсоннинг яқин дўсти. Уни қадрламоқ эса бурчдир. Чунки, улуғ бобокалонимиз айтганидек, ҳар бир нафасда икки неъмат бор:

Кирмаги бир неъмат эрур муғтанам,
Уйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.

Бири эрур қути ҳаётинг сенинг,
Яна бири қуввати зотинг сенинг.

Миллати, ирқи, жамиятда эгаллаган мавқеидан қатъи назар, Одам болаларининг ҳоли олинаётган биргина нафас билан боғлиқ. Жисмонан қанчалик чиниққан-чиниқмаган, йиққан мол-дунёси нечоғлик кўп ё камлигига қарамай, одамзоднинг мавжудлигини ана шу биргина нафас белгилайди. Шу боис нафаснинг вужудга кириши – ғанимат билиш зарур бўлган улуғ неъмат бўлса, худди шу нафаснинг қайтиб чиқмоғи ҳам аҳамияти жиҳатидан ундан кам эмас. Улуғ Навоий таъбири билан айтганда, бири – қути ҳаёт, яна бири эса – қуввати зот.

Бу ики неъматки намудордур,
Ҳар бирига шукр ери бордур.

Демак, ҳар бир нафасимизда икки неъмат бор: ўша нафаснинг олиниши ва қайтиб чиқиши. Улардан бирортасидаги хатолик инсон ҳаётининг интиҳо топишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ҳар бир нафас учун икки бора шукр вожибдир.

Маълумки, шукр шу лафзни такрорлашдангина иборат эмас. Неъматнинг аҳамиятини англаш – шукр. Уни қадрлаш – шукр. Ҳақини адо қилиш – шукр. Нафаснинг шукри уни ға-

нимат билиш, беҳуда ўтказмаслик билан адо этилади. Бунинг муҳим шарти эса ҳар бир нафасдан огоҳликдир. Ҳазрат Навоийнинг мана бу ўгитлари шу ҳақда:

Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

Бошдин аёғигача қил сарфи Ҳақ,
Тенгри санга ёр, ўқусанг бу сабақ.

Масаланинг бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш зарурати бор. Ҳазрат Навоий бу фикрларни назарий қарашлари сифатида баён қилибгина қолмай, ҳаётда ҳам шунга тўлиқ амал қилганлар. "Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл, Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл" деганларида ўзлари мансуб хожагон-нақшбандия тариқатидаги "Ҳуш дар дам" рашҳаси моҳияти бадиий талқин этилгани бунга далилдир. Маълумки, унга кўра, ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак. Бу – ҳазрат Навоийдек огоҳ зотларнинг ҳаёт тарзи. Бироқ бундай саодатга ноил бўлиш ҳаммага бирдай насиб этмаслиги ҳам аён ҳақиқатдир.

Олимлар "инсон" ва "нисйон" ("унутувчи") сўзларининг ўзаро алоқадор эканини айтадилар. Дарҳақиқат, Одам болаларининг табиати унутишга мойил. Инсон ботиндан кўра зоҳирга кўпроқ эътибор беради. Ўз моҳияти ҳақида тафаккур қилиш борасида ундан ҳам кўра ялқовроғи йўқ. Нима учун яратилгани, зиммасида қандай масъулияти борлиги хусусида кўп ҳам ўйлайвермайди. Хўш, у ҳар нафаси ҳолидан ғафлатда қолса нима бўлади? Ҳазрат Навоий ижодининг хос хусусиятларидан бири шундаки, ул зотнинг асарларида мавзу муфассал тадқиқ қилинади, нуктадонлик билан таҳқиқ этилади. Бунда теран мазмун ва гўзал бадиият ҳайратланарли даражада уйғунлашади:

Ғафлат агар бўлса бу ишдин даме-
Ким, йўқ анингдек кишига мотаме.

Дунёда нима ёмон – ғофиллик ёмон. Бундан ҳам ёмони, инсоннинг огоҳликдан кўра ғафлатга мойилроқ эканидир. Ўзининг ғафлатда қолганини англаш ҳам саодатдир. Ғофил бўлсаю ғафлатда эканини ҳам ҳис этмаса, бадбахтлик бундан ортиқ бўлмас. Улуғ бобокалонимиз ана шу ҳолни тасвирлар экан, кишига ундан ҳам оғир мотам йўқлиги ҳақидаги хулосага келади.

Ўзни қилиб ғофилу ошуфтаҳол,
Ҳар негаким, айлагасен иштиғол.

Гарчи анга манфаати бўлмасун,
Жаҳд этким, маъсияти бўлмасун.

Ғофил тирикчилик илинжида ўзини ҳар томонга урар экан, охирини ўйламайди. Фикр юритиш унга бегона. Табиийки, ғафлат комидаги кимса гуноҳ-савобни фарқламайди. Шу боис у Яратган олдидаги масъулиятини унутгани каби, яралмишлар ҳақига ҳам бемалол

хиёнат қилавериши мумкин. Қай бир юмуш билан машғул бўлмасин, ундан элга заррача ҳам фойда келмаслиги тайин. Ҳазрат Навоий ана шундай ғафлат аҳлини ҳушёрликка чорлаяпти. Ғофил ҳар негаки иштиғол айлар экан, жамиятга, халққа манфаат етказмагани майли, ҳеч бўлмаса маъсиятдан узоқ бўлсин, дейди улуғ мутафаккир.

Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлиқ доғи.

Аввало, элга яхшилик қил. Агар бу қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилишдан сақлангинки, бу ҳам бир яхшиликдир. Мана, донишманд бобокалонимиз ўгити. Бу насиҳатларга амал қилиш инсонни қусурлардан поклайди. Унинг иллатлардан парҳез қилишига, эзгуликни ҳаётий аъмол билиб яшашига сабаб бўлади. Ҳар бир нафас ҳолидан огоҳ бўлиш малакасини тарбиялайди.

Ҳазрат Навоий таъбирича, вақтни чин маънода қадрлаши учун инсон ўтмишу келажак ҳақидаги хомхаёллардан узоқ бўлиши керак. Беҳуда орзу-ҳавасларга берилавермаслиги лозим. "Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур", дейишлари сабаби шунда. Яъни ўтган воқелик энди йўқ. Ундан фақат ибрат олиш мумкин, холос. Ҳали келиб улгурмаган ҳодиса ҳақида сўзлаш эса кишининг надоматда қолишига сабаб бўлади. Айни яшалаётган он эса ғаниматдир:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

Ўзи яшаётган ҳар бир лаҳзани қадрлаш, уни маънавий камолотга эришмоқ учун берилган имкон деб билиш одамзод умрига зийнат бағишлайди. Уни комилликка чорлайди. Ана шундай кишилари кўп бўлган жамият, шубҳасиз, равнақ топади. Зеро, ҳазрат Навоий асарлари инсонни комил, жамиятни мукаммал кўриш орзуси бетакрор бадиий талқин этилгани билан ҳам барча замонлар учун бирдай аҳамиятлидир.

Ишқ талқини. "Хамса"да, шу жумладан "Фарҳод ва Ширин" достонида Алишер Навоийнинг ишқ концепцияси ўз ифодасини топган. "Маҳбубу-л-қулуб" асарида ишқни уч даражага – авом ишқи, хавосс ишқи ва сиддиқлар ишқига бўлиб, бу тушунчанинг асл моҳиятини ёритади. Хавосс ишқини баён қилганда Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби улуғлар номларини санаб, уларни "ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари", деб атайди. Абдураҳмон Жомий номини тилга олиб, "Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дурдкашлар ва иршоди сулукидин фонийвашларким, дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангиздур", дея ўзини ҳам шу сафга қўшади. "Фарҳод ва Ширин" достони қаҳрамони Фарҳод ҳам – хавосс ишқининг вакили. Навоий Суқрот тилидан Фарҳодга насиҳат қилиб, киши Искандар мулкига эга бўлиб, бутун жаҳонни эгалласа ҳам, Нуҳ умрича, яъни минг йил яшаса ҳам, эртами-кечми бу дунёни тарк этмоғи тайин эканини таъкидлар экан, мавжудликнинг асосий шартини мана бу тарзда ифодалайди:

Чу маҳбуби ҳақиқий Улдурур, Ул,
Анинг васли сори қатъ айламак йўл!

Яъни ҳақиқий маҳбуб – Ҳақ таоло, асл мақсад – Унинг висоли. Бундан Алишер Навоий асарда айнан хавосс ишқини тасвирлагани ойдинлашади.

Тасаввуф таълимотининг асл моҳияти комил инсон тарбиясига қаратилгани аён. Шу боис тасаввуф адабиётининг бош мавзуи инсон камолоти экани асло таажжуб уйғотмайди. Шарқ маърифати, шу жумладан, ўзбек тасаввуф адабиётининг йирик намояндалари фикрича, инсон камолотини ишқдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Биргина мисол. Улуғ Мутасаввуф шоир Алишер Навоий (1441-1501) «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳодни бундай таърифлайди:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Яъни, дунёда Фарҳод эгалламаган биронта ҳам илм қолмади. У барча илмларни бутун моҳияти билан касб этди.

Агар инсон камолоти учун илмнинг ўзигина кифоя қилганда эди, эҳтимол, достон шу таъриф билан якунланган бўларди. Лекин достон эндигина бошланяпти. Навоий Фарҳодни шундан кейин ишқ изтиробларига дуч қилади. Демак, Навоийнинг фикрича, ҳатто барча илмларни бутун моҳияти билан эгалласа ҳам, ишқдан мосиво бўлса, инсон чинакам камолотга эриша олмайди.

Ишқ қачон пайдо бўлган? У инсон вужудига оид ҳодисами ёки руҳиятига? Бу масала ҳам тасаввуф адабиётида ўзига хос талқинга эга. «Фарҳод ва Ширин» достонида шоҳ Хусрав ва асир Фарҳод ўртасида ишқ мавзуида бирмунча кескин баҳс кечади. Жумладан, асарда бундай мисраларни ўқиймиз:

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст.

Яъни, қачондан буён ишққа мубтало бўлгани ҳақидаги Хусравнинг саволига Фарҳод у пайтда руҳим вужудимга кирмаган эди, деб жавоб беради.

Навоийдан қарийб тўрт аср кейин яшаган шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий шеъриятида ҳам ишқнинг худди шундай талқинига дуч келамиз. «Таъвиз ул-ошиқин» девонида Огаҳий мана бундай ёзади:

Эди ишқингға жонлар мубтало ул чоғдаким, эрди
На тан, на танда бош, на бошда юз, на юзда лаб пайдо.

Яъни, жонларимиз сенинг ишқингга мубтало бўлган чоғда вужуд ҳали яратилмаган эди, деб ёзади шоир.

Маълум бўладики, тасаввуф шоирлари талқинига кўра, ишқ вужудга эмас, руҳга алоқадор ҳодиса. Шунинг учун ҳам Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ишқни уч қисмга бўлар экан, улардан биринчисини - «...жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадиган, олий мартабаси шаръий никоҳ бўлган» ишқни авом ишқи деб атайди[1].

Навоий талқинича, иккинчиси - хослар ишқи. «Бу ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади».

Учинчи қисм эса, «...сиддиқлар-ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг бирла матлубдирлар».

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 52-бет.

Ишқ, бундан ташқари, тасаввуфга оид манбаларда мажозий ва ҳақиқий ишқ тарзида ҳам тасниф этилади. «Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат» ҳадиси мазмунига мувофиқ Мутасаввуфлар мажозий ишқни ҳақиқий ишққа олиб борувчи кўприк сифатида талқин қиладилар. Бу талқин бадиий адабиётда ҳам акс этган. Жумладан, XIV аср шоири Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида «Мажозий ишққа қадам қўй. Сен агар покрав бўлсанг, ҳақиқий мақсадга эришасан»[1], мазмунидаги байт бор. Алишер Навоий эса, мажознинг «айни ҳақиқат» эканини таъкидлайди.

«Ишқ» ва «муҳаббат» гарчи бир-бирига яқин маънони англатса ҳам, бу тушунчаларнинг тасаввуф адабиётидаги талқинида сезиларли фарқ бор. «Муҳаббат» нисбатан кенгроқ тушунчани англатади. «Ишқ»нинг маъноси эса «муҳаббат»дан кўра бирмунчаи кучлироқ.

Тасаввуф таълимотида ҳам, бу таълимот замирида яратилган бадиий асарларда ҳам Ҳақ ишқи қанчалик таъриф этилса, дунёга муҳаббат шунчалик қораланади. Тарихчи Хондамир (1480-1535) «Макорим ул-ахлоқ» асарида Навоийнинг «...ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган»[2]ини таъкидлар экан, худди шуни назарда тутади.

Демак, Хондамирнинг фикрича, дунёга муҳаббат инсон кўнглида ғубор пайдо қилади. Ундаги ашёларга, яъни дунё матоҳига қизиқиш эса қалбни гард қоплашига сабаб бўлади. Навоийнинг улуғлиги шундаки, у ушбу ғояларни асарларида акс эттирибгина қолмай, ҳаётда ҳам бунга тўлиқ амал қилган.

Айрим тадқиқотчилар тасаввуфдаги дунёни қоралаш мотивларини таркидунёчилик тарзида талқин этади. Аслида, тасаввуф дунёни эмас, дунёга бўлган муҳаббатни тарк этишга даъват этади. Дунё ва ундаги ашёларга муҳаббат қўйиш барча хатоликлар боши, улардан юз ўгиришгина инсонни нажот йўлига бошлайди, деган ғоя тасаввуф адабиётида етакчи ўрин тутади. Лекин бу дегани мол-дунёга, бойликка эга бўлмаслик керак, дегани эмас. Мутасаввуфлар фикрича, инсон истаган миқдорда мол-дунёни тасарруф этиши мумкин. Фақат унга кўнгил боғлашдан, ҳирс қўйишдан сақланмоғи зарур. Чинакам комил инсон мол-дунёни Оллоҳнинг омонати деб билади. Уни фақат ўзи учун эмас, кўпроқ эл-юрт манфаати йўлида сарф этади.

Тарки ҳавас - таркидунёчилик эмас. Афсуски, тасаввуф таълимоти ва унинг адабиётга таъсири масалаларига бағишланган айрим тадқиқотларда бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу икки ҳодиса аралаштириб юборилади. Иброҳим Адҳам таркидунёчилик тимсоли сифатида талқин этилади. Табиийки, бундай талқин тасаввуф таълимоти моҳиятига мувофиқ келмайди.

Ишқ аҳли ҳар бир яралмишда буюк Яратувчининг қудрати, санъати нишонасини кўради. Шу боис наинки инсон қалбига, ҳатто чумолига ҳам озор беришдан сақланади. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида келтирилган Навоийнинг елкасига илашган чумолини эҳтиёт қилиб, инига олиб бориб қўйгани ҳақидаги воқеа бунинг ҳаётий далилидир. Демак, ишқ жамият аъзолари қалбида меҳр-муҳаббат туйғусини тарбиялаши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек тасаввуф адабиётида ишқ талқини бўйича тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларни чиқариш мумкин:

- ишқ, Мутасаввуфлар фикрича, инсон камолотининг бош шарти. Инсон, гарчи дунёдаги барча илмларни бутун моҳияти билан ўрганса-да, ишқдан мосиво бўлса, камолга эриша олмайди;

[1] Муборак мактублар. Т., 1987, 23-бет.
[2] Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 63-бет.

- ишқ - моддий мавжудлик эмас. Бошқача айтганда, у вужудга эмас, аввало, руҳиятга алоқадор ҳодиса;

- тасаввуф адабиётида ишқ учга тасниф этилади: авом ишқи, хослар ишқи, сиддиқлар ишқи. Бундан ташқари, Мутасаввуфлар ишқни ҳақиқий ва мажозий ишққа ҳам бўладилар. Мажозий ишқ ҳақиқий ишққа олиб борувчи кўприк дея талқин қилинади;

- «Ишқ» ва «муҳаббат» тушунчалари гарчи моҳиятан бир-бирига яқин бўлса ҳам, ўзаро фарқ қилади. «Муҳаббат» бирмунча кенг маънони англатади. Масалан, Ватанга муҳаббат, ёрга муҳаббат, касбга муҳаббат ва ҳоказо. Ишқ эса «муҳаббат»га нисбатан аниқроқ тушунчадир;

- тасаввуфда таркидунё йўқ. Тасаввуф таълимотида ҳам, унинг заминида вужудга келган тасаввуф адабиётида ҳам дунёни эмас, дунёга бўлган муҳаббатни тарк этишга даъват қилинади. Бу эса жамият ҳаётини ҳақсизлик ва жиноятдан, қабоҳат ва жаҳолатдан асрашда алоҳида аҳамиятга эга.

“Агар ийд истасанг ҳар дам...” Ҳазрат Алишер Навоий адабий мероси – тафаккур дарсхонаси. Буюк адиб асарлари мутолааси ўқувчини умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билишга, тафаккурни мудом чархлашга ундайди. Улардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўтаётган ҳар бир сония камолотга хизмат қилмас экан, бундай умрга ҳайф. Бой берилган вақт – завол элчиси. Бунга рози бўлиш мукаррам зот ўлароқ улуғланган инсон учун номуносибдир. Ҳайит мавзусига оид шеърлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Агар ийд истасанг ҳар дам, фано зайлини тут маҳкам
Ки, бир дамда ики байрамға учрар солики фоний.

“Ийд” – ҳайит, байрам; “зайл” – этак маъноларини англатиши маълум. Ҳазратнинг талқинига кўра, инсон умрнинг ҳар дамини ийдга айлантириш имконига эга. Аввалги сатрда ифодаланган фикрни иккинчи мисрада фасоҳат ва балоғат жиҳатидан янада юксалтириш – улуғ шоир ғазалларининг бош хусусияти. “Ийд истасанг” деб бошланган фикрнинг “бир дамда ики байрамға учрар” тарзида давом эттирилиши бунинг исботидир. Байтдаги фикр якунига кўра, бунга эришмоқнинг асосий шарти фано этагини маҳкам тутмоқликдир.

Маълумки, ҳазрат Навоий асарларида ҳеч бир ҳодиса шунчаки таъриф-тавсиф этилмайди. Қайси бир мавзу қаламга олинмасин, муаллифнинг ҳаётий ва ижодий концепциясига бўйсундирилади. Бу концепция эса, таъбир жоиз бўлса, “фано” сўзида тажассум топади. Аёнки, Фоний тахаллуси ҳам ана шундан келиб чиқиб танланган. Ана шу концепция – фано фалсафаси ҳазрат Навоий асарларини занжир мисоли бир-бирига боғлаб туради. Асардан асарга ўтган сари мустаҳкамланиб, юксалиб боради ва “Лисон ут-тайр”да авж нуқтасига етиб, хулосаланади. Ҳайит мавзусига бағишланган юқоридаги байт ҳам бунинг далилидир. Байтнинг давоми ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Навоий зору музтардур, қатил айларга дархурдур,
Жамолинг ийди акбардур, қил охир ани қурбони.

Фано фалсафасидан муддао бақога эришмоқдир. Бу мақсад Ҳақ жамоли орқали ҳосил бўлади. Ҳақиқий “ийди акбар” – улуғ ҳайит, улуғ байрам илоҳий жамолга муяссарликдир. Бу йўлда жисмнинг қатл этилмоққа дархур (лойиқ), жоннинг қурбонликка сазовор бўлиши, шунинг учун ҳам, айни муддао ўлароқ талқин этилмоқда.

Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да ёзишича, ҳайитни ҳар бир одам ёшига муносиб тарзда кутиб олиши зарур:

Ийд оқшоми тифл илгида чапу рост ҳино,
Ё шоҳиди шўх эгнига хаззу дебо.
Шоистадурур қари бажуз далқу асо,
Кўргузса сақолиға куларлар уқало.

Ҳайит оқшомида қўлларига хино қўйиш "тифл", яъни ёшлар юмуши. "Хаззу дебо" – ипакли матолардан кийиниш "шоҳиди шўх" – гўзал дилбарларга ярашади. Агар "далқу асо" – дарвешларга мос кийим кийиб, асо тутиши шарт бўлган қари ана шу тарзда ясанса-чи? Бундай киши ақл эгалари ичида кулгига қолиши шубҳасиздир. Ҳаёт ҳикмати ва мантиғининг поэтик ифодасидир бу мисралар.

Улуғ мутафаккир ижодида ҳайит, хусусан қурбон ҳайити мавзусига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, "Насойим ул-муҳаббат"да Абубакр Мавозиний тилидан азҳо ийдида (қурбон ҳайитида) одамлар қурбонликлари ва садақалари билан Ҳаққа яқинлашаётганини айтиб, унинг эса жонидан ўзга ҳеч нарсаси йўқлигини изҳор этган дарвешнинг ажиб ҳолати зикр этилган. "Вақфия"да ҳайитнинг аввалги кунида ўнлаб қўйлар қурбонлик қилиниб, "мадраса ва хонақоҳнинг фуқаро ва масокин ва сойир сукконига улашилгани", иккинчи кунида "йигирма ботмон эт била йигирма ботмон буғдойни ҳалим қилиб, эллик ботмон ўтмак била" тақсимлангани ҳақида ёзилган. Энг муҳими, бу асарлардаги маълумотлар ўқувчини фикрлашга ундайди; унинг ақлини чархлаб, кўнглини юмшатади, тафаккурини юксалтиради. Ҳазрат Навоий мероси тафаккур дарсхонаси сифатида барча замонларда ҳам улкан аҳамиятини сақлаб қолаверади.

"ДУНЁ" ТИМСОЛИ ВА УНИНГ ТАЛҚИНЛАРИ

Ўзбек ва жаҳон навоийшунослигида бугунги кунгача салмоқли илмий-назарий ютуқларга эришилгани маълум. Тадқиқотчилар томонидан буюк шоир ва мутафаккир дунёқараши ҳамда фалсафий концепциясининг асосларига доир илмий муаммоларга эътибор қаратила бошлагани бу борада янги натижаларга йўл очиши аниқ. Алишер Навоий асарларида рамз ва тимсоллар поэтикаси бир қадар ўрганилган. Лекин "дунё" тимсоли ва унинг талқинлари муаммоси, айрим мақолалардаги у ёки бу масала тадқиқи муносабати билан билдирилган мулоҳазаларни истисно қилганда, алоҳида таҳлил этилмаган. Ҳолбуки, ушбу муаммонинг ўрганилиши буюк мутафаккир дунёқарашининг асослари юзасидан янги илмий хулосаларга келиш имконини беради.

Алишер Навоий асарларида дунё тимсоли икки хил маънода қўллангани кузатилади: 1) инсон яшаб турган дунё; 2) одамзодни маърифатдан тўсувчи парда. Ҳазрат Навоий асарлари учун илмий-маърифий асос вазифасини ўтаган илоҳий манба – Қуръони каримда ва муборак ҳадисларда ҳам "дунё" тушунчаси ана шу икки маънода зикр этилган. Алишер Навоийнинг "дунё" тушунчасига ёндашув концепцияси ушбу икки мўътабар манбага асосланади. Жумладан, Қуръони каримдаги: "Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин" [Қуръони карим 2: 201] оятида икки дунё – инсон туғилиб яшаётган ва охират олами яхшиликларини тилаш маънолари ифодаланган. "Дунё" истилоҳининг "одамзодни маърифатдан тўсувчи парда" мазмунида қўлланиши эса мана бу оятда яққолроқ кўринади: "Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир. Ақл юргизмайсизларми?" [Қуръони карим 28: 60]. Ҳазрат Алишер Навоий дунёқараши ислом эътиқодининг асослари бўлган ана шу каби илоҳий амрлар руҳида шаклланган ва камолга етган. Буюк мутафаккир

асарларида кўплаб тасаввуфий тимсоллар қатори “дунё” тимсоли талқини замирида ҳам ислом маърифати туради. Комил шахс ва етук ислом алломасининг бу дунёқараши ижод консепсияси даражасига ўсиб чиққан. “Дунё” тимсолининг ҳар иккала талқинини шоир асарлари мисолида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

1. “Дунё” тимсолининг инсон яшаб турган макон маъносида талқин этилиши. Ушбу тимсолни бу маънода қўллар экан, улуғ шоир унинг қиймати Дўст ёди билангина баланд эканига урғу беради. “Ғаройибу-с-сиғар” девонининг 7-ғазали мақтаъи ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёу мо фиҳо.

Ҳазрат Навоий асарларини тадқиқ этган замонамиз олимларининг аксари “дунё” ва “дин” истилоҳини қарама-қарши қўяди. Улар наздида, бу икки тушунча бир-бирига зид, бир-бирини инкор этади. Бизнингча, бундай қараш тафаккуримизга коммунистик мафкура солган кишан натижасидир. Моддиюнчиликдан қолган бир асоратдир. Бундай мезон асосида ёндашилса, табиийки, ҳазрат Навоий асарлари моҳиятига етиб бўлмайди. Буюк шоир асарларидаги маънолар хазинасини моддиюнчилик калити билан очиш амри маҳол. Чунки бундай дунёқараш ҳазрат Навоий эътиқодига, ижод концепциясига ҳам зид экани аён. Буюк бобокалонимиз асарларига улар озиқланган асл манбалар асосида ёндашилсагина беқиёс бу хазина ўз сирларини бирма-бир оча бошлайди. Аслида, диндан, хусусан, исломиятдан кўзланган бош мақсад – инсониятнинг ахлоқини мукаммал даражага кўтариш экани маълум. Муҳаммад алайҳиссаломнинг: “Мен макорим ахлоқни (олижаноб хулқларни) мукаммал даражага юксалтириш учун юборилдим”, мазмунидаги ҳадиси ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ана шу мезондан ёндашилсагина юқоридаги байт мазмунини тўғри талқин этиш мумкин: *Навоий оламни Сенинг отингни ёд этиш имкони борлиги учунгина хуш кўради. Йўқса, дунё ва ундаги барча нарсалар унинг учун бамисоли дўзах ўтига айланади.* Демак, ҳазрат Навоий учун дунёнинг, инсон умрининг асл моҳияти Ҳақ таолонинг зикри билан боғлиқ. Яратганнинг ёдисиз дунё ўз моҳиятини йўқотади. Маълум бўладики, ҳазрат Навоий учун дунё, дин ва Тангри таоло маърифати бир-бирини тақозо этувчи, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган тушунчалардир.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида Абу Яъқуб Наҳражурий тилидан мана бундай таъриф келтирилган: “Дунё – денгиз, охират – унинг соҳили, кемаси – тақво. Одамлар сафар қилувчилардир”. Чуқурроқ эътибор берилса, ушбу таърифда дунёнинг моҳиятини ҳазрат Навоий қандай тушунгани, буюк адибнинг фалсафий тафаккури нечоғлиқ теран экани яққол намоён бўлган. Бундай ёндашув дунё, охират ва инсон ҳаёти тушунчаларининг ўзаро чамбарчас боғлиқ экани исботидир.

Буюк мутафаккир наздида, комил инсон икки дунё ободлигини мақсад қилмоғи зарур. Муборак ҳадис мазмунидан келиб чиқиб, “Дунё – охиратнинг экинзоридир”, деган хулосага келиши сабаби шунда. “Ҳайрат ул-аброр”нинг бешинчи мақолатида ўқиймиз:

Дунё эрур мазрааи фохира,
«Аддунё мазраату-л-охира».

Мунда экиб анда ўрарсен яқин,
Жаҳд этким бўлмағасен хўшачин.

Мунда экинларга тафовут дурур,
Яхшироғи жуду саховат дурур,

Тарки тамаъ қилки сахо ул эмиш,
Базлда сарф этки ато ул эмиш.

Улуғ шоир фикрича, одамзод бу дунё ҳаётида нима экса, охиратда шуни ўради. Лекин экинлар орасида ҳам ўзаро фарқ бор ва уларнинг яхшироғи саховатдир. Сахийлик қилмоққа қуввати келмаган киши тамани тарк этмоғи зарурки, у ҳам саховатдир. Чинакам саховат эса мол-мулкидан эҳсон қилмоқдир.

Навоийнинг буюклиги шундаки, у ушбу ғояларни асарларида ёзиш билангина чекланмаган, балки ҳаётда ҳам айнан шундай яшаган. Ғиёсиддин Хондамирнинг ёзишича: "...каромат эгаси бўлган бу Амир *(ҳазрат Навоий – Н.Ж.)* мансаб ва лавозимда ишлаб юрган чоғлари қашшоқлар ва дарвешларга моддий ёрдам бериш ҳамда йўловчилар ва мусофирлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Хуросон мамлакатининг турли жойларида кўплаб хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар, кўприклар ва ҳаммомлар қурганлар". Бундан ташқари, "Макорим ул-ахлоқ"да ёзилишича, Ихлосия мадрасаси қаршисидаги Халосия хонақоҳида ҳар куни мингдан ортиқ қашшоқ ва мискинларга лаззатли таомлар берилган, ҳар йили муҳтож кишиларга икки мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак, иштон, енгил дўппи ва оёқ кийим улашилган.

Маълум бўладики, "дунё"ни инсон туғилиб ўсган ва яшаб турган макон маъносида талқин этар экан, буюк ижодкор уни инсонга эзгу амаллар қилмоқ, камолотга эришмоқ учун берилган имконият, деб қараган. Буюк шоир бу дунёдаги умрни беҳуда ўтказмаслик, огоҳ қалб, уйғоқ тафаккур билан яшаш ғоясини илгари суради. Вақтни "нафас" тушунчаси билан ифодалагани ҳам улуғ мутафаккирнинг инсон умрига юксак мезон асосида ёндашгани исботидир. *"Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл, Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл"*, дея инсонни дунё ҳаётига масъулият туйғуси билан қарашга даъват этади. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, буюк мутафаккирнинг ўзи умрини ана шу юксак мезонга мувофиқ яшади.

2. "Дунё" тимсолининг одамзодни маърифатдан тўсувчи парда сифатидаги талқини. Ҳазрат Навоий асарларида ушбу тимсол бу маънода кенг ва кўламли қўлланган. Теран фалсафий мазмун ва мукаммал бадиият асосида ифодаланган. Улуғ мутафаккирнинг дунё ҳақидаги қарашлари чуқур ҳаёт фалсафасини мужассам этгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Буюк шоир фалсафий қарашлари негизида ҳам Қуръони карим таълимоти туради. Оли Имрон сурасидаги мана бу оят мазмуни бунинг исботидир: "Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Ва Аллоҳ – ҳузурида гоʻзал қайтар жой бор Зотдир" [Қуръони карим 3: 14]. Мазкур ояти каримани Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қуйидагича тафсир қилган: "Ояти каримада ушбу нарсаларнинг муҳаббати зийнатланди, дейилмоқда... Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишга, унинг гўзал ва завқли кечишига хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун ислом дини бу нарсаларни ман қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки, у уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор".

Ҳазрат Навоий асарларида дунё эмас, дунёпарастлик инкор этилади. Дунёни эмас, дунёга муҳаббатни тарк этишга чақирилади. Мана бу байт айни шу концептуал қарашни ифода этгани билан аҳамиятлидир:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Буюк шоир шеърларида "дунё" тимсоли аксар "аёл" образи орқали сувратланади. Асли арабча сўз бўлган "дунё" аёл жинси (женский род)га мансуб экани маълум. Юқоридаги ояти каримада ҳам одамларга зийнат қилиб кўрсатилган шаҳватлар ҳақида сўз кетар экан, биринчи навбатда, "аёллар" тилга олинган. Ҳазрат Навоий дунё аруси – келинчагини талоқ қилишни эрликнинг муҳим шарти сифатида талқин этади. Зийнатланиб келин сувратида кўрингани билан у, аслида, "золи маккор" – макру ҳийлани ҳаётий аъмол қилган кампир эканини айтиб, унинг олдида ҳеч қачон забун бўлмасликка чақиради. Ўзаги "дун" бўлган "дунё" сўзи, бундан ташқари, "тубанлик", "пастлик" маъноларини ҳам англатади. Яъни, буюк мутафаккир наздида, дунё – инсоннинг камолотга эришмоғи йўлидаги тўсиқ, уни тубанликка қулатгувчи иллатдир. Ҳам луғавий маъно, ҳам жинс, ҳам асл моҳият, ҳам бадиий талқин жиҳатидан бу даражадаги уйғунлик – юксак балоғат ва фасоҳат самараси. Бундай мутаносиблик, биринчидан, ҳазрат Навоийнинг фалсафий ва поэтик тафаккури нечоғлиқ теран ва ўзаро уйғун эканини кўрсатса, иккинчидан, улуғ шоир асарларидаги ғоялар мўътабар манбалардан озиқлангани исботидир.

Мана бу байтда ҳам теран ҳаёт фалсафаси улуғ шоир концепциясига мувофиқ талқин этилган:

Олғали дунё арусин, эйки, соттинг нақди дин,
Умр сотиб, марг олмоқ англа, бу сотиғ-олиғ.

Тасаввуфшунос Саййид Сажжодий "дунё" тимсолини изоҳлар экан, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг мана бу фикрларини келтиради: "Дунё жодусининг аввали шуки, у сеники бўлиб кўринади, гўё доимо шундай бўлиб қоладигандек ёки шундай қарор топгандек. Ҳолбуки, у оғувчандир, борган сари сендан узоқлашади, ўз ҳаракатида даражама-даража давом этади. Унинг мисли соядирки, у ҳеч қачон бирдай турмайди. У ҳаракатланиб, ўзгариб боради. Маълумки, сенинг умринг ҳам худди шундай бардавом ўтиб боради.

Дунёнинг яна бир сеҳри (макри) шуки, у сенга дўст бўлиб кўринади. Бу ҳол сени ўзига ошиқ қилгунча давом этади. Ногоҳ бир вақт унинг сенга душманлиги кўринади. У нобакор аёлга ўхшайдики, эрга ўзининг келишган жойларини кўрсатиб, ошиқ қилади ва хонасига бошлаб, у ерда ҳалок қилади".

Табиийки, бу фикрлар улуғ шоирнинг юқоридаги байти мазмунини чуқурроқ англаш имконини беради. Байт мазмуни: *Дунё келинчагини олмоқ учун дин нақдини сотган, эй кимса! Бу сотиғ-олиғнинг моҳиятини англагинки, умрингни ҳалокатинга алмашдинг.*

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида дунё тимсоли "ялтироқ чивин" образи орқали ҳам бадиий талқин этилади. "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги 22- қитъага: "Такаллуф аҳлининг дунёға шефталиғидаву дунёликка фирефталиғида", деган сарлавҳа қўйилган. "Такаллуф аҳли" – ўзини кулфатга солганлар тоифаси. Улуғ мутафаккир наздида, улар дунёга мубтало бўлган ва дунёликка алданган кимсалардир. Демак, ҳазрат Навоий наздида, дунёпарастлик – ўзини кулфатга солмоқдир. Қитъада ана шу фалсафий қараш таъсирчан образ воситасида поэтик талқин этилган:

Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин учқан ҳар тараф,
Йўқ ажаб гар бор эса дунё матои ком анга.

Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ яшнар хилъати,
Кўпраги, билким, нажосат узрадур ором анга.

Қитъа мазмуни: *Зарбафт тўн кийгани билан ғурурланиб, ҳар тарафга енгилгина учиб юрган кимсанинг яшашдан мақсади дунё матоҳи бўлса, бунга ажабланмаслик керак. У устки тарафи кўзга бамисоли олтинга ўхшаб кўринадиган чивинга ўхшайдики, охир-оқибат ором оладиган жойи нажосатдир.* Яъни, ҳазрат Навоий фикрича, дунё матоҳини умр мазмунига айлантирган киши пок яшамоғи маҳол. Чунки у ушбу муддаосига эришмоқ йўлида ҳар қандай тубанликдан, ҳатто ҳаромдан ҳам қайтмайди. Бундай кимса зоҳиран олтиндай товланса ҳам, аслида нажосат ичида яшайдиган чивиннинг ҳолига тушмоғи муқаррар. “Маҳбуб ул-қулуб”даги мана бу сўзлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: *“Зарбафт кисватлиғ дунёгузин нажосат устидаги йилтироғучи чибин”.*

“Фавойид ул-кибар” девонидан олинган мана бу байтда ҳам айни шу моҳият ифодаланган:

Дунё асбоби нажосат кебидур мазбалада,
Покравлар нечук ўзни анга қилғай машъуф.

Ҳазрат Навоий дунё асбоби – ашёларини нажосатга қиёслагани бежиз эмас. Зеро, дунё матоҳига ҳирс қўйиш одамзоднинг кўнглини қорайтиради. Унинг қалбида мол-дунёга эгалик қилиш йўлида ҳеч қандай ёмонлик ва қабоҳатдан қайтмаслик ҳиссини пайдо қилади. Буюк бобокалонимиз инсониятни ана шу иллатдан сақланишга чақириш баробарида, ўзи ҳаётда бунга тўлиқ амал қилгани эътиборга лойиқдир. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да ул зотнинг “...ҳеч қачон ўткинчи мол-дунёга бўлган муҳаббат чангини ва бу дунёнинг нарсаларига бўлган қизиқиш ғуборини ўзининг ҳиммат этагига қўндирмаган”ини таъкидлагани улуғ мутафаккирнинг сўзида ўзи акс этганидан, ёзганларига ҳаётда тўлиқ амал қилганидан далолат беради. Буюк шоир ҳирсу ҳавас хирмони барбод, нафсу ҳаво қасри барафтод, зулму ситам жонига бедод бўлмоғи эл шодлиги ва мамлакат ободлигининг асоси эканини таъсирчан бадиий талқин этди. Ўзи намуна бўлиб, бутун салоҳиятини ана шу ғояларининг ҳаётда тасдиғини топиши йўлига сафарбар қилди. Мамлакат ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарони шунга даъват этди. Юртда осойишталик, жамиятда маънавий юксалиш бўлишига амалда ҳам эриша олди.

Шу ўринда масаланинг муҳим бир жиҳатига эътибор қаратиш зарурати сезилади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг дунё ҳақидаги ушбу қарашлари зинҳор таркидунёчилик маъносида тушунилмаслиги зарур. Бу муаммони алоҳида ўрганган тасаввуфшунос Иброҳим Ҳаққул мана бундай ёзади: “Тарк ёки тарки дунё дегани нисбий бир гап бўлиб, уни жаҳондаги ҳар турли ёмонлик, ғирромлик, тубанлик, ғайриинсонийликларга танқидий муносабат мазмунида англаш лозим”.

Ҳақиқатан, ҳазрат Навоий асарларида дунёни эмас, унинг ҳою-ҳавасларини тарк этиш ғояси бадиий талқин этилган. Зеро, буюк мутафаккир эътиқодининг асоси бўлган исломда ҳам, ушбу муқаддас дин асосида шаклланиб тараққий этган улуғ Навоий мансуб нақшбандия тариқатида ҳам таркидунёчилик ва дунёга ҳирс қўйиш қораланган. Ижодда ҳам, ҳаёт-

да ҳам дунёга бўлган муҳаббатни тарк этиш ғояси устувор саналган. Бу эса, шахс ва жамият маънавияти юксалишида асос-замин вазифасини ўтаган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Алишер Навоий асарларида "дунё" тимсолини бадиий талқин этар экан, инсоний камолот юксаклигида туриб ижод қилган. Ушбу тимсолни одамзод яшаб турган макон сифатида тасвирлаганда ҳам, уни камолотдан тўсувчи парда ўлароқ таъвил этганда ҳам, Шарқ ислом эътиқоди нуқтаи назаридан туриб муносабат билдирган. Дунёпарастликни қоралаш орқали инсон камолоти ва жамият тараққиётига хизмат қилишни шахс ва ижодкор сифатидаги муқаддас бурчи, деб билган. Энг муҳими, асарларида илгари сурилган улуғвор ғояларга ҳаётда ҳам оғишмай амал қилган. Буюк мутафаккир асарларидаги барча замонлар учун аҳамиятли саналган бу каби образ ва тимсоллар моҳиятини янада чуқур ва кўламли тадқиқ этиш навоийшунослик олдида турган долзарб муаммолардандир.

ФУТУВВАТ ҒОЯСИ ВА ФАТИЙ ОБРАЗИ

Футувват – тасаввуфнинг ўзак тушунчаларидан. Тасаввуфнинг инсон камолотига доир мукаммал таълимот даражасига кўтарилгани эътиборга олинса, футувватнинг бу таълимот ривожига кўрсатган таъсири нечоғлик кучли экани аён бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий таъбирича: "Истилоҳ сифатида футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунавий ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, шу важданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади. Хос таъриф юзасидан эса футувват инсоний фитрат нури нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборатдир"[1].

Жамият ҳаётидаги ҳар қандай аҳамиятли ҳодиса адабиётда ҳам акс этади. Футувват ҳам бундан мустасно эмас. Адабиёт футувват ғояларини кишилар шуури ва қалбига теранроқ сингдиришга хизмат қилганидек, футувват ҳам бадиий адабиётга ҳаётбахш руҳ бағишлаган, дейиш мумкин. Туркий адабиётнинг чўққиси ҳисобланган Алишер Навоий асарларида ҳам футувват ғояси чуқур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида талқин этилган. Жумладан, буюк шоир "Хамса"нинг "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун" достонларида футувватнинг инсон камолотидаги ўрнига ишора этади. Буюк бешликнинг тўртинчи достони "Сабъаи сайёр"да футувват – ахийлик ғоясининг поэтик ифодасига доир алоҳида ҳикоят ижод қилган. "Насойим ул-муҳаббат"да аксар Мутасаввуфлар камолотида футувватнинг тутган ўрни хусусида фикр юритади. Уларнинг футувват моҳиятига доир қарашларидан иқтибос келтиради. Булар барчаси ушбу ғоянинг ҳар доим улуғ мутафаккир эътиборининг марказида турганидан дарак беради.

"Фавойид ул-кибар" девонидаги фардларнинг бешинчисида футувватнинг моҳияти жуда қисқа, лекин ниҳоятда теран ифодаланган:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ [2].

---

[1] Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Таржимон: Н.Комилов). –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2011, 16-бет (Асардан олинган бундан кейинги иқтибослар саҳифаси қавсда Ф ҳарфи билан келтирилади).

[2] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. - Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 4-жилд. - Т., Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011, 741-бет.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳазрат Навоий асарларида *футувват* истилоҳи деярли ҳар доим *мурувват* билан ўзаро боғлиқликда талқин этилади. Бундан мурувват туйғуси футувватнинг асосини ташкил этади, деган хулосани чиқариш мумкин. Ҳусайн Воизнинг мана бу қараши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: "Футувватнинг уч мартабаси бор: аввал саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик. Иккинчиси сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш. Учинчиси вафо, яъни ҳама вақт халқ хизматида бўлиш" (Ф., 17). Футувватга доир мазкур учала мартабанинг ҳам негизи *мурувват*га бориб боғланиши буюк шоир талқини мустаҳкам заминга асосланган тасдиғидир.

Алишер Навоий асарларида футувват ғоясининг акс этиши даражаси алоҳида тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, бу масалага муайян муносабатлар билдирилган. Жумладан, Ёқубжон Исҳоқов "Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти" тадқиқотида буюк шоирнинг жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам, Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифодалай олган"[1]ини алоҳида таъкидлайди. Ушбу тадқиқотида олим нақшбандиянинг адабиёт билан боғлиқ жиҳатларини анча пухта ва асосли тадқиқ қилган. Лекин олим баъзан бир-бирига зид ва мунозарали фикрларни ҳам билдиради. Жумладан, сал юқорида ҳазрат Навоийнинг "футувватнинг Кичик Осиёдаги кўриниши бўлмиш ахийлик ҳақида махсус ҳикоя ("Сабъаи сайёр"нинг биринчи ҳикояти) яратгани" ҳақида сўз юритгани ҳолда кузатишларининг давомида нимагадир буюк шоирни "...жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган" (И., 49), деб ҳисоблайди.

Олим жавонмардликни сарбадорлар ҳаракати билан боғлиқ, деб билади ва мана бундай хулосага келади: "Алишер Навоийнинг бу борадаги эҳтиёткорлиги ортида жиддий сабаб ётади. Маълумки, жавонмардлик мафкураси сарбадорлар ҳаракатининг асосий ғоясини ташкил этган. Сарбадорлар (ҳуруфийлар сингари) билан темурийлар ўртасидаги жиддий муносабат Навоийга маълум эди. Бинобарин, ота-бобосидан тортиб шу хонадонга содиқ қолган Навоий ана шундай нозик масалада эҳтиёткорлик кўрсатиши табиий ҳолдир" (И., 49).

Таъкидлаш жоизки, бу фикр мунозарали. Негаки, футувват тасаввуфнинг асосий бўғини сифатида сарбадорларгача ҳам бир неча асрлик тарихга эга. Шундай экан, сарбадорлар билан темурийлар ўртасидаги муносабат қандай бўлишидан қатъи назар, бу ҳол футувват ҳақида асар ёзилишига моне бўла олмас эди. Акс ҳолда Навоий "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" номи билан алоҳида асар ёзмаган ва буюк шоирнинг замондоши, у билан бир заминда яшаган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг футувватга доир махсус асари яратилмаган бўлар эди. Қолаверса, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаиъ баҳрайн" асарининг изоҳлар қисмида сарбадорлар ҳақида мана бундай маълумот берилган: "Сарбадорлар – XV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда мўғулларнинг босқинчилик ҳаракати ва тартибларига қарши курашувчилар. Сарбадорлар деб аталишига сабаб, уларнинг шиорлари мўғул амалдорлари зулмидан халқни озод қилиш йўлида ўз бошларини қурбон қилишга ҳам тайёр эканликларидир. Сарбадорлар 1339 йили маркази Сабзаворда бўлган Сарбадорлар давлатини тузганлар. Бу давлатнинг охирги ҳукмдори Али Муайяд 1381 йили ҳукуматни ихтиёрий равишда Амир Темурга топширган. "Матлаъ"даги сарбадорлар ҳақида келтирилган маълумотлар эса, уларнинг айрим намояндалари темурийлар даврида ҳам ҳали мавжуд эканлигидан дарак беради"[2]. Ушбу иқтибосдаги хулоса сифатида берилган: *"Матлаъ"даги сарбадорлар ҳақида келтирилган маълумотлар эса, уларнинг ай-*

[1] Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002, 49-бет (Бундан кейинги иқтибослар саҳифаси қавсда И ҳарфи билан кўрсатилади).

[2] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев). – Т.: O'zbekiston, 2008, 813-бет.

рим намояндалари темурийлар даврида ҳам ҳали мавжуд эканлигидан дарак беради”, тарзидаги изоҳ эса “сарбадорлар билан темурийлар ўртасидаги жиддий муносабат”га доир қарашни шубҳа остига қўяди.

Бундан ташқари, агар *“жавонмардлик мафкураси сарбадорлар ҳаракатининг асосий ғоясини ташкил этган”* бўлса, бунга бирорта тарихий далил борми? Сарбадорлар ҳаракатининг тарафдори бўлган қайси олимнинг футувватга доир асари бизгача етиб келган? Табиийки, бу каби саволларнинг жавоби ҳозирча очиқ қолади.

Футувват тасаввуф таълимоти ривожида алоҳида ўрин тутиши исбот талаб қилмайди. Ҳусайн Воиз Кошифий таъбирича: футувват – “тасаввуф ва тавҳид илмининг бир бўлаги” ҳисобланиб, унинг асосий мавзуи – инсон руҳи. Камолот йўлидаги инсоннинг нафс билан курашда ундан ғолиб бўлиши – футувватнинг асосини ташкил этади. Шарқ мумтоз адабиётида футувват ғоясининг бадиий талқини етакчи ўрин тутиши сабаби шунда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “*Футувват барча қилмакдур, демак йўқ”*, деган таърифи ушбу истилоҳнинг моҳиятини тўлақонли ифода этади. “Насойим ул-муҳаббат”да бу таълимотнинг асосларини ёритиб берган буюк шоир “Сабъаи сайёр” достонида футувватнинг образли тасвирини беради. Достондаги Ахий ҳикоятини футувватнинг Ҳусайн Воиз Кошифий алоҳида ажратиб кўрсатган уч мартабаси кесимида таҳлил этиш, бизнингча, муаммо моҳиятини нисбатан чуқурроқ очиш имконини беради.

Саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик – футувватнинг биринчи мартабаси. “Сабъаи сайёр”даги биринчи мусофир ҳикоятида воқеа гарчи Ҳинд мулкининг шоҳи Жасрат ва унинг *“Бори илму камол аро моҳир, зотидин юз камол зоҳир”* бўлган ўғли Фаррух образлари тасвири билан бошланса ҳам, сюжетни ҳаракатлантирувчи образ Ахийдир. Ҳазрат Навоий ҳикоят асосига қўйган футувват ғоясининг негизида ҳам ана шу образ туради. Улуғ шоир Ахийни *Ҳалабда энг ғани, меҳмондорлиқ шиору фани*, дея таърифлайди. Унинг табиатидаги саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик туйғуси асарда қуйидагича талқин этилади:

Қайда топса ғариби мазлуме,
Хастау номуроду маҳруме.

Бўлубон бир нафас анга ҳамдам,
Ёқибон кўнгли захмиға марҳам.

Негаким бўлса муқтазои зоти,
Айлабон ул қадар мурооти.

Ҳазрат Навоий талқинича, футувват Ахийда тажриба давомида кейинчалик пайдо бўлиб қолган хусусият эмас, балки муқтазои зотий. Яъни футувватнинг асосий шартларидан бўлган сахийлик унинг асл табиатида бор. Май суҳбати боис кўнглини ёрган Фаррухнинг ҳикоятини тинглар экан, Ахийнинг жисмига тоб, қалбига изтироб тушади. Чунки меҳмони айтаётган маъшуқа ҳарами иффатига содиқ, яъни унинг жуфти ҳалоли эди. Шунга қарамай, Фаррухнинг ишқ таврида бу сифат содиқ эканини кўргач, мана бундай кутилмаган қарорга келади:

Деди, фикр айлабон мурувват ила,
Топти бу нуктани футувват ила –

Ким: Бу янглиғ ғарибу ҳам ошиқ,
Ишқ таврида бу сифат содиқ –

Ки, бу ғурбатни ихтиёр этган,
Тарк оламда ҳар не бор этган.

Ишқ аро кирмайин жаҳон кўзига,
Тутмиш ўлғой ўлумни ҳам ўзига.

Эмгакидек кишида эмгак йўқ,
Ҳажр аро ўлгусидурур шак йўқ.

Менки, онинг ғамиға қолурмен,
Дардиға чора айлай олурмен.

Қилмасам, ўлса, ул мурувват эмас
Они яхши мурувват аҳли демас.

Киши бу ишга чора қилмасму,
Манга аҳли ҳарам топилмасму?

Натижада ўз маҳбубасини талоқ қилмоқ, уни бу ишга ризо этмоқ учун бор ҳунарини ишга солиб, Ахийга никоҳлаб беради. Шу ўринда савол туғилади? Ахийдаги ўз номига муносиб футувватнинг – жўмардликнинг даражасини қарангки, ишқ таврида содиқ бегона бир бир ошиқ аҳволига раҳм қилиб, ўз жуфти ҳалолидан ҳам кечаётир. Бундай йўл тутишга уни нима мажбур қилди? Бизнингча, бу саволнинг жавобини ҳам тасаввуфнинг илдизларидан, ҳазрат Навоий дунёқарашининг асоси бўлган манбалардан қидирмоқ зарур.

Буюк шоир фалсафий қарашлари негизида Қуръони карим таълимоти туриши исбот талаб қилмайди. Оли Имрон сураси 14-оятда мана бундай дейилган: “Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳуснли қайтар жой бор”. Мазкур ояти каримани Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қуйидагича тафсир қилган: “Ояти каримада ушбу нарсаларнинг муҳаббати зийнатланди, дейилмоқда... Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун ислом дини бу нарсаларни ман қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки, у уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор”.

Улуғ шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан олинган мана бу байт айни шу концептуал қарашни ифода этгани билан аҳамиятлидир:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.

Буюк шоир шеърларида “дунё” тимсоли аксар “аёл” образи орқали сувратланади. Асли арабча сўз бўлган “дунё” аёл жинси (женский род)га мансуб экани маълум. Юқоридаги ояти каримада ҳам одамларга зийнат қилиб кўрсатилган шаҳватлар ҳақида сўз кетар экан, биринчи навбатда, “аёллар” тилга олинган. Ҳазрат Навоий дунё аруси – келинчагини талоқ қилишни эрликнинг муҳим шарти сифатида талқин этади. Зийнатланиб келин сувратида кўрингани билан у, аслида, “золи маккор” – макру ҳийлани ҳаётий аъмол қилган кампир эканини айтиб, унинг олдида ҳеч қачон забун бўлмасликка чақиради. Ўзаги “дун” бўлган “дунё” сўзи, бундан ташқари, “тубан”, “паст” маъноларини ҳам англатади. Яъни, буюк мутафаккир наздида, дунё – инсоннинг камолотга эришмоғи йўлидаги тўсиқ, уни тубанликка қулатгувчи иллатдир. Ҳам луғавий маъно, ҳам жинс, ҳам асл моҳият, ҳам бадиий талқин жиҳатидан бу даражадаги уйғунлик – юксак балоғат ва фасоҳат самараси. Бундай мутаносиблик, биринчидан, ҳазрат Навоийнинг фалсафий ва поэтик тафаккури нечоғлиқ теран ва ўзаро уйғун эканини кўрсатса, иккинчидан, улуғ шоир асарларидаги ғоялар мўътабар манбалардан озиқланган исботидир.

Ана шу дунёқараш асосида баҳоланса, Ахий ҳикоятидаги “аёл” – дунё тимсоли. Ахий унинг тимсолида ўз суюклисини эмас, дунёни талоқ қилмоқда. Ўз навбатида, Фаррух ҳам – футувват соҳиби. Маъшуқа висолига эришаётганидан ўзини бахтиёр ҳис этган Фаррух ёр кўнглида дард, кўзида ёш кўргач, бунинг сабабини сўрайди. Асл моҳиятни билгач, мана бундай қарорга келади:

Гар анга бу қадар мурувват бор,
Бизда ҳам шаммаи футувват бор.

Натижада Фаррух ҳам, гарчи ҳикоятда бу сўз тилга олинмаса-да, ёрини талоқ қилиб, “Менга икки жаҳон сингил бўлғил”, дея у билан ака-сингил киришади. Футувватга футувват билан жавоб қайтаради. Деҳхудонинг тасаввуфга доир “Луғатнома”сида дунё тушунчасига “нокас, хасис аёл” дея изоҳ берилган. Тасаввуфшунос Саййид Сажжодий фикрича: “Дунёнинг яна бир сеҳри (макри) шуки, у сенга дўст бўлиб кўринади. Бу у сени ўзига ошиқ қилгунча давом этади. Ногоҳ бир вақт унинг сенга душманлиги кўринади. У нобакор аёлга ўхшайдики, эрга ўзининг келишган жойларини кўрсатиб ошиқ қилади ва хонасига бошлаб у ерда ҳалок қилади”.

Ушбу изоҳлар Ахий ва Фаррухнинг аёлини талоқ қилиши замирида теран тасаввуфий-фалсафий маъно борлигини тасдиқлайди. Агар улар нафсга бўйсунганда, нафс йўриғига юрганда эди, аёл суратида дунёни талоқ қила олмаган бўлар эди.

Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлашича, футувватнинг иккинчи мартабаси – **сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш**. Ҳикоят қаҳрамонлари табиатида ана шу фазилат тўлиқ мужассам экани кузатилади.

Фаррухнинг инсоний сифатларини таърифлар экан, ҳазрат Навоий мана бундай ёзади:

Зуҳду тақво келиб шиори анинг,
Бўлубон поклик ҳисори анинг.

Яъни унинг учун ибодат ва тақво ҳаётий аъмол даражасига кўтарилган. Шу боис вужуди поклик қўрғони билан ҳимоялангандир. Шоҳ Жасрат ўғлига бор мулку тахту тожини ҳам, Ҳинд молию Хито хирожини ҳам беришдан тафохур (ифтихор) туйса, Фаррух кўнглида дунё матоҳига танофур (нафрат) ҳисси бор. Улуғ шоир бу орқали Фаррухнинг қалби таби-

атан сафога – покликка йўғрилганини таъкидлайди. Бу пок кўнгил эгасининг ишқ талаби билан Қуддусга етгандаги ҳолати асарда мана бундай тасвирланади:

Фаррух ул пок ерга чун етти,
Пок кўнгли била тавоф этти.

Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг "пок" сифатига урғу бергани бежиз эмас. Чунки Фаррухнинг кўнгли кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан холи. Унда нафратдан асар ҳам йўқ, пок қалби ишқ билан лиммо-лим. Қуддус тупроғига ниёз билан юз қўйиши, шам янглиғ гудоз билан йиғлаши сабаби шунда. Отаси уни қудратли лашкар билан юборган эди. Шаҳзоданинг барчага рухсат бериб, ёлғиз қолиши, шоҳона либосни эгнидан олиб, шомранг – қора палос кийиши замирида ҳам ниятнинг поклиги туради. Туъмаси – озиғи ҳам ишқ, қуввату қути ҳам ишқ билан дард бўлган Фаррух – ошиқи покбоз тимсоли. Унинг кўнгли шу қадар тозаки, ҳикоятнинг яна бир қаҳрамони Ахий ҳол сўраганда, нечоғлик оғир аҳволда бўлмасин, ундан ҳеч нарса тама қилмайди. Аксинча, ғаминнинг асари унинг кўнглига юқмаслиги, жонига қалбидаги ўтнинг шарари – учқуни тушмаслиги учун ўзидан йироқ юришини ўтинади. Табиийки, *кўнгли раҳиму табъи сахий* дея сифатланган Ахий ҳам қароридан қайтмай, уни ўзи билан олиб кетади.

Ҳикоятдаги Ахий – пир тимсоли, дейиш мумкин. У футувватнинг барча қоидаларига оғишмай риоя этади. Элга, шу жумладан Фаррухга кўрсатган саховатини заррача миннат қилмайди. Бу иши билан Фаррухга сабоқ беради. Ҳинд мулки подшоҳи даражасига етишган Фаррух саховатда айнан Ахий кўрсатган йўлдан боради. Ахийда футувват туйғуси шу қадар кучлики, экинига халал етган, савдоси зиёнга юз тутган, зиндонбанд этилиб, бир амаллаб қутулган, бор-будидан айрилган ҳолида ҳам ўзида сабр ва сабот топа билади. Ҳинд мулкига келиб, Фаррухдан мерос қора палосни ёпиниб, ғариб ҳолда кун кечирганда ҳам эътиқодига содиқ қолади. Вайроналарга ҳам кириб, бечоралар ҳолидан хабар олишни одат қилган Фаррух уни харобадан топиб, ўз ёри висолига етишувида кўмак беради.

Футувватнинг учинчи мартабаси – **вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш** ҳам ҳикоят қаҳрамонларининг асл табиатида бор эканини таъкидлаш керак. Ҳикоятнинг асосий қаҳрамонлари Фаррух, Ахий ва унинг аёли – барчаси вафода тенгсиз инсонлар. Жумладан, Ахий дунё молини Ҳақ таолонинг омонати деб билади. Топганини эл манфаати йўлига сарф этади. Унда комил инсонга хос барча фазилатлар мужассам. Айниқса, вафо – унинг характерига хос асосий хусусият. Футувват тақозосига кўра ёридан айрилишга аҳд қилган вақтда жуфти ҳалолига айтган мана бу сўзлари тақдирга ризолик орқали алмийсоқдаги ваъдасига вафони ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга:

Ки: "Неким Тенгри айламиш тақдир,
Айлай олмас киши анга тадбир.
Сангау бизга васл даврони
Мунча ёзмиш қазойи Яздони".

Ҳақ таоло ризоси учун нафс хоҳишига зид йўл тутар экан, Ахий заррача иккиланмайди. Ҳар қандай ҳолда дилида ҳам, тилида ҳам шукр қилади. Висол айёмида шод, қайғудан озод чоқларида қандай шукрона билан яшаган бўлса, "Эмди бўлди муфорақат чоғи, Шукр вожибдурур бу дам доғи", дея ҳижронда ҳам қалбида ана шу туйғуни ҳис этади. Тангри таоло муҳаббатига вафо, дўстга вафо, халқ хизматига камарбасталик – умуман, унинг сурати ҳам, сийрати ҳам вафо расми асосига қурилган.

Ҳикоятда Ахий камолот ёшида ғарибу мискинлар ҳомийси, тайёр фатий сифатида намоён бўлса, Фаррухни болаликдан илму маърифатга рағбати кучли, дунё матоҳига – тожу тахтга эмас, ишққа толиб ошиқ сифатида таниймиз. Истаган нарсаси муҳайё қилиниши мумкин бўлган шаҳзода кезларида ҳам, сафарга йирик ададдаги лашкар билан кузатилган валиаҳд пайтида ҳам, тушда кўрган ёрини излаб топа олмай бечора хаста ҳолига тушган вақтида ҳам Фаррух покдил, ишққа вафодор шахс сифатида аҳдига содиқ қолади. У нафс бандаси эмас, ичию таши вафо билан йўғрилган инсон. Футувват қоидасига кўра Ахий ўз ёрини унга никоҳлаб берганини билган заҳоти бу гўзал ўзининг эмас, дўстининг хасми эканини дилдан ҳис этади. Омонатга хиёнат қилмай, ўша дақиқадан уни маъшуқа эмас, сингил деб билади. Ахий учун асрайди ва уни топиши билан ҳалол-пок ҳолда дўстига никоҳлаб беради.

Аксар ҳолатда нафс одамни қутқуга солади. Унинг йўриғига юрган кимса дунё молига эга бўлганда, ўзини бошқалардан устун кўра бошлайди. Оёғи ердан узилади. Манманлик ва кибр ботқоғига ботади. Фаррух эса фитратан бошқа тоифага мансуб. Унинг учун дунё матоҳи қимматга эга эмас. Шу боис ўзи ҳукмдор даражасига етганда ҳам хор ва забун ҳолатдаги дўсти Ахийга вафо кўрсатади. Унинг қаддини тиклаб қўяди. Ҳикоятда футувватнинг учинчи мартабаси саналган вафо – ҳар иккала дўст учун ҳаётий аъмол экани уларнинг ҳар бир ҳаракатида, сўзида ва амалида мукаммал тарзда намоён бўлади.

Аёл – ҳикоятда унинг номи тилга олинмайди, аслида, дунё тимсоли бўлган бу қаҳрамон ҳам вафо рамзи. Гарчи эри Ахий бу ишни ўз розилиги билан амалга оширган бўлса ҳам, Фаррухга никоҳлаб берилган гўзал кўз очиб кўрган ёрига вафодор эканини намоён этади. Кўнглидаги ғусса сабабини сўраган Фаррухга асл ҳақиқатни айтади. Бу образ орқали ҳазрат Алишер Навоий моҳиятан бевафо бўлган дунё ҳам вафо аҳлига вафо кўрсатиши мумкинлигини мукаммал поэтик тасвирлайди. Дунёни бўйсундиришнинг ягона йўли – унга муҳабат қўймаслик, футувват қоидасига кўра яшамоқ эканини концептуал тарзда бадиий талқин этади.

Ҳикоятнинг асосий қаҳрамонлари Ахий ҳам, Фаррух ҳам ҳар доим эл хизматига шай туради. Мискину ғарибларнинг кўнглини шод этмоқни одат қилади. Уларга мурувват кўрсатади. Жумладан, жоҳу моли ҳисобу ададдан ташқари бўлган Ахий саховати билан барчани банда қилгани айтилади. Қадди ғамдан букилган мусофир Фаррухнинг кўнгил дардига малҳам қўймоқ учун у бор-будидан кечади. Ахийдан футувват сабоғини олган Фаррух унинг жуфтига Ҳалабдаги каби шароит яратади, ўз синглиси каби эъзозлайди. Шаҳарни мунтазам сайр қилиб, ғариблар кўнглини шод этмоқни одат қилади.

Ҳикоятда валиаҳд шаҳзода Фаррух Ҳинд мулкига келгунга қадар унинг отаси шоҳ Жасратнинг вафот этгани зикр этилади. Мамлакатга Ахий тарбияти билан фатийга айланган Фаррух ҳукмдор бўлади ҳамда давлатни футувват расмига мувофиқ тарзда бошқаради. Ҳазрат Навоий бу орқали, гарчи очиқ-ошкор бўлмаса-да, шоҳ қандай сифатларга эга бўлиши масаласига алоҳида урғу бергани кузатилади. Яъни саховат, сафо ҳамда вафо сингари футувватнинг ҳар учала мартабасига эришган комил шахс фазилатларига эга идеал шоҳ ҳақидаги орзусини Фаррух образи воситасида сувратлантиради. Ахий ҳикоятидаги бу усул чинакам буюк ижодкор бадиий асарда улкан ҳақиқатларни айтмасдан ҳам айта олишига ёрқин далилдир. Зеро, юксак бадиият намунасида баён эмас, ижодкор концепциясининг бадиий ифодаси муҳимроқдир. Ҳақиқий мутафаккир шоир кичик бир ишора орқали ҳам катта маънони ифода эта билади. Буни англамоқ учун тагматнда акс этган маъно қатламларини уқиш талаб қилинади.

Таҳлил этилган хусусиятлар ҳикоятда футувват ғояси теран бадиий талқин этилганидан далолат беради. Умуман, “Сабъаи сайёр” достонидаги Ахий ҳикояти ҳазрат Алишер Навоий ижод концепциясининг, буюк мутафаккир дунёқарашининг асл моҳиятини ифода этгани билан алоҳида бадиий-эстетик қимматга эга.

Юқорида таъкидланганидек, буюк шоир футувват ва мурувватни эгизак ҳолда қўллайди. Бу орқали, биринчидан, бу икки тушунчанинг бири иккинчисини тақозо этишини назарда тутса, иккинчидан, барча эзгу амалларнинг асоси ана шу икки фазилатга боғлиқ эканига урғу беради. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, футувват мурувватдан ўсиб чиқади. Ҳусайн Воиз ҳам бу хусусиятни алоҳида таъкидлайди: “Агар мурувват нима, деб сўрасалар, футувват тариқатнинг бир қисми бўлганидай, мурувват футувватнинг бир қисмидир” .

Ҳазрат Навоий асарларининг қаҳрамонлари бу икки фазилатни ҳаётий аъмолига айлантиргани билан комиллик тимсоли даражасига кўтарила олган. Жумладан, улуғ шоир Мажнунни қуйидагича таърифлайди:

Мажнунки футувват аҳли эрди,
Эҳсону мурувват аҳли эрди[1].

Бу сўзлар отаси Мажнунни Навфалнинг қизига уйлантиришга кўндириши воқеаси муносабати билан айтилган. Отаси: *“Мендан тиласанг ризо қабул эт, Не шаръ этар иқтизо қабул эт”*, яъни ота розилигига эришмоқчи, шариат тақозоси бўйича иш тутмоқчи бўлсанг, таклифимни қабул эт, дейди. Ҳазрат Навоий талқинича, ўз хоҳишига зид бўлса ҳам, бу таклифни қабул этиши Мажнуннинг футувват аҳлидан, эҳсону мурувват аҳлидан экани сабаблидир. Зеро, футувват соҳиби яхшиликни, саховату марҳаматни қалбига яқин одамларгагина кўрсатмайди. Футувват барчага эзгуликни раво кўрмоқ, нафсига, кўнгил истагига қарши бориб бўлса ҳам, одам танламай, ҳатто душманга ҳам Ҳақ таоло йўлида ёрдам кўрсата билмоқдир. Шу маънода, тасаввуфшунос Иброҳим Ҳаққулнинг: “Шарқ Мутасаввуфларининг ўзига хос хизматларидан бири, балким биринчиси, инсоннинг маънавий мавқеи ва ички оламига доир қарашларни мисли кўрилмаган даражада кенгайтиргани, деса асло хато бўлмайди. Инсон сийратига очилган Йўл – ўзини таниш, Ҳақ ва ҳақиқатга эришишнинг мустасно бир йўли эканини мана шу маърифат пешволари кашф қилиб берган”,[2] – деган фикрлари футувват мавзуига ҳам тўлиқ дахлдордир.

Тасаввуфдан ва унинг ажралмас қисми бўлган футувватдан мурод инсоннинг камолга эришмоғи ва Ҳақ таолога қурбат ҳосил қилмоғидир. Футувватнинг Шайх Фаридиддин Аттор таъкидлаган 72 талаби, Ҳусайн Воиз асарида тилга олинган уч мартаба, икки сифат, ўн икки рукн ва 71 шарти – барчаси ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Абу Абдуллоҳ Сижзий ҳақида ёзар экан, футувватнинг ана шу мартабаси моҳиятини янада теран очиб беради: “Ондин сўрдиларки, футувват недур? Дедиким, халойиқни маъзур тутмоқ. Улча аларга ўтар ва ўз тақсирин кўрмак ва шафқат борча элга не солиҳ, не толиҳ. Ва футувватнинг камоли улдурки, кишини халқ Тенгридин машғул қила олмағайлар”[3]. Тасаввур этинг: бунинг учун инсон камолотда нақадар юксакликка кўтарилган бўлмоғи зарур. Ҳар қандай муомала-муносабатда ўзгаларни маъзур тутиб, ўзини айбдор санамоқ, ҳеч бир ҳолатда Тангри таоло ризолигидан ўзга ишга чалғимаслик – осон иш эмас. Футувват аҳли, жумладан, ҳазрат Навоий футувватнинг ана

[1] Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. - Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 7-жилд. - Т., Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011, 201-бет.
[2] Ҳаққул И. Ижод иқлими. – Т.: Фан, 2009, 40-бет.
[3] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. - Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 10-жилд. - Т., Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011, 155-бет.

шу юксак мақомига етиша олган ва асарларида ана шу ғояни юксак бадиий кўламда талқин этган.

Ҳусайн Воиз Ҳақ таолога қурбат ҳосил қилиш мақоми футувватнинг ботиний рукнларидан олтинчиси эканини таъкидлайди. Унингча, фатий: "...қурб ва вуслат мақомига бутун вужуди, дилу жони билан интилиши, яъни кўнгил уйини риёзат супургиси билан чангу ғубор, чиқиндилардан тозалаб туриши зарур. Токи, кўнгил ишқ султони ўтирадиган тахтга айлансин... Модомики кўнгил дунё тааллуқоти – ташвишлари ғалвасидан қутулмас экан, у дўст муҳаббатининг маконига айланмайди".

Ҳазрат Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Абу Туроб Нахшабий ҳақида ёзар экан, "**футувват**у зуҳду таваккулда Абу Ҳотам Аттор Басрий ва Ҳотам Асам Балхий била суҳбат тутубдур"[1], дея таърифлайди. Абу Ҳафс Ҳаддод фазилатларини зикр этганда, футувватнинг муҳим бир муҳим хусусиятига доир таърифини келтиради: "**Футувват** – инсоф ва адолат қилиш, лекин уларни талаб қилмаслик"[2]. Бунга эришмоқ учун одамзод нафс қутқусини бутунлай маҳв этиши, "мен"лик туйғусидан халос бўлмоғи, фақат ва фақат Ҳақ ризоси йўлида юл-юрт ғамини ўйламоғи зарур. Буюк шоир айтмоқчи: *"Юз жафо қилса менга бир қатла фарёд айламон, элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам"*, дейдиган даражада камолотнинг юксак мақомига кўтарилиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳазрат Алишер Навоий футувват ғоясини асарларида бадиий талқин этибгина қолмай, ҳаётда ҳам унинг қоидаларига тўлиқ амал қилган. Шу маънода, буюк мутафаккир футувватнинг тарғиботчиси эмас, балки буюк фатий ҳам бўлган. Бошқача айтганда, ҳазрат Навоий ўз вужудидан ўтказган, руҳан ҳис этган туйғуларнигина қаламга олган. Ҳақиқат ўтидан чошни олгани учун ҳам улуғ шоир асарлари тошни ҳам сувдай эритади. Ўқувчилар кўнглини бутунлай забт этади, эзгуликка кучли рағбат туйғусини уйғотади. Энди буюк Мутасаввуфнинг футувват ғоясига ҳаётда қандай амал қилганига доир тарихий маълумотлар таҳлилига ўтамиз.

"Макорим ул-ахлоқ" асарида Хондамирнинг ёзишича, "...мақталган Амирнинг *(яъни ҳазрат Навоийнинг – Н.Ж.)* чексиз яхшиликлари бу борлиқ оламда шуҳрат топиш ёки абадий оламда катта савобга эришиш учун қилинган эмасди. Чунки бу дунё ва ундаги нарсалар ул зотнинг ҳиммат назарида бир сомон хасичалик қимматга эга эмасди. Аммо чексиз очиққўллик ва сахийлик хислатига эга бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон ҳеч кимга бир арпа доничалик ҳам миннат қилмасди"[3]. Биргина далил. Мазкур тарихий манбада зикр этилишича, 908 ҳижрий (милодий ҳисобда 1500) йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Мозандарон вилояти ҳокими Муҳаммад Валибекка зарур харажатлар учун Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисидан юз минг динор миқдорида солиқ йиғиш ҳақида фармони олий беради. Ҳоким ушбу пулдан эллик минг динорини йирик ер эгалари ҳамда бойлардан ундириб тўплайди. Солиқнинг қолганини Ҳирот шаҳри аҳолисидан йиғишга қарор қилади. Бироқ бу ишни Амир Навоий маслаҳатисиз амалга ошира олмас эди. Ушбу режани байн қилганида, ҳазрат Навоий халққа ўринсиз солиқ солишни давлат шаънига муносиб кўрмаслигини айтиб, мазкур маблағни ўз хусусий мулки ҳисобидан тўлаб юборади. Буюк Навоийнинг бу иши футувватнинг Салмон Форсий (р.а.) таърифлаган: "... барчага мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик" (Ф., 22) мақомининг айни ўзидир.

Алишер Навоий бутун бойлигини эл-юрт манфаати йўлига сарф этгани, жумладан, 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва кўплаб мадрасалар,

[1] Ўша манба, 119-бет.
[2] Ўша манба, 123-бет.
[3] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (форс тилидан К.Раҳимов таржимаси). – Т.: Akademnashr, 2018 169-бет.

хонақоҳлар барпо эттиргани *(“Макорим ул-ахлоқ”да бу иншоотлар номма-ном саналган – Н.Ж.)*, умрининг сўнгида бор мулкини вақф сифатида топширгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Табиийки, ҳазрат Алишер Навоий асарларида футувват ғоясининг бадиий талқини ва буюк Мутасаввуфнинг ўзи фатийларнинг комили экани билан боғлиқ барча фикрларни бир мақола доирасида тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқ. Ушбу мақолага хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, улуғ шоир адабий мероси мисолида тасаввуфнинг ўзаги саналган футувват ғоясининг поэтик ифодаси масаласини ҳар жиҳатдан қамровли, мукаммал тадқиқ қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб илмий муаммолардандир.

МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИ АДАБИЁТИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

Туркий мумтоз шеърият тараққиётини мислсиз юксакликка олиб чиққан, миллий бадиий-эстетик тафаккурни жаҳоний миқёсга кўтарган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларида темурийлар даври адабиёти ҳақида нодир маълумотлар берилган. Жумладан, улуғ адиб Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394–1449) ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда математика, астрономия, тарих каби фанлар қаторида адабиёт ва адабиётшунослик ҳам тараққий этгани ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Алишер Навоий ва темурийлар даври адабиёти мавзусида бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса ҳам, ушбу илмий муаммо шу пайтга қадар тўлақонли ёритилган эмас. Буюк мутафаккирнинг “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида ва бошқа асарларида, айниқса, Мирзо Улуғбек ва унинг даври адабиётига доир қимматли маълумотлар учрайди. Бу маълумотларни тизимга солиб, илмий тадқиқ қилиш навоийшунослик олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларидаги ушбу мавзуга доир фикрлар ва талқинларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин: 1) улуғ шоир асарларида Мирзо Улуғбек васфи; 2) унинг замонида юзага келган адабий муҳит ва ушбу муҳит намояндалари ижодига муносабат; 3) бу ҳукмдор даврида адабий-эстетик тафаккур ривожи.

Ушбу мавзунинг тадқиқи Алишер Навоий илмий-ижодий қарашларини ўрганиш баробарида Мирзо Улуғбек даври адабиёти ҳамда унинг замонида адабий-эстетик тафаккур ривожига доир янги илмий хулосаларга келиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Мирзо Улуғбек васфи. Ҳазрат Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” хотимасида Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзога насиҳат сўзларини битар экан, унинг улуғ темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбекдан ўрнак олмоғини истаб, мана бундай ёзади:

Темурхон наслидин султон Улуғбек –
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод –
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний –
Ки, андин ёзди «Зижи Кўрагоний».

Қиёматға дегинча аҳли айём,
Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком.

Олам Мирзо Улуғбекдай султонни кўрмагани ҳақида ёзар экан, улуғ шоир унинг "абнойи жинси" – тенгқурлари барчаси дунёдан ўтиб кетганини, давр аҳли улардан бирортасини ҳам ёд этмаслигини уқтиради. Тенгдошларидан фарқли равишда илмга даст топгани боис Улуғбекнинг кўзи олдида осмон паст бўлди. У қурдирган расадхона "зеби жаҳон", яъни жаҳонга зийнатдир. Ҳатто уни жаҳон ичра яна бир осмон дейиш мумкин. "Зижи жадиди Кўрагоний"си унинг осмоний илмларни нечоғлиқ юксак даражада билишига далилдир. Бу асарнинг аҳамияти шу қадар баландки, қиёматгача астрономия илми билан шуғулланувчилар унинг илмий ҳукмларига таянадилар. *"Билик гарчи кўрунур кўзга зийнат, Вале шаҳларға бордур ўзга зийнат"* деб ҳисоблаган ҳазрат Навоий бу сўзлари орқали фақат Шоҳ Ғариб Мирзогагина эмас, барча замонлардаги ҳукмдорлар ва уларнинг авлодларига билимли бўлиш заруратини таъкидлайди. Улуғ шоир фикрича, бир билим билан қаноат қилмаслик, барча имларни эгалламоқ керак:

Вагар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг не монеъ.

Мирзо Улуғбек қомусий билимлар эгаси экани билан ҳам ҳаммага ўрнакдир. Ҳазрат Алишер Навоий "Мажолису-н-нафоис"да таъкидлашича: "Камолоти бағоят кўп... Қуръони мажид етти қироат била ёдида" бўлган, "ҳайъат ва риёзийни хўб билган, зиж битиган, расад боғлаган" Мирзо Улуғбекдаги "бу камолот гоҳи назмға майл қилур". Яъни у шеърлар ҳам ижод этган. Тазкирада унинг ижод намунаси сифатида қуйидаги байт матни келтирилади:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,
Шўхи макунки, чашми бадон дар камини туст.

Мазмуни:

Гўзаллик мулки қанчалик қўл остингда бўлса-да,
Шўхлик қилмагинки, ёмонларнинг кўзи сени кузатмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек табъидаги назмга бўлган майл унинг фарзандларига ҳам ўтган. Жумладан, гарчи "Мажолис ун-нафоис"да улуғ султоннинг учинчи ўғли Абдуллатиф Мирзонинг "савдойи мизож, васвасий табъ ва девонаосор киши" бўлгани, "бундан бошқа бадфеъллиқлари бор"лиги, "ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтургани" айтилиши баробарида "табъи назми бор эрди ва шеърни ободон айтур эрди", дея таъкидланади. Қуйидаги матлаъ бунга мисол сифатида келтирилади:

Бар дилу жон сад бало аз як назар овард чашм,
Чун бигуям шукри ин, ё Раб, набинад дард чашм.

Мазмуни:

Кўз бир қараш билан дил ва жонга юз бало келтирди.
Бунинг шукрини нечук қилай, ё Раб, ул кўз дард кўрмагай!

Мирзо Улуғбек васфи ҳазрат Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони хотимасида ҳамда “Мажолису-н-нафоис”да келган, холос. Унинг авлодларидан фақат Абдуллатиф Мирзо характери ва табъи назми бўлиб, “шеърни ободон айтган”и ҳақида маълумот берилган. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф Мирзонинг шеърий асарларини топиш ва тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган вазифалардандир.

Мирзо Улуғбек даври адабий муҳити ва намояндалари ҳақида. Илмда камолотнинг юксак чўққисига эришган Мирзо Улуғбек ҳукмдор сифатида, табиийки, илму маърифат ривожига алоҳида эътибор қаратган. Бу улуғ ҳукмдор ўша даврнинг олий таълим масканлари бўлган мадрасалар фаолиятини юксалтириш учун барча кучларни сафарбар этган. Бунинг натижасида фаннинг турли соҳаларида машҳур олимлар, шунингдек, миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли шоиру адиблар етишиб чиққан. Жумладан, машҳур Абдураҳмон Жомий Самарқанддаги Шарқ маданияти ва фани тарихида муҳим ўрин тутувчи Улуғбек мадрасасида таҳсил олиб, бу ерда Қозизода Румий маърузаларини тинглагани маълум. Кейинроқ ҳазрат Алишер Навоий айни шу мадрасада Фазлуллоҳ Абуллайсийдан сабоқ олади.

Мирзо Улуғбек даврида “аҳли зурафо устози” дея таърифланган Хатоий тахаллусли Мавлоно Мир Қарший, Хожа Исматулло Бухорийнинг шогирди Мавлоно Хаёлий, Мавлоно Кавсарий каби яна ўнлаб шоиру адиблар қизғин ижодий фаолият билан шуғулланган. Натижада Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд ва Хуросон маркази Ҳиротда ўзига хос ижодий анъаналарга эга адабий муҳит шаклланган ва тараққий этган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” тазкираси ҳамда бошқа манбалардаги маълумотлар, ўзбек ва хориж олимлари тадқиқотларидаги эътирофлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, рус олими, академик В.В.Бартольд “Улуғбек ва унинг замонаси” монографиясида улуғ темурийзоданинг адабиётга бўлган эътибори, унинг саройида “малик ул-калом” дея эътироф этилган Камол Бадахший бошчилигида ўзига хос адабий муҳит бўлгани ҳақида маълумот беради. Аҳмад Заки Валидийнинг “Лутфий ва унинг девони” асарида, Ф.Кўпрулузоданинг “Чиғатой шоирлари” мақоласида, академик А.Н.Самойловичнинг Лутфий ва Атоий ҳақидаги маърузаларида, бу давр адабиётига оид эътиборга молик фикрлар билдирилган.

Адабиётшунос Эргаш Рустамов “XV аср биринчи ярми ўзбек шеърияти” китобида ёзишича: “Улуғбек даврида Самарқандда, худди Ҳиротда бўлгани сингари, туркий адабиётнинг қадимий ёдгорликларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Жумладан, 1444 йилда Самарқандда Арслон Хожа Тархон хоҳишига кўра, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) достони уйғур ёзувида китобат қилинди. Матн иловасида Адиб Аҳмад ва унинг достонига бағишланган туркий тилдаги икки шеър келтирилган. Улардан бирининг муаллифи – Амир Темур саройида хизмат қилиб, Сайфий тахаллуси билан туркий ва форсийда шеърлар ёзган амир Сайфиддин Барлос, иккинчисининг муаллифи – Арслон Хожа тархон” [Рустамов 1963: 35]. Мирзо Улуғбек саройида “Амири кабир” дея эътироф этилган Арслон Хожа Тархон “қилич ва қалам соҳиби” сифатида шуҳрат қозонган.

В.В.Бартольднинг маълумотича: “Улуғбек Низомийни афзал билса, Бойсунқур Хусрав Деҳлавийга ихлос қўйган ва бу борада ака-укалар ўртасида баҳс кечган. Гарчи Бойсунқур адабиёт муҳиби ва билимдони сифатида кенг шуҳрат қозонган бўлса-да, бу масалада Улуғбекнинг табъи мумтоз поэзия бўйича замонавий европалик илм соҳибларининг дидига мутаносиб эди”.

Машҳур тарихнавис Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши”) асарида

Мирзо Улуғбекнинг "...ҳақиқат аҳлларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал" бўлгани, "адл мактабларини янгилаш ва фазл қоидаларини мустаҳкамлашда катта жидду жаҳд ва гўзал саъй-ҳаракат кўрсатгани" [Самарқандий 2008: 344] алоҳида таъкидланади.

Тарихчи Ашраф Аҳмедов "Улуғбек Муҳаммад Тарағай" рисоласида: "Улуғбек Самарқандга олимларни, шоир ва меъморларни тўплайди... Самарқанд билан бир қаторда Ҳирот ҳам Шоҳрух ва Улуғбек даврида Шарқнинг йирик маданият марказига айланади. Албатта, бунда энг аввало Улуғбекнинг хизмати беқиёс каттадир", деб ёзади.

Мирзо Улуғбек замонида Самарқанд ва Ҳиротда ўзига хос адабий муҳит шаклланди, беназир бадиий асарлар яратилди. Шарқшунос Турғун Файзиевнинг "Мирзо Улуғбек авлодлари" китобида ёзилишича: "Улуғбек Мирзо йирик олим бўлиши билан бирга, ўз даврида фан тараққиётига раҳнамолик кўрсатиб, илм-фан аҳлига ҳомийлик қилган. Унинг даврида Самарқанд шаҳри илму фан ва маданият марказига айланиб, кўплаб етук олимлар, ўнлаб ҳассос шоир ва сухандон адиблар саройда ўзларига муносиб мавқега эга бўлиб яшаганлар ва ижод қилганлар. Забардаст шоирлардан Мавлоно Лутфий, Мавлоно Хаёлий, Исматулла Бухорий, Камол Бадахший, йирик адабиётшунос ҳамда тилшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий шулар жумласидандир".

Бундан ташқари, Улуғбек Мирзо таржима соҳасига катта эътибор кўрсатган. Араб ва форс тилларидаги қимматли бадиий ва илмий асарларни туркийга таржима қилдирган.

Ҳазрат Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да бу даврда ижод этган қуйидаги шоиру адиблар ҳақида қимматли маълумотларни берган:

1. Камол Бадахший. Навоий унинг фозил киши бўлганини, "Улуғбек мирзо замонида Самарқандда шуаро уни хушгўйлиқға мусаллам тутган"ини, "мирзонинг (Улуғбекнинг – Н.Ж.) даға кўп илтифоти бор"лигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да мисол тариқасида шоирнинг машҳур ғазалларидан қуйидаги матлаъ келтирилган:

Эй зулфи шаб мисоли туро дар бар офтоб,
Аз шаб ки дид сояки уфтад бар офтоб.

Мазмуни:

Қаро зулфунг қаро тундек тўсибдур офтобни,
Солиб тун соя, ким кўрди, тўсибдур офтобни.

Ҳазрат Алишер Навоий фикрларига қўшимча тарзда Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сида Мавлоно Бадахший ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: "Фозиллар жумласидан эрди. Самарқанд шаҳрида Улуғбек Кўрагон ҳукмронлиги даврида сўзамолликда олий мартабага эришди ва шу замон шоирларининг етакчиси эрди. Номи зикр этилган султон ва ўша замон акобирлари унинг сўзамоллигига тан бермишлар. Мавлоно Бадахшийнинг мазкур подшоҳ (Мирзо Улуғбек – Н.Ж.) мадҳида айтган покиза қасидалари бор. Девони ўша диёрда (Мовароуннаҳрда – Н.Ж.) машҳурдир".

Академик В.В.Бартольд Давлатшоҳ Самарқандийнинг "замон шоирлари етакчиси эрди" деган сўзларига таяниб бўлса керак, Мавлоно Бадахшийни "Царь поэтов при дворе Улугбека" деб атайди.

2. Мавлоно Муҳаммад Олим. "Мажолис ун-нафоис"да бу шоир ҳақида: "Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтабъ... киши эрди" дея маълумот берилади. Мавлоно Муҳаммад Олим Мирзо Улуғбек билан бирга Самарқанд мадрасасида Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Фазлуллоҳ Абуллайсий каби алломалар таълимини олган. Шеърлари яхши бўлишига қарамай, ҳазрат Навоий таъ-

бирича: “баҳсда кўп густоҳона сўзлар ва жавоблар айтиш” одати боисми, Ҳиротга кетишга мажбур бўлади.

Ҳазрат Навоий унинг қуйидаги байтини келтиради:

Мо сияҳ бахтему бад рўзему ахтар сўхта,
Шамъи мақсуде ба умри хулд шабе нафрўхта.

Мазмуни:

Қаробахту ёмон кунга қолиб юлдузи сўнган биз,
Бутун умримда мақсад шамъи бир кеча ҳам ёнмаган.

3. Мавлоно Саккокий – ўша замоннинг машҳур шоирларидан. Унинг ижодий камолотида Улуғбек Мирзонинг хизматлари беқиёс. Шу боис шоир унга атаб тўртта қасида ёзган. Улуғбек Мирзонинг амири кабири Арслон Хожа Тархонга бағишланган 4 та қасидаси ҳам мумтоз қасиданависликнинг юксак намунасидир. “Мажолис ун-нафоис”да бу шоир ҳақида мана бундай маълумот берилади: “Мавлоно Саккокий – Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар”.

Мирзо Улуғбекка бағишланган қасидаларидан бирида шоир мана бундай ёзади:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига,
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони.

Бундай фахрияни туркий шеъриятда мумтоз ўринга эга шоиргина айтиши мумкин экани исбот талаб қилмайди.

Саккокий қасидаларида Мирзо Улуғбекни “Сулаймони замон”, “Нўширавон”, “Мусотек шубон”, “атодин меҳрибон”, “хуршиди жаҳон” дея васф этади. Унинг фикрича, тарихда нене султонлар келиб-кетмаган, бироқ Улуғбекдай ҳукмдор камдан-кам учрайди:

Салотин дунёда кўп келдию кетти, сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса, айтсунким, қачон келди?

Илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига катта эҳтиром билан қараган Мирзо Улуғбек Саккокийнинг бу қасидаларини ихлос билан мутолаа қилгани ва юксак баҳолагани аниқ. Шу маънода, академик В.В.Бартольднинг: “Темурийлар даврида туркий шеъриятни яратишга ҳаракат қилган чиғатой шоирларининг девонлари Улуғбекнинг эътиборини қозонгани мутлақо маълум эмас”, деган фикрига қўшилиш қийин. Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Ўзбек тилида асар ёзишга, ўзбек адабиётини бойитишга, уни ривожлантиришга бел боғлаган қобилият эгалари Улуғбек даврида тобора кўпайиб борар эди”, деган сўзлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Адабий ва тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиш асосида бу масалани янада чуқурроқ тадқиқ қилиш галдаги вазифалардандир.

4. Мавлоно Лутфий. Ҳазрат Навоийнинг эътирофича, Лутфий “...ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутааззир ул-жавоб матлаълари бор, ул жумладин бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтурур қуйи.

Яна бири буким:

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,
Солди каманд бўйнума икки қулочдин".

"Мажолис ун-нафоис"да Лутфийнинг "Зафарнома" таржимасида ўн минг байтдин ортуқроқ маснавийси бор"лиги айтилади. Шунингдек, "форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърлариға жавоб айтгани ва яхши айтган"и таъкидланади.

Мавлоно Лутфий бир кам юз йил умр кўрган. Ҳаётининг сўнгги йилларида форсий тилда ёзган «офтоб» радифли ғазали шоирга катта шуҳрат келтирган. "Мажолис ун-нафоис"да ёзилишича: "замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайсиси матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ будурким:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жои моҳ дар бар офтоб.

Ҳазрат Навоий Лутфийнинг Мавлоно Шиҳобиддин Хиёбоний қошида "суфия тарийқида ҳам сулук қилғон"и, азиз ва табаррук киши бўлгани тўғрисида ёзади. Адабиётшунос Эргаш Рустамовнинг ёзишича: "Улуғбек туркий адабиётга катта эътибор берган, шоирлардан Лутфий ва Саккокийга ҳомийлик қилган" [Рустамов 1963: 35]. Лутфийнинг бир қанча шеърларида замона ҳукмдори Мирзо Улуғбек васф этилган. Мана, шундай байтларидан бири:

Улуғбекхон билур Лутфий камолин –
Ки, рангин шеъри Салмондин қолишмас.

Байт мазмунига кўра Лутфий Улуғбекнинг адабиётни чуқур билган ва қадрлаган ҳукмдор бўлганини таъкидлайди. Рус олими Е.Э.Бертельс "Навоий" монографиясида Лутфийнинг ушбу байтини келтирар экан, юқоридаги фикрни тасдиқлайди

5. Мирзо Алибек – Улуғбек замонида Самарқандда туркий тилда Мирзобек тахаллуси билан ижод қилган салоҳиятли шоир. Ҳазрат Алишер Навоий таърифича, у: "...инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона бу навъ таърифлардин мустағний". Бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур. Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди".

Мирзо Алибекнинг бу байтига юксак баҳо берган Алишер Навоий, маълумки, унга тазмин ўлароқ машҳур ғазалини битган ва девонига киритган. Бироқ истеъдодли шоир Мирзо Алибек қисқа умр кўрган. "Мажолис ун-нафоис"да бу ҳақда: "Ҳайф ва юз ҳайф ва дариғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин бар емади. Мазори Самарқанд маҳфузасида Аҳмад Ҳожибек (салламаҳуллоҳ) мадрасасида муттааййин

мадфанларидадур. Макони равзаи жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсун”, дея маълумот берилган.

6. Хожа Исматулло Бухорий. “Мажолис ун-нафоис”да бу шоир қуйидагича таъриф этилади: “Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хушта-бълиғидан ўзин шеърға мансуб қилиб девони машҳур бўлди. Ва Халил Султон отиға яхши қасидалари бор... Ва Хожанинг қабри Бухорода ўз ҳужрасидадир... Ва Халил Султон ашъорининг девони таърифида рангин қасидаси бор. Матлаи будурким:

Ин баҳри бегаронки, жаҳонест дар бараш,
Ғаввоси ақли кулл набарад пай ба гавҳараш”

Мазмуни:

Бу бепоён денгиз жаҳонни қамраб олган,
Ақл ғаввоси ундаги гавҳарни пайқай олмайди.

Адабиёт аҳлига алоҳида эътибор берган Мирзо Улуғбек атоқли шоир Хожа Исматулло Бухорийни сарой хизматига таклиф этгани маълум. Гарчи бу улуғ шоир узлатни, дарвешлар орасида бўлишни афзал билса-да, Улуғбек унинг ижодий фаолиятига катта рағбат кўрсатган. Қарийб саккиз минг байтдан иборат шеърни ўз ичига олган девони, «Иброҳим Адҳам» номли маснавийси адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича: “Хожа Исматнинг ошиқона ғазаллари, орифона сўзлари Улуғбекнинг отаси Шоҳрух султон замонида шу қадар кўп шуҳрат топдики, халқ бошқа шоирлар шеърларини қўлга олмай қўйди... Аммо Хожа Исмат олам подшоси Улуғбек Кўрагон ҳукмронлиги даврида ҳокимларни мадҳ этмоқни тарк этди. Номи зикр этилган султон (Мирзо Улуғбек – Н.Ж.) ундан шеър айтишни ёлвориб сўради. Шунинг учун заруратдан ул ҳазрат мадҳида бир неча қасида ёзди”

“Тазкират уш-шуаро”да эътироф этилишича: “Олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ” Улуғбек Кўрагон... юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қирқни қирқ ёрди. Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди”.

7. Хожа Хурд. Ҳазрат Навоий Самарқанднинг ўша кездаги бош қозиси, «Улуғбек Мирзо» мадрасасининг мударриси Хожа Хурд фаолиятига, айниқса, юқори баҳо беради: “Бовужуди фазлу камолу ақл ва дониш ҳуляси била орастадур ва бовужуди зуҳду тақво, ҳусни ахлоқ зевари била пийростадур. Мунча машоғил ва авориз била чун лутфи табъи ғолибдур, назм ва иншо ва тарих ва муаммо фунунида ҳам иштиғол кўргузур”.

“Мажолису-н-нафоис”да Хожа Хурднинг таърихларига бир қанча мисоллар келтирилган. Жумладан, Бобо Худойдод исмли валий зот Самарқандда вафот этганда таърихини “Мажзуби солик” жумласи орқали ифодалаган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари таърих моддасини “Мин вақфи Алишер” жумласида акс эттирган. Бу маълумот Хожа Хурднинг донишманд ва нуктадон ижодкорлардан бўлганини кўрсатади.

Мирзо Улуғбек даврида мумтоз шеъриятимизнинг ғазал, нома, қасида, мунозара, маснавий, рубоий, туюқ, мустазод, мухаммас, мусаддас, муаммо каби жанрлари ривож топди. Бу жанрларда ёзилган назмий асарлар, биринчидан, мумтоз шеърий жанрлар такомилини таъминлаган бўлса, иккинчидан, туркий шеъриятнинг поэтик жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилди.

Адабий-эстетик тафаккур ривожи. Муҳаммад Тарағай Улуғбек темурий ҳукмдорлар орасида салоҳиятли давлат раҳбари бўлиши баробарида, етук олим экани, илм-фан, адабиёт ва санъатга юксак эътибори билан алоҳида ажралиб тургани маълум. Унинг замонида Самарқанд ва Ҳиротда ўзига хос ижодий анъаналарига, юксак бадиият намуналарига эга

адабий муҳит шаклланган ва тараққий этган. Будиий адабиёт билан бир қаторда адабиётшунослик ҳам юксак даражада ривожланган. Атоқли адабиёт назариётчиси Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг бевосита бу улуғ маърифатпарвар ҳукмдорга бағишлаб ёзилган "Фунуну-л-балоға" ("Балоғат илмлари") асари бунинг исботидир. Асар муқаддимасида Мирзо Улуғбек қуйидагича васф этилган: "салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, шаҳаншоҳи аъзам, шаҳриёри аълам, соҳибу-с-сайфу-л-қалам, маъдани лутфу карам, молики риқоби умам, фармондеҳи турку арабу ажам, мағисиддин ва-д-даврон Амир Улуғбек Кўрагон...".

Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунуну-л-балоға" асари 840 ҳижрий/ 1436-1437 милодий йилларда ёзилгани эътиборга олинса, ҳазрат Алишер Навоий бу асардан хабардор бўлган бўлиши зарур эди. Лекин нима сабабдандир, улуғ мутафаккир асарларида "Фунуну-л-балоға" ҳақида бирор сўз учрамайди. АҚШ Индиана университети профессори, шарқшунос Девин де Уис "The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balaghah" of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century" ("Навоийнинг салафлари Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий асарида: XV асрдан буён Марказий Осиё маданиятшунослигида унутилган манба") сарлавҳали тадқиқотида ҳам бу масалага диққат қаратилган. "Фунун ул-балоға" асари яратилишининг ижтимоий-маданий ва адабий-эстетик омиллари, асарнинг ёзилиш тарихи, тили, матн хусусиятлари ёритилиб, илмий қиммати ҳақида фикр юритилган ушбу тадқиқот Мирзо Улуғбек даври адабиётшунослигига хорижий мутахассисларнинг қизиқишини кўрсатиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Олимнинг ёзишича, Ғарб адабиётшунослигида "Фунуну-л-балоға"га қизиқиш аввалроқ бошланган. 1930 йили шарқшунос Ҳерманн Эзе тузган "Бодлиан кутубхонасида сақланаётган форсий, туркий, ҳиндий ҳамда пушту қўлёзмалари каталоги"нинг иккинчи қисмида ушбу асар ҳақида (номи, Мирзо Улуғбекка бағишлангани, 1225-устунда №-127 рақами остида сақланаётгани) мухтасар маълумот берилган. 1984 йили Элеазар Бирнбаумнинг "Туркий қўлёзмалар: 1960 йилдан буён рўйхатга олинган ва рўйхатга олинмаган қўлёзмалар" асарининг тўртинчи қисмида ҳам "Фунуну-л-балоға"нинг қисқа тавсифи келтирилган. Кейинчалик 2003 йилда Ҳерманн Эзе тузган каталогдаги маълумотларга таяниб, Гунай Кут ҳам асар ҳақида энг зарур маълумотларни берган.

Арузшунос Дилнавоз Юсупованинг ёзишича, Девин де Уис "Асарнинг сақланиб қолган ҳар бир қисмини алоҳида шарҳлашга, моҳиятини очиб беришга уринади, ўз қарашларини асослаш учун рисоланинг баъзи парчаларини инглиз тилига таржима қилиб, иқтибос сифатида келтиради ҳамда уларни тадқиқот сўнгида эски ўзбек алифбосида илова қилади. Олимнинг бош мақсади асарнинг ўша давр адабий муҳитидаги ва бугунги кундаги аҳамиятини белгилаш, унда номлари келтирилган ижодкорларни ўрганиш бўлганлиги учун унда арузнинг назарий масалалари ритмик унсурлар сатҳида махсус таҳлил қилинмаган".

Асарнинг шеър таркиби ва турларига оид дастлабки қисмида Мирзо Улуғбек ҳақидаги таржеъбанд-мадҳдан парча келтирилган. Унда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

Сарвари марду салотин, меҳтари шоҳи жаҳон,
Мафхари дунё-у дин, султон Улуғбек Кўрагон.

"Фунуну-л-балоға"да шеър қисмлари ва турлари (жанрлари), қофия ва радиф қоидалари, мумтоз бадиий санъатлар, аруз илми, муаммонинг усул ва рукнлари каби назарий масалалар чуқур илмий асосда ёритилган. Ҳамд, муножот ва наътларга доир назарий қарашлар баён этилган. Ҳар бир назарий масалани ёритар экан, Шайх Аҳмад Тарозий туркий

ва форсий тиллардаги шеърлардан мисоллар келтиради, фикрларини илмий асосда чуқур далиллайди.

Шеърият назариясига оид мазкур асар Мирзо Улуғбек даврида адабиётшунослик илмининг нечоғлик тараққий этганини, адабий-эстетик тафаккур нақадар ривожланганини кўрсатиши жиҳатидан катта илмий аҳамиятга эга.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро"сида Мирзо Улуғбек вафотига бағишланган бир таърих келтирилади. Мазкур таърихда бу улуғ мутафаккирга "Чун Улуғбек илму ҳикмат денгизи" дея таъриф берилади. Манбалар таҳлили бу фикрнинг нечоғлиқ тўғри эканини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонининг "Салтанат шажарасининг самараси ва хилофат боғининг шажараси, ҳидоят авжида манзил этган, тамаллуқнинг ниҳоятиға етган, риё қасри бунёдин қўнқорғон, балоғат айвонида от чиқорғон, яъни султонзодаи олам Абулфаворис Шоҳ Ғариб Баҳодир халлада давлатаҳу мадҳида бир неча сўз сурмак ва насиҳатомиз нукталар арзға тегурмак, умид улким, бу шоҳвор дурларни туфроғдин олғай ва адосида қулоқ солғай, балки ул гаронмоя гавҳарларни қулоққа солғай" сарлавҳали бобида шаҳзодани Султон Улуғбекдан илому ирфон борасида ўрнак олишга чақиради. Мирзо Улуғбекнинг илмдаги юксак даражасини васф этади. "Мажолису-н-нафоис"да улуғ ҳукмдор ва алломанинг камолоти, Қуръони каримни етти қироат билан ёд билиши, астрономия ва математика соҳасида етук экани, юлдузлар жадвалини мукаммал тузгани ҳақида ёзади. Ўғли Абдуллатиф Мирзога ҳам объектив баҳо беради. Табъи назми бўлганини айтиб, шеърларидан намуна келтиради.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек даврида Самарқанд ва Ҳиротда асос солинган адабий муҳит ҳақидаги манбалар орасида Алишер Навоийнинг "Мажолису-н-нафоис" асари кўп ва хўб маълумотларни жамлагани билан алоҳида ўрин тутади. Мирзо Улуғбекнинг бошқа барча илмлар қатори адабиёт соҳасига ҳам юксак эҳтиром билан қарагани, шоиру адиблар фаолиятига раҳнамолик, ҳомийлик қилгани натижасида бу улуғ ҳукмдор даврида миллий адабиёт тараққий этган. "Маликул калом" дея эътироф этилган Лутфий, замон шоирларининг етакчиси дея таърифланган Бадахший каби шоирлар ана шу муҳитда етишиб чиққан.

Бу даврда мумтоз туркий адабиётда шеъриятнинг барча жанрлари, айниқса, ғазал ва қасида ривожланди. Шеъриятнинг ушбу жанрларида мукаммал ижод намуналари яратилди. Бу эса, ўз навбатида, шеъриятнинг кейинги даврлардаги такомили учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилди.

Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб яратилган "Фунуну-л-балоға" ("Балоғат илмлари") асари бу даврда шеърият илмининг назарий асослари мукаммал ишлаб чиқилганини, адабиётшунослик илми янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Бу асар туркий тилда яратилган илк назарий манба сифатида миллатнинг адабий-эстетик тафаккури юксалишида алоҳида ўрин тутади.

“ХАМСА” – БУЮК БАДИИЙ ОБИДА

“ХАМСА”НИНГ КАЛИТИ

“Хамса” – тенгсиз тилсим. Бу буюк достон ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Бу бебаҳо назм хазинасининг сирини очишга не-не олимлар уринмаган дейсиз. Низомий панжасига муносиб даражада панжа урадиган шеърият шери майдонга келишини Тангри насиб этди. Бироқ улуғ Алишер Навоийнинг 536 йил аввал ижод этилган буюк бешлигига жавоб айтиш мудом ҳеч кимга муяссар бўлган эмас. Ҳатто унинг фасоҳат ва балоғатини тўлақонли инкишоф этиш ҳам не-не дақиқбину нуктадонлардан бирортасига ҳам насиб этмади. Бу бебаҳо хазинадан бир-икки дур ола билган ҳам нақадар бахтли. Ана шунга муяссар бўлганлар ҳам олимлар ичра мумтозлик ва сарафрозлик топди. Бу хазина сирини очишга интилганларнинг аксариятига эса сўзбозликдан ўзга насиба етишмади.

“Хамса” достонларининг ибтидоси – “Ҳайрату-л-аброр”. Достон номи араб изофасида ифодалангани маълум. Унинг жорий имлога қай тарзда табдил қилиниши борасида илм аҳли ўртасида мунозаралар бор. Шу пайтгача асар номи “Ҳайратул-аброр”, “Ҳайрат ал-аброр”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Ҳайрату-л-аброр” шаклларида турлича ифодаланиб келди. Нашр вариантида “Ҳайрат ул-аброр” тарзида берилган. Бироқ моҳиятан “Ҳайрату-л-аброр” шаклида табдил қилиниши тўғрироқ. Негаки, “у” товуши аслиятда “Ҳайрат” сўзи билан бирга қўлланади. Уни ҳеч қанақасига “аброр” тарафга ўтказиб бўлмайди. Изофа талабига кўра, “ал” аниқлик артиклидаги “а” ўқилмайди. “Л” ҳарфини ўртада икки тарафдан чизиқча билан ажратиб ифодалаш энг тўғри йўлдир. Шунга кўра, биз асар номини “Ҳайрату-л-аброр” шаклида қўллаймиз.

Кўп ўрганилган бўлишига қарамай, достон, бизнингча, ўз сирини ҳали ҳеч кимга тўлақонли очган эмас. Уни ҳатто мажозан бу буюк бешликнинг калити дейиш мумкин. Бу асар ана шу нуқтаи назардан қайта тадқиқ қилиниши, муносиб илмий баҳоланиши зарур. Унда улуғ мутафаккирнинг барча келажак замонлардаги ижод аҳли учун мезон бўла оладиган адабий-эстетик қарашлари ифодалангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, бу қарашлар “Хамса”нинг кейинги достонлари учун ҳам ана шундай мезон вазифасини ўтаган. Бугунги урф бўлган таъбир билан айтганда, “Ҳайрату-л-аброр” – буюк бешликнинг назарий-методологик асосидир.

“Хамса”нинг илк достони “Ҳайрат ул-аброр” исломнинг асоси саналган “Бисмиллаҳир-Раҳмонир-Раҳим” калимасининг шарҳига бағишланган боб билан бошланади. Буюк шоир ушбу калиманинг ҳар бир ҳарфини дурри ятим (садафнинг ичидаги ягона йирик дур)га қиёслайди. Бу дурларнинг ҳар бири жоннинг жавҳаридан, қиймати икки жаҳондан ҳам афзалроқ, дея таърифланади. Уларни боғлаб турган ришта эса жаҳон ришталари. Яъни жаҳонни бирлаштиради. Жаҳон ришталари ҳам эмас, жон ришталари (жон томиридир). Бу каби талқинларда улуғ мутафаккир сиймосида комил мусулмон ва буюк шоир тимсоллари уйғунлашиб кетгани намоён бўлади. Асарнинг мазкур бобида инсонлар ана шу калима моҳиятига кўра икки тоифага: аҳли қабул ва аҳли радга бўлиниши чуқур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида ёритилган. Муаллиф таърифича, Ҳақ таоло даргоҳида улар иккаласи ҳам меҳмон. Фарқи шундаки, аҳли рад қаҳр аро бўлса, аҳли қабул – лутф аро. Қаҳр ва лутф тушунчалари “Хамса”нинг ўқ илдизини ташкил этади. Асар қаҳрамонларини ҳам айни шу икки тоифага бўлиш мумкин. Лекин бу дегани лутфга сазовор кишилар ҳаётда қийинчиликка учрамайди, дегани эмас. Аксинча улар жуда кўп синовларни, машаққатларни енгиб ўтишлари тақозо этилади. Жумладан, Фарҳод, Ширин, Шопур, Мажнун, Лайли,

Навфал, Дилором, Фаррух, Ахий, Искандар, каби образлар шу каби синовларни енгиб ўта олгани, ҳар қандай мураккаб шароитда иймонини бутун сақлай билгани учун ҳам лутфга сазовор инсонлар сифатида тасвирланади. Хусрав, Шеруя, Ибн Салом, Баҳром, Доро, Маллу каби образлар аҳли радга мансуб. Чунки улар Ҳақнинг эмас, нафснинг, ҳою ҳаваснинг қули сифатида намоён бўлади. Бу ҳол асар муқаддимасининг ҳар беш достон сюжети билан чамбарчас боғлангани ҳамда улуғ шоир "Хамса"ни яхлит бадиий концепция асосига қургани далилидир.

"Ҳайрат ул-аброр"да "Бисмиллаҳ" бобидаги аҳли қабул ва аҳли рад ҳақидаги концептуал қарашлардан келиб чиқиб, инсонга хос эзгу фазилатлар ва нуқсонлар моҳияти очиб берилган. Достон муқаддимаси "Бисмиллаҳ" шарҳи, Аллоҳга ҳамд, тўрт муножот ва беш наътдан таркиб топган. Ҳамд бобида Яратгувчининг буюк санъати мадҳ этилади. Унга ҳамд айтиш вожиблиги, ҳамд айтувчи Унинг зоти олдида зарра қадарлиги, Зотининг ягоналиги қуёш борлигидай ойдин экани васф қилинади. Алишер Навоий Аллоҳ таолони шунчаки мадҳ этиш эмас, Унинг санъати нечоғлик юксак эканига далил келтириш усулини танлайди. Ой ва юлдузлар билан зийнатланган осмонни ферузаранг гулшанга, қуёшни бу гулшан гулларидан ясалган гулдастага ўхшатади. Юлдузлар – гуллар очилиши, гулдастасидан кўкка сочилиши – Унинг санъати боис. Мовий фалак билан ер Унинг "сунъи бисоти" олдида гўё "икки тахта нард". Барча тўғрилик ҳам, қусур ҳам ана шу нардда намоён. Бу эса Унинг буюклиги ва қудратига далилдир. Тасвирни инсонга бурар экан, чексиз коинот ва одамзод муносабатига эътибор қаратади. *Чун ясабон ҳужраи тори димоғ/ Ақлдин ул ҳужрада ёқиб чароғ* байтида инсон мияси (тор ҳужра), ва уни ёритиб турган ақл чироғи, бу чироқнинг риштаси тори иноят, шуъласи нури ҳидоят эканига урғу беради. Яъни ақлнинг инсонга ато этилган чинакам улуғ неъмат экани, Аллоҳдан иноят бўлсагина, ақл ҳидоятга сабаб бўлиши образли ифодаланади. Ҳамд бобининг ҳар бир байтида нафақат биринчи достонга, балки "Хамса" умумсюжетига замин бўлувчи фикрлар юксак бадиият билан ифодаланади. Масалан, *Ишқ елин еткурубон тунду тез, Ақл алочуғин этиб рез-рез* сатрларида ишқннг шиддатли шамоли етса, ақл чайласини майда-майда қилиб совуриши ҳақидаги фикр Қайснинг Мажнунга айланиши мисолида таъсирли талқин этилган. Ҳамд боби Тангри таолонинг қудрати васф этилган лутфи мавжудликка боис бўлса, қаҳри нобудликка сабаб экани ҳақидаги байт билан хулосаланади.

Биринчи муножотда оламларнинг яратилиши ва бундан асл мақсад инсон экани, иккинчи муножотда Аллоҳ таолонинг масжуд – сажда қилишга лойиқ ягона зот экани, ижод – йўқдан бор қилгани сингари иъдом – бордан йўқ қилиш ҳам Унга хос экани таърифи берилади. У коинотни шу қадар мукаммал меъморлик асосида яратганки, идрок этишга ҳислар ожиз ва ақл муҳандислари ўхшашини яратишга қодир эмас. Лекин бу мукаммалликка халал етказиш ҳам Унинг иродаси олдида осонлиги қиёмат тасвири мисолида берилади. Учинчи муножот Аллоҳ таолонинг лутфи боис оламларнинг яратилиши ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг гуноҳкорларни шафоат қилиши ҳақида. Тўртинчи муножот Яратганнинг карами кенглиги, гуноҳларни кечириш Унга осон экани тўғрисида.

Ҳазрат Навоий "назми ақолими жаҳонни, насри доғи кишвари жонни тутган" устози мавлоно Жомийни таърифлар экан,

Парда ясаб ҳолати пинҳон учун,
Сафҳа ёзиб сатр ила китмон учун –

деган фикрларни назм этади. Бунинг маъноси нима? Сатр – ёпмоқ, бекитмоқ; китмон – яширмоқ, сир тутмоқ демакдир. Демак, ҳазрат Навоий фикрича, улуғ Абдураҳмон Жомийнинг сафҳа ёзишидан, яъни бадиий ижод билан шуғулланишидан мурод "кўкси ҳақойиқ

дури ганжинаси, кўнгли маоний юзи ойинаси” эканини халойиқдан бекитмоқ, ҳолатини пинҳон тутиш учун парда ясамоқдир. Маълум бўладики, мутафаккир аждодларимиз ижодни мақсад эмас, восита деб билганлар. Янада ажабланарлиси, шон-шавкатга, мансаб-мартабага эришмоқ, яъни воситаи жоҳ эмас, аксинча, халойиқ ўртасида шуҳрат қозонишдан беркиниш воситаси. Мана, ижодкорнинг эътиқоди қандай бўлмоғи керак?! Шунинг ўзиёқ бу икки мутафаккирнинг ҳам ижодкор, ҳам инсон сифатидаги камолоти қай даражада эканини кўрсатиб турибди.

Сўз аҳли, биринчидан, ижодни шуҳратпарастлик манбаига айлантирмаслиги керак бўлса, иккинчидан, битиклари ҳақиқат нурига йўғрилмоғи зарур. Акс ҳолда, унинг сўзи эътиборга тушмайди, эътироф қозона олмайди:

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Яъни ҳақиқат гуҳаридин мосуво сўзни сўзлашдан наф йўқ. Бундай сўз на халойиқ олдида эътиборли – на Холиқ наздида. Шу боис ҳам инсоният тарихининг ибтидосидан то бугунга қадар қоғоз қоралаганлар сони қанча эканини ягона Оллоҳ таоло билади, улар орасида ёзмишлари эл кўнглига малҳам бўлганлари эса бармоқ билан санарлидир. Зеро, ижод сир-синоатга тўлиқ жараён. Яратган Эгам қалбига ҳидоят нурини солганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа манзур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Ҳазрат Навоий ижоди бунинг исботидир, “Хамса”нинг умрбоқийлиги боиси шунда. Шу сабабдан ҳам ул зот муяссар бўлган буюк мақомга эришмоқ маҳол.

“Хамса”нинг калити ҳақидаги мулоҳазалар бу кичик қайдлар билангина ниҳоясига етмайди. Зеро, бунга доир изланишлар эндигина бошланяпти. Қолаверса, ҳазрат Навоийнинг ана шу икки насиҳатини ҳам ҳазм қилиш, руҳга, шуурга сингдиришнинг ўзи бўлмайди...

БУЮК ШОИРНИНГ ИЖОД КОНЦЕПЦИЯСИ

Буюк озарбайжон шоири шайх Низомий Ганжавий жаҳон адабиётидаги ноёб поэтик ҳодиса – хамсачиликни бошлаб берди. Гарчи форсийда битган бўлса ҳам, улуғ шоирнинг “Панж ганж”ида туркий тафаккур, туркий руҳ акс этгани маълум. Улуғ ўзбек мутафаккири ҳазрат Алишер Навоий эса “Хамса”си билан Низомий Ганжавий бошлаган поэтик анъанани янгилаш баробарида юксак тараққиёт босқичига кўтарди. Озарбайжон-ўзбек адабий алоқаларига доир эътиборга молик илмий тадқиқотлар муаллифи профессор Алмаз Улвийнинг ёзишича, Алишер Навоий Низомий анъаналарини изчил давом эттириш билан чекланмай, туркий адабиётнинг тараққиёт даражасини янада юксалтирди.

Икки буюк шоир “Хамса”ларида ижод концепциясига доир қарашлар қандай акс этгани ҳамда улар ўртасидаги муштарак ва ўзига хослик нималардан иборат эканини аниқлаш қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим илмий муаммоларидандир. Мазкур илмий муаммонинг тадқиқ қилиниши, биринчидан, туркий халқлар ўртасидаги ўзаро адабий таъсирнинг илдизларини аниқлаш учун асос сифатида хизмат қилса, иккинчидан, буюк ижодкорлар адабий-эстетик қарашларини қиёсий ўрганиш, назарий умумлашмалар чиқариш имкони-

ни беради. Табиийки, бизнинг бу борадаги мухтасар кузатишларимиз ушбу муаммо таҳлилини тўлиқ қамраб олишни даъво қилмайди. бу борадаги фикрларни беқиёс уммондан олинган бир ҳовуч сувга қиёсланса бўлар, эҳтимол.

Ижодкор тутуми – поэтик тафаккур юксалишининг асоси. Низомий Ганжавий ва Алишер Навоийнинг ижод табиати ва ижодкор тутумига доир қарашлари бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнингча, икки буюк адиб бадиий ижод олдига қуйидаги адабий-эстетик талабларни қўйган: 1) қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақланиш; 2) ижод намунаси мукаммал бадиият билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги; 3) бадиий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши; 4) ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши кераклиги.

Ушбу мезонлар Низомий ҳамда Навоий ижоди ва адабий-эстетик қарашларининг моҳиятини белгилайди.

1. Қалам ва сўзни муқаддас билиш, уни воситаи жоҳ этишдан сақланиш. "Хусрав ва Ширин" достонида Низомий қаламнинг муқаддас экани масаласига алоҳида урғу беради. Буюк шоир таърифича, сўздаги хатолик қалам воситасида тузатилади. Ижодкор жумладан, мана бундай ёзади:

Сўзимда не хатолик учраса, кеч,
Қалам чек устига, то қолмасин ҳеч[1].

Низомий наздида сўзнинг қадри юксакдир. Буюк шоирнинг сўзни осмонга бойлаши сабаби шунда. Шу боис у қаламни ганжномалар қулфини очувчи олмос найзага ташбеҳ этади:

Ўшал муддатки хилват айламишдим,
Сўзимни осмонга бойламишдим...

Қалам илкингда олмос найзадир чин,
Очар ул неча бир ганжнома қулфин.

Дарҳақиқат, сўз хазинасига элтувчи йўлнинг очқичи қаламдир. Бироқ бу хазинани қўлга киритиш осон эмаслиги аён. Ранж тортмай, роҳатдан воз кечмай туриб, бу мақсад ҳосил бўлмайди. Рақам чекмоқ ишида, яъни юксак бадиий асарлар ижод қилишда қалам ранж тортмоғи зарурлигини шунинг билан изоҳлаш мумкин.

Шайх Низомий қалам таърифига достоннинг турли бобларида мантиқ зарурати билан тўхталган бўлса, ҳазрат Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин"нинг алоҳида бобини *"Қалам васфида бир неча қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамға кетурмакки, назм кишвари саводин якқалама қилиб эрди ва «Панж ганж» авроқиға гуҳарпош рақами тортилиб эрди ва ул роқим бобида ҳамки мунунг хатти маънисин рақам-барақам билди, балки қалам-бақалам нақл қилди. «Байязаллоҳу таоло авроқа жаройимиҳо"* деб номлайди. Аҳамиятли жиҳати, Навоий ушбу бобни қалам васфи билан бошлаб, икки буюк салафи Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий фазилатлари таърифи билан давом эттиради. Достоннинг мазкур боби қуйидаги сатрлар билан бошланади:

[1] Низомий Ганжавий "Панж ганж"идан олинган мисоллар аслиятдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол амалга оширган таржима матни асосида таҳлил этилди: Manba: Nizomiy Ganjaviy. Xamsa. Besh jildda. Bako, 2019.

Қаламким раҳнаварди тезтакдур,
Азалдин манзили фавқу-л-фалакдур.

Яъни қалам энг илдам йўлчидир, унинг учун масофа аҳамиятга молик эмас. Қаламнинг манзили фалакдан ҳам юксакроқда – Аршдадир. Бу ўринда тақдир китоби – Лавҳу-л-маҳфузни ёзган илоҳий қалам назарда тутилган. Ҳазрат Навоий фикрича, қалам аҳли буни назарда тутмоғи, маскани фавқу-л-фалак бўлган қаламнинг шарафини ерга урмаслиги зарур. Бошқача айтганда, қалам билан фақат ва фақат муносиб сўзлар битилмоғи керак. Икки буюк ижодкор Низомий ва Деҳлавий ижоди бу борада барча замон ижодкорларига намуна бўла олади. Агар қаламга ана шу улуғ шоирлар каби муносабатда бўлинмаса, масъулият ёдда тутилмаса, ижод аҳли қўлидаги қалам дарёда ўсган оддий қамишдан фарқ қилмайди:

Қалам баҳри кафида турфа ишдур,
Магар дарё аро бутган қамишдур.

Қаламни васф этар экан, ҳазрат Навоий қалам аҳлининг устози Низомий гарчи Ганжада ором топган бўлса ҳам, ҳар қадами ганж узра экани ҳақидаги фикрни илгари суради. Юлдузлар гуруҳи осмонни қоплагани сингари унинг хазинасидан сочилган гавҳарлар яксар жаҳонни тутгани бунинг исботидир. Бу хазинадаги гавҳарларнинг қиммати шундаки, сарфлаган билан адо бўлмайди. Ҳар кимки, бу гавҳарлардан насиба ола билса, юз йилда ҳам мингдан бири кам бўлмайди.

Шайх Низомий фикрича, қалам аҳлининг мартабаси беҳад юксак. Чунки улар икки жаҳон ганжинасининг калити ҳисобланган сўз билан иш кўради:

Аҳли қалам чекса-да сўз ранжини,
Сўзда очур икки жаҳон ганжини.

Чунки улар қаламни эмас, аслида жонларини тарашлайди. Кўнгилларида сидқ, қалбларида фикрат бўлгани боис ҳам улар ҳар қанча ҳурматга муносибдир:

Жонни тарашлайди қалам тиғидин,
Фикрат ўқир қалби, кўнгил сидқидин.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирича, Тангри таоло ўз сирларининг хазинаси бўлган инсонни яралмишлар ичида сўз туфайли мумтоз этди. Ҳатто оламнинг яратилиши ҳам сўз шарофатидан. Шунинг учун “Хазойин ул-маоний”даги лирик шеърларида ҳам, насрий ва адабий-илмий асарларида ҳам улуғ мутафаккир сўз қадри, сўз масъулияти масалаларига алоҳида диққат қаратади. “Хамса”нинг ҳар бир достонида сўз таърифига алоҳида боблар бағишлайди. “Назм ул-жавоҳир” асарида, жумладан, сўзга мана бундай таъриф берилади:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.

Улуғ мутафаккирнинг сўзга бу қадар эҳтиром билан муносабатда бўлиши замирида, биринчидан, инсон учун сўзнинг нечоғлик улуғ неъмат экани, уни қадрлаш зарурати ифодаланган бўлса, иккинчидан, ижод аҳли зиммасидаги улкан масулиятни таъкидлаш мақсади ётади.

"Ҳайрат ул-аброр"да буюк салафи, *ватани Ганжа, кўнгли ганжхез, хотири ганжуру тили ганжрез* шайх Низомийни васф этар экан, шоир мана бундай ёзади:

Ганжа қуёшики, кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин якқалам...

Яъни Ганжа қуёши бўлган Низомий назм байроғини кўтаргач, сўз мамлакатини якқалам қилди. Буюк салафи шеъриятининг жаҳоний шуҳратини ҳазрат Навоий ана шундай таъриф этади. Бу орқали қалам ва сўзнинг қадри нечоғлиқ баланд эканига урғу беради.

2. Ижод намунаси мукаммал бадиият билан бирга теран маънони мужассам этмоғи зарурлиги. Сўз, ҳар икки ижодкор – Низомий ва Навоий наздида бирдай илоҳий неъмат сифатида қадрланади. Низомий талабига кўра, теран маънони ифода этмаган сўз ёзиб такрор этишга арзимайди. Сўзнинг назм ипига тизилиши ҳали шеър дегани эмас, чинакам шеър бўлиши учун поэтик матн замирида чуқур маънодан ташқари ихлос ва жонфидолик тажассум топмоғи зарур. Яна бир шарти, оз сўзда кўп маъно ифодаланмоғи *(Юз этма бир сўзингни, юзни бир эт)*, меъёрга амал қилинмоғи *(Керакдир сўзга ҳам сув сингари ҳад)* лозим:

Суханким манбайи маъно эмас ул,
Ёзиб, такрор этишга арзимас ул.

Қийинмас сўз тизиб, назм айламак, лек
Керакдир сўзга ихлос, жонфидолик.

Сўзингни чўзма ортиқ, мухтасар эт,
Юз этма бир сўзингни, юзни бир эт.

Керакдир сўзга ҳам сув сингари ҳад,
Ошиб-тошганда ғарқ айлайди албат.

Озарбайжон адабиётшуноси Тимур Керимлининг мана бу сўзлари ижод табиатига хос ана шу хусусиятни ифодалайди: "Низомийнинг доҳийлиги шундаки, унинг қалами жанрнинг шаклий қолипларига риоя қилмайди, аксинча жанрни қалам талабларига риоя этишга мажбур қилади" (Керимли 2019, 3).

Ҳазрат Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас –

деб ёзар экан, бу орқали замонлар келиб назмнинг суратида янгиланишлар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, "асл анга маъни"

эканини алоҳида таъкидлайди. Маъни жиҳатдан марғуб бўлмаган назм маоний аҳлининг эътиборини қозона олмаслигига эътибор қаратади.

Алишер Навоийнинг бу масаладаги адабий-эстетик тутуми “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебочасида ҳам қатъий ифодаланган: *“Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлгай”.*

Бу ўринда буюк адиб *“маъни”* тушунчасига янада ойдинлик киритади. Унинг *“маърифатомиз, мавъизатангиз”* бўлмоғи зарурлигига эътибор қаратади.

Таъкидлаш зарурки, шайх Низомий ҳам, ҳазрат Навоий ҳам *“маъни”*га урғу берар экан, зинҳор бадииятни инкор этмайди. Аксинча, назмда ёки насрда битилган бўлишидан қатъи назар, сўз санъати намунасида теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунлиги талаб этилишини таъкидлайди. Ҳар икки мутафаккир ўз асарлари орқали бунинг беқиёс намунасини кўрсатади.

3. Бадиий асар Ҳақ ва ҳақиқатга таяниши. Ҳар икки мутафаккир таърифича, ушбу фазилатдан маҳрум асар ҳеч қандай қимматга эга эмас. Улар фикрича, ижод намунаси Ҳақ ва ҳақиқат нурига йўғрилмоғи шарт ва зарур. Акс ҳолда ижод аҳлининг сўзи эътиборга тушмайди, эътироф қозона олмайди. Низомий “Махзан ул-асрор”да бу борадаги қарашларини қуйидагича ифода этади:

Кажлигидин гулда тикан битди гар,
Ростлигидин топди шакар найшакар.

Қайдаки ростликка тикилгай алам,
Ҳақ ўша байроқни кўтаргай баланд. (Низомий 2019 (1): 194)

Улуғ шоирнинг мазкур байтларда қўллаган ташбеҳлари замирида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ростликка, Ҳақ ва ҳақиқатга риоя этиш зарурати ифодаланган. Унингча, каж, яъни эгри бўлгани боис гулда тикан битади. Тўғри ўсгани, ростлиги туфайли найшакардан шакар олинади. Қаердаки ростликка байроқ тикилса, Ҳақ таоло бу байроқни юксакка кўтаради. Бу фикрларни ижод жараёнига татбиқ этилса, ижодкор учун мезон – ростлик, Ҳақ ва ҳақиқат бўлмоғи керак.

Айни моҳиятни ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да қуйидагича бадиий талқин этади:

Нукта су янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.
Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Яъни, ҳақиқат гуҳаридин мосиво сўзни сўзлашдан наф йўқ. Бундай сўз на халойиқ олдида эътиборли, на Холиқ наздида. Инсоният тарихининг ибтидосидан то бугунга қадар қоғоз қоралаганлар сони қанча эканини Яратганнинг ўзи билади, улар орасида битиклари эл кўнглига малҳам бўлганлари эса бармоқ билан санарлидир. Чунки, ижод сир-синоатга тўлиқ жараён. Қалбида ҳидоят нури мужассам бўлганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа ман-

зур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Шайх Низомий ва ҳазрат Навоий ижоди бунинг ёрқин исботидир, улар асарларининг умрбоқийлиги боиси ҳам шунда.

Рост сухан бирла амал айла, ҳой,
Пушту паноҳ сенга қодир Худой.
Табъи Низомийки, камарбастадир,
Ишлари ростлик ила орастадир.

Мазкур байтларда Низомий зоҳиран ўз-ўзига хитоб қилаётгандек кўринса ҳам, аслида буни бутун ижод аҳлига мурожаат, дея қабул қилмоқ зарур. Буюк мутафаккир фикрича, рост сухан бирла қилинган амалгина Ҳақ таоло даргоҳида қабул бўлади. Модомики Низомийнинг табъи шеър ёзишга мойил экан, фақат ростликкина асарларини ораста этади ва айни шу фазилат уларнинг келажак наслларга-да маъқул бўлишини таъминлайди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ижод аҳлига баҳо берар экан, уларнинг Ҳақ ва ҳақиқатга муносабатини асосий мезон деб билади. Жумладан, биринчи мажлис ибтидосида *“ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ”* эканини алоҳида таъкидлайди. Асарларида *“ҳақойиқ ва маорифни дарж этган”* шоиру адибларни алоҳида эътироф этади. Ҳусайн Бойқаронинг туғишган акаси Бойқаро Мирзо ҳақида ёзар экан, *“ҳақшунослиғи аъло мартабада”* эканини мамнуният билан таъкидлайди. Ўз навбатида, бу каби фикрлар ҳазрат Алишер Навоий адабий-эстэтик қарашларида ҳақиқат ва маърифат масаласи алоҳида мавқега эга бўлганидан далолат беради.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” сарлавҳали бобида эса, сўзлари ҳақиқат ва ростликдан йироқ қалам аҳли ижодкорларнинг “адно”, яъни энг қуйи табақаси сифатида таърифланади ва қаттиқ танқид қилинади: *“Яна адно табақаси, жамоатедурларким, назм била фақат кўнгуллари хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур”.*

Низомий ва Навоий чиқарган муштарак хулоса шундан иборатки, назмдан мурод кўнгил хушлиги эмас. Юз машаққат билан ёзган шеъри учун шоирлик даъвосини қилиш ва овозасини етти фалакдан оширишга уриниш – уят. Шеър чинакам шеър даражасига кўтарилмоғи учун унда ҳақиқат ва маорифдан баҳра, шавқ ва ишқ ўтидан ҳарорат бўлмоғи талаб этилади. Ҳазрат Навоий фикрича, юқорида танқид қилинган адно тоифанинг қораламалари ана шу фазилатлардан маҳрум. Уларнинг баъзиси агар бир яхши байт ёзса, ўн ёмон байти билан ўша арзирли байтни ҳам зое қилади.

Умуман, Ҳақ ва ҳақиқатга таяниш – ижод намунасининг қимматини оширгани каби ижодкорнинг ҳам мартабаси юксалишига далолат қилади.

4. Ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши. Шайх Низомий Ганжавий жаҳон адабиётида ўзига хос янгилик ҳисобланган хамсачиликнинг тамал тошини қўйди. Буюк мутафаккирнинг “Панж ганж”и жаҳон адабиётида янги юксак поэтик анъанани бошлаб берди. Зеро, Шайх Низомийнинг асл муддаоси бетакрор бадиият намунасини яратиш эди. Шу боис у қалам урилганга қалам урмади. Дуру жавоҳирга тўла ганж топди ва уни ўз тарозисида тортди.

Низомий риштага гавҳар тизган дам
Қалам урилганга урмади қалам.

Дуру гавҳарларга тўла топди ганж,
Ўз тарозусида ўзи тортди ганж.

“Шарафнома”син овоза айлади,
Эскини янгилаб, тоза айлади...

Низомий “”Панж ганж”и хамсанавислик учун ижодий мезон этиб олинди. Унга кўра, “Хамса”га кирувчи бешала достон мавзу ва жанр нуқтаи назаридан “Панж ганж”га мувофиқ келиши, ҳар бешала достон вазни борасида ҳам анъанага риоя этилиши (“Ҳайрату-л-аброр” – сариъ, “Фарҳод ва Ширин” – ҳазажи мусаддаси маҳзуф, “Лайли ва Мажнун” – ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, “Сабъаи сайёр” – хафиф, “Садди Искандарий” – мутақориб баҳрларида ёзилиши), сюжети, образлар тизими ва композицияси Низомий достонига мутаносиб бўлмоғи, шунинг баробарида, унга тақлид қилинмаслиги, бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида мутлақ янги поэтик ҳодиса даражасида ижод этилмоғи шарт этиб белгиланди.

Табиийки, бундай мураккаб вазифанинг уддасидан чиқиш осон эмас эди. Кўпчилик ижодкорлар бу ишга уриниб кўргани маълум. Бироқ уларнинг аксари Низомий достонига муқобил асар яратишга ожизлик қилди. Низомий “Панж ганж”ни 1170-1204 йилларда яратган бўлса, орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтиб, 1299-1301 йилларда туркийлардан чиққан улуғ мутафаккир Хусрав Деҳлавий унга жавобан “Хамса” ярата олди. Ушбу поэтик анъанага жавобан асар ёзиш нечоғлик мураккаб эканини ҳазрат Навоий мана бундай ифода этади:

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

Яъни Низомийга эргашиб, татаббуъ ёзишга интилганлар, ҳавас қилганлар кўп бўлди. Бироқ уларнинг аксари сарву гул қаршисига хас келтира олдилар, холос.

Буюк бешлик – “Хамса”ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий ўз олдига мана бундай бадиий-эстетик вазифа қўяди:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусға майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилғонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмишдур – югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон – кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Улуғ мутафаккир халойиқ назм қилғонни мукаррар айламоқ – такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бировлар кетидан от сурмоқ, эл югурган йўлдан югурмоқ зинҳор маъқул эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, *“Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”*. Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Шоир фикрича, шеъриятда ўзгаларни такрорлаш *(“мукаррар айламак”)* айб. Чинакам шоир ўз сози билан куйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод табиатига зид. Ўз сўзини, ўзигагина хос услубда ифодалаган ижодкоргина адабиёт оламида ўз ўрнини топади, муайян мавқега эриша олади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи бу борада барча замон ижодкорларига ибрат бўларли буюк ишни бажарди. Анъана замирида ўзига хос ижод мезонлари асосида оламшумул янгилик яратди, хамсанависликни юксак бир даражага кўтарди. Ваҳоланки, Низомий-Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийдай буюк ижодкорлардан кейин хамсачиликни янги босқичга олиб чиқиш осон бўлмагани аён. Ҳазрат Алишер Навоий буюк салафларини такрорлаш у ёқда турсин, уларга айрим эътирозларини ҳам билдиради. Жумладан, улар Хусрав образи талқинида *“Ки мулки андоғу ойини мундоқ, сипоҳи андоғу тамкини мундоқ”* тарзида мақтовни ҳаддан оширганини танқид қилади. Ана шу мавзудаги асарини “Фарҳод ва Ширин” деб атар экан, ўз ижод мезонидан келиб чиқиб, бош қаҳрамонликка Хусравни эмас, Фарҳодни танлайди. Баҳром образи талқинида ҳам 1) унда мояи дард йўқлиги ва ишқ оташидан маҳрумлиги; 2) етти қаср қуриб, ишрат суриши ва маст-аласт ҳолда афсона тинглашида ҳақиқатга номувофиқлик кўради. “Сабъаи сайёр” сюжети ва композициясини навоийёна асосга қуради. Булар барчаси Низомий ва Навоийнинг ижодкор ўз мустақил йўлидан юриши, тақлиддан йироқ бўлиши зарурлиги ҳақидаги хулосаси ўзаро уйғун эканидан далолат беради.

Ушбу мўъжаз тадқиқотда қўйилган илмий муаммо таҳлили икки буюк мутафаккир Низомий ва Навоийнинг бири хамсачиликни бошлаб бериб, дунё адабиётидаги ушбу ноёб анъананинг тамал тошини қўйган бўлса, иккинчиси бу ишни инсон тафаккури етиши маҳол бўлган юксак мақомга кўтаргани ҳақидаги умумлашмага олиб келади. Озарбайжон ва ўзбек халқлари фарзандлари бўлган бу икки мутафаккирнинг ижод концепциясига доир адабий-эстетик қарашлари наинки улар яшаган давр, балки барча замонлар учун ҳам бирдай аҳамиятлидир. Зеро, адабиёт оламига қадам қўйган ҳар бир ёш шоир ёки адиб улар ижод лабораториясига қанчалик чуқур кирса, сўз санъати сирларини нечоғлик теран ўрганса, ижодда шунчалик камолга эришади. Бу эса, ўз навбатида, туркий адабиёт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган, салоҳияти юксак ижодкорларнинг янги авлоди шаклланишига хизмат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”ни ижод қилиш билан эришиш осон бўлмаган ижодий мақсадини амалга ошириб, буюк салафи Низомий Ганжавий панжасига панжа урди. Икки буюк мутафаккирнинг дўстона ушлашган панжалари ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларининг бугунги кундаги ривожини таъминлашда ҳам асос-замин вазифасини ўтаб келаётир. Ушбу адабий ҳамкорлик яна кўп асрлар давомида юксак самаралар беришидан умидвормиз.

ОНА ОБРАЗИНИНГ ПОЭТИК СУВРАТИ

Бадиият оламини образ ва образлиликдан айри тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Адабиётнинг адабиётлиги образли тафаккурга боғлиқ экани бу – аксиома. Бинобарин, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам у яратган образларнинг нечоғлиқ ёрқин, қанчалик мукаммал эканига кўра белгиланади. Ҳазрат Алишер Навоий образли тафаккурни шу қадар юксакликка олиб чиқдики, адабиётимизнинг қарийб олти асрлик тараққиёти бу борада буюк бобокалонимиз даражасига етмоқ амалда мумкин эмаслигини исботлаб келаётир. Улуғ мутафаккир асарларидаги она образининг бадиий тажассуми ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ҳазрат Навоий асарларида она образи тасвирини шартли равишда қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин: 1) омма ҳаётида она образи; 2) хослар – подшоҳлар ва авлиёлар тақдирида онанинг ўрни. Ҳар икки турда ҳам она образи тасвири икки асосга – биринчидан, миллий руҳга, миллатимизнинг асл табиатида азалий бўлган онага эҳтиром туйғусига; иккинчидан, Қуръони карим ва ҳадиси шариф аҳкомларига таянади.

Омма ҳаётида она образи. Бу турдаги талқинларда омма учун келган илоҳий амрлар ва шу мазмундаги ҳадислар асос вазифасини ўтаган. “Ҳайрат ул-аброр”дан олинган мана бу байт ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.

“Макрумат” сўзи луғатда “қадр, қадр-қиммат; кўрсатилган хизмат; мақтовга лойиқ аъмол”, дея изоҳланган. Ота-она қадрини баланд тутиш, уларга муносиб даражада хизмат қилиш – ҳар бир инсон учун фарзи айн. Қуръони каримнинг аксар оятларида “Аллоҳ таолога ибодат қилинг” деган амрдан сўнг “Ва бил-волидайни иҳсано” (“Ота-онангизга яхшилик қилинг”) тарзидаги ҳукм келиши ҳам бунинг исботидир. Шу боис буюк мутафаккир “Ҳайрат ул-аброр” достонида ота учун бошни фидо, она учун жисмни садқа қилмоқ бурч эканини уқтиради. Навоийнинг:

Икки жаҳонингға тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо, –

деган сўзлари “Аллоҳнинг розилиги – ота-онанинг розилигидадир” мазмунидаги ҳадиси шариф мазмунининг бадиий талқини, дейиш мумкин. Фарзанднинг туни ҳам, куни ҳам нурафшон бўлмоғи учун улардан бири ой бўлса, иккинчиси – қуёш. Шу боис улар сўзидан ташқари қалам чекмаслик, хатларидан – йўл-йўриқларидан ташқари қадам қўймаслик шарт ва зарурдир. Уларга қилинажак барча хизмат адаб доирасида, ҳатто қоматни “дол” каби эгиб адо этилмоғи керак.

Ҳазрат Навоий лирик шеърларида ҳам онага эҳтиром кўрсатиш бурч экани, фалак оламни ёритгани каби она инсон ҳаётига нур бағишлаши, шахс камолотида беқиёс ўрин тутиши теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида ёритилади. Улуғ шоир эътиқодича, она – Ҳақ таоло наздидаги энг мумтоз ва мўътабар сиймо. “Бадоеъ ул-васат” девонидаги 307-ғазалда ота-она ой ва кунга қиёсланади. Байтдаги “самин” сўзи – қимматбаҳо дур маъносида. Ижодкор наздида, агар фарзанд гавҳар бўлса, ота ва она бамисоли уларни бағрида тарбият қилувчи икки садафдир:

Ой, кун ота бирла она, фарзанд сен бўлсанг не тонг –
Ким, сен саминдурсен, валек ул икки андоқким садаф.

"Бадоеъ ул-васат"даги 12-қитъага "*Ўғулға она ҳаққи отадин кўпроқ экани бобидаки, дурға дарё тарбияти булутдин ортуғроқдур*", дея сарлавҳа қўйилган. Ана шу сарлавҳанинг ўзидаёқ ҳаёт ҳақиқатининг теран мантиғи баробарида барча ҳам бирдай илғайвермайдиган фасоҳат ва балоғат ифодаси кузатилади. Чиндан, ҳазрат Навоийнинг тафаккур ва тахайюл қуввати шу қадар юксакки, она васфида ҳеч бир ижодкорнинг хаёлига келиши мумкин бўлмаган нукталарни топади, уларга тутилмаган бадиий либос кийдиради, ҳайратланарли поэтик хулосалар чиқаради:

Она ўрнин ота тутмас ўғулға –
Ки, мумкиндур ўғул бўлмоқ отасиз.
Масиҳо бирла Маръямдин қиёс эт –
Ки, имкон йўқтурур бўлмоқ онасиз.

Қитъада инсоният тарихидаги яккаю ягона истисно – Аллоҳ таоло иродаси билан Биби Марямнинг ҳазрат Исо алайҳиссаломни отасиз дунёга келтиргани мисолида ноёб бадиий хулоса чиқарилади: ўғилда онанинг ҳақи отага нисбатан ортиқроқ. Исо Масиҳ ва Биби Марям қисмати бунга қиёски, агар Ҳақ таоло ирода этса, ўғил отасиз ҳам туғилиши мумкин, лекин онасиз дунёга келиши мумкин эмас.

"Хазойин ул-маоний"нинг учинчи жилди – "Бадоеъ ул-васат"даги 14-қитъа *"Яхши хотунлар сафойи рўзгори қуёш нуриға мисолдур ва шамснинг муаннас экани мунга дол"* саравҳаси остида берилган:

Яхши хотунлар сафойу зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош,

Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.

"Яхши хотунлар" деганда шоир Ҳаққа етишган поктийнат оналаримизни назарда тутгани аён. Улар сафойу зуҳди (поклигию тақвоси)дан оламга ёруғлик таралиши чиндан ажабланарли эмас. Замонамизнинг улуғ шоири Абдулла Орипов: "Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим", дея эътироф этган эди. Сўз ҳазрат Навоийга сўзсиз бўйсунади, у истаган йўриққа юради. Шунинг учун ҳам у "сўз мулкининг соҳибқирони". Юқоридаги фикрини шоир араб алфозида қуёш ("шамс") нинг аёл жинси (женский род)га кириши билан далиллайдики, сўзларнинг бу қадар ўзаро уйғунлиги, ҳам ҳаётий, ҳам бадиий мантиққа қатъий бўйсуниши ўқувчини ҳайратлантирмай қўймайди.

Хослар – подшоҳлар ва авлиёлар тақдирида онанинг ўрни. Ҳазрат Навоийнинг бу турга доир талқинларида она образи чин маънода поэтик юксакликка кўтарилади. Теран руҳий таҳлил, бадиий мукаммаллик, туйғу софлигию изҳор ростлиги, образ тасвирининг ёркинлиги ва таъсирчанлиги ушбу турдаги талқинлар асосини ташкил этади. Жумладан, "Садди Искандарий"да жаҳоннинг катта қисмини забт этган Искандарнинг ҳаёти сўнгидаги руҳий ҳолати – андуҳу пушаймони, дарду изтироблари онасига ёзган васияти билан

боғлиқ ҳолда юксак бадиият билан тасвирланади. Мана, васиятда жаҳонгирнинг аҳволи руҳияси қандай ифодаланган:

Бошимға тушуб ҳарза андешае,
Дедим олам очмоқ эрур пешае.

Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,
Ҳавас жоми кўнглумга ошом эмиш .

Керак эрди, то кирди мағзимға ҳуш,
Хирад токи солди димоғимға жўш.

Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.
Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,
Анинг отин айтсам эди шоҳлиқ.

Жаҳонгир Искандар андуҳ ўтида қоврилади. Хаёллари бари хом, ҳавас жоми кўнглига ошом эканидан афсус чекади. Онага чин ўғиллик, унинг олдидаги қуллик подшоҳликдан афзал, чинакам шоҳлик – онага хоки даргоҳлик, деган аччиқ ва ҳаққоний хулосага келади. Аслида, бу ўринда Искандар тимсолида ҳазрат Навоийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари ифодаланган. Таъкидлаш керакки, Искандарнинг тазарруси унинг гуноҳлар ботқоғига ботганидан эмас, илоҳий маърифатга ошнолигидан келиб чиққан. Искандар васиятномасидаги мана бу сўзлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Керак ҳар не оллимға ёзди қазо,
Санга ҳам аён бўлса мендек ризо.

Кўнгул мендин узмак ишин чоғласанг,
Чу уздунг, ани Тенгрига боғласанг.

Навоий талқинидаги Искандар – авлиё ва набий. Унинг барча ҳаракатлари, туйғулари, маънавий-руҳий олами, дунёқараши Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасида тасвирланган Зулқарнайн билан ҳар жиҳатдан уйғун. Искандарнинг онаси олдидаги, алалоқибат, Аллоҳ таоло ҳузуридаги надомати – англанган ва нафсдан покланиш йўлидаги надомат. Зеро, орифлар мен покман, гуноҳсизман, демайди. Осийман, бадкирдорман, гуноҳлардан юзи қароман, дейди. Нафсини маломат қилиш орқали қалбини поклайди, Ҳақ ризосига эришади.

Достонда Искандарнинг онаси комил инсон тимсоли сифатида намоён бўлади. Уни ҳазрат Навоий Бонуйи иффатпаноҳ дея таърифлайди. Ўғлининг таъзиясига келган етти ҳаким – Афлотун, Суқрот, Балинос, Буқрот, Хурмус, Фарфунюс ва Арасту билан мулоқоти унинг сийратида сабр, ризо каби камолот мақомлари мужассам эканини кўрсатади.

Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида улуғ авлиёуллоҳлар мақомотларини тасвирлар экан, улар қисматида онанинг тутган ўрни, уларнинг онага бўлган эҳтироми масаласига алоҳида диққат қаратади. Жумладан, асарда ёзилишича, Исмоил Даббос деган киши ҳаж ниятида йўлга отланади. Шерозга етганда бир масжидда Шайх Мўминни хирқа ямаб ўтирган ҳолда учратади. Салом беради. Шайх Мўмин сўрайди: “Не ниятинг бор?” Жа-

воб беради: “Ҳаж сафарига чиқдим”. Яна савол беради: “Онанг борми?” Жавоб: “Бор!” Айтади: “Ортга қайт, онангнинг хизматини қил”. Бу сўз унга хуш келмайди. Шайх айтади: “Нега тўлғанасен? Мен бош яланг, оёқ яланг, пулсиз, ҳамроҳсиз минг машаққатлар билан эллик марта ҳаж қилганман. Барчасининг савобини сенга бераман. Сен онанг кўнглининг шодлигини менга бер!”

Онанинг кўнгил шодлиги барча нарсадан, ҳатто бир эмас, эллик марта бажарилган бўлса-да, Байтуллоҳ зиёратидан ҳам ортиқ экани ифодаланган бу ҳикоятда.

“Насойим ул-муҳаббат”дан, шунингдек, онасига берган ваъдаси учун қароқчиларга устидаги тўни қатига тикилган олтинлар ҳақида рост гапирган ва бунинг эвазига бутун бошли қароқчилар тўдасининг тавбага келишига сабаб бўлган Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий, кашфи ҳол орқали онасининг дўзахда куяётганидан воқиф бўлган боланинг томоғидан овқат ўтмай, изтироб оловида қоврилишини кўрган Шайх Абуррабиъ етмиш минг марта такрорлаган “Ла илаҳа иллаллоҳ” зикрини бағишлагани боис онанинг дўзах ўтидан халос бўлиши орқали шу мазмундаги ҳадис моҳиятини кашф этиши, Паҳлавон Маҳмуд Паккаёр ўзи билан кураш тушиши тайинланган ҳиндистонлик полвоннинг онаси муборак қабр зиёратида ўғлига зафар тилаб қилган муножотига тасодифан гувоҳ бўлгач, она илтижосининг ҳурмати учун рақибига атай йиқилиб бериб, ҳимматининг нечоғлик баланд эканини намоён этиши сингари ибратли воқеалар талқинлари ҳам ўрин олган. Улар алоҳида таҳлилий мақолалар учун мавзу бўла олади.

Умуман, ҳазрат Алишер Навоий мўътабар сиймо – она образи васфида бетакрор бадиият намуналарини яратди. Уларни кичик бир тадқиқот доирасида муфассал таҳлил ва тадқиқ қилиш имконсиз. Бу борадаги изланишларни муттасил давом эттириш адабиётшунослигимиз, навоийшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардандир.

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ АСАРЛАР МОҲИЯТИ

“АРБАЪИН”ДА МАЪРИФИЙ МАЗМУН ВА БАДИИЙ ШАКЛ МУТАНОСИБЛИГИ

“Арбаъин”нинг дастлабки нашри 1968 йили амалга оширилган бўлиб, асар матни Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига киритилган[1]. Нашрга тайёрловчи – Порсо Шамсиев. Шўро замонидаги бу нашрда асарнинг бошланиш қисмидаги ўн байтлик ҳамд ва наът қисми тушириб қолдирилган. Коммунистик даҳрийлик мафкурасига мувофиқ келмаган бошқа мисралар қисқартирилган. “Сабаби таълифи манзума” қисмидаги мана бу байт шулар жумласидандир: *Ўқуғонда Бухорийу Муслим, Қирқ сўз борча шубҳадин солим.* Табиийки, мазкур нашрда ҳадислар матни берилиши имконсиз эди. Ўша мураккаб шароитда асар матни чоп этилганининг ўзи олимларимизнинг жасорати сифатида баҳоланишга лойиқ. Шундан кейин мустақилликкача ўтган қарийб чорак аср мобайнида “Арбаъин” ҳақида на матбуотда, на илмий тадқиқот ишларида бирор сўз айтилмади. Асар қайта нашр этилмади.

Асарнинг кейинги нашри 1991 йилда амалга оширилди. Нашрга тайёрловчилар: Каримбек ва Сайидбек Ҳасан. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи: Алибек Рустам. “Арбаъин”нинг мазкур нашрида жорий имлода ҳар бир ҳадиснинг арабча матни ва ундан сўнг мазкур ҳадис мазмунига битилган шеър берилган. Нашрга ёзилган шарҳ ва изоҳлар мукаммаллиги, батафсиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Биргина мисол:.

Ҳамд ангаким, каломи хайрмаол
Қилди элга расулидин ирсол.

Ушбу дастлабки байт Алибек Рустам тарафидан қуйидагича шарҳланган: “Анга” сийғасида берилган “ул”дан мурод Ҳақ таолодир. “Хайрмаол” эзгулик билан якунланувчи, оқибати – эзгулик дегани. “Каломи хайрмаол”дан мурод Қуръондир. “Расул” (элчи)дан мурод Муҳаммад пайғамбардир. “Ирсол қилмоқ” – юбормоқ. Демак, байтда ўз элчиси орқали элга унинг оқибатининг хайрли бўлишини таъминлайдиган каломини юборган Ҳақ таолога ҳамд, дейилган”[2].

“Арбаъин” 1991 йили яна бир ношир, шарқшунос Масъудали Ҳакимжон томонидан ҳам чоп этилди[3]. Ҳар бир ҳадис матни жорий имлода ва аслиятда тақдим этилгани, ҳадиснинг ўзбек тилига таржимаси ва Навоий қитъаси берилгани ушбу нашрнинг илмий қимматини оширган. Бу орқали ўқувчига ҳам аслият билан, ҳам моҳият билан чуқур танишиш имкони яратилган. Араб тили ва имлосидаги матнларнинг хаттот Анвар Али Ҳакимжон қаламида ҳуснихат билан берилгани ушбу нашрнинг дизайн жиҳатидан ҳам эътиборга молик эканини кўрсатади.

Асарнинг кейинги нашри Алишер Навоийнинг йигирма томлик “Мукаммал асарлар тўплами” ўн олтинчи томига тўғри келади. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: навоийшунос олима Суйима Ғаниева. Матн тўлиқ. Бироқ айрим ўринларда араб имлосидан жорий имлога табдил қилиш жараёни билан боғлиқ матний хатоликлар учрайди. Навбатдаги нашр Алишер Навоийнинг ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами”дан ўрин олган[4]. Бу нашр йигирма жилдликдаги матн асосида тайёрланган.

---

[1] Арбаин (Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев). – Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн бешинчи том. Тошкент: “Бадиий адабиёт”, 1968.

[2] Рустамий Алибек. Шарҳ ва изоҳлар. – Алишер Навоий. Арбаъин. Тошкент, “Мерос” нашриёти, 1991, 17-бет.

[3] Арбаъин (Алишер Навоий назм ила баён этган ҳадислар). Тошкент, “Меҳнат” нашриёти, 1991

[4] Арбаъин.- Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Тошкент, Ғафур Ғулом номи-

Адабиётшуносликда дастлаб Алишер Навоий асарларининг ўн беш жилдилигига сўзбоши ёзган навоийшунос Азиз Қаюмов “Арбаъин” ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган[1]. Олим асарни “Жомий томонидан форс-тожик тилида ёзилган тарбиявий мазмундаги тўртликларнинг ўзбекча таржимаси”, деган фикрни билдиради. Шарқшунос Масъудали Ҳакимжон бунга қуйидагича муносабат билдиради: “Тўғри, Алишер Навоийдан олдин устозлари Абдураҳмон Жомий шу 40 та ҳадисни форс-тожик тилига назм билан таржима қилганлар... Навоий устозларидан дуо олгандан сўнг асарни тўғридан-тўғри форс тилидан таржима қилиб қўяқолмайдилар, балки асли араб тилидаги ҳадисларни бевосита туркийга ўгирадилар, чунки Алишер Навоий форс тилини қандай билган бўлсалар, араб тилини ҳам шундай билганлар. Ахир, араб тилида ижод қилиб, “Сабъату-л-абҳур” (“Етти денгиз”) номи билан классик араб тилининг изоҳли луғатини тузганлар-ку! Шунинг учун ҳам пайғамбар ҳадислари ичидан одамларнинг тарбиясига жуда зарур бўлган, инсоф, адолатга ундовчи 40 та ҳадисни танлаб олиб, устозлари Жомийга ҳурмат юзасидан айни ўша ҳадисларни назм ила шеърга айлантирганлар”[2]. Асар тадқиқи билан махсус шуғулланган Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдулмажидовларнинг ёзишича: “...муаллиф унда устози Абдураҳмон Жомий “Арбаъин”ида келтирган ҳадисларни танлаган бўлса-да, ҳадисларни туркий тилга эркин таржима қилган, ҳадисни ўзи тушунган маънолар билан ёритган, форсий байтлар мазмунига суяниб қолмаган”[3].

Суйима Ғаниеванинг “Навоий ёдга олган асарлар” рисоласида “Арбаъин” ва арбаъинчилик, хусусан, бу анъананинг ҳозирги кунда ҳам давом этаётгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, олиманинг ёзишича, Абдураҳмон Жомийдан ташқари “Навоийнинг яқин дўстларидан Шайхим Сухайлийнинг шу номда рисоласи бор... Ҳозирги вақтларда ҳам баъзи шоирлар 40 та ҳадисни шеърга солмоқдалар. Масалан, Абдулла Орипов, Шукур Қурбон”[4]. Филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупованинг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври)” ўқув қўлланмасида “Арбаъин” асари ҳам таҳлилга тортилган. Қўлланмада асар “инсонинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши”[5] алоҳида таъкидланиб, асарнинг таркибий тузилиши, ёзилиш сабаблари, бобларнинг мазмуни ҳақидаги энг муҳим маълумотлар ёритилган.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажидлар томонидан тайёрланиб нашр этилган “Навоийдан чу топқайлар навое” тўпламидан “Арбаъин” матни ва унга изоҳлар ҳам ўрин олган. Ушбу илмий-тадқиқий нашр асарнинг ўрганилиш тарихида алоҳида қимматга эга. Биринчидан, “Арбаъин” қўлёзмаларининг қиёсий-матний тадқиқи амалга оширилган. Туркиянинг Тўпқопи музейи Реван кутубхонасида сақланаётган 808 рақамли Алишер Навоий куллиёти таркибидаги асар қўлёзмасига таянилгани тадқиқотнинг ютуғини таъминлаган. Тадқиқотга ёрдамчи манбалар сифатида жалб этилган “Арбаъин”нинг Истанбулдаги Султония кутубхонаси Фотиҳ фондида сақланаётган 4056 рақамли Навоий куллиётига кирган матни, асарнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 9762 рақамли ҳамда ушбу фонддаги 1315 рақамли қўлёзмалари ўзаро қиёсий

даги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 586-594-бетлар.

[1] Қаранг: Қаюмов А. Шеър дурдоналари ва севги шаббодалари. - Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн бешинчи том. Тошкент: “Бадиий адабиёт”, 1968, 8-9-бетлар.

[2] Ҳакимжон Масъудали. Сўзбоши. - Арбаъин (Алишер Навоий назм ила баён этган ҳадислар). Тошкент, “Меҳнат” нашриёти, 1991, 4-бет.

[3] Алишер Навоий. “Навоийдин чу топқайлар навое” (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид). Тошкент, “Ҳилол-нашр”, 2014, 60-бет.

[4] Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар.Тошкент, 2004, 5-6-бетлар.

[5] Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). Тошкент, “Академнашр”, 2013, 195-бет.

ўрганилган. Қўлёзмалардаги тафовутлар илмий аппаратда акс этган. Бу ҳол, ўз навбатида, тадқиқотнинг илмий-амалий қимматини оширган.

Иккинчидан, Алишер Навоий асарларининг ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами” буюк адиб асарларининг ҳозиргача амалга оширилган нисбатан мукаммал нашри ҳисобланади. “Арбаъин”нинг мазкур тўпламга кирган матнида йўл қўйилган нуқсонларнинг тузатилгани ҳам “Навоийдан чу топқайлар навое” тўпламининг аҳамияти катта эканини кўрсатади. Жумладан, асар муқаддимасидаги мана бу байт ўн жилдликда қуйидагича берилган:

Ул сафо аҳли пок фаржоми
Покфаржому покфар Жомий.

“Навоийдин чу топқайлар навое” тўпламида эса, байт мана бу тарзда табдил қилинган:

Чун сафо аҳли покфар Жомий,
Покфаржом-у пок фаржоми.

Ноширлар байтнинг бундай табдил этилиши сабабини қуйидагича изоҳлайдилар: “Туркий алифбода “пок фаржоми” ҳам, “покфар Жомий” ҳам бир хил ёзилади, фақат сўзларнинг бир-биридан бир оз бошқачароқ ёзилишидан ажратилади. Ана шунга кўра, байт айнан биз кўрсатган шаклда берилса, тўғри бўлади. Қолаверса, маъно-мазмун жиҳатидан олиб қараганда ҳам, сифатни сифатланмишдан олдин, эга тарзида келтириш ғализ хато ҳисобланади”[1].

Адолат юзасидан айтиш керакки, матншунос Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган Алишер Навоий асарларининг ўн беш жилдлиги 15-жилдида ҳам мазкур байт “Навоийдин чу топқайлар навое” тўпламидаги билан бир хил табдил қилинган[2]. Зеро, тил, мантиқ, санъат нуқтаи назаридан қараганда ҳам, байтнинг шу тарзда табдил этилиши тўғри бўлади.

“Навоийдин чу топқайлар навое” тўпламида “Тўла асарлар тўплами”даги мана бу байт ҳам аслиятга мувофиқлаштирилган:

Эйки, бир неш етти музийдин,
Кўнглинга неча узайса, ётла.

Кўриниб турибдики, бу ҳолда иккинчи мисра мутлақо тушунарсиз. Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдулмажидовларнинг тузатувига кўра: “Сабаби – ундаги “узайса” деб берилган сўз аслида “ўз эса” дейилиши керак. Шунда байтнинг маъноси қуйидагича бўлади: “Агар сенга бирор азияткунандадан, яъни озор етказувчидан кўнглингга тикан санчилса, гарчи у ўзингники бўлса ҳам, уни ўзингдан узоқ қил”. Аслида, бу мисра “Арбаъин”нинг Порсо Шамсиев тайёрлаган нашридаёқ жорий имлога хатосиз табдил қилинган.

Умуман, ҳар икки асар адабиётшуносликда зарур даражада ўрганилган. Бироқ уларни комплекс тадқиқ қилиш масаласи галдаги вазифалардандир.

Муборак ҳадислар мазмунида асарлар ёзиш Шарқ адабиётида ўзининг илдизларига эга. Кўплаб шоирлар бунга интилгани маълум. “Арбаъин” сўзи луғатда “қирқ” маъносини англатади. Истилоҳда эса, қирқта сайланма ҳадис мазмунини шеърий баён этмоқдир. Шарқ

[1] Алишер Навоий. “Навоийдин чу топқайлар навое” (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид). Тошкент, “Ҳилол-нашр”, 2014, 66-бет.
[2] Арбаин (Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев). – Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн бешинчи том. Тошкент: “Бадиий адабиёт”, 1968, 55-бет.

адабиётида арбаъинчилик ўзига хос анъана тарзида ривожланган. Мовароуннаҳрда бу анъанани биринчи бўлиб, ал-Марвазий бошлаб берган. Абдураҳмон Жомийнинг форсийда битилган “Чиҳил ҳадис”и анча шуҳрат қозонган. Алишер Навоийнинг 886 ҳижрий (милодий 1486 й.)да ёзилган “Арбаъин” асари “Чиҳил ҳадис” билан бир даврда яратилган. Асарда арбаъинчилик анъанаси янгиланган, юқори босқичга кўтарилган. Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да бу асар номини “Чиҳил рубоий” деб зикр этади. Асардаги ҳадислар мазмуни аслида қитъа жанрида битилган.

“Арбаъин” учун танланган ҳадислар асосан саҳиҳ ҳадислар бўлиб, ҳазрат Алишер Навоий бирорта ҳам мавзуъ – тўқима ҳадисдан фойдаланмаган. Буюк мутафаккир буни асар муқаддимасида қуйидагича таъкидлайди:

Ўқуғонда Бухорийу Муслим,
Қирқ сўз – борча шубҳадин солим.

Тадқиқотчилар Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдулмажидовлар “Арбаъин”даги ҳадислар орасида Дайламий, Байҳақий ва Суютий ривоят қилган бир-икки заиф ҳадис учрашини айтиб, фазилатли амаллар хусусида заиф ҳадисларни нақл қилиш жоизлигига жумҳур уламолар иттифоқ қилганини таъкидлайди. Табиийки, ҳадис илмини мукаммал даражада билган ҳазрат Алишер Навоий асарни ёзишга киришгандаёқ бу жиҳатни эътиборда тутган.

“Арбаъин” матни басмаладан кейин муқаддима, қирқ ҳадиснинг аслиятдаги матни, туркий тилдаги назмий шарҳи ҳамда хотимадан таркиб топган. Муқаддима яхшиликка олиб борувчи Каломни Расули (с.а.в.) орқали юборган Зотга ҳамд билан бошланади. Ҳамддан сўнг ҳар бир сўзи фасоҳатли бўлган, саҳиҳ ҳадислари орқали одамларни жаҳолатдан халос ва илм хилватгоҳига хос этишни мақсад қилган Расулуллоҳ (с.а.в.) васф этилади. Асарнинг наът қисми ҳажман катта бўлмаса ҳам (4 байт), моҳиятан теран, бадииияти юксак. Ҳазрат Навоий шундан сўнг назмий девонию насрий асарлари билан шуҳрат қозонган устози Абдураҳмон Жомийнинг шубҳадан холи бўлган қирқ ҳадисни форсий тилда шеърга солгани, форсийдонлар ундан кўп фойдаланган бир пайтда бу нафдан бебаҳра қолган атрок – туркийлар учун мазкур асарни ёзгани хусусида сўз юритади. Асарни ўқиганлар мазкур ҳадисларга амал қилиши, шу орқали ҳадисларни сўзлаган зотнинг шафоатига муяссар бўлишидан умид изҳор этади.

“Арбаъин” хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (фоилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилган. Теран маърифий мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги – асар умрбоқийлигини таъминлаб келаётган икки асос ана шулардир. “Арбаъин”даги қитъаларни мавзуга кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) яхшиликка даъват этувчи ҳадисларнинг назмий шарҳи; 2) ёмонликдан қайтарувчи ҳадисларнинг бадиий талқини. Биринчи гуруҳга оид шеърларда комил ахлоқ, дўстлик, қариндошлик ришталари, саховат, ваъдага вафо, ҳаммани тенг кўриш, огоҳлик, Аллоҳ таолони зикр этиш ва Унга шукр айтиш, раҳмдиллик, поклик, қаноат, бошқалардан ибрат олиш, элга наф келтириш, хушмуомалалик ва очиқ юзлилик, яхшиларни зиёрат қилиш, ўзгаларнинг эмас, ўз айбини кўриш, беҳуда нарсаларни тарк этиш, ғазаб чоғида нафсни жиловлай билиш, илмга рағбат, онага муносиб даражада эҳтиром кўрсатиш, қўшничилик одоблари сингари фазилатларга оид ҳадислар назмий усулда шарҳланган. Иккинчи гуруҳга доир шеърларда эса бадхулқлик, ғафлат, омонатга хиёнат, бахиллик, миннат, эшитган ҳар бир сўзини одамлар ичига ёйиш, кўп кулиш, ортиқча сўзлаш сингари мўминга хос бўлмаган хислатларни қораловчи ҳадислар маънолари бетакрор бадиий талқин этилган.

Асар қуйидаги ҳадиснинг назмий шарҳи билан бошланади: “Орангиздан ҳеч бир кимса

ўзи севган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмагунича иймони мукаммал бўлмайди!” Ушбу ҳадис мазмунини улуғ шоир қуйидагича поэтик ифодалайди:

Мўмин эрмасдур, улки иймондин,
Рўзгорида юз сафо кўргай.
Токи қардошиға раво кўрмас –
Неким ўз нафсиға раво кўргай.

Муборак ҳадислар араб тилида ворид бўлгани аён. Ҳадислар мазмуни бадиий талқин этилган аксар асарларда шу боис араб тилининг таъсири кучлироқ бўлади, миллий руҳ ифодаси кузатилмайди. Улардан фарқли ўлароқ ҳазрат Навоий муайян ҳадис шарҳида миллатнинг руҳиятини ўзида акс эттирган, унинг асл табиатига хос фазилатларни ифодаловчи ташбеҳлару истиораларни маҳорат билан қўллаган. Бу орқали шеърнинг таъсир кучини оширишга, ҳадис мазмунини ўқувчи шуурига чуқурроқ жойлашга муваффақ бўлган.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомий деярли барча ўринларда ҳадислар талқини берилган қитъанинг илк мисрасидаёқ *нидо* санъати воситасида ўқувчига мурожаат қилса, Навоийда бу мурожаат умумийлик касб этади. Яъни фақат бир шахсга эмас, балки умуминсониятга мурожаат тарзида янграйди Жумладан, “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” мазмунидаги ҳадис ўзбекнинг табиатини, ўзаро муносабатлардаги хулқини тўлақонли ифодалаган. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ҳадисни мана бундай шарҳлайди:

Сар зи модар макаш, ки тоҷи шараф,
Гарде аз роҳи модарон бошад.
Хок шавад зери пои ӯ, ки биҳишт,
Дар қадамгоҳи модарон бошад.

Биринчи сатр “Бошингни онанг томондан (бошқа ёққа) бурмагинки, у шараф тожидир” мазмунидаги сатр билан бошланади. Навоий эса ушбу ҳадис мазмунини қуйидагича бетакрор бадиий талқин этади:

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Муҳим бир жиҳат, буюк мутафаккир ҳадис мазмунини дастлабки икки мисрадаёқ ифода этиб бўлган эди. Кейинги сатрларни ҳадиснинг шеърий шарҳи, дейиш мумкин. Бу шарҳ ҳадиси шариф мазмунини ўқувчи қалбига шундоқ жойлаб қўя қолган. Ҳадис матнига ўзига хос ёндашув, санъаткорона ифода, поэтик мукаммаллик ҳар икки буюк шоир қитъасининг бадиий-эстетик қимматини оширган.

“Арбаъин”да шеърий шарҳланган ҳадисларда халқимиз маънавиятига бевосита дахлдор, миллатимиз дунёқарашининг негизи бўлган масалалар хусусида ҳам баҳс юритилган. “Навм ус-субайҳати ямнаъ ур-ризқа” – “Тонгги уйқу ризқни тўсар” мазмунидаги ҳадиси шариф бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Эй камар баста касби рӯзиро,
Субҳхезӣ далели фирӯзист.
Баҳри хоби сабоҳ чашм мабанд,
З-он ки он хоб монеи рӯзист.

Халқона руҳиятга яқин бўлгани учун ҳам бу ҳадиснинг шеърий шарҳи жуда таъсирчан чиққан:

Субҳ уйқусин улки айлар тарк
Ризқу рўзин ўзига тўш кўргай.
Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кўргай.

Яъни тонгги уйқуни тарк этган киши ризқ нурини ўз томонида кўради. Аммо субҳ маҳали ғафлат босиб ухлаган киши бу шарафни тушида ҳам кўрмайди. “Бу шарафни магарки туш кўргай” – бундай халқона, кўнгилга яқин ибора ўқувчи шуурига чақмоқдай таъсир этади. Муаллифнинг ижодий нияти ҳам айни шу бўлгани аён.

“Ал-мажолису бил-амонати”. Бу ҳадисда инсоният жамияти учун бениҳоя зарур ва аҳамиятли бўлган мазмун ифодаланган. Яъни унда бирор мажлисда эшитилган сўз омонат экани, уни ҳар жойда сўзлаш ножоизлиги уқтирилган. Ҳазрат Алишер Навоий айни мазмунни таъкидлаш баробарида уни ўзга ерда нақл қилиш омонатга хиёнат эканидан огоҳлантиради. Бу орқали ҳадис мазмунини ўқувчига таъсирчанроқ қилиб етказади:

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур.
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,
Ул амонатға бу хиёнатдур.

Айни шунга яқин мавзуда бир қанча ҳадислар ворид бўлган. “Ал-мусташору муътаманун” – “Маслаҳат сўралган киши ишонилган одамдир” мазмунидаги ҳадис бунинг исботидир. “Арбаъин”да ким бировни ўзига маҳрам – сирдош билиб, маслаҳат қилишга муносиб, рост сўзлайдиган ишончли одам деб қабул қилса-ю у тўғри сўзни яширадиган бўлса, бу орқали қаллобу ҳийлагар эканини намоён этиши ифодаланган:

Ҳар кишиким бировни маҳрам этиб,
Машваратда амини роз этти,
Гар яшурди билиб салоҳ сўзин,
Ўзини қалбу ҳийласоз этти.

Бу мавзу асарда бошқа ҳадислар талқини мисолида ҳам изчил давом эттирилган. Жумладан, “Кафа билмаръи исман ан юҳаддиса бикулли ма самиъа” – “Кишига ҳар бир эшитган нарсасини гапиришининг ўзи гуноҳ ўлароқ етарлидир” мазмунидаги ҳадис юқоридагиларнинг мантиқий давоми сифатида алоҳида қимматга эга:

Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти фош этти.

Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин
Гўиё Тенгри они тош этти.

“Гуноҳ” сўзи ўрнига ҳазрат Навоий унинг туркий эквиваленти – “ёзуқ”ни қўллайди. Эътиборли жиҳати, дастлабки икки сатрда юқоридаги муборак ҳадис мазмуни тўлақонли талқин этилиб бўлган. Кейинги икки сатрдаги образли тасвир воситасида мазкур ҳадис моҳияти кишининг қалбида чуқур из қолдирадиган тарзда таъсирчан ифодаланган: *“Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин Гўиё Тенгри они тош этти”* – Тоғ нимаики эшитса, акс садо қилиб қайтаргани боис Аллоҳ таоло уни тошга айлантириб қўйган.

Ҳазрат Навоий асарларининг бош мавзуси – инсон камолоти. Комил инсонлар ададининг кўпайиши эса жамият маънавияти юксалишининг асосий омилидир. Одамларнинг бир-бирига муносабати ҳам жамиятда алоҳида аҳамиятга эга. Бу муносабатларнинг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ширинсўзлик асосига қурилиши жамиятнинг равнақини таъминлайди. Ҳадислар ана шу мақсадга қаратилгани билан муҳим. “Ал-калимат ут-таййибату садақатун”, яъни “Ширин сўз – садақадир” мазмунидаги ҳадис бунинг ёрқин исботидир. Ҳазрат Навоий мазкур ҳадисни ҳам назмда бетакрор талқин этган:

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Не учунким Расул қавли билан –
Яхши сўз бордур уйлаким садақа.

Ушбу ҳадис шарҳида шундай сўзларни ўқиймиз: “Агар муҳтож кишиларга яхши таомдан нафақа қила олмасанг, ҳеч бўлмаса яхши сўз билан улар ҳолидан хабар ол. Чунки Расуллуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига кўра, яхши сўз ҳам савобда садақадан кам эмас”. Шунинг учун ҳам ҳазрат Алишер Навоий “ҳожат аҳли” ҳақида сўз очади. Уларга яхши таом улаша олмасанг ҳам, яхши сўз билан ҳол сўра, дея ўгит беради.

“Ас-самоҳу рабаҳун” – “Қўли очиқлик фойдадир” мазмунидаги ҳадиси шариф ҳам муҳим инсоний фазилат ҳақида. Бу ҳадис шарҳи ҳам бадиятнинг бетакрор намунаси даражасида:

Мол базл ила суд агар тиласанг,
Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.
Асрағон қолур, улки базл эттинг
Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.

Яъни мол-пул сарфлаб фойда топишни истасанг, шуни бил: модомики ўлим ҳақ экан, асраганинг қолиб, сарфлаганинг сенга ҳамроҳ бўлади. Мана шуниси ҳақиқий фойдага қолади.

Таъкидлаш керакки, ҳазрат Алишер Навоий бу каби нодир фикрларни фақат асарларида ёзибгина қолмай, ҳаётда ҳам бунга тўлақонли амал қилган. Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Хондамирнинг “Макориму-л-ахлоқ” асарида ёзилишича, “ул ҳидоят ва иқбол осмонининг қуёши” ўз хусусий мулкини эл-юрт манфаати йўлига сарф этгани, жумладан, 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва бир қанча мадрасалар, хонақоҳлар барпо эттирган. Асарда бу иншоотлар номма-ном саналган.

Ҳазрат Навоий ижодий методига хос бўлган хусусиятлардан бири шуки, бирор мавзуни қалам олса, уни том маънода теран таҳқиқ этади. “Арбаъин”да қўли очиқлик, саховат ҳақидаги юқоридаги ҳадис баробарида “Офат ус-самоҳати ал-манну” – “Саховатнинг офати

миннатдир” мазмунидаги ҳадиси шарифнинг ҳам назмий талқин этилгани бу фикрни тасдиқлайди:

Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингға.
Негаким ул карамға офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингға.

Яъни агар бировга бирор яхшилик қиладиган бўлсанг, миннатни хаёлингга ҳам келтирма. Чунки у карамнинг офатидир. Яъни саховатдан келадиган савобни йўққа чиқаради. Бироқ миннатни ўз жонингга юкла, яъни Аллоҳ сенга шу неъматларини бериб, уни сарфлашга муваффақ қилганини ўзингга эслат. Таъбир жоиз бўлса, бу фикрларда масаланинг туб илдизига кирилган, моҳият тўлақонли очиб берилган. Фикр гўзал бадиият либоси билан зийнатланган.

Адабий, тарихий ва илмий-маърифий манбаларда жамият чинакамига ривожланиши, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро сийлаи раҳм асосига қурилиши учун бойларда саховат, фақирларда қаноат, сиёсатда адолат бўлмоғи зарурлиги айтилади. “Ал-қаноъату молун ла янфад” – “Қаноат битмас-туганмас молдир”, мазмунидаги ҳадис ҳам айни шу ҳақда.

Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле –
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо.

Аслида, ҳадиси шариф матнида ҳирс ҳақида бирор сўз дейилмаган. Бироқ ҳазрат Алишер Навоий ижодий нияти сўз таъсирини кучайтириш, шеърнинг юксак бадииятини таъминлаш эди. Тўртликдаги “*Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким, Ҳадду ғоят эмас анга пайдо*” мисралари ана шу мақсадда ижод қилинган. Мазкур сатрларда ҳирс ва қаноат тушунчалари ҳосил қилган тазод воситасида юқоридаги муборак ҳадис мазмуни ўқувчи қалбига чуқур жойланишига эришилган.

“Арбаъин” асарини, таъбир жоиз бўлса, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар жамланган бадиий хазина, дейиш мумкин. Теран маърифий мазмун ва гўзал поэтик шакл уйғунлиги, юксак фасоҳат ва балоғатни тажассум этгани асар илму фазл аҳли наздида ҳам, оддий шеър муҳиблари назарида ҳам бирдай мақбул эканининг асосий омилидир. Қарийб беш ярим асрдан буён миллатнинг бадиий-эстетик тафаккури ва маънавий-маърифий савияси юксалишига хизмат қилиб келаётгани ушбу асарнинг аҳамияти нечоғлиқ баланд экани исботидир.

“СИРОЖУ-Л-МУСЛИМИН”ДА ФИҚҲ МАСАЛАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Алишер Навоий асарлари ёш авлод маънавиятининг юксалишида, уларда эътиқод ва маърифат туйғуларининг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. “Сирожу-л-муслимин” (“Муслимлар чироғи”) асари буюк шоир умрининг сўнгги даврида, 1499 йили ёзилган. Ислом шариати аҳкомларига бағишланган асар ҳажман ихчам: 197 байт маснавийни ўз ичига олади. Асарнинг таркибий тузилиши ҳам ўзига хос: анъанавий ҳамд ва наът, асар яратили-

шининг сабаби, дастлаб ақидавий, кейин эса фиққа доир энг муҳим масалаларнинг назмий талқини.

Диний-маърифий мавзуга бағишлангани учун асар мустақилликкача бирор марта ҳам нашр этилмаган. Дастлабки нашри 1992 йили Саидбек Ҳасанов томонидан амалга оширилган. Кейинги нашри Алишер Навоийнинг "Мукаммал асарлар тўплами" ўн олтинчи томига тўғри келади. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: навоийшунос олима Суйима Ғаниева. Аввалги нашрларга нисбатан матн тўлиқ. Бироқ айрим ўринларда араб имлосидан жорий имлога табдил қилиш жараёнида йўл қўйилган матний хатоликлар учрайди. Асар матнига илова қилинган изоҳ ва таржималарда айрим сакталиклар бор.. Жумладан, матндаги:

Таололлаҳ зиҳи халлоқи Маъбуд мисраси қуйидагича таржима қилинган: "Тангри юксак, унга ҳамма талпинувчи ажиб бир зотдир"[1]. Ушбу таржима матни стилистик жиҳатдан ҳам ғализ. Бундан ташқари, арабий матнда "талпинувчи" сўзнинг эквиваленти йўқ. "Халлоқ" – Аллоҳ таолонинг яратувчилик, "Маъбуд" эса, ибодатга лойиқ зот эканини англатувчи сифатларидир. Бу сифатлар таржимада ўз ифодасини топмаган. Тангрига нисбатан "ажиб" сифатини қўллаш эса ножоиз. Аслида бу сўз матнда ҳам учрамайди. Шу каби айрим хатоликларни эътиборга олмаганда, "Сирожу-л-муслимин"нинг йигирма жилдлик нашрдаги матни нисбатан тўлиқ. Асарнинг ушбу нашрдаги матни буюк мутафаккирнинг ўн жилдлик "Тўла асарлар тўплами"га ҳам ўзгаришсиз киритилган[2]. Ушбу нашрда ҳам аввалги нашрлардаги текстологик хатоликлар деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган. "Таржима ва изоҳлар"даги зарурати бўлмаган фикрлар қисқартирилган. Жумладан, Хожа Аҳрор ҳақида маълумот берилганда рус олими профессор А.И.Болдиревнинг бу улуғ сиймога бағишланган тадқиқотига доир тафсилот тушириб қолдирилган.

Асар қуйидаги ҳамд билан бошланади:

Чу йўндум хомаи мушкин шамома,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зебнома.

Таололлаҳ зиҳи, халлоқи Маъбуд –
Ки, махлуқот андин бўлди мавжуд.

Йўқ эрди ҳар не бор ул қилди изҳор,
Борин йўқ айлабон ҳам бўлғуси бор.

Ҳамдлар – Яратганнинг мадҳи, мақтови. Унинг тенгсиз қудратига айтилган сано, Ҳақ таолонинг ибтидо ва интиҳодан, яралмишларга хос гуноҳу исёнлардан пок экани таърифи. Инсонни дунёнинг моҳиятини англашга даъват этувчи, теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалаган бетакрор фикрлар мажмуи. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳамдлар мумтоз шоирларимизнинг деярли барчасининг ижодида мавжуд. Лекин бири иккинчисини такрорламаслиги жиҳатидан ижодкор тафаккури ва истеъдодининг чексиз имкониятларини кўз-кўз қилади гўё.

---

[1] "Сирож ул-муслимин"нинг изоҳ ва таржималари.- Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Тошкент, "Фан" нашриёти, 2000, 332-бет.

[2] Сирож ул-муслимин.- Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 595-612-бетлар.

Ҳар бир асарни Аллоҳ таолога ҳамд билан бошлаш анъанага айланган экан, асли дин аҳкомлари васфига бағишланган “Сирожу-л-муслимин” ҳамд билан бошланиши табиий ҳол. Энг муҳими, бу ҳамд на ҳазрат Алишер Навоийнинг бошқа асарларидаги ва на бошқа мумтоз шоирларимиз назмидаги бирорта ҳам ҳамдни такрорламайди.

Юқоридаги ҳамд-байтларда муаллиф мушкбўй қаламни йўниб, Ҳақ оти билан зебнома ёзишга киришганини, яратиш ва ибодатга лойиқлик фақат Тангри таолога хос эканини васф этади. Бутун мавжудот унинг тарафидан яратилганини, оламда ҳеч нарса мавжуд бўлмаганини, зоҳир айлагувчи У эканини, жамики бор ашёлар йўқ бўлган кезда ҳам фақат У қолажагини бунга далил сифатида келтиради. Шу қадар теран мазмунни бор-йўғи уч байтга санъаткорона жойлаш – фақат ҳазрат Навоийдек буюк ижодкорга тан.

Ҳамддан кейин муаллиф пайғамбар алайҳиссалом наътига ўтади:

Қилиб барҳақ улусқа анбиёси,
Муҳаммад – барчасининг пешвоси.

Мунга юз минг салом андин дамодам,
Яна авлодию асҳобиға ҳам.

Наът – пайғамбарлар султони, Одам ато фарзандларининг афзали Муҳаммад алайҳиссаломнинг таърифи. Унга уммат бўлиш шарафининг тавсифи. Наътлар ўқувчини комилликка даъват қилади, ўзлик манзилига йўллайди”. Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий қисқа сатрларга олам-олам маъно жойлайди. “Муҳаммад – барчасининг пешвоси” мисраси орқали Аллоҳ таоло инсониятга жуда кўплаб пайғамбарлар йўллаган бўлса ҳам, Муҳаммад алайҳиссалом уларнинг энг афзали эканини ифодалайди. Ул зотнинг ўзига ҳам, авлодию асҳобига ҳам юз минг салом йўллайди.

“Китоб назмининг сабаби” бобида муаллиф замона ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб қасида-байтлар ижод этади. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида қасидага хос тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Биринчиси – ҳусни матлаъ, яъни қасиданинг бошланиши маъно жиҳатидан мутлақо қусурсиз латиф сўзлардан ташкил топган бўлиши керак. Иккинчиси – мамдуҳ (мақталгувчи)нинг адлу инсофи таърифланиши зарур. Учинчи – мамдуҳнинг шижоати, тўртинчи – саховати мақталиши лозим. “Ва бу тўрт хислатдин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоирғадур”.[1]

Табиийки, қисқа сатрлардаги қасида байтларга бу жанрга оид назарий талабларни қўйиб бўлмайди. Лекин ҳазрат Алишер Навоий оз сўзга олам-олам маъно юклай олиши, фикрни чинакам санъаткорона талқин эта олиши билан ўқувчини ҳайратга солади:

Қилур арз ушбу водий раҳнамойи,
Ғариби бенаво, яъни Навоий.

Ки, чун офоқ шоҳи давлатидин,
Анинг ҳам тарбият, ҳам ҳимматидин.

Не шоҳ Султон Ҳусайн, ул шоҳи Ғозий,
Мамолик шаҳларининг сарфарози.

Ки, минг йил олам ичра шоҳи бўлсун,
Салотин бандан даргоҳи бўлсун.

[1] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Хазина” нашриёти, 1996, 33-бет.

Энди асарнинг ўрганилиши хусусида. Адабиётшуносликда дастлаб профессор Суйима Ғаниеванинг “Навоий ёдга олган асарлар” рисоласида асар ҳақида фикр билдирилган[1]. Унда асар ёзилган сана, унинг таркибий тизилиши, мазмуни ҳақида мухтасар маълумот берилади. Навоийшунос Дилнавоз Юсупованинг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври)” ўқув қўлланмаси[2]да “Сирож ул-муслимин”га нисбатан кенгроқ тўхталинган. Қўлланмада асарнинг “соф диний йўналишда бўлиб, ислом дини аҳкомларини ёритишга бағишлангани”[3] таъкидланган. “Сирож ул-муслимин”нинг таркибий тузилиши, ёзилиш сабаблари, асар бобларининг мазмуниига доир энг муҳим маълумотлар ёритилган.

Асар таҳлилига бағишланган кейинги иш Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажидлар томонидан нашрга тайёрланган “Навоийдан чу топқайлар навое” китобидир. Ушбу тўплам навоийшуносликда ўзига хос ёндашув маҳсули экани билан алоҳида ажралиб туради. Тўпламнинг сўзбоши қисмида Шайх Муҳамад Содиқ Муҳаммад Юсуф мана бундай ёзади: “Улуғ бобомиз Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ва у кишига ўхшаш мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарлари қанча кўп ўрганилса, шунча оз. Зеро, уларнинг асарлари битмас-туганмас зиё манбаидир. Сизга тақдим қилинаётган Навоийнинг ушбу уч асари ҳозиргача бир қатор адиблар томонидан турли йўсинда ўрганилган, нашрга тайёрланган, чоп қилинган ва ўқувчиларга етиб борган. Ушбу турлилик мазкур асарларни ўрганиш ва тушуниш кўламини кенгайтирган, савиясини оширган ва ҳар бир асарга ўзига хос ранг бахш этган. Бизнингча, Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдулмажидовларнинг тайёрлаган нашрлари ҳам янгича тароват касб этади. Чунки тадқиқотчиларимиз ўзлари ўрганган ва нашрга тайёрлаган матнлар мавзусини нафақат ўқишган, балки уқишган ва улар билан яшашган ҳамдир”[4].

Ушбу илмий-тадқиқий нашр бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, нашрга тайёрловчилар Алишер Навоий асарларининг илк манбаларидан фойдаланиб, “Арбаъин”, “Муножот” ва “Сирож ул-муслимин” асарларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга оширган. Бунда Туркиянинг Тўпқопи музейи Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Алишер Навоий куллиёти таркибидаги “Арбаъин”, “Муножот” ва “Сирожу-л-муслимин” асарлари қўлёзмаси таянч манба сифатида олинган. Тадқиқотда ёзилишича, мазкур қўлёзма Навоийнинг ўзи томонидан тасниф этилган бўлиб, 900-905 (1495/6 – 1500/1) йилларда хаттот Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган. Шу жиҳатдан, бу нусха автограф ўрнидадир. Қиёсий тадқиқ учун мазкур асарларнинг Истамбулдаги Султония кутубхонаси Фотиҳ фондида 4056 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги қўлёзмалари, шунингдек, Париж Миллий кутубхонасида 316 рақами остида сақланаётган 316 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги “Сирожу-л-муслимин” китоби танлангани, улар ўзаро муқояса этилиб, фарқлари ҳавола сифатида кўрсатиб борилгани ушбу нашрнинг илмий қимматини оширган. Мазкур илмий-тадқиқий нашрнинг иккинчи афзаллиги, “Сирож ул-муслимин”нинг Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами” йигирма жилдлигига кирган матнида йўл қўйилган бир қатор камчиликлар тузатилганида кўринади. Масалан, “Таҳорат суннатларининг шарҳи”да мана бу мисра қуйидагича табдил қилинган:

---

[1] Қаранг: Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар.Тошкент, 2004

[2] Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). Тошкент, “Академнашр”, 2013.

[3] Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). Тошкент, “Академнашр”, 2013, 198-бет.

[4] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Навоий гулдастаси. – Алишер Навоий. “Навоийдин чу топқайлар навое” (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид). Тошкент, “Ҳилол-нашр”, 2014, 4-бет.

Яна тартиб, яъни улча таҳрир,
Қилинди берма лек унга тағйир.

Табиийки, бу ҳолатда байтда нима кўзда тутилганини англаш маҳол. Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдулмажидовлар байтни жорий имлода мана бу тарзда ифодалаганлар:

Яна тартиб, яъни улча таҳрир
Қилинди, бермамаклик унга тағйир.

Яъни “таҳоратнинг суннатларидан яна бири – тартиб, яъни қайси тартибда қилиниши кўрсатилган бўлса, унга ўзгартириш киритмасликдир”. Байтдаги “бермамаклик” сўзининг “берма лек” деб ўқилиши натижасида унинг мазмуни тушуниб бўлмас ҳолга келгани маълум бўлади.

Яна бир мисол. “Мукаммал асарлар тўплами”да ўқиймиз:

Таяммум ноқисин айлай ишорат,
Эрур ҳар неки нуқс этгай таҳорат.

Йигирма жилдликда ушбу ва ундан кейинги байт “Таяммумнинг фарзлари”га қўшиб юборилгани, аслида бу ерда “Таяммум навоқизи” деган сарлавҳа борлиги таъкидланади. Байт асли қуйидагича экани маълум бўлади:

Таяммум ноқизин айлай ишорат,
Эрур ҳар неки нақз этгай таҳорат.

Ноширларнинг таъкидлашича: “Ноқиз” – бузувчи, “нақз” – бузилиш дегани. “Ноқис” эса нуқсонли, кемтик, “нуқс” – нуқсонли бўлиш маъноларини англатади. “Таяммумни ноқис қиладиган нарса” деганда ҳеч қачон таяммумни бузадиган омил тушунилмайди, балки унга нуқсон етказадиган нарса англашилади”.

Нашрнинг учинчи афзаллиги, асарнинг тўлиқ насрий баёни берилгани. Бунда бадиий услубни сақлаб қолишга ҳаракат қилингани, айниқса, таҳсинга сазовордир. Тўртинчи афзаллиги, нашрда шаръий ва фиққий атамаларнинг ўринли изоҳланганидир. Ноширлар буни қуйидагича таъкидлаган: “Навоий асарда жуда кўп шаръий ва фиққий истилоҳларни ишлатган. У даврларда бу атамаларни ҳамма бирдек тушуниши табиий бўлган, чунки ўша пайтдаги илмий-маърифий муҳит бунга жавоб берган. Аммо бугунги китобхонлар ичида уларни билмайдиган, билса ҳам, улар ҳақида илмий маълумотга эга бўлмаган кишилар кўплигини эътиборга олиб, шаръий атамаларни ўз ўрнида қисқача изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилинди”.

“Сирож ул-муслимин”ни ҳазрат Алишер Навоий ақоид ва фиқҳ китоби сифатида ёзди. Маълумки, ақоид эътиқод масалаларидан баҳс юритувчи илм. Ақида масалалари мусулмон маънавиятида барча даврларда ҳам муҳим ўрин тутган. “Ақида” сўзи арабча “ақада” феълидан олинган бўлиб, “бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш” демакдир. Бу сўзнинг кўплиги “ақоид” шаклида ишлатилади. “Эътиқод” сўзининг ўзаги ҳам “ақида” билан уйғун. “Эътиқод” – инсоннинг ўз ҳаётини илоҳий амр талабларига мувофиқлаштириши. “Ақида” эса эътиқоднинг асосини ташкил этувчи тушунчалар мажмуидир.

“Сирож ул-муслимин”да ақида масалалари ҳам ўзига хос ифодаланган. Қисқача асар муқаддимаси хусусида. Улуғ мутафаккир назмда ўз замонасининг бемисл ижодкори сифатида шуҳрат қозонгани ҳақида асар муқаддимасида мана бундай ёзади:

Менинг назмим ёйилди олам ичра,
Кўп офат солди хайли одам ичра.

Биров бир кун деди айлаб нишоте –
Ким, ул қилмиш бино олий работе.

Мусофирға ҳар уй бир турфа манзил –
Ки, ҳам орому ҳам ком анда ҳосил.

Буюк шоир ўз шеърларининг “хайли одам ичра” офат солганини айтади. Яъни шеърияти одамлар қалбида акс садо бергани, тафаккур эгаларидан бири – ҳазрат Навоий уни Соҳибқирон Султон Ҳусайн Бойқаро базмининг бир нуктадони дея таърифлайди – улуғ мутафаккир асарларини олий бир иморатга қиёслагани тўғрисида хабар беради. Бу шундай бир иншоотки, мусофирлар, яъни мутолаа қилувчилар учун барча шароит муҳайё: унга етишганлар ором топади, мақсади ҳосил бўлади. Шунга қарамай, у одамнинг шоирга андак эътирози ҳам бор. Эътироз шундан иборатки, унинг назмий асарлари одамлар қалбига ишқ оташини солган, кимки бу шеърларни ўқиса, ҳамиша ошиқу маст бўлмоқни тилайди. Шу жиҳатдан, у одамнинг саволи мантиққа тўғри келади: Ахир дини ислом уйига ғавғо солиб, яхшилик иморатини бунёд этиш мумкинми?!

Демиш: не суд гар бир уйни тузмиш –
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш,

Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.

Солиб исломи дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.

Маълум бўладики, “Сирож ул-муслимин” ҳам шахсан муаллиф учун, ҳам жамият учун кучли эҳтиёж самараси ўлароқ ижод этилган. Бу асарни ёзмаса, буюк Навоий ўзини ижодкор сифатида мақсадга эришмаган, деб ҳисоблаган бўлар эди. Шу боис шоир “*Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ*” дея бу сўзлардан қалбида чуқур изтироб пайдо бўлганини айтади. Ана шу изтироб, ана шу қалб титроғи мазкур асар яратилишининг асосий сабабидир:

Дедимким, айлайин бир нусха мастур
Ки, бўлғай дини ислом уйи маъмур.

Неким, дин аҳлиға бўлғай зарурат,
Бари тутқай ани билганча сурат.

Демак, шоир бу нусхани сатрга тизиш орқали дини ислом уйини обод этмоқ истайди. Дин аҳли учун зарурат бўлган барча масалаларни баён этмоқ орзусини билдиради. Алишер

Навоий асарларининг барча нашрларида мазкур байтлардаги “дини ислом” форсий изофаси “дину ислом” тарзида хато таблил қилинган. “Китоб назмининг сабаби” бобида муаллиф ўз бадиий ниятини қуйидагича ифодалайди:

Ҳам эткаймен бурун шарҳи ақоид –
Ки, ислом аҳлиға бергай фавойид.

Яна ҳам фарз, ҳам вожиб, сунан ҳам
Неким ориз бўлур яхши, ёмон ҳам.

Ки, дин аҳлининг ўлғай дилпазири,
Мусулмонлиғ ишида ногузири.

Шоир ислом аҳлига фойда етказсин учун аввал ақоид шарҳини мақсад қилганини, бундан ташқари, фарз, вожиб суннат каби фиққий масалалар ҳақида ёзиш ниятини баён этади. Токи, у дин аҳлининг дилпазири – кўнглига хуш ёқувчи бўлсин, мусулмонликда зарурий эҳтиёжга айлансин. Собит эътиқодли, маънавияти бутун шахсларни тарбиялашга хизмат қилсин.

Асарда, бундан ташқари, муаллиф ўзининг ифода услуби, асарнинг ижод қилиниши жараёнида қандай руҳий ҳолатда бўлгани ҳақида ҳам эътиборга молик фикрларни битади:

Баён қилғаймен андоқ равшану пок -
Ки, идрок эткай они хайли атрок.

Ва лекин гоҳи ашғол эрди монеъ,
Гаҳи ҳар мухталиф ҳол эрди монеъ.

Яъни буюк шоир асарни “равшану пок” – ҳамма бирдай тушунадиган бир услубда ёзишни ният қилади. Токи уни хайли атрок – туркий тилли халқларнинг барчаси идрок эта олсин, барчага манфаати етсин. Бироқ ёзишга монелик қиладиган ҳолатлар кўп: гоҳи “ашғол” – иш кўплиги, гоҳи “мухталиф ҳол” – ижодкор руҳиятидаги ўзига хос ҳолатлар.

Шундай кезда пирдан ишорат келади. “Мақоми мавлиди” – таваллуд топган жойи фирдавсмонанд Самарқанд бўлган, “кўп маънидин огоҳ” бир киши гўё мовий осмондан фариштa инган мисоли Ҳиротга ташриф буюради. Ҳазрат Навоий ул зотнинг суҳбатига мушарраф бўлади. Суҳбат асносида маънолар хазинасидан гавҳарлар сочар экан, у равишда Шайх Шиблию Зуннун Мисрийдан ҳам ортиқ бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазрат Алишер Навоий ҳақида бундай деганини айтади: “Унинг назм айтишга рағбати баланд, энди (шаръий аҳкомлар) хусусида ҳам назм битса, муносиб иш бўлар эди”.

Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,
Ҳам ул дам азмиға йўндум қаламни.

Бу сўзнинг сидқу кизби ков-кови,
Адаб эрмас чу содиқ эрди ровий.

Яъни Исо нафасли ул зот бу ишни сўрагани боис ҳазрат Навоий шу заҳотиёқ ёзишга қалам йўнганини айтади. Бу сўзнинг рост ёки ёлғон эканини суриштириб, кавлаштириш одобга хилоф, чунки ровий содиқ – ростгўй эди.

Чу лобуд нукталар малҳуз бўлғай,
Умид улким, улус маҳзуз бўлғай.

Навоийдин чу топқайлар навое,
Анинг руҳиға ҳам етган дуое.

Энди мақсад битта: токи зарурий нукталар – ноёб фикр ва сўзлар ўртага ташлансин. Умид шулки, халқ баҳра олсин. Токи Навоийдан наво топсинлар, унинг руҳига ҳам дуолар етиб турсин.

"Сирожу-л-муслимин" – ақида ва фиқҳ китоби. Асарнинг "Шариатда аҳком шарҳи ва ақоид ва қавоиди адоси" бобида улуғ шоир асарнинг бу хусусиятини қуйидагича изоҳлайди:

Бурун билким, эрур шаръ ичра аҳком –
Ки, билмак они бўлмиш элга ноком.

Ул аҳком икки янглиғ бўлди мавжуд,
Ки, бордур ҳар бирида ўзга мақсуд.

Бирисидин мурод ўлди ақида,
Амал матлуб бўлди ул бирида.

Ақоид дедилар аввалгига исм,
Икинчи аҳком фаръидин топиб қисм.

Яъни шариат ҳукмларини билмоқ жуда муҳим. Таассуфки, эл бундан маҳрум қолган. Бу ҳукмлар икки қисмга бўлинади ва ҳар бирининг мақсади ўзгача. Биридан мурод – ақида бўлса, иккинчидан мақсад – амал. Аввалгисининг исмини ақоид деб атадилар, иккинчиси эса, фаръий аҳкомлар деб тақсимланган. "Навоийдин чу топқайлар навое" китоби муаллифлари изоҳлашича: "Фарз" деб бирор асл асосдан келиб чиққан, иккиламчи ўриндаги нарсаларга айтилади. Ислом шариатида эътиқод масалалари асос деб эътибор қилиниб, улар асосида амалга ошириладиган ҳукмлар уларга нисбатан "фаръий ҳукмлар" деб юритилади".

Амалдин чун бурун келди ақоид,
Пас, андин еткурай аввал фавойид -

деб ҳисоблаган шоир эътиқод илмига қарашларни қуйидаги тизим асосида ифодалайди: 1) иймон қоидасининг қисқача баёни; 2) иймон келтириладиган нарсаларнинг тафсилоти; 3) Аллоҳ таолонинг саккиз сифати – эътиқоднинг асоси экани; 4) ҳақ деб билиниши ақидадан ҳисобланган бошқа нарсалар ҳақида.

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон.
Эрур оқилға болиғ бўлғач иймон.

Анинг маънисидур тил бирла иқрор,
Кўнгул бирла инонмоғлиғ даги бор.

Яъни оқил ва балоғатга етган инсон учун Яздон – Аллоҳ таоло фарз қилган дастлабки амр иймон келтирмоқдир. Демак, иймон келтириш фарз бўлмоғининг икки шарти бор: биринчиси, ақл расолиги, иккинчиси, балоғатга етмоқ.

Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага иймон кетурмак.

Агар ўзингни иймон саодатига мушарраф қилмоқчи бўлсанг, билгинки, олти нарсага иймон келтиришинг шарт. Бу олти нарсага ишониш иймоннинг қисмлари бўлиб, улардан бирортаси бўлмаса ҳам, иймон бутун ҳисобланмайди. Кейинги боб ана шу олти нарсанинг моҳияти тўғрисида.

Иймон келтириладиган нарсаларнинг тафсилоти. Асарда баён этилишича, мўмин олти нарсага иймон келтирмоғи керак. Биринчиси, Худони танишдир. Бу иш Унинг на ўхшаши, на монанди борлигига иймон келтирмоқ билан бўлади. У бору йўқни яратган Худо – Маъбуд, Ундан ўзга илоҳ мавжуд эмас. Иккинчиси, фаришталарни Аллоҳ таоло ибодатга мувофиқ қилиб яратганига ишонмоқ: *Яна билмак малоикники, Холиқ,/ Яратибдур ибодатқа мувофиқ.* Учинчиси, У Зот томонидан юборилган китобларга иймон келтириш, уларнинг барчасини илоҳий ва қадимий деб билиш. Тўртинчиси, пайғамбарларга иймон келтириш бўлиб, уларнинг барчасини элга Жаббор – яралмишларнинг ҳаммасини ўз иродасига юргизувчи Зот юборганига ишониш: *Яна ҳам анбиёға қилмоқ иқрор/ Ки, борин элга ирсол этти Жаббор.* Бешинчиси, қиёматга ва одамларнинг кўпчилиги учун у оҳу пушаймон боиси эканига иймон келтирмоқ. Олтинчиси, ёмонлик ёки яхшилик Ҳақ таоло тақдири эканига ишонмоқдир.

Аллоҳ таолонинг саккиз сифати. Бу саккиз сифат ақидага оид барча китобларда келган. Ҳазрат Навоий буни шеърда қуйидагича ифодалайди:

Яна секкиз сифатқа муътақид бўл,
Алардин ҳар бирига кўргузай йўл.

Ким, ул секкиз эрур Ҳақнинг сифоти –
Ки, боридин муназзаҳ қилди зоти.

“Муътақид” сўзининг ўзаги – “эътиқод”. Яъни сен яна саккиз сифатга эътиқод қил, мен уларнинг ҳар бири томон сенга йўл кўрсатай. Ҳақ таолонинг бу саккиз сифатида У Зот ўхшашлардан муназзаҳ – пок. Яъни бу сифатларда ҳеч ким ҳеч қачон унга монанд бўла олмайди. Ҳаййй – барҳаёт, бу сифат азалий ва абадийдир. Алим – билувчи, ҳамма нарсани бор моҳияти билан билади, Унинг илмидан ташқарида бўлган нарса йўқ. Қодир – қудратли, қудрати чексиз. Мурид – ирода қилувчи, У истамаган, ирода қилмаган иш содир бўлмайди. Самиъ – эшитувчи. Аммо бу сифати яралмишларнинг эшитишига мутлақо ўхшамайди. Яъни бирор аъзо ёки бошқа бир восита билан эмас, Ўзигагина хос тарзда эшитади. Нозир – кўриб турувчи. Унинг бу сифати ҳам фақат Ўзигагина хос.

Такаллум васфиға доғи мувофиқ,
Яна уббод афъолиға Холиқ.

Такаллум – сўзлаш ҳам, Холиқ – яратиш ҳам Унинг сифатларидир. Шу тарзда ҳазрат Навоий Аллоҳ таолонинг ҳар бир мусулмон билиши зарур бўлган сифатларини баён этади.

Аллоҳ таолонинг ҳеч бир ишда шериги йўқлиги ва У Зотнинг ҳеч бир жиҳатдан яралмишлардан бирортасига ўхшасмаслиги васф қилинади.

У Зотнинг каломи ҳам қадим, олам эса ҳодисдир. Шоир ушбу сўзларни ўқувчига қарата айтганини таъкидлайди. Уларни яхши тушуниб, англаб олишга ундайди.

Ҳақ деб билиниши ақидадан ҳисобланган бошқа нарсалар. Ҳазрат Навоий иймоннинг асосий ркунлари ва ақийданинг энг муҳим масалаларини қисқа ва лўнда ифодалайди. Тафсилотларга берилмайди. Оз сўзга кўп маъно юклайди. Чуқур илмий масалаларни тушунарли ва таъсирли баён этади. Шундан кейин ҳар бир эътиқодли одам билиши зарур бўлган яна бир қанча масалаларга тўхталади. Улар: қабр азоби куфр аҳли ва баъзи гуноҳкор муслимлар учун хос экани; икки фаришта – Мункар ва Накир (улуғ шоир улар номини келтирмайди) савол-жавоби; Аллоҳ таоло охиратда Ўзи истаган кишиларга Ўз жамолини кўрсатиши эҳтимоли борлигига; бандаларнинг сирот кўпригидан ўтиши, дунёда қилган яхши-ёмон амаллари мезон тарозисида тортилиши ҳамда дўзах ёки жаннатга тушиш ҳақ эканига иймон келтирмоқ зарурлиги.

Ақидага кўра, яна қуйидагиларга иймон келтириш керак: Пайғамбарларнинг шафоатига, Муҳаммад алайҳиссалом барча яралмишларнинг саййиди, йўлбошчиси эканига, набийларнинг мўъжизаси ва авлиёларнинг каромати ҳақлигига.

Яна билгил ақоид ичра маҳсуб –
Ки, бўлмас элдин амру наҳй маслуб.

Яна куфр англағил тасдиқи коҳин,
Нечукким, Тенгридин маъюсу эмин.

Инсонлардан амру наҳий – шариатнинг буйруқ ва қайтариқлари соқит бўлмаслигига ишониш ҳам эътиқоднинг асосидир. Ҳазрат Навоий коҳинни тадиқлаш куфр ва бу иш Аллоҳдан ноумид ва хотиржам бўлиш эканини таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, “Сирож ул-муслимин” эътиқоднинг асосларини аниқ ва лўнда баён этган асар. Турли эътиқодий фирқалар, динни ўзига ниқоб қилиб олган оқимлар кўпайиб бораётган бугунги кунда бундай асарларни ўрганиш буюк аждодларимиз эътиқоди ва дунёқарашининг асосини англаб етишга ёрдам беради. Соғлом эътиқодли, маънавияти юксак шахслар тарбиясига хизмат қилади.

Фиқҳий масалалар ифодаси. “Сирож ул-муслимин”да фиқҳий масалалар талқини ўзига хос. Фиқҳ – аслида илмнинг алоҳида соҳаси. Лекин у ҳаёт билан, инсоннинг амали билан бевосита боғлиқ. Ана шу ҳаёт тўғри йўлга қўйилганми? Амаллар инсоннинг фитратига мосми? Асарда ана шу саволларга энг тўғри, мухтасар ва лўнда жавоб берилган. Инсоннинг ҳаёти, амаллари унинг фитратига, асл табиатига мос бўлиши учун йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Адабиётшунос олим Баҳодир Саримсоқов: “Ҳаётий мазмунни ким айтгани, қандай айтгани муҳим эмас, балки ана шу мазмуннинг қандайлиги, моҳияти муҳим. Бу – бадиий шаклни шунчаки аҳамиятсиз ёки иккинчи даражали нарса сифатида баҳолаш дегани эмас. Бу – адабий таҳлилда гапни мазмундан бошлаб, мазмуннинг қандай шаклда ифодалангани ёки тасвирланганига қаратиш лозим деганидир”[1] – дейди. “Адабиёт қоидалари” асарида адабиётга шундай таъриф берилган: “...адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”.[2]

[1] Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари.Тошкент–2004, 6-бет.
[2] Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. Т.-“Маънавият”, 2006, 13-бет.

Асарнинг “Ислом арконининг шарҳи” деб номланган бобида ўқиймиз:

Ангаким, бўлди иймон амри кирдор,
Керак исломдин бўлса хабардор.

Биносин англағил исломнинг беш,
Ани билмакка бўлғил фикратандеш.

Инсоннинг иймонни касб этгандан кейинги иши Исломдан хабардор бўлмоқдир. Ислом биноси беш устунга қурилганини англа ва фикру зикрингни буни билишга қаратгин. Уларнинг биринчиси шаҳодат калимасини айтиш бўлиб, бу фақат саодатманд кишиларгагина насиб этади. Аллоҳ таолони бир деб, Муҳаммад алайҳиссаломни яралмишларга юборилган пайғамбар деб билиш бунинг аввалидир. Иймон хусусидаги сўзларда, ақоид шарҳини ёзишда бу ҳақда айтилди. *Салоти хамс анинг иккинчиси бил, /Анинг шарҳини айлай эмди тафсил.* “Салоти хамс” – беш маҳал намозни уларнинг иккинчиси деб бил. Намозга оид бобда ҳазрат Алишер Навоий исломнинг беш устунидан бири саналган бу амал учун зарур бўлган таҳорат фарзлари, суннатлари, мустаҳаблари, таҳоратни бузадиган нарсалар, ғуслни вожиб қилувчи сабаблар, ғуслнинг фарз ва суннатлари, таяммумнинг фарзлари ва уни бузадиган нарсалар, намознинг фарз, вожиб ва суннатлари, фарз намозлари ракатлари адади, суннат намозлар ракатларининг адади сингари масалалар ёритилади.

“Сирож ул-муслимин”да мазкур масалалар илмий асосда, чуқур мантиқ ва изчиллик билан, ҳар бир ўқиган киши тушунадиган равон услубда баён этилган. Шу жиҳатдан, бу асарни соф бадиият намунаси сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Уни илмий-адабий ёки маърифий-адабий асар дейилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Академик Алибек Рустамий фикрича: “Адаб илмларини бугунги тушунчалар билан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Луғат – тилнинг луғавий бирликлари(лексема) ҳақидаги илм.

Сарф – сўзнинг ўзгариши ҳақидаги илм (морфология).

Наҳв – сўзларнинг гапдаги таркиб қоидалари ҳақидаги илм (синтаксис).

Иштиқоқ – сўз ясалиши ҳақидаги илм (деривация).

Маоний – калом(гап)нинг ҳол талабига мослиги ҳақидаги илм.

Баён – ифода йўллари ҳақидаги илм.

Аруз – шеър вазнлари ҳақидаги илм.

Қофия – мисраларни ҳамоҳанг тугатиш ҳақидаги илм.

Иншо – мактуб, рисола ва ҳужжатлар ёзиш қоидалари.

Шеър фарзи (ёки шеър нақди) – шеърга баҳо бериш илми.

Муҳозара – тарихий воқеа ва ривоятларни, салафларнинг ҳикматли сўз ва асарларидан ўз ўрнида фойдалана билиш илми.

Расмул хат – ёзув санъати, ҳарф шакллари ва имло қоидалари ҳақидаги илм”.[1]

Ушбу илмларни ўрганиб, унга амал қилган олимни адиб ҳисоблаш мумкин. Бунда бадиийлик маълум маънода бой берилиши мумкин. Лекин ўқувчи онги ва қалбига маърифат нури улашилади. Унинг кўнглида ҳаётини Ҳақ таоло амрига мувофиқ тизимга солиш учун илҳом пайдо бўлади. Масалан, “Сирожул муслимин” асарининг “Таҳорат суннатлари шарҳи” бўлимидаги мана бу байтлар таҳлили ушбу фикрни тасдиқлайди:

Вузуъга ўн ики иш келди суннат,
Бирисин тасмийа бил, бирни нийят,

[1] Қаранг:А.Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. Т.: “Маънавият”, 2003, 110 б.

Йумағ уч қатла қўл тирсакка тегру,
Йана бир мазмаза, уч қатла ҳам бу.

Яъни, таҳоратнинг ўн иккита суннати бор, биттаси – басмала, яна бири – ният қилиш, қўлни тирсаккача уч марта ювиш ва мазмаза – оғизни уч марта чайиш.

"Сирож ул-муслимин"нинг кейинги боби "Исломнинг учунчи рукниким, закотдур, баён қилмоқ" деб номланган. Ҳазрат Алишер Навоий закотнинг моҳиятини тушунтиришда ҳам олим, ҳам адиб сифатида намоён бўлган.

Закот ўлди учунчи рукн билгил,
Нечукким, амр қилмиш Тенгри, қилғил.

Киши соҳибнисоб ўлғунча маъмур,
Эмаским, ҳақ тутубтур они маъзур.

Билгинки, исломнинг учинчи рукни закотдир. Аллоҳ таоло ниманики буюрса, сўзсиз бажар. "Закот" сўзи луғатда "униб-ўсиш", "покланиш" маъноларини билдиради. Фиқҳий истилоҳда "Махсус мол-мулк учун махсус кўринишда вожиб бўладиган ҳақ", дейилади. Унинг вожиб бўлишида нисоб – закотни вожиб қиладиган миқдор ва ҳавл – йил тўлиши шарт"[1].

Асарда шариат ҳукми бўйича, моли нисобга етмаган кишига закот фарз бўлмаслиги, бундай одаи Аллоҳ таоло ҳузурида узрли экани айтилади. Моли нисобга етган киши қирқдан бир қисмини закот учун ажратиши фарз экани, закот унга ҳақдор бўлган кишига берилмоғи зарурлиги назмда баён этилади. Негаки: *Етурмаклик ангаким, мустаҳиқдур, Бу ишга мустаҳиқ бўлған муҳиқдур.* Тилла-кумуш ва бошқа тижорат молларида ҳам шундай нисбатда закот тўланади. Чорва ҳайвонларига нисбатан уламолар алоҳида қоидалар битишган. Уларни ўрганишга жидду жаҳд қил. "Тилланинг нисоби – 85 грамм, кумушнинг нисоби – 595 грамм. Бошқа тижорий молларнинг нисоби эса тилла ёки кумуш нисобининг қийматига қиёсан чиқарилади. Аммо далада боқилаётган чорваларнинг закоти ўзига хос услубда адо этилади. Уларнинг тафсилоти учун фиқҳий китобларга мурожаат қилиш лозим"[2].

Асарда фиқҳ қоидасига кўра кияр тўн ва минар от, рўзғорда ишлатиладиган мис идишлар, сиёҳу қалам, қоғозу китоб, эҳтиёж учун зарур нарсалар нисобга кирмайди ва улардан закот берилмайди.

Вале дохили ҳаққуллоҳ билгил,
Анинг имсокидин эъроз қилғил.

Адосида балонинг раддин айла,
Яна қилмоқ сабукбор ўзни тонгла.

Аммо нисобга кирадиган нарсанинг закоти ҳаққуллоҳ – Аллоҳ таолонинг ҳақи. Чин мўмин Аллоҳ таолонинг ҳақига зинҳор хиёнат қилмайди. Закот – радди бало. Яъни кишининг мол-дунёсига келадиган офатлардан ҳимоя қилувчидир. Эрта қиёмат куни закот тўлаган одамнинг юки енгил бўлади.

Ҳазрат Навоий ижодкор бўлгани боис шаръий ҳукмларни шунчаки баён этиб қўя қолмаган. Балки сўзга бадиий либос кийдирган. Фикрларини сўз жавоҳири билан зийнатлаган.

[1] Алишер Навоий. "Навоийдин чу топқайлар навое" (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид). Тошкент, "Ҳилол-нашр", 2014, 163-бет.
[2] Ўша жойда, 164-бет.

“Сирож ул-муслимин”нинг кейинги боби “Исломнинг тўртунчи рукниким, рўзадур – шарҳ этмак” деб номланади. Араб тилидан олинган “савм” сўзи “тийилиш” маъносини англатади. Қуръони каримнинг “Бақара” сурасидаги рамазон рўзаси фарз бўлгани ҳақидаги оятда: “Шоядки, тақводор бўлсангизлар”, дейилганига кўра, рўзадан мурод – тақво. Ҳазрат Навоий ҳам масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида урғу беради:

Эрур тўртунчи рукн исломнинг савм -
Ки, ўтган кимсага тақво била явм.

Чу рўза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бўл нафсфармой.

Яъни кунни тақво билан ўтказиш исломнинг тўртинчи рукни бўлган рўзанинг асосий шартидир. Бир йилда бир ой – рамазони шарифда тутиладиган рўзада нафсфармой – ўз нафсига ҳоким бўлиши инсон учун фазилатдир.

Рўзанинг ҳукмлари, рўзада фарз саналган ният тунда, тонг отмай туриб қилиниши афзал экани, нафл рўзада ниятни тушгача қилинса ҳам жоизлиги ҳақидаги мисралар илмий ҳақиқат лўнда ва аниқ ифодалангани жиҳатидан қимматлидир. Шундан кейин муаллиф рўзани бузмайдиган амаллар: чивин, пашша каби майда нарсаларнинг томоққа кириши, идрокли одам туз, сиркага ўхшаш нарсаларни тил учи билан тотиши, ҳижома – қон олдириш билан рўза очилмаслиги ҳақидаги ҳукмларни баён этади. Бундан ташқари, рўзадор она томоғидан ўтказмай, фақат оғзида боласига нон чайнаб бериши рўзани бузмаслиги айтилади. Лекин: *Вале билмак керактур ани макруҳ, Керак макруҳдин хотирда андуҳ.* Яъни бунинг макруҳлигини ёдда тутиш, эҳтиёт бўлмоқ зарур.

Унутиб гар есанг, ичсанг эмас ғам,
Эрур ул рўза боқий, эй мукаррам.

Рўзадор нохос унутиб еб ёки ичиб қўйса, ҳечқиси йўқ, рўза бузилмайди. Бу рўзадорга Аллоҳнинг икроми, деб қабул қилиниши зарур.

Ушбу бобда “Фавт бўлган руза эвази ва каффорати” хусусида ҳам сўз боради. Каффорат – шариатга зид бирор иш содир этилса, бунинг учун жарима сифатида эваз берилиши маъносини англатади.

Агар бебоклик ойини туздунг,
Ғизонинг ғайри бирла рўза буздунг.

Қазоси бирга бирдин ортуқ эрмас,
Фузунға шаръ рухсат, билки, бермас.

Агар бефарқлик билан озуқа бўлмайдиган нарсалар билан рўзани бузган бўлсанг, унинг қазоси учун ҳар бир кунига бир кун рўза тутмоғинг зарур. Ундан ортиқ эмас. Чунки шариат ортиқча ишга буюрмайди.

Ғизо еб рўза улким, қилса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шаҳватға мойил.

Каффорат олтмиш мискинга итъом,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком,

Мабодо бирор киши ғизо – овқат еб ёки шаҳватга берилиб, қасддан рўзасини бузса, бунинг учун каффорат – олтмиш мискинга таом едириши ёки олтмиш кун рўза тутмоғи зарур бўлади. Фақат шарти шуки, олтмиш кун муттасил бўлмоғи, яъни орасини узмай рўза тутилиши ёки Аллоҳ йўлида бир қулни озод қилиб, кўнглини шод этиши керак. "Йўқ эрса солим эрмас рўза ҳоли", акс ҳолда рўза шариатга мувофиқ саналмайди.

Кейинги боб "Исломнинг бешинчи рукниким, ҳаждур, баён қилмоқ" деб номланган. Ният, яъни қасд қилиш маъносини англатувчи "ҳаж" сўзи фиққий истилоҳда: "махсус амалларни ижро қилиш учун махсус вақтда махсус жойга қасд қилишдир. Махсус амаллар – Арафотда вуқуф қилиш, тавоф ва саъй, Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш каби амаллар. Махсус вақт – ҳаж ойлари. Махсус жой – Масжидул-ҳаром, Арафот, Муздалифа, Мино каби жойлар"[1].

Бешинчи рукн билгил ҳажжи ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.

Вале фарзиятида шартлар бор,
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор.

Исломнинг бешинчи рукни бўлган ҳаж фарздир. Уни адо этишда муайян қийинчиликлар бор. Ҳаж фарз бўлиши учун муайян шартлар бор. Шоир уларни бирма-бир изҳор этишини айтиб, ўқувчидан диққат билан тинглашни сўрайди. Бу шартларнинг биринчиси ва энг асосийси иститоат – мақсад қилинган жойга бориб-келишга қодир бўлмоқ. Яна бири – йўл амнияти, яъни йўлнинг хатардан холи бўлиши. Кейингиси – ҳеч кимдан қарздор бўлмаслик. Йўлга азм қилишинг учун буни эътиборда тутиш шарт. Навбатдаги шарт: *Яна гар йўқ иёлингдин маунат, Ки, ул кўргай маош учун суубат*. Яъни аҳлу аёлингнинг тирикчиликка уринишга муҳтож бўлмаслиги. Акс ҳолда улар тирикчилик машаққатларига дуч келади. Яна бири – Парвардигори олам сенга йўл юришга монеъ бўладиган касаллик бермаган бўлиши зарур. Ана шу шартлар адо этилсагина ҳаж фарз бўлади.

"Сирож ул-муслимин"да энг муҳим фиққий масалалар ана шу тарзда назмий талқин этилган. Улуғ адиб асарни мана бундай хулосалайди:

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин:
«Сирож ул-муслимин» қўймишмен отин.

Умидим улки, ҳар кимким ўқуғай,
Мунунг нури била кўнгли ёруғай.

Дуо бирла мени ҳам айлагай ёд,
Равоним ул дуодин айлагай шод.

"Сирож ул-муслимин" адабий-илмий асар сифатида ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида мавқега эга.

[1] Алишер Навоий. "Навоийдин чу топқайлар навое" (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари: Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид). Тошкент, "Ҳилол-нашр", 2014, 170-бет.

НАВОИЙГА ИЗДОШЛИК САОДАТИ

НАВОИЙ ВА ФУРҚАТ

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари – миллат бадиий-эстетик тафаккурининг чўққиси. Наинки ўзбек ёки бошқа туркий халқлар адабиётида, ҳатто жаҳон адабиётида ҳам ижодий камолотнинг бунчалик юксак даражасига эришган мутафаккирни топиш қийин. Шунинг учун ҳам халафлари орасида бирор шоир ёки адиб йўққи, ҳазрат Навоий санъатхонасидан сабоқ олмаган бўлсин. Лекин буюк шоир назмий анъаналарини, муайян поэтик образ ёки рамзлар воситасида бўлса ҳам, такомилга етказган, ривожлантирган ижодкорлар кўп эмас. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат лирикаси ана шундай ноёб ижод намуналари сирасига кириши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Фурқат шеъриятида буюк Навоий анъаналарининг муносиб давом эттирилиши ва янгиланишини қуйидаги тамойиллар асосида ўрганиш мумкин:

1. Поэтик мазмун янгиланиши.
2. Поэтик образ такомили.
3. Поэтик жанр янгиланиши.
4. Вазнда татаббуъ қилиш.

Айни шу хусусиятларига кўра, Фурқат ва унинг замондошлари лирикаси мумтоз назмий анъаналардан янги ўзбек шеъриятига ўтишда ўзига хос адабий кўприк вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Ушбу адабий-эстетик омил жадид шеърияти юзага келишида муҳим ўрин тутди. Улар таҳлили Фурқат ижодий камолотида Алишер Навоий анъаналарининг беқиёс аҳамияти ҳақида ёрқин тасаввур бериши жиҳатидан қимматлидир.

Поэтик мазмун янгиланиши. Қайси шеърий жанрда ёзилмасин, муножот Шайх Аҳмад Тарозий фикрича: “Тенгри ҳазратинда тазарру қилмоқ”дир. Ҳазрат Алишер Навоий муножотларида Тангри таолонинг сифатлари васфи, унга ибодат этмоқ саодати, инсон ва унинг моҳияти, нафс зулматидан нажот топиб, Ҳақ ишқига эришмоқ фазилати сингари шахс камолотининг асоси бўлган масалалар юксак фасоҳат ва балоғат билан талқин этилган. Жумладан, “Наводир уш-шабоб” девони 2-ғазалида шоир мана бундай ёзади:

Ибодатингға янги ой бўлуб хам ўлди мусаллий,
Сипеҳр атласидин солибон ҳавоға мусалло.

Янги ой – ҳилолнинг Ҳақ таоло ибодати учун қадди эгик намозхонга қиёслангани, тунда юлдузлар билан зийнатланган осмоннинг фалак атласига ҳамда ҳавога солинган жойнамозга ташбеҳ этилиши байтнинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан юксак бадииятига далил бўла олади. *Ибодат – мусаллий – мусалло* учлиги ҳамда *ой* ва *сипеҳр* иккилиги ҳосил этган таносуб, ойнинг намоз ўқиши тасвири орқали ташхис, байтнинг яхлит ҳолда ташбеҳ санъатига асосланган поэтик тасвирнинг навоиёна ва мукаммал экани билан изоҳланади. Ойнинг ибодат қилиши билан боғлиқ поэтик мазмун Қуръони карим оятига мувофиқ экани байтдаги фикрнинг балоғати исботидир. Жумладан, Исро сураси 44-оят мазмуни қуйидагича: “Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот – мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан Оллоҳни поклар, ёд қилур. Лекин, сизлар (эй инсонлар) уларнинг тасбеҳ айтишларини – поклашларини англамассизлар”. Мазкур ояти каримани Олтинхон тўра қуйидагича тафсир қилади: “Яъни, ҳар бир махлуқ, яралмишларнинг ҳар бири забони ила ё ҳоли ила Парвардигор поклигин баён қилур ва анинг ҳамдин айтур. Лекин, сизлар билмассизлар. Чунки сизлар билмаган луғатда тасбеҳ айтурлар”.

Айни мазмун Фурқатнинг муножот-ғазалида янги поэтик образ ва мазмун орқали тасвирланади:

Куллу ашё жунбуш айлаб зикриға машғулдур,
Ваҳшиёни дашт, хайлу-л-баҳру мурғони ҳаво.

"Куллу ашё"нинг Оллоҳни зикр этишини таъкидлаган шоир ўқувчига таъсирлироқ бўлмоғи учун уларни деталлаштириб кўрсатади. Улар – даштдаги ваҳший ҳайвонлар (ваҳшиёни дашт), денгизлардаги жониворлар (хайл ул-баҳр), ҳаводаги қушлар (мурғони ҳаво). Бунда байт тагматнида ифодаланган маъно янада эътиборга лойиқдир. Яъни, мазкур жониворларки Яратганнинг зикрини бир нафас бўлсин унутмас экан, яралмишлар афзали – Инсоннинг бундан ғофил бўлишга ҳаққи йўқ.

Аслида бир-бирига яқин мазмунни буюк салафларидан фарқли ёрқин образлар орқали янгича ифодалаш ижодкордан жуда катта маҳорат талаб қилади. Ҳазрат Навоий байтидаги мазмун талқинида ана шундай ижодий натижага эришилгани Фурқат муножот-ғазалининг ютуғини таъминлаган.

Ўзи яшаган давр ижтимоий-сиёсий вазияти Фурқатнинг мусаддас жанрида битилган қуйидаги муножотида тамомила ўзгача мазмун ифодасини тақозо этган:

Зулматни гирдбоди тегди, қуюнда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,
Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу-ўйунда қолдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлағил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Фурқат рус мустамлака сиёсатининг моҳиятини *"Зулмат гирдбоди, қуюн, тўфони ҳайрат, ғарқи жунун"* каби истиоралар, *"Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук"* образли тасвири воситасида бутунлай фош этади. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга олгани, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтувчи барча йўллар батамом тўсилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. *«Ўзбекистоннинг янги тарихи»даги « ...рус маъмурияти қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ эллик йил давомида поймол этиб келган"и* билан боғлиқ маълумот ҳам бунинг исботидир. Муножот-мусаддаснинг қуйидаги мисралари ҳам истибдод исканжасида қолган юрт тақдирига куйиниш ҳисси билан йўғрилган:

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони ғамда маҳбус,
Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус,
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ушбу мисралар орқали мустамлака сиёсатининг адолатсизликка, зулмга асослангани, ҳатто қози, муфти, аълам каби ҳуқуқ посбонларининг ўзлари ҳам ҳақсизлик гирдобида қолгани очиқ-ойдин ифодаланади. Уларнинг *"Дин посини тутай деб ғам зиндонида маҳбус"* бўлишлари сабабини Фурқат чинакам ватанпарварга хос жасорат билан кўрсатиб ўтади:

“Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус?!” Ўша кездаги Рус сиёсатининг моҳияти ҳақида Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси» асарида қуйидагича маълумот берилади: *“...чор ҳукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилғон “миссионер”, яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халқини кўр каби истибдод қоронғусида қолдирмоқнинг маслаҳатида “русский-туземний” мактаблар очмоққа киришдилар. Мадраса вақфларини боний, вақф қилғувчиларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емоқларига фармойиш қилиб, мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) қўйиб ўқимоқ, “Қуръон”нинг “ва-л-мушрикин” деган жойларидан “мушрик” иборатларини чиқармоқ каби беҳуда ишларни амр қилдилар. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб, оқ подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо қилдириш, ҳатто мактаблардаги ёш болалар ўқийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг “Чаҳор китоб”и деган савод китобларидаги “азоби қабр кофирларгадир, чун кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин”дек бўлғон байтларини ва “кофир”, “мушрик” деган иборатларини йўқотиб, янги босиладирғон китоб ва “Қуръон”лардан юқорида айтилган калималарни чиқаришдек фармойишлар қилдилар. Мусулмонларни ниҳоят эзиб, қисиб, ҳатто кўчадан пристуф ўтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолғон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, қамар эдилар”* .

Шоир мусаддаснинг бошқа бир бандида истибдод исканжасида қолган юрт иқтисодиёти ҳам инқирозга юз тутганини, аҳли бозор накбатга қолиб, тижоратнинг касодга учраганини чуқур изтироб билан ифодалайди:

Уч йил бўлурки, қолмиш накбатга аҳли бозор,
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжор,
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандон равнақи кор,
Йўқдур Ўзунгдин ўзга бир меҳрибону ғамхор,
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Қўқон хонлиги Рус қўшинлари томонидан 1876 йили босиб олиниб, вассалга айлантирилгани эътиборга олинса, *“Уч йил бўлурки қолмиш накбатга аҳли бозор”* мисраси асарнинг ана шу воқеадан уч йил ўтгач, яъни 1879 йили ёзилганини кўрсатади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустамлака маъмурияти узоқни кўзлаб иш тутган. Ўлкадаги энг эътиборли лавозимларга лаёқатсиз, жоҳил, Фурқат таъбири билан айтганда, *“на ҳукм қилса, дарҳол буйруғини оладиган”*лар қўйилган. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» асарида ёзилишича: “Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиққан “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом”да шариат қозиларини сайлаш масаласига алоҳида эътибор бердилар, – дейилади “Ўзбекистоннинг янги тарихи”да, – Хонлар замонида саводхон ва ниҳоят билимдон одамлар қозиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг қонунига кўра, саводсиз кишилар ҳам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди” [13.321].

Шу ўринда Фурқат муножотининг буюк салафи ҳазрат Алишер Навоий муножотларидан яққол кўзга ташланадиган фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш зарурати сезилади. Навоий муножотлари инсон, унинг моҳияти, Ҳақ таоло маърифати каби миллатидан, ирқидан қатъи назар, барча учун, умуминсоният учун бирдай зарур ҳисобланган масалалар таҳқиқига, бадиий талқинига бағишланган. Фурқатнинг ушбу муножотида эса ўзи яшаб турган давр ижтимоий воқелиги, миллат дарди қаламга олинган. Шунга кўра, ушбу муножот-мусаддасни буюк кечмишидан тобора узоқлашаётган, шу боис сиёсий, моддий ва маънавий инқирозга юз тутган миллатга ўз қилмишлари оқибатини кўриши, хулоса чиқа-

риши учун тутилган кўзгу, деб аташ мумкин. Бу эса, ўз навбатида, озод (ҳазрат Навоий) ва мустамлака (Фурқат) миллат вакилларининг Яратганга илтижоси, муножоти ҳам фарқли бўлиши тўғрисидаги аччиқ хулосага олиб келади.

Поэтик образ такомили. Фурқат образли тафаккур борасида ҳам ҳазрат Навоий назмий анъаналарини муносиб давом эттирди. Айрим поэтик образлар мисолида ҳатто уларни такомил даражасига етказди. Ҳазрат Навоийнинг машҳур байтида ёр образи биргина лабдаги хол поэтик детали мисолида ёрқин тасвирланган:

Нуқтайи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса "лаб" [3.66].

Фурқатгача ушбу образнинг ўзига хос талқини Мунис ғазалиётида учрайди. Шоир, жумладан, мана бундай ёзади:

Нуқтайи холи ғалат тушмиш лабининг устида,
Берса рухсат олғамен ул нуқтани ондин ялаб [8.70].

Мунис талқинида ушбу образ бироз янгиланган, ифоданинг учинчи шахс тилидан изҳор этилиб, иккинчи мисра тагматнида байтга ошиқ образи олиб кирилгани рост. Лекин шоир бу образни поэтик жиҳатдан такомилга етказган, деб бўлмайди. Фурқат шеъриятида эса, бу образ янги поэтик даражага юксалган:

"Нуқта лаб устида бежодур?"-дедим, айди кулуб:
"Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда?!"

Биринчидан, ҳазрат Навоийда ҳам, Мунисда ҳам ифода монолог тарзида берилган. Фурқат уни диалогга – ошиқ ва маъшуқа мулоқотига айлантиради. Натижада нуқта (ёрнинг холи) лаб устида бежо экани ҳақидаги саволига маъшуқа ҳам савол билан жавоб беради: "(Ўйлаб гапиряпсанми), қудрат котиби қандай қилиб адашиши мумкин, ахир нуқтани қандай ёзиш унинг ихтиёрида-ку?" Иккинчидан, Ҳазрат Навоий бир байтда (Мунис бир мисрада) айтган фикрни "Нуқта лаб устида бежодур" тарзида тўрт сўз воситасида ярим мисрада ифода этиб бўлган ва шундан кейин уни янада ривожлантирган. Учинчидан, Фурқат бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш борасида ҳам салафларига қараганда бир поғона юксакликка кўтарилган. Байт тўлиқ ҳолда саволу жавоб санъати асосига қурилган. *"Саҳв – котиб – таҳрир"* учлиги ҳосил этган таносуб санъати фикрнинг бадиий зийнатини таъминлаган. Байтда икки сўз ийҳом санъатини ҳосил қилган: биринчиси, "нуқта" сўзи ҳам "хол", ҳам арабча "б" ҳарфининг нуқтаси маъноларида қўлланган. Иккинчиси, "котиб" сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам Яратган, ҳам ёзувчи маъноларини ифодалаган. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу байт Фурқатнинг бадиий маҳорати юксак эканига, ҳазрат Навоий яратган образни поэтик такомилга етказганига ёрқин далил бўла олади.

Ҳазрат Навоий асарларида ит образи ўзига хос талқин этилган. "Лисон ут-тайр"нинг "Ҳожа Баҳоуддин сўзи фанойи комил мақомида" деб номланган фаслида улуғ шоир Шоҳ Нақшбанд тилидан мана бундай ёзади:

Кўрди топқоч нисбат ойинин туза,
Ит аёғининг изин туфроғ уза.
Деди: "Мен ортуғ эканму ё бу из?"
Яна ўзни деди: "К-эй инсофсиз,
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлик сари доманкашон".
Хатм қилди чун бу маънига сўзин,
Ер ўпуб ул из уза қўйди кўзин.

Буюк шоир ит образини вафо тимсоли сифатида талқин этади. Баҳоуддин Нақшбанддай комил шахс тилидан ит тугул унинг изи ҳам вафо аҳлига тегишли бўлгани боис азиз экани ҳақидаги фикрни бетакрор ифодалаган. Зеро, худпарастликдан фориғ бўлиш, нафсни ўлдириш – тасаввуф таълимотининг муҳим қоидаси, соликка қўйиладиган бош шарт. Ҳазрат Нақшбанд тимсолида айни шу иллат муолажаси билан боғлиқ муҳим бадиий умумлашмага келинган. Фурқат бу образ талқинида ҳам ҳазрат Навоий анъаналарини янгилаган. Қуйидаги мусаббада шоир теран фалсафий фикрларини ифодалашда ит образидан маҳорат билан фойдаланган:

Мўътабар кўз ёш Ҳақ наздида дурри нобдин,
Ҳам либоси фақр беҳтар шол ила санжобдин,
Бистари қолинда роҳат бирла кўрган хобдин
Кўйи узлат бўрёси хўбдур ҳар бобдин,
Бор эмиш бир кун азоби ваҳм қил Ваҳҳобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоғи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Ит образи – вафо тимсоли. Шунинг учун ҳам, шоир наздида, аҳли дунё – яъни, дунёпарастлар суҳбатида шароби ноб – қизил май ичгандан кўра ит ялоғидан қон ичган афзалроқ! Чунки аҳли дунёдин вафо кутиб бўлмайди. Улар дунё матоҳига эгалик қилиш учун ҳар қандай тубанликдан-да қайтмайди. Мана, Фурқат назарда тутган ҳаёт фалсафаси. *Кўз ёш – дурри ноб, либоси фақр – шол ила санжоб, бистари қолин – кўйи узлат бўрёси* иккиликлари маъносидаги тазод мусаббанинг ушбу банди бадийяти юксак бўлишини таъминлаган. *Ит, ялоқ, қон* сўзлари ҳосил қилган таносиб санъати фикрнинг поэтик зийнатига хизмат қилган. Бу ерда "шароби ноб" ва "қип-қизил қон" – истиора. Шунинг учун ҳам уларни фақат зоҳирий маънодагина тушуниш тўғри эмас. Жумладан, "шароби ноб"да умуман дунёпарастлик, ҳирсу ҳавас маънолари ҳам мавжуд. Ушбу образ билан боғлиқ икки шоир талқинининг қиёси Фурқатнинг буюк салафини такрорламагани, бу образ тасвирида ўзига хос йўлдан борганини кўрсатади.

Поэтик жанр янгиланиши. Қасида мумтоз Шарқ адабиётида шоирнинг ижодий салоҳиятини белгиловчи жанрлардан ҳисобланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг Хуросонга Ҳусайн Бойқаро ҳукмдор бўлиши муносабати билан ёзилган "Ҳилолия" қасидаси бу жанрнинг юксак намунаси экани билан алоҳида аҳамиятга эга. Шайх Аҳмад Тарозий қасида жанрига хос тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Биринчиси – ҳусни матлаъ, яъни қасиданинг бошланиши маъно жиҳатидан мутлақо қусурсиз латиф сўзлардан ташкил топган бўлиши керак. Иккинчиси – мамдуҳ (мақталгувчи)нинг адлу инсофи таърифланиши

зарур. Учинчи – мамдуҳнинг шижоати, тўртинчи – саховати мақталиши лозим. “Ва бу тўрт хислатдин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоирғадур”.

Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

Ҳусни матланинг беқиёс намунаси бўлган ушбу байт билан бошланган ва тузилишига кўра қасидаи томм ҳисобланган “Ҳилолия” буюк шоирнинг бадиий маҳорати нечоғлик юксак экани исботи ҳамдир.

Фурқатнинг “Қасида” деб номланган буюртма асосида оқподшоҳга бағишлаб ёзилган асари мутахассислар ўртасида турли мунозараларга сабаб бўлган. Ҳатто шоирнинг чор мустамлака сиёсати моҳиятини тушунмаганига далил этилган. Аслида, тагматнга Русия истибдодининг асл қиёфасини фош этувчи мазмун маҳорат билан сингдириб юборилган бу асар шоирнинг ушбу асарда ҳам ўз эътиқодида собит қолганидан далолат беради. Анъанага кўра қасидага сўзбоши ёзилмайди. Фурқат эса асарни сўзбоши-изоҳ билан бошлайди. Унда, жумладан, мана бундай сатрларни ўқиймиз: *“Зимистони шабистонларким, сиёҳбахтлар рўзгоридек қаро ва соҳиби афкорлар андишаси янглиғ узун ва беинтиҳодур. Бу лайлату-д-дажода уйқу дуррожлари кўзлар ошёнасидин рамида қилиб, хаёл насойими ҳар тарафға варзида қилур эрди...”* [10]. “Оқподшоҳ”га бағишланган қасиданинг дебочаси чуқур изтироб ифодаси бўлган *“Сиёҳбахтлар рўзгоридек қоп-қора, зимистон тун”* тасвири билан бошланиши бежиз эмас. Бу тасвир мазкур дебоча давомида *“жўши баҳори рашки гулистони Эрам”* дея таърифланган Фарғона мамлакати, *“бу роқими тасвидотнинг асл шажараи вужуди... обу ҳавоси обёрлиғи бирла тарбият топмиш бўлғон”* [10] Хўқанд гулшанининг истибдод зулматида қолганига очиқ ишорадир. Акс ҳолда подшоҳ мадҳига бағишланган қасида бундай дард-алам, изтироб ифодаси билан бошланмаган бўлар эди.

Қолаверса, ушбу изоҳ-сўзбошининг давоми янада теранроқ мулоҳаза юритишни тақозо этади: *“Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридаға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотираларига хутур қилмағойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиғ юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки* ***мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музмардур****. Вассалом”* . Шоирнинг асарга инсоф юзасидан баҳо беришни сўраб ёзган ушбу сўзларидан кейин ҳам у ҳақда юзаки мулоҳаза юритиш арбоби назар – илм аҳли учун муносиб бўлмаган ҳол. Бевосита асар матнига мурожаат этамиз. Маснавий Тангри таолога ҳамду сано билан бошланади:

Жаҳонда ҳар наким этти – Худованди жаҳон этти,
Қилиб қудратнамолиғ эамину осмон этти.
Камоли жуди ўн саккиз минг олам айлабон мавжуд,
Мукаррам халқ этиб одамни, сунъини аён этти.
Ҳама махлуқни, Борий, мутиъу зирдаст айлаб,
Оларға Одам ўғлин чиредасту қаҳрамон этти.
Ҳақиқий подшоҳеким, жаҳонни интизоми-чун,
Мажозий подшоҳларни жаҳонға ҳукмрон этти.

Мазкур ҳамд-байтларнинг сўнггиси, айниқса, тагматнда ифода этилган мазмуннинг теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Яъни шоир “оқподшоҳ”га қарата: “Сен вақтинча-

лик мажозий подшоҳсан, сенинг ҳукмронлигинг ҳам ўткинчи. Ҳақиқий подшоҳ эса Тангри таолодир. У хоҳлаган куни худди аввалги подшоҳлар каби сенинг ҳукронлигингга ҳам чек қўйишга қодир", деган ҳақиқатни образлар воситасида айта олган.

Қуйидаги байтлар таҳлили ҳам мазкур асарда рамзлар, тимсоллар орқали чор ҳукумати юритаётган босқинчилик ва тажовузкорлик сиёсатини фош этиш шоирнинг асосий мақсади бўлганини кўрсатади:

Ҳукумат интизомин кўр: тажовуз айлаб инсондин,
Сиёсат зарбатидин ларзалар шери жаён этти.
Сипоҳий шерсавлатдур, ливоси аждаҳо пайкар,
Олиб кўб шаҳрни, алқисса, тасхири жаҳон этти.

Инсонийликдан тажовуз айлаш, ўзга мамлакатларни забт этиш, босиб олиш чор ҳукумати сиёсатининг асосий низоми, бош муддаоси эди. Ушбу байтларнинг ўзиёқ Фурқатнинг мақсади чиндан ҳам "ўзга ерга реша чекмаклик" эканини кўрсатади.

Асосий фикрларини асар тагматнида бериш, бош хусусияти мадҳ, мақтов бўлган қасида жанрида қаловини топиб, адолатсизликни фош этиш услуби Фурқатнинг бу жанр табиатини янгилай олгани исботидир. Негаки, Чор Русияси цензураси назоратидан ўтиши керак бўлган асарда бошқа йўл тутиш имконсиз эди. Рус олими А.Герцен цензура шароитида ижодкор ўз ғояларини қай тарзда асар тагматинида ифодалаши билан боғлиқ ижодий-руҳий жараённи қуйидагича таҳлил этиб берган эди: "...ўз сўзини билинтирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришга цензура жуда катта ёрдам беради. Цензура тўсиғидан асабийлашган ижодкор уни енгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади. Киноялы сўз ҳаяжон, кураш изларини сақлаб қолади; унда оддий баённга нисбатан эҳтирос кўпроқ бўлади. Очиғини айтмаслик ўз пардаси остида кучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳамиша равшан бўлади... Пинҳона фикр сўзнинг қудратини оширади, яланғоч фикр эса идрокни жиловлайди. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт бўлишини биладиган ўқувчи уни диққат билан ўқийди; ўқувчи билан муаллиф ўртасида яширин алоқа пайдо бўлади. Бири ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади. Цензура шундай бир тўрки, майда чивинларни ушлаб қолади, катталарини эса ўтказиб юборади". Фурқатнинг аксар асарларини методологик аҳамиятга эга ана шу фикрларни эътиборда тутган ҳолда таҳлил этмоқ зарур. Фақат шундай ёндашув орқалигина шоир ижодига доир илмий ҳақиқатларни тўлақонли юзага чиқариш мумкин бўлади.

Вазнда татаббуъ қилиш. Фурқат аруз илми билан жиддий шуғулланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарини аруз илмини ўрганувчилар учун фойдаланишга қулай тарзда "Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни" номи билан ўз дастхатида конспект шаклида кўчирган. "Эй сабо" радифли ғазалини "Мезон ул-авзон"да: "Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам ажам шуароси арузларида кўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридурур... мусаммани солимда оз шеър воқиъ бўлубтур" дея таърифланган вазнда битгани шоирнинг аруз илмида камолот даражасига кўтарилгани далилидир. Комили мусаммани солим (мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун) вазнида Фурқатгача Навоий, Мунис ва Огаҳий шеър ёзгани маълум. Шайх Аҳмад Тарозий ва Бобур ҳам арузнинг мазкур баҳри хусусида маълумот бериб, комили мусаммани солим вазнига ўз шеърларидан мисоллар келтирган. Демак, туркий тилда Навоийгача бу вазнда фақат Аҳмад Тарозий шеър ёзган бўлса, Навоийдан кейин бу анъана нисбатан анча кенгайган. Фурқатнинг ушбу вазндаги "Эй сабо" радифли ғазали Туркия сафари вақтида ёзилган бўлиб, матлаъи қуйидагича:

Сана душти бандани ҳожати анга боғла бир камар, эй сабо,
Дўнуб қайтгасан бурадан Мадинаи савбина гузар, эй сабо.

Ушбу байтда шоирнинг Мадинаи мунавварага бориш орзуси ифодаланган. Мумтоз шеърият анъанасига кўра, шоир боди сабога мурожаат этиб, белига ҳиммат какмарини боғлашини сўрайди.

Ювубон гулоб ила аввало йўли гардидин арит ўзунги,
Юз ила юруб Ҳарам ичра кеч саловат ўқуб саҳар, эй сабо.

Шоир сабога гулоб ила покланишни, Ҳарам ичра оёқ билан эмас, “юз ила юруб” саловат айтишни тавсия қилиш орқали ташхис санъатининг бетакрор намунасини яратади. Бугина эмас. Мазкур сатрлар шоирнинг ушбу муборак шаҳарга нечоғлик соғинч билан интилгани далили ҳамдир.

Бани осийи юзи қаройи кетура хаёла Худойе чун,
Деясан саломими ағлаюб санга ўла вақт агар, эй сабо.

Бу йўруғларин дута олмайин, гечура абас ҳама умрини,
Дегил айлади ўзи жонина ўзи зулм ила зарар, эй сабо.

Ушбу байтлар яхлит ҳолда тақсир санъати намунасидир. Яъни шоир ўзини юзи қаролик ва осийликда, Ҳақ таоло йўриқларин тута олмай, умрини абас кечирганликда, ўз жонига зулм қилганликда айблайди. Табиийки, бу тасаввуф таълимоти талабича, ўзини маломат қилиш натижаси. Умуман, мумтоз шоирларимизнинг деярли барчалари “Маломатда саломат” қоидасига амал қилганлари маълум. Яъни, уларнинг фикрича, инсон ҳеч қачон хотиржамликка берилмаслиги керак, нафснинг хоҳишларига бўйсунмаслиги зарур. Бунинг учун ўзини тафтиш қила билиши, ҳар доим ўз ҳолидан огоҳ бўлиши лозим. Мазкур мисраларда ушбу қараш ҳосиласи акс этган.

Неча чўл кезиб бане нотавон йиқилиб қўйуб йўла қолмишам,
Ета олмайин Ҳарами шарифина қондурур жигар, эй сабо.

Сув верар сиришкидин ики кўз, қуруя жигар, ўла ташнаком,
Ҳаққа шукрларки, шарафрасон сафар ўлди бу сафар, эй сабо.

Образли тасвир – “икки кўз сиришкидин сув бериши”, “жигар қуруб ташнаком бўлиши” шоир руҳиятининг ёрқин тасвирини беришга хизмат қилган. Ҳарами шарифга ета олмай, жигари қон бўлган, кўзларидан соғинч ёшлари оққан шоирнинг ҳар қандай шароитда ҳам Ҳаққа шукрлар айтиши шеърда комил мусулмон дунёқараши акс этгани билан изоҳланмоғи зарур.

Ўлубон Мадина мушаррафи, кирарам на юз ила равзая,
Йўқ алимда туҳфаи лойиқим, ўла қобили назар, эй сабо.

Яна тақсир санъатига мурожаат қилган шоир қўлида муносиб туҳфаси йўқлиги, Мадина зиёрати муяссар бўлса, пайғамбар алайҳиссаломнинг равзаи муборакларига на юз билан киришини айтиб, надомат чекади. Лирик қаҳрамон сабога яна шундай хитоб қилади:

Гузари бу водидан айласанг йўла интизор ўла қолмишам,
Карам айлаюб банго яна бир дахи кечгасан хабар, эй сабо.

Ғазал мақтаъидаги фикр, айниқса, аҳамиятли. Мадина зиёрати орзусида бўлган шоир кечинмалари қуйидагича хулосаланади:

Сана Фурқатийни ражоси бу-Ватана мурожаат этмагил,
Агар ўлмаса бу зиёратингни қабулидин асар, эй сабо.

Ушбу ғазал наинки арузнинг камдан-кам шоирларга муваффақ бўлган комили мусаммани солим вазнида ёзилгани билан, балки теран мазмуни ва гўзал бадийяти билан ҳам Фурқатнинг ҳазрат Алишер Навоий анъаналарини муносиб давом эттиргани исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат лирикада ҳазрат Алишер Навоий назмий анъаналарини муносиб давом эттирди. Шеъриятда поэтик мазмунни янгилаш борасида самарали ижод қилди. Навоиёна образларни поэтик такомилга етказди. Муайян жанрлар табиатини янгилаш борасида салмоқли ижодий ютуқларга эришди. Мумтоз шеъриятда кам қўлланилган вазнларда ҳам юксак бадиият намуналарини яратди. Булар барчаси Фурқатнинг юксак ижодий салоҳият эгаси сифатида ҳазрат Алишер Навоий санъатхонасидан сабоқ олгани натижаси сифатида баҳоланмоғи зарур.

НАВОИЙ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ

Буюк адиблар, улуғ мутафаккирлар қисматида, ижодий қиёфасида муайян муштараклик-лар бўлиши кўп кузатилган. Бунга аждодлар кечмиши, адабиёт тарихидан ададсиз мисоллар келтириш мумкин. Бироқ биз ўз олдимизга бундай вазифани қўймаганмиз. Бизнинг муддаомиз бир оз аниқроқ: миллатимизнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳамда замонавий шеъриятимизнинг забардаст намояндаси Абдулла Орипов сиймосидаги ана шундай муштараклик хусусида баҳс юритмоқдир.

Профессор Бегали Қосимов бундан йигирма йил муқаддам мана бундай ёзган эди: “21 мартда замонамизнинг машҳур адиби Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди. Бу сана улуғ Навоий таваллудининг 560 йиллигига тўғри келишида ўзига хос рамзий маъно бор. Агар Абдулла Орипов шунчаки бир истеъдод бўлганида, 560, 60 рақамларига ёхуд Наврўз кунида туғилганига кўпчилик эътибор бермаган бўларди. Ёхуд тасодифга йўйиб қўя қоларди. Ҳозирда эса, у шубҳасиз, муайян маъно ташийди”.

Дарҳақиқат, бу мутаносиблик замирида теран маъно бор. Бунда Яратганнинг биз англамаган кўп ҳикматлари тажассум топган бўлса ажаб эмас. Зеро, ҳазрат Навоийдан роппа-роса беш юз йил кейин буюк бобокалонимиз асарларидаги умрбоқий анъаналарни муносиб давом эттиргани, миллий шеъриятимизда ўзига хос мактаб яратиб, уни янги замон шароитида чинакам юксак даражага кўтара билгани Абдулла Орипов ижодининг беқиёс аҳамиятига ҳужжатдир, далилдир.

Савол туғилади: хўш, бу икки мутафаккир дунёқарашидаги, ижодий принципларидаги, поэтик кашфиётларидаги муштараклик, ворисийлик нималарда кўринади? Уларнинг миллий маънавиятимиз, адабиётимиз такомилига қўшган улуғвор ҳиссаларида қандай мутаносиблик бор?

Буюк бешлик – "Хамса"ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий мана бундай сатрларни битади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусға майли беандоза бўлғай.
Йўқ эрса, назм қилғонни халойиқ
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмишдур – югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон – кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Улуғ мутафаккир халойиқ назм қилғонни мукаррар айламоқ – такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бировлар кетидан от сурмоқ, эл югурган йўлдан югурмоқ маъқул эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп". Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Буни ижодга татбиқ этилса, ҳар ким ўз сўзини, ўзигагина хос услубда ифодаламоғи керак.

Абдулла Ориповнинг ижодий дастури ҳазрат Навоийнинг мазкур фикрларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим,
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим...

Ана шу дастурий фикрнинг поэтик ифодаси билан бошланган шеърнинг хотимасида шоир бениҳоя салмоқли хулосага келади. Аҳамиятлиси шундаки, бу хулоса ҳам ҳазрат Навоий номи билан боғланган:

Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапни кўтармагай шеър.
Керак бўлса, менинг учун ҳам
Жавоб берар бобом Алишер.

Кўриниб турибдики, ҳар икки ижодкор якдил фикрда: шеъриятда ўзгаларни такрорлаш ("мукаррар айламак") айб. Чинакам шоир ўз сози билан куйлаши лозим. Бошқалар кетидан

от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод табиатига зид. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов тақлидчи шоирга ҳақли равишда мана бундай киноя қилади:

Тақлид қила бергин етса бардошинг,
Модомики сенда бор экан ҳавас.
Фақат бир қора кун кўтариб бошинг,
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас.

Тақлидчилик ҳазрат Навоийнинг "Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай" деган фикрларига ҳам моҳиятан мувофиқ эмас. Чинакам ижод намунаси оригинал бўлмоғи зарур, тоза тарҳ билан битилмоғи керак. Бутун ижодий фаолияти ана шундай юксак эътиқод, мустаҳкам тутум асосига қурилгани бу икки буюк истеъдоднинг ижодкор сифатидаги принциплари нечоғли уйғун экани далилидир, бизнингча.

Улар ижод майдонига чиққан тарихий шароит ўртасида ҳам муайян мутаносиблик бор. Ҳазрат Навоий замонида адабиёт тили сифатида форс тилининг мавқеи баланд эди. Ўзлари туркий миллатга мансуб икки буюк ижодкор – Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий ҳам форсийда "Хамса" яратган, адабиёт аҳли ўртасида туркий тилда бундай улкан бадиий обидани яратиб бўлмайди, унинг ифода имконияти кенг эмас, деган қарашлар ҳукмрон эди. Улуғ мутафаккир "Муҳокамату-л-луғатайн"да туркий тилнинг фасоҳати ва балоғати форсийдан кам эмаслигини, аксинча баландроқ эканини аниқ далиллар билан исботлар экан, бундай ёзади: "Бу алфоз (туркий тил – Н.Ж.) ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу яшурун қолубдур... Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин, ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар икки тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар..."[1]

Ҳазрат Навоий она тилининг тақдири учун ана шу тарзда куюнди, унинг мавқеини кўтармоқ, миллатнинг шаънини юксалтирмоқ учун бор салоҳиятини сафарбар этди. Бу миллатдан етишиб чиққан табъ аҳлини – ижодкорларни ўзга лисонда эмас, она тилида бебаҳо бадиий асарлар битмоққа чорлади.

Абдулла Орипов ижод майдонига келган ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам она тилимиз тақдири учун таҳликали вазият юзага келган, кўпмиллатли совет халқининг таркибий қисми саналган миллатлар тилининг йўқола бориши, бир тилга бирлашиб кетиши ҳақида "башорат"лар қилинаётган эди. Йирик нуфузли анжуманлар тугул кичик ташкилот ёки муассасадаги йиғинлар ҳам рус тилида олиб борилиши урфга айланган эди. Барча идора ишлари ҳам ўзга тилда юритилар, собиқ иттифоқдаги бошқа миллий тиллар каби ўзбек тили ҳам деярли хонадон тили даражасига тушиш хавфини бошдан кечираётган эди. Абдулла Орипов ана шундай вазиятда ижод майдонига қадам қўйди. Энди унинг олдида ҳам "миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти" (Абдулла Авлоний таъбири – Н.Ж.) – тили ва адабиётини юксалтириш йўлида жонбозлик қилиш вазифаси турар эди.

[1] Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. – Мукаммал асарлар тўплами, 20 томлик, Ўн олтинчи том, Т.: "Фан", 2010, 23-24-бетлар

“Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик – сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани – жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни ўзбек адабий тили доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъати ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукаммал шаклланишга эришди” деган Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам бу борада ўз даври учун тенгсиз хизмат қилди. Шоирнинг 1965 йилда ёзилган “Она тилимга” шеъри бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

Бор-йўғи саккиз қатор шеърда миллатнинг тақдири билан боғлиқ муҳим масалани бу тарзда самимий, бунчалар образли ва таъсирчан ифодалаш учун сўзлар қалб призмасидан ўтмоғи зарур эди. Бинобарин, “сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат” саналган “она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик” – Абдулла Орипов ижодий фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Бу жиҳатдан уни ўзи номларини санаган улуғлар – Навоий ва Данте сафига қўшиш мумкин.

Ватанга муҳаббат туйғусининг бетакрор поэтик талқини борасида ҳам Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ижодида ана шундай уйғунликни кузатиш мумкин.

Ватан ҳубби иймон нишони дурур-

деб ёзган ҳазрат Навоий асарларида бу туйғунинг нечоғлик муқаддас экани теран мазмун ва гўзал бадиият вобасталигида тасвирланган. Жумладан, улуғ шоир “Садди Искандарий”да ўзи туғилиб ўсган Хуросон ва унинг гўзал шаҳри Ҳирот ҳақида бундай ёзади:

Хуросон бадандир, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, Хуросон бадандир анга.

Таъкидлаш жоизки, бу мавзу Абдулла Ориповнинг ҳар бир шеърида ўзгача маҳорат билан билан ифодаланади. Ватан тушунчаси мавҳумлик гирдобига туширилган мураккаб ва зиддиятли даврда ёзилган “Ўзбекистон” шеъридаги “Ўзбекистон – Ватаним маним” мисраси ҳар бир ватанпарварнинг қалб садоси бўлиб янграган бўлса, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!” асарида бу муқаддас туйғу ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оҳорли услубда, тамомила ўзгача ракурсда бадиий ифодасини топгани сир эмас. Мана, шоир тўрт мисра шеърда “Ватан ҳубби”ни қандай тасвирлайди:

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки, беҳишт мавжуд юлдузлар аро.

Менинг Ўзбекистон – Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълороқ, аъло.

Ватан ҳимояси, уни хавфу хатарлардан эмин асраш – муқаддас бурч. Ҳазрат Навоий ижодида бу масала ҳам бетакрор поэтик талқинини топган:

Йёлу Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

"Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал", деб ёзади Абдулла Орипов. Зеро, чиндан ҳам, инсон учун Ватан – Яратганнинг улуғ неъмати. Уни танлаш имконияти берилган эмас. Ватан – тақдир, Ватан – қисмат. Уни севиш иймондандир, одамийлик зийнатидир. Ҳар икки буюк мутафаккир асарлари бизга бу ҳақда унутилмас сабоқлар беради.

Ўзи мансуб бўлган халққа муҳаббат, эл дардини ўз дарди деб билмоқ ҳар икки ижодкор асарлари лейтмотивини ташкил этади. Уларнинг ҳар иккиси "эл шод, мамлакат обод" бўлишини орзу қилди, бутун ижтимоий фаолиятини, ижодий салоҳиятини ана шу улуғвор мақсадга йўналтирди. Бу жиҳатдан, ҳазрат Навоийнинг мана бу мисралари айрича аҳамиятга эга:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Элга фидойилик бундан ортиқ бўлмас. Бу туйғунинг поэтик талқини борасида улуғ шоирдан ўтказиб бир нарса дейиш маҳол. Бироқ Абдулла Орипов улуғ бобокалонидан юққан истеъдоди боис ўзи мансуб бўлган халққа муҳаббатини бетакрор услуб билан, баланд пафосда ифодалай олди:

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга.
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Эътиборга молик яна бир жиҳати, мазкур шеърда шоирнинг халқига бўлган меҳри Ватанга муҳаббати билан уйғунликда тасвирланганидир. Абдулла Орипов буюкларга даҳо бахш этган, энг сўнгги нонини ҳам ўзи емай ўғлига тутган, фарзандлар шонини асрлардан опичлаб ўтган, суюклардан суюк она халқини жону тан баробарида ардоқлайди. Муҳими, бу ардоғини бетакрор мазмун ва тутилмаган ташбеҳлар билан бадиий кашфиёт мақомида назм силкига чекади.

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

Абдулла Орипов оломоннинг халққа айланиши учун жон куйдирган, ўз қисматини она халқи тақдири билан уйғунликда тасаввур этган миллатпарвар сифатида буюк мутафаккир бобоси янглиғ бутун ижтимоий фаолиятини, ижодий салоҳиятини ана шу улуғвор мақсадга сафарбар этди. Шоирнинг мана бу мисралари чинакам халқпарварликнинг намунасидир:

Халқим, мозий ўтди,
толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга
бенасиб таом.
Кийгаздинг бировга,
ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб,
ном олдинг авом...

Замонавий шеъриятимизда ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий анъаналари муносиб давом эттирилаётир. Абдулла Орипов ижоди бу жиҳатдан илмий тадқиқотлар учун бой материал бера олади. Зеро, у мумтоз адабиётни, айниқса, Алишер Навоий асарларини чуқур билади. Ҳар йили Миллий боғда ўтказиладиган умуммиллий навоийхонлик байрамлари Абдулла Ориповнинг бири-бирини такрорламаган, ҳам илмий теран, ҳам ҳар қандай даражадаги тингловчи қалбини забт эта оладиган маърузалари билан очилиши бежиз эмас. Шу боис шоир умрининг охиригача ижодда ҳам буюк салафи юксакларга тиккан байроқни қўлдан бермади.

Абдулла Ориповнинг ғазаллари мумтоз шоирларимиз, хусусан, ҳазрат Навоий поэтик анъаналарининг муносиб давоми дейилса, муболаға бўлмас.

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Ғазал матлаъида мумтоз шеъриятга хос бадиий унсурлар ажиб бир тарзда мужассам бўлган. Ўзини ишқ саҳросида беишқ ҳис этган ошиқ ёр ҳажрида бениҳоя қаттиқ изтироб чекмоқда. Натижада ишқ дарди боис саҳрони манзил этмоққа ўрганган Қайс бу одатидан воз кечмоққа мажбур. Не учунки, ошиқнинг ўтли оҳи сабабидан саҳрога ҳам ўт кетган. Энди Қайс – Мажнун учун бораргa макон қолмаган. Байтда тасвирланган образ ёркин ва жонли, ўқувчи кўз ўнгида мутлақ унутилмас таассурот гавдаланади: олов ичида қолган бепоён саҳро ва иложсиз Қайс. Бир вақтнинг ўзида тазод, тажнис, иғроқ фи-с-сифат сингари мумтоз бадиий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилгани байтнинг поэтик мукаммаллигини таъминлаган. Иғроқ фи-с-сифат (“*Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун*”) санъатини шоир назариётчилар талаблари даражасида, балки ундан ҳам ўтказиб қўллайди. Маълумки, Шайх Аҳмад Тарозий бу санъатда “...бир нарсанинг васфинда муболағани ҳадду ғоятдин ўткарурлар” дея таъкидлаган[1]. Атоуллоҳ Ҳусайний мулоҳазалари Аҳмад Тарозий фикрларини тўлдиради: “Агар даъво ақлға сиғсаю одатдин ташқари бўлса ҳам мақбулдур ва ани иғроқ дерлар”[2].

[1] Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунуну-л-балоға. Т.: Хазина, 1996, 103-бет
[2] Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. Т.: Адабиёт ва санъат,1981, 152-бет

Арузнинг туркий шеъриятда кенг тарқалган рамал баҳри (қолипи: фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) – рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилгани ғазал ритмининг ўзига хослигини таъминлаш баробарида, ифодаланаётган фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Кейинги байтлар ҳам жозибаси ва бадиий мукаммаллигига кўра матлаъдан қолишмайди:

Чеҳраи заррин сира кўрмакка ҳожат қолмади,
Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун...

Ёки:

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Бир вақтнинг ўзида бир неча қават мазмуннинг ва гўзал бадииятнинг бу даражадаги уйғунлигига эришмоқ учун мумтоз адабиётни, ҳазрат Навоий асарларини шунчаки мутолаа қилишнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун Худо юқтирган шеърий иқтидор, юксак назмий салоҳият зарур.

Шоирнинг

Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош қўймангиз, эй беморлар, -

матлаъли ғазали ҳам мумтоз лириканинг юксак талабларига жавоб бера олади.

Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламига кирган ғазаллари ҳам ушбу жанрнинг мумтоз наманаларидир, ҳазрат Навоий анъаналарининг ўзига хос давомидир:.

Сочларинг ёймай туриб
Тушган қоронғу тун эмас,
Тишларингни кўрмайин
Тонг ҳам оқарган кун эмас.

Мумтоз шеъриятимизга хос ҳусни матлаънинг нақадар гўзал намунаси. Бунда ташбеҳ ҳам, тазод ҳам фикрнинг санъаткорона ифодасига хизмат қилган. Ёки мана бу байтдаги жозибадан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ:

Икки чашмим жоласига
Боқмангиз ҳайрон бўлиб,
Асли улдир икки дарё,
Сир эмас, Жайҳун эмас.

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ғазалнинг бирор ўрнида сакталик учрамайди. Теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунлиги, оҳорли ташбеҳ ва бетакрор моҳият мутаносиблиги шоир ғазалларининг ютуғини таъминлаган бош омилдир.

Оҳорли мазмун, вазн, қофия ва бадиий санъат мукаммаллиги Абдулла Ориповнинг ғазалнависликда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган бахтли ижодкор экани исботидир.

Поэтик образ янгиланиши борасида ҳам бобо ва набира шоир ижодида муайян муштараклик, издошлик кузатиладики, бу алоҳида эътиборга молик. Образда янгилик қилиш шаклдагига қараганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ҳодисага кўпроқ боғлиқ. Абдулла Орипов мана бундай ёзади:

Бир марта кўрганман,
Фақат бир марта,
Ойнинг ўроғига юлдуз қўнганин.

Ойнинг ўроғига юлдуз қўниши – табиатда камдан кам кузатиладиган ҳодиса. Шеърият мухлисининг кўз ўнгида ёрқин муҳрланадиган бундай образни қўллаш шоирдан инжа эстетик дидни, юксак маҳоратни талаб этади.

Ҳазрат Навоийда мана бундай байт бор:

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро,
Ахтари саъди ҳилол ичра кезар гардун аро.

Яъни улуғ шоир қуёш юзли ёрнинг қайиқда Жайҳун аро сайр этишини Ҳилол ичидаги бахт юлдузининг фалак бўйлаб айланиб юришига қиёслайди. “Ҳилол ичидаги бахт юлдузи” – “ойнинг ўроғига юлдуз қўниши” – булар айнан бир ҳолатнинг икки хил бадиий тасвиридир. Яна бир муҳим фарқи: ҳазрат Навоий байтида табиатдаги бу ноёб ҳодиса воситасида ёр тасвири берилган бўлса, Абдулла Орипов шеърида миллатнинг толе юлдузи, саодат қамари порлаганига ишора қилинмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур, -

деб ёзган эди. Яъни улуғ мутафаккир замонлар келиб назмнинг суратида янгиланишлар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини таъкидлаган эди. Бугунги шеъриятимизда ҳазрат Навоий башоратининг исботи шаклий янгиланишлар мисолида ҳам яққол намоён бўлаётир. Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламидаги учликларни бунинг исботи сифатида келтириш мумкин.

Оқ денгиздан оқ шамоллар эссалар,
Қизилидан келса алвон шаббода,
Қора денгиздан-чи, тим қора насим.

Оқ танли кишидан оқлик уфурса,
Сарғимтил қавмдан заҳил эпкинлар,
Қоралардан эса сиёҳранг тутун.

Не ҳол юз берарди рубъи маскунда,
Ким ҳам кўз юмарди бу манзарадан,
Яхшиям шамолнинг ранглари йўқдир.

Аввало, тўпламнинг номида ҳам поэтика борлигини таъкидлаш керак. Қолаверса, юқоридаги мисраларда акс этган муаммо, бу каби оҳорли савол шеъриятимизда ҳанузгача ўртага қўйилган эмас. Бу мисраларни мутолаа қилган шеърхон ҳали шоирнинг асосий фикрини англай олмаслиги ҳам табиий. Қиссадан ҳисса мана бу сатрларда акс этган:

Бир қарашда улар ҳамоҳанг, ўхшаш,
Бироқ сен, ижодга азм этган шоир,
Уларни адашмай фарқламоғинг шарт.

Бу мисраларда, таъбир жоиз бўлса, ижодкор концепцияси акс этган. Яъни шоир ким, чинакам ижодкор мавқеига кўтарилмоғи учун у қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак? Зеро, ижод аҳлининг ўзгалардан фарқи ҳам шунда.

Сенинг кўзларингга кўринсин улар,
Сенинг қулоғингга чалинсин унлар,
Барчаси ранго-ранг, саслари турфа.

Демак, бошқалар кўрмаган ранг ижодкор тасаввурида намоён бўлмоғи зарур. Тинглаш ўзгаларга ҳеч қачон насиб этмайдиган оҳанглар шоир қулоғида мудом жаранглаб турмоғи лозим.

Билиб қўй, ранги бор армоннинг ҳатто,
Орзуларнинг ажиб шамойиллари,
Инсон қанча бўлса, улар ҳам шунча.

Ҳақиқатан, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шундаки, унинг наздида армоннинг ҳам ўзига хос ранги бор. У орзуларнинг шакл-шамойилини ҳам кўра билади. Энг ҳайратланарлиси, орзу ва армоннинг ранглари шу қадар турфаки, унинг навъи ҳатто ер юзидаги одамлар ададига тенг.

Бироқ кўз сураткаш анжоми эмас,
Оддий сомеъ эмас қулоғимиз ҳам,
Нозик меҳробларга тегишли улар.

Абдулла Орипов – мутафаккир шоир. Шунинг учун ҳам у бошқаларнинг етти ухлаб тушига кириши маҳол бўлган оригинал бадиий умумлашмаларга кела олади. Жумладан, унингча, ижодга азм этган шоир рангларни зоҳир кўзи билан эмас, ботин дийдаси билан идрок этмоғи керак. Чунки инсон кўзи сураткаш анжоми бўлмагани каби унинг қулоғи ҳам оддий сомеъ эмас – улар нозик меҳробларга тегишли. Яъни ижодкорнинг назари ҳеч ким илғамаган гўзалликни пайқаши зарур. Шоирнинг қулоғи бирор одам боласи эшитиши мумкин бўлмаган оҳангларни тингламоғи керак.

Кўрганин етказгай Қалб деган жойга,
Тафаккурга айтгай эшитганларин,
Бундай издиҳомда ухлаб бўлурми?!

Чинакам ижодкорнинг қалби мудом титраб туради. Негаки, ҳеч ким кўрмаган синоатни мушоҳада этар экан, бу унинг қалбида акс садо беради. Негаки, бошқалар эшита олмайдиган оҳангларни тинглар экан, бу унинг тафаккурини муттасил равишда безовта қилади. Ижодкорнинг огоҳлиги сири шунда. Шоирнинг бедорлиги сабаби шу. Бинобарин, ана шу фазилатларга эга бўлмаган одам ўзини ижодкор санашга ҳақли эмас – мана мутафаккир шоир концепцияси.

Ўтган асрнинг 80-йилларида нашр этилган бир суҳбатида шоир мана бундай фикрларни билдирган эди: "Мен навоийшунос деган терминга қаршиман. Чунки бу шундай катта баҳри муҳитки, унинг денгизлари бор. Шунинг учун "Лайли ва Мажнун"шунос ё "Фарҳод ва Ширин"шунос бўлиш мумкин. "Чор девон" бир умр ўрганилса кам. Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси, шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан фақат Навоий айтган".

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов маънавий устози ҳазрат Навоийдан ўрганганидек, масаланинг моҳиятига кира билади. Бугина эмас, моҳиятни бетакрор бадиий талқин этиш бобида тенгсиз маҳорат касб этган. Яна улуғ Навоийдан ўргангани каби шоир шеърни сеҳрли таёқчадай ўйната олади. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари бир вақтнинг ўзида шуурни ҳам, кўнгилни ҳам бирдай забт этади. Ўқувчини ҳайрат оламига олиб киради, унинг қалбида янги-янги дунёларни кашф қилади. Мана, шоирнинг арузда ижод этиш имконияти нечоғлик катта эканини кўрсатадиган шоҳбайтларидан яна бири:

Гар фалак буржида шамс уйқуга солса ўзни,
Етди навбат бизга деб чақнар эмиш сайёрлар.

Табиийки, бунда шамс (қуёш) ҳам, сайёралар ҳам мажоз. Байтда аслида аксар инсонлар табиатига хос ўзи лойиқ бўлмаган мақомга интилиш, ҳою ҳавас, ҳирсу ҳасад каби иллатлар танқиди ўз ифодасини топган. Муҳими, бу фикр фалак, бурж, шамс, сайёрлар каби мутаносиб образлар воситасида жозибали поэтик тасвир орқали акс этган. Бу каби байтлар шоир ижодида кўплаб учраши Абдулла Ориповнинг арузда ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб издоши экани далилидир.

Шоир ҳазрат Навоий ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлаган. Улар орасида

Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз,
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз, -

матлаъли ғазалга боғланган мухаммас алоҳида ажралиб туради. Сабаби, биринчидан, бу ғазал туркий шеъриятда кам қўлланган комили мусаддаси солим (қолипи: мутафоилун-мутафоилун-мутафоилун) вазнида битилган. Иккинчидан, мухаммас мисралари шу даражада мантиқан ва санъаткорона боғланганки, гўё бир ижодкор қаламига мансубдек таассурот қолдиради.

Ҳазрат Навоий "Мезону-л-авзон"да арузнинг комил баҳри ҳақида мана бундай маълумот беради: "Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам ажам шуароси арузларида кўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридурур..."[1].

[1] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. – Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, Ўн олтинчи том, Т.: Фан, 2000, 90-бет

Мазкур мухаммаснинг айни шу "...ажам шуароси вазнларида кўрулмайдурган, оз шеър воқеъ бўлган" комил баҳридаги ғазалга битилгани Абдулла Ориповнинг арузда нечоғлик маҳорат касб этганидан далолат беради. Мана, мухаммаснинг якунловчи банди:

Келибдур оғзима жоним, қилурман ишқими зикр,
Нетайким васл эрди орзу вале дилдордин макр,
Нетсун Абдулла ҳайрондур, аё пир, айланг фикр,
Навоий ҳажрға қолди, қилинг висолда шукр,
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.

Миллий университетда бўлган ижодий учрашувлардан бирида шоир ҳазрат Навоийнинг сўз қўллаш борасидаги ўзига хослиги ҳақида гапириб, улуғ мутафаккирнинг "бўлдило", "қилдило" тарзидаги ифода шакли унга бениҳоя маъқул келгани хусусида баҳс юритди. Шундан сўнг ўзининг буюк бобокалонимиздан таъсирланиб ёзилган "Бўлдило" шеърини ўқиб берди. Бу ҳол Абдулла Ориповнинг улуғ Навоий анъаналарини яна ўзгача шаклда ҳам давом эттираётганини кўрсатади.

Ҳазрат Навоийнинг Абдулла Ориповни тўлқинлантирган мисралари қуйидагича:

Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.

Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило.

Ҳақиқий шеър изтиробдан, дарддан туғилади. Айниқса, дунёни мукаммал кўрмоқ истаган, кўлмак давралардан ҳазар қилган, умрнинг югуриклигини теран ҳис этган, йиллар жароҳатига даво излаган шоир беғам, бепарво бўлиши мумкин эмас. Абдулла Ориповнинг ҳазрат Навоийнинг мазкур шеъри таъсирида дунёга келган қуйидаги мисралари ана шундай изтироб маҳсули:

Йиллар жароҳатин борми давоси.
Бормикан Луқмони, борми Синоси?
Муҳаббат мулкининг нозик биноси
Ҳижрон сели ила вайрон бўлдило.

Шоир лирик қаҳрамонининг изтироби ўткинчи ҳою ҳаваслардан туғилмаган. У бахтга зор бўлса-да, бахтни куйлаган, саробга термулиб нақдни бой берган, вақтни сомондек совурган ва бундан адоқсиз андуҳда қолган, бошқача айтганда, ўз-ўзини тафтиш қилишга қодир тафаккур соҳибининг изтироби.

Лирик қаҳрамон гарчи сув излаб қумларга дуч келган, дафъатан дўстга мадад бера олмаган, ёвлари мисоли тикандек қуршаган, не-не орзулари армонга айланган бўлса-да, некбин. Ҳаётга умид ва ишонч билан қарайди:

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,
Гоҳида шошилдим, шошилтирдим гоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.

Ҳазрат Навоийнинг “Арбаъин” асари ва Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” туркумининг қиёсий таҳлили ҳам қизиқарли хулосаларга олиб келади. Аввало, таъкидлаш керакки, асар номидан ҳам кўриниб турганидек, ҳазрат Навоий қирқ ҳадис мазмунини назмий талқин қилган бўлса, Абдулла Орипов эллик ҳадис моҳиятини бетакрор бадиий ифодалаган. Бу борадаги кузатишларимизни биргина ҳадис поэтик талқини муқоясаси билан чеклаймиз. Жумладан, “Арбаъин”да қаноатнинг туганмас бойлик экани ҳақидаги ҳадис қуйидагича шеърий шарҳланган:

Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле –
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

Қаноат комилликнинг бош шартларидан. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз ҳадиси шарифда улуғланган бу фазилат тарғибига алоҳида эътибор билан қаратган. Зеро, қаноат – бошдаги тож. Унинг акси бўлган тамагирлик эса инсоннинг асл табиатига ёт хусусият. Қаноат инсонни юксакликка кўтарса, тамаъ уни забунликка маҳкум этади. Абдулла Ориповнинг қаноат ҳақидаги шеърий ҳикмати ҳам ҳадиси шарифнинг бугунги замон кишиси руҳиятига мос поэтик талқинидир:

Рамазон ойида, ҳайит чоғида,
Сумалак пиширди аҳли мусулмон.
Унни қовурдилар зайтун ёғида,
Ҳалим тайёрлади – кимда бор имкон.

Баҳор келди, мана, қишдан чиқолдик,
Берган ризқ-рўзига, неъматга шараф.
Тоғдайин заҳматни ахир йиқолдик,
Табиатга шараф, ҳиммatга шараф.

Рўзадан чиққанлар, сизга ҳам раҳмат
Фарзингиз синовли саодат эрур.
Расулуллоҳ демиш: - Сабр қил, уммат,
Мўминлик белгиси қаноат эрур.

“Арбаъин” ва “Ҳикмат садолари”нинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади. Муҳими, шу биргина мисол ҳам кўрсатиб турибдики, замонамиз шоири Абдулла Орипов ҳазрат Навоий сингари муборак ҳадислар мазмунини бетакрор бадиий талқин эта билди. Бу орқали ўзининг инсонни комил, жамиятни мукаммал кўриш ҳақидаги орзуларини оҳорли образлар, гўзал ташбеҳлар орқали поэтик тасвирлашга муваффақ бўлди.

Абдулла Орипов шеъриятда ҳазрат Навоий анъаналарини муносиб давом эттириш баробарида шоирлар султони образини бетакрор поэтик талқин этиш бобида ҳам пешқадамдир. “Навоий бобомиз асарлари мутолаасидан чарчаганим йўқ, – деб ёзади шоир матбуотда ўтган юзйилликнинг 90-йилларида чоп этилган бир суҳбатида. – У кишининг бирор байти ёки мисрасини ҳар ўқиганимда, янги-янги қирраларини кашф қиламан, гўё оҳори тўкил-

магандай туюлаверади. Ижодкорлар орасида Ҳаққа етгани Навоий, деган тушунча бор. У киши асарларини ўқиганимда кўз ўнгимда соҳиби камол, беназир бир инсон сиймоси гавдаланаверади".

1966 йили ҳазрат Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ижод этилган "Алишер" шеърида шоир бундай ёзади:

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, -
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Ҳазрат Навоийни улуғлаб минглаб байт шеърлар битилган. Муаззам адабиётимиз тарихида ул зотнинг шаънига шеър бағишламаган шоирни топиш маҳол. Бироқ шеър билан шеърнинг фарқи бор. Бобокалонини улуғлар экан, Абдулла Орипов оҳори тўкилмаган ташбеҳлар қўллайди, мавзуга ҳеч бир ижодкорда кузатилмаган услуб ва мезонлар асосида ёндашади. Масалан, ҳазрат Навоий бебаҳо асарлари билан миллий тилимиз, адабиётимиз мавқеини, миллатнинг шаънини юксакларга кўтаргани маълум. Бироқ бу фикрни мана бу тарзда ўзига хос поэтик талқин этиш осон иш эмас:

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, -
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Улуғ мутафаккир таваллудининг олтинчи юз йиллиги ҳам ниҳоясига яқинлашаётир. У мансуб бўлган халқ буюк ўғлига юксак даражада эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Абдулла Орипов бу фикрни ҳам бетакрор бадиият билан, ўқувчининг кўнглига, шуурига таъсир кўрсатадиган даражада ифодалайди:

Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг бири – Алишер.

"Ҳар икки набиранг бири – Алишер" – бу поэтик фикр чинакам бадиий топилдиқ, ўзбекона ибора. Буюк мутафаккирга бўлган эҳтиромни бундан ҳам содда ва таъсирчан ифодалаш маҳол.

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қуёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.

Яъни ҳазрат Навоий жаҳоний миқёсга кўтарилган ижодкор. Унга қуёш ҳам қасида айтса арзийди (шоир улуғ мутафаккирнинг серқуёш замин фарзанди эканига ишора қилган). Беш юз йил деганлари нима гап, у мингга қараб ҳам яна йигирма беш қадам қўйди. Бошқача айтганда, яна эҳтимол минг йиллар ўтар, бироқ Алишер Навоий даҳоси мудом етиб бўлмас

юксакликда қолаверади. Ахир у қалам билан Соҳибқирон Амир Темур тиғи етмаган жойларни, наинки мамлакатлар, уларда яшайдиган инсонлар қалбини ҳам забт этди. Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида бу ҳаётий ҳақиқатни мана бу тарзда бадиий ҳақиқатга айлантирди:

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ – ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер,
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий – шеър аҳлининг тан олинган жаҳонгири. Улуғ мутафаккир, ўз таъбири билан айтганда, Хитодин то Хуросонгача, ундан Шерозу Табризгача бўлган ҳудудни черик чекмай туриб, таҳти фармонига олган, бўйсундирган. Буюк шоирнинг фасоҳат ва балоғатда тенгсиз сўзига наинки турк жон ҳам, ҳатто туркмон ҳам кўнгил берган.

Абдулла Орипов бир замонлар овози икки дарё оралиғида қолиб кетаётганидан афсус чеккан эди. Шоир асарлари дунёнинг немис, рус, украин, грузин, турк, татар, қрим-татар, чуваш, озарбайжон, арман, белорус, эстон, латиш, македон молдован, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ , қорақалпоқ сингари кўплаб тилларига таржима бўлиб, нашр қилинди.

Булар барчаси Абдулла Орипов назмий асарлари билан жаҳоний эътироф қозонганидан, шоир бу борада улуғ бобокалони ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб издоши эканидан далолат беради. Муаззам миллий шеъриятимизнинг 580 га кирган бобо жаҳонгири ёнида миллат бадиий-эстетик тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган 80 ёшли невара жаҳонгирнинг борлигихалқимизнинг, адабиётимизнинг бахтидир.

ХУЛОСА ЎРНИДА

2021 йилнинг 7 апрели ҳаётимдаги ёрқин хотираларга бой, энг унутилмас кун бўлди. Нуфузли делегация таркибида ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топиб, умумбашарий аҳамиятга эга асарларини ёзган тарихий Ҳирот шаҳрида “Амир Алишер Навоий тафаккурларини ўрганиш” мавзусидаги халқаро семинарда иштирок этганимни Яратганнинг улуғ инояти, деб биламан. Бу саёҳат бизнинг чин маънода янги даврга қадам қўйганимиз исботидир. Президентимизнинг анжуман иштирокчиларига табригини тинглаганда, бағоят таъсирландим. Янги Ўзбекистон буюк мутафаккирларининг башарият тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаларини дунёга муносиб даражада намоён этаётгани билан қудратли эканини кўнглимнинг туб-тубидан ҳис этдим.

Афғонистонлик илм ва ижод аҳли билан бирга қардош туркий давлатларнинг навоийшунос олимлари ҳам иштирок этгани анжуманнинг халқаро нуфузига муносиб бўлди. Буюк мутафаккирнинг шоҳ асари – “Хамса”нинг муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзбошиси билан араб имлосида чоп этилган нодир нашри Афғонистон халқига туҳфа қилинганда, зал оёққа қалқиб олқишлагани кўнглимизни тоғ қадар кўтарди. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани видеотабригидаги мана бу эътирофда Ўзбекистоннинг давлат раҳбари ҳамда ўзбек халқига бўлган юксак эҳтиром ўз ифодасини топди: “Ўзбекистон томонидан Ҳиротда Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасини ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш дастурининг ишга туширилгани ва буюк шоирнинг “Хамса” асари қайта нашр этилгани Навоий меросини ўрганувчи афғон илмий-академик ҳамжамияти ва дунё мутахассислари орасида юксак ва ижобий баҳога сазовордир”.

Ушбу анжуман Алишер Навоий меросининг туркий халқлар ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури ривожида тутган ўрни нечоғлиқ баланд эканини, улуғ мутафаккир асарларидаги ҳеч бир замонда эскирмайдиган умуминсоний ғояларнинг бугунги замон учун аҳамияти нақадар улкан эканини яна бир бор тасдиқлади.

Афғонистонга сафаримизнинг энг аҳамиятли жиҳати буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий равзасини зиёрат этмоқ шарафи насиб этганидир. Ҳамид Сулаймон ва Порсо Шамсиев, Азиз Қаюмов ва Абдуқодир Ҳайитметов, Алибек Рустамов ва Суюма Ғаниева каби улуғ навоийшунос устозларимиз, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов сингари замонамизнинг беназир ижодкорлари учун ушалмас армон бўлган қутлуғ зиёратга муяссар бўлганимиз учун қанча шукрлар айтсак оз. Қалбимдаги севинч тошқинларини, руҳимда кечаётган туйғуларни ифодалашга сўз ожиз. Онгу шууримни ёритган ёғдуни тасвирлашга қаламнинг қуввати келмаётир. Кўнглимдаги ушбу кечинмалар, насиб этса, бадиа тарзида ёзилажакдир.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида меҳр билан Ҳирий дея таърифланган қадимий Ҳирот шаҳрини темурийзодалар Хуросоннинг пойтахти этиб танлагани бежиз эмаслигига амин бўлдик. Жаннатмонанд бу шаҳар мумтоз шеъриятда гўзаллик тимсоли сифатида тасвирланган сарв дарахтлари кўплиги, ҳавосининг поклиги, табиатининг тоза ва беғубор экани жиҳатидан ҳам ҳар қандай таърифу тавсифга муносибдир. “Садди Искандарий” достонида буюк шоир мана бу сўзларни битгани тасодиф бўлмаган ахир:

Хуросон баландур, Ҳири жон анга,
Ҳири – жон, бадундур Хуросон анга.

Мамлакатимиз делегациясининг Ҳирот шаҳрига амалга оширган ушбу ташрифи замирида беқиёс ҳикмат ва ибратлар борлиги аён. Бу, биринчи навбатда, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг дунё ҳамжамияти доирасида қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муҳим таклифларни ўртага ташлаётгани ва бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар ҳаётда ўз самарасини бераётгани натижасидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг боқий мероси бундан кейин ҳам халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдек эзгу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Жамиятда буюк шахсиятлар қачон етишиб чиқади? Бунинг учун нима қилмоқ зарур? Улуғ Навоий асарларида бу саволларга аниқ-тиниқ жавоблар берилган. Атоқли рус олими Евгений Бертельснинг: “Навоий ижоди музей кўргазмаси ҳам, тарихнинг парчаси ҳам эмас, у яшамоқда ва яшайверади. Биз уни ўрганаяпмиз, аммо жуда кам ўрганаяпмиз. Ўзининг улуғ фарзанди хотирасини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ва унинг асарларини тинмай ўқиш ва ўрганиш ўзбек халқининг шарафли ишидир”, деган сўзлари бугун ҳар биримиз учун қалб амрига айланмоғи зарур.

АБДУЛҲАМИД ҚУРБОНОВ

ФАРҲОД ВА ШИРИН: БАДИИЯТ ВА ҒОЯЛАР ОЛАМИ

(МОНОГРАФИЯ)

Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош,
Киши бу сирни мендек қилмади фош
Алишер Навоий

КИРИШ

Алишер Навоий беҳад улуғ шоир, адиб ва мутафаккирдир. Унинг бетакрор бадиий маҳорати барча соҳаларда, жумладан, улуғ шоир ижодида муҳим ўрин тутадиган, аммо ҳозирга қадар тадқиқотчилар назаридан маълум даражада четда қолиб келаётган "Хамса" достонларидаги сарлавҳалар мисолида ҳам намоён бўлади.

"Хамса" шеърий асар бўлса ҳам, ундаги ҳар бир бобга насрий сарлавҳалар қўйилган. Алишер Навоий "Хамса" ёзишга киришар экан, устоз шоирлар: Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Жомийларнинг бу соҳадаги анъаналарини давом эттирди. Шу билан бирга, бошқа соҳаларда бўлганидек, уларни беҳад ривожлантириб, мазмун томонидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам бутунлай янги поғонага кўтарди.

"Хамса" достонларининг ғоявий мазмуни ва бадииятининг турли қирралари С.Айний, Ҳ.Олимжон, Ойбек, М.Шайхзода, О.Шарафиддинов, Т.Жалолов, В.Зоҳидов, И.Султон, Н.Маллаев, В.Абдуллаев, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, С.Эркинов, С.Ғаниева, А.Абдуғофуров, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, Ш.Сирожиддинов, Ё.Исҳоқов, Ҳ.Ҳомидов, М.Имомназаров, С.Ҳасанов, И.Ҳаққул, М.Муҳиддинов, А.Эркинов, А.Абдуқодиров каби ижодкор ва олимлар томонидан тадқиқ қилинган.[1] Бироқ бевосита сарлавҳалар поэтикаси ва уларнинг "Хамса" ғоявий-бадиий оламида тутган ўрни масаласига бағишланган тадқиқотлар кўп эмас. Ўзбек адабиётшунослигида мазкур масалага дастлаб эътибор қаратган олим Т.Жалолов бўлган эди. У "Хамса" талқинлари" номли асарининг хотимасида бешлик бадийяти ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён қилар экан, шундай деб ёзади: "Навоий ўз "Хамса"сининг ҳар бир

[1] Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967; Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн томлик. Бешинчи том. Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Фан, 1982; Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: "Тошкент" бадиий адабиёт нашриёти, 1967; Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971; Жалолов Т. "Хамса" талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968; Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. – Ташкент: ГИХЛ, 1961; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2010; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1959; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963; Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин" ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971; Ғаниева С. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Фан, 1962; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995; Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовараннаҳр – Ўзбекистон, 2009; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; Ҳаққул И. "Хамса" бадиятига доир. // Алишер Навоий "Хамса"си. – Тошкент: Фан, 1986; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007; Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Эркинов А. Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XIX аср манбалари. Фил. фан. док. дисс. – Тошкент: 1998; Имомназаров М. Кўнгил ҳақида тўрт достон шарҳи. // "Sharq mash`ali" журн., 2016 йил, №1; Имомназаров М. Ҳақиқат ва Мажоз. // "Шарқ юлдузи" журн., 1988, № 4, Б.147–152; Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991; Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 1996.

бобига чексиз зўр пафос билан ёзилган насрий сарлавҳалар қўяди. Бу сарлавҳалар аслда насрий поэзия бўлиб, Навоийнинг ўзига хос ижод намунасидир. Бу хислат на Фирдавсийда, на Низомийда бордир".[1] Бироқ Т.Жалолов намуна учун бир-икки сарлавҳа ёки жумла келтириш билан чекланиб, уларни шакл жиҳатидан ҳам, ғоявий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилган эмас.

Атоқли навоийшунос С.Эркинов "Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили" номли тадқиқотида достондаги сарлавҳаларга ҳам диққат қаратиб, уларга боб композицияси ва услубининг муҳим таркибий қисми сифатида муносабат билдиради. "Ҳар бир боб тугаши билан янгидан бошланувчи бобнинг сарлавҳаси воқеаларнинг асосий йўналишини белгилаб беради, – деб ёзади у. – Навоий Низомийдан фарқли равишда ҳар бир бобнинг сарлавҳасида содир бўладиган воқеаларнинг мундарижасини бериб боради".[2] У сарлавҳаларнинг маҳорат билан ишланганлигини қайд этиб, мажоз, ташбеҳ ва сажъ каби санъатларга бир қатор мисоллар келтиради.

Академик А.Рустамовнинг "Адиблар одобидан адаблар" номли китобида ҳам қимматли мулоҳазалар мавжуд. Унда "Ҳайрат ул-аброр"даги "Ул Холиқ ҳамдиким..." деб бошланувчи сарлавҳа зукколик билан шарҳланиб, унда акс этган ахлоқий-фалсафий мазмун очиб берилган.[3]

Бу мавзудаги тадқиқотлар ичида академик А.Қаюмовнинг "Хамса" сарлавҳалари" номли асари алоҳида аҳамиятга эга. Агар зикр қилинган ишларда "Хамса"даги айрим сарлавҳаргина таҳлил қилинган бўлса, бу тадқиқот, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, тўлалигича "Хамса" сарлавҳаларининг "мазмуни, бадийяти ва матнининг шарҳ ва талқинига" бағишланган.[4] Китоб бир неча фаслдан иборат. Жомий, Низомий ва Хусрав Деҳлавий, Ҳусайн Бойқаро ва унинг оиласи, шунингдек, бир қатор тарихий шахсларнинг "Хамса" сарлавҳаларида тасвирланиши алоҳида фаслларни ташкил қилади. Кейинги фаслларда "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" сюжети билан боғлиқ сарлавҳалар алоҳида-алоҳида таҳлил қилинган. Устоз навоийшунос ўз эътиборини кўпроқ сарлавҳаларда воқеаларнинг қай тарзда ифодаланишига қаратади. Уларни синчковлик ва нозик дид билан шарҳлаб, қаҳрамонлар саргузашт ва кечинмаларини ёқимли бир услубда изчиллик билан баён қилади. Шунингдек, сарлавҳаларнинг "бадиий либоси"ни ҳам назардан қочирмай, ўрни-ўрни билан муайян сарлавҳадаги бош таъсвирий воситаларни ҳам кўрсатиб боради. Албатта, тадқиқотда сарлавҳалар билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган эмас. Зеро, муаллифнинг ўзи қайд этганидек, ундан кузатилган мақсад ҳам "Хамса" сарлавҳаларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиш эмас, балки "уларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида умумий тушунча туғдирмоқдир".[5]

"Хамса" сарлавҳалари лингвопоэтик аспектда ҳам тадқиқ қилинган. Атоқли тилшунос Н.Маҳмудов бу масалага бағишланган мақолаларида "Фарҳод ва Ширин" достонидаги сарлавҳаларнинг лисоний жиҳатлари, зид маъноли сўзларнинг шоир томонидан бетакрор маҳорат билан қўлланиши, қаршилантириш билан боғлиқ ўзига хос бир усул – ружуъли тарди акс намуналари юзасидан нозик кузатишларини баён қилади.[6]

---

[1] Жалолов Т. "Хамса" талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968, Б.148.
[2] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.200.
[3] Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б.64
[4] Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.4.
[5] Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Б. 59.
[6] Маҳмудов Н. Мухтасар ва кўркам баён. // Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 97–102 б.; Маҳмудов Н. Сарлавҳалар лингвопоэтикаси (Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги боблар мисолида). // Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби. Республика илмий анжумани материаллари. II китоб. – Тошкент, 1916. – 137–140 б.

Сарлавҳаларнинг “Хамса” достонларининг бадиий тўқимасида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. “Ҳар бир сарлавҳа ўша бобнинг сиқиқ жумлаларда, ихчам қилиб баён этилган мазмунидир”,[1] – деб ёзган эди Т.Жалолов бу ҳақда. Кейинги давр тадқиқотчилари ҳам унга яқин фикр билдирадилар. “Барча сарлавҳалар, – деб ёзади А.Қаюмов, – боблар мазмунини ташкил этувчи воқеаларнинг қисқача баёнидан иборат”.[2] “Сарлавҳаларнинг ҳаммаси бир жойга жамланса, – деб деб таъкидлайди у бошқа ўринда, – бутун достоннинг Навоий томонидан тузилган насрий баёни юзага келади”.[3] А.Рустамов бу ҳақда шундай деб ёзади: “Навоийнинг “Хамса”сида ҳар бир бобга қўйилган сарлавҳа шу боб мундарижасини ташкил қилади”.[4] Н.Маҳмудовнинг фикрича, “Ҳар бир сарлавҳа бобдаги воқеа ва фикрнинг беҳад мухтасар ва кўркам баёнидан иборат”.[5] Бу иқтибослардаги фикрларни умумлаштириб, шундай баён қилиш мумкин: *сарлавҳалар бобларда баён қилинган фикр ва воқеаларнинг қисқача ва ихчам ифодасидир.*

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сарлавҳаларнинг вазифаси воқеаларни қисқача баён қилишдангина иборат эмас. Уларда “Хамса” достонларининг мавзу ва ғоялар олами, қаҳрамонлар талқини ҳақида ҳам ғоят муҳим қайд ва ишоралар мавжуд. Шу маънода ҳар бир сарлавҳани, худди шоир девонининг дебочалари каби, боб учун ўзига хос ***дебоча*** деб айтиш мумкин.

Шу ўринда сарлавҳалар тадқиқидаги бир жиҳатга эътибор қаратишга тўғри келади. Маълумки, бадиий асарда мазмун бирламчи бўлиб, бадиий шаклнинг барча унсурлари: образ, сюжет, композиция ҳамда бадиий тасвир воситалари унинг ёрқин ва мутаассир ифодасига хизмат қилади. Бинобарин, асар мазмунини унинг шаклидан, бадиий шаклни эса мазмундан айро ва алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу фикр сарлавҳаларга ҳам тааллуқлидир. Сарлавҳалар ҳам ўзи мансуб бўлган боб, қолаверса, бутун достоннинг ажралмас таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида, достоннинг умумий мазмуни ва матнидан ажралган ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди. Аммо мавжуд тадқиқотларда бу қоидага амал қилинган эмас: сарлавҳа ва боблар бирбири билан қиёсланиб, биргаликда, бир бутун ва яхлит ҳолда ўрганилиб, уларнинг ҳақиқатан ҳам “бобнинг сиқиқ жумлаларда, ихчам қилиб баён этилган мазмуни” эканлиги очиб берилмаган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

1) сарлавҳаларнинг ўзига хос поэтикаси;
2) сарлавҳаларнинг боб бадиий тўқимасида тутган ўрни;
3) сарлавҳаларда шоир ғоявий ниятининг ифодаланиши;
4) сарлавҳаларда ғоявий мазмун инъикоси;
5) сарлавҳалар бадийяти.

Албатта, Навоий “Хамса”сидаги барча сарлавҳаларнинг бир тадқиқот доирасига сиғмаслиги ўз-ўзидан аён. Чунки, биринчидан, улар анчагина салмоқли миқдорни ташкил қилади: *беш достонда икки юз етмишдан ортиқ сарлавҳа* бор. Иккинчидан, ҳар бир достон ўзига хос ғоявий мазмунга эгаки, бу ҳол сарлавҳаларнинг ҳажми, мазмуни ва бадиийтида ҳам фарқли хусусиятларни юзага келтиргани шубҳасиз. Шунинг учун ҳам сарлавҳаларни “Фарҳод ва Ширин” асосида ўрганишни, зарур ўринларда бошқа достонлар сарлавҳаларига ҳам мурожаат қилишни лозим топдик.

---

[1] Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Б.149.
[2] А.Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. – Б.56.
[3] А.Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. – Б. 95.
[4] Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Б.64.
[5] Маҳмудов Н. Мухтасар ва кўркам баён. – Б.97.

I БОБ
САРЛАВҲАЛАР ПОЭТИКАСИ

1-ФАСЛ. СЎЗ ВА ЖУМЛА

Маълумки, “Фарҳод ва Ширин” достони эллик тўрт бобдан иборат. Шундан дастлабки ўн бир боб достоннинг муқаддимасидир: I-III боблар Яратувчи Аллоҳга муножот ҳамда Ҳақнинг оти ва Унинг Қайюми мутлақ сифоти ҳақидаги ҳамд, IV боб Пайғамбар саллалоҳу алайҳи ва салламнинг қуёшдек равшан рухсори ва тун сингари қора зулфи мадҳ этилган наътдан иборат бўлса, V бобда меърож воқеаси тасвирланган. “Қалам васфидаким...” деб бошланувчи VI бобда қалам ва қаламкашлар, “Ҳазрати шайх ул-исломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳидаким...” деб бошланувчи VII бобда эса шоирнинг устози ва пири муршиди Нуриддин Абдураҳмон Жомий васф этилган. Шундан сўнг “Фарҳод ва Ширин” достонининг ғоявий-бадиий оламини англашда ғоят муҳим ўрин тутувчи икки боб келади: VIII ва IX бобларда анъанавий сюжетга “ўзгача тарҳ солиш зарурати”: ёзилажак достонда “саросар Хусравга маддоҳ бўлмай”, “Фарҳоду Ширидин ҳикоят” қилишининг сабаблари ҳақида сўз юритилган. Муқаддимада темурий ҳукмдорларга бағишланган иккита боб ҳам бор: X боб шоҳ Ҳусайн Бойқаро, XI боб эса валиаҳд Бадиуззамон мирзо мадҳидан иборат. Достоннинг асосий воқеалари: Фарҳоднинг Хоқон хонадонида дунёга келиши; ёшлик чоғларида барча илм ва ҳунарларни мукаммал эгаллаб, камолот касб этиши; отаси билан Юнон мамлакатига сафар қилиб, аждаҳо, дев ва Искандар тилсимини маҳв этиши; Оинаи Искандарийда Ширин жамолини кўриб, унга ошиқ бўлиши; кема ҳалокатига учраб, Шопур билан бирга Арманияга келиши; ариқ ва ҳовуз қазиб Ширин ва Меҳинбонунинг меҳрини қозониши; Арманияни жоҳил ва золим Хусравдан ҳимоя қилиб, макр-ҳийла қурбони бўлиши қирқ бир бобда ҳикоя қилинган. Достоннинг сўнгги икки боби ўзига хос хотима: XLIII боб Ҳусайн Байқаронинг ўғли Шоҳғариб мирзога насиҳат тарзида битилган бўлса, XLIV боб ўзига хос фахриядир.

Достондаги сарлавҳалар II бобдан бошланади. Яратувчига муножот тарзида ёзилган биринчи бобда сарлавҳа мавжуд эмас. Биринчи бобларнинг сарлавҳасиз бўлиши “Хамса”даги бошқа достонларга ҳам хос бўлиб, бу ҳолни уларнинг “басмала”лик хусусияти билан изоҳлаш мумкин. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги кейинги эллик уч бобнинг барчасига сарлавҳа қўйилган.

Бобларнинг ҳажми бир хил бўлмаганидек, улардаги сарлавҳаларнинг ҳажми ҳам бир хил эмас. Достонда 30-40 сўздан иборат кичикроқ сарлавҳалар билан бирга, 80-100 сўздан ташкил топган йирик сарлавҳалар ҳам мавжуд. Достондаги энг кичик сарлавҳа *“Бу шавқ достонининг “алифлари”...* деб бошланувчи II бобнинг сарлавҳасидир, сарлавҳа ҳаммаси бўлиб 29 сўздан иборат: *Бу шавқ достонининг “алиф”лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва “лом”лари бинафша зулфлар туррраси янглиғ дилкаш эрконига боис феҳрастида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси қайюми мутлақ сифоти била мутарро эрконининг баёни*.[1]

Энг йирик сарлавҳа эса хоқоннинг Фарҳод билан денгиз сафарига чиқиши, денгизда қаттиқ бўрон кўтарилиб, Фарҳоднинг кема синиғи устида қолиши тасвирланган XXVIII боб сарлавҳаси бўлиб, унда 131 та сўз қўлланган: *Хоқон била Фарҳоднинг сипеҳр тавсанидек хинглардин иниб, фалак бухтисидек жунгларга миниб, Чин сипоҳининг сабо хайли дарё юзиға чин солғондек, баҳр майдониға сабодек бетаҳоши кирмоклари ва муқаввас фулклар била*

[1] Фарҳод ва Ширин. // Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 8 (Бундан кейинги манбаси кўрсатилмаган иқтибослар ана шу нашрдан олинган).

тийрлари фалак қавси била қазо ўқидин нишона кўргузмак ва наҳангваш жунг оғзи била бодбонлар кафан пардаси била гўр оғзидин фасона тузмак ва сафойин ғаройибидин неча ҳарфи айтмоқ ва амвож навойибидин неча нақши тортмоқ ва сарсарнинг золим сипоҳи дарё оламидин рустхез чиқариб "ва изал-биҳору фужжират" тафсирин мавж хутутидин баҳр саҳифасида сизмоқ ва кўлокнинг ниҳоятсиз тоғларининг таоқуби "ва изал-жиболу суййират" маъносин кема тийри нуги била фалак авроқига ёзмоқ ва кўпрак фалакваш кемани фано наҳанги ютмоқ ва дарёваш сафиналар адам дарёси тубин тутмоқ ва Хоқонни дарё талотуми Мулкоро била Чин мулкига солмоқ ва Фарҳод ишқ дарёсида қолғондек ул хунхор баҳр аро тахтапора узра қолмоқ.

Достондаги 53 сарлавҳани таркибидаги сўзларнинг миқдорига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) 29 сўзли сарлавҳа – 1 та; 2) 30-40 сўзли сарлавҳалар – 2 та; 3) 40-50 сўзли сарлавҳалар – 6 та; 4) 50-60 сўзли сарлавҳалар – 11 та; 5) 60-70 сўзли сарлавҳалар – 15 та; 6) 70-80 сўзли сарлавҳалар – 8 та; 7) 80-90 сўзли сарлавҳалар – 7 та; 8) 90-100 ва ундан ортиқ сўзни ўз ичига олган сарлавҳалар – 3 та. Сарлавҳалардаги сўзлар миқдорини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Боблар	сўзлар сони	Боблар	сўзлар сони	Боблар	сўзлар сони	Боблар	сўзлар сони	Боблар	сўзлар сони
I	-	XII	67	XXIII	51	XXXIV	66	XLV	55
II	29	XIII	59	XXIV	65	XXXV	97	XLVI	58
III	46	XIV	51	XXV	82	XXXVI	62	XLVII	60
IV	49	XV	76	XXVI	58	XXXVII	82	XLVIII	51
V	44	XVI	74	XXVII	63	XXXVIII	86	XLIX	85
VI	46	XVII	108	XXVIII	131	XXXIX	63	L	57
VII	31	XVIII	63	XXIX	87	XL	76	LI	64
VIII	67	XIX	47	XXX	50	XLI	65	LII	61
IX	71	XX	61	XXXI	79	XLII	81	LIII	58
X	43	XXI	75	XXXII	67	XLIII	79	LIV	65
XI	35	XXII	53	XXXIII	74	XLIV	80		

Сарлавҳалардаги сўзларнинг миқдорий таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкин: уларнинг аксарияти 50-60 ва 60-70 сўзли сарлавҳалардир. Бундай сарлавҳаларнинг сони 26 та бўлиб, улар сарлавҳалар миқдорининг деярли ярмини ташкил қилади. 70-80 ва 80-90 сўзли сарлавҳалар ҳам достонда анчагина: 15 та. 30-40 сўзли ва ундан кичик, 90-100 сўзли ва ундан катта ҳажмдаги сарлавҳалар эса достон учун характерли эмас.

Сарлавҳаларнинг тузилиши кўздан кечирилганда уларнинг ҳажми асардаги бобларнинг мазмуни: бобда тасвирланган воқеа, фикр ёки кечинмалар билан узвий боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Муқаддимадаги ўнта сарлавҳадан саккизтаси 40-50 ва ундан кам сўзни ичига олган сарлавҳалар гуруҳига мансуб: II сарлавҳа 29, III сарлавҳа 46, IV сарлавҳа 49, V сарлавҳа 44, VI сарлавҳа 46, VII сарлавҳа 31, X сарлавҳа 43, XI сарлавҳа эса 35 сўздан иборат. Агар мазкур бобларнинг мазмунига назар солинадиган бўлса, уларнинг кўпчилиги мадҳ ёки васф характерида эканлигини кўриш мумкин. Мадҳнинг тасвир доираси, маълумки, унчалик кенг эмас: унда мамдуҳнинг бир ёки бир неча сифатларигина таъриф-тавсиф этилади, холос. Бинобарин, мадҳ сарлавҳаларнинг нисбатан қисқа бўлиши табиий ҳолдир.

Муқаддимадан фарқли ўлароқ, достоннинг асосий қисмидан ўрин олган бобларда қаҳрамонларнинг бирор ибратли фазилати эмас, балки уларнинг саргузашт ва кечинмалари ҳикоя қилинган. Муайян саргузашт эса бир эмас, бир неча воқеа ҳамда улар билан

боғлиқ лавҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун Фарҳод ва Ширинниng саргузаштлари тасвирланган бобларнинг сарлавҳалари йирик ҳажмли бўлиб, XIX бобнинг сарлавҳасини ҳисобга олмаганда (унда 47 сўз мавжуд), улардаги сўзлар миқдори 50 дан 90 гача, учтасида эса ундан ҳам ортиқ: 97 (XXXV боб), 108 (XVII боб), 131 (XXVIII боб). Бу ҳол сарлавҳалар ҳажмининг боб мазмуни билан узвий боғлиқ бўлиб, бобларга сарлавҳа қўйишда улуғ шоир мазмун тақозоси билан иш кўрганлигини кўрсатиб туради.

Сарлавҳаларнинг мазмуний мундарижаси ва бадиийтини белгилашда, аввало, жумла, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жумлалараро шаклий ва мазмуний муносабатни тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади. Сарлавҳалардаги тугал мазмунни ўз ичига олган бир бўлак бир жумлани ташкил қилади. Ҳусайн Байқаро мадҳ этилган X бобнинг қуйидаги сарлавҳасини кўриб чиқайлик: *Тезрав хомани мистар шоҳроҳига кийгурмак ва содарў нома майдонини шоҳ мадҳи айтурға кирпик била супурмак, балки обдор нуктадин сув уруб, ул хомани маддоҳлардек бу майдонға солиб, маърака тутмоқ ва бу гарм маърака бирла ҳар маддоҳеки, бир шоҳ учун мадҳ айтиб турур, маъракасин совутмоқ.*

Мазкур сарлавҳада қуйидаги мазмуний бўлаклар мавжуд: *Тезрав хомани мистар шоҳроҳига кийгурмак // ва содарў нома майдонини шоҳ мадҳи айтурға кирпик била супурмак, // балки обдор нуктадин сув уруб, ул хомани маддоҳлардек бу майдонға солиб маърака тутмоқ // ва бу гарм маърака бирла ҳар маддоҳеки, бир шоҳ учун мадҳ айтиб турур, маъракасин совутмоқ.* Демак, сарлавҳа тўрт жумладан ташкил топган. Ҳар бир жумлада бир тугал мазмун ифода этилган бўлиб, уларни қисқача шундай ифодалаш мумкин: (1) *қўлга қалам олиб шоҳ мадҳига киришмоқ*; (2) *шоҳни мадҳ қилиш учун нома юзини тозаламоқ*; (3) *қаламни маддоҳлардек нома юзига солмоқ*; (4) *бу билан бошқа мадҳгўйларни ортда қолдирмоқ.*

Достондаги бошқа сарлавҳалар ҳам ана шундай жумлалардан ташкил топган. Масалан: *Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағриға ков-ков солғон садони Ширин эшитгони ва қуёш тоғдин тулуъ қилғондек ул кўҳи бало сарвақтиға етгони ва анинг метини ламъасининг барқи мунинг хородек кўнглига асар этгони ва қуёш тупроққа нур сочқондек ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетгони ва умри қуёши бошиға келгач, анинг ҳаёти шамъи ўчгонига Шопурнинг шамдек куюб йиғлаб бошиға ўт чиқорғони ва ўлукни маҳдға солғондек ул қуёш они туфроғдин кўтариб беҳишт осо манзилиға олиб борғони.* Фарҳод билан Ширин ўртасидаги илк учрашувнинг ҳаяжонли онлари тасвирланган XXXI бобнинг ушбу сарлавҳаси олти жумладан иборат: (1) *Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағриға ков-ков солғон садони Ширин эшитгони* (2) *ва қуёш тоғдин тулуъ қилғондек ул кўҳи бало сарвақтиға етгони* (3) *ва анинг метини ламъасининг барқи мунинг хородек кўнглига асар этгони* (4) *ва қуёш тупроққа нур сочқондек ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетгони* (5) *ва умри қуёши бошиға келгач, анинг ҳаёти шамъи ўчгонига Шопурнинг шамдек куюб йиғлаб бошиға ўт чиқорғони* (6) *ва ўлукни маҳдға солғондек, ул қуёш они туфроғдин кўтариб беҳишт осо манзилиға олиб борғони.*

Жумлаларнинг ўзига хос шаклий белгиларга эга эканлиги кўзга ташланади. Хусусан, X бобнинг биринчи жумласида *кийгурмак,* иккинчи жумласида *супурмак,* учинчи жумласида *тутмоқ,* тўртинчи жумласида *совутмоқ*; XXXI бобнинг биринчи жумласида *эшитгони*, иккинчи жумласида *етгони,* учинчи жумласида *этгони,* тўртинчи жумласида *кетгони*, бешинчи жумласида *чиқорғони* ва олтинчи жумласида *олиб борғони* сўзлари жумлаларни якунлаб ва айни чоғда, уларни бир-биридан ажратиб, жумлаларга тугал оҳанг бағишлаган. Ҳар бир сарлавҳа ана шундай тугал мазмун ва оҳангга эга бўлган бир ёки бир неча жумладан ташкил топган. Хусусан, достонда бир жумлали сарлавҳалар 4 та, икки жумлали сарлавҳалар 5 та, уч жумлали сарлавҳалар 8 та, тўрт жумлали сарлавҳалар 6 та, беш жумлали сарлавҳалар 10 та, олти жумлали сарлавҳалар 8 та, етти жумлали сарлавҳалар 9 та, саккиз

жумлали сарлавҳалар 1 та, тўққиз жумлали сарлавҳалар йўқ, ўн жумлали сарлавҳалар 1 та, ўн бир жумлали сарлавҳалар 1 та. Муайян сарлавҳа ва ундаги жумлалар миқдорини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

боблар	жумла сони	боблар	жумла сони	боблар	жумла сони	боблар	жумла сони	боблар	жумла сони
I	-	XII	5	XXIII	5	XXXIV	8	XLV	4
II	1	XIII	5	XXIV	5	XXXV	5	XLVI	1
III	4	XIV	3	XXV	7	XXXVI	3	XLVII	5
IV	5	XV	2	XXVI	5	XXXVII	10	XLVIII	5
V	3	XVI	6	XXVII	2	XXXVIII	5	XLIX	7
VI	7	XVII	1	XXVIII	11	XXXIX	6	L	3
VII	2	XVIII	7	XXIX	6	XL	7	LI	7
VIII	3	XIX	3	XXX	4	XLI	7	LII	4
IX	6	XX	2	XXXI	6	XLII	6	LIII	2
X	4	XXI	4	XXXII	6	XLIII	6	LIV	7
XI	1	XXII	3	XXXIII	3	XLIV	6		

Фарҳод ва Ширин. – Б.45.

Маълум бўладики, достондаги сарлавҳаларнинг кўпчилиги 3-7 жумлали бўлиб, уларнинг сони 41 та. Бу сарлавҳалар ичида ҳам энг кўпини 5-7 жумлали сарлавҳалар ташкил қилади, уларнинг сони 27 та. Албатта, сарлавҳаларнинг кўпроқ 5-7 жумладан иборат эканлиги бежиз бўлмаса керак. Зероки, достондаги сарлавҳалар билан Навоийнинг лирик асарлари, хусусан, ғазаллари ўртасида маълум алоқадорлик кўзга ташланади. Уларни яратишда шоир лирик шеърлардан андоза олган бўлса ажаб эмас, чунки ўзбек мумтоз адабиётидаги ғазалларнинг ҳам аксарият ҳолларда 5-7 байтли бўлгани маълум.[1]

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, сарлавҳалардаги жумлалар миқдори сўзлар миқдорига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди: бир сарлавҳада сўз кўп, аммо жумла оз ёки аксинча, бошқасида сўз оз, жумла кўп. Масалан, XXXII бобнинг сарлавҳаси 67 сўздан иборат бўлиб, 6 жумлага бўлинган: (1) *Фарҳоднинг мадҳуш димоғига ҳуш боғидин насим етмак* (2) *ва насимдек тебраниб тоғ сари азимат этмак* (3) *ва теша бирла тоғ бағрин ёрмоқ, балки тоғ пораларни ҳавоға учирмоқ била қиёмат қўпормоқ* (4) *ва Шопур ани пайдо қилиб, Ширинни анинг ғами ишқи шайдо қилмоқ* (5) *ва Ширинниng кўнгли хорасини анинг тешаси фикри хорош қилғонин Миҳинбону маълум қилиб, тешадек тафаккур бошин қуйи солмоқ* (6) *ва гоҳи дилжўйлуқ била ул бедилға кўнгул бермак, балки кўнглин олмоқ.*

XVIII боб сарлавҳасида эса XXXII боб сарлавҳасига қараганда сўзлар миқдори озроқ – 63 та, лекин шунга қарамай, жумлалар сони кўпроқ – 7 та: (1) *Хоқоннинг хонлиғ тожин ўз гавҳари била аржуманд сармоя қилурнинг можароси* (2) *ва жаҳонбонлиқ тахтин ўз нақди била баланд поя этарнинг муддаоси* (3) *ва ўз қариғонидин боши оқорғон саргузаштин демоқ* (4) *ва кўзи адам уйқусиға майл қилғон афсонасин айтмоқ* (5) *ва Фарҳоднинг тож соясидин бошин қочуруб, тахт поясидин аёғин яшурмоқ* (6) *ва бошин Хоқон тахти оёғиға қўюб узр айтмоғи* (7) *ва узри бошдин аёқ Хоқон кўнглига ёқиб ўз сўзидин қайтқони.*

XVII боб сарлавҳаси достондаги энг катта сарлавҳалардан биридир, унда 108 сўз бор. Лекин сарлавҳа бор-йўғи биргина жумладан иборат, холос: *Баҳор насими нафас била лола ўтун ёрутуб, ғунча пардасин очқонда, балки лолау гул яфроғларин чаман гулрухлари бошиға*

[1] Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.19.

сочқонда, Хоқон Фарҳод била гулнорий қаср майли қилиб, гулгун май ўти била базм равшан этиб; чаман раёҳиндин ҳоли бўлиб, ашжор хизрваш яфроғлар била сипеҳри аҳзардин намуна бўлғонда, райҳоний қасрда тараб баргин тузотиб, роҳи райҳоний ичиб; дарахт яшил кисватин заъфароний ҳуллаларға бадал қилғонда, заъфароний қасрда олтун соғарға асфар май тўкуб; дай тожири боғ либосин кофур кирдор қилиб, балки тоғу саҳроға кофурбор бўлғонда, қасри кофурий аро биллургун қадаҳ ичра кофурий мизож май нўш этиб; ҳар ҳадиқада уч ой нишот қилиб, бир йилни бу навъ тараб била ўткариб, Хоқон Фарҳоднинг мизожига илож қила олмоғони.

Бунинг сабаби шуки, жумлалар тузилишининг ўзи ҳам бир хил эмас: баъзилари соддароқ бўлса, баъзилари мураккабдир. XVIII боб сарлавҳаси нисбатан содда жумлалардан тузилган, шунинг учун ундаги жумлалар миқдори кўпроқ. XXXII боб сарлавҳасидаги аксарият жумлалар содда бўлса ҳам, тўртинчи жумла қўшимча бўлак билан кенгайган: ва Шопур ани пайдо қилиб, *Ширинни анинг ғами ишқи шайдо қилмоқ.* XVII боб сарлавҳасида эса бир неча жумлалар бир-бири билан қўшилиб, бир мураккаб жумла пайдо қилган. Аслини олганда, сарлавҳа беш мазмуний бўлакдан иборат: йилнинг тўрт фаслида тўрт фаслга мос тўрт қасрда Хоқон билан Фарҳоднинг тараб базмини тузиб, май ичишлари баён қилинган тўрт жумла ва ҳар боғда бир фаслни хурсандчилик билан ўтказиб ҳам Хоқоннинг Фарҳод кўнглидаги ғамларни кеткиза олмаганлиги тасвирланган бешинчи жумла. Бироқ шоирнинг мақсади *бир йилни бу навъ тараб била ўткар*иш эмас, балки *Хоқоннинг Фарҳод мизожига илож қила олмоғони*ни тасвирлаш. Шунинг учун шоир аввалги тўрт жумлани тугатмай, уларни сўнгги жумланинг мазмунини кучайтирувчи ўзига хос изоҳ бўлакларга айлантирган, натижада бутун сарлавҳа бир жумла ҳолига келган.

Қўшимча бўлаклар билан кенгайган ёки бир неча жумлаларнинг бирикувидан ҳосил бўлган жумлаларни *кўп қисмли жумлалар* деб айтиш мумкин. Сарлавҳаларда кўп қисмли жумлаларнинг юзага келиш усуллари ранг-баранг бўлиб, қуйидаги усуллар нисбатан кўпроқ учрайди:

а) изоҳлаш;

б) санаш-таъкидлаш;

в) ўхшатиш.

Изоҳлаш усулида қўшимча бўлак бутун жумла ёки унинг бирор қисмини изоҳлаш мақсадида киритилиб, изоҳ қисм асосий бўлак билан одатда *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади. Масалан, XIV бобнинг сарлавҳасида “шабоб гулшани” – ёшлик айёми изоҳланиб, унинг хусусиятлари Фарҳоднинг зиддиятли ҳолатига қарама-қарши қўйилган: *Фарҳоднинг шабоб гулшанидаким,* тараб гулбунининг нишот гуллари очмоқ маҳалли дурур**,** *дард хорлари кўргузмоки ва булбулдек шавқ ўти хорхоридин фиғон тузмоки*. XXXVIII бобнинг сарлавҳасидан олинган қуйидаги жумлада эса Армания қўрғонининг баландлигига изоҳ берилган: *Миҳинбону Армания қўрғонинким,* ҳар буржи рифъатда секизинчи ҳисорнинг ўн икки буржидин бош ўткариб, ҳар кунгураси тўққизинчи ҳисн учиға хишт еткуриб эрди**,** *беркитгони*.

Санаш-таъкидлаш усули кўпинча *-иб (-б)* ёки *-гач* қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилиниб, бир жумлада кетма-кет содир бўлувчи бир неча воқеани баён қилиш учун қўлланган. Натижада жумла бир неча ички қисмларга бўлиниб кетган. Масалан, қуйидаги жумла икки қисмдан иборат: (1) Золи маккора, балки Фарҳодкуши хунхоранинг тийғи забонин тез этиб, **(**2) *Фарҳод қатлини ангез этгони* (396). Фарҳоднинг Аҳраман билан жанг қилиш учун йўлга тушиши тасвирланган бошқа жумла тўрт қисмга бўлинган: (1) Фарҳоднинг девбод хиромлиқ девзоди устига секриб, (2) Аҳраман бешаси азмиға секратиб, (3) ул ваҳшатзой, балки савдо афзой бешаға кириб, (4) *Аҳраман манзилиғача суриб етгони*.

Ўхшатиш усули *-дек* қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлиб, қисмлар ўртасида ташбеҳий муносабат мавжуд бўлади: Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтурғондек, *ул беша Аҳраманин қатл этгони*. Ёки: (Ширинниng) қуёш тоғдин тулуъ қилғондек, *ул кўҳи бало сарвақтиға етгони*; ёки: қуёш тупроққа нур сочқондек, *ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетгони;* ёки: ўлукни маҳдға солғондек, *ул қуёш они туфроғдин кўтариб, беҳишт осо манзилиға олиб борғони*.

Баъзан бу усуллар бир жумлада баравар қўлланиши ҳам мумкин. Қуйидаги жумлада *-иб* ва *-дек* қўшимчали қисмлар кетма-кет келган: (1) Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳ пайкарига миниб, (2) аждаҳокушлик тийғин чекиб, (3) аждаҳо водийсига кириб, (4) аждаҳо уни ўқ йилонидин дамор чиқорғондек, (5) *аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи*. Кўп қисмли жумлаларнинг сарлавҳалар поэтикасида алоҳида ўрни бор. Бир жумланинг бир неча қисмга бўлиниши, биринчидан, жумланинг ортиқча чўзилиб кетишига барҳам берса, иккинчидан, ҳажман бир-бирига тенг бўлакларнинг юзага келтириб, жумлада ёқимли оҳанг пайдо қилади.

Жумла сарлавҳаларни фақат мазмун ва оҳанг жиҳатидан шакллантирувчи бўлаккина эмас, айни чоғда, уларнинг бадиийтини ҳам белгилаб, ҳам шаклан, ҳам мазмунан етук ва жозибадор бўлишига хизмат қилувчи бадиий усул ва воситалар юзага чиқувчи поэтик майдон ҳам. Сарлавҳалардаги ҳар бир жумлани ўзига хос кичик бир бадиий лавҳа деб айтиш мумкин. XII боб сарлавҳаси беш жумладан иборат бўлиб, бешинчи жумлада шоир Фарҳоднинг дунёга келишини шундай тасвирлайди: *дард боғи ғунчаси ва бало чамани шукуфаси, яъни шаҳзода Фарҳоднинг адам шабистонидин вужуд гулшаниға келганин қалам булбули тилидин сайрамоқ*. Шоирнинг ўз таъбири билан айтадиган бўлсак, шоир қаламининг булбули мажоз тили билан сайрашга киришиб, жумла бўстонини истиораларнинг хушнаво садолари билан тўлдирган: *дард боғи ғунчаси, бало чамани шукуфаси, адам шабистони, вужуд гулшани, қалам булбули. Дард боғи ғунчаси ва бало чамани шукуфаси* (очилган гули), албатта, Фарҳод. Уларда Фарҳоднинг келажак қисмати ва руҳий олами жуда аниқ ифодаланган. У *адам шабистони,* яъни йўқлик зулматидан *вужуд,* яъни борлиқ *гулшани*га келар экан, ишқ дарди боғининг ғунчаси ва ишқ балоси чаманининг очилган гули бўлиб қолажак.

XXXIII боб сарлавҳасидан олинган қуйидаги жумла ташбеҳ санъати билан зийнат топган: *"Баҳр ун-нажот" ҳавзин қаср олинда метини хоро шигоф била намудор қилиб, ул ҳавз ва ариқ атрофин сафода биллур кирдор ва жилода Оинайи чиний даври била дастасидин намудор қилғони.* Жумлада айтилишича, Фарҳод тешаси билан тоғ кесиб, Ширин учун ариқ ва ҳовуз қазади, ҳовуз ва ариқ атрофини тешаси билан силлиқлаб, шундай оро берадики, *ул ҳавз ва ариқ сафода биллурмонанд ва жилвада Чин оинасининг даври ва дастасидан бир мисол* бўлиб қолади. Чин оинаси ёки Оинайи чиний Фарҳод отасининг хазинасида кўрган ва Ширинни излаб йўлга тушишига сабабчи бўлган ўша машҳур оина. Унинг иккинчи номи Оинайи Искандарий. Бу оинани Искандар тўрт юз олимга Чин мамлакатида ясаттирган. Унинг гоҳ Оинайи чиний, гоҳ Оинайи Искандарий деб аталиши ҳам шу туфайлидир. Жумлада ҳовуз ва унга қуйилаётган ариқ Оинайи чинийга ўхшатилган: *ҳовуз Оинайи чинийнинг думалоқ ойнаси бўлса, ариқ унинг дастаси!*

Жумлада ташбеҳ санъати билан бирга, унинг тузилишига алоҳида кўрк ва ёқимли оҳанг бағишлаган сажъ санъатининг ҳам нодир намуналари мавжуд: *сафо=жило, биллур кирдор=намудор.* Умуман, сажъ сарлавҳаларда жуда кенг қўлланган тасвирий воситалардан бири бўлиб, бошқа лафзий ва маънавий санъатлар билан биргаликда жумлаларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан гўзал бўлишига хизмат қилган. Қуйидаги жумлада сажъ ружуъ санъати билан биргаликда намоён бўлган: *Ул кўзгуга тамошо қилғач, Арман кишвари, балки Эрам боғи ва Арман водийси, балки ҳайрат тоғи анга ҳиляйи намойиш ва жилвайи оройиш*

қилмоғи. Унда тасвирланишича, Фарҳод Оинайи чиний тилсимини очиб, унга назар солгач, кўз олдида Арман кишвари ва Арман водийси намоён бўлади. *Йўқ,* – дейди шоир ружуъ санъатини ишга солиб, – кўзгу юзида *ҳиляйи намойиш ва жилвайи оройиш қилган Арман кишвари ва Арман водийси эмас, балки Эрам боғи ва ҳайрат тоғидир.* Шоир ўз фикридан қайтар экан, Арман кишвари ва Арман водийсини Эрам боғи ва ҳайрат тоғига нисбат бериб, Арман кишвари ва Арман водийсининг аввалгидан-да ёрқинроқ тасвирини яратади: Арман кишвари оддий кишвар эмас, балки Эрам боғи, чунки у афсонавий Эрам боғидек гўзал; Арман водийси оддий водий эмас, балки ҳайрат тоғи, чунки Фарҳод ва Ширинниng тоғда кўришмоқлари, Суқрот ҳаким башорат қилганидек, тақдири азал. Шунинг учун Арман кишвари ва Арман водийси кўзгу юзида шунчаки юз кўрсатмайди, балки *ҳиляйи намойиш ва жилвайи оройиш,* яъни жилвали чирой, чиройли жилва намоён қилади. Жумладаги сажълар: *Эрам боғи=ҳайрат тоғи; ҳиляйи намойиш=жилвайи оройиш.*

Жумланинг сарлавҳалар бадиий тўқимасида тутган ўрни ва аҳамиятини шеърий асарлардаги байтга қиёслаш мумкин. Жумла ҳам, байт сингари, сарлавҳаларнинг кичик таркибий қисми бўлиб, шеърий асарларда ғоявий мазмун ва унинг таъсирчан ифодаси учун хизмат қилувчи бадиий воситалар аввало байтда юзага чиқса, сарлавҳаларда жумла доирасида намоён бўлади. Бинобарин, ҳар бир жумла қуйидаги икки хусусиятга эга:

1) тугал бадиий мазмун;

2) тугал бадиий ифода.

Шу маънода жумлани сарлавҳаларнинг мазмун ва услубини шакллантиришга хизмат қилувчи кичик матний бўлак деб айтиш мумкин.

2-ФАСЛ. КОМПОЗИЦИЯ ВА УСЛУБ

Жумла сарлавҳаларнинг мазмун ва услубини шакллантиришга хизмат қилувчи кичик матний бўлак экан, ўз-ўзидан жумлалараро боғланиш: жумлаларни бир-бири билан боғлаб, сарлавҳада мазмуний ва услубий изчилликка хизмат қилувчи ўзига хос бадиий воситалар масаласи келиб чиқади. Бундай воситалар орасида ўтмиш адабиётида етакчи ўрин тутган анъанавий тасвир воситаларининг алоҳида ўрни бор.

Адабий асарда мазмун ҳам, шакл ҳам ғоят серқирра бўлганидек, тасвирий воситалар ҳам уларнинг турли томонларига мансуб бўлиб, хилма-хил вазифаларни бажариши мумкин.[1] Жумладан, ташбеҳ, истиора, талмеҳ каби санъатларнинг вазифаси фикр, туйғу ёки кечинмани аниқ ва ёрқин шакллантириш бўлса, ийҳом санъатининг вазифаси фикрнинг серқатлам бўлиши, ҳусни таълил, тамсил, ирсоли масал каби санъатларнинг вазифаси фикрни бадиий асослаш, тарсеъ, тажнис каби санъатларнинг вазифаси эса байтнинг хушоҳанг ва ёқимли жаранглашига хизмат қилишдир. Тасвирий воситалар ичида бевосита асарнинг бадиий қурилиши билан алоқадор бўлган санъатлар ҳам бор. Уларнинг вазифаси турли қисмларни бир-бири билан боғлаб, бадиий асарда мазмуний ва шаклий изчиллик яратишдан иборат. Атоқли адабиётшунос Ё.Исҳоқов Навоий лирикасида учрайдиган бу каби санъатларни таҳлил қилар экан, уларни *композицион-стилистик санъатлар* деб номлаб, улардан иккитаси: *раддул-матлаъ* ҳамда *раддул-қофия* санъатлари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилади.[2]

Раддул-матлаъ ва раддул-қофиядан фарқли ўлароқ, шундай тасвирий воситалар ҳам борки, уларни тўғридан тўғри композицион-стилистик санъатлар қаторига қўшиш қийин. Чунки бундай санъатлар асар композицияси билан бевосита боғлиқ эмас: улар аввало ё шаклий мукаммаллик, ёки мазмуннинг таъсирчан ифодаси учун хизмат қилади. Бироқ, шу билан бирга, уларнинг асар турли қисмларини ўзаро боғлаб, улар ўртасида муайян алоқадорлик ва изчиллик ҳосил қилиши ҳам кўзга аён ташланиб турадики, бу жиҳатдан уларнинг композицион имкониятларини ҳам инкор қилиш мумкин эмас. Бинобарин, уларни ҳам шартли равишда композицион-стилистик санъатлар қаторига киритиш мумкин. *Сажъ, илтизом, тарсеъ, тарди акс, ружуъ, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ, таносуб, тамсил* ана шундай санъатлар жумласидандир. Бу санъатларнинг баъзилари бадиий асарда, хусусан, “Хамса” сарлавҳаларида шаклий изчилликни юзага келтирса, баъзилари мазмуний мутаносиблик яратишга хизмат қилади.

Сажъ. “Фарҳод ва Ширин” сарлавҳаларида кенг қўлланиб, жумлалараро шаклий изчилликни таъминлаган лафзий санъатлардан бири сажъдир. Сажъ – насрда сўзларнинг ўзаро оҳангдош бўлиб келишига асосланган санъат. Сажълар оҳангдошликнинг даражасига кўра уч турга бўлинади: 1) *сажъи мутавозий;* 2) *сажъи мутарраф;* 3) *сажъи мутавозин.* Сажънинг ҳам қофиядош, ҳам вазндош тури сажъи мутавозий; қофиядош, аммо вазндош бўлмаган тури сажъи мутарраф; вазндош, аммо қофиядош бўлмаган тури эса сажъи мутавозин дейилади. Қофиядош қаторлар шеърий асарларда мисраъ дейилса, насрий асарлардаги мусажжаъ бўлаклар *қарина* деб аталади.[3]

[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.106-107.

[2] Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар. // Навоий ва ижод сабоқлари – Тошкент: Фан, 1981. – Б.51.

[3] Сажъ ҳақида қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.62-68; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.12–19. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б.34-38. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б.50-52; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука. ГРВЛ, 1989. – С.32-33.

Мусажжаъ жумлалар тузиш, бунинг устига бошдан оёқ сажъли асарлар яратиш осон эмас. Зеро, мусажжаъ асарда муайян бир фикр қизиқарли тарзда баён этилишидан ташқари, жумлалардаги сўзлар ўзаро қофиядош ва вазндош бўлиши ҳам лозим. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда ушбу санъат изчил ва мунтазам қўлланган асарлар жуда кам учрайди. Бу жиҳатдан олганда, "Хамса", хусусан, "Фарҳод ва Ширин" алоҳида ўринга эга: достоннинг на муқаддимаси, на Фарҳод ва Ширин саргузаштлари тасвирланган асосий боблар ва на хотима қисмида бирон бир сарлавҳа йўққи, унда у ёки бу даражада сажъ қўлланмаган бўлсин.[1] VII бобни олиб кўрайлик. Унинг сарлавҳаси уч жумладан иборат: (1) *Ҳазрати шайхул-исломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий (мадда зиллаҳу) мадҳидаким,* (2) *бу лабташнаи водийи ҳайратқа мунингдек маъни бодасининг жоми анинг ҳиммати майхонасининг сувчиларидин дамодам тўлди ва* (3) *анинг дуоси паймонасининг соқийларидин лаболаб бўлди*. Дастлабки жумлада шоир бобнинг мавзусини баён қилган. Кейинги жумлаларда Абдураҳмон Жомий мадҳ этилиб, устоз ва шогирд, икки дўст ва ҳамкор ўртасидаги қайноқ муносабатларни ифодаловчи пурмаъно истиоралар келтирилган: *лабташнаи водийи ҳайрат, маъни бодасининг жоми, ҳиммат майхонаси, дуоси паймонаси.* Шоир ўзини *лабташнаи водийи ҳайрат – ҳайрат водийсининг лабташнаси* деб атайди. Унинг қўлида *маъни бодасининг жоми* бор. Улуғ шоир чуқур эҳтиром ва миннатдорлик билан таъкидлайдики, *бу жом анинг,* яъни Жомий *ҳиммат майхонаси сувчиларининг,* яъни соқийларининг шарофати туфайли *дамодам тўлди ва анинг дуоси паймонаси,* яъни жоми *соқийларининг* инояти туфайли *лаболаб бўлди.*

Улуғ шоир истиора санъати билан қаноатланмай, жумлалар охиридаги сўзларни оҳангдош ҳам қилиб қўйган: *дамодам тўлди=лаболаб бўлди*. Натижада сажнинг бирданига икки тури юзага келган: 1) сажъи мутавозин (вазндош: фаувлун // фаувлун, аммо қофиядош бўлмаган сажъ: *дамодам=лаболаб*), 2) сажъи мутавозий (ҳам вазндош: фаълу // фаълу, ҳам қофиядош сажъ: *тўлди=бўлди*). Сажълар насрий жумлаларга ёқимли оҳанг бағишлаган, шу билан бирга, кўриниб турибдики, икки жумлани ҳамоҳанг қилиб, бир-бири билан боғлиқ мусажжаъ бўлакни ҳам юзага келтирган. Оҳангдош сўзлар ўрнига бошқа сўз қўйиш ҳам, жумлаларни бир-биридан ажратиш ҳам мумкин эмас, акс ҳолда, икки жумла ўртасида юзага келган поэтик яхлитликка путур етади.

Достондаги XXXII бобнинг сарлавҳасида ҳам жумлалараро боғланишни юзага келтирган восита сажъ санъатидир: (1) *Фарҳоднинг мадҳуш димоғига ҳуш боғидин насим етмак* (2) *ва насимдек тебраниб тоғ сори азимат этмак* (3) *ва теша била тоғ бағрин ёрмоқ,* (4) *балки тоғ пораларин ҳавоға учурмоқ била қиёмат қўпормоқ* (5) *ва Шопур ани пайдо қилиб,* (6) *Ширинни анинг ғами ишқи шайдо қилмоқ* (7) *ва Ширинниng кўнгли хорасин анинг тешаси фикри харош қилғонин Меҳинбону маълум қилиб, тешадек тафаккур бошин қуйи солмоқ* (8) *ва гоҳи дилжўйлуқ била ул бедилға кўнгул бермак, балки кўнглин олмоқ*. Сарлавҳа тоғ қазаётган Фарҳоднинг Ширин билан илк учрашувидан кейинги воқеаларнинг қисқача тафсилидан иборат. Достон воқеаларидан маълумки, Фарҳод тешасининг овозаси бутун Армания ўлкасига тарқалиб, Ширинниng қулоғига ҳам етиб боради. Фарҳоднинг мўъжизакор меҳнатини томоша қилиш учун Ширин унинг олдига келган чоғда Фарҳод шу қадар кучли оҳ тортадики, унинг оҳидан кўтарилган шамол Ширинниng юзига тортилган пардани кўтариб юборади. Ширин жамолининг жилваси Фарҳоднинг ҳушини бошидан учиради. Уч кун ўтиб Меҳинбону саройида ҳушига келган Фарҳод қаттиқ хижолатга тушиб, ҳеч кимга

[1] Жалолов Т. "Хамса" талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.148–149; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1974. – Б.215; Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б.99.

сездирмай тоғ сари йўл олади. Сарлавҳанинг биринчи жумласида шоир беҳуш Фарҳоднинг ҳушига келишини шундай ифодалайди: *Фарҳоднинг мадҳуш димоғига ҳуш боғидин насим етмак.* Жумлада Фарҳоднинг руҳий ҳолати истиоравий тарзда тасвирланган: *Фарҳод шунчаки ҳушига келмайди, балки унинг беҳуш димоғига ҳуш боғидан майин ва хушбўй насим етади.* Ташбеҳ учун танланган тимсолнинг имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, шоир иккинчи жумлада ҳам унинг тоғ сари йўл олишини насимга ўхшатади: *ва насимдек тебраниб тоғ сори азимат этмак.* Истиора ва ташбеҳ санъатлари билан зийнат топган бу икки жумла икки мукаммал сажъ билан якунланган: *етмак=этмак.* Жумлалар сажъ ёрдамида ўзаро боғланиб, икки қаринадан иборат ўзига хос ритмик бўлак – *банд*ни юзага келтирган.[1] Сарлавҳанинг кейинги жумлаларида ҳам шу ҳолат кўзга ташланади, уларда ҳам икки мусажжаъ бўлак ўзаро боғланиб, бир бандга айланган: 2) *теша била тоғ бағрин ёрмоқ, балки тоғ пораларин ҳавоға учурмоқ била қиёмат қўпормоқ*; 3) *Шопур ани пайдо қилиб, Ширинни анинг ғами ишқи шайдо қилмоқ*; 4) *ШирInInг кўнгли хорасин анинг тешаси фикри харош қилғонин Меҳинбону маълум қилиб, тешадек тафаккур бошин қуйи солмоқ ва гоҳи дилжўйлуқ била ул бедилға кўнгул бермак, балки кўнглин олмоқ*. Мазкур сарлавҳани тўрт бандли сарлавҳа деб айтиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сажъдошликнинг чегараси аксарият ҳолларда икки жумла бўлади: дастлабки мусажжаъ бўлак – бандда юзага келган ҳамоҳанглик кейинги жумлаларда давом этмайди, кейинги жумлалар ўзгача тарзда қофияланади. Бироқ улуғ шоирга хос тасвирий воситаларнинг анъанавий имкониятлари билан чекланмай, уларнинг янги-янги қирраларини кашф этиб, ранг-баранг тасвирий ва услубий вазифаларда қўллаш ва шу тарзда уларни ҳадди аълога етказиш маҳорати сажъ санъатида ҳам намоён бўлган, сарлавҳаларда шундай мусажжаъ бўлаклар ҳам учрайдики, улардаги қофиядошлик бирданига уч жумлани ўз ичига олади. Чунончи, ариқ ва ҳовуз қурилиши битгач, Ширин ва Меҳинбонунинг Фарҳод ҳузурига келишлари тасвирланган XXXIV бобнинг сарлавҳасида уч жумла ўзаро қофиядошлик ҳосил қилган: *Паривашнинг парикаш девзоди пўядин қолмоқ ва Фарҳод девонавор парикаш била паривашни эгнига олмоқ ва Армания тоғи сори барқдек гом солмоқ*. Сажъ лар: *қолмоқ=олмоқ=солмоқ.* Шу сарлавҳадаги кейинги уч жумла ҳам шу тарзда қофияланган: *ва фалаки қадхамдек меҳр остида югурмак ва меҳрни фалак айвониға еткурмак ва жунун бодпойини қулла сори сурмак*. Сажъ лар: *югурмак=еткурмак=сурмак.*

Сажъ лар уч жумлани ўзаро бирлаштириб, улар ўртасида силсилавий боғланишни юзага келтирган, натижада ҳар бир қарина ягона силсиланинг ажралмас бир ҳалқасига айланган. XXXIV бобнинг сарлавҳасидан олинган қуйидаги парчада ҳам шундай силсилавий муносабат кўзга ташланади: *Бонунинг баҳона домин очқони ва ҳийла донасин сочқони ва ул зийрак қушнинг бу дона ва домдин рам қилиб қочқони*. Сажъ лар: *очқони=сочқони=қочқони*. Фарҳоднинг ҳийла билан асир олиниб, Хусрав ҳузурига келтирганларидан сўнг бўлиб ўтадиган воқеалар тасвирланган XLI бобнинг сарлавҳаси ҳам шу усулда қурилган: *Фарҳодни ул хайлнинг Хусрав қошига еткургони ва Хусрав анинг бошидин оёғиғача салосил ва ағлол ҳукми сургони ва Бузург Уммид ҳикмат била ул бандларға муқайяд девона димоғиға ҳуш кетургони.* Сажъ лар: *еткургони=сургони=кетургони.* Бундай мусажжаъ бўлакларни *уч қаринали банд* деб айтиш мумкин.

Достонда сажънинг *тўрт қаринали банд* каби ноёб кўринишлари ҳам бор. Фарҳоднинг Қорандан сангтарошлик, Монийдан эса рассомлик сирларини ўрганиши тасвирланган XVI бобнинг сарлавҳасида улуғ шоир тўрт жумлани бир умумий қофияга бирлаштиради: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон*

[1] А.Аъзамов ҳам Навоийнинг “Муножот” асарига ёзилган шарҳида икки қофияланувчи бўлакка нисбатан банд атамасини қўллайди. Қаранг: Аъзамов А. Муножотнома. – Тошкент: Маънавият, 2001.

қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи ва Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоғи ва жамии санойиъ ва ҳунар дақойиқи анинг илгига келмоғи. Сажълар: *қирон қилмоғи=очилмоғи=билмоғи=келмоғи.* XXXI бобнинг дастлабки тўрт жумласини ҳам мусалсал сажълар ягона бир банд ҳолига келтирган: *Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағриға ков-ков солғон садони Ширин эшитгони ва қуёш тоғдин тулуъ қилғондек ул кўҳи бало сарвақтиға етгони ва анинг метини ламъасининг барқи мунинг хородек кўнглига асар этгони ва қуёш тупроққа нур сочқондек ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетгони.* Сажълар: *эшитгони=етгони=этгони=кетгони*. Бирданига бир неча жумланинг қофиядош бўлиб, сарлавҳада жумлалараро силсиласимон муносабатнинг юзага келиши, бир тарафдан, улуғ шоирнинг ўз асарларида бадиий мукаммалликка не чоғли эътибор билан қараганини кўрсатса, иккинчи тарафдан, сажъ санъатининг сарлавҳалар композициясини шакллантирувчи муҳим воситалардан бири эканлигининг ёрқин далилидир.

Улуғ шоир сарлавҳаларни ҳамоҳанг сўзлар билан жарангдор қилиш, шу билан бирга, жумлалараро алоқадорликни кучайтириш мақсадида сажънинг ранг-баранг кўринишларини яратади. Улардан бири *қўшқофия сажъдир*. Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг қуёшдек мунаввар юзлари ва тун каби сочларининг таърифига бағишланган IV бобнинг сарлавҳасида бирданига бир эмас, иккитадан сўз қофиядошлик ҳосил қилган: *Ул қуёш васфидаким, тун киби гису қуёшиға соя солди ва "Вашшамс" била "Валлайл" сурасини анинг юзи қуёши била зулфи тунига ўхшатилғонидин ҳар бири бир бийик поя олди*. Жумлалар охиридаги *соя солди=поя олди* сўзлари сажънинг *зулқавофий сажъ* – қўшқофия сажъ деб аталувчи алоҳида турини яратган: *соя=поя; солди=олди*. Асарнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган VIII бобнинг сарлавҳаси ҳам қўшқофия сажъ билан битилган: (1) *Бу паришон ажзонингки, гули оташин авроқидек даҳр гулистони булбулларини ҳазордастон била ўтлуғ фарёдга солди, баргидин шуъла ва хурдасидин шарора кўргузмокига боис не бўлғонға қалам сурмак* (2) *ва бу ошуфта авроқнингки, чархи барин ажзосидек жаҳон дашти мажнунларини минг балоға дастон қилиб сўзнок фиғонға учратти, шафақидин ёлин ва ахтаридин ахгар ёрутмоғиға мужиб не эрконни рақам урмак.* Зулқавофий сажълар: *қалам сурмак=рақам урмак.* Ёнма-ён келган *қалам* билан *рақам*, *сурмак* билан *урмак* сўзлари ҳам ўзаро оҳангдошликни кучайтирган, ҳам икки жумлани бирлаштирувчи қўш риштага айланган.

Хоқоннинг ўз ўғлини хурсанд қилиш учун унга тож-тахтини бермоқчи бўлгани, бироқ Фарҳоднинг тахтга ўтиришни истамай, отасидан узр сўраши ҳикоя қилинган XVIII бобнинг сарлавҳасида жумла охиридаги сўзларгина эмас, ундан олдинги сўзлар ҳам қофиядош бўлиб келган: *Хоқоннинг хонлиғ тожин ўз гавҳари била аржуманд сармоя қилурнинг* ***можароси*** *ва жаҳонбонлиғ тахтин ўз нақди била баланд поя этарнинг* ***муддаоси***. Кўриниб турибдики, сарлавҳадаги асосий сажълар ***можароси*** ва ***муддаоси*** сўзлари бўлиб, улар сажъланувчи бўлаклар охирида келган. Асосий сажълардан ташқари, жумлалар ичидаги яна уч жуфт сўз ўзаро қофиядошлик ҳосил қилган: 1) *хонлиғ=жаҳонбонлиғ*; 2) *аржуманд=баланд*; 3) *сармоя=поя*. Бундай сажълар, жумла охирида келувчи сажълардан фарқли ўлароқ, *ички сажъдир*. Ҳар бир қофиядош сўз иккинчи жумлада унга қофиядош бўлган сўз билан муносабатга киришиб, жумлалараро ҳамоҳанглик ва алоқадорликнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилган.

Ҳийла билан банд қилиниб, Салосил қўрғонига қамаб қўйилган Фарҳодга Ширинниг кўнгил сўраб мактуб йўллаши ва Фарҳоднинг унга жавоби тасвирланган XLVII бобнинг сарлавҳасида ички сажънинг янада ноёб намуналарини учратамиз: *Фарҳод кўнгли жароҳатлари Ширин номаси навардидағи каломи Масиҳи Марям, балки ул коғазға чирмаб йиборган марҳамларидин ўнгалмоққа юз қўйғони ва Ширин бағри ҳароратлари*

Фарҳод битиги мазмунидин, балки Марям риштасиға чирмаб йиборган иситма таъвизи афсунидин таскин топқони. Мазкур парчада учта қофиядош сўзлар жуфтлиги бор: 1) *жароҳатлари=ҳароратлари*; 2) *Масиҳи Марям=марҳам*; 3) *мазмунидин=афсунидин*. Биринчи жумладаги *Масиҳи Марям* ва *марҳам* сўзлари ружуъли сажълар бўлиб, аввалги бўлакда ифодаланган фикр ружуъ воситаси билан кейинги бўлакда янада кучлироқ жаранглаган: *Ширинниng номасидаги сўзлар Фарҳод учун каломи Масиҳи Марям эмас, балки Фарҳод кўнгли жароҳатлари тузалсин деб Ширин қоғозга ўраб бериб юборган марҳам!* Иккинчи жумла ҳам аввалги жумла каби ружуъли сажъ асосига қурилган: *Фарҳод Ширинга йўллаган мактуб мактуб эмас, балки Масиҳ риштасига ўраб юборилган иситма таъвизи, яъни тумори. Шунинг учун Ширин бағри ҳароратлари Фарҳод номасига жо бўлган мазмун, балки Масиҳ риштасиға ўраб юборган иситма туморининг бағрига яширинган афсунидан таскин топади!*

Агар *жароҳатлари* ва *ҳароратлари* сажълари икки жумла аввалида келиб, биридан иккинчисига тортилган икки ип бўлган бўлса, беқиёс маҳорат билан қўлланган ички сажълар жумлалар ичида бир-бири билан боғлиқ бир неча мутаносиб бўлакларни юзага келтирган: *каломи* ***Масиҳи Марям*** *//* *коғазға чирмаб йиборган* ***марҳам;*** *Фарҳод битиги* ***мазмунидин*** *//* *иситма таъвизи* ***афсунидин****.*

Улуғ шоирнинг ички сажъ билан сарлавҳада бундай мутаносиб бўлаклар яратиш ва уларни бир-бири билан боғлиқ қилиб қўйиш санъати XXVII бобнинг сарлавҳасида мислсиз тарзда намоён бўлган: *Фарҳоднинг ишқ шуъласида куюб, ул ўтни жон пардасида яшурмоқдин ва ҳажр хунобасин ютуб, ул заҳрни кўнгул ичинда сингурмоқдин гулбарги аҳмардек жамоли заъфароний ва нахли санубардек ниҳоли хайзароний бўлуб, аср ҳукамоси ва даҳр атиббоси анинг баҳори сиҳҳатин хазони маразға юзлангонининг ташхисини савдоға қилиб, бу савдо била анинг мақоми таъйинин жазойир била дарёға қилғонлари.* Сарлавҳада Ойинайи Искандарийда Ширинниng жамолига кўзи тушиб, унинг ишқига гирифтор бўлган Фарҳоднинг руҳий ҳолати тасвирланган. Унда сажъ истиора, ташбеҳ ва тазод каби санъатлар билан биргаликда келиб, ҳар бир сажъ ишқ ўтида куяётган Фарҳод изтиробларининг ғамгин бир манзарасига айланган: ***куюб = ютуб***,[1] *яшурмоқдин = сингурмоқдин*, ***аҳмардек = санубардек***, *жамоли = ниҳоли*, ***заъфароний = хайзароний***, *аср = даҳр*, ***ҳукамоси = атиббоси***, *баҳор = хазон*,[2] ***савдо = дарё.***

Жумланинг поэтик қурилиши ҳам ўзига хос: у бошдан оёқ жуфт бўлаклардан иборат бўлиб, бу жуфтликларнинг ҳар бирида Фарҳод руҳиятидан бир лавҳа тасвирланган. Ҳар бир жуфтлик эса ўз навбатида бир хушоҳанг сажъ билан якунланиб, жумла шу тарзда кетма-кет келувчи мусажжаъ бўлакларнинг бутун бир шодаси даражасига кўтарилган. Чунончи: 1) ***ишқ шуъласида куюб // ҳажр хунобасин ютуб****;* 2) *ул ўтни жон пардасида яшурмоқдин // ул заҳрни кўнгул ичинда сингурмоқдин;* 3) ***гулбарги аҳмардек // нахли санубардек****;* 4) *жамоли заъфароний // ниҳоли хайзароний;* 5) ***аср ҳукамоси // даҳр атиббоси****;* 6) *баҳори сиҳҳат // хазони мараз;* 7) ***ташхисини савдоға // таъйинини жазойир била дарёға****.* Айрим мусажжаъ жуфтликларда охирги сўзларгина эмас, ундан олдинги сўзлар ҳам оҳангдош: 4) *жамоли* заъфароний *//* *ниҳоли* хайзароний; 5) *аср* ҳукамоси *//* *даҳр* атиббоси*;* 7) *ташхисини* савдоға *//* *таъйинини* (жазойир била) дарёға*.*

Мусажжаъ жуфтликлар нафақат қофиядошлик, айни чоғда, бир-бирига ҳажман тенглиги билан ҳам диққатга сазовор. Еттинчи бўлакни ҳисобга олмаганда, барча жуфтликлардаги сўзларнинг сони деярли бир хил: биринчи мусажжаъ жуфтликда учтадан, иккинчи жуфтликда бештадан, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи жуфтликларда эса иккитадан

[1] Куюб-ютуб сўзларида қофиядошлик йўқ, лекин улар вазндош бўлиб, сажънинг сажъи мутавозин деган турини ҳосил қилган.

[2] Баҳор-хазон сўзларида ҳам қофиядошлик йўқ, лекин улар вазндош бўлиб, сажъи мутавозин ҳосил қилган.

сўз бор. Бироқ бу ҳам ҳаммаси эмас. Мусажжаъ жуфтликлардаги сўзларнинггина эмас, ҳатто улардаги бўғинларнинг сони ҳам деярли бир-бирига тенг: *1-бўлак:* 1+4+2=**7** // 1+4+2=**7**; *2-бўлак:* 1+2+1+3+4=**11** // 1+2+2+3+4=**12**; *3-бўлак:* 3+3=**6** // 2+4=**6**; *4-бўлак:* 3+4=**7** // 3+4=**7**; *5-бўлак:* 1+4=**5** // 1+4=**5**; *6-бўлак:* 3+2=**5** // 3+2=**5.** Бундан фақат *7-бўлак*кина мустасно, холос: 4+3=**7** // 3+3+2+3=**11.** Мусажжаъ бўлакларнинг қофиядошлик, сўз ва ҳатто бўғин жиҳатидан бир-бирига бу қадар мутаносиб бўлиши жумлада ажиб бир мусиқийликни юзага келтирган. Бундай юксак бадииятнинг шеърий асарларда ҳам жуда кам учровчи *тарсиъ* санъатидан деярли фарқи йўқ.

Шундай қилиб, сажъ ва унинг хилма-хил кўринишлари сарлавҳаларда кенг қўлланиб, улар, бир тарафдан, ёқимли оҳангни юзага келтирган бўлса, иккинчи тарафдан, мусажжаъ бўлакларни бир-бири билан боғлаб, банд ҳосил қилувчи муҳим композицион-стилистик воситага айланган.

Илтизом. Илтизом бадиий асарда бир ёки икки сўзни маълум ғоявий-услубий мақсад билан бир неча бор такрорлаш санъатидир.[1] Илтизом, бир тарафдан, "такрорланаётган сўз орқали ифодаланаётган маънонинг муҳимлигини англатса, иккинчи тарафдан, баён қилинаётган фикрнинг киши хотиридан мустаҳкам ўрин олишини таъминлайди".[2] Илтизомнинг композицион-услубий изчиллик яратишдаги ўрни ҳам беқиёсдир.

"Фарҳод ва Ширин" достонида илтизомга асосланган жумлалар билан бирга, илтизом бошдан оёқ етакчи бўлган сарлавҳалар ҳам бор. Жумладан, достондаги VI бобнинг сарлавҳасида *қалам* ва *рақам* сўзлари бир неча бор такрорланиб, ўзига хос санъатни юзага келтирган: *Қалам васфида бир неча қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамға келтурмакки, назм кишвари саводин якқалама қилиб эрди ва "Панж ганж" авроқиға гавҳарпош рақами тортилиб эрди ва ул роқим бобида ҳамки, мунинг хатти маънисин рақам-барақам билди, балки қалам-бақалам нақл қилди. Байязаллоҳу таоло авроқа жаройимиҳо*. Сарлавҳа *қалам* ва икки *рақамкаш* устоз – Низомий ва Хусрав Деҳлавийга бағишланган бўлиб, шоир қалам ва рақамкашлар таърифига киришар экан, образли қилиб айтганда, улар ҳақида *қалам* ва *рақам* тили билан сўзлагандек бўлади. Чунончи, биринчи бандда *қалам* ва *ул рақамкаш*, яъни Низомийни васф этар экан, ўз мақсадини бошқа сўз билан эмас, балки *қалам сурмак* ҳамда *рақамга келтурмак* иборалари билан ифода этади: *Қалам васфида бир неча қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамға келтурмак.* Ул рақамкаш таърифи кейинги икки жумладан ҳам ўрин олган. Бу бандда шоир *қалам* ва *қалам сурмак, рақамкаш* (ёзувчи) ва *рақамга келтурмак* (ёзмоқ) сўзлари ёнига *якқалама қилмоқ* (ўз ҳукмига олмоқ) ва *рақами тортилмоқ* (чизилмоқ) ибораларини қўшади: *назм кишвари саводин якқалама қилиб эрди ва "Панж ганж" авроқиға гавҳарпош рақами тортилиб эрди.* Кейинги банд Хусрав Деҳлавий ҳақида бўлиб, шоир уни рақамкаш маъносини билдириб, *рақам*га ўзакдош бўлган (иштиқоқ санъати) сўз билан *ул роқим* деб атайди: *ул роқим бобида.* Шоир икки улуғ қаламкаш ўртасидаги ижодий муносабатлар ҳақида сўзлар экан, жумлани қалам ва рақам сўзларидан ясалган *рақам-барақам* (чизиқма-чизиқ) ҳамда *қалам-бақалам* (батамом, тугал) сўзлари билан якунлайди: *ул роқим бобида ҳамки, мунинг хатти маънисин рақам-барақам билди, балки қалам-бақалам нақл қилди.*

Кўриниб турибдики, сарлавҳада *қалам* ва *рақам* сўзлари, аввало, сарлавҳани сажъ санъатининг хушнаво оҳанглари билан тўлдирган: *қалам – рақам; қалам сурмак – рақамга келтурмак; якқалама қилмоқ – рақами тортилмоқ; қалам-бақалам – рақам-барақам.* Бу сўзлар икки улуғ қаламкаш ўртасидаги ижодий муштаракликни ҳам жуда нозик ифода

[1] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 53.
[2] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Б. 53.

этган: рақам қаламсиз бўлмаганидек, *ул роқим* ижодини ҳам *ул рақамкаш* ижодидан айро тасаввур этиш мумкин эмас, улар бир-бирига қалам ва рақам янглиғ яқин, қалам ва рақам янглиғ ажралмас. Зеро, *ул рақамкаш назм мамлакати ҳудудларини якқалама қилиб эрди ва "Панж ганж" авроқиға гавҳарпош рақами тортилиб эрди. Ул роқим эса ул рақамкашнинг маъно хатларини рақам-барақам билди, балки қалам-бақалам нақл қилди.*

Қалам ва *рақам* сўзлари сарлавҳада илтизом ҳосил қилиб ва ҳар бир жумлада турли алфозда такрорланиб, бадиий изчилликнинг беҳад аъло намунасини юзага келтирган. Бу изчилликни қуйидаги такрорий сўзлар занжири билан ифодалаш мумкин: *қалам – қалам сурмак – якқалама қилмоқ – қалам-бақалам; рақамкаш – рақамга келтурмак – рақами тортилмоқ – роқим – рақам-барақам.*

Бутун сарлавҳани бир ёки икки сўз атрофига бирлаштириш усули XXIII бобнинг сарлавҳасига ҳам хос: *Фарҳоднинг девбод хиромлиқ девзоди устига секриб, Аҳраман бешаси азмиға секратиб, ул ваҳшатзой, балки савдо афзой бешаға кириб, Аҳраман манзилиғача суруб етгони ва Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтурғандек, ул беша Аҳраманин қатл этгони ва Аҳраманваш рахшин Аҳраман қасриға сургони ва Сулаймон ҳотамин илгига киюргони ва ёниб Хоқон била хайлин бошлаб, ул манзилда тушгони*. Шоир Фарҳоднинг қоронғи ўрмонда Аҳраман номли девга қарши жанг қилиб, уни ўлдиришини ҳикоя қилар экан, бадиий тасвирни *дев* ва *Аҳраман* сўзлари асосига қуради. Чунончи, биринчи жумлада Фарҳоднинг отини *девбод хиромлиқ девзод* деб таърифлайди. *Девбод* сўзининг маъноси девдай тез; қуюн ёки гирдбод. *Девзод* девбачча, девнинг авлоди дегани, аммо девдай учқур ва баҳайбат от ҳам девзод дейилган. Маълум бўладики, Фарҳоднинг оти қуюндай учқур ва девдай баҳайбат. Фарҳод *девбод хиромлиқ девзод*га миниб, девдай шиддат ва шижоат билан жанг қилади. Шоир дев билан боғлиқ тасвирни давом эттириб, иккинчи жумлада Фарҳодни жаҳонпаҳлавон Рустамга, Аҳраман яшайдиган *ваҳшатзой, балки савдоафзой бешани* Мозандарон ўрмонларига, *ул беша Аҳраманин* эса Рустам ўлдирган Оқ девга ўхшатади. Жумлада тасвирланишича, *Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтургандек,* Фарҳод *"ул беша Аҳраманин қатл эт"*ади. Шоир кейинги жумлада Фарҳоднинг отини Рустамнинг отидек Рахш деб атайди, аммо у оддий рахш эмас, балки *аҳрамансифат* рахш: *Аҳраманваш рахшин Аҳраман қасриға сургони.*

Шоир сарлавҳада *дев* ва *Аҳраман* сўзларини такрорлаб, бир тарафдан, Аҳраманнинг воқеалар ривожида етакчи ўрин тутувчи тимсол эканлигини таъкидлаган бўлса, иккинчи тарафдан, *дев* ва *Аҳраман* сўзларини ташбеҳга айлантириб, Фарҳод ва унинг *девбод хиромлиқ девзоди* ҳақида ғоят ёрқин ва муболағадор тасаввур яратган. Асосийси эса *дев* ва *Аҳраман* сўзлари ўзига хос композицион нуқта бўлиб, бутун тасвир шу нуқтада бирлашган: *девбод хиромлиқ девзод – дев ўлтургандек; Аҳраман бешаси – Аҳраман манзили – беша Аҳрамани – Аҳраманваш рахш – Аҳраман қасри*.

Фарҳоднинг аждаҳо билан жанг қилиб, уни ўлдириши ҳикоя қилинган XXII бобнинг сарлавҳаси ҳам илтизом санъатининг мукаммал намунасидир: *Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳ пайкарига миниб, аждаҳокушлик тийғин чекиб, аждаҳо водийсига кириб, аждаҳо уни ўқ йилонидин дамор чиқорғондек, аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи, доғи аждаҳо ғорға юзлангандек аждаҳо ғориға юзланиб, Афридун ганжини топмоғи ва доғи ул ганжда аждаҳомонанд қилич била ҳалқа урғон йилондек қалқонни иликлаб, ул ганжни атоси била хайлиға нисор қилмоғи*.

Сарлавҳада илтизом бўлиб келган сўз – *аждаҳо* ва унга маънодош бўлган *илон*. *Аждаҳо* сўзи саккиз, *илон* сўзи эса уч бор зикр этилган. Бу билан шоир таъкидлайдики, воқеалар марказида турадиган асосий тимсол аждаҳодир. Такрорланган ҳар бир сўз шу фикрнинг бир бадиий садосига айланган: *аждаҳо, аждаҳо, аждаҳо…*

Бироқ *аждаҳо* сўзининг вазифаси шу билан ниҳоясига етган эмас: у Фарҳоднинг куч-қуввати ва жанговар қуролларини таъсирчан ифодаловчи тасвирий восита бўлиб ҳам хизмат қилган. Чунончи, улуғ шоир биринчи жумлада Фарҳод минган отни таърифлар экан, уни *аждаҳоваш кўҳ пайкари* деб атайди. *Кўҳ пайкари* бирикмасини *аждаҳосимон тоғдек от* деб тушуниш мумкин. Жумлада Фарҳоднинг *оти* аждаҳога ташбеҳ қилинган. Шоирнинг тасвирлашича, у тоғдек баҳайбат бўлиб, ҳар пишқирганда нафасидан аждаҳодек ўтлар сочилади. Улуғ шоир сарлавҳада аждаҳо билан боғлиқ яна бир ифода яратган: у, аввало, Фарҳоднинг ўқини илонга ўхшатади – унинг ёйидан аждаҳога отилган ўқ ўқ эмас, ўқ илон: *аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи*. Шоир шу ернинг ўзида ташбеҳи акс санъатини қўллаб, Фарҳоднинг *аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғини* аждаҳонинг ваҳимали овозидан ўқ илоннинг жони чиқишига ўхшатади: аждаҳонинг ўкирган овози ўқ илонни жонидан қандай жудо қилса, Фарҳод ўқининг илони ҳам аждаҳони шундай тор-мор қилади! Жумлада *ўқ йилони* икки ўринда келиб икки хил маъно ифодалаган: 1) ўқ илон – илоннинг бир тури; 2) ўқнинг илони – илонга ўхшаш ўқ. Ўзаро жуда чиройли тажнис ҳосил қилган икки *ўқ йилони*, айни чоғда, ўзаро зид маъноларни ифодалаб, Фарҳод ёйидан отилган ўқнинг қудратини намойиш этувчи ёркин тазодга ҳам айланган: *агар аждаҳонинг ваҳимали овози ўқ илонни ўлдирса, Фарҳод ўқининг илони, аксинча, аждаҳони торумор қилади!*

Аждаҳо ва илон лафзларини такрорлаш, қаҳрамон хатти-ҳаракатларинигина эмас, ҳатто энг кичик тафсилларни ҳам аждаҳосифат қилиб тасвирлаш кейинги жумлаларда ҳам давом этган: аждаҳони тор-мор қилган Фарҳод аждаҳо ғорига юзланади, худди *аждаҳо ғорға юзлангандек. Аждаҳо ғорға юзлангандек, аждаҳо ғориға юзланиб,* Фарҳод аждаҳо ғорида Афридун ганжини, Афридун ганжида эса бир қилич ва қалқонни қўлга киритади: *қилич аждаҳомонанд*, *қалқон эса ҳалқа урғон йилондек*. Аждаҳо сўзининг такрори ва, айни чоғда, изчил тасвирий воситага айланиши сарлавҳа поэтик қурилишининг ҳам изчил ва яхлит бўлишига олиб келган. Тасвирий воситалар аввал гўёки жумлама-жумла сочилиб, сўнгра бутун сарлавҳани бир нуқтада бирлаштирган. Ўша бирлаштирувчи нуқта *аждаҳо* ва *илон* сўзларидир: *аждаҳоваш кўҳ пайкари – аждакушлик тийғи – аждаҳо водийси – аждаҳо уни – ўқ йилони – аждаҳо ғорға – аждаҳо ғори – аждаҳомонанд қилич – ҳалқа урғон йилондек қалқон.*

Шундай қилиб, илтизом бирор мавзу ёки тимсолни таъкидлаш мақсадини кўзласа ҳам, такрорланаётган сўз ўзига хос лафзий марказ бўлиб, сарлавҳада жумлаларни шу марказ атрофига бирлаштириб туради. Бу жиҳатдан илтизом сарлавҳаларда, сажъ санъати билан бир қаторда, композицион изчиллик яратишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган.

Таносуб. Сарлавҳаларда жумлаларни мазмуний жиҳатдан боғловчи васиталар ҳақида сўз юритилар экан, аввало, таносуб санъатини тилга олиш лозим бўлади. *Таносуб* арабча сўз бўлиб, *бир-бирига муносиб ва яқин маъноларнинг ёхуд суратларнинг бир ерга жамланиши* деган маънони билдиради.[1] Бу санъат ҳақида Рашидиддин Ватвот (1088-1182) “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” номли машҳур асарида шундай деб ёзган эди: “Таносуб – бу усулни яна мутаносиб деб ҳам дейдилар – шундан иборатки, шоир ой ва қуёш, ўқ ва ёй, кўз ва қош, гул ва лола каби жинсдош нарсаларни байтда жамъ қилади”.[2] Бадиий санъатлар ҳақида махсус тадқиқот яратган адабиётшунос олим А.Ҳожиаҳмедовнинг фикрлари ҳам шунга яқин. Олимнинг таъкидлашича, “маъно жиҳатидан ўзаро яқин бўлган сўзларни бир байтда тўплаб, улар воситасида нафис тимсоллар яратиш санъати таносуб деб аталади”.[3]

---

[1] Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 243.
[2] Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии (Хада’ик ас-сихр фи дака’ик аш-ши’р). – Москва: Наука, ГРВЛ, 1985. – С.123.
[3] Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.80.

Шундай қилиб, таносуб, байтда ифодаланаётган фикр, кайфият ва кечинмаларни жинсдош нарсалар ёки маъно жиҳатидан ўзаро яқин бўлган сўзлар воситаси билан тасвирлашдир. Бироқ таносубнинг улуғ шоир асарларида тутган ўрни бениҳоя кенг: у алоҳида бир санъат бўлиш билан бирга, барча сўз ва тасвирий воситаларни бир нуқтада бирлаштириб, бадиий матнни мазмун ва шакл жиҳатидан бирлаштирувчи кучли композицион восита ҳам. У нафақат жинсдош ёки маънодош, балки, шаклдош ва ўзакдош сўзлар ва ҳатто бошқа тасвирий воситаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, Навоий ижодида *ташбеҳ, истиора, тазод, талмеҳ, илтизом, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ* каби ўнлаб лафзий ва маънавий санъатлар таносуб қонуниятлари асосида ўзаро уйғунлашиб, бадиий тафаккурнинг алоҳида кўриниши тарзида юзага чиқади. Аслини олганда аввалги фаслда таҳлил қилинган *қалам* ва *рақам*, *аждаҳо* ва *дев* билан боғлиқ тасвир ҳам шу услубнинг ўзига хос бир кўриниши эди. Улуғ шоир асарларининг услубига хос бўлган бу фазилатни *юксак таносуб* ёки *серқирра алоқадорлик* деб айтиш мумкин. Бу услубнинг ўзига хослиги шундаки, бадиий матн бир ёки икки *марказий* сўз асосига қурилиб, ундаги барча сўз ва воситалар шу марказий сўз билан бирор жиҳатдан: ё мазмун, ё ранг, ё ҳид, ё маза, ё таъсир, ё макон, ё замон, ё бошқа бирор жиҳатдан алоқадор бўлади. Марказий сўз эса бош мавзу, тасвирланаётган асосий тимсол ёки дастлабки тасвирий восита бўлиши мумкин.

Эллик биринчи боб сарлавҳасида Ширинниng тахти равонга ўтириб, тоғ тепасидаги Фарҳод қурган қасрга бориши, йўлда шамол кўтарилиб, тахти равон пардасининг очилиши ва Шеруянинг унга ошиқи беқарор бўлиши ҳақида шундай тасвир яратади: *Қуёшни шафақгун аморийга солиб, фалак қўрғонидин чиқорғонда саҳобмонанд аморий зайли очилмоғи ва Шеруяни бир кўрмоки заррадек саргашта қилмоғи*. Мазкур парчадаги марказий сўз *қуёш* бўлиб, шоир Ширинни дастлаб *қуёш* деб атар экан, кейинги тафсил ва ҳолатлар тасвирини ҳам қуёш билан боғлиқ ҳолда давом эттиради. Биринчи жумлада тахти равон шафаққа, Армания қўрғони фалакка, тахти равон пардаси эса булутга ўхшатилган: тахти равон шафақдек қип-қизил, қўрғон фалакдек баланд ва муаззам, тахти равон пардаси эса булутдек нафис ва енгил. Шундай қилиб, *чеҳраси қуёшдек нурафшон Ширинни шафақдек қип-қизил аморий(тахти равон)га солиб, фалакдек баланд ва муаззам Армания қўрғонидан олиб чиққанларида тахти равоннинг саҳоб(булут)монанд нафис ва енгил пардалари очилиб кетади.* Иккинчи жумлада айтилишича, Ширинниng жамолига тасодифан кўзи тушган Шеруянинг боши айланиб, бир лаҳзада ақлу ҳушини йўқотади. Улуғ шоир Шеруянинг бу ҳолатини, тасвир руҳи ва мазмунидан келиб чиқиб, *зарра* – қуёш нурларига қиёслайди, Ширин – қуёш, Шеруя – зарра, қуёш нур сочганда зарра қандай беқарор бўлса, Ширинниng қуёшдек жамоли ҳам Шеруяни шундай беқарор қилади: *Шеруяни* (Ширинниng қуёшдек жамолини) *бир* (бор) *кўрмоки заррадек саргашта қилмоғи.*

Матндаги *қуёш, фалак, шафақ, саҳоб, зарра* сўзлари ўзаро жинсдош сўзлардир. Бу сўзларда улуғ шоирнинг "бир воқеа ёки манзарага оид тафсилларни олиб келиб, бош мавзуга риоя қилдира билишда нақадар моҳир эканлиги"[1] аён кўриниб турибди: Ширин – *қуёш*, аморий – *шафақгун*, қўрғон – *фалак*пайванд, парда – *саҳобмонанд*, *Шеруя – заррадек*. Айни чоғда, бу сўзлар ўзаро силсилавий боғланиш ҳосил қилиб, насрий парчада узвий алоқадорликни юзага келтирувчи муҳим композицион воситага ҳам айланган: *қуёш – фалак – шафақ – саҳоб – зарра.*

Маълумки, Фарҳод йигитлик айёмига қадам қўяр экан, унинг руҳида ёш йигитларга хос шод-хуррамлик ўрнига маҳзун кайфият зоҳир бўла бошлайди. Ўғлининг аҳволидан ташвишга тушган Хоқон Фарҳодни хурсанд қилиш умидида унга атаб тўрт боғ ва тўрт

[1] Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Б. 253.

қаср қурдиради. Бу воқеалар тасвирланган XIV боб сарлавҳасида *гулшан* билан алоқадор сўзлар силсилавий таносуб яратган: *Фарҳоднинг шабоб гулшанидаким, тараб гулбунининг нишот гуллари очмоқ маҳалли дурур, дард хорлари кўргузмоки ва булбулдек шавқ ўти хорхоридин фиғон тузмоки ва хоқон бу иштин ғунчадек дилтанг бўлиб, анинг чораси учун тўрт боғ тарҳин солғони ва тўрт қаср бино қилғониким, шояд бу боғлардин мақсуд гули топилғай ва ул қасрлардин мурод эшиги очилғай*. Улуғ шоир биринчи жумлада йигитлик айёмининг таърифига киришар экан, уни гулшанга ўхшатади: *шабоб гулшани*. Тасвир *гулшан* билан боғлиқ ҳолда давом этиб, *гулшан* ёнига *гулбун* ва *гул* сўзлари қўшилган. Шоирнинг таъкидлашича, йигитлик шундай бир гулшандирки, бу гулшанда хурсандлик гулпояларидан севинч гуллари очилмоғи лозим: *шабоб гулшанидаким, тараб гулбунининг нишот гуллари очмоқ маҳалли дурур*. Аммо Фарҳод шабоб гулшанида шодлик гулларидан гул очмоқ ўрнига дард тиканлари кўргизиб, шавқ ўти қийинчиликларидан булбул каби фиғон чекади: *дард хорлари кўргузмоки ва булбулдек шавқ ўти хорхоридин фиғон тузмоки*. Бу парчада *гулшан*, *гулбун* ва *гул* сўзларига маънодош сўзлар *хор* (тикан) ва *булбул*. Парчадаги *хорхор* сўзи ҳам диққатга сазовор. Хорхорнинг маъноси аслида хориш, чарчаш, қийинчилик ёки ғам-ғусса бўлса ҳам, хор сўзи билан ёнма-ён келгани учун хор билан ўзакдошдек, бинобарин, хорхор ҳам гул билан маънодошдек туюлади. Аслини олганда, шоирнинг асл мақсади ҳам, бетакрор санъаткорлиги ҳам шу – қандай қилиб бўлмасин сўзларни бир-бири билан алоқадор қилиб, ўз ғоявий ниятига хизмат қилдириш: *гулшан, гулбун, гул, хор, булбул, хорхор.*

Иккинчи жумлада тасвирланишича, Фарҳоднинг маҳзун ҳолатини ўйлаб, хоқоннинг юраги сиқилади. Унинг ҳолатини шоир ғунчага ўхшатган: *ғунчадек дилтанг бўлиб.* Хоқон Фарҳод учун тўрт боғ ва тўрт қаср бино қилдириб, умидвор бўладики, *шояд бу боғлардин мақсуд гули топилғай ва ул қасрлардин мурод эшиги очилғай.* Бу жумлада *гулшан* билан алоқадор учта сўз бор: *ғунча, боғ ва гул.* Юксак таносубнинг сарлавҳаларда нечоғли кучли композицион-стилистик воситага айланганлиги бу сўзлар асосида яратилган ташбеҳ ва истиоралар занжирида ҳам кўзга ташланиб туради: *шабоб <u>гулшани</u> – тараб <u>гулбуни</u> – нишот <u>гуллари</u> – дард <u>хорлари</u> – <u>булбулдек</u> фиғон тузмак – шавқ ўти <u>хорхори</u> – <u>ғунчадек</u> дилтанг бўлмоқ – <u>боғ</u> тарҳи – мақсуд <u>гули</u>.*

Улуғ шоирнинг юксак бадиий маҳорати шундаки, сўз, образ ва тасвирий воситалар ўртасидаги алоқадорлик кўпинча ғоят серқирра бўлади. Бу хусусиятни меърож вақеаси: Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг Буроқ номли отга миниб, Аллоҳ ҳузурига кўтарилишлари тасвирланган V бобнинг сарлавҳасида ҳам кўриш мумкин: *Ул шаҳсувор васфидаким, қаронқу тунда тийра хокдондин Буроқи барқваш узра чиққони "Миназ-зулумоти илан-нур"дин мухбир эрди, балки ул рокибнинг пок зоти остидағи пок оти била "нуран ало нур"дин хабар берди ва бу нурлар малакут шабистонини мунаввар ва малак бўстонини рашки спеҳри ахзар қилди*. Сарлавҳанинг илк сўзлардан маълум бўладики, бу боб "ул шаҳсувор" васфига бағишланган. *Қаронқу тунда тийра хокдондин Буроқи барқваш узра чиққони "Миназ-зулумоти илан-нур"дин мухбир эрди*, – дейди шоир "ул шаҳсувор"ни васф этиб. *Тийра хокдон*нинг маъноси *қаро тупроқ* бўлиб, *тийра хокдон* деганда, *олам* ёки *ер юзи* назарда тутилган. *Буроқ* Муҳаммад алайҳиссалом минган отнинг номи бўлса, *барқваш* сўзининг маъноси *чақмоқмонанд ёки яшинсифат*. *"Миназ-зулумоти илан-нур"* "Қуръони карим" ояти бўлиб, маъноси *"Зулматдан нур сари"*дир. Насрий парчада шоир иқтибос санъатини қўллаб, оят воситаси билан қоронғи кеча ва оламни зулматга, пайғамбар минган отни эса нурга ташбеҳ қилган: олам *тийра хокдон* бўлса, Буроқ *барқваш* – чақмоқмонанд отдир. Жумланинг маъносини шундай ифодалаш мумкин: *Ул моҳир чавандоз васфидаким,*

қоронғи тунда қоронғи оламдан чақмоқмонанд Бурок устига миниши "Зулматдан нур сари" оятидан нишона бўлди. Бу парчада *шаҳсувор* сўзининг таносуби *Бурок*: *шаҳсувор – Бурок.*

Жумланинг иккинчи қисмида адиб ўз фикрини рад этади: *Йўқ*, – дейди у ружуъ воситаси билан, – *ул рокибнинг пок зоти остидаги пок оти била "нуран ало нур"дин хабар берди. Рокиб* ҳам *чавандоз*, *"нуран ало нур"* эса *"нур устига нур"* деганидир. Шоирнинг таъкидлаб айтишича, *Ул моҳир чавандознинг пок зоти ва остидаги пок оти "Зулматдан нур сари"дан эмас, балки "нуран ало нур"*, яъни *"нур устига нур"дан хабар берган.* Бу сафар шоир ўз нигоҳини "тийра хокдон"дан узиб, юксакка – чавандознинг зоти ва минган отига қаратади: чавандознинг оти ҳам, от устидаги пок зоти ҳам нурдир, иқтибосда айтилганидек, улар гўёки *"нур устига нур"*дир.

Охирги жумлада айтилишича, *бу нурлар малакут шабистонини мунаввар ва малак бўстонини рашки спеҳри ахзар қилди.* "Навоий асарларининг луғати"да *малакут* сўзи *фаришталар олами*, *малак* сўзи эса *фаришта* деб изоҳланган.[1] Бироқ бу изоҳ унчалик тўғри эмас. Агар шундай дейилса, *малукут шабистони* ҳам, *малак бўстони* ҳам бир хил – фаришталар олами бўлиб қолади. Ҳолбуки, улар алоҳида-алоҳида оламлар бўлиб,[2] *малак олами,* луғатда кўрсатилганидек, *фаришталар олами бўлса, малакут* фаришталар олами эмас, балки *ғайб оламидир*.[3] *Шабистон қоронғи кеча* ёки *кечаси ётадиган хона*, *спеҳри ахзар* эса *кўм-кўк осмон* маъносини билдиради. Демак, жумлада шундай фикр ифодаланган: *бу нурлар ғайб олами қоронғи кечасини мунаввар ва фаришталар олами бўстонини кўм-кўк осмоннинг рашки келар қилди.*

Сарлавҳада бирор сўз ёки тимсол йўққи, унинг образли қурилишидан четда қолган бўлса. Чунончи, *шаҳсувор – Бурок – рокиб – от* сўзлари *минмоқ* маъносида бирлашиб, бир таносуб қаторини ташкил қилади. Бироқ бу сарлавҳадаги ягона таносублар қатори эмас. Меърож туни тасвиридаги *қаронғи тун, тийра хокдон* иборалари ҳам ўзаро маънодош. Бу сўзларнинг ҳар иккисида ҳам *қоронғилик* маъноси бор. Санъаткор шоир ўз сўзининг исботи учун "Қуръони карим"дан иқтибос келтирар экан, уни ҳам шу маънога мувофиқ қилади: *зулумот*. Шу қатордаги кейинги сўз *шабистон*. Шоир *малакут* оламини *шабистон* дер экан, уни шунчаки аввалги сўзлар билан боғлаш учунгина *шабистон* деб номламайди, балки малакут олами билан боғлиқ ёркин истиора яратади. Аввал таъкидланганидек, *малакут – ғайб олами*, у инсон кўзи билан кўришдан ҳам, ақлу шуури билан англашдан ҳам хориж олам. Шунинг учун ғайб олами қора нуқта, қоронғи кеча тарзида тасаввур қилинган. Алишер Навоий *малакут шабистони* дер экан, малакут оламига хос ана қоронғиликни назарда тутган. Бу жиҳатда бу ибора билан аввалги сўзлар орасида юксак даражадаги уйғунлик бор: *қоронғи тун – тийра хокдон – зулумот – малакут шабистони*.

Мазкур сарлавҳада таносуб сўзларнинг яна бир занжири бор. Бу сўзларни, қоронғилик сўзларига зид ўлароқ, *нурли* сўзлар таносуби деб айтиш мумкин. Улуғ шоир Буроқни чақмоққа ўхшатар экан, сўзининг исботи учун "Қуръони карим"дан бир оятни иқтибос қилиб келтиради: *Миназ-зулумоти илан-нур.* Муҳаммад алайҳиссаломнинг пок зоти ва остидаги пок отини таърифлар экан, уларни "нур устига нур" деб атайди: *нуран ало нур.* Кейинги жумлада яна икки ёруғ сўз келтирилган: *мунаввар* ва *малак*. *Мнаввар* сўзи *нур* сбилан ўзакдош бўлса, *малак*нинг ўзи *нур,* чунки Парвардигори олам ўз фаришталарини нурдан яратган. Шу ўринда шоир санъаткорлик маҳоратининг яна бир қирраси диққатни ўзига тортади, у Расулуллоҳнинг Бурок отини васф этар экан, унга барқваш деган сифат

[1] Навоий асарларининг луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 355.

[2] Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 75-100.

[3] Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанг-э эстелоҳот ва таъбирот-э эрфонӣ. – Теҳрон: 1370. – С. 744.

беради: *Буроқи барқваш*. *Барқ* арабча сўз бўлиб, унинг ўзак ҳарфлари *брқ*. Шу ҳарфлар Буроқ сўзида ҳам бор: *брқ.* Буроқ ва барқ, гарчи бошқа-бошқа сўзлар бўлса-да, ўзак ҳарфларининг бир хиллиги натижасида ўзаро алоқадор бўлиб қолган, бинобарин, шундай туюладики, *Буроқ*нинг ўзи ҳам *барқ*дир. Хуллас, сарлавҳада *нур* билан боғлиқ сўз ва ибораларнинг бутун бир нурафшон занжири бор: *Буроқ* – *барқваш* – *Миназ-зулумоти илан-нур* – *нуран ало нур* – *мунаввар* – *малак*.

Юксак таносубнинг олий даражадаги яна бир порлоқ намунаси Ширинниng Салосил қўрғонига занжирбанд қилинган Фарҳодга нома ёзиши ҳикоя қилинган XLV бобнинг сарлавҳасидир: *Ширинниng найи килки шакаррезлик, балки саҳифаи кофурийға мушкбезлик қилғони ва ҳажр қаро шоми мушкидин рўзгори тийра бўлиб, ул ройиҳа юбусатидин димоғи заъфи қувватин ва судоъи шиддатин ва номус пардалари нофасида ишқ ғаммоз мушки исин ниҳон асрамоқ суубатин рақам урғони ва Фарҳод ўқуб анинг сунбули мушкинидек печу тобдин эси озғони ва бехудона анинг номасиға жавоб ёзғони*. Сарлавҳада Ширинниng Фаҳодга нома ёзиб, оқ саҳифани ёқимли сўзлар билан тўлдириши, ҳижрондаги қоронғу рўзгори, ишқни пинҳон сақлаш қийинчиликлари ҳамда Ширин мактубини ўқиган Фарҳоднинг ҳаяжон ва изтиробдан эсини йўқотиб, Ширинга жавоб йўллаши баён қилинган. Ушбу сарлавҳадаги марказий сўз – *Ширин.* Шоир *Ширин* ва унга маънодош бўлган сўзларни Ширин сўзларининг нақадар ёқимлилиги, ҳажр қаро шомининг нақадар тийра, алам ва изтиробларининг эса нақадар аччиқ эканлиги ҳақидаги бетакрор санъат намунасига айлантирган.

Шоир биринчи жумлада Ширинниng оппоқ саҳифаларга тўкилган ёқимли сўзларини шундай тасвирлайди: *Ширинниng найи килки шакаррезлик, балки саҳифаи кофурийға мушкбезлик қилғони. Ширин* асар қаҳрамонининг исмигина эмас, балки муайян маъноларни англатадиган сўз ҳам. Унинг мазмуний мундарижасида қуйидаги маъно қирралари мавжуд: 1) *ёқимли таъм;* 2) *ёқимли ҳид*. Ширинниng қалами *найи килк* деб аталган. Найи килкнинг маъноси – *қамиш қалам*. Лекин у Ширинниng қалами бўлганлиги учун оддий қамиш қалам эмас. Қамишнинг ҳам икки тури бор: оддий қамиш ва шакар қамиш. Ширинниng қалами шакар қамишдан ясалган қалам. Шунинг учун ҳам у саҳифаларни тўлдириб хат ёзмайди, балки *шакаррезлик, балки саҳифаи кофурийга мушкбезлик* қилади. *Кофур* оқ рангли, *мушк* эса қора рангли хушбўй модда. Шоир *шакар* деганда Ширинниng ёқимли сўзларини, *саҳифаи кофурий* деганда хушбўй оппоқ қоғозни, *мушк* деганда эса ҳам Ширинниng ёқимли сўзларини, ҳам хушбўй қора сиёҳни назарда тутади. Жумлани ҳозирги тилимизга айлантирсак, қуйидагича бўлади: *Ширинниng шакар қамиш қалами кофурдек оппоқ ва хушбўй саҳифага шакар тўкувчилик, балки хушбўй мушк сочувчилик қилгани.* Жумлада қуйидаги сўзлар таносуб ҳосил қилган*: ширин – шакар – шакар қамиш – кофур – мушк.* Бу сўзларнинг ҳаммасида ҳам *ширинлик* маъноси мавжуд бўлиб, улар Ширинниng ўзи, сўзи, қалами, қоғози, сиёҳи, хуллас, у билан боғлиқ ҳамма нарса ширин деган фикрни таъкидлашга хизмат қилган.

Иккинчи жумла икки қисмдан иборат: 1) *ва ҳажр қаро шоми мушкидин рўзгори тийра бўлиб, ул ройиҳа юбусатидин димоғи заъфи қувватин ва судоъи шиддатин* 2) *ва номус пардалари нофасида ишқ ғаммоз мушки исин ниҳон асрамоқ суубатин рақам урғони*. Шоир бу сафар Ширинниng ҳижрондаги оғир ҳолатини тасвирлар экан, аввалги жумладан фарқли ўлароқ, кўпроқ *қора ранг* билдирувчи сўзларни ишлатади: *ҳажр – қаро – шом – мушк – рўзгор – тийра – юбусат* (қуруқлик, иситма) – *заъф – судоъ* (бош оғриғи). Қора ранг ва унга рангдош сўзлар Ширин руҳий оламининг бетакрор манзаралари бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳижрон айёмининг аламли бир саҳифасига айланган. Ушбу рамзий сўзлар орасида мушк сўзи алоҳида ўрин тутади. Юқорида кўрганимиздек, *мушк* сўзининг

мазмуний мундарижасида икки хил маъно бор: 1) *қора ранг;* 2) *хушбўй ҳид.* Шоир ҳар иккала маъносини ҳам назарда тутган: бир тарафдан, Ширинниng рўзгори мушкдек қаро бўлиб, ҳажр мушки исининг қуруқлиги димоғининг заъфини ошириб, бош оғриғини кучайтиради *(қора ранг)*, иккинчи тарафдан, мушк хушбўй ҳид маъносидаги *ройиҳа* сўзи билан боғланиб, биринчидан, Ширинниng ҳатто ҳижрони ҳам ёқимли эканлигига ишора қилса, иккинчидан, Ширин сўзи билан таносуб ҳосил қилиб, жумлани аввалги жумла билан боғлайди. Биринчи қисмнинг мазмуни: *ва ҳажр қаро шомининг мушк сингари қаролигидан рўзгорининг қоронғу бўлиб, ўша ҳажр мушки хушбўй исининг қуруқлигидан димоғи заифлигининг кучайиши ва бош оғриғининг зўрайиши.*

Жумланинг ишқни ўзгалардан пинҳон асраш қийинчиликларининг ифодасига бағишланган иккинчи бўлагида ҳам *ширин* маъноси етакчи бўлган сўзлар устивор. Шоир таносубнинг сарлавҳадаги умумий мантиқидан келиб чиқиб, Ширинниng ишқини мушкка қиёслайди. Парчада ишқ ва мушк билан боғлиқ икки таносуб қатори мавжуд: 1) *ишқ, номус, ниҳон, юбусат;* 2) *мушк, парда, нофа, ис.* Ҳар иккала қатордаги сўзларни *суубат* (қийинчилик) сўзи бирлаштириб туради. *Ишқ, номус, ниҳон* сўзларининг маънолари таниш, *юбусат* сўзи эса аслида *қуруқлик* маъносини билдирса ҳам, бу ўринда *ҳарорат* маъносида келган. *Парда* ҳам тушунарли сўзга ўхшайди, аммо бу сўз мушк билан ёнма-ён келгани учун, *най* (қамиш) сўзи сингари, алоҳида маъно касб этади. Қадимий китобларда ёзилишича, мушк Хўтан саҳросидаги кийикларнинг киндиги ичида етиладиган ноёб нарса бўлиб, одатда киндик ичидаги мушкнинг устини нозик парда бекитиб турар экан. Шоир *номус пардаси* деганда ўша мушк пардасини ҳам назарда тутган. *Нофа* эса *мушкдон, мушк халтаси*. Агар биринчи ва иккинчи қаторда устма-уст жойлашган сўзларни ёнма-ён келтирсак, “Мушк исин яшурса бўлмас” деган халқ мақолига асосланган руҳий ҳолат тасвирланганининг шоҳиди бўламиз: *ишқ – мушк, номус эса ишқнинг пардаси, мушкни мушк халтасида яшириб бўлмаганидай, ишқни ҳам номус пардасида асраш қийин. Мушкни иси ошкор қилганидай, ишқни ҳам унинг ҳарорати ошкор қилади*.

Сўнгги банд Фарҳоднинг Ширин номасини ўқиган чоғдаги ҳолати ҳақида: *ва Фарҳод ўқуб, анинг сунбули мушкинидек печу тобдин эси озғони ва бехудона анинг номасига жавоб ёзгони.* Улуғ санъаткор Фарҳоднинг Ширин мактубини ўқиб ҳаяжон ва изтиробдан титраб-қалтирашларини сочнинг ҳалқалари, эгилиб-букилишларига ўхшатади. Улуғ шоир Навоий Фарҳоднинг эсдан озиши ва беҳуш, паришон бир ҳолатда Ширинга жавоб номаси йўллашини бошқа нарсага ўхшатиб ёки бошқа сўзларни қўллаб ҳам бундан кўра ёрқинроқ ва мутаассирроқ тасвирлаши мумкин эди. Аммо у, сарлавҳадаги умумий таносубдан чекинмай, яна Ширин ва ширин сўзининг маънолари билан боғлиқ янги сўзларга мурожаат қилади: *сунбул, мушкин, печу тоб. Сунбул* – сув сизиб турувчи қоя ва ёнбағирларда пастга қараб ўсувчи ўсимлик бўлиб, унинг қорамтир толалари қизларнинг сочини эсга солади. Шунинг учун ўтмиш адабиётида маъшуқанинг сочлари кўпинча сунбулга ўхшатилган. *Мушкин* сўзи мушксифат, *печу тоб* эса эгилиб-букилиш, буралиш, тўлғониш, ҳалқа деган маъноларни билдиради. Сунбул ва мушкин сўзлари Ширинниng сочига нисбат берилган. Ҳар иккала сўзнинг мазмуний мундарижасида ҳам *қора* ва *хушбўй* деган маънолар мавжуд бўлиб, шоир бу билан Ширин сочларининг ҳам қора, ҳам хушбўй эканлигига ишора қилади. Фарҳод жисмининг Ширин сочларига ўхшатилиши ва эсдан озиши ўртасида ҳам нозик алоқадорлик бор. Сочнинг доимий сифатларидан бири унинг ҳалқа-ҳалқа эканлигидир (*Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини*. Бадое ул-васат, 158-ғазал). Ҳалқа занжир билан, занжир эса ўз навбатида телбалик билан боғланади. Демак, Фарҳод жисмининг Ширин сочларига ўхшатилиши тасодифий бўлмай, унинг соч толалари сингари эгилиб-

букилиши ва эсдан озиб, Ширинга бехудона нома йўллаши, бир тарафдан, Ширинниng ҳижрон аламлари битилган номаси туфайли бўлса, иккинчи тарафдан, унинг *сунбули мушкини*нинг ҳалқа-ҳалқалиги туфайлидир. Жумланинг мазмуни: *Фарҳод ўқиб, унинг мушкин сунбулининг эгилиб-букилишларидек эгилиб-букилишлардан эси озгани ва беҳуш ва паришон ҳолатда унинг номасига жавоб ёзгани.*

Шундай қилиб, сарлавҳада тасвир тўлалигича *ширин* ва унга маънодош бўлган сўзлар асосига қурилган. Юксак таносуб мазмун тақозоси билан юзага келган бўлиб, бу хусусият Навоийнинг айрим сўзлар маъно нозикликларига бўлган муносабатида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, дастлабки жумлада маънодош уч сўз: *шакар, кофур ва мушк* сўзлари келтирилган. Бу сўзларнинг учаласида ҳам ширин маъноси мавжуд бўлса-да, лекин улар ранг жиҳатидан ҳар хил: дастлабки икки сўзда оқ ранг, мушк сўзида эса қора ранг устивор. Кейинги жумлаларда шоир фақат *мушк* сўзини қолдиради, холос. Негаки Ширин қалами, қоғози ва сиёҳининг нечоғли ширин эканлиги тасвирланган биринчи жумладан фарқли ўлароқ, иккинчи жумлада Ширинниng, учинчи жумлада эса Фарҳоднинг ҳижрондаги оғир ҳолати ва аччиқ изтироблари тасвирланган бўлиб, ҳижрон аламларининг ифодаси учун оқ ранг эмас, балки қора ранг мосроқдир. Шунинг учун ҳам кейинги жумлаларда қора ранг устивор бўлган *мушк – қаро – шом – тийра – юбусат – заъф – судоъ – парда – сунбул* каби сўзларни келтирадики, бу шоирнинг улуғ сўз санъаткори эканлигига яна бир далилдир.

Алишер Навоийнинг ғазалчиликда ижодининг илк даврларидан бошлабоқ бирор "мазмунда матлаъе воқе бўлса", мақтаъга қадар изчил давом эттириб, байтларнинг ўзаро "сурат хайсият(жиҳат)идин мувофиқ ва маъни жониби(томон)дин мутобиқ (мос)" бўлишига интилгани маълум.[1] Улуғ шоирнинг бу фикрлари нафақат ғазал, балки барча асарлари, жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги сарлавҳаларга ҳам тааллуқлидир. Юксак таносубни эса бадиий тасвирда *сувpат* жиҳатидан ҳам, *маъно* томонидан ҳам занжирсимон изчиллик ва алоқадорликнинг юзага келишига хизмат қилган асосий композицион-услубий воситалардан бири деб айтиш мумкин.

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.22.

3-ФАСЛ. САРЛАВҲА ВА УМУММАТН МУНОСАБАТИ

Сарлавҳалар мазмун ва бадиияти билан бирга, сарлавҳа ва бобларо муносабат: уларнинг ўзи мансуб бўлган бобнинг мазмун ва бадииятида тутган ўрни ҳам муҳим масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам бирор тадқиқот йўққи, унда бу ҳақда фикр билдирилмаган бўлсин. "Бу сарлавҳаларда , – деб ёзади А.Қаюмов, – ўша бобларда баён этилган воқеа ва фикрлар қисқача, аммо гўзал бадиий тасвирларда баён этилади".[1] Н.Маҳмудовнинг фикри ҳам шунга яқин: "Ҳар бир сарлавҳа бобдаги воқеа ва фикрнинг беҳад мухтасар ва кўркам баёнидан иборат".[2] Гарчи бу фикрлар, умуман олганда тўғри бўлса ҳам, аниқлик киритилиши лозим бўлган бир жиҳат бор: "баён этилган" эмас, баён этиладиган "воқеа ва фикрлар". Чунки сарлавҳа бобдан кейин эмас, аввал келади. Сарлавҳага хос бу хусусият С.Эркинов ва А.Рустамий ишларида ҳисобга олинган: "Навоий Низомийдан фарқли равишда ҳар бир бобнинг сарлавҳасида содир бўладиган воқеаларнинг мундарижасини бериб боради",[3] – деб ёзади С.Эркинов. "Навоийнинг "Хамса"сида ҳар бир бобга қўйилган сарлавҳа шу боб мундарижасини ташкил қилади",[4] – деб бу фикрга қўшилади А.Рустамий. Дарҳақиқат, сарлавҳалар боб мазмунининг ўзига хос "мундарижаси" бўлиб, уларнинг вазифаси ҳар бир бобда тасвирланадиганган кайфият, кечинма ва воқеалар ҳақида хабар бериш, шу билан бирга, бобнинг етакчи услуб ва усуллар доирасини белгилаш, улар ҳақида дастлабки тасаввур яратишдан иборатдир.

Гарчи сарлавҳа "мундарижа", шеърий байтлар эса мундарижада зикр қилинган воқеа ва фикрларнинг батафсил тасвиридан иборат бўлса ҳам, улар ўртасидаги муносабатлар якранг эмас: бу муносабатлар хилма-хил усул ва кўринишларда намоён бўлади. Наът мазмунидаги IV бобни олайлик: *Ул қуёш рухсори васфидаким, тун киби гесу қуёшиға соя солди ва "Вашшамс" била "Валлайл" сурасини анинг юзи қуёши била зулфи тунига ўхшатилғонидин ҳар бири бир бийик поя олди, агарчи ул қуёшқа соя йўқ эрди ва ул кечага манзил қуёш устида-ўқ эрди. "Ва саллаллоҳу ало шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи"*. Сарлавҳанинг дастлабки қисми сарлавҳанинг дебочасидир. Унда нафақат сарлавҳа, шу билан бирга, бобнинг мавзуси ҳам баён қилинган: *ул қуёш рухсори васфи*. "Ул қуёш"дан мурод Муҳаммад (савс) пайғамбардир. Гарчи сарлавҳа ул қуёш рухсори васфи деб номланган бўлса ҳам, унда у муборак зотнинг нафақат рухсори, шу билан бирга, гесу – сочи ҳам васф этилган. Шоир Муҳаммад (савс) пайғамбарнинг ўзларини ҳам, юзларини ҳам ҳам қуёш деб атайди, сочларини эса бирданига ҳам тун, ҳам сояга муқояса қилади: *тун киби гесу қуёшиға соя солди*, яъни қуёш туннинг соясида қолганидек, тун каби қора зулф ҳам қуёш каби ёруғ юзга соя солди. Кейинги жумлада ҳам қуёш ва тун ташбеҳлари давом этган: унда айтилишича, гарчи пайғамбар юзи қуёшдек бемонанд бўлса ҳам, "Вашшамс"[5] (Қуёш) сураси Пайғамбарнинг юзига; сочи қуёш устида манзил тутган бўлса ҳам, "Валлайл"[6] (Тун) сураси зулфининг тунига ўхшатилган, шу боис "Вашшамс" юзининг қуёшидек, "Валлайл" эса қуёшининг соясидек буюк поя олган. Яъни "Вашшамс" Пайғамбар юзига ўхшатилгани учун қуёшдек юксак мақомга кўтарилган бўлса, Пайғамбар гесуси унинг қуёшдек юзидан баландда турганидек, "Валлайл"га "Вашшамс"дан ҳам баландроқ манзил насиб бўлган. Сўнгги жумлада шоир Пайғамбарга

[1] Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд – Б. 4.
[2] Маҳмудов Н. Мухтасар ва кўркам баён, Б.97.
[3] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971, Б.200.
[4] Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003, Б.64.
[5] Бу сура "Қуёшга қасам" деб бошланганлиги учун шундай ном олган.
[6] Бу сура "Тунга қасам" деб бошланганлиги учун шундай ном олган.

Аллоҳнинг раҳматини тилар экан, сарлавҳанинг тимсоллар оламидан чекинмай, дуони ҳам юз ва гесу, қуёш ва соя билан боғлайди: *Ва саллаллоҳу ало шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи*, яъни Аллоҳнинг раҳмати жамолининг қуёши ва камолининг соясича бўлсин! Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳнинг раҳмати пайғамбар жамолининг қуёшидек ёруғ ва камолининг соясидек узун бўлсин!

Шеърий байтларда ҳам тасвир шу руҳ ва шу услубда давом этган. Унда ҳам асосан Пайғамбар юзи ва зулфи васф этилиб, сарлавҳадагидек юз қуёш каби нурафшон жисмлар, зулф эса тун каби қоронғуликни билдирувчи нарсаларга ташбеҳ қилинган. Улуғ шоир Муҳаммад алайҳиссалом мадҳини қуйидаги шоҳ байт билан бошлайди:

Муҳаммад “коф”у “нун”ға қуррат ул-айн,
Туфайли кавн ўлуб, йўқ, йўққи, кавнайн.

Байтда машҳур бир ҳадисга ишора қилинган: “Лавлока ламо халақтул-афлок” (Сен бўлмаганингда, фалакларни яратмасдим). Ҳадисда келтиришича, Аллоҳнинг олам, балки оламларни яратишдан мақсади Муҳаммад (савс) пайғамбар эди. Аллоҳ “кун” – “ярал” деган чоғда даставвал у муборак зотнинг нурлари, сўнгра эса бу нурдан жумла олам ва Одам дунёга келди. Шунинг учун ҳам, шоир байтда образли қилиб айтганидек, “Муҳаммад “коф”у “нун”, яъни “кун” (كن) сўзининг “қуррат ул-айн”и – кўз қорачиғи, моясидир.

Кейинги байтларда ҳам Пайғамбар мадҳи юксак пардаларда давом этади: у нубувват ўлкасининг тождори, унинг тахти тўққиз осмон, балки Аршга ҳам соя солган, аммо уни соя эмас, балки раҳмат нури дейиш лозим. Нур ва соя ҳақида ҳақида сўз очган шоир, тенгсиз маҳоратини намойиш қилиб, сўз риштасини кейинги байтда юз ва зулф билан боғлайди: оқшом кун юзига соя бўлганидек, зулфи ҳам қуёшдек юзининг соясидир, бу соя унинг оёқларини ўпганда, юзи чироқ, зулфи эса чироқ остини эсга солади:

Аёғин ўпгали гар тушти гесу,
Бўлур дойим чароғ олти қоронғу.

Шоир ташбеҳлар силсиласини давом эттирар экан, сочнинг ҳалқалари ва тобини юлдузларга қиёслайди: зулф халқалари юз узра жилва қилганда, қуёш устида юлдузлар чарақлагандек бўлади:

Чу айлаб ҳалқалар ул зулф пайдо,
Бўлуб меҳр узра кавкаблар ҳувайдо.

Йўқ юлдуз эмас, бу фикрини рад этади шоир, ўйлаб кўрилса, юзи бир гулзор бўлиб, сочининг жилвалари бу гулзорда очилган гуллардир, аммо, дейди у яна, зулфни гулга ташбеҳ қилиш ҳам тўғри эмас, гул зулф билан асло тенглаша олмайди, чунки у бўйни боғлиқ бир қул, балки тўнига ҳар ён ёмоқ тушган бир гадодир:

Демон гул бандасидур бўйни боғлиқ,
Гадоедур тўни ҳар ён ямоғлиқ.

У ортига кўтариб олган бир қучоқ тикан унинг гадолигидан нишонадир, – лутфкорлик қилади шоир гул шохини қоплаган тиканларни назарда тутиб. – Тикан ранжидан унинг

қадди эгилиб, тўнлари йиртилиб кетган, – лутф қилишда давом этади у гулнинг очилишини тўннинг чок-чокидан сўкилиб кетишига ўхшатиб:

Қади хам бўлди гўё бу миҳандин,
Тўни йиртуғлари ҳам бу тикандин.

Кўриниб турибдики, сарлавҳа ва боб ўртасида мавзу жиҳатидан ҳам, тасвирий воситалар нуқтаи назаридан ҳам тўла монандлик бор: сарлавҳада ҳам, шеърий бобда ҳам юз ва зулф тасвирланиб, қуёш ва тунга ташбеҳ қилинган. Фақат шеърий бобда ташбеҳлар доираси сарлавҳага қараганда кенгроқ: қуёш ва тун ташбеҳлари қаторига гул ташбеҳлари ҳам қўшилган.

Бироқ мазмун ва бадиий воситалар ҳамма вақт ҳам бир-бирига бу қадар монанд эмас. Достондаги II бобга шундай сарлавҳа қўйилган: *Бу шавқ достонининг "алиф"лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша зулфлар туррраси янглиғ дилкаш эрконига боис феҳрастида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси Қайюми мутлақ сифоти била мутарро эрконининг баёни*. Шоир ўз достонини "шавқ достони" деб атаб, сарлавҳанинг дастлабки қисмида "шавқ достони"нинг "алиф" ва "лом"ларини ҳақида сўз юритади: *"алиф"лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша зулфлар туррраси янглиғ дилкаш*. Шеърий бобда эса, сарлавҳадан фарқли ўлароқ, достонга бошқача ном беради, у "рангин сафҳа, балким дард боғи"дир:

Бу рангин сафҳа, балким дард боғи,
Аён ҳар лоласида ишқ доғи.

Кейинги байтлар "рангин сафҳа, балким дард боғи"нинг беҳад мутаажжиб манзараларининг тасвиридан иборат: ундаги ҳар гулбарг ҳайрат ўти, ҳар сунбул ҳасрат дуди, қушлар нағмаси ҳижрон қўшиғи, оқар суви ҳижрон сели, шамолига оҳ шуъласи ҳамроҳ, гуллари дард ғунчаси намоён қилган, аммо бу ғунчалардан оташин гуллар очилган.

Сарлавҳанинг кейинги қисмида "шавқ достонининг "алиф"лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша зулфлар туррраси янглиғ дилкаш эканлигининг боиси" баён қилинган. Бунинг боиси "феҳрастида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси Қайюми мутлақ сифоти била мутарро эркон"лигидир. Феҳраст муқаддима бўлса, туғро кўринишидан "алиф"га ўхшаб, китобларнинг бошига тушириладиган чизиқли расм. Демак, достоннинг феҳрастида "алиф"сифат Ҳақ отидан туғро, муқаддимаси "лом"сифат Қайюми мутлақ сифоти билан зебо. Шу туфайли "шавқ достони"нинг ҳар бир "алиф"и сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша зулфлар туррраси янглиғ дилкаш.

Шеърий байтларда айтилишича, "дард боғи" ҳам "улус кўнглига марғуб", чунки унинг "ибтидоси" "ул Холиқ саноси"дир. Ул Холиққи, –деб ҳамду сано айтишни бошлайди шоир, – Ҳуснининг жилваси билан инсон "кўнглин этти гулшани ишқ". Унинг ҳусни қуёшдек бемисл эди. Азал чоғи бу ҳусн қуёшдек порлади. Биргина маъшуқ бор эди, шундан сўнг ишқ ва ошиқлик ҳам пайдо бўлди. Ошиқ маъшуқ ишқида ўртаниб, ундан жаҳон бозори ичра ғавғо тушди. Шоирнинг ҳайрат ва ҳаяжон билан сўзлашича, бу жуда ажойиб ҳол эди, чунки ўша ҳусн қуёши маъшуқ бўлса, унинг ишқида ўртанган ошиқ ҳам бегона эмас, ўша маъшуқнинг ўзи эди:

Недин ошиқни ўртар шайни маъшуқ,
Чу ошиқ мунда келди айни маъшуқ.

Лекин идрок этилса, – фикрини давом эттиради шоир, – маъшуқнинг ўзи ҳам маъшуқ эмас, балки ишқ эди, бинобарин, ошиқ ошиқ эмас, маъшуқ маъшуқ эмас эди, уларнинг иккиси ҳам айни ишқ эди:

Икиси балки айни ишқ, фафҳам[1]*,*
Тугонди барча сўз, валлоҳи алам[2]*!*

Ул Холиқ гўё бир моҳир рассом эди-ю, ўзини турфа суратларда зоҳир қилган эди:

Ажаб суратки, бир наққоши моҳир
Бўлур юз навъ сурат бирла зоҳир.

Шоир бу фикрни нақш (сурат), манқуш (сурати чизилган зот) ва наққош (сурат чизувчи) сўзлари воситасида беҳад ажойиб ва бетакрор тарзда шундай ифода қилади:

Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош,
Киши бу сирни мендек қилмади фош.

Нақш, манқуш ва наққош бир сўз, бир асоснинг турли кўринишлари бўлганидек, – дейди шоир тимсол тили билан сўзлаб, – ишқ, ошиқ ва маъшуқ ҳам аслида Ул Холиқнинг турли сурат-жилвалари эди.

Сарлавҳа ҳам, шеърий байтлар ҳам ана шу фалсафий фикрнинг бадиий ифодасидан иборат. Бироқ унинг сарлавҳа ва шеърий байтлардаги тасвир ва талқини зоҳиран бир-бирига ўхшамайди. Бу ҳолат бу бобни аввалги боб билан муқояса қилганда яхшироқ кўзга ташланади. Аввалги бобда сарлавҳа ва шеърий байтлар мавзу жиҳатидан ҳам, тасвирий воситалар жиҳатидан ҳам бир-бирига монанд бўлса, бу бобда тасвир ўзгача: сарлавҳада Ҳақ оти ва Қайюми мутлақ сифоти зикр этилиб, Ҳақ оти “алиф”га, Қайюми мутлақ сифоти эса “лом”га нисбат берилган. Аммо шеърий байтлар бу ташбеҳларнинг инкишофи эмас, балки Ҳақ оти ва Қайюми мутлақ сифотининг изоҳидир. Шоир таъкидлайдики, Ҳақнинг оти Маъшуқ бўлса, Қайюми мутлақ сифоти ошиқдир, зеро,*чу ошиқ мунда келди айни маъшуқ*. Аммо Маъшуқ ҳам, ошиқ ҳам ишқдан ўзга нарса эмас: *икиси балки айни ишқ, фафҳам!* Фикр авжида келтирилган иштиқоқ санъати бу фикрга беҳад тиниқ кўзгу бўлган: *Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош*. Шоир чексиз ифтихор туйғуси билан қайд қилганидек, ҳеч бир ижодкор бу сирни у қадар тушунган ҳам, ўз достонида у қадар тасвирлай олган ҳам эмас.

Аввалги бобда қўлланган усулни *кенгайтириш*, *тўлдириш*, кейинги бобда қўлланган усулни эса *шарҳлаш*, *изоҳлаш* деб айтиш мумкин. Ҳусайн Бойқаро мадҳ этилган Х бобда янада бошқачароқ усул ишга солинган. Маълумки, улуғ шоир ижодида Ҳусайн Бойқаро сиймоси ўрин олган асарлар оз эмас: “Мажолис ун-нафоис”нинг 8-мажлиси, “Хазойин ул-маоний” таркибидаги бир қатор шеър ва байтлар, “Хамса”даги алоҳида боб ва ҳикоятлар шулар жумласидандир. Шоир уларда Ҳусайн Бойқарони улуғ ва шавкатли шоҳ деб атаса ҳам, унинг инсоний фазилатлари: нозикфаҳм шоирлиги, адолат ва инсофи, раҳм-шафқат

[1] Фафҳам – а. тушун, англа.
[2] Валлоҳи алам – а. Аллоҳ билгувчидир.

ва меҳрибонлиги, ва айниқса, юксак маънавий камолига кўпроқ эътибор қаратади. Ҳусайн Боқаро таърифида айтилиб, чин инсонийлик таърифига айланган машҳур сўзларда ҳам шу ҳолат бўртиб туради: *шоҳларнинг дарвешию дарвешларнинг шоҳи, сувратда шоҳу сийратда дарвеш*.

Аммо бу боб, шоирнинг бошқа асарларидан фарқли ўлароқ, ҳақиқий мадҳ намунасидир. Унда Султон Ҳусайн, асосан, шоҳаншоҳ сифатида таъриф ва тавсиф этилиб, унинг разму базми: шоҳлик шукуҳ ва шавкати, тожу тахти, ўқ ва ёйи, қилич ва найзаси, қаҳру лутфи ҳамда ҳиммату саховати қаламга олинган. Шоирнинг муболағадор услубда тасвирлашича, унинг мурассаъ тахти марварид шодасидан аъло, фалак бу шодадан тўкилган бир феруза тошгина, холос. Унинг пешонаси Сурайё юлдузидек ёруғ, етти дарё эса шукуҳи қаршисида етти томчидек бўлиб қолади. Қаҳрининг совуқ шамоли эсганда, олам қўрққанидан тоғлар орқасига яширинади. Аксинча, лутф гулшанидан ёқимли ҳид таралганда, жаннат насими гармселдек туюлади. Сув мулкни ҳам обод, ҳам вайрон қилганидек, сувдек кескир қиличидан эл ҳам шод, ҳам ғамга муътод бўлади. Шоҳ камонидан отилган ўқ эса ажал ўқидан бир нишонадир:

Хадангинг марг тийридин нишона,
Адув жисмини айлаб ошёна.

Булутмисол оти яшиндек тезрафтор бўлиб, “юрарда шарқ то ғарб” унга “икки қадам”, холос. Агар шоҳ уруш бошласа, фалакни чанг-тўзон қоплаб, жаҳонга, балки замин бирла замонга ваҳима тушади:

Чиқиб чарх узра ҳайжо аҳли гарди,
Қолиб чарх ичра чархи ложувардий.

Ҳар томон беомон тиғ солиб, оламни душмандан холи қилади. Жанг майдонидан қайтиб, тахт узра Жамшид, балки хуршид янглиғ ором тутган чоғда эса, каёний май ичиб, не мулкники фатҳ этган бўлса, уларнинг барини бахш этиб юборади. Шоир шоҳ мадҳининг якунида уни шундай дуо қилади:

Гадодин бўлмасун озурда ройинг,
Эрур подшаҳлар ҳам гадойинг.
Ало, то подшоҳлик боқий ўлғай,
Тараб базмида маҳваш соқий ўлғай.

Мазкур бобга шундай сарлавҳа қўйилган: *Тезрав хомани мистар шоҳроҳига кийгурмак ва содарў нома майдонини шоҳ мадҳи айтурға кирпик била супурмак, балки обдор нуктадин сув уруб, ул хомани маддоҳлардек бу майдонға солиб, маърака тутмоқ ва бу гарм маърака бирла ҳар маддоҳеки, бир шоҳ учун мадҳ айтиб турур, маъракасин совутмоқ*. Гарчи шоир “шоҳ мадҳи айтурга” бел боғлаган бўлса ҳам, шоҳнинг мадҳ этилган бирор фазилати ҳам сарлавҳадан ўрин олган эмас: сарлавҳа тўлалигича шоир мақсад-муддаосининг тасвиридан иборат. Биринчи жумлада ташбеҳи измор – яширин ташбеҳ усулини ишга солиб, қўлидаги қаламини отга, мистар – хаткашни эса йўлга ўхшатади: *тезрав хомани мистар шоҳроҳига кийгурмак*. Қалам тезрав – отдек чопқир, мистар шоҳроҳ – кенг ва текис йўлдек тўғри ва равон. Ташбеҳлар силсиласини иккинчи жумлада ҳам давом эттириб, мадҳ битилажак номани жанг майдонига, киприкларини эса супургига нисбат беради: *содарў нома майдонини шоҳ*

мадҳи айтурға кирпик била супурмак. Нома майдондек текис, киприклар эса супургидек узун ва ингичка. Аммо шоир жумланинг кейинги бўлагида бу фикрдан қайтади: киприк эмас, хома. У ўз хомасини бу сафар қиличга ўхшатади: у сувдек тиниқ ва кескир, чунки хома, қиличга сув бериб тоблангандек, обдор нукта – кескир сўзлардан сув урилиб, тоб берилган: *обдор нуктадин сув уруб*. Хуллас, шоир чопқир отдек тезрав хомасини катта йўлдек кенг ва равон сатр чизиғига солиб, текис нома майдонини киприклари билан супуриб, балки хомасига обдор нуктадан сув уриб, уни кескир қиличдек тоблаб, шоҳни мадҳ этишга, бу қизғин мадҳ билан ўзга маддоҳларларнинг маъракасини совутишга чоғланади, яъни *бу гарм маърака бирла ҳар маддоҳеки, бир шоҳ учун мадҳ айтиб турур, маъракасин совутмоқ*.

Мазкур сарлавҳа ва шеърий байтлар ўзаро *ғоявий ният ва унинг бадиий ифодаси* тарзида шаклланган: сарлавҳа шоир ниятларининг баёни бўлса, шеърий боб бу ниятнинг амалдаги ифодасидир. Шу ўринда сарлавҳа ва бобларо муносабатнинг яна бир муҳим қирраси кўзга ташланади: *шеърий бобда тасвирланувчи воқеа, тимсол, жой номи ёки бошқа бирор тушунча, ўзининг асосий вазифасидан ташқари, сарлавҳада кўпинча етакчи тасвирий восита бўлиб ҳам хизмат қилади*. Чунончи, мазкур бобда Ҳусайн Бойқаро мадҳ этилган, у шоҳ. Шунинг учун тасвир бошдан оёқ шоҳлик тафсиллари билан боғлиқ ҳолда юзага чиққан: хома шоҳ отидек чопқир ва қиличидек кескир, мистар шоҳ йўлидек кенг ва равон, нома битилажак қоғоз баҳс майдонидек текис ва тоза, шоирнинг ўзи эса шоҳ куч-қудратини мадҳ этувчи тенгсиз маддоҳ.

Бобда тасвирланаётган фикр, кечинма ёки воқеа мазмунидан келиб чиқиб тасвирий восита танлаш ёки уларнинг ўзини тасвирий воситага айлантириш нафақат мазкур сарлавҳа, балки достондаги деярли барча сарлавҳалар учун ҳам хос хусусиятдир. Бу усул, умуман олганда, юксак таносубнинг кенгроқ миқёсда – бутун бир боб доирасида амал қилиши бўлиб, у сарлавҳа ва шеърий байтлар ўртасида мавзу, тимсол, бадиий восита ва тафсиллар ўртасида ҳам кучли алоқадорлик юзага келишининг бош омилидир. Чунончи, достоннинг XII боби хоқон ҳашаматининг таърифи билан бошланиб, шоир Чин мулки ҳақида шундай мисраларни битади:

Ки Чин мулкики, рашки нақши Чиндур,
Саводи ғайрати хулди бариндур.

Боб сарлавҳасида эса шундай деб ёзади: *Бу дебойи чиний юзин хитойи соз нақшлар била мунаққаш қилмоқ ва ул хитойи нақшларни монувий тироз гуллар била дилкаш безамоқ*. Ҳар икки жумладаги барча тасвирий воситалар Чин (Хитой) мамлакати, хусусан, Моний ҳақидаги тушунчалар билан боғлиқ: *дебойи чиний*, *хитойи соз нақшлар*, *монувий тироз гуллар*. *Чунки бу боб Чин мулки ва Чин хоқони ҳақидадир*! Чин эса ўтмишда ўзининг нафис матолари билан машҳур бўлганлиги маълум. Моний чинлик рассом бўлиб, унинг номи билан аталувчи монийлик динининг асосчисидир. Моний диний ақидаларни баён қилар экан, ўз китобини ғоят чиройли расмлар билан безаган. Шунинг учун у моҳир рассом, балки рассомлар пири ҳам ҳисобланган. Жумлада шоир ўзини Монийга, ёзилажак асарини эса Моний чизган суратларга қиёслайди: у оппоқ қоғоз саҳифаларига сўз битмайди, балки Чинда тўқилган нафис матолар юзини чиний суратлар билан мунаққаш, мунаққаш суратлар юзини эса монийуслуб гуллар билан дилкаш қилади. Зеро, Чин хоқонининг таърифи битилажак қоғоз қоғоз эмас, балки дебойи чиний, дебойи чиний юзига битилажак сўзлар сўз эмас, балки хитойи соз нақшлар, ҳарфлар ҳарф эмас, балки монувий тироз гуллардир.

Достоннинг XXIX бобида Фарҳоднинг денгиз сафари тасвирланган. Сафар чоғи денгизда кучли бўрон кўтарилиб, Фарҳод фалокатга учрайди. У тушган кема денгиз қаърига чўкиб,

ўзи бир бўлак тахта устида қолади. Денгиз тўлқинлари беҳуш Фарҳод ётган тахтапорани Яман мамлакатининг чегаралари томон суриб кетади:

Тушуб ул тахта сайрининг гузори,
Яман мулкию Тойиф ҳадди сори.

Яманлик бир гуруҳ савдогарлар уни шу ҳолда топиб, кемага чиқариб оладилар. Бу воқеа боб сарлавҳасида шундай тасвирланган: *Фарҳоднинг синуқ заврақ жисми заврақ синуқида қолиб, ани дарё мавжи Яман мулки сори солиб, Яман аҳли кемасиға учрағони ва ул кема тожирлари анингдек дурри гаронмоя топқонларидин севунуб, ул бу миннат адосидин ғамға қолғони*. Парчадаги *дурри гаронмоя* – Фарҳод, кема аҳли *анингдек қимматбаҳо дур* топганларидан беҳад севинадилар. Чунки улар яманликдир, Яман эса ўз ақиқу дурлари билан машҳур бўлган, шу туфайли Фарҳод яманлик савдогарларнинг кўзига аввало дурри гаронмоя – қимматбаҳо дур бўлиб кўринади. Кейинги жумлада Фарҳоднинг Суҳайлга нисбат берилиши ҳам Яман туфайлидир. Суҳайл энг ёруғ юлдузлардан бири бўлиб, у доимо Яман осмони узра порлаб турган, шунинг учун баъзан Суҳайли Яманий ҳам дейилган. Фарҳод ҳам Яман аҳли наздида гўё Суҳайл юлдузи эди, у ўз шукуҳу савлати, фазлу камоли ва ҳусну жамоли билан уларнинг кўзини Суҳайлдек ёритади: *Суҳайлдек Яман аҳли кўзин ёрутқони*.

Достоннинг XX боби отасининг хазинасида тилсимли сандиққа дуч келган Фарҳоднинг мураккаб руҳий кечинмалари тасвиридан иборат. У сандиқ қопқоғига ёзилган сўзларнинг мазмунидан хабардор бўлгач, Юнон мулкига бориб, бу мушкилотни ҳал қилишга беҳад ҳавасманд бўлади. Лекин хоқон ўғлининг бу муддаосини рад қилади. Аммо хоқон қанчалик рад қилса, Фарҳоднинг иштиёқи шунчалик ошиб боради. Оқибат бу иштиёқ Фарҳодни шу қадар беқарор қиладики, у девона бўлиш даражасига етади:

Бу эрди биймким, девона бўлғай,
Хирад ойинидин бегона бўлғай.

У Мулкорони хилватга чорлаб, ниятини унга маълум қилади: хоқон йўлга тушиш учун ижозат берсин, агар бу ишга рози бўлмаса, бош олиб кетишдан ўзга чора йўқ:

Ишим чун манъ кўйидин йироқдур,
Ижозат бўлса шаҳдин яхшироқдир.

Мулкоро тушунадики, шаҳзодани ниятидан қайтариб, насиҳат қилишдан фойда йўқ. У Фарҳоднинг сўзларини отасига етказади. Бу хабардан хоқон чорасиз дарду ғам ичра қолади: ўғлидан ажралиш ота учун ўлим билан баробар, кўнмаслик эса ўлимдан ҳам оғир.

Бу воқеалар сарлавҳада шундай тасвирланган: *Фарҳодқа Юнон мулки азимати жазм бўлиб, ҳикмат била Мулкорони чорлаб, сўз камиятини Юнон водийсиға солиб, тилисм муддаосин, балки муддао тилисмин анинг қошида очқони ва Мулкоро ани насиҳат била мумтанеъ қила олмай, муддаосин Хоқонға арз қилиб, бу муҳлик сўздин Хоқоннинг руҳи Фарҳоди бадани Чинийдин адам Юнониға*[1] *юзлангали ёвушиб, Мулкоро била кўп машварат қилғондин сўнгра Фарҳод била Юнон мулкиға черик тортиб борурни муқаррар қилғони*. Сарлавҳадаги *тилисм муддаоси, муддао тилисми; руҳ Фарҳоди, бадани Чиний, адам Юнони* каби тасвирий воситалар ана шу воқеларнинг бевосита акс-садосидир.

[1] Нашрда *бадани Чинийдин адам Юнониға* сўзлари қуйидаги тарзда хато ёзилган: *бадан чинидин адам юнониға*.

Тилисм муддаоси деганда сеҳрли сандиқ назарда тутилган бўлиб, бу иборада тилсим ўз маъносида келган, аммо *муддао тилисми* образли ифодадир, шоир Фарҳоднинг муддаосини тилсимга ўхшатади: тилсим ичида бирор нарса яширин бўлганидек, Фарҳод кўнглида ҳам муддао тилсими яширин, тилсим очилиши лозим бўлганидек, Фарҳод ҳам муддао тилисмин анинг (Мулкоронинг) қошида очади. Кейинги жумлада хоқоннинг руҳи Фарҳодга, бадани Чинга, адам мулки эса Юнон мамлакатига ташбеҳ қилинган: Фарҳод Чин юртини тарк этиб, Юнон мамлакатига сафар қилиши лозим бўлганидек, Фарҳоднинг муҳлик сўзларидан хоқоннинг Фарҳодсифат руҳи ҳам Чиндек баданини тарк этиб, йўқлик Юнонига юзлангандек бўлади.

Воқеа ва тимсолларни бу каби кўчма маънода қўллаб, изчил тасвирий воситага айлантириш фақат улуғ шоир ижодигагина хос бўлган бемисл ва бетакрор усулдир. Бу усулнинг бетакрорлиги шундаки, тасвирий воситалар, бир тарафдан, воқеа, кайфият ва кечинмаларнинг ўзига хос ихчам ва мўъжаз ифодаси бўлса, иккинчи тарафдан, шу воқеа, кайфият ва кечинмаларнинг мажозий талқини ҳамдир. Бу хусусият мазкур сарлавҳада ҳам кўзга аён ташланиб турибди. Унда, аввало, ўғлини жонидан ортиқ кўрган, унинг тақдирини ўйлаб ташвиш чекаётган меҳрибон падарнинг руҳий ҳолати мужассам: Фарҳод хоқон учун руҳи равон, Чин жисму жон бўлса, Юнон йўқлик, шунинг учун Фарҳоднинг муддаоси ҳақидаги хабарни эшитиб, хоқон чексиз ғам ичра қолади, гўёки жони баданини тарк этаётгандек бўлади. Иккинчидан, Юнон сафарининг замирига жо бўлган ғоявий мазмуннинг ифодасидир: Фарҳод – руҳ, Чин – бадан, Юнон – адам, достоннинг умумий ғоявий мазмуни ва образли қурилишидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Фарҳод – руҳ, Чин – ўзлик, Юнон эса фанодир. Шоир бу билан шундай дегандек бўлади: хоқоннинг руҳ Фарҳоди бадан Чинини тарк этиб, йўқлик Юнонига етгандек бўлганидек, Фарҳоднинг руҳи ҳам ўзликни тарк этиб, сафар ниҳоясида фано мақомига етажак.

Сарлавҳа ва бобларо муносабат масаласида сўз юритилар экан, эътиборда тутиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат ҳам бор: шеърий боблар мазмун ва моҳият, хусусан, композицион жиҳатдан яхлит бир бўлак ҳолида эмас. Чунончи, дастлабки боблар (II–V) фақат таъриф ёки тавсифдан иборат бўлгани ҳолда, олтинчи бобдан бошлаб уларга соқийга мурожаат тарзидаги икки байт қўшилган. Натижада бундан кейинги боблар (VI–XI) таркибан икки қисмли бўлиб қолган: 1) асосий фикрлар баёни; 2) “соқийнома”лар. Ўн иккинчи боб эса бир байтдан иборат яна бир янги композицион қисм – бароати истиҳлол тарзидаги алоҳида байт билан бойиган. Бундан кейинги ҳар бир боб (XI–LII) ўзаро боғланган уч қисмдан ташкил топган: 1) “бароати истиҳлол”; 2) асосий воқеалар тасвири; 3) “соқийнома”. Бу усул асар хотимасига қадар давом этган, аммо сўнгги икки бобда (LIII–LIV) “бароати истиҳлол” йўқ. Сарлавҳалар билан “бароати истиҳлол” ва “соқийнома”лар ўртасида ҳам муайян алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу алоқадорлик ҳам ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Бароати истиҳлол бирор асар ёки муайян бобнинг бошланма байтида юзага чиқадиган санъат, унинг асосий вазифаси тасвирланадиган воқеа ёки фикр ҳақида олдиндан хабар бериш ёки унга ишора қилишдан иборат.[1] Бароати истиҳлолдан кейин асосий воқеалар ҳикоя қилина бошлайди. Алишер Навоий салафлари “Хамса”ларининг баъзи бобларидагина юз кўрсатган[2] бу усулни ўз ижодига изчиллик ва муваффақият билан татбиқ этиб, уни юксак санъат даражасига кўтарган. Шоир ҳар бир бобда бароати истиҳлол яратар экан, бу усул ёрдамида шеърий сатрлар бағрига жо бўлгувчи асосий воқеаларга эътиборни жалб

[1] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O`zbekiston, 2014. – Б.32.
[2] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.206.

қила боради. Жумладан, у Фарҳоднинг дунёга келиши ҳикоя қилинган XII бобни қуйидаги бароати истиҳлол билан бошлайди:

Бу чиний ҳуллаға бўлғон рақамкаш,
Юзин бу тарҳ ила қилди мунаққаш.

Чиний ҳулла "Фарҳод ва Ширин" достонининг ибтидосидир. Бу чиний ҳулла – Чинда тўқилган нафис ва майин ипак мато юзини рақамкаш қуйидаги гуллар билан безади, – деб ёзади у иккинчи мисрада. Чиний ҳуллага чизилган гуллар эса, кейинги байтлардан маълум бўладики, *Хоқони Чин маснадининг эҳтишоми ёймоқ ва шаҳзода Фарҳоднинг адам шабистонидин вужуд гулшаниға келмаги* ҳақидаги ҳикоядир.

"Бароати истиҳлол сарлавҳада баён қилинган фикрларнинг такрорига ўхшаб ҳам кетади. – деб ёзади С.Эркинов достондаги бу санъатнинг баъзи намуналарини таҳлил қилар экан, – Лекин у ташқи кўринишдан бобнинг сарлавҳасига яқин турса-да, ундан ўзининг қурилиши ва мазмуни билан фарқ қилади. Агар сарлавҳани боб учун умумий мундарижа деб олинса, бароати истиҳлол боб мундарижасининг йўналтирувчи нуқтасидир".[1] Улуғ шоир бароати истиҳлолда бадиий тасвирни, бир тарафдан, сарлавҳа, иккинчи тарафдан эса, боб мазмунида ётган тимсол ва тафсиллар асосига қуради. Натижада бароати истиҳлол сарлавҳа билан шеърий матнни бир-бири билан боғловчи бадиий риштага айланади. XVI боб сарлавҳасида Фарҳоднинг Қорандан *хоро* йўниш ҳунарини ўрганиши ҳикоя қилинган: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи*. Бароати истиҳлолда эса шоир содир бўлажак воқеалар ҳақида шундай деб ёзади:

Бу хоро узра тез эткан қаламни,
Юзига бўйла нақш этти рақамни.

Бу хоро – тош тахта асарнинг навбатдаги бобидир. Қаламини ўткир қилган тоштарош бу хоро устига шундай расмлар ўйди, – деб ҳикоя қилишга киришади шоир. *Бу хоро юзига нақш этилган рақамлар* эса Фарҳоднинг Қорандан тошкесарлик сирларини ўрганишидир.

Бароати истиҳлол ўз мазмун-моҳияти билан насрий қиссаларда учровчи "Ровийлар андоқ ривоят қилурларким" каби бошланмаларга ўхшаб кетади. Бундай бошланмаларда одатда икки мафҳум мавжуд бўлади: *ровий ва ривоят*. Бу мафҳумлар бароати истиҳлолда ҳам мавжуд. Аммо насрий бошланмадан фарқли ўлароқ, шоир уларга беҳад зебо ва кўркам, асосийси эса, тасвирланажак воқеалар билан бениҳоя уйғун истиоравий либос кийдиради. Чунончи, аввалги байтда ровий *Бу чиний ҳуллаға бўлғон рақамкаш*, ривоят эса *нақш*, яъни чиний суратлар деб аталган, чунки бу боб ва унинг сарлавҳаси Чин хоқони ва шаҳзодаси ҳақидадир. Кейинги байтда эса ровий *Бу хоро узра тез эткан қаламни*, ривоят эса *нақш*, яъни тошга ўйилган расмлар тарзида келган, чунки бу боб ва унинг сарлавҳасида Фарҳоднинг Қорандан хоробурлик касбини ўрганиши ҳикоя қилинган.

XXVII боб гўёки *тариқи ишқ ихфосида моҳир* ровий тилидан ҳикоя қилинган:

Тариқи ишқ ихфосида моҳир,
Бу янглиғ ишқ сиррин қилди зоҳир.

[1] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.206.

Бу боб Фарҳод ишқи ҳақидаги ривоятдир. У оинада Ширин жамолини наззора қилиб, ишқ дардига мубтало бўлган эди. Бу дард шу қадар кучли эдики, у Ширинни излаб бу ерлардан бош олиб кетгиси келар, агар бу иш муяссар бўлмаса, ўзи ўлдиришни ўйлар эди. Аммо у кўп фикр қилгач, ақл билан иш тутиш лозим лозим деган қарорга келади, чунки, унинг ўйлашича, ўзини ўлдирмоқдан фойда йўқ, чунки бу билан мақсад ҳосил бўлиб қолмайди. Тоқат қилмай, бир ён бош олиб кетиш ҳам мақбул эмас, чунки хоқон сусткашлик қилмай, уни дарҳол ортга қайтариши муқаррар. Шунинг учун ҳам у ишқини ўзгалардан пинҳон сақлашга уринади. Аммо:

Муни билмайки, қилғоч ишқ бедод,
Бўлур юз ақлу дониш расми барбод.

Шоирнинг уқтиришича, оловни хашак билан яшириб бўлмаганидек, ишқни ҳам ақл пардаси билан яширмоқ иложсиз. Фарҳод ҳам не чоғли уринмасин, ишқ ўти кундан кун аланга олиб, унинг сиррини фош қилиб қўяр эди:

Ки ҳар ким кўрса айлар эрди маълум,
Ким ул хорони бир ўт айламиш мум.

Охир оқибат Фарҳоднинг сарвдек қадди ҳилол, гулдек узори сариғ лоладек бўлиб, табъида жунун, савдойилик нишоналари кўрина бошлайди:

Жунун табъида кўргузди нишона,
Сўз айта бошлади савдойиёна.

Фарҳоднинг бу ҳолати сарлавҳада шундай тасвирланган: *Фарҳоднинг ишқ шуъласида куюб, ул ўтни жон пардасида яшурмоқдин ва ҳажр хунобасин ютуб, ул заҳрни кўнгул ичинда сингурмоқдин гулбарги аҳмардек жамоли заъфароний ва нахли санубардек ниҳоли ҳайзароний бўлғони*. Бароати истиҳлолда *Тариқи ишқ ихфосида моҳир* ровий зоҳир қилишга киришган ишқ сирри шу эди.

Достондаги бароати истиҳлолларнинг барчаси ҳам ровий ва ривоят типида эмас. Достонда мазкур санъатнинг ҳам ўзига хос ноёб кўринишлари бор. Улардан бири шуки, шоир бир неча бобда тонг отиб, қуёш чиқиши билан боғлиқ ҳолатни тасвирлар экан, сарлавҳада келтирилган тимсолни олиб, уни қуёшнинг истиоравий ифодасига айлантиради. Бу усул билан ҳам сўз юритиладиган воқеага яна бир бор эътиборни жалб қилади. Чунончи:

Чу септи даҳр тун мушкига кофур,
Сочилди Аҳраман анфосидин нур.

Байтдаги *мушк* қоронғилик, *кофур* ёруғлик, *Аҳраман анфоси* (нафаси) эса қуёшни англатувчи истиоралардир. Қуёшнинг *Аҳраман анфоси*га айланиш сабаби эса бу бобда, сарлавҳада тасвирланганидек, *Фарҳоднинг ваҳшатзой, балки савдо афзой бешага кириб, Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтурғандек, ул беша Аҳраманин қатл этгони* ҳақидаги воқеаларнинг тасвирланишидир.

Бундан кейинги бобда ҳам шу усул қўлланган:

Чу зулмат раъяти бўлди нигунсор,
Қуёш Искандари кўргузди рухсор.

Раъят байроқдир. Зулмат байроғи пастга қулагач, – дейди шоир тонг палласининг расмини чизиб, – қуёш Искандари ўз рухсорини намоён қилди. Улуғ шоир боб сарлавҳасида *Фарҳоднинг Искандар тилисмин очарға камар боғлаб, тилисм жисмида Жоми жаҳоннамой топқони ва ул жомға Хизр суйидек май солиб Сикандар ёди била нўш этгони* ҳақида хабар берган эди. Сўнг у асосий воқеалар тасвирига киришиб, шу байтни келтиради. *Қуёш Искандари* Искандар тилсимининг очилиши ҳақидаги воқеалар тасвирининг бошланишига ишорадир. *Фарҳоднинг Искандар тилисмин очиб, Хоқон ва Мулкоро била Суқрот тоғиға азимат қилмоғи* тасвирланган XXV бобнинг бошланма байтини ҳам шу қаторга қўшиш мумкин. Саҳар Суқроти тоғ чўққисига кўтарилгач, – деб ёзади у, – жамолининг нури оламни ёритиб юборди:

Саҳар Суқроти чун тоғ авжи тутти,
Жамоли нури оламни ёрутти.

Саҳар Суқроти Фарҳод Суқрот ҳакимни қоронғи ғорлар бағридан топиши тасвирланган бобнинг қуёшидир.

Боб бадиий тўқимасидаги сўнгги қисм икки байтдан иборат "соқийнома"дан иборат. Бу усулнинг боб якунидан ўрин олиши бежиз эмас. Маълумки, "соқийнома"лардаги асосий тимсоллар соқий ва майдир. Бу мафҳумларнинг не чоғли сержило ва сермаъно эканлиги, улуғ шоирнинг ғазал, мустазод, таржиъбанд каби лирик шеърларида турфа кайфият ва кечинма, шунингдек, хилма-хил ахлоқий ва фалсафий ғояларни ифодалашнинг не чоғли қулай воситаси бўлиб хизмат қилганлиги маълум. "Соқийнома"ларда ҳам шоир соқийга мурожаат қилиб, ундан май келтиришни сўрайди, шу сабаб воқеаларга ўз муносабатини билдиради. Фарҳод дунёга келиб, кўнгли чексиз қувонч ва шодлик билан тўлган хоқон Чин аҳлининг бошидан дуру гавҳарлар сочиб, шундай бир тўй, шундай бир байрам бошлайдики, бундай тўйу байрамни бу кўҳна олам шу пайтга қадар кўрмаган эди. Ҳадсиз-ҳисобсиз хонлар анвоъий нозу неъматлар билан тўлиб-тошган, қизил бода селдек оқиб, қаро қайғуни буткул ювиб юборган, нишоту тараб эл кўнглини бир дам ҳам тарк этмас эди. Эл шодлигидан кўнгли шодликка тўлиб, боб сўнгида шоир соқийга шундай деб мурожаат қилади:

Кетур, соқий, чекиб йирлар учун ун,
Манга тўйдин улуш бер, жоми гулгун.
Мени Чин аҳли янглиғ майпараст эт,
Тўло чиний аёғлар бирла маст эт.

Жоми гулгун ва чиний аёғлар бу ўринда севинч рамзи бўлиб, бир тарафдан, шоир, иккинчи тарафдан эса, Чин аҳли, хусусан, хоқон руҳияти билан ҳамранг, ҳамоҳангдир. Шоир *жоми гулгун ва чиний аёғлар* тўла май ичиб, Чин аҳли янглиғ маст, балки майпараст бўлишни истайди.

"Соқийнома"ларда соқий ва май билан бирга, шароб, бода, жом, қадаҳ, соғар, аёғ каби тимсоллар ҳам кенг ўрин тутади. Улуғ шоир бу тимсолларни мураккаб руҳий ҳолатларнинг

ифодасига айлантирган. Агар келтирилган “соқийнома”да *жоми гулгун* хуш кайфият ифодаси бўлган бўлса, бошқа ўринда шоир уни *ранги қон сари майл қилган май* шаклида қўллаб, унга ўлим ва мотам либосини кийдиради. XLVIII боб сарлавҳасида тасвирланишича, *золи маккора, балки Фарҳодкуши хунхора тийғи забонин тез этиб, Фарҳод қатлини ангез этади, доғи ул тоғ сори азимат қилиб, Фарҳод бошиға ажалдек етади ва анинг ҳаёт қуши қасдиға макр риштаси домин очиб, тазвир ашки донасин сочади, жисми қафасин марг сангборони била синдуриб, умри булбулин ул пора-пора қафасдин учуради*. Шоир шу муносабат билан соқийга мурожаат қилиб, унга шундай дейди: Эй соқий, менга бир қадаҳ май сели тут, унинг ранги қонга мойил бўлсин, токи уни ичиб, Фарҳодга мотам тутай, мотамзадалардек дод солиб, югуриб-елай:

Кетур, соқий, қадаҳ ул навъким сайл,
Ки қилғай ранги онинг қон сари майл.
Анингдек май ичардин мўя тортай,
Тутуб Фарҳод сўгин, пўя тортай.

Шундай туюладики, май май эмас, Фарҳоднинг сел янглиғ оқаётган қонидир.

Улуғ шоир май тасвирида ҳам тасвирий изчиллик талабларини тарк этган эмас, май ҳар сафар боб мазмунига мос мазмун, ранг ва хусусият касб этади. Чунончи, у биринчи “соқийнома”да *чиний аёғ*, кейинги “соқийнома”да эса *ранги қон сари майл қилган май* тарзида келган, чунки биринчи ҳолатда у чин аҳлининг шодлиги тасвирланган боб, иккинчи ҳолатда эса Фарҳоднинг қизил қони тўкилиши тасвирланган боб “соқийнома”сидан ўрин олган.

“Соқийнома”лар нафақат муайян кайфият ёки кечинмалар инъикоси, шу билан бирга, боб ва унда тасвирланган воқеаларнинг ўзига хос тасаввуфий шарҳи ҳамдир. Шоир уларда май воситаси билан воқеалар замирига жо бўлган мажозий маъноларга ҳам ишора қила боради. Жумладан, қуйидаги “соқийнома”да дейдики, эй соқий, базм анжомлари тайёр, менга бир қадаҳ май бер, у тоза ва тиниқ бўлсин, чунки фалакнинг етти қасри ҳам, жаҳоннинг тўрт фасли ҳам боқий эмас:

Кетур, соқий, манга жоми майи ноб,
Бу соатким, муҳайё бўлди асбоб,
Ки гардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз.

Зоҳиран ўйлаш мумкинки, оламдаги ҳамма нарса: етти осмондан тортиб тўрт фаслгача – бари муваққат, ўткинчидир, бу ҳол шоирни чуқур изтиробга солади, шунинг учун у май ичиб, ўз дарду аламларини унутмоқчи бўлади. Бу фикрлар, умуман олганда тўғри бўлса ҳам, айтиш мумкинки, “соқийнома”нинг маъноси бундан-да чуқурроқ. Бунинг учун май тимсолининг шоир ижодидаги талқинларига назар ташламоқ лозим. Май улуғ шоир ижодида етакчи ўрин тутувчи тасаввуфий истилоҳ бўлиб, ундан кўзда тутилган мажозий маъно ҳақида “Бадойи ул-васат” девонига кирган 197-ғазалда шундай деб ёзади:

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,
Ки зоҳир аҳлиға бу маъни этти бўйла зуҳур.

Ва лек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.[1]

Зоҳир аҳли, яъни беҳақиқат кишиларга ўхшаб, ғам десам дунё ташвишлари, май десам узум сувидан тайёрланган ичимлик экан деб ўйламанг, – деб махсус уқтиради шоир. – Ҳақиқат аҳли учун май ваҳдат, ғам эса кўнгилни хиралаштирувчи касратдир. Ваҳдатнинг ҳам, касратнинг ҳам, бинобарин, уларнинг мажозий тимсоли бўлган май ва ғамнинг ҳам бу ўринда кўнгил ҳолати эканлиги кўриниб турибди. Улуғ шоир касрат деганда олам ва ундаги сон-саноқсиз нарсаларни, ваҳдат деганда эса Ҳақни назарда тутади. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, шоирнинг ҳақиқат сирларидан хабар беришича, оламда Ҳақдан ўзга ҳеч нарса йўқ: *Ўзи нақшу Ўзи манқушу наққош*. Бинобарин, олам Ҳақ таолонинг турли нарсалар суратида, байтдаги истилоҳ билан айтадиган бўлсак, ваҳдатнинг касрат шаклида намоён бўлишидир. Аммо касрат, гарчи у ваҳдатнинг ўзгача шакли бўлса ҳам, ваҳдат эмас, нақшлар наққош бўлмаганидек, касрат ҳам ваҳдатнинг бебақо суратларидир: улар не чоғли собит ва барқарор туюлмасин, бир кун фанога юз тутиши муқаррар. Шунинг учун кўнгил беришга лойиқ ягона зот Ҳақдир, чунки у Қайюми Мутлақ – абадий, пойдордир.

Шундай қилиб, май ваҳдат, ваҳдат эса Ҳақ ишқи; ғам касрат, касрат эса дунё меҳридир. Майнинг мазкур маъносидан келиб чиқилса, “соқийнома”да шоирнинг шундай дегани маълум бўлади: Эй Аллоҳ, фалакнинг етти қасри ҳам, жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз экан, кўнглимни олам меҳри эмас, ишқинг ила тўлдир. Бу байтлар тўрт боғ ва тўрт қасрнинг ботиний шарҳидир. Шоир хоқон қарорига эътироз билдириб, дейдики, бу ишларнинг бари фойдасиз. Дарҳақиқат, *ҳар қаср ва ҳар боғда уч ой нишот қилиб, бир йилни бу навъ тараб била ўткариб ҳам, Хоқон Фарҳоднинг мизожига илож қила олмайди*. Чунки тўрт боғ ҳам, тўрт қаср ҳам, бу боғ ва қасрларда ўтказилган тараб базмлари ҳам касрат ёки ғам, яъни Ҳақдан ўзга нарсалар эди. Фарҳоднинг дардига эса, XXXIII боб якунида таъкидланганидек, фақат *ё васл, ёхуд май даводур*.

“Соқийнома”лардан маълум бўлишича, достонда тасвирланган ғамнинг суратлари ғоят кўп ва ранг-баранг. *Хоқоннинг хонлиғ тожин ўз гавҳари била аржуманд сармоя қилурнинг можароси ва жаҳонбонлиқ тахтин ўз нақди била баланд поя этарнинг муддаоси* тасвирланган XVIII боб қуйидаги “соқийнома” билан якунланади:

Кетур соқий, манга бир жоми шоҳий,
Ки бўлғай ғам сипоҳининг паноҳи.
Қадаҳ шаҳлиғдин ортуқдур кўзумга,
Қилай зулм, элга қилғунча ўзумга.

“Соқийнома”да бир-бирига зид икки тимсол бор: *жоми шоҳий* ва *ғам сипоҳи*. *Жоми шоҳий* ишқ, *ғам сипоҳи* эса ғамнинг истиоравий ифодасидир. Жом ва ғам тимсолларининг бундай маънолари кейинги мисрадан маълум бўлиб турибди: *Қадаҳ шаҳлиғдин ортуқдур кўзумга*. *Қадаҳ* биринчи байтдаги *жоми шоҳий*, *шаҳлиғ* эса *ғам сипоҳи*га мувофиқ тушувчи тимсоллардир. Маълум бўладики, шоирнинг шоҳликни рад этиши тасодифий эмас, унинг тамсил тили билан сўзлашича, шоҳлик ғамдир, шунинг учун ҳам дейдики, *қадаҳ шаҳлиғдин ортуқдур кўзумга*. Чунки *қадаҳ* ваҳдат воситаси бўлса, *шаҳлиғ* касратга элтувчи йўлдир.

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990, Б.145.

Шунинг учун ҳам у соқийга илтижо қиладики, унга жоми шоҳий ҳавола қилсин, чунки жом кўнгилни ғам сипоҳидан асрагувчи паноҳдир.

Агар кўнгилда ғам тошлари бўлса, бу тошларни фақат майгина эритишга қодир. Эй соқий, менга лаълдек қип-қизил май бер, – дейди шоир "соқийнома"лардан бирида, – у шундай май бўлсинки, оғзимга етгач, ичимдаги дарду ғам тошларини эритиб юборсин:

Кетур, соқий, манга ул лаъли рангин,
Ки туште ғам юки кўнглумга сангин.
Анингдек майки, чун оғзимға еткай,
Ичимда дарду ғам тошин эриткай.

Лаълдек қип-қизил май ва тошдек қоп-қора ғам тимсоллари мажоз рангидан холи қилинса, шоирнинг шундай дегани аён бўлади: *Эй Аллоҳ, дунё ҳою ҳаваслари кўнглимга тошдек ўтириб қолди, унга ишқинг майини қуй, токи у ғам тошларини эритиб юборсин*. Бу ўринда ғамнинг тошга, тошнинг эса, аксинча, ғамга нисбат берилишида чуқур маъно бор. Бу "соқийнома" Фарҳоднинг тоғ бағрида тош кесиб, ариқ қазиши ҳақидаги воқеалар тасвирланган XXX боб сўнгида келтирилган. Шоир мажоз тили билан дейдики, май жомга қуйилиб, уни занглардан қандай мусаффо қилса, Ширин ишқи ҳам Фарҳод кўнглига тушиб, ғам тошлари, яъни фоний дунё сурат-нақшларини шундай маҳв эта бошлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муайян фикр ёки воқеа сарлавҳада мухтасар қайд қилинса, шеърий бобда бутун тафсилотлари билан юзага чиқади, бароати истиҳлол шеърий матннинг ўзига хос матлаъси бўлса, "соқийнома"лар бобнинг хулосаси, шунингдек, бобда тасвирланган воқеаларнинг мажоз йўсинида амалга оширилган шарҳидир. Боблар бадиий тасвир жиҳатидан, айниқса, диққатга сазовор: сарлавҳа етакчи бир тимсол ёки бадиий восита асосига қурилиб, сўнг шу тимсол ёки восита "бароати истиҳлол", шунингдек, "соқийнома"да етакчи бўлади. Бу воситани юзага келтирган омил эса бобнинг умумий мазмуни: ундаги бирор воқеа ёки тимсолдир. Аммо бу тимсолларнинг бобнинг турли қисмларидаги вазифаси ҳар хил: агар сарлавҳада тасвирий ихчамлик ва изчилликка хизмат қилса, "бароати истиҳлол"да сарлавҳа билан шеърий матнни боғловчи риштага айланади, "соқийнома"да эса муайян бир руҳий, ахлоқий, фалсафий ёки эстетик тушунчанинг рамзи даражасига кўтарилади: дебойи чиний (сарлавҳа) – чиний ҳулла (бароати истиҳлол) – Чин мулки (шеърий матн) – чиний аёғлар (соқийнома) = XII боб; девбод хиромлиқ девзоди – Аҳраман нафаси – Аҳраман дев – нафс деви = XXIII боб; тоғ тилсими – қуёш Искандари – Искандар тилсими – Искандар кўзгуси = XXIV боб. Бу ҳолат улуғ шоир истеъдод ва маҳоратининг нечоғли юксак эканлиги, сарлавҳа ва бобларо композицион яхлитлик: мазмуний ва тасвирий изчилликка нечоғли жиддий эътибор билан қараганлигидан дарак беради.

I боб хулосалари:

1. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги сарлавҳаларнинг миқдори 53 та бўлиб, уларнинг энг кичиги 29, энг каттаси эса 131 сўздан иборат. Уларнинг аксарияти 50-70 ва 80-90 сўзли сарлавҳалардир. Муқаддимадаги 10 та сарлавҳадан 8 тасида сўзлар миқдори 30-40, қолган 43 бобнинг сарлавҳаларида 50-90 атрофида. Бу ҳол сарлавҳалар ҳажмининг боб мазмуни билан узвий боғлиқ эканлигини, бобларга сарлавҳа қўйишда улуғ шоирнинг мазмун тақозоси билан иш кўрганлигини кўрсатиб турибди.

2. Сарлавҳалар жумлалардан ташкил топган. Жумлалар ўзига хос шаклий ва мазмуний белгиларга эга бўлиб, бир-биридан "ва" боғловчиси ёрдамида ажралиб туради. Достондаги

сарлавҳаларнинг кўпчилиги 3-7 жумлали, улар ичида энг кўпини 5-7 жумлали сарлавҳалар ташкил қилади. Бу жиҳатдан сарлавҳалар билан шоир ғазаллари ўртасида маълум алоқадорлик кўзга ташланади, чунки улар ҳам аксарият ҳолларда 5-7 байтлидир.

3. Жумла сарлавҳалар мазмунини шакллантирувчи бўлак, айни чоғда, турли бадиий усул ҳамда воситалар юзага чиқувчи поэтик майдондир. Ҳар бир жумлани ўзига хос кичик бир бадиий лавҳа деб айтиш мумкин.

4. *Сажъ, илтизом, таносуб* каби санъатлар сарлавҳаларда тасвир изчиллиги учун хизмат қилган. *Сажъ* ва унинг хилма-хил кўринишлари сарлавҳаларда кенг қўлланиб, улар, бир тарафдан, ёқимли оҳангни юзага келтирган бўлса, иккинчи тарафдан, мусажжаъ бўлакларни бир-бири билан боғлаб, банд ҳосил қилувчи муҳим композицион-стилистик воситага айланган. *Илтизом* бирор мавзу ёки тимсолни таъкидлаш мақсадини кўзлайди, шу билан бирга, такрорланаётган сўз ўзига хос лафзий марказ бўлиб, сарлавҳада жумлаларни шу марказ атрофида бирлаштириб туради. Бу жиҳатдан илтизом, сажъ санъати билан бир қаторда, шаклий изчиллик яратишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган.

*Таносуб*нинг сарлавҳаларда тутган ўрни бениҳоя кенг: у барча сўз ва тасвирий воситаларни бир нуқтада бирлаштириб, бадиий матнни ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан бирлаштирувчи кучли композицион воситадир. Таносуб нафақат жинсдош ёки маънодош, балки шаклдош ва ўзакдош сўзларни ҳам қамраб олади. Сарлавҳаларда *ташбеҳ, истиора, тазод, талмеҳ, илтизом, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ* каби ўнлаб лафзий ва маънавий санъатлар таносуб қонуниятлари асосида ўзаро уйғунлашиб, бадиий тафаккурнинг алоҳида кўриниши тарзида юзага чиққан. Сарлавҳалар услубига хос бўлган бу фазилатни *юксак таносуб* ёки *серқирра алоқадорлик* деб номлаш мумкин. Бу услубнинг ўзига хослиги шундаки, сарлавҳа бир ёки икки *марказий* сўз асосига қурилиб, барча сўз ва воситалар шу марказий сўз билан бирор жиҳатдан: ё мазмун, ё ранг, ё ҳид, ё маза, ё таъсир, ё макон, ё замон, ё бошқа бирор жиҳатдан алоқадор бўлади. Марказий сўз эса бош мавзу, тасвирланаётган асосий тимсол ёки дастлабки тасвирий восита бўлиши мумкин.

5. Сарлавҳанинг ўзи мансуб бўлган бобнинг мазмун ва бадииятида тутган ўрни ҳам муҳим масалалардан биридир. Сарлавҳалар боб мазмунининг ўзига хос “мундарижаси” бўлиб, уларнинг вазифаси ҳар бир бобда тасвирланадиганган кайфият, кечинма ва воқеалар ҳақида хабар бериш, шу билан бирга, бобнинг етакчи услуб ва усуллар доирасини белгилаш, улар ҳақида дастлабки тасаввур яратишдан иборат. Сарлавҳа ва шеърий байтлар ўртасидаги муносабатлар хилма-хил усул ва кўринишларда намоён бўлади. Сарлавҳа мазмуни шеърий бобларда *тўлдирилиши, изоҳланиши* ёки сарлавҳа ва бобларо муносабат *ғоявий ният ва унинг ифодаси* шаклида бўлиши мумкин. Сарлавҳа ва бобларо муносабат бадиий тасвир жиҳатидан, айниқса, диққатга сазовор: сарлавҳа муайян бир бадиий восита ёки ифода асосига қурилиб, сўнг шу восита ёки ифода “бароати истиҳлол”, шунингдек, “соқийнома”да давом эттирилади. Бу воситани юзага келтирган омил эса боб мазмуни, хусусан, ундаги муайян бир воқеа ёки тимсолдир. Бу тимсол сарлавҳада тасвирий ихчамлик ва изчилликка хизмат қилса, “бароати истиҳлол”да воқеаларнинг бошланишидан дарак беради, “соқийнома”да эса муҳим бир руҳий, ахлоқий, фалсафий ёки эстетик тушунчанинг рамзига айланади.

II БОБ
ҒОЯВИЙ НИЯТ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

1-ФАСЛ. ҒОЯВИЙ НИЯТ: “КИ ДИЛКАШ БЎЛҒАЙ УШБУ САФҲА ТАСВИР”

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Низомийнинг “Хисрав ва Ширин”, Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достонлари анъаналарини давом эттирганлиги айни ҳақиқат. Бироқ, шу билан бирга, достон сюжет эътибори билан ҳам, образлар талқини ва ҳатто номланиш нуқтаи назаридан ҳам хамсачилик тарихида муҳим янгилик бўлганлиги ҳам яхши маълум.[1] Улуғ шоир, ўзи таъкидлаганидек, афсона “шарҳ”ига “бир ўзгача тарҳ солиб”, ўз достонигга “Фарҳод ва Ширин” деб ном берган эди. Навоийшуносликда кўрсатилишича, бу ҳолнинг икки сабаби бор:

Биринчидан, *шоирнинг салафлари айтганларини такрорламай, ёзилажак асар “тарҳининг тоза” (оригинал) бўлишига интилиши*. “Шарқ адабиётида узоқ илдизга эга бўлган Фарҳод қиссасининг навоийча талқини шу асосда юзага чиққан, – деб ёзади навоийшунос С.Эркинов. – Булар адабиётда бир марта амалга оширилган ишни қайта қилмаслик (Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай, Улусқа майли беандоза бўлғай), бадиий ижодда янги бир из қолдиришга интилиш (Топилғай шояд андоғ бир неча сўз) ва бошқа шунга ўхшаш уйғун масалалардан иборат эди”. [2]

Иккинчидан, *Хисравнинг бош қаҳрамон бўлишга нолойиқ деб билиши*. “Навоий салафлари томонидан Хисравнинг ижобий қаҳрамон сифатида таъриф ва тавсиф этилишига қаттиқ эътироз билдиради, – деб ёзади профессор Н.Маллаев. – Унингча, ишқда беқарор, худбин ва маишатпараст Хисрав мақтовга сазовор эмас”.[3] “Фарҳод ва Ширин” ҳақида сўз юритилган бошқа тадқиқотларда таъкидланишича ҳам, асар “тарҳининг тоза” бўлишига боис ана шу икки жиҳатдир.[4]

Бироқ “ўзгача шарҳ”ни асар сюжети ва бош қаҳрамонни ўзгартириш истаги билангина изоҳлаш етарли эмас, агар шундай бўлганда эди, шоир “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Сабъаи сайёр”да ҳам бу ишни амалга оширган бўлар эди. Ҳолбуки, “Лайли ва Мажнун”да улуғ шоир янгича “тарҳ” солмай, салафлари асарларидаги воқеалар силсиласини деярли айнан сақлаб қолган бўлса, “Сабъаи сайёр”да, гарчи Баҳром “подшоҳвор ошиқ” бўлиб, Дилоромни “гоҳ маҳбуб, гоҳ парастор” (канизак) деб билса ҳам, уни бош қаҳрамон мақомидан пастга туширмайди. Демак “ўзгача шарҳ”нинг бундан ўзга сабаблари ҳам бор.

Бу жиҳатдан асарнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган VIII боб ва унинг сарлавҳаси диққатни ўзига тортади: *Бу паришон ажзонингки, гули оташин авроқидек даҳр гулистони булбулларини ҳазордастон била ўтлуғ фарёдга солди, баргидин шуъла ва хурдасидин шарора кўргузмокига боис не бўлғонға қалам сурмак ва бу ошуфта авроқнингки, чархи барин ажзосидек жаҳон дашти мажнунларини минг балоға дастон қилиб сўзнок фиғонға учратти, шафақидин ёлин ва ахтаридин ахгар ёрутмоғиға мужиб не эрконни рақам урмак ва ўзин булбули Мажнундек гулрух Лайлиси фироқиға солиб, ғам тоғида Фарҳод била*

[1] Тўлиқ маълумот учун қаранг: Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 69-114.
[2] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.74.
[3] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 494.
[4] Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б. 331.; Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Б.32. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1959. – Б.156-159; Абдуғофуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б.12.

ҳамовоз қилмоқ. Сарлавҳа ҳар жиҳатдан қатъий бир бадиий низом асосида яратилган. Чунончи дастлабки икки жумла уч қисмли бўлиб, бу қисмлар ҳар бир сўз ва иборанинг маънодошлиги жиҳатидан ҳам, уларнинг маъно инкишофига хизмат қиладиган сажъ ва ташбеҳлар нуқтаи назаридан ҳам ҳамоҳанг. Бундай ҳамоҳанглик жумлаларда мазмунан бир-бирига юксак даражада мутаносиб бўлган бўлакларни юзага келтирган: 1) *Бу паришон ажзо (1-жумла) // бу ошуфта авроқ (2-жумла);* 2) *гули оташин авроқидек (1-жумла) // чархи барин ажзосидек (2-жумла); //* 3) *даҳр гулистони булбулларини (1-жумла) // жаҳон дашти мажнунларини (2-жумла);* 4) *ҳазордастон била (1-жумла) // минг балоға дастон қилиб (2-жумла);* 5) *ўтлуғ фарёдга солди (1-жумла) // сўзнок фиғонға учратти (2-жумла);* 6) *баргидин шуъла ва хурдасидин шарора (1-жумла) // шафақидин ёлин ва ахтаридин ахгар (2-жумла);* 7) *кўргузмокига боис не бўлғонға қалам сурмак (1-жумла) // ёрутмоғиға мужиб не эрконни рақам урмак (2-жумла).* Мутаносиб бўлаклар бир-бирининг мазмунини тўлдириб, кучайтириб келган.

Биринчи жумлада шоир *паришон ажзо*, яъни Фарҳод ва Ширин ҳақидаги қиссани оташин гулга, унинг *паришон саҳифаларини* эса оловли гулнинг варақлари, яъни гулбаргларига ўхшатади: *гули оташин авроқидек.* Иккинчи жумлада ташбеҳлар силсиласини давом эттириб, қиссани *чархи барин* – юксак осмонга, унинг *ошуфта варақлари*ни эса осмон жузвлари, яъни қаватларига қиёс қилади: *чархи барин ажзосидек.* Шоирнинг таърифлашича, у гўёки *оташин гул*: бу гулнинг баргларидан олов, гулбарг ичидаги сариқ чангларидан эса учқунлар сочилади. Шунинг учун у, оташин гулнинг гулбаргларидек, дунё гулистони булбулларини оташнафас қилиб – олам аҳлини минг балога дучор қилиб, ўтлуғ фарёдга солган; Фарҳод ва Ширин ҳикояти гўёки *юксак осмон*: бу осмоннинг шафақидан ёлқин, юлдузларидан эса чўғлар сочилади. Шунинг учун у, юксак осмон қаватларидек, жаҳон дашти мажнунларини – ишқ аҳлини минг балога учратиб, оташин оҳлар чекишга гирифтор қилган. Сарлавҳада таъкидланишича, шоирнинг мақсади ана шу *оташин гул ва юксак осмон, яъни Фарҳод ва Ширин ҳикояти сари қалам сурмоқ* ва *рақам урмоқ боисини* баён қилиш.

Шеърий байтларда бу сабабларга тўхталар экан, улуғ шоир таъкидлайдики, ижодкор бирор асар яратишни орзу қилар экан, аввало, уни хаёлида обдон ўйлаб, пишитиб олиши лозим, бусиз ёзишга киришиш асло мумкин эмас:

Ки гар аввал анга этмас тааққул,
Замир авроқида қилмас тахайюл,
Шуруъ этмаклиги имкон эмастур,
Хирад оллинда бу пинҳон эмастур.

Бу сўзларга амал қилиб, ўзигача ушбу мавзуда битилган асарларни ақл элаги ва кўнгил варақларидан бир-бир ўтказган шоир шундай хулосага келади: уларнинг *"авзоъиға тағйир"* бериб, *"Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак"* лозим:

Қалам барги гулу насринга сурмак,
Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак.
Зарурий бўлди авзоъиға тағйир,
Ки дилкаш бўлғай ушбу сафҳа тасвир.

Авзоъ сўзининг маъноси *аҳвол, тузилиш*[1] бўлиб, байтнинг мазмунидан "авзоъ" деганда, асар сюжети: воқеа ва қаҳрамонлар тасвири кўзда тутилганлигини сезиш қийин эмас.

[1] Навоий асарлари луғати. – Б.27.

Шоирнинг таъкидлашича, “Хусрав ва Ширин”ларнинг “авзоъиға тағйир” бериб, яъни улардаги қаҳрамон ва воқеалар тасвирини ўзгартириб, *“Қалам Фарҳод ила Ширинга сурмак”* айни заруратдир. Шоир шу ўринда “Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак”ни “зарурий” қилган яна бир сабабни келтиради, бу – гўёки шоир ўз бошидан ўтказган “балошўр ишқ” эди:

Яна боис буким, ишқи балошўр
Бир ўтдин айлаб эрди жонима зўр.

Шоирнинг ҳикоя қилишича, унинг кўнгли шу кунларда бир зулмкор паривашнинг ишқига гирифтор бўлган. У кўнгил берган паризод бир “дев зулми қотилниҳод”[1] бўлиб, *кўзининг куфридин юз жонга, балки юз кишвари иймонга офат етади, кўзи кўнгилларга фитна солган пайтда киприклари сабру ақлни ўғирлайди. Ҳуснининг ғавғоси оламга тушиб, ҳар тарафдан юз оҳу вовайло эшитилади, Фаранг аҳли зулмидан фиғон чекади, Хитою Чин аро жаври қўзғолон солади. У одамларни қатл қилмоққа чоғланган пайтда ажал тийғу кафанни елкасига илади*.

Фалак шоирни ана шундай балога мубтало қилган. Ишқ дарди унинг маҳзун кўнглини вайронага айлантирган: бу вайронага пайдар-пай ғам ва маломат тошлари ёғилади. Эс-ҳушини йўқотган шоирнинг Мажнундан фарқи йўқ, ишқ жунуни уни ўлар ҳолатга етказган. Аммо “пари рухсора” бутунлай парвосиз: шоирнинг аҳволига раҳми келмайди, аксинча, унга вафо аҳлидан кўра, вафосиз, табъсиз кишилар хушроқ. Шоирнинг кўз ёшлари унинг ишқида “гавҳар шамойил”, аммо у бу гавҳарлар эмас, балки “бадгуҳарлар сори мойил”. Шоир алам билан дейди:

Манга айлаб ғаму меҳнатни мунис,
Ўзи ҳар уйда бўлғай шамъи мажлис.

“Мундоқ неча мушкил узра мушкил” ичра қолган шоир оқибат шундай фикрга келади: агар ҳикмат билан оқилона иш тутилмаса, жондан умид узса ҳам бўлаверади:

Ки гар ҳикмат била фикри муфидий
Қилинмас, йўқтурур жондин умидий.

“Фарҳод ва Ширин” ҳақидаги тадқиқотларда мазкур “ишқ”нинг моҳияти тўғрисида бир қатор фикрлар илгари сурилган. Бир фикрга кўра, унда тасвирланган маъшуқа – “Худо, тасаввуфдаги олий мақсад – ёр”.[2] Иккинчи фикрга кўра эса, шоирнинг ўз ишқий кечинмалари тасвирланган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.[3] “Фарҳод ва Ширин” достонида куйланган севги оҳанглари, – деб ёзади А.Қаюмов “ишқи балошўр” тасвирланган байтларга муносабат билдирар экан, – шоирнинг чин инсоний севгиси ва унинг бахтсиз қисматининг акс садоларидир”.[4]

Аммо мазкур байтлар, агар яхшироқ эътибор берилса, ҳаётий кечинмалар тасвиридан кўра, “ўзни ғам тоғида Фарҳод била ҳамовоз қилмоқ” сабабларини асослашга хизмат қилувчи бир поэтик усул эканлиги кўзга ташланади. Чунки, биринчидан, шоир кўнгил

[1] Қотилваш, қотилсифат.
[2] Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 10-синф. Тузувчилар: Б.Қосимов, Н.Жумаев, С.Олим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 33. (Навоий қисми С.Олим қаламига мансуб).
[3] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965. – С.198–200.
[4] Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 17–21.

берган маъшуқа ғоят бевафо ва ўта бепарво. Унга аксарият ҳолларда *паризод, париваш, дев* каби сифатларнинг берилиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Пари ва девнинг қиладиган иши одамнинг ақлини ўғирлаб, уни тўғри йўлдан адаштиришдир. Шунинг учун у муайян бир аёл тимсоли бўлиши билан бирга, дунё рамзи бўлиши ҳам мумкин, чунки "сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларни йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади".[1] Иккинчидан, шоир ақлу ҳушини йиғиб, бу ишқдан қутулишни истаб қоладики, бу унинг на ижодий, ва на фалсафий қарашларига тўғри келади.

Ушбу "ишқ қиссаси" санъаткорнинг достон яратиш билан боғлиқ ижодий кечинма ва изланишларининг ўзига хос ифодаси бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки шунга ўхшаш воқеа тасвири "Хамса"нинг бошқа достонлари – "Сабъаи сайёр" (VIII боб), "Садди Искандарий" (VIII боб) ва ҳатто "Лисон ут-тайр" (II боб) достонида ҳам мавжуд. Жумладан, "Садди Искандарий"нинг VIII бобида, "Фарҳод ва Ширин"даги каби, шоир ўз мураккаб руҳий кечинмаларини баён қилади. "Улуғ муддаолар"ни кўнгилга жо айлаб, "Хамса" ёзишга киришган шоир тўртини адо айлаб, бешинчи достонга келганда ўзини ожизу нотавон сезади. Бу ожизликнинг сабаби шуки, шоирнинг хоксорлик билан айтишича, икки улуғ "хамса"навис достонларига жавоб айтиш ҳеч бир инсоннинг қўлидан келадиган иш эмас:

Гаҳи дебки, йўқ дахли имкон мунга,
Тасарруф қила олмоқ инсон мунга.
Бу андиша кўнглумда қўймай қарор,
Ҳалок айлабон ажз ила изтирор.[2]

Иккинчи тарафдан эса, у, гарчи салафларига пайравлик қилаётган бўлса-да, "Хамса"нинг бошқа достонлари, жумладан, "Фарҳод ва Ширин"да бўлганидек, бу достонда ҳам афсона "вазъиға тағйир" бериб, "андеша баҳридан беҳисоб гавҳарлар" сочишни истайди. Аммо бу гавҳарларни қай тарзда сочиш, яъни Искандар "таъриху афсонасин" қай тарзда талқин қилиш унга аён эмас:

Шуруъи дағи нопадидор ўлиб,
Ки тағйир вазъиға душвор ўлиб.

Бу "ажз ила изтирор" шоирни шу қадар беқарор қиладики, у ҳатто "Хамса" ёзиш қўлидан келишига шубҳа ҳам қила бошлайди. Шундай мушкул чоғда унга ғойибдан бир нидо келади, бу суруш[3]нинг нидоси эди. У шоирга Ҳақ томонидан унга ато этилган бемисл иноятларни эслатар экан, шундай дейди: *туркий тилда шеър айтила бошлабдики, сендек шоир дунёга келган эмас. Ҳақ турк назмида рақам чекиб, бу иқлимларни якқалам қилишни сенга рўзи насиб айлаган. Сен бу мулк аро қаҳрамон, балки соҳибқирон бўлгайсан. Ахир не ишга қўл урган бўлсанг, ҳозирга қадар Ҳақ қўлингдан тутиб келмаганми!?* Шундай экан:

Бу йўл қатъидин тоймоғинг не эди,
Кўриб "Хамса", сустоймоғинг не эди?

[1] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: O`zbekiston, 2011. – Б.29.
[2] Садди Искандарий. // Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 54 (бундан кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олинган).
[3] Суруш сўзига "Навоий асарлари луғати"да *фаришта, Худодан хабар келтирувчи ҳисобланадиган фаришта, Жаброил* деб изоҳ берилган (577-бет). Аммо бу ўринда суруш фаришта эмас, балки ғайб оламидан шоир кўнглига илҳом йўли билан нузул бўлган хабар ёки ички овоздир.

Кўгулдин тавақҳумни айлаб адам,
Илик ишга ур, йўлға қўйғил қадам.

Сурушнинг сўзларини эшитиб, кўнглида "сўз демак майли" қайтадан жўш ура бошлайди. Шоирга яна шу нарса маълум бўладики, "сафо базмининг софий ошоми" Жомий ҳам бу чоғ "Қилур назм гўё Сикандар сўзин". Аммо аввалги фарзоналар(Низомий ва Хусрав)дан фарқли ўлароқ, бу фарзона Искандарнинг "ҳолоти", яъни тавориху афсонаси эмас, балки "мақолоти", яъни "ҳикматосо сўзлари"га "майл кўргузмиштур". Бундан хабардор бўлган шоир қатъий бир фикрга келади: ёзилажак достонида Искандарнинг нафақат "тавориху афсонаси", балки "ҳикматосо сўзлари"ни ҳам шеърга солмоқ лозим, ана ўшанда унинг "авзоъи" ҳам дилкаш, ҳам мукаммал бўлади:

Қадам урсам ушбу икки йўлға мен,
Неким борча дебдур, демиш бўлғамен.

"Фарҳод ва Ширин"даги манзаранинг ҳам бундан деярли фарқи йўқ: шоир ўз чорасиз дардининг иложини суруш ва Жомийнинг сўзларидан топади. Шоир *Кўнгул ишқ аҳлиға минг пора хуштур, Чу маъшуқ аҳл эмастур, чора хуштур*, дея ўз дардига чора ахтарар экан, ногоҳ сурушнинг овози янграйди. У шоир қаламининг чексиз қудратини мадҳ этар экан, ниҳоясига етган "Ҳайрат ул-аброр"ни бир ганжга ўхшатади: бир ганжки, юз минглаб порлоқ гавҳарлари бор. Аммо у шундай гавҳарларни қўйиб, бир сохта тангага маҳлиё бўлган: уни гоҳ бути сиймбар деса, гоҳ моҳпайкар санам деб ўйлайди. Бу телбаликдан ўзга нарса эмас. Уни тарк этиб, қўлни яна бир ганж сари узатмоқ керак:

Қўйиб вайроналарда телбаликни,
Яна бир ганж сори сун иликни.

Суруш кейинги байтда ёзилажак асарни конга ўхшатиб, сўз риштасини Фарҳод билан боғлайди: кимки кон қазмоқни пеша қилса, унинг қўлида теша бўлиши лозим. Тешавар учун эса Фарҳоддан яхшироқ ҳамсуҳбат бўлиши мумкин эмас:

Сенга бу тешаварлик бўлса матлуб,
Эрур Фарҳод ҳамсуҳбатлиғи хуб.
Ҳазин Фарҳод шуғлин айла ширин,
Ки топқайсен нигоре ўйла Ширин.

Ҳотиф[1]нинг бу сўзлари шоирга ўзгача умид бағишлайди, аввалги васвосу савдоларни бир ён қўйиб, кўзларида ёш билан пири комил Жомийнинг ҳузурига етишади. Ҳоли не эканлигини бир-бир шарҳ айлаб, пирга маълум қилган чоғда, суруш унга нима деган бўлса, Жомий ҳам ўша гапларни такрорлаб, шоир учун гўёки иккинчи ҳотиф бўлади:

Неким аввалғи ҳотиф ҳукм сурди,
Икинчи ҳотиф они-ўқ буюрди.

Шундай қилиб, ижодий кечинмаларга ўзгача тус бериб, аввал суруш, сўнг Жомий сўзларини келтириш Навоийнинг севимли усулларидан бири бўлиб, бу усул, "Садди Искандарий"даги каби, "Фарҳод ва Ширин"да ҳам ғоявий ниятни асослашга хизмат қилган.

[1] Ҳотиф – ғойибдан овоз берувчи, сурушнинг Навоий асарларида учрайдиган иккинчи номи.

Албатта, шоирнинг нияти салафлари асарларининг *авзоига* шунчаки *тағйир* бериш эмас. Унинг мақсадлари бениҳоя улуғвор бўлиб, юқорида келтирилган байтда бу мақсад жуда аниқ ифодаланган: *ки* дилкаш *бўлғай ушбу сафҳа тасвир!* Аммо шоир мазкур бобда, унинг сўзлари билан айтганда, "ўзни фироқ тоғида Фарҳод била ҳамовоз қилмоқ"қа "боис не бўл"ганлиги ҳақида "қалам сур"ган бўлса ҳам, *"ушбу сафҳа тасвирини дилкаш"* қилмоқ сабаблари не бўлганига "рақам ур"ган эмас. У бу ҳақдаги сўзни кейинги – IX бобга қолдиради.

Тўққизинчи боб шоирнинг ўз ижоди ҳақидаги ифтихор тўла сўзлари билан бошланади: толе юлдузи унга ижод осмонининг энг юксак манзилларидан жой ҳозирлаган, чунки у буюк ҳиммат зоҳир қилиб, "Хамса"нинг иккинчи достонини ёзишга бел боғлаган. Шоирнинг янги достон бошлаганидан хабар топиб, унинг ижодхонасига кириб келган иқболу саодат[1] шоирни табриклар экан, унинг ҳиммат ва ниятига таҳсинлар айтади, чунки у кўзни салафларидан кўра баландроқ айвон (қаср)га тиккан:

Фалак суртиб жабинлар ҳимматингга,
Қуёш деб офаринлар ниятингга,
Ки кўзни бас рафеъ айвонға солдинг,
Бийикрак тепанинг тупроғин олдинг.

Шу билан бирга, иқболу саодат уқтирадики, у бу муаззам қасрга *дебо – нафис нақшлар* солишни ният қилган, аммо бу етарли эмас: қасрнинг нақши билан бирга, *тарҳи* ҳам *зебо* бўлиши керак:

Ки чун бу уйда қилғунг нақши дебо,
Керак уй тарҳи доғи бўлса зебо.

Байтдаги *уй, тарҳ, нақш* каби меъморчиликка оид атамалар айни чоғда улуғ шоир ижодига хос адабий истилоҳ ҳам: *айвон* – ёзилажак асар, *тарҳ* унинг мазмуни, аниқроқ қилиб айтганда, ғоявий асоси, *нақш* – мазмуннинг шеърий (бадиий) ифодаси. Бинобарин, шоирнинг иқболу саодат тилидан ўзига хитоб тарзида баён қилган асл фикри қуйидагичадир: *Бу асарни ёзишга киришар экансан, албатта, унда нафис байтлар ижод қиласан, аммо бунинг учун, аввало, унинг мазмуни, яъни ғоявий асоси зебо*[2] *бўлиши лозим*.

Кейинги байтда бу фикрни давом эттириб, шоир шундай деб ёзади:

Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ,

Бу байтда ҳам икки муҳим атама мавжуд: 1) *назм* – шеърий ифода; 2) *афсона* – сюжет. Иқболу саодатнинг уқтиришича, ёзилажак асарнинг *назми* салафлар асарлари сингари масмуъ – қулоққа ёқимли эшитиладиган, *афсонаси* эса матбуъ – табъга мувофиқ келадиган бўлса ҳам, шунинг ўзи билан кифояланмаслик лозим. Тарих китобларини бир-бир варақлаб, шундай сўзни топмоқ лозимки, салафларнинг кўзи унга тушмаган бўлсин. Ана ўшанда ёзилажак асарнинг *тарҳи* (ғоявий асоси) *тоза* (янги), эл-улуснинг майли эса беандоза бўлади:

Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда таърих.

---

[1] Иқболу саодат – бу ҳам сурушнинг номларидан бири.
[2] *Зебо* аввалги бобда тилга олинган *дилкаш* сўзининг маънодоши.

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.
Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Иқболу саодатнинг дилпазир сўзлари ғоят маъқул бўлиб, поёнсиз сўз денгизига шўнғиган шоирга маълум бўладики, унда *не олий қадр дурлар қолғон эмиш*:

Топилди онча сўзким, комим эрди,
Қуюлди онча майким, жомим эрди.

Ком сўзининг маъноси *мақсад* ёки *истак* бўлиб, зоҳиран қараганда байтда шундай фикр ифодаланган: *Мақсадим сўз айтур эл, яъни салафларнинг кўзи тушмаган сўзлар эди, уларни қанча қидирган бўлсам, шунча топдим*. Бироқ байтга чуқурроқ назар солинса, у бошқачароқ маъно касб этганлиги кўринади: *Қандай сўзни топишни истаган бўлсам, шундай сўзни топдим*. Бошқача қилиб айтганда, *"Ҳар сори таворих пайдо айлаб"*, шоир шунчаки салафларининг сўзига ўхшамаган сўз эмас, балки *коми*, яъни, замонавий атама билан айтадиган бўлсак, *ғоявий нияти*га мос тушадиган янги сўз қидирган!

Шоир кейинги байтларда ғоявий ниятини шундай баён қилади:

Бу гулшанники, рашки нақши Чиндир,
Насими ҳам, гули ҳам оташиндир.
Бўлурдин даҳр бўстонида мавжуд,
Эмасдур ғайри сўзу дард мақсуд,
Ки ишқ аҳлидин ўлғай достоне,
Муҳаббат хайлидин қолғай нишоне.

Мазкур байтларда Алишер Навоийнинг *бадиий ижод ва унинг вазифаси ҳақидаги қарашларининг туб моҳияти баён қилинган*. Улуғ шоирнинг фикрича, сўз санъати бир гулшанга ўхшайди: бу гулшан шу даражада гўзалки, унинг гўзаллигига ҳатто афсонавий Чин суратлари ҳам ҳавас қилади. Бу гулшан бошдан оёқ ўт-аланга: унда ўсган гуллар ҳам, эсган еллар ҳам оташин. Чунки *бу гулшан олам бўстонида пайдо бўлибдики, унинг мақсади ишқ сўз*[1]*ини тасвирлашдан бошқа нарса эмас*. *Зеро, ҳар бир асар ишқ аҳлидан бир достон, муҳаббат хайлидан бир нишон бўлмоғи лозим!*

Улуғ шоирнинг сўз санъатининг вазифаси ҳақидаги бундай қарашлари барқарор бўлиб, "Сабъаи сайёр"дан ўрин олган қуйидаги байтларда ҳам шу фикрни баён қилган:

Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин хуштур анда сармоя,
Ким кўнгулга ўти асар қилғай,
Жонга кўйдурмаги хабар қилғай.[2]

Умрининг охирларида йилларида ёзилган "Маҳбуб ул-қулуб"да эса шундай дейди: "Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати

[1] Бу ўринда "сўз" "оташ, ўрташ, куйдириш" каби маъноларни билдирувчи тожикча сўздир.
[2] Сабъаи сайёр. // Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10-том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.106.

бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур.

Сўзки маъносида ишқ ўти нишони бўмағай,
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай".[1]

Шундай қилиб, Навоий фикрича, *сўз санъатининг мақсади ҳам, вазифаси ҳам ишқ сўзу дардини тасвирлаш, унинг ишқ дарду сўзидан бошқа мақсади бўлиши мумкин ҳам эмас!* Бинобарин, *ишқ сўзу дарди бош ўрин тутган асаргина дилкаш деб аталишга лойиқ!* Бу масалалар: сўз санъатининг мақсади ва ишқ сўзу дардининг моҳият ва мазмунини янада теранроқ ва чуқурроқ англашда шу боб сарлавҳасининг ҳам алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Бобга шундай сарлавҳа қўйилган: *Бу иқбол варақларининг муқобаласи ва бу саодат тарҳларининг мутораҳаси ва хаёл баҳрида маоний туҳафи савдоси учун масоҳат қилмоқ ва ҳар фасона сафинасин варақ-варақ, балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб, дарёзада ажносқа рад илигин урмоқ ва маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳужласи аройиси учун ғайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмоқ ва жон риштаси ва кирпик игнаси била либоси намойиш ва хилъати оройиш тикиб, бу абкор қадларига солиб жилва бермак.*

Биринчи жумлада шоир *иқбол варақлари* деганда салафлари, *саодат тарҳлари* деганда эса ўз асарини назарда тутган. *Муқобала* сўзининг маъноси *қарши бўлмоқ*,[2] *мутораҳанинг* маъноси, гарчи луғатларда *кенгашмоқ*,[3] *машварат қилмоқ*[4] деб берилса ҳам, бобнинг умумий руҳидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *тарҳини чизмоқ*. Жумлани шундай табдил қилиш мумкин: *салафларнинг асарларига қарши бўлмоқ, ўз асарининг тарҳини чизмоқ*, агар аввалги шарҳлардан келиб чиқилса, *унинг ғоявий асосларини белгиламоқ*. Шоирнинг ўз салафлари асарларига муносабати сарлавҳанинг биринчи жумласидаёқ жуда аниқ баён қилинган: *қарши бўлмоқ*.

Иккинчи жумланинг табдили қуйидагича бўлади: *маъно туҳфаларини харид қилмоқ учун хаёл денгизида сузмоқ*. Салафлари асарига қарши бўлган шоир янги маъно-мазмун ахтариб хаёл денгизида суза бошлайди. Учинчи жумла: *ва ҳар фасона сафинасин варақ-варақ, балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб, дарёзада ажносқа рад илигин урмоқ. Сафина* ва *жунг* сўзлари ўзаро маънодош бўлиб, ҳар икки сўзнинг маъноси ҳам *кема. Дарёзада* сўзининг маъноси – *дарё* ёки *денгиз фалокатига учраган*. *Ажнос* жинс сўзининг кўплик шакли бўлиб, *жинслар, нарсалар*; *дарёзада ажнос* бирикмаси эса *дарё(денгиз) фалокатига учраган нарсалар* деган маънода келган. Бироқ бу сўзларнинг маъноси бундан кўра чуқурроқ, чунки *сафина* ва *жунг* сўзлари ҳам, *дарёзада* ва *ажнос* сўзлари ҳам кўп маъноли сўзлардир. *Сафина* ва *жунг кема*дан ташқари *асарлар тўплами, китоб* деган маъноларни ҳам билдиради. *Дарёзада*нинг иккинчи маъноси – *уринган, ишдан чиққан, эскирган нарсалар*.[5] *Ажнос* сўзи сафина, жунг сўзлари билан ёнма-ён келгани учун *афсона, тарих; дарёзада ажнос* бирикмаси эса *эскирган афсоналар* деган маъно касб этган. Энди жумланинг мазмуни қуйидагича бўлади: *ҳар афсона тўпламларини варақма-варақ, балки ҳар тарих китобларини саҳифама-саҳифа ахтариб, эскирган афсоналарни рад этмоқ.* Жумладаги *дарёзада ажнос* иборасини шоир салафларининг асарлари ҳақида айтилган деб ҳам, умуман, Хусрав ва Ширин афсоналари ҳақида айтилган деб ҳам тушуниш мумкин.

---

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 69.
[2] Навоий асарлари луғати. – Б. 438.
[3] Навоий асарлари луғати. – Б. 429.
[4] Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди I. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С.776.
[5] Навоий асарлари луғати. – Б. 179.

Бироқ қай тарзда тушунилмасин, шоирнинг фикрлари ғоят қатъий: *ўша афсоналар эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган!* Шунинг учун ҳам шоир уларга *рад илгини ура*ди.

Сарлавҳадаги *маоний ақмишаси* (маъноларнинг нафис матолари), *аройис*, *абкор* сўзларининг шоир ниятини ифодалашда алоҳида ўрни бор. *Маоний ақмишаси* деганда улуғ шоир нимани назарда тутганлигини англамоқ учун *маоний* (бирлиги – *маъно*) сўзининг мазмуний мундарижасига назар ташламоқ даркор. *Маъно* – Навоий ижодида, аввало, бадиий асарнинг мазмунини ифодаловчи адабий атама. Шунингдек, у хилма-хил маъноларда келувчи сўфиёна истилоҳ ҳам.[1] Лекин унинг бош тасаввуфий маъноси *Ҳақ ишқи* ёки *васлидир*. Шоир асарларида "аҳли маъно" ва "аҳли сурат" деган иборалар бор. "Аҳли маъно" Ҳақ жамолига интилган, "аҳли сурат" эса зоҳирий ҳуснга алданган кишилардир. *Маъно* ва *сурат*нинг мазкур истилоҳий маънолари "Лисон ут-тайр"дан олинган қуйидаги байтда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

Сурати зоҳир била топқон фириб,
Топмоғон *маъни жамоли*дин насиб.[2]

Навоийнинг достонда таъкидлашича, ҳақиқий ишқ эгалари сурат билан чекланмай, ундан маънога йўл топадилар:

Барча сурат аҳлиға ашрафдур ул,
Ким *сувар*[3]дин элтгай *маъни*ға йўл.[4]

Маълум бўладики, *маоний ақмишаси Ҳақ ишқининг* ўзгача ифодасидир! Бу *ғайб тужжори* иборасидан ҳам кўриниб турибди. *Ғайб тужжори,* гарчи у *маоний, аройис, абкор* сўзлари билан мослик ҳосил қилиш учун кўплик шаклида (бирлиги – *тожир*) ишлатилган бўлсада, алалоқибат, нафис матолар: ишқнинг дарду сўзи билан савдо қилувчи савдогар, яъни Ҳақнинг ўзидир. Шоир *ҳаёт хазинаси*ни бериб, Ундан маъноларнинг нафис матоларини сотиб олишни ва улардан *жон риштаси ва кирпик игнаси била либоси намойиш ва хилъати оройиш тикиб, абкор қадларига сол*ишни истайди.

Аройис (бирлиги – *арус*) *келинчаклар* деганидир. Навоий ижодида *сўз аруси* деган ибора бор. Шоир бадиий асарни чиройли келинчакка ўхшатади. "Садди Искандарий"дан ўрин олган қуйидаги байтда шоир *арус* сўзига ана шундай маънони жо қилган:

Навоий, яқин бўлди осойишинг,
Бўлуб *сўз арусиға* оройишинг.[5]

Абкор (бирлиги – *бикр*) – қизлар, қиз болалар. Бу сўзнинг адабий истилоҳ сифатидаги маъноси *арус*дан деярли фарқ қилмайди. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги XXXIX бобнинг бошланма байтида шу маънода келган:

---

[1] Бу истилоҳнинг маънолари ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 89.
[2] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баён билан). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 – Б. 150.
[3] Сувар – суврат сўзининг кўплик шакли: суратлар, яъни зоҳирий оламда турли сурат-кўринишда намоён бўлувчи нарсалар; Аллоҳдан ўзга нарсалар.
[4] Лисон ут-тайр. – Б. 57.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.558.

Фасона айтур устоди суханвар,
Бу янглиғ тоқти сўз бикриға зевар.

Фақат у айрим ўринларда умуман бадиий асар эмас, балки унинг маъноси (мазмуни) га нисбат берилади: *маъни* ёки *маоний абкори.* "Алар зикридаким, – деб ёзади Навоий "Мажолис ун-нафойис"да ўзига замондош бўлган шоирларни таърифлар экан, – ҳоло замон саҳойифида *маоний абкори* аларнинг дақиқ табълари ҳуллабофлиғидин *назм либоси* киядур, *назм либоси* аларнинг амиқ зеҳнлари мўйшикофлиғидин *санъат ва салосат*, *нақш ва нигоре* топадур".[1] *Арус ва абкор* сўзларининг мазкур истилоҳий маънолари "Мезон ул-авзон"да ҳам ўз аксини топган: "Султон Ҳусайн Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳу ва адома умраҳу ва давлатаҳунинг ҳар навъ назм бобида таълим ва тарбиятлари била ва ҳар синф шеър услубида тафҳим ва тақвиятлари била ажам шуароси ва фурс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, *сўз арусиға* жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, *маъни абкориға* зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум".[2]

Кўриниб турибдики, улуғ шоирнинг адабий истилоҳида *арус* – бадиий асар, *абкор* ёки *ақмиша* – маъно, *маъно* – Ҳақ ишқи, абкорнинг *либоси* – *назм*, яъни маънонинг шеърий шаклда намоён бўлиши, *абкор либосининг нақшу нигори* эса фикрий тиниқлик ва равшанликка хизмат қилувчи тасвирий воситалардир. Энди шоирнинг сарлавҳада шундай дегани маълум бўлади: *Салафларнинг асарларига рад илигин уриб, ғайб олами савдогарларидан ҳаёт хазинасини бериб, латофат чимилдиғининг келинчаклари, яъни "Фарҳод ва Ширин" достони учун маъно ақмишаси, яъни Ҳақ ишқининг дарду сўзини сотиб олмоқ!* Ва ундан *жон ипи ва киприк игнаси билан гўзал либослар тикиб, келинчаклар қаддига жилва бермак, яъни Ҳақ ишқининг сўзу дардини шеърга солиб, уни нафис санъатлар била музайян қилмоқ!*

Шундай қилиб, салафлари асарларининг *авзоъиға тағйир беришни зарурий* қилган бош сабаб айтилганларни такрорламаслик эмас, балки шоирнинг бадиий сўз ҳақидаги қарашларидир. Унинг таъкидлашича, *бадиий асарда шоҳларнинг шон-шавкат ва мулку давлати эмас, маоний ақмишаси – Ҳақ ишқининг дарду сўзи тасвирланиши лозим. Ҳар фасона сафинасин ва ҳар тарих жунгин варақма-варақ, балки ҳарфма-ҳарф ахтариб, шундай сўзни топиш лозимки, унда Ҳақ ишқининг дарду сўзи шуълаланиб турсин. Ана шундагина бу сафҳа – ёзилажак асар дилкаш бўлади!*

Шоир салафларининг асарлари ҳақида сўз юритар экан, уларга шу нуқтаи назардан баҳо беради: *улар дилкаш эмас!* Чунки, биринчидан, Низомий ва Хисрав Ҳақ ишқининг дарду сўзидан сўз айтиш ўрнига *Саросар бўлдилар Хусравга маддоҳ: Ки мулки андоқу ойини мундоқ, Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ.* Иккинчидан эса, Хусрав, умуман, ошиқ деб аталишга муносиб эмас. Чунки, улуғ шоирнинг чуқур таассуф билан қайд қилишича, Хусравнинг Ширинга ошиқлиги *подшоҳвор* ошиқликдир: у Ширинни гоҳ маҳбуб ўрнида кўрса, гоҳ парастор – канизак, чўри деб билади:

Бўлиб Ширинга ошиқ подшоҳвор,
Гоҳ ул маҳбуб ўлиб, гоҳи парастор.

Ҳақиқий ошиқлик эса маҳбубига *қуллуқ* буюриш эмас, балки, шоирнинг бир байтида айтилганидек, унинг ишқида зору забун бўлмоқдир:

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 13-том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.70.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.43.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ[1] буюрғай, ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.[2]

Чунки бу шоҳи нозпарвард, – деб хулоса қилади Навоий, – *дарду бало ойини, яъни* ҳақиқий ишқ расму қоидаларидан беҳад узоқ эди:

Яқиндурким, бу шоҳи нозпарвард,
Эрур дарду бало ойинидин фард.

Бу сўзлар улуғ шоирнинг нафақат Хусрав, балки умуман *ишқ ва шоҳлик* ҳақидаги қарашларидан бир лавҳадир. Бу қарашга кўра, шоҳнинг чин ошиқ бўлиши қийин, бугина эмас, шоҳлиқнинг, умуман, ишқ аро дахли йўқ, чунки шоҳлар расми *иззу жоҳ* – иззатталаблик, ўзини ўта азиз ва мўътабар деб билишдир, ошиқлик эса *балокашлик*: васл йўлида учрайдиган беҳисоб ранжу машаққатларга мардонавор бардош беришдир:

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
Ким балокашлик менинг хўйимдур, онинг иззу жоҳ.[3]

Ишқу муҳаббат кўйида *сариғ юз*, *лаългун ашк*, *ўтлуғ оҳ* даркор:

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида,
Ким керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.[4]

Шунинг учун улуғ шоир қатъий қилиб дейдики, *ишқ ила шоҳлик мувофиқ эмас.*[5] Зеро, ишқ шамъ бўлса, шоҳлик муздир. Шоҳни ошиқ дейиш муздан шамъ ясашдек гап, муз ёниб, нур сочмаганидек, шоҳ ҳам ишқ ўтида ёниб, “лаългун ашк” тўкишга қодир эмас:

Иккисин ким деса қилойин жамъ,
Шуша муздин дегай ёсоймен шамъ.[6]

Шундай экан, ишқ достони учун шоҳ эмас, жонини “шавқ шуъласи ўртаган”, “икки оламга пушту по урган” бедили фоний керак:

Ишқ учун бедили керак фоний,
Ўртаган шавқ шуъласи они.
Кун[7] аро навбати фано урған,
Икки оламға пушти по урған.[8]

Бинобарин, қисса мазмунига *бир ўзгача тарҳ солиш* айни зарурат, ёзилажак асар *шоҳнома эмас, меҳнатнома* бўлмоғи лозим:

---

[1] Икки маънода тушуниш лозим: 1) таъзим; 2) қул бўлиш.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 432.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 432.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 432.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10-том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.106.
[6] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10-том. – Б.106.
[7] Олам маъносидаги бу сўз хато ёзилган, ***кавн*** бўлиши керак.
[8] Сабъаи сайёр, Б.106.

Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ.

Кейинги байтда шоир уни чақмоқ тошига ўхшатади: чақмоқ тошидан учқунлар сочилганидек, ундан ҳам ишқ учқунлари сочилиб туражак:

Агарчи йўқ турур дурлуқ талоши,
Эрур, тош ўлса ҳам, чақмоқ тоши.

Йўқ, – дейди шоир навбатдаги байтда ташбеҳи тафзил воситаси билан бу фикрни инкор этиб, – *уни чақмоқ тоши дейиш кам, у ғам тоғидир, чунки унда ғаму андуҳ тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди*:

Дема чақмоқ тоши, кўҳи андуҳ,
Ғаму андуҳ анда кўҳ то кўҳ.

Шоир ўз асарини бу сафар *кўҳи андуҳ* деб атар экан, қаламининг мўъжизбаёнлик сеҳрини ишга солиб, сўзни Фарҳод билан боғлайди. Кўҳи ғам аро Фарҳод ва унинг *дарду миҳан*(меҳнатлар)ини қандай қилиб кўрмай ўтиб кетиш мумкин, ахир Фарҳод ўз номи билан *Кўҳкан* – ғам тоғини қазувчи-ку!

Бу кўҳи ғам аро дарду миҳандин,
Гузирим қайда бўлғай кўҳкан [1]дин?!

Хуллас, *дарду бало ойинидин фард (бегона) Хусрав эмас, ишқи ўти олам, не олам, балки нилгун торам(осмон)ни равшан қилувчи Фарҳодгина шавқ достонининг қаҳрамони бўлишга лойиқ!* Салафлари асарларининг *авзоъиға тағйир* бериб, *Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак*ка сабаб ҳам шу эди. Шунинг учун уни *“Фарҳоду Ширидин ҳикоят”* деб ҳам, *“Жон мусҳаф[2]идин икки оят”* деб айтиш мумкин, чунки унда Ҳақ ишқининг дарду сўзи шуълаланиб туражак:

Ёзиб жон мусҳафидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Ширидин ҳикоят!

[1] *Кўҳкан* деганда Фарҳоднинг ҳам касби, ҳам ўзи назарда тутилган.
[2] «Мусҳаф» сўзи икки маънода қўлланган: 1) саҳифа; 2) “Қуръон”.

2-ФАСЛ. БАДИИЙ ТАЛҚИН: “ДАРД БОҒИ ҒУНЧАСИ”

Алишер Навоийнинг ишқ ҳақида бу қадар ёниб сўзлаши бежиз эмас, албатта. Бунга сабаб *ишқ ва унинг инсон саодатида тутган* ўрни ҳақидаги ўзига хос фалсафий қарашларидир.[1] Мутафаккир шоирнинг кўпгина лирик ва эпик асарлари, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўзида ҳам таъкидланишича, умр ҳам, инсоннинг бу оламда топган мулку мартабаси ҳам абадий эмас. *Агар*, – дейди шоир бу ҳақдаги қарашларини Суқрот тилидан Фарҳодга насиҳат тарзида баён қилиб, – *киши Нуҳ сингари минг йил умр кўрса ҳам, Искандар сингари бутун ер юзини эгалласа ҳам, барибир, бир кун бу дунёни тарк этиши муқаррар*:

Агар топса Сикандар мулки зотинг,
Гар ўлса Нуҳ умрича ҳаётинг,
Чу кетмаклик керактур бот, агар кеч,
Ҳамул давлат била бу умр эрур ҳеч.

Умрни “ҳеч” қилиб, бу оламдан Искандар сингари қуруқ қўл билан кетмаслик учун Ҳақ амрини адо этмоқ лозим. Ҳақнинг амри эса фақат Унинг Ўзини севмоқ, Ундан ўзга нарсалардан эса кўнгил узмоқ. Севилишга муносиб ягона зот, ҳақиқий Маҳбуб фақат Унинг Ўзидир. Зеро, Ҳақнинг инсонни яратишдан мақсади ҳам шу эди:

Буким, Ҳақ айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудликдин борча мақсуд –
Эрур Ҳақ амриға маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.
Чу Маҳбуби ҳақиқий улдурур, ул,
Анинг васли сари қатъ айламак йўл!

Аммо бу осон эмас, чунки “бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдир”. “Бу дарду ғам”ларни енгиб ўтиш минг йилларга чўзилиши мумкин. Бироқ шундай бўлса ҳам, у икки қадамдан иборат:

Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
Узоқ тортар вале икки қадамдур.

Икки қадамнинг биринчиси *ўзликни йўқ қилмоқ* бўлса, иккинчиси *“Они”*, яъни Маҳбуби ҳақиқийни *топмоқ*:

Бири ўзликни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир доғи топмоқ бўлди Они.

Ўзликни фоний қилиб, Уни топмоқнинг энг яхши чораси, улуғ шоирнинг кейинги байтда уқтиришича, мажозий ишқ – жамолида Маҳбуби ҳақиқий жамоли жилваланиб турган ёрнинг ишқини кўнгилга жо айлашдир:

[1] Бу ҳақда тўлароқ тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Имомназаров М. Ҳақиқат ва Мажоз. // “Шарқ юлдузи” журн., 1990, №4, Б.147–152. Суқрот – комил инсон тимсоли. // Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовороуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б.182-191; Қурбонов А. Тасаввуф истилоҳлари. Ишқ. // “Нақшбандия” журн., 2015 йил, № 1. – Б.17–21.

Бу ўзликдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий.

Шоирнинг таърифлашича, мажозий ишқ бамисоли бир ўт. У ошиқ танига шундай ҳароратлар соладики, у бу ўтда ўртаниб, қуруқ бир хасга ўхшаб қолади. Шу пайт мажозий ишқ осмонида ҳақиқий ишқнинг чақмоғи чақнаб, ундан бир учқун тушади-ю, ошиқнинг ўзлиги куйиб кул бўлади:

Чақилгач барқи ишқи жовидоний,
Етишгач бир шарар кул айлар они.

Шунда мажозий ишқ ҳақиқий ишққа айланиб, Ошиқ Ҳақ васлига етишади:

Бўлиб Маъшуқи аслий чорасозинг,
Ҳақиқатқа бадал бўлгай мажозинг.

Шоирнинг таъкидлашича, инсон учун *иқболи сармад* – энг улуғ давлат ҳам, *бахти жовид* – абадий саодат ҳам Маҳбуби ҳақиқий ишқи ва васлидир:

Гар ул Маҳбуб васли бўлди уммид,
Будур иқболи сармад, бахти жовид!

Шоир ул Маҳбуб ишқининг бахт-иқболини хилма-хил усуллар билан очиб беради. Бу усуллар орасида, айниқса, унинг шоҳлик билан муқоясаси алоҳида ўрин тутади. Шоҳлик, маълумки, фоний дунёдаги энг олий мартабадир. Зоҳиран олганда, инсон учун ундан улуғроқ бахт бўлиши мумкин эмас. Аммо ишқ аҳлининг мартабаси шоҳдан-да улуғ, чунки унда шоҳликка хос ҳамма нарса мужассам. “Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган бир ғазалда бошдан оёқ шу ғоя бўртиб туради. Ғазал матлаъсида таъкидланишича, ишқ аҳли салтанат қуёшига муҳтож эмас, чунки ишқ туфайли ошиқ жисмига етган доғ – жароҳатларнинг ўзи салтанат қуёшидир:

Кимки, еткай ишқ дарду доғидин офат анга,
Доғ меҳри салтанатдур, дард эрур сиҳҳат анга.[1]

Кейинги байтда айтилишича, ишқ майхонасининг синган сафоли Жамшиднинг машҳур жомидан афзал:

Ишқ дайри базминг синған сафоли ичра май
Ким ичар, Жамшид жомин танламас, ҳиммат анга.

Жамшид афсонавий Эрон шоҳларидан бири бўлиб, унинг давлати шу қадар чексиз эдики, хазинаси олтину жавоҳирлар, шунингдек, мўъжизали нарсалар билан тўлиб-тошган эди. Шулардан бири “Жоми ишратфизо” номли олтиндан ясалган мўжизали жомдир. Бу жом ҳамиша май билан лиммо-лим тўлиб турар, ундан қанчалик ичган билан бир томчи ҳам камаймас эди. Байтда шоир ишқнинг синган сафолини Жамшиднинг ана шу мўъжизали жомига қиёслайди. Сафол лойдан ясалган, бунинг устига синиқ. Лойдан ясалган синиқ

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.12.

сафолнинг қандай қиммати бўлсин! Аммо у оддий сафол эмас, ишқ сафоли. Шунинг учун *Кимки ишқ майхонасининг базмида синган сафолга қуйилган майдан ичадиган бўлса,* – дейди шоир, – *шундай улуғ давлатга эришиб, ҳиммати шу қадар юксаладики, у энди Жамшиднинг жомини хаёлига ҳам келтирмайди*.

Ғазал байтларидан бирида айтилишича, кимнингки танига ишқ ўти туташган бўлса, унинг шоҳдан фарқи йўқ: бу ўт шоҳ эгнидаги зарбоф тўндир:

Чун тушар ошиқ таниға ишқ ўтининг шуъласи,
Ўйла шаҳдурким, эрур зарбафтдин хилъат анга.

Кейинги байтда айтилишича, ошиқнинг бошидан чиққан олов шоҳлик тожидир. Аммо у шундай тождирки, агар шоҳлик тожи, шоирнинг “Туҳфат ул-афкор” қасидасида айтилганидек, тож эгасининг бошидаги хом хаёлларни пиширувчи жаҳолат ўти бўлса (Оташин лаъле, ки тоҷи хусравонро зевар аст, Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст),[1] бу тож ўзликни буткул ўртаб кул қилувчи ўтдир:

Тожи давлат берса ишқ ўтидин, олиб бир шарар
Буки ўртар ўзлугин, етмасму бу давлат анга.

Хуллас, ишқ аҳли учун шоҳлик қуёшининг ҳам, зарбоф тўну олтин тожнинг ҳам кераги йўқ. Ишқ доғи унинг учун салтанат қуёши, синиқ сафол Жамшиднинг жоми, ишқ ўти шоҳликнинг зарбоф тўнию олтин тожи бўлиб, унга шу давлатнинг ўзи етарлидир, чунки бу давлат уни ҳақиқат тахтининг шоҳи, балки бақо мулкининг соҳибқирони даражасига кўтаради.

Бу ғоя “Фарҳод ва Ширин” достонининг ҳам ўқ илдизини ташкил қилади. Шоир талқинидаги Фарҳод Хусрав, балки хусравлардан фарқли ўлароқ, бошига салтанат эмас, ишқ тожини кийган қаҳрамондир. Достон сюжети, ундаги ҳар бир воқеа, эпизод, ҳатто ҳар бир тафсил ва ҳар бир сўзда бу ғоя жилваланиб туради. Маълумки, достон воқеалари XII бобдан бошланади. Унда тасвирланишича, Чин мулки чиний расмлар, нафақат чиний расмлар, балки жаннатнинг ҳам рашкини келтирадиган даражада чиройли мамлакат бўлиб, унда бир улуғ хон, балки хоқон ҳукмдор эди:

Икки оламча мулки вусъат ичра,
Ети гардунча тахти рифъат ичра.

Бироқ, замона уни “тоқи офоқ”, “бари хонлар аро тоқ” айлаган бўлса ҳам, хоқоннинг *ҳашамат боғи насаб гули ва фарзанд мевасидин* холи эди:

Анингдек фард этиб чархи куҳангард,
Ки бир фарзанддин ҳам айлабон фард.

Хоқон ўз фарзандсизлигини ўйлар экан, кўнгли аччиқ алам ва изтироблар билан тўлади: Оламда вафо йўқ, – дейди у дунёнинг ўткинчилигини ўйлаб, – агар киши минг йил подшоҳлик қилса ҳам, охир оқибат йўқлик жомини ичишга мажбур. Шундай экан, ундан бир дур ёдгор қолмаса, қандай қилиб бош кўтарсин?! Бефарзанд одамнинг бағрида гавҳари бўлмаган денгиздан, ёнгандан сўнг бир ҳовуч чўғ ҳам қолмайдиган оловдан қандай фарқи бор:

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 20-том. – Тошкент: Фан, 2003. –Б. 239.

Мен ўлдим ул денгизким, гавҳари йўқ,
Ва ё ул ўтки, онинг ахгари йўқ.

Тожу тахт тақдири хоқон кўнглидаги аламларни, айниқса, зиёда қилади. У кечаю кундуз Тангрига нола қилиб, кўзини бир халаф билан ёритишни сўрайди, токи у тожу тахтининг эгаси бўлсин:

Ўғилсизликдин ўлди бу шиканжим,
Ки Ҳақ дафъ айлагай бу дарду ранжим.
Бу қаттиғ вартада илгимни тутқай,
Кўзумни бир халаф бирла ёрутқай.

Хоқоннинг боғида бир оташин гул очилди, – дейди шоир Фарҳоднинг туғилишини тасвирлар экан, – аммо у гул эмас, балки дард шуъласи эди; даврон хоқоннинг бармоғига бир узук тақди, аммо у узук эмас, бир оташин лаъл эди. Йўқ, – дейди шоир бу тимсоллардан кўнгли тўлмай, – бу узук ҳам, лаъл ҳам эмас, қоронғи кечани ёритувчи бир дур; йўқ, дур ҳам эмас, жаҳонга ўт солувчи бир гавҳар эди:

Очилди боғида бир оташин вард,
Демайким вард, балким шуълайи дард.
Киюрди илгига даврон нигине,
Нигун ўрнида лаъли оташине.
Нигину лаъл йўқ, дурри шабафрўз,
Дема дур, гавҳаре, лекин жаҳонсўз.

Хоқон ҳам шоҳ, шунинг учун, аввало, Тангридан ўзига бир халаф – ўғил, балки ўз тахтига валиаҳд тилайди. Аммо Фарҳод, хоқон орзу қилганидек, шоҳлик тожидаги дур эмас, балки ишқ гавҳари бўлиб дунёга келган эди. “Фарҳод, Мажнун ҳам буюк қисмат болалари, – деб ёзган эди Ойбек. – Улар қазо олами чизган йўлларга киришлари керак. Бу йўлда уларнинг табиатида кўмилган уруғ инкишоф этиши, гуллаши лозим. Яширин уруғнинг моҳияти нимада? Бу – ишқ. Мана шу афсоналашган ишқни гениал шоир ўз поэмаларида ажойиб фикрий чуқурлик ва бадиий қувват билан тараннум этади”.[1] Шоир ружуъ санъатини ишга солиб, бу фикрни бениҳоя ёрқин ифодаловчи истиоралар келтиради: дастлаб Фарҳодни шоҳлик рамзларига қиёсласа, сўнг уларни рад этиб, ишқ тимсолларига айлантиради: *оташин гул эмас, шуълайи дард*; *узук эмас, оташин лаъл*; *дур эмас, гавҳари жаҳонсўз!*

Фарҳоднинг *оташин гул, балки шуълайи дард* эканлигини шоир, аввало, шу боб сарлавҳасида таъкидлаган эди, унда Фарҳод гарчи шаҳзода деб аталса-да, унинг шоҳлик сифатлари ҳақида сўз йўқ: *дард боғи ғунчаси ва бало чамани шукуфаси, яъни шаҳзода Фарҳоднинг адам шабистонидин вужуд гулшанига келганин қалам булбули тилидин сайрамоқ*. Шоир зимдан ишора қиладики, Фарҳод гарчи хоқон хонадонида дунёга келган бўлса ҳам, *анинг эҳтишоми ҳадиқаси* – ҳашамати боғида эмас, балки ишқ боғида очилажак ғунчадир!

Бу каби икки хил муносабат: Фарҳодга аввал подшоҳвор назар ташлаб, сўнг уни рад этиш, сарлавҳада эса фақат ишқий сифатларнигина таъкидлаш достон ғоявий мазмунини мухтасар тарзда ифодалашнинг ўзига хос бир усулидир. Бу усул достоннинг XIII бобида, айниқса, кучли намоён бўлган. Бу бобдаги воқеалар: шаҳзодага Фарҳод деб исм қўйилиши

[1] Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б.91.

ва Фарҳод исмининг икки хил муаммо воситаси билан келтириб чиқарилиши кўп сонли тадқиқотлар ва ҳатто мактаб дарсликларидан яхши маълум.[1] Аммо бу муаммоларнинг шоир адабий-эстетик қарашлари ва достоннинг ғоявий мазмуни билан нечоғли алоқадор эканлиги масаласига етарлича эътибор қаратилган эмас. Шу билан бирга, муаммоларнинг махсус таҳлилини[2] ҳам қониқарли деб айтиш қийин. "Бу турли дарслик ва қўлланмаларда такрор-такрор тилга олинса-да, аммо исмга нега шундай маъно юклангани ва шоирнинг мақсади нимадан иборат эканлигига аҳамият қаратилмайди", – деб ёзади Б.Эрали "Фарҳод ва Ширин"нинг янгича шарҳига бағишланган тадқиқотида.[3] Аммо бу тадқиқотда ҳам муаммонинг асар ғоявий мазмуни билан алоқадор жиҳатлари очиб берилган эмас.

Тангри иноятидан бениҳоя хурсанд бўлган хоқон фарзандининг жамолига назар ташлайди:

Жамолидан кўрингач фарри шоҳий,
Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳий.

Фарр (فر), тадқиқот ва луғатларда изоҳланишича, "шоҳлик нури, савлати ёки шукуҳи"дир.[4] Аммо у оддий "шоҳлик нури, савлати ёки шукуҳи" эмас. Фарр *хвар* – қуёш сўзидан олинган бўлиб, у "Авесто"да *хварна* шаклида келади. Хварнанинг маъноси *савлат, виқор, куч-қудрат*дир.[5] Бу сўз кейинчалик ўзгариб фарр шаклига келиб қолган. Фарр "Авесто", шунингдек, Фирдавсий "Шоҳнома"сида тасвирланишича, Худо фақатгина ҳақиқий шоҳларга ато этган ва авлоддан авлодга ўтиб борадиган шоҳлик нишонидир. У кўпинча тахт эгаларининг бошидан таралаётган чамбар нур тарзида тасаввур қилинган.[6] Фарҳоднинг жамолида ҳам ана шу шоҳлик фарри намоён бўлиб турар, унинг нуридан еру кўк баравар ёришиб кетган эди. Бугина эмас, хоқоннинг назарида *ҳиммат* (همت), *иқбол* (اقبال) ва *давлат* (دولت) бу фарга юз қўйиб, унинг соясидан зийнат топган эди:

Қўйиб юз ҳиммату иқболу давлат,
Ҳамул фар соясидин топти зийнат.

Шоҳлик фаррига юз қўйган ҳиммат, иқбол ва давлатнинг юзи, муаммо қоидаларига кўра, уларнинг биринчи ҳарфлари ҳисобланади: ه – ҳ, ا – о, د – д. Ҳиммат, иқбол ва давлат ҳам, худди фарр каби шоҳлик гавҳарларидир. Хоқон уларни фарр билан бирлаштирган эди, Фарҳод деган исм пайдо бўлди: فر фар + ه ҳ + ا о + د д =د فرها Фарҳод. Хоқоннинг наздида шоҳлик фарри, ҳиммати, иқболи ва давлати Фарҳод исмининг исноди – асоси эди:

Бу жавҳарларга чун иснод топти,
Мураккаб айлагач Фарҳод топти.

---

[1] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. . – Б. 453; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Б. 91; Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 10-синф. Тузувчилар: Б.Қосимов, Н.Жумаев, С.Олим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 36.

[2] Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 62.

[3] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Тошкент: Akademnahsr, 2015. – Б.34.

[4] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б.507; Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б. 54; Навоий асарлари луғати. – Б.632.

[5] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965. – С.37.

[6] Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – С. 55 – 58, 215.

Хоқон тезлик билан ўғлига Фарҳод деб от қўйди:

Бу фарни ҳодийи бахт этгач иршод,
Равон шаҳзода отин қўйди Фарҳод.

Бу байт ҳам Фарҳод исми ҳақидаги бир муаммодир, унда ҳам хоқоннинг Фарҳод ҳақидаги орзулари мужассам бўлган: *Бу фар*(فر)га, – дейди шоир хоқон қарашларини ифодалаб, – *ҳод*(هاد)*ийи бахт* (бахт йўлбошчиси) *раҳнамо эканлигини кўриб, шаҳзодага тезлик билан Фарҳод деб от қўйди, яъни:* فر + ها د = فرها د.

Бироқ "Фарҳод ва Ширин" шоҳлик фарри эмас, балки ишқ сўзу дарди ҳақидаги достондир, шунинг учун шоир Фарҳод исмининг бундай хоқоний талқинларини рад этади. Унинг тасвирлашича, Фарҳоднинг жамолида шоҳлик фарри эмас, балки *муҳаббат нури ҳувайдо,* ҳиммат, иқболу давлат эмас, балки *вафо туғроси* (муҳри) *пайдо* эди:

Муҳаббат нури олинда ҳувайдо,
Жамолида вафо туғроси пайдо.

Фарҳод исмини ҳам хоқон эмас, балки ишқ берган, унинг исноди ҳам подшоҳвор эмас, мутлақ ошиқона эди:

Бу навъ эрмас, ато қўймоди отин,
Ки кўргач ишқ анинг покиза зотин,
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.

Ишқ хоқон сингари Фарҳоднинг зоҳирига эмас, балки покиза зотига назар ташлайди: унинг зотида шоҳлик фарри эмас, балки *ишқ сўзи* шуълаланиб турар эди: *фироқ* (فراق), *рашк* (رشک), *ҳажр* (هجر), *оҳ* (آه) ила *дард* (درد). *Устоди ишқ* донишмандлик билан Фарҳодга *ҳуруфи маъхази* – асос ҳарфлари беш қисмли исм қўйди: фироқдан "ф" – ف, рашкдан "р" – ر, ҳажрдан "ҳ" – ه, оҳдан "о" – ا, дарддан "д" – د ни олиб, уларни бир-бирига қўшган эди, Фарҳод исми пайдо бўлди: ف + ر + ه + ا + د = فرها د.

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард,
Борин устоди ишқ эткач мураккаб,
Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб.

Улуғ шоир шу муносабат билан асар ғоясини яна бир бор таъкидлайди: хоқон Фарҳоднинг чеҳрасига назар ташлар экан, фарзандининг жамолида *фарри шоҳий* ва унга юз қўйган юз *ҳиммату иқболу давлат*ни кўради. Чунки хоқоннинг назарида оламдаги энг улуғ саодат *шоҳлик* ва шоҳликка хос *ҳиммат, иқбол* ва *давлат*дир. Устоди ишқ эса Фарҳод қисматини белгилар экан, унинг покиза зотида *фироқу рашку ҳажру оҳ* ила *дард*ни кўради, чунки унинг наздида *иқболи сармад* – ҳақиқий бахт ишқ сўзи: *фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард*дир.

Шоирнинг Фарҳод исмининг бу каби "хоқоний" ва "ишқий" талқинларига бўлган муносабати сарлавҳада ўзининг аниқ ифодасини топган: *Шаҳзода Фарҳодқа "Ал-асмоу танзилу мин ас-само" ҳукми била ишқ сипеҳри авжидин номдорлиқ насиб бўлмоқ.* Арабча *"Ал-*

асмоу танзилу мин ас-само” ибораси мазмунан *“исмлар осмондан тушади”* деганидир. Шоир Фарҳодга *номдорлик ишқ сипеҳри авжидин насиб бўлганини асмо* (исмлар) ва *само* (осмон) сўзларидаги ўзак ҳарфларнинг бир хиллиги билан ҳам кўрсатиб беради: اسما (асмо) –سما (само). Бу ҳам ишқ Фарҳод учун илоҳий қисмат эканлигини тасдиқловчи ўзига хос бир муаммо, ўзига хос бир санъатдир. Жумладаги *номдорлик* сўзи ҳам икки маънода келган: 1) *исм, ном эгаси бўлиш*; 2) *машҳурлик, ном чиқариш*. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, Фарҳодга Фарҳод исми ва ишқ аро ном чиқариш ишқ осмонининг энг баланд жойидан насиб бўлган! Бинобарин, Фарҳоднинг ёзмиши, хоқон ўйлаганидек, *фарри шоҳий* ва юз *ҳиммату иқболу давлат* эмас, балки *фироқу рашку ҳажру оҳ ила дарддир*.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратмоқ жоиз: Фарҳод исмининг бундай талқини улуғ шоирнинг ўз салафларига нисбатан ўзига хос жавоби, балки киноясидир. “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Ширин ва Хусрав” достонлари марказий қаҳрамонининг исми, маълумки, Хусрав. Низомий “Оғози достон” (Достоннинг бошаниши) деб аталмиш бобида Хусравнинг дунёга келиши ва унга Хусрав деб исм берилишини[1] шундай тасвирлайди:

Ба чандин назру қурбонаш Худованд
Нарина дод фарзанде, чӣ фарзанд!
Гиромӣ дурре аз даръёи шоҳӣ,
Чароғе равшан аз нури илоҳӣ.
Муборак толеъе фаррухсарире,
Ба толеъ тождоре, тахтгире.
Падар дар хусравӣ дида тамомаш,
Ниҳода Хусрави Парвиз номаш.[2]

Хусрав сўзининг маъноси *подшоҳ* ёки *ҳукмдор, парвиз сўзининг* маъноси эса *ғолиб, музаффар*.[3] Низомий бу сўзларининг маъносига асосланиб, нозик сўз ўйини қилади: Бир қанча назру қурбонликлар қилгач, ниҳоят Тангри унга (Ҳурмузга – Хусравнинг отасига) бир фарзанд ато этди. У фарзанд ҳам эмас, шоҳлик денгизидаги қимматбаҳо бир дур, илоҳий нурдан равшан бир чароғ эди. Унинг муборак толеъидан тождор, тахтгир бўлиши аён кўзга ташланарди. Отаси уни тамоман *хусравлик*, яъни шоҳлик ичра кўриб, унга *Хусрави Парвиз* – ғолиб шоҳ деб исм қўйди.

Хусрав исмида нафақат ота орзуси, балки шоир ғоявий ниятлари ҳам ўз аксини топган. Хусравнинг исми жисмига мос: у жисми билан ҳам, исми билан ҳам шоҳдир. Бироқ Навоийнинг мақсади, ўзи таъкилаганидек, “саросар Хусравга маддоҳ”лик қилиш эмас, балки “ишқ аҳлидин достоне” “қол”диришдир. Бинобарин, Фарҳод исми ҳам, Хусрав каби шоҳлик эмас, балки унга хилоф ўлароқ, “муҳаббат хайлидин нишоне” бўлмоғи лозим эди. Бир қарашда бунинг имкони йўқдек туюлади. Чунки Фарҳод исмида бевосита ишқ билан боғлиқ маъно йўқ. Бироқ шунга қарамай, улуғ шоир бу муаммони ҳам бениҳоя юксак шоирона дид ва топқирлик билан кутилганидан-да аълороқ ҳал қилади: Фарҳод – ишқнинг мужассам тимоли, унинг исмигина эмас, балки ундаги ҳар бир ҳарф ишқ *сўзи*дир: *фироқ, рашк, ҳажр, оҳ, дард,* яъни Фарҳод!

Бу каби, икки хил нуқтаи назар: аввал бирор тафсил ёки воқеага зоҳир кўзи билан назар солиш, сўнгра салафлар билан зимдан мубоҳасага киришиб, уни рад этиш Фарҳоднинг сут

[1] Хусрав Деҳлавий ўз достонини Хусравнинг ота тахтига чиқишидан бошлайди, шунинг учун унда бу воқеалар тасвири учрамайди.
[2] Низомии Ганҷавӣ. Куллиёт. Дар панҷ ҷилд. Ҷилди якум. Хусрав ва Ширин. – Душанбе: Ирфон, 1983. – С.60.
[3] Навоий асарлари луғати. – Б. 669.

ичиш ҳамда илм ўрганишига ҳам хосдир. Низомий достонида Хусравнинг сут эмишига бир байт бағишланган бўлиб, бу воқеа шундай тасвирланган:

Чу майли шаккараш дар шир диданд,
Ба ширу шаккараш мепарвариданд.[1]

Байт Низомийга хос беқиёс санъаткорлик (ташбеҳ: шакардек майл, тарди акс: шаккарраш шир – ширу шаккараш, лутф: ширу шакар) намунасидир: Шаккардек майлининг шир(сут) да эканлигини кўриб, уни (Хусравни) ширу шакар билан парвариш қилишга киришдилар, дейди шоир. Аммо шундай бўлса ҳам, у ботиний маънолардан холидир. Улуғ шоир асарида бу воқеага ҳам маъжозий тус берилган. Хоқон сарой анъаналарига кўра Фарҳод учун доя тайинлайди. Доя Фарҳоднинг оғзига сут соғар, аммо у худди оғзи йўқдек сут ичмас, ичгани ҳам майиз ёки бодом ширасичалик бўлмас эди:

Анга ичмак бўлиб ноком янглиғ,
Мавизу шираи бодом янглиғ.

Чунки бу сут, шоирнинг уқтиришича, Фарҳод *жисми учун* қуту моя эди: *Ки жисми андин олғай қуту моя*. *Жисм*дан эса, шоир фалсафасига кўра, ишқ аро фойда йўқ, аксинча, у ортиқча юкдир. Агар ёр жамолининг кўнглингда жилва қилишини истасанг, – дейди шоир бир байтида, – *жисмингни юз ўтида куйдириб*, кули билан кўнгил ойнасига жило бер:

Тажаллий истасанг, ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.[2]

Фарҳодга аслида *ишқ дояси* сут ичирган эди. Унинг ҳар қатраси бир дурга ўхшар, аммо бу дурлар оддий дур эмас, бошдан оёқ *маъно дурлари* эди:

Не қатра сут ичиргач дояи ишқ,
Бўлиб бир гавҳари сармояи ишқ.
Топиб ҳар қатра бир дурдин нишони,
Ва лекин борчаси дурри маоний.

Шундай қилиб, Фарҳодга хоқон эмас, *устоди ишқ* исм қўйганидек, сутни ҳам доя эмас, *дояи ишқ* ичирган, у ичган сут ҳам сут эмас, *маъно дурлари*, яъни *ишқ* бўлган эди. Зеро, улуғ шоир уқтирганидек:

Бировким, ишқдин бўлғай анга қут,
Сут ичса дур бўлур, қон ичса ёқут.

Худди шу ҳолат “Лайли ва Мажнун”да ҳам мавжуд, Мажнуннинг ҳам Фарҳод сингари “қут”и, балки “хўриш”и ишқ бўлиб, “ишқ доясидин парвариш” топган эди: *Қайснинг адам мажлисидин қутулуб, вужуд маҳдиға тутулғони ва қон ютмоқдин хўриш ва ишқ доясидин*

[1] Низомии Ганҷавӣ. Хусрав ва Ширин. – С.60.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.131.

парвариш топқони ва ишқ зоти чошнисидин эл кўзига ширин ва дарди азалий ҳароратидин халойиқ назариға исиғ кўрунгони.[1]

Фарҳод уч ёшга етгач, Хоқон ўғлига *муносиб англади илм иктисобин*. Хусрав ҳам олти ёшга етганда, ўғлимнинг умри беҳуда ўтмасин деб, отаси унга бир муаллим тайин қилган эди:

Падар тартиб кард омӯзгораш,
Ки то зоеъ нагардад рӯзгораш.[2]

Хусрав андак вақт ичида барча билим ва ҳунарларни эгаллаб олади, у, айниқса, маоний илмида кучли маҳорат касб этиб, сўз гавҳарларини сочувчи бир денгизга айланади:

Бар ин гуфтор бар бугзашт якчанд,
Ки шуд ҳар ҳунар Хусрав ҳунарманд.
Чунон қодирсухан шуд дар маонӣ,
Ки баҳре гашт дар гавҳарфишонӣ.[3]

Хусрав шундай *қодирсухан* бўлиб етишадики, анинг сўзлари, шоирнинг сўз ўйини қилишича, қил сингари нозик бўлиб, нозикликда қилни қирқ ёрар эди:

Чу аз борикбинӣ чун мӯй месуфт,
Ба борикӣ сухан чун мӯй мегуфт.[4]

Хоқон ҳам "Фарҳодга жуда доно ва билимдон ўқитувчи тайинлайди".[5] *Ҳакими нуктадоне – бир билимдон файласуф* деб аталган бу ўқитувчи *билик бирла жаҳон ичра жаҳоне* – ўз билимлари билан олам ичра яна бир олам эди:

Кетурдилар ҳакиме нуктадоне,
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне.

Агар унинг фикр оти ҳайъат илмига йўл солса, осмон жисмларини бир-бир босиб ўтар, агар раъйи (ақли) ҳикматда жисмларни қисмларга ажрата бошласа, кўзи олдида улуғ жисмлар мавҳум бир нуқтага айланар эди:

Ва гар ҳикматда раъйи жисм этиб қисм,
Кўзига нуқтаи мавҳум улуғ жисм.

Тадқиқотларда алоҳида таъкидлаб кўрсатилганидек, Фарҳод бу "жуда доно ва билимдон ўқитувчи" қўлида улуғ қобилият намойиш этиб, турли илмларни ўрганишга киришади.[6] "Фарҳод шундай тиришқоқлик билан ўқийдики, натижада уч ой ичида саводи чиқади, – деб

[1] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 294.
[2] Низомии Ганҷавӣ. Хусрав ва Ширин. – С.60.
[3] Низомии Ганҷавӣ. Хусрав ва Ширин. – С.60.
[4] Низомии Ганҷавӣ. Хусрав ва Ширин. – С.61.
[5] Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б. 55.
[6] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 443; Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б. 55; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Б. 92; Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б. 94-95.

ёзади бу ҳақда С.Эркинов. – У бир ўқиган нарсасига қайта мурожаат этмас эди. Фарҳод тез фурсатда табиат илмларини, риёзат илмини ўрганиб олади”.[1] Аммо бу ўринда ойдинлик киритиш лозим бўлган бир қатор жиҳатлар бор. Аввало, достонда Фарҳоднинг “табиат илмларини, риёзат илмини ўрганиб ол”иши ҳақида сўз йўқ. Афтидан, бундай хулосага қуйидаги байт сабаб бўлган бўлса керак:

Табиию риёзию илоҳий,
“Алиф”, “бе”, “те”дек олинда камоҳий.

Аммо бу байт Фарҳод эмас, ҳакими нуктадон таърифида айтилган. Иккинчидан, Фарҳод тиришқоқлигининг исботи учун келтириладиган байтлардан олдин достон матнида тадқиқотчилар эътиборидан одатда четда қоладиган шундай бир байт борки, унга кўра Фарҳод ўз истеъдодини бутунлай ўзгача илмларда намоён қилган:

“Алиф”, “бе” дегач устод ибтидодин,
“Алиф” олди аламдин, “бе” балодин.

Биринчи мисрадаги “алиф”, “бе”ни “алиф” ва “бе” ҳарфлари деб ҳам, сабоқнинг аввали бўлган “алифбе” деб ҳам тушуниш мумкин. Аммо муҳими шундаки, Фарҳод “алиф”(ا)ни алам(الم)дан , “бе” (ب)ни эса бало(بلا)дан олади. Унинг наздида аламнинг “алиф”и, балонинг “бе”си “табиат илмлари, риёзат илмини”нг эмас, қуйидаги байтнинг лирик қаҳрамони таъкидлаганидек, ишқ “алифбе”сининг ибтидоси эди:

Қадингки соя солиптур, улай анга, яъни
Ки ишқ илмин “алиф”, “бе”дин ибтидо қилайин.[2]

Байтда қад “алиф”га, унинг сояси эса “бе”га ташбеҳ қилинган. Ишқ илми “алиф”, “бе”дан бошланиб камолга етганидек, лирик қаҳрамон ҳам “алиф”га ўхшаган қад ва унинг соясига ўхшаган “бе” кўнгил боғлаб, Мақсудга етишни истайди: Эй сарвбўйлик Ёр, – дейди у, – қаддинг “алиф”, унинг сояси эса “бе”дир, ўзимни унга улайин, шу тарзда “алиф”, “бе” деб, ишқ илмини ўрганишни “алифбе”дан ибтидо қилайин.

Шундай қилиб, Фарҳод табиат ва риёзат илмларини эмас, балки ишқ “алифбе”сини ҳайратбахш истеъдод билан ўзлаштиради: агар у бир сабоқни бир қатла кўрса, уни яна очмоққа ҳожат қолмас, сўзлар унинг кўнгли, балки жон лавҳига ёзилар эди:

Не сўзниким, ўқиб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳиға қозиб.

Фарҳод кўнгли, балки жон лавҳига ёзган сўзларнинг бари ишқу ошиқлик сўзлари эди:

Кўруб чун ишқу ошиқлиқ мақолин,
Топиб ошуфта маҳзун кўнгли ҳолин.

Фарҳод “ишқу ошиқлик мақолин” такрор-такрор ўқир, кўнгли ишқ аҳлининг ғамидан ғамга, кўзи кўз ёшга тўлар, оҳу афғон чекиб, ёқасини чок айлар эди:

[1] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.95.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.392.

Бўлуб ошиқ ғами шарҳида ғамнок,
Яқо чокин ўқиб, айлаб яқо чок.

Фарҳоднинг бундай ҳолати *ҳакими нуктадон*ни беҳад ҳайратга солади:

Ҳаким ул ишда қолиб лол ҳар дам,
Қилиб андин юз истидлол ҳар дам.

Тадқиқотларда ҳакими нуктадоннинг *ул ишда ҳар дам лол қоли*ши шоир фалсафий қарашлари ва достон ғоявий мазмуни билан мос ҳолда изоҳланган эмас. "Донишмандлар англаб етган илмий асос ва хулосалар ишқ мақомига етказишга хизмат қилади, холос, – деб ёзади Б.Эрали бу ҳолни шарҳлашга ҳаракат қилиб. – Чунки ақл ва илм ишққа олиб борадиган восита, бироқ дардни даволашга қодир эмас".[1] Аммо бу фикрга қўшилиш қийин, чунки ақл ва илм, улуғ шоир фалсафасига кўра, ишққа олиб борадиган восита эмас, балки бу йўлдаги ортиқча юкдир. Акс ҳолда, ўша ёши улуғ "донишмандлар"дан бири дайр пиридан унга ёш боладек ишқ "алифбе"сидан сабоқ бериб, умр бўйи топган илмини барбод қилишни сўрамас эди:

Айлабон барбод зуҳду илмни, эй пири дайр,
Тифли раҳдек эмди бизга ишқ алифбесин ўқут.[2]

Чунки илм ақлга ақл қўшади, холос. Ақл эса ишқ сирларини англашга қодир эмас. Шоир бунинг сабабини қуйидаги байтда мураккаб тимсоллар воситаси билан образли тарзда изоҳлаб, шундай деб ёзади:

Санга етишмаса тонг йўқ бу ақли зулмоний,
Ки меҳр шамъиға парвона бўлмади хуффош.[3]

Байт қуйидаги бир-бирига зид тимсоллар асосига қурилган: 1) *сен* (матлуб) *ва ақл*; 2) *меҳр* (қуёш) *ва хуффош* (кўршапалак). Меҳр матлуб, хуффош эса ақл рамзидир. Шоир бу тимсоллар орқали шундай дейди: кўршапалак қуёш шамъига парвона бўла олмаганидек, қоронғу ақлнинг ҳам Матлуб васлига етиша олмаслиги ажабланарли эмас. Чунки матлуб мунаввар қуёш бўлса, ақл қуёш нурига тоб бера олмайдиган кўршапалакдир. Байтда қуёш ва хуффошдан ташқари, яна бир жуфт тимсол бор: *шамъ ва парвона*. Улуғ шоир парвонадан тамсил келтириб, дейдики, Матлуб васлига етмоқ учун парвона бўлмоқ керак, парвонадек нурга талпиниб, парвонадек ўтда куймоқ керак.

"Мутлақ ҳақиқатни ақл воситасида идрок қилиш мумкин эмас", – деб ёзади И.Ҳаққулов.[4] Ақл мактаб боласига ўхшатилган байтларда ҳам шу фикр мужассам. Бундай байтлардан бирида айтилишича, ақл бир пайтлар барча ҳуш аҳли, ҳатто фаришталар ҳам орқасидан эргашадиган улуғ пир, улуғ раҳнамо эди, аммо бир пари ишқига гирифтор бўлиб, кексайган чоғида болалар қўлидаги қўғирчоқ бўлиб қолди:

---

[1] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Тошкент: Akademnahsr, 2015. – Б.41.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.62.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Учинчи том. – Б.202.
[4] Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. ДД. – Тошкент, 1995. – Б.146.

Ақл пириким, малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул пари ишқи аро бозичаи атфолдур.[1]

Қуйидаги байт ҳам шу мавзудадир:

Ақлким, барча хирад аҳлиға эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида тифли мактаб.[2]

Ақл гарчи улуғ устод бўлиб, ўз шогирдлари – барча хирад аҳлига илмдан сабоқ берса ҳам, ишқ илмида ёш боладир. Шунинг учун, қуйидаги байтда айтилишича, ақл ишқ муаллимига шогирд тушиб, унинг мактабида фано лавҳидан абжад ўқийди:

Ишқ ул бир муаллимки, анинг мактабида
Ақл ўқиб тифл киби лавҳи фанодин абжад.[3]

Хуллас, илм ва ақл, гарчи барча хирад аҳлига устоз бўлса ҳам, ишқ сирларидан буткул бехабар, уларнинг ишқ мактабида абжад ўрганувчи ёш боладан фарқи йўқ. Ҳакими нуктадон ҳам илм ва ақл тимсолидир. Гарчи Арасту кичик бир шогирдича бўлса-да, илму ақл ишқ асрорини англашдан ожиз бўлганидек, у ҳам Фарҳод қисматига битилган ишқ ёзмишини англашдан ожиз. Шунинг учун у Фарҳоднинг *гулдек кўнглаки чок, булбулдек кўнгли ғамнок эканлигига боис не бўлганни* тушуна олмай, лол қолади. Чунки Фарҳод, шоирнинг боб сарлавҳасида уқтиришича, ҳакими нуктадондан эмас, дард муаллимидан сабоқ олган, дард муаллими мактабида ишқ илмини сўзма-сўз, балки ҳарфма-ҳарф кўнглига жо қилган эди: *шавқ гулшанида ғунча эрконда, гулдек кўнглаки чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлмоқ ва дард муаллими мактабида ишқ қутубин лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф ўқумоқ*.

Ақл ва ишқ зиддияти, ақлнинг ишқ шиддатли шамолига дош бера омай, бир лаҳзада совурилиб кетиши “Лайли ва Мажнун” достонида ҳам бор. Бу ҳол Қайснинг хирад (ақл) мактабида Лайли билан илк бора кўришган пайтида юз беради: *Қайснинг хирад мактабида улум авроқин эвургони ва ишқ тундбоди етиб, ул авроқни совурғони, яъни Лайли ҳусни гулшанидин заъф хазони канора қилиб, сиҳҳат баҳори насимидин латофат гуллари очилиб, мактаб азми қилғони ва ул гуллардин Қайс кўнгли аёғиға ошиқлиқ тиканлари сончилғони.*[4]

Шу ўринда Фарҳод руҳий олами ва камолотида муҳим ўрин тутган *дард* тушунчасига ҳам алоҳида тўхталмоқ лозим. Чунки дард ҳақида сўз кетганда, у кўпинча унга маълум даражада маънодош бўлган ғам, қайғу тарзида тушунилиб, шундай талқин қилинади. “Фарҳод ўқийди, ҳунар ўрганади. Бироқ у ғамгин, бу ғамгинлик кундан кунга кучайиб боради, – деб изоҳлайди проф. М.Маллаев Фарҳоднинг дардли ҳолатини. – Қасрлар ҳам, отасининг тожу тахтини таклиф этиши ҳам ундаги ғамгинликни тарқатиб юборолмайди”.[5] Бироқ достонда тасвирланган дард ғам, ғамгинлик маъносидаги сўз эмас. Б.Эрали, ўзи таъкидлаганидек, дард тимсолига ҳам, достондаги бошқа тушунчалар сингари, янгича ёндашишга ҳаракат қилади. “Низомий ва Деҳлавий моҳир сўз усталари бўлишига қарамай, афсоналарга минг хил зеб берсалар-да, дарду ғам тасвирига кераклича эътибор қаратмаганлар, энг асосийси,

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Бешинчи том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.119.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Олтинчи том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.38.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Олтинчи том. – Б.90.
[4] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 63.
[5] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 508.

ишқни дарддан ажратиб қўйганлар”, – деб ёзади у.[1] “Навоий хамсанавис Низомий ва Деҳлавийдан фарқли равишда ишқ тавсифи билан чекланиб қолмади, балки дардга ҳам етарли даражада аҳамият қаратди”, – деб ўз фикрини давом эттиради у бир оз кейинроқ.[2] Муаллифнинг уқтиришича, шоир яратган Фарҳод “дард тимсоли”[3]дир. “Ишқнинг дард қобиғини ёриб чиқиши осон кечмайди – дейди у. – Мазкур қобиқ ёриб чиқилмас экан, мажозий ишқ тугунлари ечилмайди”.[4] Шундай қилиб, Б.Эралининг фикрига кўра, дард ишқдан ҳам кенгроқ, ишқни ҳам ўз ичига олувчи тушунча: ишқ мағиз бўлса, дард қобиқдир.

Тадқиқотчининг бундай фикрга келишига, афтидан, Хусравга *дарду бало ойинидин фард* деб баҳо берилиши ҳамда Фарҳод таърифланган ўринларда *дард* сўзининг кўп бора учраши сабаб бўлган: *дард боғи ғунчаси*, *шуълайи дард*, *дард элининг шоҳи*, *дард муаллими*, *фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард.* Лекин шундай бўлса-да, Фарҳод дард тимсоли ҳам, *дард* ишқни ўз ичига оладиган, ундан айру ва кенгроқ туйғу ҳам эмас. Аксинча, дард *ишқ лозими* – ишқнинг ҳосиласи ва зарурий шартидир:

Лозими ишқ ўлди шавқу сўзи дард,
Барқ янглиғ пўяи гетинавард.[5]

Бу жиҳатдан дарднинг *бало*, *сўз* ва *меҳнат* мафҳумларидан фарқи йўқ. Уларда ҳам ишқнинг муайян қирраси намоён бўлиб, *бало* унинг офатини, *сўз* ҳароратини, *меҳнат* эса ранж-машаққатини ўзида ифода этади. *Дард* эса ишқнинг жону кўнгилга жо бўлган яширин ўт, оташидир:

Дард келди ишқ сўзидин нишон,
Дард бўлмай ошиқ ўлмас жонфишон,[6] –

деб ёзади шоир бу ҳақда.

Достон воқеаларидан маълум бўладики, дард нафақат ошиқ жонига ўт солади, балки уни, ҳоҳ Фарҳод буни ҳис қилсин, хоҳ ҳис қилмасин, муттасил Маҳбуби ҳақиқий томон тортиб ҳам туради. Бинобарин, гарчи улуғ шоир дард деб атаса-да, унинг асл номи *жазба*дир. Жазба илоҳий иноят бўлиб, кимки кўнглида *дард жазбаси* билан туғилган бўлса, у сулук ранж-машаққатларини чекиши шарт эмас, Ҳақ ишқи унинг кўнглида ўз-ўзидан пайдо бўлади.[7] У мажзубни муқаррар Ёр васлига етказиб, абадий ҳаётга муяссар айлайди:

Ул зиндадил ҳаёти абад васлидин топар,
Ким неши ғамни нўш деру дардни даво.[8]

Фарҳод ҳам замирига жо бўлган дард жазбаси билан дунёга келган эди: *Ичинда дард таъвизи қозилғон*. Унинг *шавқ гулшанида ғунча эрконда гулдек кўнглаки чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлиб, дард муаллими мактабида ишқ кутубин лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф ўқумоғи* ҳам ана шу жазба туфайли эди.

---

[1] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.33.
[2] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.33.
[3] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.37.
[4] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.37.
[5] Лисон ут-тайр. – Б.87.
[6] Лисон ут-тайр. – Б.87.
[7] Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 361.
[8] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Олтинчи том. – Б.8.

Шабоб айёми – ёшлик йиллари *дард* гулшанининг яна бир рангин манзарасидир. *Шабоб гулшанидаким, тараб гулбунининг нишот гуллари очмоқ маҳалли дурур, дард хорлари кўргузмоки ва булбулдек шавқ ўти хорхоридин фиғон тузмоки*, – деб ёзади шоир XIV боб сарлавҳасида Фарҳоднинг бу пайтдаги ҳолатини тасвирлаб.[1] Хоқон эса, худди ҳакими нуктадон каби, ўғлининг табъ гулшанида шодлик гуллари очилиш ўрнига, *дард* тиканлари кўриниб, булбулдек *шавқ* ўти озоридан фиғон чекишига сабаб не эканини билолмай, *ғунчадек дилтанг бўлади*:

Ки невчун дойим ул шод эрмас эркин,
Ҳамиша ғамдин озод эрмас эркин?

Хоқон ўзича Фарҳод кўнглини *ғамдин озод* қилиш чораларини излайди. Дастлаб у ўғлини хурсанд қилиш учун найрангбозлар тамошасини уюштиради. Бироқ кўрадики, кўм-кўк осмондан осонгина юлдуз ўғирлайдиган, найранг билан фалакка ҳам панд берадиган, кунни тун, тунни эса кун қиладиган, сувни ўтдек ёндириб, ўтдан сув сепадиган, оловдан исириқ ўстириб, ўргамчи ипига сандон осадиган найрангбозларнинг ҳунари ҳам Фарҳод дардларини енгиллаштиришга қодир эмас. Шундан сўнг хоқон Мулкоро билан кенгашиб, *тўрт боғ ва тўрт қаср тарҳин солиб*, умидвор бўладики, *шояд бу боғлардин мақсуд гули топилғай ва ул қасрлардин мурод эшиги очилғай*.[2] Аммо йилнинг тўрт фаслига монанд тўрт ранг: қизил, яшил, сариқ ва оқ рангли тўрт қаср ва тўрт боғ ҳам, бу боғ ва қасрларда ичилган гулгун, райҳоний, заъфароний ва кофурий майлар ҳам шаҳзоданинг *нишотин тоза, тарабин беандоза* қилишдан ожиз.[3] Фарҳод ҳамон тўхтовсиз оҳ урар, оҳлари аввалгидай *пурдарду пурсўз* эди. Хоқон тушуниб етадики, бу ишлардан фойда йўқ:

Чу Хоқон ўз ишин наззора қилди,
Ғалат топти, нечаким чора қилди.

Ниҳоят, хоқон тожу тахтни Фарҳодга топширмоқ лозим деган қарорга келади. У ўғлини ҳузурига чорлаб, унга ўз муддаосини маълум қилади: Фарҳод *хонлиғ тожин* кийиб ва *жаҳонбонлиғ тахти*га ўтириб, ота тожу тахтини *аржуманд* этсин!

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, Фарҳод олдида тожу тахт масаласининг кўндаланг бўлиши фақатгина хоқоннинг кўнгил хоҳиши эмас. У, биринчидан, аввалги саҳифаларда турли тарзда юз кўрсатган ишқ ва шоҳлик зиддиятидан яна бир лавҳа бўлса, иккинчидан, Фарҳод учун муҳим бир синовдир. “Хамса” қаҳрамонлари олдида кўпинча икки йўл кўндаланг бўлади: *подшолик ё гадолик*[4]. Бу масала “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” достонларида ҳам мавжуд. Баҳром Дилоромга берилиб, *салтанату сипоҳни* ҳам, *мулку додхоҳни* ҳам унутиб қўйганида, *неча маҳрам* уни хилватга чақириб, бу ҳолдан уни огоҳ этади. Баҳром иккисидан бирини: ё мулкни, ёки ёрни дейиши лозим. Аммо бундай қилиш жуда мушкул:

---

[1] Фарҳод ва Ширин. – Б.73.
[2] Фарҳод ва Ширин. – Б.73.
[3] Тўрт боғ ва тўрт қаср шарҳи ҳақидатўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Б.Эрали. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б. 4–44.
[4] Гадолик, албатта, истилоҳий маънода. Гадоликнинг моҳияти “Садди Искандарий” достонидаги “Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо” деб бошланувчи ҳикоятда очиб берилган. Бу ўринда Ҳақ жамолига ошиқлик.

Мулкдин йўқ гузир анга ҳосил,
Ёрдин худ гузир эрур мушкил.[1]

Охир оқибат Баҳром шундай қарорга келади: Дилоромнинг васлига шоҳ бўлганим учун етишдим, шоҳлигим ўзимда бўлса, бунга ўхшаш маҳвашлар яна топилаверади:

Ки агар бўлса шоҳлиғ боқий,
Топилур бўйла моҳваш соқий.[2]

Файлақус ўлар чоғида Искандарга васият қиладики, у отасидан сўнг Рум салтанатининг ҳукмдори бўлсин. Аммо *тож ила тахт* андешаси Искандарга мақбул тушмай, уни *кўп ошуфта қилар* эди. Бироқ, шунга қарамай, Рум эли қаттиқ туриб илтимос қилгач, *хотири ҳаддан ортиқ бўлса ҳам малул, Улус илтимосини қилди қабул*.[3] Баҳром ва Искандар шоҳлигининг оқибати маълум: Баҳром нафс ботқоғига ғарқ бўлиб ўлса, Искандар, ҳаммомга кириб ювинмай чиққан кишидек, дунёдан қуруқ қўл билан кетади.

Фарҳод, Баҳром ва Искандардан фарқли ўлароқ, "бошига тож кийишдан воз кечиб, инсонлигини, мажозий ишқ толиби бўлиш ҳуқуқини сақлаб қола билган шаҳзода, маънавий камолот касб этган хос инсон".[4] Агар шоҳлик масаласи Баҳром ва Искандар учун маънавий таназзул боиси бўлса, Фарҳод учун *иқболи сармад, бахти жовид* ибтидосидир. У отаси нечоғли ўтиниб сўрамасин, нечоғли рад қилиб бўлмас далиллар келтирмасин, тахтга ўтиришни истамайди: *тож соясидин бошин қочуруб, тахт поясидин аёғин яшуруб*,[5] отасидан узр сўрайди. Шоҳлик ғоят улуғ иш, – дейди у отасининг сўзини қайтармоққа ҳеч бир иложи қолмагач, – шоҳ иноят айлаб, кичикроқ иш тайин қилса-ю, аввал салтанат сирларидан хабардор бўлсам:

Бир-икки йил иноят айласа шоҳ,
Ки хизматдин ўзумни қилсам огоҳ.

Ўғлининг бу *узри бошдин аёқ кўнглига ёқиб*[6], унинг кўнглида зора шоҳлик ишларига ҳавас, рағбат уйғонса, деган умидда хоқон уни хазинасига олиб киради. Бу эпизод достон сюжетининг тугунидир. Агар шу пайтга қадар Фарҳод ишқи билвосита: ишқ устози, ишқ дояси, дард муаллимининг унга бўлган айрича муносабатидан аён бўлган бўлса, шу воқеадан бошлаб у бевосита ишқ ва ошиқлик кўйига киради. Бу воқеа тасвирланган XIX бобга улуғ шоир шундай сарлавҳа қўйган: *Хоқоннинг ўз гавҳарин хазойин ғаройиби, балки ғаройиб хазойинига киюрмоғи ва анинг кўзига сангпора ушоқ тошча ва қизил олтун қаро туфроқча кўринмай, кўзи чазъи биллурий дуржга тушуб, сувда меҳри ховарийдек, биллурда Оинаи Искандарийға тушгони ва ул кўзгу тилисмидин ғариб суратлар анга юз кўргузуб, кўнгли кўзгу аксидек изтиробга тушгони.*

Сарлавҳа ружуъга асосланган тарди акс санъатининг беҳад ноёб намунаси билан бошланган: *Хоқоннинг ўз гавҳарин хазойин ғаройиби, балки ғаройиб хазойинига киюрмоғи*. Ружуъ ҳам, тарди акс ҳам бадиий такрорга асосланган тасвирий восита бўлиб, уларнинг "Фарҳод ва Ширин" сарлавҳаларида алоҳида ўрни бор: улуғ шоир кўпинча турли хил ҳолат,

[1] Сабъаи сайёр. – Б.106.
[2] Сабъаи сайёр. – Б.106.
[3] Садди Искандарий. – Б. 100.
[4] Имомназаров М. Ҳақиқат ва Мажоз. // "Шарқ юлдузи" журн., 1991, №4. – Б.160.
[5] Фарҳод ва Ширин. – Б. 107.
[6] Фарҳод ва Ширин. – Б. 107.

турли хил ғоя ва турли хил нуқтаи назарлар тўқнашган, бири иккинчисини кескин рад этган ўринларда бу санъатларга мурожаат этади. Шоир Хоқоннинг Фарҳод қўлидан тутиб, *хазойин ғаройиби* – хазинадаги бир-биридан қиммат, бир-биридан ғаройиб нарсалар: беҳисоб олтин-кумуш, дуру гавҳарлар сари бошлашини ҳикоя қилар экан, шу заҳотиёқ аввалги фикрни рад этади: *йўқ*, – дейди у, – *хазойин ғаройиби эмас, балки ғаройиб хазойиниға киюрмоғи*.

"Бу ўринда зидлик формал жиҳатдан, холос, – деб изоҳлайди мазкур санъат намунасини Н.Маҳмудов, – мазмун эса, асосан, битта, яъни хазиналар ғаройиботи – ғаройиботлар хазинаси; ана шу хазинага Фарҳоднинг кириши назарда тутилган. Айни усул билан ана шу хазинага шоир алоҳида урғу берган".[1] Аммо синчиклаб назар солинса, ружуъ узвларининг мазмуни формал жиҳатдангина эмас, балки мазмун жиҳатидан ҳам кескин ўзгарганлигини кўрамиз: Агар *хазойин ғаройиби* *хазина ғаройиботлари* бўлса, *ғаройиб хазойини*, аксинча, *ғаройиботлар хазинасидир*. Сўз маъноларининг ўзгариши ўз навбатида жумла мазмунининг ҳам ўзгаришига олиб келган. *Хазойин ғаройиби* ва *ғаройиб хазойини* Фарҳод кайфият ва кечинмаларининг, қолаверса, улуғ шоирнинг шоҳлик ва ишқ зиддияти ҳақидаги фалсафий қарашларининг ўзига хос мўъжаз ифодаси: агар *хазойин ғаройиби* шоҳликка ишора бўлса, *ғаройиб хазойини* ишқ ва ошиқлик рамзидир. *Хазойин ғаройиби*нинг жумлада ружуъ воситаси билан рад этилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, шоҳлик тахтини рад этган Фарҳодни *хазойин ғаройиби* қизиқтирмас, шоирнинг уни хазинага олиб киришдан мақсади ҳам *хазойин ғаройиби* эмас, балки *ғаройиб хазойини*, яъни Оинаи Искандарий эди. "Айни усул билан" шоирнинг *ғаройиб хазойини*, яъни Оинаи Искандарийга "алоҳида урғу берган"лиги сезилиб туради. Шунинг учун ҳам хазинадаги чексиз бойликларни бир-бир назардан ўтказар экан, Фарҳоднинг *кўзиға сангпора ушоқ тошча ва қизил олтун қаро туфроча кўринмайди.* Аммо *кўзи биллурий дуржга тушуб*, унда *Оинаи Искандарийни* кўрган чоғда, *кўнгли кўзгу аксидек изтиробга туша*ди. Чунки *ул кўзгу тилисмидин ғариб суратлар анга юз кўргуз*ган эди.

Оинаи Искандарийнинг *ғариб, балки ғаройиблиги* шунда эдики, кишининг қисматига неки ёзилган бўлса, унинг юзида намоён бўлар эди. Аммо оина ўз сирини ҳаммага ҳам ошкор қилавермайди. Чунки у тилсимли кўзгудир. Тилсимни очиш эса ғоят мушкул. Бу иш бирор кимса, ҳаттоки қудратли ҳукмдорларнинг ҳам қўлидан келадиган эмас. Фарҳод ҳам сандиқни очишга беҳад ҳавасманд бўлиб, отасидан унинг калитини сўраганда, у шундай дейди:

Бу сандуқ сиррини кимса билмас,
Калиди йўқтурур, қуфли очилмас.
Ани кўрдинг, билурнинг фикридин кеч,
Ки биз ҳам кўрдук, аммо билмадук ҳеч.

Отасининг сўзларидан Фарҳоднинг иштиёқи янада зиёда бўлиб, илму тафаккурнинг кучи ҳақидаги қуйидаги машҳур сўзларни айтади:

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкиле мен қилмаған ҳал.

[1] Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Б.101.

Бу сўзлар улуғ шоирнинг ишқ фалсафасида муҳим ўрин тутадиган, аммо аксарият ҳолларда бу фалсафанинг моҳиятига бутунлай тескари талқин қилинадиган сўзлардир. "XIX бобдаги бу диалогда Фарҳоднинг, у орқали Навоийнинг илм-фан қудратига ишонч ва ҳурмати кўриниб турибди", – деб бу сўзларга ўз муносабатини билдиради А.Қаюмов.[1] "Шоир шахс ҳаётини илмсиз тасаввур қила олмайди. Ҳар бир нарсанинг калити илмдир. Ҳатто афсонавий Искандар ойнаси тилсими ҳам илм билан очилади", – деб шарҳлайди уларни М.Ҳамидова.[2] Аммо Фарҳоднинг "илм-фан қудратига ишонч ва ҳурмати" не чоғли баланд бўлмасин, "афсонавий Искандар ойнаси тилсими илм билан ҳам", тафаккур билан ҳам очилмайди. Чунки у илм ва тафаккур билан очиладиган тилсим эмас. Агар кимки бу ишга жазм қилса, – деб ёзилган эди ойнанинг орқа тарафига, – Юнон мулки сари йўлга тушиб, Суқрот ҳакимни топиши лозим. Аммо йўл ғоят хатарлидир. Орадаги уч манзил-масофатда уч офат бор: биринчи манзилда аждаҳо, иккинчи манзилда дев, учинчи манзилда эса аввалги иккисидан ҳам хавфлироқ Искандар тилсими. Бу офатларни дафъ қилган киши тўртинчи манзилда Суқрот ҳузурига етишади. Фақат орифи донишманд Суқротгина кўзгу сирларидан огоҳ қилиши мумкин.

Шундай қилиб, ишқ жазбаси Фарҳод кўнглида *хазойин ғаройиби – сангпора ва қизил олтун* муҳаббати эмас, *ғаройиб хазойини – Оинаи Искандарий* сирини кашф этиш рағбатини пайдо қилган эди. Бу ҳол Ҳақнинг ризоси, азалий қисмат. Буни энди Фарҳоднинг ўзи ҳам аниқ ҳис эта бошлайди:

Азалда бу эмиш Ҳақнинг ризоси,
Менинг олимға бу иш ибтилоси.
Олиб бошим, демай обод ила чўл,
Ҳамул мақсад сари тутқумдурур йўл.

II боб хулосалари:

1. Сарлавҳалар нафақат "воқеаларнинг қисқача баёни", шу билан бирга, *шоир ғоявий ниятининг ҳам кўзгусидир*. Чунончи, "Фарҳод ва Ширин" достонининг сюжет эътибори билан ҳам, образлар талқини ва ҳатто номланиш нуқтаи назаридан ҳам хамсачилик тарихида муҳим янгилик бўлиши, изоҳлаб келинганидек, биринчидан, шоирнинг оригиналликка интилиши, иккинчидан эса, *Хисравнинг бош қаҳрамон бўлишга нолойиқлиги* билан эмас, *"Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак"*ка ундаган асл сабаб шоирнинг сўз санъатининг вазифаси ҳақидаги қарашларидир. Унинг IX боб сарлавҳасида таъкидлашича, *бадиий асарда маоний ақмишаси – Ҳақ ишқининг дарду сўзи тасвирланиши лозим. Ҳар фасона сафинасин ва ҳар тарих жунгин варақма-варақ, балки ҳарфма-ҳарф ахтариб, шундай сўзни топиш лозимки, унда Ҳақ ишқининг дарду сўзи шуълаланиб турсин.* Чунки Навоий фикрича, *сўз санъатининг мақсади ҳам, вазифаси ҳам ишқ сўзу дардини тасвирлаш, унинг ишқ дарду сўзидан бошқа мақсади бўлиши мумкин ҳам эма.* Бинобарин, *ишқ сўзу дарди бош ўрин тутган асаргина <u>дилкаш</u> деб аталишига лойиқ!*

2. Сўз санъатига бундай муносабат улуғ шоирнинг *ишқ ва унинг инсон саодатида тутган* ўрни ҳақидаги фалсафий қарашлари билан боғлиқдир. Унинг таъкидланишича, инсоннинг умри ҳам, бу оламда топган мулку мартабаси ҳам абадий эмас. У бу дунёга келар экан, фақат Ҳақни севмоғи, Ундан ўзга нарсалардан кўнгил узмоғи лозим, чунки ҳақиқий *иқболи сармад* – энг улуғ давлат, ҳақиқий *бахти жовид* – абадий саодат Маҳбуби ҳақиқий

[1] Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б.66.
[2] Ҳамидова М. "Хамса" мавжлари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.23.

васлидир. Ҳақ ишқи ғояси “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўқ илдизини ташкил қилади. Шоир талқинидаги Фарҳод Хусрав, балки хусравлардан фарқли ўлароқ, бошига салтанат эмас, ишқ тожини кийган қаҳрамондир. Достон сюжети, ундаги ҳар бир воқеа, ҳатто ҳар бир тафсил ва ҳар бир сўзда бу ғоя жилваланиб туради. Фарҳодга устоди ишқнинг исм бериши, дояйи ишқнинг маъно дурларини ичириши, дард муаллимининг ишқ сабоғини бериши шулар жумласидандир. Унга зоҳиран ҳакими нуктадон илм ўргатгандек бўлса-да, аслида, сарлавҳада айтилганидек, унинг иши *дард муаллими мактабида ишқ кутубин лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф ўқумоқ* бўлган эди.

3. *Фарҳоднинг тож соясидин бошин қочуруб, тахт поясидин аёғин яшурмоғи ва бошин Хоқон тахти оёғиға қўюб узр айтмоғи”, хазойин ғаройиби эмас, балки ғаройиб хазойиниға қизиқиши, “қизил олтун қаро туфроғча кўринмай, кўзи чазъи биллурий дуржга тушуб, сувда меҳри ховарийдек, биллурда Оинаи Искандарийға тушгони ва ул кўзгу тилисмидин ғариб суратлар анга юз кўргузуб, кўнгли кўзгу аксидек изтиробга тушгони*” асарда турли тарзда намоён бўлган *подшолик ё гадолик* зиддиятининг яна бир кўринишдир.

III БОБ
ФАНО ТИМСОЛЛАРИ

1-ФАСЛ. АВВАЛГИ ФАНО: “КЎНГИЛНИНГ ОЧИЛИШИ”

Юнон мулкига сафар асар бадиий тўқимаси ва қаҳрамон маънавий-руҳий такомилида алоҳида ўрин тутадиган воқеадир. Асарнинг бу бобларида қаламга олинган саргузашт ва тимсоллар бошдан оёқ мажоздан иборат. Бу ҳолат аввало сарлавҳаларда юз кўрсатади. Агар улуғ шоир шу пайтга қадар Фарҳоднинг руҳий ҳолатини истиоравий ифодалар воситасида тасвирлаб келган бўлса, энди унинг руҳида кечаётган мураккаб жараёнларни мажозий тимсол ва тафсиллар суратида кўрсата бошлайди. Фарҳод уч манзилда маҳв этган уч офат: аждаҳо, дев ва Искандар тилсими ҳамда бу манзилларда қўлга киритган Афридун ганжи, Сулаймон узуги ва Жамшиднинг жоми ана шундай тимсоллардир.

Шўролар даврида юзага келган тадқиқотларда ўша давр мафкураси ҳамда сохта халқчиллик ва ғайридинийчилик таъсири ва тазйиқи билан, Фарҳод ишқи фақат дунёвий ишқ сифатида талқин қилинганидек, Юнон сафаридан кўзланган мақсад ҳам, бу сафар чоғида Фарҳод мағлуб этган аждарҳо, дев ва тилсимнинг асл мазмуни ва моҳияти ҳам очиб берилмаган эди. Бу ҳақдаги фикрлар кўпинча “офат ва зулмат, қабоҳат ва разолат, ўлим ва кулфатнинг тимсоли”,[1] “инсониятнинг улуғ мақсадларига ғов бўлиб ётган, олам сирларини билишга тўсқинлик қилаётган қора кучлар”[2] каби шоир мақсади ва асар ғоявий мазмуни билан боғланмаган умумий таърифлардан иборат бўлиб қолган эди. Жумладан, Т.Жалолов шундай деб ёзади: (Фарҳод)“Жамиятнинг ўсишига ғов бўлган қора кучларни: оғзидан ўт сочувчи аждаҳони, Аҳраман номли мудҳиш девни ўлдиради. “Темир одамларни” курашда енгиб, тилсимларни очади”.[3]

Кейинги йилларда бу тимсолларнинг мажозий-ирфоний маъноларини очиб беришга қаратилган ишлар ҳам юзага кела бошлади. М.Имомназаров қаламига мансуб “Ҳақиқат ва мажоз” деб номланган мақола бу борадаги дастлабки ҳаракат эди.[4] Шарқшунос олим унда навоийшуносликда илк бор Фарҳод ишқини мажозий ва ҳақиқий ишқ сифатида талқин қилади. Атоқли навоийшунос Н.Комиловнинг “Суқрот – комил инсон тимсоли” номли мақоласи, гарчи ҳажман мўъжаз бўлса-да, аммо мазмунан энг салмоқдор тадқиқот бўлди.[5] Унда “достоннинг ғоявий мазмуни, улуғ шоир кўзлаган мақсад муддао”га эътибор қаратилиб, “Фарҳод ва Ширин” достонида “мақсад ишқ дардини куйлаш, бироқ бу оддий, заминий ишқ эмас, балки илоҳий ишқ, Фарҳод эса ана шу илоҳий ишққа мубтало солик” эканлиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, олимнинг таъкидлашича, илоҳий-ирфоний маъно ифодалаш фақат достон сюжети эмас, балки айрим тимсоллар, жумладан, аждарҳо, дев, тилсим, шер, темир пайкар, Сулаймон узуги, Жамшид жоми, Искандар оинаси каби тимсолларга ҳам хос хусусиятдир. Н.Ғаффоров “Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли” номли диссертациясида Хизр тимсолига тўхталар экан, Н.Комиловнинг шер ва темир ўбчинлик ҳақидаги фикрларини айнан келтириш билан чекланса,[6] Б.Эрали

---

[1] Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.119.
[2] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.219.
[3] Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Б.34–35.
[4] Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // “Шарқ юлдузи” журн., 1988, №4. – Б.176–181.
[5] Комилов Н. Суқрот комил инсон тимсоли. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газ. – 1991 – 27 сент.
[6] Ғаффоров Н. “Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли. НД. – Тошкент, 1999. – Б.80–83.

“Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари” номли китобчасида Н.Комиловнинг фикрларини маълум даражада ривожлантиради.[1] Аммо, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу ишларда мажозий образларнинг мазмуний мундарижасини чуқур ва атрофлича таҳлил қилинмай, уларнинг умумий маъносигина қайд этиб ўтилган, холос. Айни чоғда, таҳлил ва талқинда айрим ноаниқлик ва чалкашликлар ҳам учрайди. Бу ҳолнинг бош сабаби, фикримизча, биринчидан, тимсоллар шарҳида сўфиёна луғат ва рисолаларда билдирилган фикрларни шоир асарларига тўғридан тўғри татбиқ этиш бўлса, иккинчидан, бу тимсолларнинг улуғ шоир ижодидаги ўзига хос талқинларини ҳисобга олмасликдир. Гарчи Алишер Навоий таъсаввуф истилоҳи ҳақида махсус асар ёзмаган бўлса-да, унинг лирик шеър ва достонлари таркибида тасаввуфий тимсоллар гоҳ очиқ, гоҳ образли тарзда изоҳланган ўринлар талайгина. Бинобарин, маъжозий тимсоллар тадқиқ этилганда луғат шарҳларинигина эмас, шоир қайдларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Уларни бир-бири билан қиёслаб, шу асосдагина муайян тимсолнинг мазмун-моҳияти ҳақида муайян хулосага келиш лозим.

Маълумки, аввалги манзилда Фарҳод бартараф қилган офат – аждаҳо. “Аждаҳо – нафс тимсоли”, – деб ёзади Н.Комилов унинг маъносини шарҳлар экан.[2] Б.Эрали ҳам бу фикрни қувватлайди: “Навоийшунос Нажмиддин Комиловнинг “Фарҳод ва Ширин” достонига бағишланган тадқиқотида, – деб ёзади у, – аждаҳо нафс, Аҳраман дев салтанат (ҳокимлик) ва темир пайкар рўё-ёлғон сифатида талқин этилган”.[3] Гарчи бу фикрлар кескин эътироз уйғотмаса ҳам, маълум даражада аниқлаштириш лозимлиги сезилиб туради, чунки нафс анчагина умумий тушунчадир. Бу жиҳатдан боб охирида келтирилган “соқийнома” эътиборни ўзига тортади. Унда шоир соқийга мурожаат қилиб, шундай дейди:

Кетур, соқий, маю бўл ғамгусорим,
Демайким ғамгусорим, ёри ғорим.
Ки бўлғай анда аждар қонидек ранг,
Сочай ганж, ичмагига қилсам оҳанг.

Бу икки байт ўзаро тамсилий муносабат асосига қурилган. Тамсил қоидасига кўра, шоир икки мисра ёки байтда шундай тимсоллар келтирадики, улар қайсидир жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлиб, бу алоқадорлик туфайли кейинги тимсол аввалги тимсолнинг ўзгача ифодасига айланади. Бу жиҳатдан олганда, парчада бир-бири билан боғлиқ икки жуфт тимсол бор: *май ва ганж, ғам*[4] ва *аждар*. Иккинчи байтдаги ганж аввалги байтдаги майнинг, аждар эса ғамнинг тамсилий ифодасидир. Тимсоллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликда шундай фикр ифодаланган: *май ганж, ғам* эса *аждардир*.

“Соқийнома”лар таҳлилида келтирилган байтлар таҳлилидан маълумки, май ваҳдат, яъни Ҳақ ишқи; ғам эса касрат, яъни дунё меҳридир. Май ва ғамнинг мазкур маъноларидан келиб чиқилса, байтда шоирнинг соқийга мурожаат қилиб, шундай дегани маълум бўлади: *Эй Аллоҳ, кўнглимдан ғам, яъни дунё суратларини кеткизиб, уни май, яъни жамолинг жилваси билан мунаввар қил*. Иккинчи байтда бу фикр давом эттирилган: *Ўша майнинг ранги аждар қонидек қип-қизил бўлсин*, – дейди шоир аждаҳо ва ганжни май ва ғам тимсоллари ва умуман, бобдаги воқеалар билан боғлаб, – *токи уни ичгач, кўнглимдан маъно дурларини сочай!* Энди аждаҳонинг мажозий маъноси ҳақида ҳам муайян хулосаларга келиш мумкин:

---

[1] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.31–76.
[2] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. // Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моворауннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б.182.
[3] Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Б.51.
[4] “Ғамгусор” сўзидаги. “Ғамгусор” сўзининг маъноси ғамхўр, ғам тарқатувчи.

ғам касрат экан, ғамнинг тамсилий ифодаси бўлган *аждаҳо* ҳам *касрат*, яъни *ўткинчи ҳою ҳавасларнинг кўнгил кўзгусини хиралаштириб турган суратларидир!* Боб сарлавҳаси ҳам шу ҳолатнинг мажозий ифодасидан ўзга нарса эмас. Фарҳод ғам аждаҳоси – *кўнглидаги дунё меҳрини* беқиёс ирода ва мардоналик билан маҳв этади: *Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳ пайкарига миниб, аждаҳокушлик тийғин чекиб, аждаҳо водийсига кириб, аждаҳо уни ўқ йилонидин дамор чиқорғондек, аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи.*

Фарҳод иккинчи манзилда мағлуб этган офат девдир. "Дев салтанат тимсоли"дир, – деб ёзади Н.Комилов унинг мажозий маъноси ҳақида.[1] Аммо дев достоннинг ўзида бошқачароқ тарзда изоҳланган. Девнинг ўлими тасвирланган воқеаларга нуқта қўяр экан, шоир бу сафар соқийга юзланиб, унга шундай дейди:

Кел, эй соқий, манга май қил ҳавола,
Этибон Аҳраман бошин пиёла.
Ки қилғай ул қадаҳдин руҳи мастим
Замоне нафс девин зери дастим.

Кўриниб турибдики, биринчи байтдаги *май*нинг тамсилий жуфти *руҳ* бўлса, *дев*(Аҳраман)нинг жуфти – *нафс*. Маълум бўладики, *дев,* Н.Комилов таъкидлаганидек, *салтанат* эмас, *нафс тимсолидир*.[2] "Нафс, – деб ёзади И.Ҳаққул, – жисмоний борлиқ ичида, яъни вужудда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатувчи бир қувватдирки, у барча ёмон хулқлар ва чиркин ҳаракатларнинг манбаидир".[3] *Нафс* шу маънода инсондаги илоҳий фазилатлар манбаи бўлган *руҳ*нинг зидди, бу ҳол "соқийнома"нинг иккинчи байтида ҳам кўриниб турибди. *Эй соқий*, – дейди шоир, – *менга Аҳраман бошини пиёла қилиб май тут, токи у руҳимни бир дам маст, нафс девини эса зери даст – мағлуб қилсин*.

Улуғ шоир нафсни бекор дев қиёфасида гавдалантирган эмас. Нафс ҳам дев каби беҳад шум ва маккор. Дев афсун билан одамларни йўлдан оздирса, нафс макру ҳийла билан кўнгилда дунё меҳрини ғолиб қилади:

Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд[4] қил,
Уйда баъзидек соғин маккорае бордур манга?![5]

Байтда улуғ шоир шеърларида тез-тез учраб турадиган бир ташбеҳ келтирилган: дунё чиройли бир келинчак. Нафс маккорлик билан мудом дилга васваса соладики, бу келинчакни никоҳингга ол, яъни дунёга меҳр қўй, унинг лаззатларидан баҳраманд бўл. Аммо Ҳақни чин маҳбуб деб билган ошиқ, балки шоирнинг ўзи нафснинг сўзларини рад этиб, унга шундай дейди: *Эй нафс, менга дунё келинчагига уйлан деб кўп такрорлайверма, ўйлаб гапир, ахир бошқалар каби уйимда ҳатто бир маккорам ҳам йўқ-ку?!*

Фарҳод аввалги манзилда ғам аждарини қандай мардоналик билан маҳв этган бўлса, нафс девини ҳам шундай маҳв этади. Бу воқеани шоир боб сарлавҳасида шундай тасвирлайди: *Фарҳоднинг девбод хиромлиқ девзоди устига секриб, Аҳраман бешаси азмиға секратиб, ул ваҳшатзой, балки савдо афзой бешаға кириб, Аҳраман манзилиғача суруб етгони ва Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтурғандек, ул беша Аҳраманин қатл этгони*.

[1] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. – Б. 82.
[2] М.Имомназаров "Аҳраман нафс деви билан чоғиштирилмоқда" деб таъкидлаш билан чекланади: Қаранг: Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // "Шарқ юлдузи" журн., 1988, №4. – Б.181.
[3] И.Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.20.
[4] Ақд қилмоқ – уйланмоқ. Нашрда "икд" деб ёзилган, тўғри эмас. "Икд"нинг маъноси марварид шодасидир.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.16.

Албатта, Фарҳод агар Суҳайлойи ҳаким берган самандар ёғи бўлмаганда эди, аждарни, аждарнинг хазинасида қўлга киритган қилич ва қалқон бўлмаганда эди, девни енга олмас эди. “Самандар ёғи ишқ тимсолидир”,[1] – деб ёзади Н.Комилов бу тимсолнинг тасаввуфий маъноси ҳақида. Зоҳиран қараганда, ҳақиқатан ҳам, самандар ёғи ишққа ўхшайди: *мен бунча ёғни жам қилгунча кўп оташгоҳлар ўтида куйганман*, – дейди Суҳайло Фарҳодга самандар ёғини бера туриб. Оташгоҳ ва ўтнинг ишқ лозими эканлиги маълум. Аммо шу билан бирга, самандар ёғини ишқ дейишга монелик қилувчи жиҳатлар ҳам бор. Аввало, Фарҳоднинг мақоми ҳали ишқ эмас, бу мақомга кўтарилиш учун Ширин жамоли кўзгу юзида Фарҳодга юз кўрсатиши керак. Қолаверса, самандар ёғига ўхшаб иккинчи манзилда Фарҳодни девнинг тоғдек гурзисидан омон сақлаган қалқон билан қилич, учинчи манзилда эса оғзини катта очиб, аждаҳодек дамидан ўт сочиб турган шернинг ғазабидан асраган Сулаймон узуги ҳам борки, агар самандар ёғи ишқ бўладиган бўлса, уларни ҳам ишқ деб талқин қилиш лозим бўлади. Ҳолбуки, бундай эмас.

XXII боб сарлавҳасининг давомида тасвирланишича, Фарҳод *аждаҳони ўқ йилони била торумор қил*гач, *аждаҳо ғорға юзлангандек, аждаҳо ғориға юзланиб, Афридун ганжини ва ул ганжда аждаҳомонанд қилич бирла ҳалқа урғон йилондек қалқонни* топишга муваффақ бўлади. Қалқоннинг қуббасига бир исм ёзилган бўлиб, бу исм кишини девлар макридан асрар, агар бир эмас, минглаб девлар ҳужум қилса ҳам, зиён етказа олмас, аксинча, қалқонни қўлга олиб, девларга рўбарў қилинса, уларнинг бари кучдан қолиб, тупроқ билан битта бўлиб кетар эди:

Будир хосиятиким, юз туман дев,
Десаким, зоҳир эткай макр ила рев,
Бу қалқонни ёпинғон бемадоро,
Ки исм ўлғай аларға ошкоро,
Барининг пайкари нокор бўлғай,
Қаро тупроғ ила ҳамвор бўлғай.

Қилич ҳам шу исм шарофати билан олмос каби кескир эди. Қилич ва қалқон юзига битилган бу исм, достонда таъкидланишича, *исми аъзамдир*.

Исми аъзам иккинчи манзилда Фарҳод “беша Аҳраманин қатл эт”иб, унинг хазинасида “илигла”ган Сулаймон узугида ҳам бор. Узук бир қандил ичига яширилган бўлиб, унга шундай сўзлар ёзиб қўйилган эди: Кимда ким бу узукни топишга муяссар бўлса, унга ёзилган исмни ўқиб, Искандар тилсимини очади. Агар исм кўп ўқилса, саодат хотифи уни тилсим мушкулларидан огоҳ қилади:

Ўқиб хотам аро ёзилған исмин,
Очар Искандари Румий тилисмин.
Ўқилса кўп, қилур фархунда хотиф
Ул иш мушкилларидин они воқиф.

Искандари Румий тилсимининг сирларидан хабар берувчи “фархунда хотиф”дан мурод – Хизр. Фарҳод Суҳайло маслаҳатига амал қилиб, учинчи манзилда узук дуосини ўқиган чоғда, кўз ўнгида Хизрнинг беҳад нуроний чеҳраси намоён бўлади. Хизр унга шундай дейди: сен тилсимни маҳв этмоққа азм қилган экансан, айтган сўзларимни кўнглингга жо

[1] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. – Б.183.

қил. Агар оёғим тўғри йўлдан тойилиб кетмасин десанг, “исми аъзам”ни ўқишдан бир дам ҳам тўхтама, “исми аъзам”сиз бир қадам ҳам ташлама*:*

Десангким, тоймағай ул ерда гоминг,
Саноғлиғ гом ила бўлсин хироминг.
Ўқурда “исми аъзам” тутма ором,
Ўқумай “исм” қўйма йўлда бир гом.

Исми аъзам деганда, Аллоҳнинг энг улуғ исми тушунилган. Аллоҳнинг ҳамма исмлари ҳам улуғ бўлса-да, ишқ аҳли учун улар ичида энг улуғи *Ҳақдир*.[1] Фарҳодни нафс девининг макру ҳийласи, ғазаб шерининг ҳамласидан асраган қалқон исми аъзам – Маҳбуби ҳақиқий исми экан, бемалол айтиш мумкинки, ғам аждаҳосининг жонлар, балки жаҳонларни куйдириб кул қилувчи ўтидан паноҳ бўлган *самандар ёғи* ҳам *ишқ эмас*, балки *Маҳбуби ҳақиқийнинг улуғ исми,* балки *бу улуғ исмнинг*, Хизр уқтирганидек, *муттасил зикридир*.

Фарҳод ҳар манзилда бир офатни енгар экан, тенгсиз бир ганжга ва бу ганждаги бир мўъжизавий жисмга эга бўлади. Жумладан, аввалги манзилда ёвуз аждарни торумор этиб, қўлга киритган мўъжиза *Афридун ганжи* ва *ул ганждаги қилич бирла қалқон*. Фарҳоднинг аждарни ўлдириб, ганжга эга бўлиши тасодифий ҳол эмас. Ганж, улуғ шоир асарларида айтилишича, кўпинча вайроналарда бўлади. Шунингдек, қаердаки ганж бўлса, ўша ерда илон ёки аждар ҳам бўлади. Аждар хазина ёт қўлларга тушмасин деб, кечаю кундуз уни қўриқлаб ётади.[2] Шоирнинг қуйидаги байтида аждар ва ганж ҳақидаги бундай халқона тасаввур жуда ёрқин акс этган:

Зулфу рухсоринг ғами не тонг бузуғ кўнглум аро,
Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур.[3]

Зулфу рухсоринг ғами бузуқ кўнглимга тушган бўлса ажабланарли эмас, – дейди шоир маъшуқага мурожаат қилиб, – *ахир вайрона ичра аждар бўлгандан кейин, у ерда махзан – ганж ҳам бўлади-да!* Бу байт ҳам тамсил санъатининг бетакрор намунаси бўлиб, унда ўзаро жуфтлик ҳосил қилувчи қуйидаги тимсоллар бор: *зулф – аждаҳо, рухсор – махзан.* “Соқийнома”лар таҳлилидан маълум эдики, *аждаҳо ғам*нинг, *ганж* эса *май*нинг истиоравий ифодасидир. Мазкур байтда бу тимсоллар бироз ўзгача талқин қилинган: *аждар* ғамга эмас, *зулф*(соч)га; *ганж* эса майга эмас, *рухсор(юз)*га нисбат берилган. Бунинг сабаби шуки, сўфиёна истилоҳда ғам билан зулф, май билан рухсор деярли маънодош: *юз Ҳақ жамолининг жилваси бўлса*,[4] *соч бу жилвани яширувчи парда* ёки бошқача қилиб айтганда, *олам ва ундаги нарсалардир*.[5] Зулф юз узра ёйилиб, ёр жамолини кўздан қандай яширса, олам ва ундаги нарсалар ҳам зулф каби парда бўлиб, Ҳақ жамолининг жилвасини кўздан шундай яшириб туради.[6] Қуйидаги байтда юз ва зулфнинг мазкур маъноларига жуда нозик ишора бор:

Дунё аруси зулфини тутқан не огаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.[7]

---

[1] Бу фикрнинг ёрқин далили шоир асарларидир: уларда Аллоҳ асосан Ҳақ деб зикр этилади.
[2] Шу ўринда Р.Киплингнинг “Маугли”сини эсга олмоқ фойдадан холи бўлмас.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.125.
[4] Бертельс Е.Э. Локон и лицо /
[5] Бертельс Е.Э. Локон и лицо. – С.113 – 114.
[6] Бертельс Е.Э. Локон и лицо. – С. 114.
[7] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б. 135.

Байтда фақирлик, яъни маънавий комиллик дунёпарастликка қарама-қарши қўйилган. Фақр, гарчи айтилмаса ҳам, яширин тарзда юзга, юз эса ганжга; дунёпарастлик зулфга, зулф эса ўз навбатида илон (аждаҳо)га ташбеҳ қилинган. Шоирнинг таъкидлашича, дунёга меҳр қўйиш ганж турганда, ундан юз ўгириб, илон тутиш билан овора бўлган кишининг ишига ўхшайди; ганжни қўйиб, илон тутиш билан хурсанд бўлмоқ не чоғли гумроҳлик бўлса, Ҳақ дийдорига интилмай, дунё аруси – келинчагининг зулфидан тутмоқ ҳам шу қадар гумроҳликдир. Аммо, шоир чуқур таассуф билан қайд қиладики, дунё келинчагининг сочини тутганлар фақр ганжининг қадрини қаердан ҳам билсин?!

Энди Афридун ганжининг тасаввуфона маъноси ҳақида шундай дейиш мумкин: юқорида маълум бўлганидек, *май ваҳдат* экан, майнинг тамсилий ифодаси бўлган *ганж* ҳам *ваҳдат – Ҳақ жамолининг жилвасидир*. Фарҳод, "йилон тутмоқ била хурсанд" бўлган гумроҳлардан фарқли ўлароқ, аввалги манзилда ғам аждаҳосини ўлдириб, Афридун ганжига муяссар бўлган экан, бу билан шоир шундай дейди: *Фарҳоднинг кўнглида ғам аждаҳоси, яъни дунё меҳри маҳв бўлиб, унда ҳусн ганжи, яъни Ҳақ жамоли жилва қила бошлади.*

*Афридун ганжи*даги *қилич била қалқон*га келадиган бўлсак, уларнинг мажозий маъноси ҳам ганж билан бир хил: *илоҳий жамол жилвасидир*. Қилич ва қалқоннинг, бошқа тимсоллардан фарқли ўлароқ, асарга киритилишининг ўз сабаблари бор. Ганж, гарчи муаллиф ғоявий ниятини тўла ифода этса ҳам, шундай бир тафсил ҳам зарур эдики, аввалги манзилда Самандар ёғи аждар оташини дафъ қилгани каби, у ҳам кейинги манзилда Фарҳодни ёвуз девнинг ҳамласидан асрамоғи лозим эди. Дарҳақиқат, Фарҳод нафс девининг комидан сочилган оловни *ҳалқа урғон йилондек қалқон* билан дафъ қилган бўлса, *аждаҳо монанд қилич* билан унинг бошини танасидан жудо қилади.

Фарҳодга Юнон сафари чоғида муяссар бўлган иккинчи мўъжиза *Сулаймон хотами* (узуги)дир. Н.Комилов шер, темир пайкар каби тимсолларга тўхталар экан, узук ҳақида ҳам фикр билдириб, бу ҳақда шундай деб ёзади: "Шер ғазаб тимсоли, ғазабкорлик эса ҳокимлар, подшоларга хос. Дарвешда ғазаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун Фарҳод шернинг оғзига Аҳраман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни даф этади".[1] Н.Ғаффоров бу фикрни такрорлаш билан чекланган: "Сўъфийлар аъмолича, шер – ғазаб, ғазабкорлик тимсоли. Ҳақ йўлига кирган солик учун ғазаб эмас, сокинлик даркор. Шунинг учун Фарҳод "наъразан" шер оғзига Аҳраман девидан олган Сулаймон узуги билан уради. Сулаймон узуги ҳам ҳокимият рамзидир".[2] Гарчи хотам, ҳақиқатан ҳам, Сулаймон ҳукмдорлигининг рамзи бўлса-да, унинг мажозий маъноси ҳақидаги фикрга қўшилиш қийин. Чунки у шер ва темир пайкар қаторида турадиган салбий тимсол эмас. Унинг мазмун-моҳиятини Сулаймон ва девларнинг бадиий адабиёт, хусусан, Навоий ижодидаги ўзига хос талқинларидан изламоқ даркор. Ривоятлардан маълумки, Сулаймон алайҳиссалом ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ бўлган. Унинг қудрати шу қадар улуғ эдики, унга нафақат одамлар, балки шамол, булут, ҳайвон, пари, жумладан, девлар ҳам буйсинар эди. Сулаймоннинг қудрати бир узукда эди. Бу узукнинг кўзига исми аъзам битилган бўлиб, узук токи унда экан, бирор кимса унинг буйруғидан бўйин товлай олмас эди. Рабғузий қаринчқа билан суҳбатда Сулаймон тилидан бу ҳақда шундай дейди: "(Парвадигор менга) Бир юзук берди. Қамуғ махлуқот анинг бирла мусаххар (тобе) турарлар".[3]

Ўтмиш адабиётида Сулаймон ва девлар бир-бирига зид тушунчаларнинг рамзи сифатида талқин қилинган. *Сиз рақиблар каби Аҳраман мазҳабини тутманг*, – дейди Атоий бир байтида, – *зеро, Сулаймон ва Аҳраман мазҳабларини аралаштириш яхши эмас*:

[1] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. – Б.183.
[2] Ғаффоров Н. "Алишер Навоий "Хамса"сида сўфийлар тимсоли. НД. – Тошкент, 1999. – Б.82.
[3] Рабғузий Носириддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б.36.

Сиз рақиблар мазҳабин тутманг, бегимким, хуш эмас,
Аҳраманлар миллати бирла Сулаймон мазҳаби.[1]

Навоийнинг Сулаймон, Аҳраман ва Суруш[2] тимсоллари зикр этилган қуйидаги байтининг мазмунида Фарҳод ҳолатига яқинлик сезилади. Агар Сулаймон мажлисида Аҳрамандан ўзга киши бўлмаса, – дейилади унда, – эй Худо, Суруш кимга нидо қилади:

Гар Сулаймон мажмаида бўлмағай жуз Аҳраман,
Кимга ул мажмаъ аро, ё Раб, нидо қилғай Суруш.[3]

Демак, Сулаймон мажлисида Аҳрамандан ўзгаси бўлмас экан, у ерда Суруш овози эшитилмайди. Суруш садо бермоғи учун, улуғ шоир достонда тасвирлаганидек, нафс Аҳраманини ўлдирмоқ даркор. Дарҳақиқат, бу воқеадан сўнг Фарҳоднинг сабзазордаги чашма бўйида Хизр билан учрашиб, Искандар тилсимини қай тарзда бартараф қилиш ҳақидаги ҳаётбахш сўзлардан хабардор бўлиши бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Бу байтлар асосида Сулаймон узугининг мажозий маъноси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин: агар Аҳраман ёки дев *нафс* рамзи бўладиган бўлса, унда *Сулаймон*, Аҳраманга зид ўлароқ, *руҳ* рамзидир, чунки, юқорида гувоҳи бўлганимиздек, "соқийнома"да нафс руҳнинг муқобили бўлиб келган. "Соқийнома"дан яна шу ҳам маълум бўладики, *руҳ май* билан таносуб ҳосил қилган, *май* эса, аввалги "соқийнома"да кўрилганидек, *ганж*нинг истиоравий ифодасидир. Тимсоллар ўртасидаги боғланишни шундай ифодалаш мумкин: *руҳ – май – ганж*. Маълум бўладики, Сулаймон ҳам май каби илоҳий жамол жилвасидир. Сулаймон узуги эса Фарҳоднинг заминий иллатлардан покланиб, илоҳий жамол жилваси билан тўлган кўнглидир. Агар аввалги манзилда ғам аждаҳоси маҳв бўлиб, Фарҳоднинг кўнгилида Ҳақ жамоли илк бор жилва қилган бўлса, иккинчи манзилда нафс деви мағлуб бўлгач, Ҳақ жамоли жилва қилиш билан бирга, Суруш ҳам садо бериб, Фарҳодни ғайб сирларидан огоҳ эта бошлайди.

Суқроти ҳакимни топиб, Оина сирларидан хабардор бўлиш учун Фарҳод учинчи манзилда сўнгги офат – Искандар тилсимини бартараф қилмоғи лозим. Бу воқеани улуғ шоир XXIV боб сарлавҳасида шундай тасвирлайди: *Фарҳоднинг Суқрот тоғи*[4] *тилисмин очарға камар боғлаб, ҳайвонваш чашма теграсидаги марғзори ахзарда Хизр мулоқотидин сарсабз бўлғони ва Хизр анга хизри раҳ бўлуб, ғам зулумотидин чиқориб, ҳаёт суйидек таълимлар била тоза ҳаёт бергони ва ғам тилисми анинг кўнглидин очилғонидек анинг тилисми ғамидин кўнгли очилғони ва Хизрнинг жисми тилисмида равшан кўнглидек тилисм жисмида Жоми жаҳоннамой топқони ва ул жомға хизр суйидек май солиб Сикандар ёди била нўш этгони*. Сарлавҳа улуғ шоир услубига хос юксак таносубнинг беҳад мукаммал намунасидир: воқеалар ривожида *Хизр* ва *тилсим* тимсоллари муҳим ўрин тутганлиги учун тасвир бошдан оёқ шу икки сўз асосига қурилган, айни чоғда, сарлавҳадаги ҳар бир ибора, балки ҳар бир сўз асар ғоявий мазмунига нур берувчи чуқур мажозий маъноларга эга.

Сарлавҳа беш жумладан иборат бўлиб, биринчи жумлада воқеалар шундай тасвирланган: *Фарҳоднинг Суқрот тоғи тилисмин очарга камар боғлаб, ҳайвонваш чашма теграсидаги*

[1] Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.236.
[2] Суруш деганда одатда фаришта Жаброил ёки сулук йўлига кирганларга раҳнамолик қилувчи Хизр тушунилади. Лекин у маънавий камолотнинг юксак поғоналарига кўтарилган инсонни ғайб сирларига ошно қилувчи ички овоз, илҳом.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б.220.
[4] Шу ўринда *Суқрот тоғи тилсимин* иборасининг бўлиши жуда шубҳали. Аслида воқеалар мантиқига мувофиқ унинг ўрнида *Искандар тилсимин* бўлиши керак.

марғзори ахзарда Хизр мулоқотидин сарсабз бўлғони. *Хизр* ҳақидаги афсоналарда айтилишича, ушбу пайғамбар, қадами қаерга етса, ўша жой кўм-кўк майсазорга айлангани, қайси тошга ўтирса, ўша тош яшил тусга киргани, шунингдек, доимо яшил либос кийиб юргани учун Хизр деб ном олган. Хизр сўзининг маъноси ҳам яшил ранг.[1] Жумладаги аксарият сўзлар Хизр билан "рангдош"дир: *марғзор* (майсазор), *ахзар* (кўк), *сарсабз бўлмоқ* (кўкармоқ, яшнамоқ). *Ҳайвонваш чашма* (бу сўзда ҳам кўклик маъноси бор, унинг суви кўм-кўк) ибораси эса Хизрнинг Искандар билан *оби ҳаёт* – тириклик сувини излаб зулмат бағрига кириши билан боғлиқ афсоналарнинг акс-садосидир. Уларда ҳикоя қинишича, улуғ жаҳонгир ер юзидаги барча мамлакатларни эгаллагач, мангу тириклик умидида олимларни ҳузурига чорлаб, улардан сўрайдики, ўлимга чора борми? Бир олим унга Қоф тоғининг орқасида бир чашма бор, суви асалдан ширинроқ, ичган киши қиёматга қадар ўлим нималигини билмагай, бироқ чашма зулмат бағрида, уни топиш ғоят мушкул, деб жавоб беради. Искандар оби ҳаётни излаб Хизр билан бирга сафарга чиқади. Бироқ зулмат бағрида адашиб қолиб, сув Искандарга эмас, Хизрга насиб қилади.[2] Бу ҳақда Хизрнинг ўзи ҳам Фарҳодга шундай дейди:

Сикандар бирла чун меҳнатға туштук,
Тилаб ҳайвон суйин зулматға туштук.
Сув истаб ул кўп урди ҳар тараф гом,
Ва лекин етти ул сувдин манга ком.

Иккинчи жумлада Хизрнинг Фарҳодга жонбахш ўгитлар бергани, бу ўгитлар унга гўё янгидан ҳаёт бағишлагандек бўлгани тасвирланган: *Хизр анга хизри раҳ бўлуб, ғам зулумотидин чиқориб, ҳаёт суйидек таълимлар била тоза ҳаёт бергони.* Жумланинг зоҳирий маъносини тушуниш унчалик қийин эмас: *Хизр унга йўл хизри бўлиб, ғам зулматларидан чиқариб, ҳаёт сувидек жонбахш таълимлар билан янги ҳаёт бергани*. Бироқ шоир айтмоқчи бўлган фикр бу эмас, чунки жумладаги *хизри раҳ, зулмат, ҳаёт суйи* каби сўз ва иборалар оддий сўз бўлмай, *ғам* каби улуғ шоир ижодига хос истилоҳлардир.

*Хизри раҳ*нинг луғавий маъноси *йўл Хизри*, истилоҳий маънода эса *пир* ёки *муршид*. Ишқ аҳли наздида Хизрнинг зулматга кириб, оби ҳаётни топишга муяссар бўлиши такмили сулукнинг ўзига хос бир ифодасидир: *Хизр – зулмат – оби ҳаёт*. Шунинг учун Хизр *йўл* (тариқат) *сирларидан огоҳ пири муршид* тарзида тасаввур қилинган. Қуйидаги байтда Навоийнинг лирик қаҳрамони Хизрдан мадад сўрар экан, шу жиҳатни назарда тутади:

Қўлда, эй Хизри раҳим, хаста Навоий қўлини,
Ким бу йўл пўясидин бағри анинг толди яна. [3]

Достонда Хизр Фарҳоднинг "қўлидан тутиб", унга "хизри раҳ"лик қилар экан, унга шундай дейди:

Мени Хизр англаким, туттум йўлунгни,
Ки то бу йўлда тутқоймен қўлунгни.

Зулмат ҳам Хизр билан бирга келганда истилоҳий маъно касб этувчи сўздир. Қуйидаги байтдан маълум бўладики, *зулмат – нафс*:

[1] Рабғузий Носириддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Б.68.
[2] Рабғузий Носириддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Б.94.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.419.

Навоий нафс зулмотиға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ, чиқмоқ не, ёро?![1]

Қуйидаги байтда эса *ҳажр*. *Киши ҳажр зулматида йўқ бўлиб кетса ажабланарли эмас*, – дейилади унда, – *ҳижрон зулматидан қутулиб, висол оби ҳайвонига етишиш учун Хизр раҳнамолик қилиши лозим*:

Ким ҳажр зулматида итса, не тонгки қилғай,
Айн ул-ҳаёт васлин ҳам Хизр раҳнамунлик.[2]

Мана бу байтдаги сулмат сўзининг маъноси ҳам шунга якин. Унда айтилишича, зулмат жаҳонни қудуққа айлантирган, қудуқ зулматида сиқилиб, ошиқ ўлар ҳолатга етган. *Эй оби ҳайвоним*, – деб мурожаат қилади у Маҳбуби ҳақиқийга, – *менга Хизри раҳ бўлиб, бу зулматдан қутқармасанг, ўлиб қоламан*:

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй Оби ҳайвоним.[3]

Мазкур байтдаги *оби ҳайвон* ва аввалги байтдаги *айн ул-ҳаёт* сарлавҳада келтирилган *ҳаёт суйи*нинг ўзгача номларидир. Улар ҳар икки байтда ҳам зулматга зид қўйилган: *зулмат – оби ҳайвон; зулмат – айн ул-ҳаёт*. Бундан англашиладики, зулмат ҳажр бўлса, *оби ҳайвон* ёки *айн ул-ҳаёт – васл*. Ҳажр ва васл сўзларига сўфиёна атамаларнинг изоҳли луғатида шундай таъриф берилган: “Ҳажр деб, хоҳ зоҳир юзидан, хоҳ ботин юзидан бўлсин, дилнинг Маҳбуби ҳақиқийдан ўзга нарсаларга илтифот ва таважжуҳ кўрсатишига айтилур”.[4] “Висол деб (эса) башарий хусусиятлардан қутулиб, ваҳдат мақомига етишга айтилур”.[5]

Мазкур байтлардан англашиладики, *зулмат – нафс* бўладими ёки *ҳажр* – ҳар қандай ҳолатда ҳам *Ҳақ васли ёки маърифатидан жудоликдир*. Бу жиҳатдан олганда у ғам билан маънодош. Сарлавҳада зулмат бежиз кўплик шаклида: *ғам зулумоти – ғам зулматлари* тарзида келган эмас. Зулмат ғам билан маънодош экан, айтиш мумкинки, *нафс* ҳам, *ҳажр* ҳам ғамнинг кўнгилдаги суратлари, яъни олам меҳридир.

Энди *Хизри раҳ, ғам зулумоти, ҳаёт суйи* ибораларининг бу каби истилоҳий маъноларидан келиб чиқиб, жумла мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Хизрнинг Фарҳодга пири муршидлик қилиб, кўнглини дунё меҳридан поклаб, Ҳақ маърифати ҳақидаги сабоқлар билан унга янгидан ҳаёт бағишлагани.*

Учинчи жумла Фарҳод кўнглининг очилиши ҳақида: *ғам тилисми анинг кўнглидин очилғонидек анинг тилисми ғамидин кўнгли очилғони.* Жумла тарду акс (*ғам тилисми анинг – анинг тилисми ғами*) ҳамда ийҳом (*кўнгли очилғони*) санъатлари асосига қурилган. *Ғам тилисми анинг* деганда Хизр назарда тутилган: *Ғам тилисми анинг, яъни Хизрнинг кўнглидин очилгонидек. Анинг тилисми ғами* деганда эса Искандар тилсими назарда тутилган: *анинг, яъни Искандар тилисми ғамидин Фарҳоднинг кўнгли очилғони*. *Кўнгли очилғони* ибораси ҳам икки маънода келган, у, бир тарафдан, Фарҳод кўнглининг хурсандлигини ифодаласа, чунки у Хизрдан Искандар тилсимини очиш йўлларини эшитган, иккинчи тарафдан, унинг

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.28.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б.215.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.320.
[4] Миръоти ушшоқ. – Б.177.
[5] Миръоти ушшоқ. – Б.176.

кўнглидаги ғам тилсимининг очилишини ҳам билдиради, чунки у Хизрдан ҳаёт сувидек жонбахш таълимлар олган. Фарҳод кўнглидаги ғам тилсимининг очилишини тасаввур қилмоқ учун *тилсим* ва *кўнгул* тимсолларининг мазмуний мундарижасига ҳам назар ташламоқ лозим.

Тилсим (аслида *тилисм*) луғатларда сеҳр, жоду[1] деб изоҳланган бўлса-да, аслида унинг маъноси сеҳрли тугун ёки сеҳрли банд. Достонда тасвирланишича, баҳайбат ва мустаҳкам бир қаср бўлиб, унга Жамшиднинг жоми яшириб қўйилган:

Тилисм ул кунки очғай бемадоро,
Бўлур Жамшид жоми ошкоро.

Жомга ҳеч ким дахл қилмасин деб, қасрга кирадиган йўлни аввал бир ҳайбатли шер, сўнгра эса елкасига ёй осган темир одам қўриқлаб туради. Йўлнинг ўзи ўн икки минг қадамдан иборат бўлиб, ҳар бир қадамида бир офат бор. Йўл ўта тик ва тор, икки ёндаги тошлар гўёки ханжар, йўлчининг оёғи салгина тойиб кетса, ўткир тошлар унга оғир жароҳат етказиб, келган жойига – йўл бошига улоқтириб ташлайди. *Искандар тилсими ана шу сеҳрли қасрга кириладиган хатарли йўл, уни қўриқлаб турган даҳшатли шер ва қўрқинчли темир одамдир*.

Унинг Искандар тилсими деб аталишига сабаб шуки, оби ҳайвон насиб бўлмагач, Искандар Хизрга ҳасад қилиб, мўъжизакор нарсаларни банд қиладиган бўлиб қолган:

Ишин чун қилди чарх айлаб ҳасад банд,
Чиқиб офоқ аро бўлди расад банд.

Достонда Искандар тилсимлаб қўйган мўъжизакор нарсалардан иккитаси келтирилган: бири Оинаи Искандарий, иккинчиси эса жоми Жамшиддир. Оинаи Искандарий тилсимининг сирлари фақат Суқротга маълум бўлса, Жоми Жамшид тилсимидан фақат Хизргина хабардор:

Анга иш боғламоқ бўлди ҳамеша,
Манга очмоқ анинг бандини пеша.

Тилсим, жумладан, *Искандар тилсими*нинг мажозий маъноси ҳақида мавжуд тадқиқотларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Аммо, сарлавҳадан кўриниб турибдики, *тилсим ғамдир*: "ғам тилсими анинг кўнглидин очилгонидек". Тилсим бежиз ғамга нисбат берилган ва Хизрнинг кўнгли *ғам тилсими очилган кўнгил* деб таърифланган эмас. Улуғ шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр"да уқтиришича, агар мавзуга мос қилиб айтадиган бўлсак, икки хил кўнгил бор: *ғамнок кўнгил* ва *ғам бартараф бўлган кўнгил*. Ғамнок кўнгил, гарчи номи кўнгил билан бир хил бўлса-да, аслида кўнгил эмас, юракдир.[2] Юрак эса бир парча гўштдан ўзга нарса бўлмай, ҳаммада, ҳатто ҳайвонда ҳам бор. Ҳақиқий кўнгил ғам бартараф бўлган кўнгилдир, бундай кўнгил, шоирнинг таъкидлашича, "Холиққа эрур жилвасоз", бундай кўнгил "эрур булбули бўстони роз". Бундай кўнгил ҳаммада ҳам бўлавермайди, у Хизр сингари Комил инсонларгагина хос алоҳида фазилатдир. Шу боис "*анинг васфин*

[1] Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди II. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С.362.
[2] Шоирнинг машҳур "Камол эт касбким, олам уйидин Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ" байти билан бошланувчи қитъасида ҳам "ғамнок" сўзи шу маънода келган.

соҳибдиллиқға мавсуф бўлғон кишидин ўзга киши билмай дурур".[1] Жумлада тасвирланишича, Фарҳодда ҳам ана шундай кўнгил – *Хизрнинг ғам тилсими очилғон кўнглидек кўнгил очилғон* эди: *ғам тилисми анинг кўнглидин очилғонидек, анинг тилисми ғамидин кўнгли очилғони.*

Кейинги жумланинг тузилиши ҳам мазкур жумлага ўхшаш: *Хизрнинг жисми тилисмида равшан кўнглидек, тилисм жисмида Жоми жаҳоннамой топқони*. Кўринадики, тилсим бу сафар жисмга нисбат берилган. Тилсимнинг бундай талқини ҳам улуғ шоир асарларида тез-тез учраб турадиган ҳодисадир. Жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган бир байтда инсон моҳияти ҳақида сўзлар экан, шоир тилсим маҳфумини тилга олиб, шундай дейди: Сенда Мақсуд ганжи бор, аммо жисминг уни банд этган тилсимдир. Тилсим ичра шундай ноёб ганж борлиги қандай ажойиб!

Сендадур Мақсуд ганжи, лек жисмингдур тилисм,
Ваҳки, бу ганж ул тилисм ичра ажаб ноёб эрур.[2]

Демак, *тилсим* инсон *жисмидир*. Тилсимнинг бундай шарҳи "Ҳайрат ул-аброр"га жо бўлган қуйидаги байтда ҳам мавжуд:

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм.[3]

"Фарҳод ва Ширин"нинг ўзида айтилишича ҳам, тилсим пайкар, яъни жисмдир:

Қилиб ҳикмат хирад Суқроти қисми,
Ясаб жон ганжига пайкар тилисми.[4]

Маълум бўладики, тилсим ва жисм ўртасида жуда яқин ўхшашлик бор: тилсим ичра ганж қандай яширин бўлса, жисм ичра кўнгил ҳам шундай яширин: *тилисм – ганж = жисм – кўнгил*. Бинобарин, ганжни қўлга киритмоқ учун тилсимни бартараф қилиш не чоғли зарур бўлса, кўнгил соҳиби бўлмоқ учун жисмни маҳв этмоқ ҳам шу даражада зарурдир:

Тажаллий истасанг ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойинасин жило қилакўр.[5]

Агар жисм деб аталмиш қаср айвонига чиройли услубда ёзилган хат ва чиройли услубда чизилган сурат билан зеб беришни истасанг, – деб ёзади шоир беҳад юксак санъаткорлик намунаси бўлган бошқа бир байтида жисмни маҳв этиш зарурлиги таъкидлаб, – унга фақат йўқлик хатини ёзиб, йўқлиқ суратини чиз:

Жисм айвонида хатту нақш ила зеб истасанг,
Чек фано хаттинию бенақшлиқ нақшини сиз.[6]

Фарҳод "тилисм жисмида топган" ганж "Жоми жаҳоннамой", яъни Жамшид жомидир. Жамшид ҳақида Алишер Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да шундай ҳикоя қилади: "*Чун*

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Б.72.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.129.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Б.21.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Б.11.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.162.
[6] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б.152.

салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб ихтироълар қилди" .[1] Жамшид қилган "ғариб ихтироълар"дан бири унинг жомидир. Ҳикоя қилишларича, Жамшиднинг олтиндан ясалган бир жоми бор эди. Бу жом тоза май билан тўла бўлиб, унда оламда содир бўлаётган ҳодисалардан тортиб киши кўзидан яширин сирларгача худди кўзгудагидай акс этар, унга назар солган киши бир зумда улардан хабардор бўлар эди. Ана шу мўъжизавий жом *Жоми Жамшид* ёки *Жоми Жам,* яъни *Жамшиднинг жоми* деб аталган. Жоми Жам Навоий ижодида *Жоми гетинамо, Жоми жаҳонбин – жаҳонни кўрсатувчи жом* тарзида ҳам учрайди.

Жом, Н.Комиловнинг кўрсатишича, "Фарҳоднинг мусаффо қалби рамзи".[2] Лекин бу таърифда икки ноаниқ жиҳат бор. Аввало, "мусаффо" сўзининг маъноси анчагина мавҳум, уни хилма-хил тарзда тушуниш мумкин. Иккинчидан, "қалб" Навоий истилоҳида салбий маъно англатувчи сўз, у бу жиҳатдан юрак билан маънодош. Улуғ шоир, "Маҳбуб ул-қулуб"ни истисно қилганда, ҳеч бир ўринда кўнгил маъносида қалб сўзини келтирган эмас. "Навоий "Хамса"си конкорданс" луғати муаллифларидан бири М.Имомназаровнинг ёзишича, шоир истилоҳий маънода ҳатто дил сўзини ҳам деярли ишлатмаган. Жумладан, "Фарҳод ва Ширин"да кўнгил 248 марта учрагани ҳолда, дил атиги 2 марта зикр қилинган, холос.[3]

Сўфиёна истилоҳлар луғатида жомга шундай таъриф берилган: *Жом* (деб) *илоҳий тажаллиёт мазҳарига айтурлар*.[4] *Жом кўнгилдир*, – дейди Алишер Навоий *мазҳар*[5] маъносига аниқлик киритар экан, – *у ваҳдат майининг жоми экан, нақшинкор (серсурат) эмас, содда (бесурат* ёки *бир сурат) бўлгани яхши*:

Кўнгул ваҳдат майининг жоми эрмиш,
Бу соғар сода яхши, йўқ мунаққаш.[6]

Бу жомда акс этадиган ягона сурат ёр жамолидир. *Биз жом дер эканмиз*, – деб ёзади Алишер Навоий бир байтида, – *бундан мақсад Ёрнинг майдаги аксидир*:

Жомдин бизга ғараз май ичра дилбар аксидур,[7]
Йўқса ўз акси ҳам айлар жилва холи жомдин.[8]

Демак, жом фақатгина Ёр жамоли акс этиб турадиган кўнгилдир.[9]

Жоми Жам ҳам **–** жом. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, у ҳам *кўнгилдир*:

Кўнгул – Жоми жаҳонбиндур, тўло қил соф май бирла,
Ки солғай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда.[10]

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.199.
[2] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. – Б. 185.
[3] Имомназаров М. Кўнгил ҳақида тўрт достон шарҳи. // "Sharq mash`ali" журн., 2016 йил, №1 – Б.15;
[4] Миръоти ушшоқ. /
[5] Мазҳар – илоҳий жамол зоҳир бўладиган жой, жилвагоҳ.
[6] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б.186.
[7] "Ғаройиб ус-сиғар"даги 1-ғазал 1-байтининг асосида ҳам шу фикр ётади:
Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-ҳудо,
Ёр аксин майда кўр деб, жомдин чиқди садо.
[8] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б.336.
[9] Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: А.Қурбонов. "Жоми Жамдурур синған сафоли". // Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: "Ал-ҳудо" – "Мовароуннаҳр" нашриётлари, 2005. – Б.62–71.
[10] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б.25.

Жоми жаҳонбин кўнгил бўлса ҳам, байтнинг мазмунидан сезилиб турибдики, у ўз-ўзидан Жоми жаҳонбинга айланмайди: *бунинг учун уни соф май билан тўлдирмоқ лозим!* Аввалги таҳлиллардан маълумки, *май – ваҳдат, ваҳдат* эса *кўнгилда биргина Ҳақ жамолининг тажаллий қилиши эди. Ваҳдат* ҳосил қилиш учун кўнгилни касрат – дунё меҳридан покламоқ лозим. Улуғ шоир "Ғаройиб ус-сиғар" ва умуман, "Хазойин ул-маоний"нинг бошланма ғазали бўлган "Ашрақат.."да дейди:

Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллиқ ғамзудо.[1]

Ғайр нақши Навоий ижодидаги барқарор бирикма бўлиб, унинг маъноси *Ҳақдан ўзга нарсаларнинг суратлари*дир. Бу жиҳатдан *ғайр нақши* байтдаги *занги ғам – ғам занги* билан маънодош. *Агар кўнгил жомида Ҳақдан ўзга нарсаларнинг суратидан тушган ғам занги бўлса*, – дейди шоир, – *эй соқий, ваҳдат майи сингари ғамдан покловчи яхши восита йўқ. Ваҳдат майи шундай яхшики*, – дейилади кейинги байтда, – *у бир синган сафолга қуйилса, сафол Жоми гетийнамога, ундан май ичган гадо эса Жамшидга айланади*:

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид ани ичган гадо.[2]

Ана энди маълум бўладики, *Жоми Жам касратни тарк этиб ваҳдатга етган, дунё меҳридан буткул мусаффос бўлиб, Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган кўнгилдир.* Бундай кўнгил Ёр жамолининг жилвагоҳигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга, байтда айтилганидек, унда оламдаги энг яширин сирлар ҳам, бўлаётган ва ҳатто келажакда бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам худди кўзгудагидай акс этади. Қуйидаги байтда мутафаккир шоирнинг соқийга мурожаат қилиб: *Эй соқий, бу коргоҳ, яъни оламдаги кўп ишлар мен учун мубҳам – тушунарсиз, менга Жоми жаҳонбин тутки, унга қараб олам сирларини кашф этай*, – дейиши ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир:

Соқиё, Жоми жаҳонбин тутки, андин кашф этай,
Ким кўп иш бу коргаҳ вазъида мубҳамдур манга![3]

Энди улуғ шоирнинг жумлада шундай дегани маълум бўлади: Фарҳоднинг *Хизрнинг жисми тилисмида* (яширин) *равшан кўнглидек, тилисм жисмида* (яширинган) *Жоми жаҳоннамой* (яъни Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган кўнгил) *топқони*.

Сарлавҳада *оби ҳаёт, хизри раҳ, хизр суйи, тилсим* каби тушунчалар бир-бири билан боғланиб, Фарҳоднинг руҳий камолоти ҳақида мўъжаз, аммо мукаммал бир манзара яратган. Сарлавҳани боб ва қолаверса, умуман, достон ғоявий мазмунини тушуниш учун ўзига хос бир калит деб айтиш мумкин. Маълумки, мазкур боб Искандар тилсимининг очилиши ҳақида. Бироқ Искандар тилсими, таъкидланганидек, достондаги ягона тилсим эмас. Тилсимларнинг аввали Оинаи Искандарий тилсимидир. Оина тилсимини очиш учун Фарҳод ўз навбатида уч тилсимни бартараф қилиши керак: аждар, дев ва Искандар тилсимлари. Насрий сарлавҳада эса тилсимларнинг бутун бир занжири бор: Суқрот тоғи тилсими, зулмат тилсими, ғам тилсими ва жисм тилсими. Ҳар бир тилсим бағрида бир

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.25.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.25.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.16.

мўъжиза яширин: тоғ тилсимида Суқрот, зулматда оби ҳаёт, ғам ва жисм тилсимларида кўнгил, Искандар тилсимида эса Жоми жаҳоннамо. Хизр зулмат тилсимини очиб, оби ҳаётни топишга муяссар бўлганидек, Фарҳод ҳам Суқрот, ғам, жисм ва Искандар тилсимларини очмоғи, бу тилсимлар бағридаги яширин мўъжизаларни кашф этмоғи лозим. Улар: Суқрот, кўнгил, кўнгил ва Жоми жаҳоннамо. Кўнгил мўъжизасининг бу мўъжизалар орасида етакчи бўлиши ва қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. Чунки кўнгил, юқорида айтилганидек, инсоннинг комиллигини белгилайдиган асосий фазилат.

Шу маънода Фарҳоднинг Юнон сафарини кўнгил сафари деб айтиш мумкин.

Шундай қилиб, Фарҳод уч манзилда уч офатни маҳв этди. Фарҳод манзилдан манзилга ўтар экан, ғамнинг суратлари: *касрат, нафс* ва *жисмни* бир-бир маҳв этиб, мақсадга яқинлашиб боради. Бу манзилларни бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Бири иккинчисининг ибтидоси, айни чоғда, интиҳосидир: биринчи манзилда Фарҳод аждарни енгиб, Фаридуннинг қалқон ва қиличини забт этди – Ҳақ жамоли кўнглида илк бор жилва қилди. Қилич ва қалқон билан иккинчи манзилда девни ўлдириб, Сулаймон узугига эга бўлди – Ҳақ жамоли жилва қилиш билан бирга, унинг кўнглида "фархунда хотиф", яъни Хизр садо берди. Сулаймон узуги ва Хизрнинг жонбахш ўгитлари ёрдами билан учинчи манзилда Искандар тилсимини саранжом айлаб, Жамшид жомини қўлга киритди – *Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган,* айни чоғда, *худди Хизрнинг равшан кўнглидек* олам ҳодисотларини ҳам, ундаги энг яширин сирларни ҳам худди кўзгудагидай акс эттирадиган кўнгил соҳибига айланди. Хуллас, Фарҳод "Суқрот даргоҳига мушарраф бўлишдан олдин анонийят белгилари – нафс, давлат ва бойлик ҳирси, ғазаб, рўё-ёлғон қутқуларини бартараф этди, унинг кўнгил кўзгуси дунё ишқи ғуборидан тоза бўлди".[1]

Шу ўринда улуғ шоир маҳорати билан боғлиқ бир жиҳатга тўхталиш лозим. "Баъзи адабиётшуносларимиз Шарқ эпосини сайёр фабулалар асосидан четда турмаганлиги учун сюжетлиликни (южодкорнинг сюжет яратишдаги маҳорати масаласини) четлаб ўтишга баҳона топгандек бўладилар. Адабиёт тарихи материаллари бу қарашни рад этади", деб ёзади С.Эркинов.[2] Атоқли навоийшуноснинг бу фикри Юнон сафари воқеаларига ҳам тўла тааллуқлидир. Бу воқеалар "Хусрав ва Ширин"да ҳам, "Ширин ва Хусрав"да ҳам учрамайди. Сирасини айтганда, учраши ҳам мумкин эмас. Чунки достоннинг бу қисми тамомила Навоийнинг ихтироъси бўлиб, уларни шоир ўз ғояларининг инкишофи учун, юқорида кўрилганидек, лирик тимсоллар асосида ижод қилган. У муқаддимада "Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак" ҳақида гапириб, "зарурий бўлди авзоиға тағйир" дер экан, шу жиҳатларни ҳам кўзда тутгани аниқ.

Юнон, бошқача қилиб айтганда, кўнгил сафарининг ибтидо ва айни чоғда, интиҳоси бўлган Оинаи Искандарий ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида Хисрав Ширин сиймосини илк бор Шопур чизган расмда кўради.[3] Табиийки, Алишер Навоийни бу ҳолат қониқтирмас эди. Асар "авзои"да шундай бир тимсол бўлиши зарур эдики, унда зоҳиран Ширин, ботинан эса Ҳақ жамоли жилва қилмоғи лозим эди. Искандар кўзгуси ана шундай тимсол бўлди. "Кўзгу деганда тасаввуф аҳли илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалбини тушунадилар",[4] – деб ёзади Э.Очилов. – "Оинаи жаҳоннамо аслида ошиқ соликнинг қалби, – деб давом этади у. – Дунё, нафс, вужуд ташвишларидан қутулган, уларнинг борлигини унутиб, бутун фикру зикрини ягона Оллоҳга қаратган инсоннинг қалби ойнадай пок бўлади".[5]

---

[1] Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. – Б. 185.
[2] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.202.
[3] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.117.
[4] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: O`zbekiston, 2011. – Б.130.
[5] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Б.132.

Бу фикрга достоннинг ўзида ҳам ғоят нозик ишора бор. XXV боб сарлавҳасида тасвирланишича, *Фарҳод Жоми жаҳоннамода ақолими сабъа мамоликин тақсим қилиб* (етти иқлим мамлакатларини кўздан кечириб), *Суқрот ғорини топқонидин йўл кўргузар ва жом партавида* (ёруғида) *йўл оҳанги қилмоғидин тарона тузар* экан, қоронғи ғорларнинг биридан, ниҳоят, Суқротни топишга муваффақ бўлади. У Фарҳод қисматидан хабар бериб, дейдики, темир ўпчин(совут)ликнинг кўксидаги ойнага санчилган ўқ, нафақат Искандар тилсими, айни пайтда, Оина тилсимининг ҳам очилишига сабаб бўлди:

Яна кўзгу ишиким, ҳодис ўлди,
Санга бу ён келурга боис ўлди.
Сикандарнинг тилисминким, ушоттинг,
Хадангиким, ул ўпчинликка оттинг,
Ким ўқ тегди онинг ойинасиға,
Ўтуб бўлди тарозу сийнасиға.
Бурунғи кўзгуким, ашкингни сочти,
Бу ўқ онинг тилисмин доғи очти.

Агар Оина ҳам Жоми Жам сингари кўнгил бўлмаганда эди, Искандар тилсимига отилган ўқ "бурунғи кўзгу"нинг "тилисмин доғи оч"маган бўлар эди. Шу боб сўнгидаги "соқийнома"да Искандар кўзгуси ва Жамшид жомининг тенг қўйилиши, Искандар кўзгусини очиб, унда Жамшид жомини томошо қилиш истагининг ифодаланиши ҳам бежиз эмас:

Кел, эй соқий, тузуб ишрат мақомин,
Қуюб май, тут манга Жамшид жомин.
Сикандар кўзгусини айлаб ифшо,
Қилай Жамшиднинг жомин тамошо.

Маълумки, Фарҳод аввал бошда Оина тилсимини "тафаккур" ва "улум"[1] билан оча олишига ишонган, бироқ бу мушкилот қаршисида *тафаккур* ҳам, *улум* ҳам ожизлик қилган эди. Энди маълум бўладики, бу муаммонинг ечими бир *ўқ* биландир. Аммо бу ўқ, илму тафаккурдан фарқли ўлароқ, *ваҳдат ўқидир. Илм ва тафаккур* эса *касрат*, касрат эса, соя қуёш моҳиятини идрок эта олмаганидек, кўнгил сирларини идрок эта олмай, қуйидаги байтда тасвирланганидек, чуқур ҳайрат ичра қолиши шубҳасиздир:

Эй, зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмай самаре ғайри таҳайюр.[2]

Бир қарашда Жоми Жам ва Оина ҳақидаги фикрларда зиддият бордек, бир мазмундаги тимсоллар кетма-кет такрорлангандек туюлади: Жом ҳам, Оина ҳам кўнгил. Аммо бу юзаки тасаввур, холос. Чунки улар бир-бирининг такрори эмас, балки тадрижидир. Бошқача қилиб айтганда, Жом ҳам, Оина ҳам кўнгил бўлса-да, Оина Жомдан кўра равшанроқ кўнгил.[3] Улуғ шоирнинг таъкидлашича, ошиқ манзилдан манзилга, мақомдан мақомга ўтар экан, кўнгил кўзгуси тобора равшанлашиб, Ҳақ жамоли унда беқусур жилва қила боради:

[1] Улум – турли илмлар.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б.124
[3] Бу фикр фақат "Фарҳод ва Ширин"га нисбатангина тўғрилигини таъкидлаш лозим. Бошқа ўринда жом ва оина ўрин алмашиши ёки бири бирининг ўрнида келиши мумкин.

Кўзгу равшанроқ неча қилса зуҳур,
Зоҳир ўлғай акс анда беқусур.[1]

Дарҳақиқат, Кўнгил Жомида “Суқрот гавҳари” “ломеъ бўл”ган – нур сочган бўлса, Кўнгил Оинасида “Ширин жамоли” жилва қилади.

2-ФАСЛ. ИККИНЧИ ФАНО: ЁРГА ОШНОЛИК

Алишер Навоий ижодида *иккинчи фано* деган тушунча бор.

“Лисон ут-тайр”да ҳикоя қилинишича, Симурғ сари қанот қоққан қушлар йўлда минглаб балолар юзланса ҳам, етти водийни бир-бир қатъ этиб, ниҳоят, фано водийсига дохил бўладилар. Аммо бу водийда ҳам, улар умид қилганларидек, Симурғдан нишон йўқ. Бу ҳолдан қушлар чуқур ҳайрат ва умидсизлик гирдобига чўмадилар. Шунда донишманд Ҳудҳуд уларга далда бериб, шундай дейди: *Биз бу йўлга қадам қўйиб, юз хил балоларни чекишга жазм қилган эканмиз, мақсад шоҳ ва унинг даргоҳи эди. Бу замон Мақсуд даргоҳига етган эканмиз, ўзингизни ундан йироқ деб гумон қилманг.*[2] Ҳудҳуднинг жонбахш сўзлари қушларга қувват бўлиб, мушкул ишлари осонлашади. Улар чексиз *сидқу ихлос* кўрсатиб, ниҳоят, иккинчи фанога эришадилар. Иккинчи фано Ёрни уларга ошно қилади:

Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ёрни қилди аларға ошно.[3]

Маълум бўладики, Ёр даргоҳига етишиш *аввалги фано* бўлса, Ёрга ошнолик *иккинчи фано*дир. З.Мамадалиеванинг Нажмиддин Кубродан иқтибос келтириб ёзишича, иккинчи фано *фанофиллоҳ* – Ҳақнинг зотида фоний бўлмоқдир.[4] “Ҳайрат ул-аброр”даги “Учинчи ҳайрат” сарлавҳасида айтилишича, *иккинчи фано айни бақодир*. Иккинчи фано ҳосил бўлмоғи учун вужуд ҳайрат (ишқ) ўтида кул бўлиб, фано елига буткул совурилмоғи лозим. Шу аснода Ҳақдан бақойи комилий етиб, хожа (инсон) Унинг ер юзидаги халифасига айланади: *Ул ошуфта ҳол мусофирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шаҳристониға нузул қилғони ва ул кишвар аҳлининг ҳам “Фазкуруни азкуркум”*[5] *бўйруғи била Қодири мутлақ ёди бирла эрконин билиб, ҳайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кул бўлуб, фано елига билкул совурулмоқ била иккинчи фано мақомин ҳосил этиб, андин сўнг Ҳақдин бақойи комилий етиб, хожанинг ул мулкда хилофат тахтиға қарор тутқони*.

Симурғни излаб, фанога талпинган қушлар ҳамда иккинчи фано ҳосил қилган *Ул ошуфта ҳол мусофир* билан Фарҳод орасида яқин ўхшашлик бор. Юнон сафари *аввалги фано* эди. Бу мақомда Фарҳоднинг кўнгил Оинаси ўзликнинг касрат, нафс ва ғайр нақши каби қатор иллатларидан покланиб, унда *Ёр жамоли жилва қилди.* Энди у, қушлар Қоф тоғи томон парвоз қилганларидек, Арман кишвари сари йўл олиб, чексиз *сидқу ихлос кўрсатмоғи*, *вужуди ишқ ўтидин кул бўлуб, фано елига билкул совурулмоқ била иккинчи фано ҳосил қилмоғи* ва бу мақомда *Ёрга ошно бўлмоғи лозим*. Иккинчи сафарнинг бошланиши ҳақида шоир XXX боб сарлавҳасида шундай хабар беради: *Фарҳоднинг Шопур даштпаймолиғи,*

[1] Лисон ут-тайр. – Б.84.
[2] Лисон ут-тайр. – Б.234.
[3] Лисон ут-тайр. – Б.236.
[4] Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажозлар олами. – Тошкент: Tamaddun, 2014. – Б.127.
[5] *Фазкуруни азкуркум – Зикр қилмоқ буюрилганни зикр қилинглар.*

балки раҳнамолиғи била Яман мулкидин Арман кишвариға азимат қилғони ва Арманнинг Эрамосо сабза ва раёҳинидин ғунчадек кўнгли гул-гул очилғони ва Армания тоғи камарида хоро қазадирғон эл ажзин кўриб, ул кайфиятин сўруб, хоро қозорға камар чуст этгани ва бу хабарнинг чусту ширин Меҳинбону била Ширинға етгони.

Шоир Фарҳоднинг *Яман мулкидин Арман кишвариға азимат қилғони* ҳақида хабар берар экан, биринчи жумлада ғоявий мазмун ифодаси учун ғоят мос тушувчи ружуъ санъатига мурожаат қилади: *даштпаймолиғ, балки раҳнамолиғ*. *Даштпаймолиғ* сўзининг маъноси *дашт кезувчилик*, *раҳнамолик* сўзининг маъноси эса *йўл кўрсатувчилик*. *Раҳнамолик,* одатда, Ҳақ ошиқларини мақсадга етказувчи улуғ пирларга нисбатан қўлланадиган сўздир. Фарҳод "Яман мулкидан Арман кишвари"га йўл олар экан, Шопур у билан бирга "даштпаймолиғ" қилади. *Йўқ*, – дейди шоир Фарҳод сафарининг мажозий маъносини шарҳлар экан, аввалги фикридан қайтиб, – *Фарҳоднинг Шопур даштпаймолиги эмас, балки раҳнамолиги билан Яман мулкидин Арман кишвариға азимат қилғони*. *Даштпаймолиғ эмас, балки раҳнамолиғ* дер экан, бу сўзнинг асар ғоявий мазмунига қилинган жуда нозик ишора эканлигини сезиш қийин эмас: *раҳнамолиғ* йўл кўрсатиш, пири муршидликдир. Фарҳод кезган дашт ҳам оддий дашт эмас, фано даштидир. *Дашт* мафҳумининг бундай талқинлари шоир лирикасида тез-тез учраб туради. Жумладан, қуйидаги байтда фано даштига қадам урган роҳрав бу йўлда бир ҳампою ҳамдаст дўст йўқлигидан зорланади:

Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушиб,
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст.[1]

Шопур фано даштида Фарҳоднинг қўлидан тутиб, ҳампою ҳамдастлик қилган ана шундай "ҳариф" – дўстдир. Боб аввалидаги "бароати истиҳлол" санъатига асосланган бошланма байтда зикр қилинган "фархунда ҳодий" ҳам Шопурга қилинган ишорадан ўзга нарса эмас:

Бу водий қатъида фархунда ҳодий,
Анингдек кўргузур мақсад саводи.

Фарҳод Шопур ҳампою ҳамдастлиги билан йўлни гом бар гом кесиб, йўлдаги ҳар манзил-мақомни қадам-бақадам қатъ айлаб, сайр[2] ичра мажлис тузади:

Кесарлар эрди йўлни гом бар гом,
Юруб манзил ба манзил тутмай ором.
Бўлуб Фарҳодға Шопур мунис,
Тутуб онинг била сайр ичра мажлис.

Шопур "раҳнамолиғи била" *мақсад саводи* – Ёр даргоҳига йўл топган Фарҳод кўз ўнгида кўзгу жамолида жилва қилган манзара намоён бўлади: *Кўрунуб қайда боқса ул балажўй, Гулу хору гиёҳи ошнорўй,* – деб ёзади шоир. *Ҳамул водию гардунсойи хоро, Ки кўрмиш эрдим, ўлди ошкоро,* – дейди Фарҳод ҳаяжон билан *Арман водийси* ва *ҳайрат тоғи*ни таниб. Бундан кейинги воқеалар: Фарҳоднинг Ширин учун тоғ бағрида ариқ қазиб, қаср қуриши, қаср олдида "Баҳр ун-нажот" номли бир ҳовуз барпо этиб, унга "Айн ул-ҳаёт" чашмасидан сув келтириши ва ниҳоят бундайин чексиз сидқу ихлос билан Ширинга ошно бўлиши *иккинчи фано*нинг ҳайратангиз манзараларидир.

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 91.
[2] Сайри сулук деб ҳам тушуниш мумкин.

Улуғ шоирнинг Арман кишваридаги воқеалар тасвирида *Бесутун ва, айниқса, Қоф тоғи* ва у билан боғлиқ *оби ҳайвон* ҳақидаги афсоналардан илҳомланганлиги сезилиб туради. Фарҳод Арман водийсига қадам урган чоғда бир гуруҳ кишилар тоғ бағрида тошларни кесиб, ариқ кавламоқда эди. Достонда тасвирланишича, тоғ шу қадар қаттиқ, иш шу қадар машаққатли эдики, усталар юз бор теша урса ҳам, нўхатча, нўхатча ҳам эмас, кўкнор донасича ҳам тош ушалмас эди:

Ва лекин ўйла қаттиқ эрди хоро,
Ки юз теша тегса бемадоро,
Кесилмай бир нахудча тош чоғлиқ,
Нахудча демаким, хашхош чоғлиқ.

Икки юз тошкесар уч йил тинимсиз уринса ҳам, бор-йўғи икки-уч юз қулоч ариқ қазган, холос. Унинг ҳам кўп жойи чала:

Ики юз устод уч йил қилиб кин,
Замоне тинмайин урмоқта метин,
Қозилиб икки-уч юз қори хора,
Қолиб онинг кўпи ҳам нимкора.

Фарҳод бу каби ранжу машаққатнинг сабабини сўраганда, “хорабур” усталар жавоб берадиларки, бу юртнинг ҳукмдори Меҳинбону исмли аёлдир. Унинг Ширин исмли бир жияни бор. Ширин иффат ҳараминнинг шоҳи бўлиб, унинг ҳуснини таърифлашга, ҳатто отини тилда тутишга ҳам ҳеч ким журъат қила олмайди. Унинг манзилини Армания деб атайдилар. Унинг ёнида бир тоғ бор, Ширин шу тоғда бир қаср қуришни, унга суви ўликка жон бағишловчи “Айн ул-ҳаёт” чашмасидан сув олиб келишни истайди. Аммо бу ишнинг имкони йўқ:

Бу хоро теша бирла бўлмас афгор,
Нечукким теша метин айламас кор.
Эрур уч йилки, жон тортиб ҳамиша,
Ушолмай қолмади метину теша.

Тоғу тошнинг бу қадар қаттиқ, тоғкесар усталарнинг эса, бу ишда устоз бўлишларига қарамай, бу қадар ожиз қилиб тасвирланишини зоҳиран Фарҳоднинг куч-қувватини беҳад бўрттириб тасвирлаш билан изоҳлаш мумкин. Аммо шундай бўлишига қарамай, бунинг ўзгача сабаблари ҳам бор. Тоғ ҳам достондаги бошқа тимсоллар: аждар, дев ва тилсим сингари мажозий тимсолдир. II бобда шоир достонда муҳим ўрин тутадиган тимсол ва тафсилларни бир-бир тилга олар экан, тоғ мафҳумига ҳам тўхталиб, унга *бало* ва *ғам* сифатларини беради:

Етургонга бало тоғида бедод,
Лақаб айла замона ичра Фарҳод.
Ани ғам тоғида овора айлаб,
Қиёни тешасидин пора айлаб.

Шоир девонларида ҳам Фарҳоднинг тоғ қазиши билан боғлиқ байтлар жуда кўп бўлиб, уларда ҳам тоғнинг ирфоний маъноси муайян даражада акс этган. Жумладан, ёр ҳусни Ширин, лирик қаҳрамон садоқати эса Фарҳодга қиёс қилинган қуйидаги байтда айтилишича, *тоғ*, достонда талқин қилинганидек, *ғам*дир:

Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, ғам тоғини
Қозғамен тирноғларимни тешаи Фарҳод этиб.[1]

Кўҳкан сўзи билан ҳам Фарҳод, ҳам тоғ қазишга ишора қилинган қуйидаги машҳур байтда тоғ *фироқ* деб аталган. *Эй чарх,* – деб унга мурожаат қилади тоғкесар қаҳрамон, – (фироқ тоғини кавлай-кавлай тупроққа айланиб кетдим. Замонлар ўтиб,) *бу тоғдан тупроғимни топиб олсанг,* (сендан илтимос,) *лой қориб, уни яна кўҳкан* – (Фарҳод ёки тоғ қазувчи) *қил*, (токи Ёрга ошно бўлмагунча, тоғ кавлашдан тўхтамайин):

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.[2]

Шоирнинг кўпгина байтларида *тоғ бало* тарзида зикр этилади. *Ҳадеб Фарҳодни мақтайверма, ундан кўра кўксимдаги жароҳатларга назар ташла*, – дейди балокаш ошиқ қуйидаги байтда. – *Чунки у бало тоғини мендек тирноғи балан қазган эмас*:

Решлар кўксумда кўр, Фарҳод баҳсин қўйким, ул
Қазмади мендек бало тоғини тирноғи била.[3]

Ошиқ тани тоғ, қонли кўз ёши эса тоғдаги чашмага нисбат берилган қуйидаги байтда ҳам *тоғ бало* деб талқин қилинган. *Таним бало тоғи, кўзим эса қон тўкилаётган чашмадир*, – дейди қонли кўз ёшлари жисми бўйлаб югураётган ошиқ, – *шунинг учун улар тоғ ва унинг устидаги қон оқар булоққа ўхшаса, ажабланарли эмас*:

Кўҳи балодурур таним, чашмаси кўзки, қон тўкар,
Тонг йўқ, агар бу тоғ уза қон оқизур булоқ эрур.[4]

Шундай қилиб, тоғ *ғам, фироқ* ёки *бало*дир. Ғамнинг истилоҳий маъноси аввалги саҳифалардан яхши маълум. *Фироқ* ва *бало* ҳам *ғам* билан деярли *маънодош*. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг ёзишича, *"бало сайру сулук чоғида солик дуч келгучи монеъликлар"*[5]дир. *Сайру сулук чоғида солик дуч келгучи монеъликлар* эса, улуғ шоирнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, "йўл қатъида" тоғдек кўндаланг бўлувчи "беҳад дарду ғам", яъни *ўзлик*дан ўзга нарса эмас. "Тирноғ билан тоғ қазиш" эса, Э.Очилов талқинига кўра, "тариқат йўлининг оғир, қийин ва узунлигига ишора".[6]

Тоғ ўзлик – ошиқ ва Маъшуқ ўртасидаги энг катта ғов экан, *бало тоғини* кесиш, яъни "ўзлик"ни маҳв этиш ўз-ўзидан бўлмаслиги аёндир. Бу жиҳатдан сангтарош усталар

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б. 46.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 298.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 427.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б. 139.
[5] سید جعفر سجادی. اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. - تهران: طهوری، ۰۷۳۱. ص. ۳۷٦ (Сажжодӣ Саййид Жаъфар. Фарҳанг-э эстелоҳот ва таъбирот-э эрфонӣ. – Теҳрон: Таҳурӣ, 1370. – С. 483. – Бундан сўнг жорий ёзувдаги номини кўрсатамиз).
[6] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Б.216.

аҳволини “Лисон ут-тайр” қушларига қиёс қилиш мумкин. Қушлар бир адолатли шоҳ истагида бўлганларида, Ҳудҳуд уларга барча олам қушларининг шоҳи бўлган Симурғ ҳақида сўзлаб беради. Унинг ошёни ҳақида эса шундай дейди:

Ҳам нишиман Қофи истиғно анга,
Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо[1] анга.[2]

Гарчи минг-минглаб қушлар Симурғ сари парвоз қилган бўлсалар-да, унинг васлига ета олмай, “баъзи ул қушлардин ўлдилар ҳалок, баъзи иттилар бўлиб кўп дарднок”. Чунки йўл ранжи уларни бутунлай хароб қилган эди:

Танлари йўл ранжидин бетўши тоб,
Жонлари дарду машаққатдин хароб.[3]

Тошкесар усталарнинг ҳам қушлардан фарқи йўқ: иш шу қадар қийин эдики, машаққатдан ёш-ёш йигитларнинг қадди букилиб, уларни кўрган киши булар йигит эмас, чол деб ўйлар эди:

Машаққатдин йигитни эл қари дер,
Ки қозилмиш ики-уч юз қари ер.

Агар Нуҳ пайғамбар сингари минг йил, балки ундан-да ортиқроқ умр кўрсак ҳам, – деб зорланади икки юз хорабур уста Фарҳодга, – *на меҳнатнинг поёни кўринади, на уни тугатиб бўлади*:

Бу янглиғ бирла умри Нуҳ топсоқ,
Баданда кўпрак андин руҳ топсоқ,
Чу меҳнатнинг ҳаду поёни йўқтур,
Туганмаклик бу иш имкони йўқтур.

Суқрот Ҳақ васли ҳақида сўзлаб, Фарҳодга шундай деган эди: “Бу йўл ичраки, беҳад дарду ғамдур, Узоқ тортар, вале икки қадамдур. Ким ул икки қадамнинг қатъи минг йил, Киши урса қадам мумкин эмас, бил!” Хорабур усталар ҳолати Суқрот сўзларининг акс-садоси, балки беҳад шоён тасдиқидир. Фарҳод *Армания тоғи камарида хоро қазадирғон элнинг* бу каби *ажзин кўриб*, қуйидаги машҳур сўзларини айтади:

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир?!

Ушбу байт, унда Фарҳодга хос олижаноб фазилатлар: инсонпарварлик, фидойилик, мазлум ва ситамкаш кишиларга нисбатан чексиз шафқат ва меҳрибонлик туйғуларининг намоён бўлиши ҳақида кўплаб асосли фикрлар билдирилган.[4] Бирон бир жиддий тадқиқот йўққи,

[1] Симурғнинг номларидан бири.
[2] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Б.34.
[3] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Б.230.
[4] Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том, 1972. – Б.145; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б.445; Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б.103; Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Б.92.

уни четлаб ўтган бўлсин. Аммо мавжуд тадқиқотларда асосий эътибор байтнинг зоҳирий маъносига қаратилгани ҳам сир эмас. Уларни инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, тоғ мажозий тимсол экан, байтда тилга олинган *ҳунар* ҳам оддий *тошкесарлик* эмас.

Бу жиҳатдан Саййид Жаъфар Сажжодийнинг "Ирфоний истилоҳ ва иборалар луғати" номли китобида келтирилган қуйидаги парча диққатни ўзига тортади: "Дедим: Эй пир, қаердан келурсан? Деди: Кўҳи Қофнинг орқасидан. Дедим: Бу тоғни тешиб, ундан ўтиб бўладими? Деди: Йўқ. Аммо кишида истеъдод бўлса, уни тешмасдан ҳам, худди балзам ёғи сингари, бир лаҳзада ўтса бўлади. Агар кафтингни қизигунча офтобга тутиб турсанг ва унга балзам ёғидан бир томчи томизсанг, ёғ кафтингдан ўтиб кетади, чунки балзамда ўтиш хусусияти бор. Агар сен ҳам шундай хусусият касб қилсанг, тоғдан бир лаҳзада ўтишинг мумкин".[1]

Икки юз хорабур, гарчи тошкесарликда устоз деб аталган бўлсалар-да, *балзамлик,* яъни *ишқ истеъдоди*дан маҳрум кишилардир.

Фарҳоднинг, "бу хайли нотавон" – ожиз хорабурлар тўдасидан фарқли ўлароқ, ишқни метин ва теша қилиб, ғам тоғини қазиш, яъни *кўнгилдаги ўзлик иллатларини қўпоришда* не чоғли *улуғ истеъдод* кўрсатгани маълум: у тоғ бағрини, сел қумни ўйгандек, шиддат билан ўяр, қаттиқ тошларни осонлик билан реза-реза қилиб кесар, ҳар теша урганда фалак тоқига қўзғолон солар, тешасининг зарбидан тоғнинг вужудига титроқ тушиб, фарёди кўкка ўрлар эди. Фарҳод биринчи куннинг ўзида кесган тош икки юз "хорабур устод" уч йилда кесган тошлардан ҳам кўпроқ эди:

Ҳамул кун-ўқ далери хорабур гов,
Муҳайё қилди хоро ичра бир нов,
Ки уч йил икки юз хоробур устод
Ола олмай ҳам онча хорадин дод.

Фарҳод шундай шиддат билан ариқ қазиб, оз фурсат ичида "Айн ул-ҳаёт" чашмасига етади.

"Айн ул-ҳаёт" "оби ҳаёт" ёки "оби ҳайвон"нинг ўзгача номи бўлиб, унинг луғавий маъноси ҳам *тириклик чашмаси*дир. Ушбу тимсолнинг мажоз пардасига ўралган маъноси "Фавойид ул-кибар" девонидан ўрин олган қуйидаги байтда шундай намоён бўлади:

Софи васлинг борида тутма десам дурди фироқ,
Дерки, заҳр ичмаклик авло оби ҳайвондин бурун.[2]

Байтда висол ва фироқ бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлиб, лирик қаҳрамон биринчи мисрада ўз маъшуқасига: *Васлингнинг соф майи турганда менга фироқнинг лойқа дурдини тутма*, – деб илтижо қилса, у иккинчи мисрада шундай образли жавоб қайтаради: *оби ҳайвон тилагида бўлган киши аввал заҳар ичмоғи лозим*. Ошиқ ва маъшуқнинг ушбу тамсилий савол-жавобида бир-бирига ишора қилувчи қуйидаги тимсоллар бор: *соф май* (1-мисра) – *оби ҳайвон* (2-мисра), *дурд* (1-мисра) – *заҳр* (2-мисра). Жуфт тимсолларнинг ўзаро муносабатида шундай фикр ифода этилган: *соф май оби ҳайвон, дурд эса заҳардир*. Ўз навбатида *соф май* ва *оби ҳайвон* яширин тарзда висолга, *дурд ва заҳр* эса *фироққа* нисбат берилган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: *дурд – заҳар, заҳар* эса ўз навбатида *фироқ; соф май – оби ҳайвон, оби ҳайвон* эса ўз навбатида *висолдир*.

[1] Сажжодӣ Саййид Жаъфар. Фарҳанг-э эстелоҳот ва таъбирот-э эрфонӣ. – Теҳрон: 1370. – С.92.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б. 329.

Оби ҳайвон висол экан, унинг маънодоши бўлган *айн ул-ҳаёт* ҳам висол рамзидир.

Шоир асарларида ўзига хос бир тасвирлаш усули мавжуд. Бу усулни *муайян бир ғояни бир асар доирасида турли тимсоллар воситаси билан қайта-қайта ифодалаш санъати деб айтиш мумкин. Бу ҳолда бутун асар ҳам, унинг айрим қисмлари ҳам айни бир ғоянинг мухтасар ва ўзига хос ифодасига айланади.* Устоз навоийшунос М.Шайхзода шунга ўхшаш санъатни *тадриж* деб номлаган ва шоир девонидаги қатор ғазалларни бу усулга мисол қилиб келтирган эди.[1] “Ғаройиб ус-сиғар”дан олинган қуйидаги ғазалда ҳам тадрижга хос хусусиятлар яхши акс этган:

Зиҳий, ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо!
Сени топмоқ басе мушкилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.
Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо!
Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло!?
Қуёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи сарғармоқ эрур андин,
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно!
Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Узро!?
Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро!?
Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо!?[2]

Ғазал матласи тезис характеридадир, унда шоир ғазалдаги бош ғояни шундай баён этади: *Қандай ажойибки*, – дейди у Ҳаққа мурожаат қилиб, – *Сенинг ҳуснинг барча нарсада жилва қилиб туради, бинобарин, икки оламдаги барча савдою ошиқлик Сенинг ҳуснинг туфайлидир*. Кейинги байтларда шоир ушбу фикрни бадиий асослашга киришади: олам чаманининг оташгоҳига оташин гулдан ўт солиб, булбулни самандардек кулга ботирган ҳам (2-байт); Лайли ҳуснининг кўзгусида аксини кўргизиб, Мажнунни кўзгу аксидек беором қилган ҳам (3-байт); ҳусн гулшанида юз минг қизил ва сариқ гули раънолардан гул очтириб, қуёшни хижолатдан гоҳ қизартириб, гоҳ сарғайтирган ҳам (4-байт); Узронинг узори боғида юзидан гул очиб, Вомиқни юз гул очирган ҳам (5-байт); каломини Ширин лабига яшириб, Фарҳоднинг кўз ёшларини қип-қизил лаълга айлантирган ҳам (6-байт); жилва билан шамъ ўтини гулистон қилиб, парвонани Халилуллоҳ сингари ўтга ташлаган ҳам (7-байт) шу ҳусндир.

Улуғ шоир ғазал ғоясининг ёрқин ва мутассир ифодаси учун ҳар бир байтда ўзаро жуфтлик ҳосил қилувчи мутаносиб тимсоллар келтиради: гул ва булбул (2-байт), Лайли ва Мажнун (3-байт), юз минг гули раъно ва қуёш (4-байт), Узро ва Вомиқ (5-байт), Ширин ва Фарҳод (6-байт), шамъ ва парвона (7-байт). Бу тимсолларнинг аввалгиси илоҳий ҳусн, кейингиси эса унга ошиқлик рамзларидир. Тисоллар хилма-хил бўлса-да, ғазалнинг барча байтларида ягона бир ғоянинг акс этганлигини сезиш қийин эмас: *олам бир кўзгу бўлиб, Оллоҳ жамоли ҳамма нарсада жилваланиб туради, бинобарин, ҳар қандай шайдолик Аллоҳ жамолига бўлган шайдоликдир*!

[1] Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Б. 202–205.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 26.

“Фарҳод ва Ширин” ҳам мазкур усулнинг порлоқ намунасидир. Маълумки, Суқрот Ҳақ васли ҳақида сўзлаб, Фарҳодга шундай дейди: *Киши ўзликни қўймай они топмас, Тенгиз кесмай дури яктони топмас.* Ҳар икки мисрада бир-бирига зид тимсоллар бўлиб, *ўзлик – он(ун)*га (1-мисра), *денгиз эса дури якто*га (2-мисра) қарама-қарши қўйилган. Байт тамсилий характерда: иккинчи мисрадаги *денгиз ўзлик*нинг, *дури якто* эса *у(Ҳақ васли)*нинг рамзидир. Байтда шундай фикр ифодаланган: *киши денгиз кесмай – денгизга шўнғимай, дур топмаганидек, ўзликни фоний қилмай, они – Ҳақ васлини ҳам топа олмайди!*[1] Айтиш мумкинки, бу сўзлар достондаги деярли ҳар бир муҳим воқеа, эпизод ва тафсилнинг мазмуний мундарижасини ташкил этувчи ўзига хос ғоявий матлаъдир.

Киши ўзликни қўймай, они топмас ғоявий силсиласидаги аввалги ҳалқа Фарҳоднинг аждарга қарши жанг қилиб, уни ўлдиришидир. Биринчи манзил воқеаларидан келиб чиқадиган поэтик хулосани шундай ифодалаш мумкин: Фарҳод *ўзлик аждарини* маҳв этиб, *висол ганжига* етишди. Фарҳоднинг иккинчи манзилда девни енгиб, Сулаймон узуги, учинчи манзилда эса Искандар тилсимини очиб, Жамшид жомига эга бўлишининг ғоявий мазмуни ҳам шу: Фарҳод *ўзлик девининг* бошини кесиб, *висол узуги; ўзлик тилсимининг* кўксини пора айлаб, *висол жомини* қўлга киритди. Фарҳод Юнон сафари чоғида неки қилган бўлса, шоир Суқрот тилидан сабоқ берганидек, “*Бири – ўзликни қилмоқ бўлди фоний:* аждар, дев, тилсим; *Яна бир – доғи топмоқ бўлди они:* Афридун ганжи, Сулаймон узуги, Жамшид жоми!

Фарҳод *ўзликни фоний қилиб, топган яна бир* тимсол Оинаи Искандарийдир. У ҳам Фарҳод учун Афридун ганжи, Сулаймон узуги, Жамшид жоми каби васл. Бироқ, шу билан бирга, унинг фарқли жиҳатлари ҳам бор. Оина, аввало, маълум маънода умумлаштирувчи тимсол. Зеро, Оина юзидан сирлар пардасини кўтармоқ учун аввало аждар, дев ва Искандар тилсимларини маҳв этмоқ лозим. Бинобарин, бу уч офатнинг барчаси: аждар ҳам, дев ҳам, тилсим ҳам висол Оинасига етишмоқ йўлида кўндаланг бўлган ўзлик рамзларидир. Зотан, шоир бир байтида таъкидлаганидек:

Фақр водийсинда ўзлук неча камрак яхшироқ,
Йўлни осон қатъ этар солик енгилрак бўлса юк.[2]

Иккинчидан, Оина Фарҳод уч манзилни қатъ этиб, бу мақомда топган руҳий камолот – аввалги фанодир. Зеро, Афридун ганжи, Сулаймон узуги, Жамшид жомидан фарқли ўлароқ, унда “жамоли оламоро”дан бир жилва эмас, “жамоли оламоро”нинг ўзи – Ширин жилва қилади.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратишга тўғри келади, бу – тариқат мақомлари ва уларнинг “Хамса” достонларида акс этиши масаласидир. Кўриб ўтилганидек, “Фарҳод ва Ширин”, шунингдек, “Лайли ва Мажнун” достонларида илоҳий ишқ тасвири етакчилик қилади. Шу билан бирга, бу достонлар ва айниқса, “Сабъаи сайёр” достонида “Лисон ут-тайр”нинг сюжет йўналиши ва бадиий қурилиши, хусусан, ундаги тариқат мақомларининг тасвирига ўхшаб кетадиган ўринлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, айрим тадқиқотчилар бу достонлардан ҳам тариқат манзил ва мақомларини топишга, уларнинг мазмунини шунга мувофиқ ҳолда шарҳлашга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат, хусусан, А.Абдуқодиров ва З.Мамадалиевалар нинг тадқиқотларида кўзга ташланади. А.Абдуқодиров “Фарҳод ва Ширин” ва “Лайли ва Мажнун” достонларидан шариат, тариқат ва ҳақиқат манзиллари, шунингдек, талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат ва фақру фано мақомларини

[1] Фарҳод ва Ширин. – Б. 180.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 336.

қидирса,[1] З.Мамадалиева А.Абдуқодиров изидан бориб, “Сабъаи сайёр”даги етти ҳикоятни етти мақом билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади.[2]

Бу усулни маъқуллаш қийин. Чунки, биринчидан, “Хамса” достонлари, гарчи уларда тасаввуфий ишқ акс этган бўлса ҳам, “Лисон ут-тайр” сингари тасаввуф тариқати ҳақидаги асар эмас, соф ишқий достонлардир. Иккинчидан, ишқ “Лисон ут-тайр”да тариқатнинг етти мақомидан бири бўлса, бу достонларда ишқнинг ўзи мустақил тариқатдир. Улуғ шоир “Мажоздин мақсуди ҳақиқат эканни изҳор қилмоқ ва суратдин ғараз маъни эканин падидор қилмоқ” деб сарлавҳа қўйилган бир қитъасида бу ҳақда шундай деб ёзади:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафй улки, беҳақиқат эрур.[3]

Шундай қилиб, мажозий ишқ ҳақиқий ишққа етказувчи тариқат, ҳақиқатга элтувчи йўлдир. Бу сўзлар Суқротнинг мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги сўзларидан деярли фарқ қилмайди. Суқрот Фарҳодга уқтирган эдики, *Бу ўзликдин қутулмоқ чорасози Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий*. Тариқатнинг вазифаси эса *ўзликдин қутулмоқ*дан ўзга нарса эмас.

Фарҳоднинг Арман кишварида тоғ қазиб, “Айн ул-ҳаёт” чашмасидан сув келтириши ҳақидаги воқеалар ҳам *ўзликдин қутулмоқ* ғоясининг ўзига хос яна бир жилвасидир: *тоғ ўзлик бўлса, “Айн ул-ҳаёт” васлдир*. Аммо тоғ ва чашма ғоявий мазмун инкишофи ва Фарҳод руҳий камолотида бутунлай янги бир босқич: агар Юнон сафарининг натижаси ўлароқ, Ширин жамоли билвосита – Оина юзида жилва қилган бўлса, энди бевосита – Фарҳоднинг кўз олдида намоён бўлиб, уни Ёр васлига ошно қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Юнон сафари сингари, Арман кишваридаги Ёрга ошнолик ҳам уч мазил-мақомдан иборат. Фарҳоднинг тоғ кесиб, ариқ қаза бошлаши ошнолик ибтидосидир. Меҳинбону ва Ширинга хабар етказадиларки, тоғда номаълум бир йигит пайдо бўлиб, меҳнат қилмоқда, унинг қилаётган иши ҳам, “вазъу таври” ҳам оддий одамларга ўхшамайди:

Малакваш одамидур кўҳ монанд,
Кесакдур тешасиға кўҳ парканд.

XXXI бобнинг сарлавҳасида таъкидланишича, тоғ бағрида гумбурлаган садо шу қадар кучли эдики, у Ширинниг қулоғига ҳам етиб боради: *Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағриға ков-ков солғон садони Ширин эшитгони*. Ширин Фарҳод меҳнатини томоша қилиш учун Меҳинбону билан бирга унинг ҳузурига отланади, бир баландликка чиқиб, Фарҳодга назар ташлайди. Унинг “аҳли замондин бийикроқ” ҳайбати, “филдин фузунроқ шавкати” ҳамда манглайида зоҳир “муҳаббат дарди”, чеҳрасида “зоҳир ғурбат гарди” Ширинни ҳайратдан лол қилиб, кўнглига меҳр шавқини солади. Ширин ўз кечинмаларини баён қилиб, Фарҳодга шундай хитоб билан юзланади:

Ки эй, нодир йигит офоқ ичинда,
Ягона чархи нили тоқ ичинда.

---

[1] Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филология фан. док... дисс. автореферати. – Тошкент, 1998. – Б.23.
[2] Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажозлар олами. – Б.107 –132.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б. 512.

Аён ҳолингда кўп-кўп булъажаблиқ,
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ.
Бу ишким, биз демай бунёд этибсен,
Бағоят кўнглумизни шод этибсен.

"Фарҳод Ширинниng таҳсин сўзларига чуқур ҳаяжон ва орзиқиш билан жавоб қайтаради, – деб ёзади А.Қаюмов. – Бу ҳолатни тасвирловчи мисралар дард туғёни ва интизорлик ошиқишлари билан тўлиб-тошган" [1]:

Деди: Жонпарвар анфосингдин ўлдум,
Унингдин умр ранжидин қутулдум.
Не англайким, қаю маҳрў экансен,
Ичим қон айлаган сенму экансен?
Мени ғурбат аро бечора этган,
Диёру мулкдин овора этган.
Чиқиб жоним унингдин бўлғач огоҳ,
Юзунгни кўрмай ўлдум, оҳ, юз оҳ!

"Агар Ширин чеҳра очса, Фарҳод билан Ширин биринчи бор учрашар, кўзлари кўзларига тушар эди, – деб ёзади А.Қаюмов. – Агар улар бир-бирларига назар сола олмасалар, Ширинниng чеҳрасини Фарҳод кўролмай қолса, воқеаларнинг мантиқий ривожига зид ҳол юз берар, бадиий меъёр ҳам бузилган бўлар эди".[2] Улуғ шоир ушбу муаммонинг бағоят нозик: ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ҳам бадиий мантиққа мос ва муносиб ечимини топади:

Анингдек оҳ тўфонин чиқорди,
Ки маҳвашнинг ниқоби елга борди.
Кўрунгач ул жамоли оламоро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро.
Ҳамул эрдики, мафтун бўлмиш эрди,
Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.

Воқеаларнинг бундай ривожи: ошиқнинг оҳ чекиб, оҳидан маъшуқ юзидаги ниқобнинг кўтарилиши ва "ул жамоли оламоро"нинг зоҳир бўлиши, устоз навоийшунос таъбири билан айтганда, Навоий асарлари учун ўзига хос бир "бадиий меъёр"дир. "Ғаройиб ус-сиғар"дан олинган қуйидаги байт бунга далил бўла олади:

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқаъин,
Ҳеч гулшанда сабодин буйла гул очилмади.[3]

Маъшуқа қуёшга, юзидаги ниқоби булутга, ошиқнинг оҳи эса тутунга нисбат берилган қуйидаги байтда айтилишича ҳам, "оҳ" маъшуқ юзидаги бурқаъни "рафъ этиш" воситасидир:

Тонг йўқ, оҳим ул қуёшнинг бурқаъин рафъ этмаса,
Ким булутқа дуд етмас нечаким чиқсун баланд.[4]

[1] Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б.93-94.
[2] Қаюмов А. "Фарҳод ва Ширин" сирлари. – Б.93-94.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 482.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б. 88.

Умуман, “оҳ” ва “қуёш” (меҳр) Навоий лирикасида бир-бирини тақозо этувчи барқарор тимсоллар бўлиб, бу ҳолат, қатор байтлар шуни кўрсатадики, шоир ижодида жуда эрта шаклланган. Навоий 14-15 ёш эканлигида ёзилган ва мавлоно Лутфийнинг кўп ҳавасини келтирган “Оразин ёпқач...” деб бошланувчи ғазалда ҳам шундай мазмундаги байтни учратамиз:

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.[1]

Ошиқ “оҳ”ининг “бурқаъ рафъ” айлаб, “меҳр фош” этиши шунчаки ўтмиш адабиётига хос муболағали тасвир эмас. Бу ҳодисанинг ўз бадиий-ирфоний асослари бор. Тасаввуф истилоҳларининг изоҳли луғатида келтирилишича, “Оҳ деб ишқ камолининг нишонасига айтилур”.[2] Шундай экан, комил ошиқ оҳ чеккач, *ўзлик пардаси*нинг кўтарилиб, маъшуқ жамолининг жилва айлаши ажабланарли эмас. Бундай чоғда, қуйидаги байтда айтилганидек, ошиқ маъшуқ билан бирлашиб, “муттаҳид бўлади”, яъни тавҳид ҳосил қилади:

Ишқи комил гулшани ичра гули раъно недур,
Билҳақиқат, бўлмаса маъшуқу ошиқ муттаҳид.[3]

Шундай қилиб, *Фарҳоднинг оҳ чекиб, Ширин рухсоридан “бурқа рафъ айлаши” унинг ишқда камолот касб этгани – тавҳид мақомига етганидан бир нишона эди*. Бу мақомда аввал кўзгуда жилва қилган Ёр ҳусни энди кўз олдида намоён бўлиб, уни бехуд айлайди:

Чу Фарҳод ул пари эрконни билди,
Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди,
Ким ул ҳолатда Ширин кўргач они,
Гумон қилди магарким чиқти жони.

“Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқил”иш ёки *бехудлик* ҳам улуғ шоир асарларидан мустаҳкам ўрин олган барқарор “бадиий меъёр”дир:

Бода тутқач, дема бехуд бўлдиким, ул кўзгудин
Борди ҳушум ёр ҳусни жилвасин ўтру кўруб.[4]

Сен мени ёр бода тутгач, (бода ичиб) *бехуд бўлди* (маст бўлиб ўзидан кетди*) деб ўйлама*, – дейди ошиқ, – (аксинча,) *бода кўзгусида ёр ҳуснининг жилвасини кўриб ҳушдан кетдим*.

Ёки:

Борған эрмушмен ўзумдин жилва қилған чоғда ёр,
Сўрмай ўтмиш, эй Навоий, худнамойим бехудин.[5]

Ёр ҳусни жилва қилган чоғда ҳушимдан кетиб қолибман, – дейди ошиқ тилидан шоирнинг ўзи *худнамо* ва *бехуд* сўзларини пурмаъно ифодага айлантириб ва айни чоғда улардан нафис

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 208.
[2] Миръоти ушшоқ. – С.132.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б. 81.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 69.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 357.

санъат яратиб, – *худнамо* (ўзидан ўзгани кўрмовчи) *ёрим эса ўз бехудининг* (беҳушининг) *ҳолини сўрамай ўтиб кетибди.*

Қуйидаги байт гўёки Фарҳод тилидан айтилгандек. Фарқи шундаки, Фарҳод ёр аксини аввал оинада кўрган бўлса, байт қаҳрамони қоғозда кўради: *Э воҳ, ёрнинг суратини кўргач, ўзимдан кетдим*, – деб хитоб қилади у, – *агар ўзини кўрсам, ўлишим аниқ, чунки унинг тимсолини кўргандаёқ бехуд бўлдим*:

Сувратин коғазда кўргач, бордим ўздин, ваҳ, ўзин
Кўргач ўлгум, чунки бехудмен анинг тимсолида.[1]

Байтнинг мазмунидан бехудликнинг ҳам икки даражаси борлиги маълум бўлади: 1) *ўздан бормоқ* (ҳушдан кетмоқ); 2) *ўлмоқ. Бехудлик* сабаби ёр сурати ёки тимсоли бўлса, *ўлмоқ* боиси бевосита маъшуқнинг ўзини кўришдир. Фарҳоднинг тоғда Ширин *ҳусни жилвасин ўтрў* кўриб, "Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқил"ишини тасвирлар экан, шу муносабат билан шоир дейди:

Бировким акс кўргач, ҳуши кетса,
Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.
Бировким бўлса майнинг зикридин маст,
Нетонг, ичконда бўлса ер уза паст.

Бу ҳолатнинг суратини улуғ шоир XXXI боб сарлавҳасида шундай чизган эди: *қуёш тупроққа нур сочқондек, ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, туфроғдоғилардек ўзидин кетгони*. Шоир жумлада Ширинниг Фарҳодга назар ташлашини *қуёшнинг тупроққа нур сочишига* ўхшатади, бироқ қуёш деганда қуёш билан бирга Ширинни, тупроқ деганда эса тупроқ билан бирга Фарҳодни ҳам назарда тутади: *Ширин қуёш бўлса, Фарҳод тупроқдир*. Кейинги тасвир ҳам *қуёш ва тупроқ* билан боғлиқ. Ширинниг Фарҳод меҳнатини тамошо қилиб, унга тасанно айтиши Ширинниг *ул хокий*(тупроқ билан тенг)*га меҳр зоҳир қилиши*дир. *Меҳрнинг зоҳир бўлиши*, айни чоғда, Ширинниг юзидан ниқоб кўтарилиб, *жамоли оламорон*инг намоён бўлишига ишора ҳам. Сўнгги қисмда шоир Фарҳоднинг ҳушдан кетишини ҳам тупроқ билан боғлайди: у *тупроқдагилардек*, яъни ер бағрида ётган ўликлардек *ўзидан кетади*. Бу, бир тарафдан, шоир услуби – юксак таносуб билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, беҳушликнинг олий даражаси – *ўлмоқ* ифодасидир.

Сўфиёна истилоҳда *беҳушлик ошиқнинг башарий сифатлардан халос бўлиб, фано мақомига кўтарилишидир*.[2] Беҳушликнинг аксарият ҳолларда бехудлик деб аталиши ҳам бежиз эмас. Беҳушлик ёки бехудлик фано экан, бу мақомга кўтарилиш учун, кўп бор таъкидланганидек, ўзликни маҳв этиш лозим. Бу ҳол бехудлик сўзининг луғавий маъносида ҳам мужассам: *худ ўзлик* бўлса, *бехудлик* ана шу *ўзликнинг йўқлиги* демакдир. Истилоҳий маънода айтадиган бўлсак, *бехудлик шунчаки ҳушдан кетмоқ эмас, балки ўзликни фоний қилмоқ*, бошқача қилиб айтганда, *башарий сифатларда ўлмоқдир.* Навоийнинг қуйидаги байтида худди шу ҳолат назарда тутилган:

Дединг, фано недурур, мухтасар дейин ўлмак,
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур.[3]

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б. 407.
[2] Миръоти ушшоқ. – С.138.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.143.

Фарҳод ҳам, Ширин *қуёш тупроққа нур сочқондек, ул хокийға меҳр зоҳир қилғоч, туфроғдоғилардек ўзидин кетган – башарий сифатларда ўлиб, фано мақомига етган эди*.

Мазкур ҳолат тасвирланган XXXI боб охирида келган "соқийнома"да шоир ўз ҳолати билан Фарҳод ҳолати ўртасида ҳамжиҳатлик сезади: у ҳам Фарҳод сингари бехуд. Аммо шунга қарамай, соқийга мурожаат қилиб, ундан шароби ошиқона келтиришни сўрайди, токи уни ичиб, янада беҳушроқ бўлсин (фоний бўлсин, башарий сифатларда буткул ўлсин):

Кетур, соқий, шароби бехудона,
Ки бехудлуқ била бўлдум фасона.
Ажаб беҳуш ўлубмен ишқ аро бил,
Мени бир жом ила беҳушроқ қил.

Фарҳоднинг "Наҳр ул-ҳаёт" ариғини қазиб, "Айн ул-ҳаёт" чашмасидан "Баҳр ун-нажот" ҳовузига сув очиши Ёрга ошнолик йўлидаги кейинги манзилдир. Икки кун ўтиб, Меҳинбону қасрида ҳушига келган Фарҳод ўз ҳолидан беҳад хижолат тортиб, яна тоғ сари равона бўлади. У мислсиз шиддат билан тош кесар ва умид қилар эдики, бу иш тезроқ ниҳоясига етса ва Ширин тамошога келса, унинг жамолидан яна бир бор баҳра олса ва жонбахш сўзларини яна бир бор эшитса:

Умиди улки, бу иш топса итмом,
Тамошоға келиб сарви гул андом.
Яна бир қатла ҳам кўргай жамолин,
Симоъ этгай равон осо мақолин.

"Бу навъ уммид бирла субҳ то шом" "тош чопмоқдин" бир лаҳза бўлсин топмай "ором", XXXIII боб сарлавҳасида тасвирланишича, *ул тош ариғин, балки ариғ тошин қазиб, Армания тоғига еткура*ди ва *бу ариққа сув очмоқ учун абри баҳорийдек кўзларидин ашкбор ва дурри ашкидин гавҳар нисор қилиб, "Айнул-ҳаёт" чашмасиға юзлана*ди. Бу воқеадан Меҳинбонуни дарҳол хабардор қиладилар. У тоғ бағрида бир жой ҳозирлаб, Фарҳодни зиёфатга чорлайди. Зиёфат чоғи унга кўп меҳрибонликлар кўрсатади:

Меҳинбону навозиш айлабон соз,
Анга дилжўйлиқлар қилди оғоз.

Фарҳод Меҳинбонунинг ҳар бир сўзига ҳаё ва адаб билан жавоб қайтар экан, шу асно осмонни тўзон қоплайди. Бу Ширин отининг туёғидан кўтарилган ғубор эди. Ширин ҳам Фарҳодни кўргандан бери унинг ишқида куяр, ёнида бўлишни истаб, йўлга тушар, бироқ ҳар сафар ҳаё ва андиша унинг йўлини тўсар эди. Аммо иш поёнига етганини эшитиб, сабру қарори тугайди:

Ва лекин бу хабарни чун эшитти,
Қарору сабри кетти, ҳуши итти.

Ширин яқинлашган сари висолнинг қайноқ нафаси Фарҳоднинг қонини қуритиб, жисмига титроқ сола бошлайди. Унинг эс-ҳушидан айрилаётганлигини кўриб, Меҳинбону унга шундай насиҳат қилади:

Ки эй фарзанд, бир дам тут ўзунгни,
Даме асра кўнгул бирла кўзунгни!

Агар ақлинг риштасини чувалаштирсанг, шунча йиллар чеккан ранжу заҳматларинг бекор кетиши муқаррар:

Бу дам гар топса ҳушунг риштаси печ,
Бўлур бу неча йил қилғон ишинг ҳеч.

Агар сени девоналик мағлуб қиладиган бўлса, – дейди у, – Ширинниng номига ҳам доғ тушиши мумкин:

Сени девоналиғ гар қилса мағлуб,
Пари пайкар бўлур эл ичра маҳжуб.

Бу сўзлар, бир тарафдан, фарзанд деб тепаётган она қалбининг ташвиш тўла садолари бўлса, иккинчи тарафдан, донишманд пири муршиднинг ошиқи фонийнинг висол чоғи ўзини қандай тутмоғи кераклиги ҳақида шогирдига берган ўгити ҳамдир. Унда сўфийлик, хусусан, нақшбандия сулукининг ўзак ақидаларидан бири яширин тарзда ўз ифодасини топган: *ҳуш дар дам*. *Ҳуш дар дамнинг* маъноси нафас олганда ҳам, нафас чиқарганда ҳам, икки нафас оралиғида ҳам Аллоҳни ёд этишдир.[1] Шу билан бирга, у фано чоғида ўзини идора қилиш зарурлигини англатувчи қоида ҳам. Фано, аввалроқ кўриб ўтилганидек, беҳушликка ўхшаш бир ҳолат. Бу ҳолатда ошиқнинг ўз аҳволидан буткул бехабар бўлиши ўз-ўзидан аён. У илоҳий файздан завқ-шавққа тўлиб-тошган маҳалда турфа ҳолатларга тушиши ва турфа сўзларни айтиши мумкин. Жумладан, Боязид Бистомийнинг “Субҳаний, Субҳаний, ма аъзама шаъний” (Мен Субҳон[2]ман, мен Субҳонман, нақадар улуғ сифатлиман), Мансур Халложнинг эса “Ана-л-Ҳақ” (Мен Ҳақман, Худоман) деб жар солгани, бунинг учун шаккокликда айбланиб, қандай жазога гирифтор этилгани маълум.[3] Фано сирларини бу тарзда ошкор қилиш улуғ сўфийлар томонидан ҳам маъқулланган эмас.[4]

Шарт буким, онглағон шарҳ этмагай,
То тилидин бошқа офат етмагай, –

дейди Навоий “Лисон ут-тайр”да.[5]

Меҳинбонунинг Фарҳодга насиҳати ҳам бу фикрларга ҳамоҳангдир. Ўзингни тут, токи кишилар истаб ҳам, сендан айб тополмасинлар, – деб насиҳат қилади у Фарҳодга:

Ўзунгни асра, бир дам бўлма ғойиб,
Ки даҳр аҳли тилаб топмас маойиб.

---

[1] Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.16.
[2] Субҳон – фақат Аллоҳгагина хос сифат, уни инсонга нисбатан қўллаш мумкин эмас.
[3] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965. – С.33–35; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.53–63.
[4] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература, с.33–35; Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Б.197.
[5] Лисон ут-тайр. – 239.

Фарҳодни сув очишга кузата туриб, унга яна шундай дейди:

Деди бедилға Бонуким: равон бўл,
Ишингга ҳам қадам қўй, ҳам узот қўл.
Бу офатким, буён солмиш гузарни,
Тушардин ул тараф асра назарни.
Санга гарчи бу талқин бежиҳатдур,
Ва лекин ҳолиё бу маслаҳатдур.

Бу сўзлар нақшбандия сулуки асосий қоидаларининг шоирона изҳоридир. Аввало, *ишингга қадам қўй, аммо Ширин тарафга назар ташлама*, бошқача қилиб айтганда, *назар дар қадам*. Иккинчидан, *ишингга қўл ур, аммо Ширин тарафга назар ташлама*, бошқача қилиб айтганда, *қўлинг ишда бўлсин, ёр эса дилда*, яъни *даст ба кору дил ба ёр*.[1]

Аммо, Меҳинбонунинг ўзи иқрор бўлганидек, бу маслаҳату насиҳатлар нечоғли тўғри ва оқилона бўлмасин, Фарҳод сингари ошиқи фоний учун "бежиҳат" – бекор. Чунки ёрнинг шамъи жамоли ёниб, қуёшдек нур сочиб турганда, шамъ бошидан айланиб, парвонадек куймасликнинг асло иложи йўқ. Фарҳод "Айн ул-ҳаёт" чашмасидан "Баҳр ун-нажот" ҳовузига сув очар экан, Меҳинбону билан Ширин сувдан бурунроқ қасрга етиш бориш учун от сурадилар. Аммо сув шу қадар тез югурар эдики, унга энг учқур от ҳам етолмас эди. Ширинниng оти ўн йиғоч йўл босар-босмас чарчаб қолади. Чунки атроф "тамоми тоғ ила чўл" эди. Яна етти-саккиз йиғочдан сўнг от шундай ҳолдан тоядики, қадам босса, оёғи чалмашар эди. Ширидан кўз узмай келаётган Фарҳод англайдики, Ширин елда учган гулдек ерга қулаши мумкин:

Чу ошиқ англади қилғоч тааммул,
Ки елдин тушкудекдур ер уза гул.
Ер ўпмакликка мажнундек хам ўлди,
Қуёш остида гардундек хам ўлди.
Кўтарди орқасиға бодпони,
Нечукким бодпо, ул дилрабони.

Бу воқеаларни тасвирлар экан, шоир XXXVI боб сарлавҳасида Фарҳоднинг руҳий ҳолатини бениҳоя таъсирли ифодаловчи бадиий воситаларни қўллайди: *паривашнинг парикаш девзоди пўядин қолмоқ ва Фарҳод девонавор парикаш била паривашин эгнига олмоқ*.[2] Шоирнинг мақсади Фарҳоднинг сўзу ишлари *девонавор* эканлигини тасвирлаш, чунки уни девоналик мағлуб қилган. Шунинг учун Ширинни *париваш* деб атайди, бу билан, бир тарафдан, пари ва девона таносубига риоя қилса, чунки пари сеҳру жодулари билан кишини девона айлайди, иккинчи тарафдан, Фарҳоднинг Ширин ишқида девоналик мақомига етганини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Ширин пари экан, шунга мувофиқ унинг минган оти ҳам *девзоди парикаш* – парилар минадиган девзод от. Шунинг учун ҳам Фарҳод, *девонавор парикаш била паривашин эгнига оли*б, кейинги жумлада тасвирланишича, Армания тоғидаги "Баҳр ун-нажот" ҳавзи сари яшиндек йўлга тушади: *Армания тоғи сори барқдек гом солмоқ*. Шоир Фарҳоднинг *парикаш била паривашин эгнига оли*б, *Армания тоғи сори барқдек гом*

[1] Бу қоидалар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти – Б.19–20; Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – Б.43; Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд: 1994. – Б.64–78.
[2] Фарҳод ва Ширин. – Б. 259.

*сол*ишини тасвирлар экан, мазмун билан мутаносиб тарзда тасвирни кайҳоний миқёсларга кўтаради: Ширинни қуёшга, Фарҳоднинг қоматини фалакнинг эгиклигига, югуришини эса фалакнинг қуёш остида айланишига ўхшатади: *фалаки қадхамдек меҳр остида югурмак*. Самовий тасвир кейинги жумлага ҳам хос. Унда айтилишича, Ширин учун қурилган қаср қаср эмас, фалак айвони. Фарҳод *фалаки қадхамдек меҳр остида югуриб, меҳрни фалак айвонига еткуради*. Шундан сўнг *жунун бодпойини* (отини) яна *қулла* (тоғ) *сори* суради:

Бошиға сарвнинг айлонди филҳол,
Ўпиб ер, зор йиғлаб, ёнди филҳол.
Чиқиб тоғ узра, айлаб ашк борон,
Чекиб ун, ўйлаким абри баҳорон.

Меҳинбону бу ҳолни кўриб турар, аммо бирор чора тополмас эди.

Фарҳоднинг тоғдаги қасрда Ширин қўлидан май ичиб, маст бўлиши иккинчи фанонинг олий даражаси – *фанойи комил*[1]дир. Фарҳод бу мақомда *фано ҳусулидин бақо вусулиға*[2] етади. Улуғ шоир бу манзара тасвирланган XXXV бобга шундай сарлавҳа қўйган: *Меҳинбону била Ширинниинг Фарҳодни фироқ хоро камари этагидин домангир бўлуб, висол атласи чархи ҳарамида тўққуз парда ичра маҳрам қилиб, зиёфат ҳарир ва ҳуллалари узра мажлис тузатмоқлари ва ўн фанда ўн соҳиб камол қизким, ашараи комила алар таърифидин ушри ашир бўла олғай, анинг қошинда изҳори фазл қилиб ўзларининг қонидек, яъни юзидек хижолат бошларин қуйи солмоқлари ва Ширинниинг фалак қасридин қуёш чиққондек қаср ҳужрасидин чиқиб, меҳри жамоли кавкабаси била анжуманни равшан қилмоқлиғи ва Фарҳоди сияҳ ситора олинда ҳилолий жом аро шафақгун май тутуб, анинг ишқи била ичиб, ўз ишқи била анга ичуруб, бир-бирининг бодаи ишқидин маст бўлуб йиқилғонлари.*

Сарлавҳанинг аввалги жумласида улуғ шоир фироқни тош ғорга, висолни эса чарх атласига ўхшатади: фироқ тошдек қаттиқ, ғордек қоронғи ва чуқур, висол эса атласдек майин, чархдек ёруғ ва баланд. Меҳинбону билан Ширин Фарҳодни фироқнинг ана шу ғордек чуқур камаридан чиқариб, висолнинг чархдек юксак ҳарамида тўққуз парда ичра маҳрам қиладилар. Жумлада зикр қилинган *тўққуз парда* тўққиз осмонга ишорадир. Ўтмиш манбаларида келтирилишича, чарх, яъни осмон тўққиз қаватдан иборат. Дастлабки етти қават етти сайёранинг макони ҳисобланиб, шу сайёралар номи билан аталган: 1) Қамар ёки Моҳ (Ой); 2) Аторуд (Тир); 3) Зуҳра (Ноҳид); 4) Шамс (Қуёш); 5) Миррих (Баҳром); 6) Муштарий (Биржис) ва 7) Зуҳал (Кайвон) осмонлари. Саккизинчи осмон сайёралар – ҳаракатдаги юлдузлардан фарқли ўлароқ, собит – ҳаракатсиз юлдузлар – ўн икки буржнинг масканидир. Тўққизинчи осмоннинг номи фалак ул-афлок – осмонларнинг осмони. У гўёки Аллоҳ даргоҳи бўлиб, Аршу Курси, Лавҳу Қаламнинг макони ҳам фалак ул-афлок ҳисобланган. Аммо фалак ул-афлок аслида макон ҳам эмас, ломакон – маконсизликдир.

Шоир лирик ва эпик асарлари, айниқса, “Хамса” достонларининг меърож воқеаси тасвирланган бобларида тўққиз осмон ҳамда собиту сайёра тимсолларига кўп бор мурожаат қилган. “Фарҳод ва Ширин” достонининг V боби ҳам шулар жумласидандир. Шоирнинг бу бобда ҳикоя қилишича, Муҳаммад саллалоҳу алайҳи ва саллам бир кун кечаси аммалари Уммиҳоний уйида меҳмон бўлиб турганларида Ҳақдан шундай хабар келади:

Ки етсун олам аҳлидин ниҳоний
Муҳиб сарвақтиға маҳбуби жоний.

[1] Лисон ут-тайр. – Б.224
[2] Лисон ут-тайр. – Б.235

“Ул шаҳсувор”, боб сарлавҳасида тасвирланишича, “Буроқи барқваш узра чиқиб”, “тийра хокдон(Ер)дин” фалак ул-афлок – “Муҳиб” даргоҳи сари равона бўладилар. Аввал “тупроқу елу ўту сув” (Ер), сўнгра эса Қамар, Аторуд, Зуҳра, Қуёш, Баҳром, Муштарий ва Зуҳал ортда қолади:

Қолиб еттинчи қўрғон посбони,
Ўтиб чобуксувори осмоний.

Саккизинчи осмонда собит юлдузлар: ҳамал, савр, дупайкар, харчанг (қисқичбақа), шер, хўша (сунбула), каффа (тарози), чаён, ёй, жадй (тоғ эчкиси), ҳут (балиқ), далв (қовға) оёқлари остига гавҳардай сочилиб, “ул чобуксувори осмоний”, ниҳоят, тўққизинчи осмонга ҳам етиб келадилар:

Юқорроқ кўргузуб чун рахши новард,
Чиқориб ломакон майдонидин гард.

Ломаконни макон айлаб, Ҳақ ҳузурида ҳозир бўлганларида, ул пок зотга шундай ҳолат юзланади (мазмуни): танидан тўрт гавҳар[1] сурати ўчиб, бўйи олти жиҳат[2] тўнини ечиб ташлади. Тўрту олти эмас, беш[3]у икки[4]дан, хуллас, ўзлигидан халос бўлди:

Чиқориб ўзлиги тупроғидин гард,
Не ўзликким, ўзидин ҳам бўлиб фард.

Макони бемаконлик, нишони бенишонликдан ўзга нарса бўлмади. Нишон ҳам, макон ҳам қолмади, аммо Мақсуд маконидан нишон топди. Васл боғининг насими эсиб, йўқлик димоғи Мақсуд исини туйди. Ваҳдат чодири жилва қилиб, васл насими унинг этагини очди. Ниҳоят:

Иноят илги оламдин ниҳоний,
Ҳарими ваҳдат ичра чекти они.

Фарҳоднинг *висол чархи ҳарамида тўққиз парда ичра маҳрам бўлиши* ҳам фалак ул-афлокда *ҳарими ваҳдат* ичра юз берган ҳолатга ҳамоҳанг. Меҳинбону Фарҳоднинг меҳнат ва ҳимматидан беҳад миннатдор эди. У *зиёфат ҳарир ва ҳуллалари узра мажлис тузиб*, Фарҳодни қасрга чорлайди:

Деди Бонуки, айвон ичра кундуз,
Қўёли жоми май ичмак сори юз.
Жаҳонға мушк сепса шоми дайжур,
Қилиб равшан фалакдек шамъи кофур,
Тутоли бир нафас қаср ичра ором,
Вале ором тутмай тортали жом.

---

[1] Тўрт унсур: тупроқ, шамол, ўт, сув.
[2] Олти томон: ўнг, чап, олд, орқа, юқори, паст.
[3] Беш ҳис: кўриш, эшитиш, таъм, ҳид ва бадан сезгиси.
[4] Еру осмон.

Мажлисда Ширин ҳозир бўлса ҳам, ҳаё ва андиша уни парда ортига яширган эди. Меҳинбону гоҳ Фарҳоднинг *ашки гаҳи бошидин ошиб, гаҳ* Ширинниng *оҳидин олам тутошиб* турганини билса-да, ошиқ ва маъшуқни *висол ҳарамида маҳрам* қилишга шошилмайди. Чунки Фарҳод тоғ қазиб, ўзининг беқиёс куч-қудратини намойиш қилган, сўзларидан ақлу заковат, юзларидан фаҳму фаросат билиниб турган бўлса ҳам, Меҳинбону унинг ким эканлигини, тўғрироғи, Ширин васлига муносибми-йўқми – буни ҳали яхши билмас, нозик биллур деб ўйлагани қаттиқ тош бўлиб чиқишидан ҳадиксирар эди. Шунинг учун у Фарҳодга синов ҳозирлайди.

Бу синов *ўн фанда соҳиб камол ўн қиз* билан баҳсдир. Ўн қиз ўн фанда шу қадар камол касб этган эдики, улар таърифида ўн бор сўз юритган билан фазилатларининг ўндан бирининг ўндан бирини ҳам айтиб бўлмас эди: *ашараи комила алар таърифидин ушри ашир бўла олғай*. Меҳинбону ишорат қилгач, "ўзининг фаннида ҳар шўхи моҳир ғаройиб кўп қила бошлади зоҳир". Фарҳод жавоб қайтар экан, "табъи поку зеҳни олий" намойиш қилиб, ҳаммани ҳайратга солади. Навбат қизларнинг ўзига савол беришга етганда эса, гарчи бу саволлар уларнинг ўз фанларидан бўлса ҳам, "жавобида санамлар бўлди ожиз", чунки бу қадар "эшитмай мушкил нукта ҳаргиз". Шундай қилиб, *ўн фанда соҳиб камол ўн қиз анинг қошинда изҳори фазл қилиб, ўзларининг қонидек, яъни юзидек хижолат бошларин қуйи сол*адилар.

"Билик аҳлиға шоҳу сарвар" Меҳинбонуга маълум бўладики, Фарҳоднинг сўзларида "зоҳир асрори илоҳий", жамолида эса "аён анвори шоҳий". Бу оддий тош кесар эмас, "гуҳарлик тождан бош қочирган" шаҳзода бўлса керак, – деб ўйлайди у. Шаҳзодага эса тожу тахт муносиб. Меҳинбону ўз тахтидан тушиб, Фарҳоддан унга чиқиб ўтиришни сўрайди. Аммо Фарҳод "тахт поясидин аёғ яшуриб" отасидан узр сўрагандай, Меҳинбонудан ҳам узр сўрайди: *Бону нима деса, жонимга миннат, аммо бу илтимоси эмас*, – дейди у. – *Бало тоғини киприк билан ёрмоқ ёки уни тирноқ билан ердан қўпормоқ бу ишдан юз қатла осонроқ*. Чунки:

Гадоу салтанат тахти йироқдур,
Анга ер узра тупроқ яхшироқдур.

Фарҳоднинг сўзларига қулоқ солар экан, Меҳинбонунинг ҳайрати тобора ошиб боради: Фарҳоднинг гапу сўзлари бошдан оёқ ростлик ва поклик бўлиб, гўёки инсон суратидаги бир фаришта эди. Бундай инсон покликка хилоф бирор иш қилади деб ўйлаш бутунлай фосид хаёл эди. Ниҳоят, Меҳинбону *унинг кўзу кўнгли бутунлай пок, бундай кўз эгаси қусурдан йироқ*, деган қатъий бир хулосага келади:

Анга кўзу кўнгул жуз пок эмасдур,
Назарда пок кўздин бок эмасдур.

Бундан кейинги воқеалар иккинчи фанода Ёр васлига ошноликнинг рангин ва бетакрор манзараларидир. Меҳинбону дейдики: хўблар шоҳига айтинг, бир дам мезбонлиқ расми тутсун, юзидин меҳмон кўзин ёрутсун! *Ширин, фалак қасридин қуёш чиққондек, қаср ҳужрасидин чиқиб, меҳри жамоли кавкабаси била анжуманни равшан қил*ади. Мажлисда соқийлар пайдарпай жом тутар эдилар. Ширин ҳам неча соғар лаболаб нўш айлаб, ўз девонасидек сархуш бўлади. Бода зўридан андиша пардаси кўтарилиб, Фарҳодга миннатдорлик изҳор қила бошлайди: *Эй фазлу камол аро олам элидин фарду нодир*, – дейди у, – *йўлингга хазиналар сочсак ҳам кам. Даврон танингни, не ёлғиз танинг, балки*

жони пурфанингни балолардан асрасин! Ширин дудоғидан тўкилган бундай сўз дурларини эшитар экан, Фарҳод ҳушини йўқотиб, девордаги сурат сингари жонсиз бўлиб қолади.

Ширин қўлида май тўла қадаҳ билан Фарҳод ёнига келиб, *тутди ором.* Ширин Фарҳодга:

Деди лаълиға олиб лаъли аҳмар:
"Сенинг ишқингда нўш эттик бу соғар".

Бу ҳол Фарҳоднинг ҳушини олади, чунки у шу пайтга қадар май исидан маст бўлган бўлса, энди, не ҳолки, соқий унга ҳамдаст бўлди. Ширин соғарни яна лиммо-лим қилиб, Фарҳодга тутади:

Ичиб жоми лаболаб тутти ул дам,
Ки: "Нўш этгил менинг ишқимда сен ҳам".

У қадаҳдаги майни олиб, шундай бехудона сипқордики, – дейди шоир Фарҳоднинг ҳолатини тасвирлаб, – *гўё соғар нақшлари ўчиб кетгандай бўлди*:

Олиб сипқорди андоқ бехудона,
Ки соғар нақшидин кетти нишона.

Албатта, бутун манзара мажозий бўлгани сингари, соғар нақшларининг ўчиши ҳам мажозийдир. Май ишқ, соғар ёки жом кўнгил экан, аслида шундай ҳолат юз беради: *Фарҳод ишқ майини шундай сипқордики*, – дейди шоир, – *кўнглидаги Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг суратидан нишон ҳам қолгани йўқ*. Кейинги байт ҳам бу байт билан ҳамоҳанг:

Вужуди нақши кўнглидин ююлди,
Кўнгул нанги вужудидин қутулди.

Вужуд нақши ҳар бир кишининг ўзини ўзича бор деб ўйлашидир. Бу маърифатдан бебаҳралик бўлиб, шоир фалсафасига кўра, Ҳақ вужудидан ўзга, ундан ташқарида ҳеч қандай вужуд йўқ. Меърож чоғи Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва саллам ҳам шундай ҳолга тушган эдилар:

Вужуде кўрмади жуз Ҳақ вужуди,
Тузулди Ҳақ каломидин суруди.

Вужуд ҳам мосиваллоҳ – Аллоҳдан ўзга нарсалар каби Ёр рухсорига тортилган пардадир. Навоий ижодида *нафйи вужуд* деган ибора бор, унинг маъноси вужудни рад этиш бўлиб, нафйи вужуд чораси майдир.

Манга бодадин бўлди нафйи вужуд,
Санга зуҳд ани қилмоқ исбот учун,[1] –

дейди бир байтида шоир Ҳақдан ўзга ҳам вужуд мавжудлигини исбот қилмоқчи бўлган зоҳидга. Қуйидаги байтнинг мазмуни Фарҳоднинг ҳолати билан тўғридан тўғри алоқадор. *Агар ёр васлига ошнолик тиласанг*, – дейди шоир, – *вужуд уйини бузиб, кўнгил ҳарамида янгидан фанони унга маҳрам қил*:

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 519.

Чу ёр васли тиларсен, вужуд уйини бузуб,
Кўнгул ҳаримида қил маҳрами фано иҳдос.[1]

*Нанги вужуд*нинг маъноси вужуд ор-номуси бўлса ҳам, вужуд кибри, вужуд ғурури, вужуд фахри ёки худпарастлик дейиш тўғрироқдир. Нанги вужуднинг нангу ном деган шакли ҳам бор. Нанги вужуд ёки нангу ном вужуднинг ўзидан ҳам қалинроқ парда: агар вужуд кишининг ўзини бор деб ўйлаши бўлса, нангу ном у билан фахрланишдир. Шунинг учун май билан нангу ном бир-бирига зид. *Эй ҳуши жойида бўлганлар*, – дейди Навоий бир байтида нангу ном эгаларига мурожаат қилиб, – *майхона олдида турманг ёки мен каби бошдаги саллани май учун гаровга қўйиб, тарки нангу ном айланг*:

Эй саломат аҳли, ўт майхонадин, ё мен киби,
Майға сажжоданг гарав қўй, тарки нангу ном бер.[2]

Маълум бўладики, вужуди нақши ҳам, вужуд нанги ҳам, соғар нақши сингари, ўзликнинг ранго-ранг суратларидир. Дарҳақиқат, кейинги байтда айтилишича, Фарҳод ўзини ўзлик ғамидан, балки йўқлик оламидан халос қилган эди:

Қилиб ўзни халос ўзлик ғамидин,
Не ўзлик, балки йўқлик оламидин.

Май соғарини париваш соқийга қайтарар экан, Фарҳоднинг ҳуши ўзидан бориб, бехудона тупроққа йиқилади:

Аёғни топшуруб фарди замона,
Ўзин тупроққа солди бехудона.

Бу ҳолатнинг номи иккинчи фано, Ёрга ошноликдир! Боши ул санамга эгилган чоғда “бу оламдин яна бир оламға кетти”, дейди шоир бу ҳолатни шарҳлаб:

Боши чун ул санамни сажда этти,
Бу оламдин яна оламға кетти.

“Бу олам” мажоз олами бўлса, “яна бир олам” ҳақиқат оламидир. Фарҳоднинг жисми “бу олам”да бўлса, руҳи “яна бир олам”га кетган эди.

Кўтармак истади бошин паризод,
Йиқилди жисми, кетмиш эрди Фарҳод.

Бу бағоят ширин ҳол, Суқрот ҳаким башорат қилганидек, “иқболи сармад, бахти жовид” эди. Фарҳоднинг бу ширин ҳолини наззора қилган Ширин ҳам унинг ёнига йиқилади:

Бу ширин ҳол чун наззора қилди,
Анинг ёнида Ширин ҳам йиқилди.

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б.67.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б.124.

Кўринадики, меърож воқеаси билан Фарҳод ҳолати ўртасида тўла ўхшашлик бор: сарлавҳада тилга олинган *тўққуз парда* тўққиз осмон, *чарх ҳарами* эса *ҳарими ваҳдат* – бирлик ҳарамидир. Агар Муҳаммад пайғамбар "тийра хокдондан" ломаконга кўтарилиб, "ҳарими ваҳдат ичра қадам чек"кан бўлсалар, Фарҳод "фироқ хоро камари"ни тарк айлаб, "висол чархи ҳарамида маҳрам бўл"ади. *Аслини олганда бу ҳам уруж*: Фарҳоднинг руҳи, Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламдек, собиту сайёра мақомларидан бир-бир ўтиб, тўққизинчи осмонга етган, "ҳарими ваҳдат" ичра Ҳаққа маҳрам бўлган эди. Чунки кимки касби фано қилса, унинг кўкка қадам қўйиши муқаррар:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох[1].[2]

Албатта, Фарҳоднинг "кўкка қадам қўй"иши асло тасодифий эмас. Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва саллам ҳақиқат аҳли орзусидаги *Комил инсон* бўлиб, улар наздида меърож воқеаси, меърож чоғи Ҳабибуллоҳнинг Ҳақ ҳузурида бўлиши ҳеч кимга насиб этмаган улуғ саодат эди. "Иқболи сармад, бахти жовид" лаҳзаларини ишқ сардафтарига дарж этар экан, шоирнинг меърож воқеалари ҳамда *энг Комил инсондан* илҳомланмаслиги имконсиз бир ҳол эди. Фанойи олий тасвирини олий мақомларда якунлар экан, шоир боб охиридаги "соқийнома"да Фарҳодга муяссар бўлган висол сархушлигидан ўзи ҳам сархуш бўлиб, худди Фарҳоддек жон кўзгусида Жонон жилвасидан нишона топиш орзусини баён қилади:

Кетур, соқий, манга миръоти жоний,
Ки анда топқамен жонон нишони!
Чу жонон акси кўргузгай бу кўзгу,
Ўзумдин борғамен ул навъким сув.

III боб хулосалари:

1. Юнон мулкига сафар асар бадиий тўқимаси ва Фаҳод маънавий-руҳий такомилида алоҳида ўрин тутадиган воқеадир. Асарнинг бу бобларида қаламга олинган воқеа ва тимсоллар бошдан оёқ мажоздан иборат. Агар улуғ шоир шу пайтга қадар Фарҳоднинг руҳий ҳолатини истиоравий ифодалар воситасида тасвирлаб келган бўлса, энди унинг руҳида кечаётган мураккаб жараёнларни мажозий тимсол ва тафсиллар суратида кўрсата бошлайди. Фарҳод уч манзилда маҳв этган уч офат: аждаҳо, дев ва Искандар тилсими ҳамда бу манзилларда қўлга киритган Афридун ганжи, Сулаймон узуги, Жамшиднинг жоми ва ниҳоят Оинаи Искандарий ана шундай тимсоллардир.

2. Аждар ғам ёки касрат, яъни ўткинчи ҳою ҳавасларнинг кўнгил кўзгусини хиралаштириб турган суратлари, Афридун ганжи эса *Ҳақ жамолининг жилвасидир*. Фарҳод аввалги манзилда ғам аждарини ўлдириб, Афаридун ганжига муяссар бўлган экан, бу билан шоир шундай дейди: *Фарҳоднинг кўнглида ғам аждари, яъни дунё меҳри маҳв бўлиб, унда ҳусн ганжи, яъни Ҳақ жамоли жилва қила бошлади.* Боб сарлавҳаси шу ҳолатнинг мажозий ифодасидир. Фарҳод ғам аждаҳоси – *кўнглидаги дунё меҳрини* беқиёс ирода ва мардоналик билан маҳв этади: *Фарҳоднинг аждаҳоваш кўҳ пайкарига миниб, аждаҳокушлик тийғин чекиб, аждаҳо водийсига кириб, аждаҳо уни ўқ йилонидин дамор чиқорғондек, аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи.*

---

[1] Густох – бемалол.

[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 105.

3. Дев нафс тимсоли, Сулаймон узуги эса Фарҳоднинг заминий иллатлардан покланиб, илоҳий жамол жилваси билан тўлган кўнглидир. Агар аввалги манзилда ғам аждаҳоси маҳв бўлиб, Фарҳоднинг кўнглида Ҳақ жамоли илк бор жилва қилган бўлса, иккинчи манзилда нафс деви мағлуб бўлгач, Ҳақ жамоли жилва қилиш билан бирга, Суруш ҳам садо бериб, Фарҳодни ғайб сирларидан огоҳ эта бошлайди.

4. Суҳайлойи ҳаким Фарҳодга берган *самандар ёғи* ҳам қалқон қуббаси ҳамда узук кўзига ёзилган *исми аъзам* сингари *Маҳбуби ҳақиқийнинг улуғ исми,* балки *бу улуғ исмнинг*, Хизр уқтирганидек, *муттасил зикридир*.

5. Тилсим ғам ёки жисм, Жоми Жам эса касратни тарк этиб ваҳдатга етган, дунё меҳридан халос бўлиб, Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган кўнгилдир. Тилсим ўз бағрига ганжни яширганидек, жисм ҳам кўнгилни ўз бағрига яширган.

6. Фарҳод босиб ўтган уч манзилни кўнгил соҳиби бўлиш йўлидаги ўзига хос уч манзилдир. Бу манзилларни бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Бири иккинчисининг ибтидоси, айни чоғда, интиҳосидир: биринчи манзилда Фарҳод аждарни енгиб, Фаридуннинг қалқон ва қиличини забт этди – Ҳақ жамоли кўнглида илк бор жилва қилди. Қилич ва қалқон билан иккинчи манзилда девни ўлдириб, Сулаймон узугига эга бўлди – Ҳақ жамоли жилва қилиш билан бирга, унинг кўнглида "фархунда хотиф", яъни Хизр садо берди. Сулаймон узуги ва Хизрнинг жонбахш ўгитлари ёрдами билан учинчи манзилда Искандар тилсимини саранжом айлаб, Жамшид жомини қўлга киритди – *Ҳақ жамоли жилваси билан лиммо-лим тўлган,* айни чоғда, *худди Хизрнинг равшан кўнглидек* олам ҳодисотларини ҳам, ундаги энг яширин сирларни ҳам худди кўзгудагидай акс эттирадиган кўнгил соҳибига айланди. Шу маънода Фарҳоднинг Юнон сафарини кўнгил сафари деб ҳам айтиш мумкин.

7. Юнон мулкига сафар ва ундаги тимсоллар тамомила Навоийнинг бадиий ихтироъси бўлиб, уларни шоир ўз ғояларининг инкишофи учун лирикада мавжуд бўлган тимсоллар асосида ижод қилган. Ҳар бир воқеа қатъий бир бадиий низом асосида яратилган. Фарҳод бир офатни маҳв этиб, унинг хазинасидаги бир мўъжизавий жисмга эга бўлади: 1) *аждарҳо – Афридун ганжи*; 2) *дев – Сулаймон узуги*; 3) *тилсим – Жамшид жоми*.

8. Тоғ ва "Айн ул-ҳаёт" чашмаси аждаҳо ва Афридун ганжи, дев ва Сулаймон хотами, тилсим ва Жамшиднинг жоми каби асар бош ғоясининг мўъжаз ифодасидир, яъни: *Бири ўзликни қилмоқ бўлди фоний*: аждарҳо, дев, тилсим, тоғ; *Яна бир доғи топмоқ бўлди Они*: Афридун ганжи, Сулаймон узуги, Жамшиднинг жоми, "Айн ул-ҳаёт" чашмаси.

9. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, фанонинг икки даражаси бор: *аввалги фано, иккинчи фано*. Ёр даргоҳига етишиш *аввалги фано* бўлса, Ёрга ошнолик *иккинчи фано*дир. Юнон сафари *аввалги фано* эди. Бу мақомда Фарҳод кўнгил Оинаси ўзликнинг касрат, нафс ва ғайр нақши каби қатор иллатларидан покланиб, унда *Ёр жамоли жилва қилди.*Арман кишваридаги воқеалар: Фарҳоднинг "фироқ хоро камари"ни тарк айлаб, "висол атласи чархи ҳарамида тўққуз парда ичра маҳрам бўл"иши эса иккинчи фано, ўзига хос уруждир.

10. Фарҳоднинг Арман кишварида тоғ қазиб, "Айн ул-ҳаёт" чашмасидан сув келтириши воқеалари ҳам *ўзликни қўймай, они топмас* ғоясининг ўзига хос яна бир кўриниши: *тоғ ўзлик бўлса, "Айн ул-ҳаёт" васлдир*. Аммо тоғ ва чашма ғоявий мазмун инкишофи ва Фарҳод руҳий камолотида бутунлай янги бир босқич: агар Юнон сафарининг натижаси ўлароқ, Ширин жамоли билвосита – Оина юзида жилва қилган бўлса, энди бевосита – Фарҳоднинг кўз олдида намоён бўлиб, уни Ёр васлига ошно қилади.

11. Фарҳоднинг тоғдаги қасрда Ширин қўлидан май ичиб, маст бўлиши иккинчи фанонинг олий даражаси – *фанойи комил*дир. Фарҳод бу мақомда *фано ҳусулидин бақо вусулиға* етади. Меърож воқеаси билан Фарҳоднинг XXV боб сарлавҳасида тасвирланган ҳолати бир-бирига

ўхшаш: сарлавҳада тилга олинган *тўққуз парда* тўққиз осмон, *чарх ҳарами* эса *ҳарими ваҳдат* – бирлик ҳарамидир. Агар Муҳаммад пайғамбар “тийра хокдондан” ломаконга кўтарилиб, “ҳарими ваҳдат ичра қадам чек”кан бўлсалар, Фарҳод “фироқ хоро камари”ни тарк айлаб, “висол чархи ҳарамида маҳрам бўл”ади. *Аслини олганда бу ҳам уруж*: Фарҳоднинг руҳи, Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва салламдек, собиту сайёра мақомларидан бир-бир ўтиб, тўққизинчи осмонга етган, “ҳарими ваҳдат” ичра Ҳаққа маҳрам бўлган эди.

IV БОБ

БАДИИЙ МАҲОРАТ: ДИЛКАШ МАЪНОНИНГ ХУШ СУРАТЛАРИ

Алишер Навоий бадиийликнинг юксак чўққиларига кўтарилиш билан бирга, лирик шеърлари, адабиётшуносликка оид асарлари ва айниқса, “Хамса” достонларининг муқаддима бобларида сўз санъатининг асоси, маъно ва сурат (мазмун ва шакл) уйғунлиги, бу уйғунликни юзага келтирувчи усул ва воситалар ҳақида ғоят қимматли мулоҳазаларни баён этади.[1] “Ҳайрат ул-аброр”даги “Ул маънидаким...” деб бошланувчи сарлавҳада таъкидлашича, сўз санъатининг асоси *маъно*дир, сўз *қолип* бўлса, маъно унинг жони, маъносиз сўз эса жонсиз қолипдан ўзга нарса эмас: *сўздаги маъни жоне дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз*. Шеърий мисраларда бу фикрни кенгроқ шарҳлар экан, у қолипни *сурат* деб атайди. Бадиий сўзнинг сурати турлича: фард, туюқ, рубоий, ғазал, мухаммас, таржиъбанд, таркиббанд, маснавий каби шаклларда бўлиши мумкин, аммо қандай бўлмасин, улар учун *асл* – бирламчи асос ва мақсад *маъно* бўлиши лозим:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.[2]

Шоир, достонда таъкидлаганидек, сўз санъатида тасвирланиши лозим бўлган бир бош маъно бор, у ҳам бўлса, *дард ила сўз*. Бу ғоя шоирнинг бошқа асарларида ҳам учрайди. Жумладан, бир қитъасида ўзига ибрат бўлган устоз санъаткорлар ҳақида сўзлаб, улардан уч кишини алоҳида ажратиб кўрсатади: *соҳири Ҳинд*, яъни Хусрав Деҳлавий, *ринди Шероз*, яъни Ҳофиз Шерозий, *орифи Жом*, яъни Абдураҳмон Жомий. Шоир Ҳофизни яна *Исо нафас,* Хусравни *мўъжиз баён*, Жомийни эса *қудсий асар* шоир деб атайди.[3] Уларнинг сўз рутбасида бундай аъло даражаларга етишига боис, аввало, улар асарларида бош ўрин тутган *дард ила сўз*дир. *Эй Навоий*, – деб ўзига мурожаат қилади шоир ғазалларидан бирида, – *санъату рангни* (санъатпардозлик ва сохталик)ни *қўй*, *сўзда сен, Хусрав* ва *Жомий асарларидаги каби дард ила сўз керак,* ҳақиқий ижодкорлик шундан иборат:

Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври,
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.[4]

Чунки сўз *дарду сўз*дан ҳоли бўладиган бўлса, унинг сурати нечоғли чиройли, нечоғли рангин бўлмасин, маъно аҳллари қошида мақбул эмас:

Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хуб эмас.[5]

---

[1] Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Б. 96–115; Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 57–68.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Еттинчи том. – Тошкент: Фан, 1991, Б.61.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Олтинчи том. – Б.516.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5- том. – Б.157.
[5] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Б.62.

Шундай қилиб, улуғ шоир бадиий ижодда ғоявийлик байроғини баланд тутиб, *суратсозлик* – дард ила сўздан маҳрум шаклбозликни кескин танқид қилади. Унинг фикрича, *сурати хуш* бўлган сўзнинг *маъноси* ҳам *хуш* ва *дилкаш* бўлиши лозим:

Назмки ҳам сурат эрур хаш[1] анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.[2]

Алишер Навоий асарлари, у хоҳ лирик шеър, хоҳ эпик достон, хоҳ насрий асар бўлсин, суратан хуш, маънан дилкашликнинг мужассам тимсолидир. Шоирнинг "Фавойид ул-кибар"да *маъно* ва *лафз* сўзларини нафис тасвирий воситага айлантириб, ички бир мамнуният, чуқур фахр ва қониқиш билан қайд этганидек, лафзга зеб беришдан мақсад маънодир, айни чоғда, ҳеч бир лаффоз – сўз санъаткори лафзга зеб бериб, маъно ифодалашда у қадар юксак маҳорат топган эмас:

Лафз зебида Навоийға берур маъни юз,
Қайда маънида топар мунча маҳорат лаффоз.[3]

Бу сўзлар насрий сарлавҳаларга ҳам тўла тааллуқлидир. Улуғ шоирнинг *лафз зебида маъно юз* кўрсатувчи воситалари беҳад кўп ва ранг-баранг бўлиб, уларни анъанага кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) маънавий санъатлар;
2) лафзий санъатлар;
3) муштарак (маънавий-лафзий) санъатлар.[4]

Аммо Ё.Исҳоқов "Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар" ҳамда "Навоий поэтикаси" номли тадқиқотларида Навоий лирикасида мавжуд бўлган санъатларни таҳлил қилар экан, гарчи турли гуруҳга мансуб бўлса-да, ижод жараёнида бир қатор тасвирий воситалар ўртасида вазифа, хусусият ёки услубий жиҳатдан яқинлик вужудга келишини таъкидлаб, уларни алоҳида тасниф қилади.[5] Бу таснифга суянган ва унга айрим ўзгартиришлар киритган ҳолда, насрий сарлавҳалардан ўрин олган санъат намуналарини қуйидача гуруҳлаштиришни лозим топдик:

1. Истиоравий-рамзий тасвир усуллари.
2. Композицион-стилистик воситалар.
3. Ҳарфий санъатлар.

Бу гуруҳга кирган санъатлар мисолида ҳам Алишер Навоийнинг нечоғли улуғ маҳорат соҳиби бўлганлигини яққол кўриш мумкин.

---

[1] Бу сўзнинг икки шакли бор: хуш, хаш. Бу ўринда хаш деб ўқиш керак, бўлмаса, қофия бузилади.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7- том. – Б.62.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6- том. – Б.199.
[4] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.34.
[5] Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар. // Навоий ва ижод сабоқлари – Тошкент: Фан, 1981. – Б.51; Исҳоқов Ё. Навоий потикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.106–107.

1-ФАСЛ. ИСТИОРАВИЙ-РАМЗИЙ ТАСВИР УСУЛЛАРИ

Ташбеҳ ва истиора. Сўз санъатини ташбеҳ ва истиораларсиз тасаввур этиш қийин, ташбеҳ ва истиора сўзни санъат даражасига кўтарувчи энг бирламчи тасвирий воситалардир. Ўтмиш араб адабиётшуносларининг тасвирий воситаларни *маҳосин*[1] деб номлаб, уларни икки турга: *маҳосини зотий* (туб, туғма) ва *маҳосини оризий* (ясама, сунъий) каби турларга бўлишлари, зотий ҳусн деганда эса энг аввало ташбеҳ ва истиорани назарда тутишлари ҳам бежиз эмас.[2] Зеро, муайян асарнинг ғоявий мазмуни ҳам, шоирнинг бадиий маҳорати ҳам энг аввало ташбеҳ ва истиораларда кўзга ташланади. Шу маънода ушбу тасвирий воситаларни ғоявий мазмун ва шоир маҳоратининг ўзига хос мўъжаз кўзгуси деб айтиш мумкин.

"Навоий шеъриятининг энг биринчи фазилати бўлмиш тасвирдаги таносуб унинг ташбеҳларида ҳам етакчилик қилади, – деб ёзади таниқли Ё.Исҳоқов. – Ташбеҳ учун танланган ҳар бир лавҳа ёки деталь тасвир объекти билан қандайдир йўл билан боғланишли бўлиб, ўшанга хизмат қилади".[3] Айтиш мумкинки, бу хусусият, яъни ташбеҳ ёки истиоранинг тасвир объекти билан бевосита боғланиб кетиши сарлавҳаларда шоирнинг лирик асарларига қараганда ҳам изчил ва кучлироқ намоён бўлган. Маълумки, достондаги воқеалар ривожида тоғ тасвири муҳим ўрин тутади. Асарда ана шу тафсил билан боғлиқ ташбеҳ ва истиораларнинг бутун бир силсиласи мавжуд. Жумладан, шоир XXXI боб сарлавҳасида Ширинниng тоққа, Фарҳод ҳузурига келиб, унга нисбатан кўнглида меҳр уйғонишини шундай тасвирлайди: *қуёш тоғдин тулуъ қилғондек, ул кўҳи бало сарвақтиға етгони ва анинг метини ламъасининг барқи мунинг хородек кўнглига асар этгони.*[4] Биринчи жумлада иккита истиора мавжуд: *қуёш* ва *кўҳи бало* (бало тоғи), ҳар иккиси ҳам икки маъноли бўлиб, шоир қуёш деганда ҳам қуёшни, ҳам Ширинни, кўҳи бало деганда эса ҳам тоғни, ҳам Фарҳодни назарда тутади. Ширинниng Фарҳод ҳузурида пайдо бўлишини эса қуёшнинг тоғ чўққиси узра нур сочишига ўхшатади: *Қуёш тоғ ортидан чиқиб, чўққида пайдо бўлганидек, Ширин ҳам қуёшдек тоғ ортидан чиқиб, ул бало тоғи – Фарҳоднинг ҳузурида пайдо бўлади.* Иккинчи жумлада Ширинниng кўнгли хоро – тошга нисбат берилган: *хоро(тош)дек кўнгли. Унинг, яъни Фарҳоднинг метинидан чақнаган чақмоқ,* – дейди шоир истиоравий тасвир услубини ишга солиб, – *тоғ тошларига қандай асар қилган бўлса, мунинг, яъни Ширинниng хородек кўнглига ҳам шундай асар қилди.*

Хоро, яъни *тош* тафсили XXXIX боб сарлавҳасидан ўрин олган ташбеҳ ва истиоралар учун ҳам асос бўлган: *элчининг шаҳдлиқ заҳри шишаси қалъанинг хорасидин ушолғони, яъни Миҳинбону хорадек маҳкам жавобларидин ожиз қолғони.* Жумладаги *шаҳдлиқ заҳри шишаси, қалъанинг хораси* бирикмалари истиора, *хорадек маҳкам* бирикмаси эса ташбеҳ санъатини ҳосил қилган.

Хусрав Ширинга уйланмоқ орзуси рад этилгач, Арманияга бостириб келиб, уни қамал қилади. Аммо ичкарига кира олмайди, чунки қалъа дарвозасини Фарҳод қўриқлаб турар

---

[1] *Маҳосин – ҳусн* сўзининг кўплик шакли.

[2] Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1983. – С.130; Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ.. – Б.34.

[3] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.147.

[4] Фарҳод в Ширин. – Б. 31.

эди. Иложсиз қолган Хусравга Бузург Уммид шундай йўл кўрсатади: бир мактуб ёзиб, уни Меҳинбонуга элчи орқали юбормоқ даркор. Элчи бизнинг сўзларимизни унга етказсин, бу сўзларда ҳам лутф бўлсин, ҳам таҳдид, ҳам ўтинч, ҳам пўписа. Шунда у, шубҳасиз, ўз заифлигини англаб, биз билан мурoса қилишга мажбур бўлади:

Шак эрмаским, аён айлаб мадоро,
Забунлуқ айлагайлар ошкоро.

Хусрав, сарлавҳада тасвирланишича, *лутфомиз алфозға қаҳр ва шаҳдангиз каломға заҳр қотиб,* бир мактуб ёзади. Бу мактуб гўёки *шаҳдлиқ заҳр шишаси* – заҳар қўшилган асал шишаси каби эди. Хусрав мактубда Меҳинбонуга таъна тошларини ёғдириб, унинг аввалги элчиларига берган жавобини эслатади. Меҳинбону, гарчи Хусравдай қудратли ҳукмдорнинг сўзларини рад этиш қийин бўлса ҳам, ошиқ ва маъшуқни бир-биридан жудо қилишни истамай, Ширинниng бир айби бор, деб баҳона қилган эди: *ки жуфт отин қошида тутса бўлмас, бу сўзнинг гирдига ёвутса бўлмас.* Агар шу гап рост бўлса, – дейди Хусрав мактуб орқали заҳрини сочиб, – нега бу кун унинг кўнгли Фарҳодга мойил бўлган? Эшиттимки, бу телба гадонинг оҳи оламни тутган бўлса ҳам, ул ойнинг жаҳли чиқмас, аксинча, уни тез-тез қасрига чорлаб, васлидан баҳраманд айлар эмиш:

Висоли бирла айлаб кўнглини шод,
Ғами ҳажридин айлар эрмиш озод.

Хусрав бу сўзлар Меҳинбону кўнглига қўрқув солар, айбига иқрор бўлиб, оқибат шафқат тилар деб умид қилган эди. Аммо унинг *шаҳдлиқ заҳри шишаси қалъа хорасидин ушалади.* Меҳинбону унга *хородек маҳкам жавоблар* қайтаради. Фарҳод ишқи сен ўйлаган ишқ эмас, – дейди у Хусрав таънасига жавобан:

Бу кун Фарҳод ул озодавашдур,
Ки йўқлуқ бодасидин журъакашдур.
Фано ўти аро андоқки хошок,
Вужуди хирманин пок ўртамиш, пок.
Бўлубтур уйла Ҳақ зотида фоний,
Ки йўқтур анда ўзлукнинг нишони.

Озодаваш[1] ошиқ учун ҳамма нарса мазҳардир, – деб таъкидлайди Меҳинбону, – у нимагаки назар солса, унда фақат Ҳақ жамолининг жилвасини кўради. Ширин эса Ҳақ жамолининг энг гўзал, энг чиройли мазҳаридир, бинобарин, Фарҳоднинг Ширинга ошиқлиги Ҳаққа ошиқликдан ўзга нарса эмас:

Бу ашё ичраким, бўлғай мазоҳир,
Кўрар мазҳарни ҳар ён бўлса нозир.
Қаю мазҳарки, ажмал келса мавсуф,
Ажаб йўқ анда кўпрак бўлса машъуф.

[1] *Пок* сўзининг маънодоши.

Маълум бўладики, сарлавҳада келтирилган истиора ва ташбеҳ – *қалъа хораси, яъни Меҳинбонунинг хородек маҳкам жавоблари* ҳақиқий ишқнинг тамсилий ифодасидир. Шу маънода Хусрав мактубини "сохта ишқ", Меҳинбонунинг Хусравга жавобини эса, худди Суқрот ҳаким сўзлари каби, "ҳақиқий ишқ рисоласи" деб айтиш мумкин. Агар Суқрот сўзлари бу рисоланинг дебочаси бўлган бўлса, Меҳинбонунинг жавоблари унинг фано ҳақидаги боби, балки хотимасидир. Фарҳод бу рисолани ёшлик чоғларида "дард муаллими мактабида" "лафз-балафз, балки ҳарф-баҳарф ўқиган", аммо Хусрав бу рисоладан бехабар эди. Ҳақиқий ва хусравона (авом) ишқ ўртасидаги фарқ ва зиддият шоир яратган истиораларда ғоят ёрқин ифодаланган: *заҳр шишаси – қалъа хораси.* Шиша тошга тегиб, қандай синса, Хусравнинг ишқ ҳақидаги тубан тасаввурлари ҳам *қалъа хораси, яъни Миҳинбонунинг хорадек маҳкам жавобларига урилиб,* шундай *ушалади.*

Аммо бу Хусрав *заҳр шишаси*нинг *ишқ хорос*идан биринчи бор ушалиши эмас. Аввалроқ Фарҳод ҳам унга бу борада хорадек сабоқ берган эди. Хусрав Арман мулкига лашкар тортиб, уни қамал қилган чоғда Фарҳод қўрғонни ҳимоя қилиб, баланд бир тош устида ўтирар, агар тош тож бўлса, у тожга қадалган гавҳар янглиғ эди. Фарҳод сиймосига жо бўлган файзу шукуҳ Хусрав кўксига ўткир ханжардек санчилади. Аммо шундай бўлса ҳам, уни бир гадо деб билиб, такаббурлик билан ундан отини сўрайди. Фарҳод дейдики, от аҳли эмасман:

Ичимга ишқ ўтидин тушкали дуд,
Не отим, балки зотим бўлди нобуд.
Мени от англамакдин ишқ этиб ёт,
Мен отдин ёту мендин ёт ўлиб от.

Шу ўринда "Лисон ут-тайр"даги бир ҳикоят[1] ёдга келади: Иброҳим Адҳам Балх султони эди, аммо тожу тахтдан кечиб, сулук йўлига киради, Нишопурга келиб, бир вайронада қаттиқ риёзатга берилади. У муттасил рўза тутар, кечалари кўз юммай, бутун тунни бедорликда ўтказар, кундузлари эса ранж чекиб, бир қучоқ ўтин терар, ўтинни бозорга элтиб, пулига ифторлик олар эди. Бир куни *ақтоби замон* – бир гуруҳ комил пирлар султоннинг йўлини тўсиб, унинг сулукда қай даражага етганини билиш учун имтиҳон қиладилар. Ҳикоятда пирлар сўзи келтирилган эмас. Аммо Иброҳим Адҳамнинг жавобидан сезиш мумкинки, сулук пешволари унга шундай сўзлар билан мурожаат этишган: *Эйки, Иброҳими Адҳам, шоҳи Балх...* Иброҳим Адҳам уларга шундай жавоб қайтаради: *Ониким, сен тилайсен, қолди ул, Балхдин мен бу тараф тутқонда йўл.* Бу жавобни эшитиб, улар шундай хулосага келадилар: *нотамом эрмиш ҳануз*, чунки *мулку оти* ҳали ҳам ёдидан чиқмабди. Орадан бир йил ўтиб, шу ҳол яна такрорланади. Бу сафар дедиларким: *сулук ичра иши бўлмиш тамом.* Чунки *чиқмади бу қатла султондин нафас,* яъни, Фарҳод сўзлари билан айтганда, у отидан, оти эса ундан бутунлай ёт бўлган эди.

Фарҳод *от аҳли эмасман*, дер экан, аввало, маълум бўладики, унинг ҳам Иброҳим Адҳам каби *сулук ичра иши бўлмиш тамом.* Шу билан бирга, бу сўзлар Хусравнинг хусравлигига нисбатан яширин киноя ҳам. Чунки у, Фарҳоддан фарқли ўлароқ, нафақат зоти, балки оти билан ҳам *от аҳли*дир. Чунки хусрав сўзининг маъноси, аввал айтилганидек, подшоҳ. Хусрав хусравлиги: нафақат мулку зоти, балки оти билан ҳам фахрланар эди. Бу ҳол

[1] Лисон ут-тайр. – Б. 163–165.

Фарҳодга берган саволида ҳам, ошиқлик даъвоси қилиб, Меҳинбонуга йўллаган мактубида ҳам сезилиб туради. Ҳолбуки, чин ошиқлик, Фарҳод таъкидлаганидек, мулку оти билан фахрланиш эмас, балки ишқ аро *оти, балки зотини нобуд* қилмоқдир.

Аммо Хусрав Фарҳод ишқини ҳам ўз "ишқ"и каби бир ишқ деб гумон қилар, унинг кўнглида ҳам ўзи каби мулкият ғулуси бор деб ўйлар эди. "Ботини чиркин, зоҳири олтин бўлган Хусрав Фарҳодни ҳам тўни ялтироқ бир илон деб ўйлайди, – деб ёзади Ойбек Хусравнинг бу ҳолатини изоҳлаб. – Фарҳодда у ёлғиз бир рақиб – Ширин билан ўзи орасида ётган бир тиканни кўради. Тиканни оиб ташласанг – олам гулистон".[1] Фарҳод бу беҳуда уриниш эканлигини уқтирар экан, қўлига тош олиб, аввал Хусрав бошидан худи,[2] байроғидан маҳчасини[3] учиради, сўнгра эса тил тийғи билан бундан-да оғирроқ шикаст етказади. Эшиттим, – дейди у Хусравга, – жафо майдонига от сурганинг етмаганидек, ишқ ҳақида лоф ҳам урар эмишсан. Аммо бу қандай ошиқликки, ишқ аро жондан кечиш ўрнига "олай деб мулк элидин тахт ила тож", "қилурсан нозанин кўнглини ношод":

Бу бўлғай дарду ишқ ойини, ваҳ,ваҳ,
Вафоу меҳр шарти, Аллаҳ, Аллаҳ!
Киши ишқида зор бўлмоқ бу бўлғай,
Ғамидин беқарор ўлмоқ бу бўлғай!

Улуғ шоир бу воқеани сарлавҳада шундай тасвирлайди: *Фарҳоднинг тил хароши била анинг бағриға ниш сончмоғи.*[4] Жумладаги истиора – *тил хароши.* Бу истиора Фарҳоднинг дарду ишқ, вафову меҳр шарти ҳақидаги кескин сўзларининг ифодасидир. Истиоравий ифода таркибидаги *харош* сўзининг луғавий маъноси *тарошлаш, тирнаш.*[5] Бир қарашда бу сўз билан хоро ўртасида мутаносиблик йўқдек туюлади. Бироқ улуғ шоир бу сўзни бежиз келтирмаган, агар эътибор берилса, унинг *хороси, хораси* сўзлари билан муайян даражада ҳамшакл эканлиги кўзга ташланади: *хораси, хороси, хароши.* Уларнинг ёзувдаги ифодаси ҳам деярли бир хил: – خاراشی – خاراسی – خارہ سی. Натижада ийҳомангиз[6] бир санъат юзага келиб, *тил хароши* тил тийғи, тил найзаси каби маънолар билан бирга, *тил хораси* маъносига ҳам эга бўлиб қолган, яъни *Фарҳоднинг тил хораси била анинг (Хусравнинг) бағриға ниш санчмоғи.*

Хусрав Фарҳоднинг бу каби *қаттиқ тошидин пажмурда ва тош каби қаттиқ сўзидин озурда келиб,*[7] макр йўлини тутади. Бир ҳийлагарни топиб, уни Фарҳод ҳузурига йўллайди. Ҳийлагар сохта оҳу фиғон чекиб, дейдики, бир маҳбубим бор эди, қўрғон қамал қилиниб, ичкарида қолди, уни неча кунлардан бери уни кўра олмай, азобда қолдим. Фарҳод ўзгалар, айниқса, ишқ аҳлининг дардига тоқат қила олмас эди. Сохта ошиқнинг "ғами" уни беҳуш қилиб қўяди. Уни Хусрав ҳузурига келтирадилар. *Бузург Уммид ул бандларға муқайяд девона димоғиға ҳуш кетургач, Хусрав ҳужжат юзидин анга сўз қот*[8]иб, у билан ишқ ҳақида баҳс қилади. Шоир бу баҳс тасвирида ҳам шиша ва хоро тафсилларига мурожаат қилган, у

[1] Ойбек. Навоий гулшани. – Б.95.
[2] *Худ* – узун учли, баҳайбат жез қалпоқ .
[3] *Маҳча* – байроқ учига ўрнатилган ярим ой.
[4] Фарҳод ва Ширин. XXXVIII боб сарлавҳаси.
[5] Навоий асарлари луғати. – Б.650.
[6] С.Олим ибораси. Қаранг: Олим С. Ийҳомангиз санъатлар. // "Жаҳон адабиёти" журн., 2015, 2-сон. – Б. 132–141.
[7] Фарҳод ва Ширин. XXXIX боб сарлавҳаси.
[8] Фарҳод ва Ширин. XXXIX боб сарлавҳаси.

Хусравнинг саволларини шишага, Фарҳоднинг жавобларини эса хорага ўхшатади: *саволоти шишалари – жавоблари хораси.* Йигирма беш байтнинг бир мисраси Хусрав *саволотининг шишаси* бўлса, иккинчи мисраси Фарҳод *жавоблари хорасид*ан иборат.

Маълумки, Хусрав мунозарани қуйидаги *шишасифат савол* билан бошлайди:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ?
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ!

Хусравнинг сўзлари ҳар қачонгидек кибру ҳаво, дўқ-пўписа оҳанглари билан тўла. У Фарҳодни мажнуни гумроҳ: ақлини йўқотиб йўлидан адашган мажнун деб атайди. Фарҳод *жавобининг хораси* зоҳиран шу саволга киноядир: агар, – дейди у, – сен айтгандек мажнуни гумроҳ бўлсам, ватанимни қаердан билай?! Аммо аслида бу сўзлар ҳам оти, балки зотидан ҳам ётликнинг яна бир ўзига хос изҳоридир. Унинг касби камоли, балки мақоми, ўзи бундан кейинги байтда гувоҳлик берганидек, мажнунликдир – *Деди: недур санга оламда пеша? Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.* Мажнунлик эса шундай бир мақомдирки, бу мақомда, Иброҳим Адҳамдек, ишқ аҳлининг оти, балки мулку зоти ҳам ёт бўлади: ҳа, мажнунман, аммо шундай мажнунки, – дейди Фарҳод Хусрав саволоти шишасини синдириб, – мен ватандан, ватан эса мендан ётдир, бундай мажнун ватандан қандай қилиб огоҳ бўлсин!

Хусравнинг фикрича, ишқ ичра мажнунлуқ ақлга зид, чунки у бирор касб-кор эмаски, у билан кишининг тирикчилиги ўтса: *бу ишдин ўлмас касб рўзи*. Аммо Фарҳод унинг сўзларини қатъий рад қилиб дейдики, чин ошиқлар учун касб рўзи – тирикчилик, балки тирикликнинг ўзи ишқ сўзидир: *касб ўлса басдур ишқ сўзи!* Хусрав ишқ сўзидан бир нишон кўрсатишни сўраганда, Фарҳод унга шундай жавоб қайтаради:

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона,
Деди: куймай киши топмас нишона!

Улуғ шоир “Лисон ут-тайр”да ишқ сўзи ҳақида шундай ибратли бир ҳикоя келтиради. Қушларнинг кўнглига Симурғ шавқи тушганидек, бир гуруҳ парвоналар кўнглига ҳам шамъ шавқи тушган эди. Бир кун кечаси улар бир-бирига шундай дейди: шамъ ўтига ошиқ бўлсак ҳам, уни кўрмаганмиз, шунинг учун йўлга тушайлик, неки билсак, шарҳ этиб, унинг аслини баён айлайлик! Бу сўзни эшитиб, парвоналардан бири учиб кетади, бир шабистонга бориб қараса, шамъ нур сочиб турибди:

Чун мунаввар қилди нуридин кўзин,
Ёнибон[1] ёйди олар ичра сўзин[2].[3]

Аммо унинг *сўзи* ўзгаларга тушунарсиз эди, у *сўз*ни янада баландроқ қилди, бундан, барибир, фойда бўлмади. Шунда яна бир парвона шамъ сари парвоз қилди. У ҳам ёниб, сўз баёнига киришди, аммо бу сафар ҳам *бўлмади мақсуд жамъ ичра аён.* Чунки уларнинг пару боли шамъ ўтида куймаган эди, зеро, *куймай ўтда ҳирқатин билмас киши!*

[1] Икки маънода келган: 1) орқасига қайтиб; 2) куйиб.
[2] Икки маънода келган: 1) сўзларини; 2) куйишини.
[3] Лисон ут-тайр. – Б. 226.

Фарҳод таъкидлаган ҳақиқат ҳам шу эди – *Деди: куймай киши топмас нишона!*

Хусрав дейдики, *бу ишқ тарки яхшироқдир.* Фарҳоддан *бу шева ошиқдин йироқдир,* деган жавобни эшитгач, унга шундай дейди:

Деди: ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний,
Деди: тупроққа бермон кимиёни!

Байт ишқ ҳақиқатининг кўзгусидир. Хусрав наздида инсон учун энг олий саодат, энг олий бахт, бу – тожу тахт, кишвар, ганж. Шунинг учун у Фарҳодга ганж таклиф қилади, ганжни олсин-у, тарки ишқ айласин: *ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний!* Аммо Фарҳод учун тожу тахт ҳам, мулку ганж ҳам тупроқ билан баробар: *тупроққа бермон кимиёни!* Тупроқ биринчи мисрадаги ганжнинг, кимиё эса меҳр(ишқ)нинг истиоравий ифодаси бўлиб келган: *ганж – тупроқ, меҳр – кимиё.* Бир-бирига зид, айни чоғда, мутаносиб бу тимсоллар бағрига шундай фикр жо бўлган: *ганж тупроқ бўлса, меҳр(ишқ) кимиёдир.* Кимиё эса, қуйидаги байтда таъкидланишича, ҳар қандай нарса: тош бўладими ёки тупроқ – уни олтинга айлантирадиган бир мўъжизакор жавҳар:

Қилиб тошу туфроғни олтунки, бор
Сенинг коргоҳингда бу кимиё.[1]

"Лайли ва Мажнун"да шоир ишқни ана шу мўъжизакор жавҳарга ўхшатади: *Эй ишқ, ғариб кимиёсен.*[2] Кимиё тупроқни олтин қилганидек, ишқ ҳам инсоннинг тупроқдек тийнатини олтинга айлантиради, ошиқнинг олтиндек сап-сариқ юзи бунга гувоҳдир. *Агар ишқнинг кимиё эканлигига ишонмасанг,* – дейди бир байтида шоир ошиқ тилидан, – *юзимнинг олтини юз далили билан буни исбот қилиши мумкин*:

Буки дерлар, кимиёдур ишқ, бовар қилмасанг,
Қилғуси юз важҳ ила собит узорим олтуни.[3]

Ишқ кимиёси бўлмас экан, кўнгил ҳам кўнгил эмас, қалбдир:

Кўнгул ишқ ўти ичра бўлди холис,
Магар бу қалбға ул кимиёдур.[4]

Байтда тасвирланишича, мис кимиё ўтида куйиб, олтинга айланганидек, қалб ҳам ишқ ўтида куйиб, холису пок кўнгилга айланади. Пок кўнгил эса Ёр жамолининг жилвагоҳидир. Шундай экан, Фарҳоднинг кимиёдай ишқдан кечиб, кўнгилни қаро тупроқдай хира ва тийра қилувчи ганжга алмаштириши тасаввурга ҳам сиғмас ҳол эди – *Деди: тупроққа бермон кимиёни!*

Муаллиф сарлавҳада Фарҳоднинг бу каби кескин ва қатъиятли жавоблар силсиласини бениҳоя аниқ ифодаловчи яна бир истиора келтиради: *сўз сангборони – сўз тошбўрони!*

---

[1] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. 6-том. – Б. 11.
[2] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. 9-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 294.
[3] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. 4-том. – Б. 435.
[4] Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. 6- том. – Б. 115.

Фарҳоднинг бу навъ қаттиқ сўзлари сангборонидин, – дейди шоир, – *Хусравнинг кўнгулдоғи саволлари шишадек синғони.* Кўнгилдаги саволлари шишадек синган Хусрав чексиз алам ва ғазаб билан *анинг қатлиға жозим бўлади: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!* Унинг наздида *қатл ҳукми* Фарҳодни "бу ишқдин инкор қил"дирадиган энг даҳшатли сўз эди, аммо Фарҳод Хусравнинг сўзларига мамнуният изҳори қилади: *ишқида мақсудимға етгум!* Чунки Жонон ишқида жон бериш, аввало, ошиқнинг азалий орзуси бўлса, иккинчи тарафдан, достон хотимасида тасвирланганидек, ишқ аҳли учун ўлим ҳам бир висол: жоннинг Жонон билан қовушишидир.

Шундай қилиб, *хоро* (тош) ташбеҳ ва истиоралари сарлавҳаларда мазмунан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам муҳим ўрин тутади: *хородек кўнгил, кўнгил хораси, қалъа хораси, хородек маҳкам, илик тоши, тил хароши, тошдек қаттиқ, жавоблар хораси, сўз сангборони.* Аввало, айтиш лозимки, улуғ шоирга хос оригинал тафаккур маҳсули бўлган мазкур ташбеҳ ва истиоралар ижодкор услубининг тақозоси ўлароқ юзага чиққан. Бу услубга хос муҳим жиҳат шундаки, "достон давомида ҳар бир бобда қайси бир воқеа олами ҳикоя қилинса,шоир ўша оламдан олинган тимсоллар орқали образ яратади. Шу тарзда тасвирда мутаносиблик Навоий услубининг характерли белгиларидан бири бўлиб қолади".[1] Мавзу ва тасвирий воситалар ўртасидаги узвийлик натижасида, бир тарафдан, ҳолат ёки фикр аниқ ва ёрқин ифодаланган бўлса, иккинчи тарафдан, ғоявий мазмун шу муносабат билан яна бир бор таъкидланган. Бинобарин, келтирилган ҳар бир ташбеҳ ва истиорани ғоявий мазмуннинг ихчам ва мўъжаз ифодаси деб айтиш мумкин.

Иккинчидан, гарчи барча ташбеҳ ва истиоралар асосида ҳам хоро тафсили ётса-да, уларнинг ҳар бири учун хоронинг муайян бир жиҳати муқояса объекти бўлган. Жумладан, Ширинга нисбат берилган *хородек кўнгил* анъанавий маъшуқанинг тошдек қаттиқ ва бераҳм кўнгли эмас. Улуғ шоир Ширинниг *хородек кўнгли* дер экан, унинг кўнгли ҳали тоғ тошларидек бежило, сайқалланмаган кўнгил эканлигига эътибор қаратади: Фарҳод метин ва тешаси, яъни ишқининг шуъласи барқдек чақнаб, тошларга асар қилганидек, Ширинниг хородек кўнглига ҳам асар қилади, тошларни тарошлаб, уларга оро берганидек, Ширинниг кўнгли хорасини ҳам тарошлаб, унга оро беради: *Ширинниг кўнгли хорасини анинг тешаси фикри харош қилғони.*

Қалъа хораси, хородек маҳкам, илик тоши, тил хароши, тошдек қаттиқ, жавоблар хораси бирикмаларида ҳолат ўзгача: ташбеҳ сабаби хорога хос қаттиқлик, мустаҳкамлик. Бу жиҳатдан улар Хусрав сўзларига нисбат берилган шишанинг зидди: хоро қанчалик мустаҳкам бўлса, шиша шунчалик мўрт. Шиша ва хоро тафсиллари бағрига жо бўлган маънолар ҳам диққатга сазовор: *шиша сохта ишқ* (авом ишқи, ҳақиқий ишқдан бехабарлик) бўлса, *хоро ҳақиқий ишқ рамзидир!* Бинобарин, *Фарҳоднинг жавоблари хораси била Хусравнинг саволоти шишаларин ушатқони* асло ажабланарли эмас.

Талмеҳ. Талмеҳ машҳур қаҳрамонлар ҳақидаги афсоналарга ишора қилиб, асар қаҳрамонларининг саргузашт ва кечинмаларини қисқа, аммо чуқур ва таъсирчан ифодалаш санъатидир.[2] Навоий талмеҳларига хос хусусият шундаки, улуғ шоир бадиий тимсолларнинг анъанавий талқини билан чекланмай, уларнинг янги-янги тасвир имкониятларини кашф

[1] Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б. 222.

[2] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-у-санойиъ. – Б.133; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б.69; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.41; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – Б.23.

этади, шунингдек, сарлавҳаларда бирданига бир эмас, икки афсона асосида талмеҳ яратади. XXXVII бобнинг сарлавҳасида ҳам талмеҳнинг ана шундай ноёб намунасини кўриш мумкин.

Мазкур бобда Хусравнинг Ширинга уйланиш умидида Меҳинбону ҳузурига элчи жўнатиши, Меҳинбонунинг, бир тарафдан, Фарҳод ва Ширин севгиси, иккинчи тарафдан, Хусравнинг куч-қудратини ўйлаб ноилож қолиши, Хусравга қандай жавоб беришни билмай, Ширинниng фикрини сўраши, Ширидан рад жавобини олгач, Хусрав элчисига Ширинниng бир айби бор: қиладиган иши йигитлардек от миниш, ўқ отишу ўлдириш, эр сўзини эшитишни ҳам истамайди деб баҳона қилиши, элчининг муроди ҳосил бўлмай, Меҳинбонунинг сўзларини Хусравга етказиши, Хусравнинг Меҳинбону жавобини эшитиб қаттиқ ғазабга келиши ҳикоя қилинган. Улуғ шоир бу воқеаларни боб сарлавҳасида шундай тасвирлайди: *Хусрав элчиси Арман кишварига етгони ва Миҳинбону мунҳийларига муддаосин зоҳир этиб, Бону ани кўрарга базми салтанат қурғони ва Ҳудҳуд Билқис олинда ўлтурғондек расулнинг Бону қошинда ўлтурғони ва Сулаймони замон рисолатин қушлар тили била арз қилғони ва товусни Анқо жуфтлуғиға сўз солғони ва Бонунинг баҳона домин очқони ва ҳийла донасин сочқони ва ул зийрак қушнинг бу дона ва домдин рам қилиб қочқони ва фароғ бол ҳосил қилмай, қаҳрамонлиғ қофиға кетгони ва ул қоф Анқоси бу маънидин ғазаб минқори била қаҳр чанголин тез этгони.*

Ушбу сарлавҳа тўрт банддан иборат. Улардан биринчиси қуйидагича: *Хусрав элчиси Арман кишварига етгони ва Миҳинбону мунҳийларига муддаосин зоҳир этиб, Бону ани кўрарга базми салтанат қурғони ва Ҳудҳуд Билқис олинда ўлтурғондек расулнинг Бону қошинда ўлтурғони.* Биринчи ва иккинчи жумлаларда талмеҳ бўлмаса ҳам, шоирнинг сўз қўллашдаги нафис маҳорати кўзга ташланади: биринчи жумлада *элчи* сўзи тилга олингани учун иккинчи жумлада унга маънодош бўлган *мунҳий* сўзи келтирилган. Маънодош сўзларнинг кетма-кет келтирилиши тасвирдаги мазмуний алоқадорликни кучайтиришга хизмат қилган. Талмеҳ санъати учинчи жумладан бошланган: *Ҳудҳуд* ва *Билқис.* Ҳудҳуд ва Билқис Сулаймон пайғамбар ҳақидаги афсоналарнинг қаҳрамонларидир. Сулаймон алайҳиссалом бир куни Парвардигорга шундай илтижо қилади: “Эй Раббим, менга шундай мулк бергилки, ҳеч кимда бўлмаган бўлсин”. Овоз келадики: “Барча подшоларнинг жонини оламан, сендан ўзга подшоҳ бўлмайди”. Шундай қилиб, Сулаймон алайҳиссалом ер юзининг ягона подшоҳига айланади. Унга одамлардан ташқари, дев ва парилар, қушлар ва ҳайвонлар, ел ва сув ҳам бўйсинар эди. Умуман, Сулаймон алайҳиссалом билан боғлиқ мўъжизалар анчагина. Шулардан бири унинг ваҳший ҳайвон ва қушларнинг тилини билишидир.[1]

Сулаймон алайҳиссаломнинг турли саргузаштлари ҳикоя қилинган қиссалар орасида *Сулаймон ва Билқис ҳикояти* ҳам бор. Унда ҳикоя қилинишича, Сулаймон алайҳиссалом қушларнинг ҳар бирига бир иш тайин қилган эди. *Ҳудҳуд*(попишак)нинг иши саҳро ва биёбонларда Сулаймон лашкарлари учун сув топиш эди. Бир кун сув керак бўлганда, ҳудҳуд дарак бўлмайди. У келгач, Сулаймон алайҳиссалом ғазаб билан сўрайдики, қаерда эдинг? Ҳудҳуд Сулаймонга сув излаб Сабо (Навоийда Саибо) деган шаҳарга борганини, у ерда ҳусну жамол, бойлик ва ҳашаматда тенгсиз Билқис исмли аёл ҳукмдорлик қилишини, бироқ тўғри йўлдан адашиб, офтобга сиғинишини сўзлаб беради. Сулаймоннинг кўнгли Билқисга мойил бўлиб, унга бир мактуб битади: *Келиб мусулмон бўлунг.* Мактубни муҳрлаб Ҳудҳудга

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.31; Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Б.33.

беради: *Муни бориб Билқисга бергил*. Ҳудҳуд Билқис сари парвоз қилади. Турли ғаройиб воқеалардан сўнг Билқис иймон келтиради ва Сулаймон алайҳиссалом унга уйланади.[1]

Учинчи жумлада *элчи* билан маънодош бўлган яна бир сўз келтирилган: *расул*. Жумлада талмеҳ санъати ташбеҳ санъати билан қўшилиб кетган: шоир Хусрав элчисининг Меҳинбону олдида ўтиришини Ҳудҳуднинг Билқис олдида ўтиришига ўхшатади. Жумлада қўлланган ташбеҳнинг мазмуни кенг, фақат манзараларгина эмас, қаҳрамонлар ҳам бир-бирига ўхшаш. Улуғ шоир элчини Ҳудҳудга ўхшатар экан, бу билан Хусравнинг Сулаймон сингари қудратли шоҳ эканига ишора қилади. Меҳинбону ҳам Билқис сингари шавкатли малика. Бироқ Билқис Сулаймон олдида қандай ожиз бўлса, Меҳинбону ҳам Хусрав олдида шундай ожиз. Шунинг учун у, Билқис Ҳудҳуд мактуб келтирган чоғда Сулаймондан чўчигандай, Хусравдан чўчийди (*Билқис қўрқди, менгизи сарғарди*[2]), чунки Хусрав ҳам Сулаймонга ўхшаб Арман кишварига қўшин тортиши мумкин (*Сулаймон айди: Ёнғил! Уларға айғил, Сулаймонға бўлсунлар, йўқ эрса, оғир черик бирлан келурман. Кимни ўлтурурман, кимини хўр қилурман*[3]).

Хусравнинг мақсад-муддаоси кейинги банддан ўрин олган: *Сулаймони замон рисолатин қушлар тили била арз қилғони ва товусни Анқо жуфтлуғиға сўз солғони.* Шоир *Сулаймони замон* деганда Хусравни, *товус* деганда Ширинни, *Анқо* деганда яна Хусравни назарда тутган. *Рисолат* сўзи аввалги жумладаги *расул* сўзи билан ўзакдош бўлиб, хат, мактуб, нома каби маъноларини билдирса ҳам, шоир бу сўзни жумлада мақсад-муддао маъносида қўллаган. Навоийнинг Хусравни Сулаймони замон деб аташи унинг Сулаймон сингари шавкатли шоҳ эканлигига ишорадир. Анқо дейилиши эса ушбу қуш ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Анқо, аввалги бобларда келтирилганидек, Семурғнинг иккинчи номи бўлиб, у Қоф тоғининг энг баланд чўққисида яшайди. У қушлар шоҳи. Хусравнинг Анқо деб аталишида ҳам унинг шоҳлигига ишора бор.

Учинчи мазмуний бўлакда Ширин Хусравнинг таклифини рад этгач, Хусравнинг қаҳру ғазабини келтирмаслик учун Меҳинбонунинг баҳона излагани баён этилган: *ва Бонунинг баҳона домин очқони ва ҳийла донасин сочқони ва ул зийрак қушнинг бу дона ва домдин рам қилиб қочқони. Дом*нинг маъноси тузоқ, *рам қилмоқ* – чўчимоқ ёки ҳуркмоқ. *Зийрак қуш*дан мақсад – Хусравнинг элчиси. Жумла бошдан-оёқ Сулаймон алайҳиссалом ва Анқо ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ бўлса ҳам, бевосита талмеҳ бўлиб келувчи сўз йўқ. Шоир бу санъатга тўртинчи бандда қайтади, бу банд Хусравнинг Меҳинбону жавобидан қаттиқ ғазабланиши ҳақида: *ва фароғ бол ҳосил қилмай қаҳрамонлиғ Қофиға кетгони ва ул Қоф Анқоси бу маънидин ғазаб минқори била қаҳр чанголин тез этгони.*

Фароғ бол роҳат, фароғат, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик дегани. Бироқ бу ўринда *рисолат* сўзи сингари мақсад, муддао деган маъноларни билдиради. Талмеҳ ҳосил қилувчи *қаҳрамонлик Қофи* Хусрав мулкининг пойтахти Мадойинни, *Қоф Анқоси* эса Хусравнинг ўзини билдирувчи истиоравий ифода. Хусрав элчиси *муддао ҳосил қилмай, қаҳрамонлиғ Қофи* – Мадойинга қайтиб *кет*ади *ва ул Қоф Анқоси* – Хусрав *бу жавобдан ғазаб тумшуғи ва қаҳр чангалини тез* (ўткир) *эт*ади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий талмеҳ санъатидан фойдаланиб, воқеалар ҳамда қаҳрамонларнинг кайфият ва кечинмаларини рангин бўёқлар билан чизади. Сарлавҳада талмеҳ санъати ташбеҳ ва истиора санъатлари билан қўшилиб кетган. Шоир асар

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 16-том. – Б.32–33; Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Б.48–54.
[2] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Б.49.
[3] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Б.51.

қаҳрамонларини афсонавий тимсолларга ўхшатади: *элчи – Ҳудҳуд, Меҳинбону – Билқис, Хусрав – Сулаймон ёки Анқо, Хусравнинг мулки – қаҳрамонлик Қофи.* Лекин улуғ шоирнинг маҳорати шу билангина чекланган эмас. Шоирнинг ноёб истеъдоди афсона мазмун билан боғлиқ сўзларни маржон шодасидаги дурлардек бир ипга тизишда ҳам ёрқин намоён бўлади.

Сарлавҳадаги воқеалар мазмунини ўзида жамлаган сўз – *элчи*. *Элчи* сўзи тасвирга *Ҳудҳуд* тимсолининг кириб келиши учун асос бўлган, чунки *Ҳудҳуд* ҳам *элчи*. Ҳудҳуд ўз навбатида маънодош сўзларнинг бутун бир занжирини юзага келтирган. Бу сўзнинг мазмуний мундарижасида қуйидаги маънолар бор: 1) *пайғамбар элчиси;* 2) *қуш.* Аввал Ҳудҳуднинг *пайғамбар элчиси* деган маъноси билан боғлиқ сўзларни назардан ўтказайлик. Бу чизиқдаги биринчи сўз *Билқис.* Хусрав элчисини Ҳудҳудга ўхшатган шоирнинг Меҳинбонуни ҳам Билқисга қиёслаши табиий. Иккинчи сўз *расул.* Расул сўзининг маъноси элчи, бироқ бу сўзнинг иккинчи маъноси пайғамбар. Учинчи сўз *рисолат.* Рисолатнинг маъноси хат, мактуб, нома. Бироқ рисолат сўзининг ҳам пайгамбар деган маъноси бор. Тўртинчи сўз *Сулаймони замон*. Сарлавҳада бадиий тасвир Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ бўлгани учун шоир элчи ўрнига расул, мактуб ўрнига рисолат, Хусрав ўрнига Сулаймони замон ибораларини қўллайди. Мазкур сўзларнинг барчасида ҳам пайғамбарлик маъноси бўртиб турибди. Сўзлар орасидаги мазмуний алоқадорликни шундай ифодалаш мумкин: *Ҳудҳуд – Билқис – расул – рисолат – Сулаймони замон.*

Иккинчи сўзлар силсиласи Ҳудҳуднинг *қуш* деган маъноси билан боғлиқ. Алишер Навоий элчининг Меҳинбонуга Хусрав муддаосини баён қилишини тасвирлар экан, *қушлар тили била арз этгони* деб ёзади. Демак, бу чизиқдаги биринчи сўз – *қушлар тили*. Шундан сўнг шоир Ширинни *товус*, Хусравни эса *Анқо* деб атайди. Меҳинбону *зийрак қуш,* яъни Хусрав элчисининг олдига баҳона *тузоғ*ини қўйиб, ҳийла *дон*ини сочади, лекин у *ҳуркиб* қочиб кетади. Ва бу ҳолдан Қоф *Анқоси* ғазаб *тумшуғ*и ва қаҳр *чангали*ни тез қилади. Бир қарашда охиргидан олдинги жумлада *Қоф* сўзидан бошқа қуш билан боғлиқ сўз йўққа ўхшайди: *фароғ бол ҳосил қилмай қаҳрамонлик Қофига кетгони.* Чунки *фароғ бол*нинг маъноси фароғат, роҳат бўлса, *қаҳрамонлик*нинг маъноси ғолибликдир. Бироқ, шундай бўлса ҳам, улуғ шоир бу сўзларни бекорга келтирган эмас: уларнинг маъно жиҳатидан бўлмаса ҳам, шакл жиҳатидан қуш билан алоқаси бор. *Фароғ бол* арабча бирикма бўлиб, *фароғ*нинг маъноси *осойишталик, бол*нинг маъноси эса *ақл* ёки *руҳ.* Агар фароғ болни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, руҳий осойишталик ёки хотиржамлик деган маънони билдиради. Лекин *бол* деган форсча сўз ҳам бор. Унинг маъноси *қанот. Фароғбол* қуш маъносидаги сўзлар билан ёнма-ён келганлиги учун *осойишта қанот* дегандай тасаввур уйғотади. *Қаҳрамонлик* сўзига келадиган бўлсак, бу сўзнинг бош қисми *қаҳр* сўзи билан шаклдош. Бинобарин, *қаҳрамонлик* сўзи ҳам Хусравнинг қаҳр чангалига бир ишора. Энди Ҳудҳуднинг қуш деган маъноси билан боғлиқ сўзларни бир ерга жамлайдиган бўлсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: *Ҳудҳуд – қушлар тили – товус – Анқо – дом – дон – зийрак қуш – рам қилмоқ – фароғ бол – қаҳрамонлик – Қоф – минқор – чангол.*

Кўриниб турибдики, талмеҳ санъати, биринчидан, Хусравнинг куч-қудрати ва ҳашамати, иккинчидан, Меҳинбонунинг руҳий ҳолатини бағоят аниқ ва таъсирчан ифодалаш учун муносиб восита бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, сарлавҳа шоирнинг сўз қўллаш, сўзларни маънан ва шаклан алоқадор қилиб қўйиш соҳасидаги санъаткорлигининг яна бир ёрқин кўзгусидир.

2-ФАСЛ. КОМПОЗИЦИОН-СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАР

Тарди акс. Тарди акс жумла ёки байтдаги сўз ва ибораларни тескари тартибда такрорлаб, ранг-баранг маъно товланишлари ҳосил қилиш санъатидир.[1] XXXIII бобнинг сарлавҳасидан ўрин олган қуйидаги тарди аксни кўрайлик: *Фарҳоднинг ул тош ариғин, балки ариғ тошин қазиб, Армания тоғига еткуруб, ул тоғ фазосида қасри қулла монанд, балки асоси кўҳ пайванд бино қилиб итмомиға еткургони*.

Фарҳоднинг Ширин саройини яширинча тарк этишидан кейинги воқеалар: аввалгидан-да ортиқроқ шиддат кўргизиб, ариқ бошини Армания тоғига қадар етказиши ҳикоя қилинган мазкур жумлада улуғ шоир *тош* ва *ариғ* сўзларини аввал *тош ариғи*, сўнг *ариғ тоши* тарзида келтириб, тарди акс санъатининг нозик намунасини яратади: *тош ариғи – ариғ тоши*. *Тош ариғин* ва *ариғ тошин* сўзларини шундай тушуниш мумкин: 1) *тош ариғи* – тошлар ичидаги ариқ; 2) *ариғ тоши* – ариқ ичидаги тошлар. Демак, Фарҳод *тошлар ичидаги ариғни, балки ариғ ичидаги тошларни қазиб, Армания тоғига еткур*ган.

XXIX боб сарлавҳасидан олинган қуйидаги жумлада ҳам тарди акс санъати мавжуд: *Фарҳоднинг синуқ заврақ жисми заврақ синуқида қолиб, ани дарё мавжи Яман мулки сори солиб, Яман аҳли кемасиға учрағони*. (210) Жумлада Фарҳоднинг денгиз сафари даврида ҳалокатга учраши тасвирланган бўлиб, тарди акс *синуқ заврақ* ва *заврақ синуқи* ўртасида юзага келган. *Синиқ заврақ* – Фарҳоднинг жисми, унинг ҳалокат пайтида шикаст етган жисмини шоир синиқ кемага ўхшатади: *Фарҳоднинг синуқ заврақ* (дек) *жисми. Заврақ синуқи* эса ҳалокатга учраган кеманинг бир бўлаги. *Заврақ синуқи* дер экан, шоир Фарҳоднинг синиқ заврақдек шикастланган жисми кеманинг кичик бир синиғи устида қолганлигидан хабар беради: *заврақ синуқида қолиб*.

Тарди акс санъатининг ноёб ва шавқангез яна бир намунаси XXVI бобнинг сарлавҳасидан ўрин олган. Маълум бўлганидек, Оинаи Искандарий юзида нафақат Арман кишвари ва Арман водийси, балки “тамошо айлаю ҳар сори боқиб, қаёнким боқиб, ўтлар элга ёқиб” Ширинниг ўзи ҳам юз кўрсатган, кўзгу юзида Ширинниг “жамоли оламафрўз”ини кўрган Фарҳод ҳушидан кетиб йиқилган эди. Шоир бу воқеани шундай тасвирлайди: *Ширинниг жамоли кўзгусин ул кўзгу жамолида мушоҳада қилиб, оҳ уруб йиқилғони* (185).

Улуғ шоир кўзгу юзида Ширин жамолининг намоён бўлиши ҳақида сўзлар экан, аввал Ширин жамолини кўзгуга нисбат беради: *Ширинниг жамоли кўзгуси*. Сўнг *жамоли кўзгуси*ни *кўзгу жамоли* тарзида тескари такрорлаб, кўзгунинг юзини Ширинниг жамолига ўхшатади: *кўзгу жамоли*. Ҳайратомуз ҳолат: *жамол* ва *кўзгу* сўзлари икки мартадан такрорланиб ва ўзаро ўрин алмашиб, худди бир-бирининг мазмун-моҳиятига кўзгу тутгандек бўлади. Жумланинг тарди акслар кўзгусида юз кўрсатган мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Ширинниг жамоли кўзгу бўлганидек, кўзгу ҳам Ширинниг жамолидир!* Ширинниг жамоли кўзгу жамолида қандай жилва қилган бўлса, унинг жамолида ҳам *жамоли оламафрўз* – илоҳий жамол шундай жилваланиб туради! Бинобарин, Фарҳоднинг *Ширинниг жамоли кўзгусин ул кўзгу жамолида мушоҳада қилиб, оҳ уруб йиқилғони* ажабланарли эмас.

Тарди акс санъати сарлавҳалар бадииятида муҳим ўрин тутиб, ранг-баранг ғоявий-услубий мақсадлар ифодаси учун хизмат қилган: биринчидан, нозик сўз ўйини ҳосил

[1] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Б.80.

қилган бўлса, иккинчидан, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати ҳақида ғоят мутаассир тасаввур яратган. Шу билан бирга, тарди акснинг жумла бадиий қурилишида ҳам алоҳида ўрни борлиги кўриниб турибди: тарди акс ҳосил қилувчи сўзлар занжирнинг икки ҳалқасига айланиб, жумлада занжир ҳалқаларидек изчилликни юзага келтирган: *тош ариғи – ариғ тоши, синуқ заврақ – заврақ синуқи, жамоли кўзгуси – кўзгу жамоли*.

Ружуъ. Сарлавҳаларда, тарди акс каби, ҳам тасвир нафосати, ҳам фикрлар изчиллиги учун хизмат қилган бадиий воситалардан бири *ружуъдир*. Ружуъ ташкилий жиҳатдан тарди аксга ўхшаб кетади: у ҳам тарди аксдек икки қисмдан иборат бўлади. Бироқ бу санъатда шоир сўзларни тескари тартибда такрорламайди, балки аввал бир фикрни баён этиб, сўнг аввалги фикридан қайтади-да, унинг ўрнига ундан-да кучлироқ бошқа бир фикрни баён қилади.[1] Тоғ қазиш манзаралари тасвирланган қуйидаги жумлада ружуъга хос бу хусусият ёрқин намоён бўлган: *...теша бирла тоғ бағрин ёрмоқ, балки тоғ пораларни ҳавоға учирмоқ била қиёмат қўпормоқ*. Маълумки, икки юз хорабур ҳар теша урганда, "нахудча, нахудча демаким, хашхош янглиғ" ҳам тош кесилмас эди. Бинобарин, *теша бирла тоғ бағрини ёрмоқ*нинг ўзи ҳам Фарҳоднинг мислсиз куч-қувватини ёрқин намойиш этувчи муболағадор тасвир. Бироқ улуғ шоир бу билан қаноатланмайди, иккинчи бўлакда ружуъ санъатини ишга солиб, тасвирни янада баландроқ кўтаради. У зимдан таъкидлайдики, Фарҳод теша билан пора-пора қилган тошлар кичкина тош эмас, балки тоғдек-тоғдек *тоғ поралардир*. *Йўқ, йўқ, ёрмоқ эмас,* – дейди у жумлада аввалги фикридан қайтиб, – *балки тоғдек-тоғдек тоғ пораларни ҳавоға учирмоқ*. Аммо бу ҳам ҳаммаси эмас, жумла сўнгида шоир тасвирни ҳадди аълога еткизади: тоғдек-тоғдек *тоғ пораларни ҳавоға учирмоқ* ҳам эмас, *балки қиёмат қўпормоқ.*

Шоирнинг беқиёс маҳорати шундаки, қанчалик ёрқин бўлмасин, бир жумлада бирор санъатнинг ўзи билан кифояланган эмас. Бир санъат иккинчи санъат билан қўшилиб, жумлани сўз санъатининг мумтоз намунасига айлантирган ўринлар бисёр. XXXVI бобнинг сарлавҳасидан олинган қуйидаги жумлада ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўламиз: унда ружуъ тарди акс санъати билан қўшилиб кетган: *Фарҳод била Ширин май висолидин, балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлғонлари*.

Жумлада иккита ружуъ мавжуд: 1) *май висолидин, балки висол майидин;* 2) *пурҳол, балки беҳол.* Ҳар бир ружуъ қаҳрамонлар руҳий ҳолатининг рангин бир манзараси бўлиб, улуғ шоир бир ифода ўрнига бошқа бир ифодани келтирар экан, ўз мақсад-муддаоси юзига тортилган пардани қадам-бақадам кўтара боради. Аввалги қисмда айтилишича, Фарҳод ва Ширинниng ҳушдан кетишлари май туфайлидир. Бироқ Фарҳод ва Ширин майпараст ҳам, май ичиб беҳуш йиқиладиган маст ҳам эмас. Шунинг учун ҳам шоир бу фикрни ружуъ воситаси билан рад этади: *Фарҳод била Ширин май висолидин эмас,* – дейди шоир, – *балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлганлари*. Дарҳақиқат, *Фарҳод била Ширин*ни қадаҳдаги май эмас, балки *висол майи* эс-ҳушидан айириб, ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги висол манзараси тасвирланган машҳур ғазалда айтилганидек, уларни *йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айла*[2]ган эди.

Ружуъ қатларига жо бўлган мазмун кейинги ружуълар занжирида яна ҳам ойдинлашади: *май висолидин, балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлғонлари*. *Пурҳол*нинг маъноси – хушҳол, хурсанд, *беҳол*нинг маъноси – беҳуш, бехуд. Биринчи ружуъ жуфтлиги билан

[1] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Б.49; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Б.47.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б.46.

иккинчи жуфтлик ўртасида нозик алоқадорлик мавжуд: *май висолидин – хушҳол, висол майидин – беҳол*. Демак, *Фарҳод била Ширин май висолидин хушҳол, висол майидин эса беҳол бўлган.* Фарҳод била Ширин *висол майидин беҳол – беҳуш* бўлган экан, ружуъ созларида фано оҳанглари яна бир бор садо берганини сезиш унчалик қийин эмас: *Фарҳод била Ширинниng май ичиб, мастликдан хушҳол бўлғонлари, йўқ, йўқ, май ичиб, мастликдан хушҳол бўлғонлари эмас, балки висолга етишиб, висол сархушлигидин беҳол бўлғонлари!*

Албатта, *Фарҳод била Ширинниng май ичиб, мастликдан хушҳол бўлғонлари*ни ҳам бутунлай инкор этиш мумкин эмас. Аслини олганда, ружуъ санъатининг моҳияти ҳам шу: *рад этиб, тасдиқлаш*. Шоир бир фикрдан қайтиб, ўрнига бошқа бир фикрни келтирар экан, аввалги фикрни бутунлай инкор этмайди, балки шу фикр, шу ҳолатни янада кучлироқ, янада аниқроқ ифодалаш учун замин ҳозирлайди. Фарҳоднинг *тоғ пораларни ҳавоға учирмоқ била қиёмат қўпормоғ*ини *теша бирла тоғ бағрин ёрмоғ*исиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, *Фарҳод била Ширинниng висолга етишиб, висол сархушлигидин беҳол бўлғонлари*ни ҳам уларнинг *май ичиб, мастликдан хушҳол бўлғонлари* тасвирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шу боб сарлавҳасида ружуъларнинг яна бир силсиласи бор. Фарҳод билан Ширинниng *висол майидин беҳол бўлғонлари* узоқ давом этмайди. Эртасига эрталаб *Фарҳод била Ширин* ҳушларига келган чоғларида Фарҳод ўз ҳолидан хижолат тортиб, яна бало тоғи сари оҳанг тутади, Ширин эса бу айриликдан жонга еткудай бетоқат бўлади. Бу ҳолдан Меҳинбону лолу ҳайрон эди: на Фарҳод девонавор оҳ чекиб, ёш тўкишдан тийилар, на Ширинга насиҳат кор қилар эди. Аммо Меҳинбону уларнинг ишқи пок эканлигини билар, шунинг учун ҳам ҳар неча кунда Фарҳодни бир дам чорлаб келтирар, бир неча “жоми комроний” нўш айлаб, “у беҳуш, бу доғи беҳуш” йиқилар, ҳушига келгач, у тоғ томон йўл тутар, бунинг жонига эса доғ тушар эди:

Бу янглиғ воқиъ эрди муддати ҳол,
Етишмай ҳол бўлмоқ эрди беҳол.

Бу ҳол аро муросасиз фалак “ажаб ҳол қилди ошкоро”: *Хусрави Парвез Ширинниng шакар лаблар шоҳи эрканин билиб, висоли нўшин кўнглига ширин қилиб, ширин мақол элчидин чучук сўзлар айтиб юбориб, Ширин лаби жуллобидин ком орзусин шакаррез қилур*(ни) *муддао қи*лади. Шоир бу воқеадан хабар берар экан, сарлавҳада ружуълардан дардли ҳалқалар яратиб, ҳар ҳалқада таъкидлайдики, Хусравнинг бу иши ошиқ ва маъшуқ учун “висол майи”га оғу қўшмоқ билан баробар бўлган эди: *чархи кабуд, балки даври ҳасуд соқийси аларнинг айш соғари, балки соғари айшиға заҳри ҳирмон, балки беҳуш доруйи ҳижрон қўшқони*.

Ружуълар занжиридаги аввалги ҳалқа *чархи кабуд* ва *даври ҳасуд*. Шоир *чархи кабуд соқийси* деганда кажрав фалакни, *даври ҳасуд соқийси* деганда эса Хусравни назарда тутади. Шоир *чархи кабуд* ортидан *балки даври ҳасуд соқийси* дер экан, ўз фикрларига аниқлик киритади: *кажрав фалак соқийси, йўқ, кажрав фалак соқийси эмас, балки ҳасадгўй давр соқийси, яъни Хусрави Парвез*. Иккинчи ҳалқа – *айш соғари, балки соғари айш*. *Айш соғари* ҳаёт жоми дегани, лекин айш сўзида яхшилик маъноси ҳам бор, шунинг учун уни *висол жоми* деб тушуниш мумкин, чунки Фарҳод ва Ширин учун яхши ҳаёт висолдир. *Соғари айш* айш соғарининг изофавий кўриниши бўлиб, унинг маъноси ҳам висол жомидир, лекин айш ва соғар сўзлари тескари тартибда такрорланиб, ружуъ билан бирга тарду акс санъати ҳам

юзага келган: *жоми висол. Кажрав фалак соқийси, йўқ, йўқ, кажрав фалак соқийси эмас, балки ҳасадгўй давр соқийси, яъни Хусрави Парвез уларнинг висол жоми, йўқ, йўқ, висол жоми эмас, жоми висолига,* дейди иккинчи ружуъда шоир. Занжирнинг учинчи ҳалқаси – *заҳри ҳирмон, балки беҳуш доруйи ҳижрон. Заҳри ҳирмон*дан кўзда тутилган маъно *жудолик заҳари*, *беҳуш доруйи ҳижрон*дан мақсад эса *жон олувчи ҳижрон оғуси*. Шоир *жудолик заҳари эмас, балки жон олувчи ҳижрон оғуси* дер экан, бир тарафдан, аввалги фикрига кучлироқ тус берса – *шунчаки жудолик заҳари эмас, ўлдирувчи ҳижрон оғуси*, иккинчи тарфдан, жудолик чин ошиқлар учун ўлим билан баробар эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтади: *жудолик – жон олувчи оғу.* Энди шоир жумлада шундай фикр баён қилган деб айтиш мумкин: *Кажрав фалак соқийси, йўқ, йўқ, кажрав фалак соқийси эмас, балки ҳасадгўй давр соқийси, яъни Хусрави Парвез уларнинг висол жоми, йўқ, йўқ, висол жоми эмас, балки жоми висолига жудолик заҳари, йўқ, йўқ, жудолик заҳари эмас, балки ўлдирувчи ҳижрон оғуси қўшгани.*

Шундай қилиб, ружуъ муайян фикр, кечинма ёки ҳолатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириб, жумлада кучли таъсирчанлик билан бирга, кучли изчилликни ҳам юзага келтирувчи санъатдир.

3-ФАСЛ. ҲАРФИЙ САНЪАТЛАР

Иштиқоқ. Иштиқоқ бадиий асарда ўзакдош сўзлардан фойдаланиш санъатидир.[1] Ўзбекча ва форсча сўзлар ҳам ўзаро ўзакдошлик ҳосил қилса-да, ўтмиш адабиёти, жумладан, Навоий ижодида иштиқоқнинг энг яхши намуналари кўпроқ арабча сўзлар воситасида юзага келганлигини кўриш мумкин. Бунга, афтидан, арабча сўзларнинг ўзига хос тузилиши сабаб бўлган. Маълумки, ўзбекча ва форсча сўзлардан фарқли ўлароқ, арабча сўзларнинг ўзаги фақат ундош товушлардан иборат бўлади, унли товушлар эса кўпинча бир-бирига ўхшамайди, бунинг устига, сўз олди, ўртаси ёки охирида ўзакка дахлдор бўлмаган товушлар ҳам келиши мумкин. Бу хусусият, албатта, сўзнинг тасвирий имкониятларини кенгайтиради. Алишер Навоий, бошқа санъатлар қатори, иштиқоқдан ҳам маҳорат билан фойдаланган. Бу санъат сарлавҳаларда хилма-хил аспектларда намоён бўлган: IX бобда қарама-қарши маъно касб этиб, фикр-қарашлар ўртасидаги зиддиятлар тасвирини қабариқ ҳолда ифодалашга хизмат қилса: *иқбол – муқобала*, ўзак ҳарфлар – قبل – ***қбл***, *тарҳ – мутораҳа*, ўзак ҳарфлар – طرح– ***трҳ***, XII боб сарлавҳасида эмоционал тасвир яратишга: *нақш – мунаққаш,* ўзак ҳарфлар – نقش – ***нқш***, XVII ва XXXV боб сарлавҳаларида эса тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни таъкидлашга хизмат қилган: *хизрваш – ахзар*, ўзак ҳарфлар – خضر – ***хзр***; *ашара – ушр – ашир*, ўзак ҳарфлар – عشر – ***а(у)шр***.

Иштиқоқ қаҳрамонлар руҳий ҳолат ва кечинмаларнинг ўзига хос ифодасига айланган ўринлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Маълумки, Хусрав Фарҳодга куч билан бас кела олмайди, шунинг учун ҳийла ва макр йўлини тутади. Маккорлиги иш бериб, Фарҳодни қўлга олади. Оёқ-қўллари боғлиқ Фарҳодни ҳузурига келтирганларида, уни менсимай, ишқ баҳсига киришади, қанчалик уринмасин, бу баҳсда ҳам Фарҳоддан мағлуб бўлади. Вужудини алам ва жаҳолат эгаллаб, уни дорга осиб ўлдиришга азму қарор қилади. Токи, – дейди Хусрав, – бу ҳаммага ибрат бўлсин, гадолар ҳаргиз шоҳларга гап қайтаришга журъат қилмасин:

[1] Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Б.83.

Анинг ҳолидин олмоқ барча ибрат,
Гадолар қилмасин деб шаҳға ширкат.

Аммо Фарҳоднинг “муҳлик сўзлар” айтиб, ўзининг ким эканлигини ошкор қилади. Фарҳоднинг сўзлари Хусрав кўнглида қўрқув ва ваҳима уйғотади. Вазири Бузург Уммиднинг маслаҳати билан қатл фикридан қайтиб, Фарҳодни Салосил қўрғонига қамаш ҳақида фармон беради. Шоир XLII боб сарлавҳасида бу воқеани шундай тасвирлайди: *Фарҳодни жунун аҳлидек пари силсилаи ишқи била Салосил дев қўрғониға йиборгонлари* (335). Хусрав Фарҳодни эс-ҳуши жойида бўлмаган бир гадо деб билар эди, шунинг учун уни жунун аҳли – жиннилардек занжирбанд қилишга буюради. Аммо шоир бу воқеани ўзгача талқин қилади: Фарҳоднинг қўл-оёғига солинган силсила жунун силсиласи эмас, пари ишқининг силсиласидир. Шоир пари ишқининг силсиласи дер экан, силсила билан Салосилни, пари билан эса девни, образли қилиб айтганда, таносублар силсиласи билан бир-бирига занжирбанд қилади. Чунончи, пари сеҳр билан кишини телба қилганидек, дев урган одамнинг ҳам, ақлидан айрилиб, мажнун бўлиши муқаррар:

Дев уруб ишқи мажозий ичра мажнун айлаган
Ёва дер, буким парий рухсорае бордур манга?![1]

Шоир ўз фикрини бир-бирини тақозо қилувчи юксак бадиий тимсоллар либосида намоён қилади: *пари – жунун – силсила – дев*. Бу тимсолларни, айни чоғда, Фарҳоднинг ишқ аро ақлни тарк этиб, жунун ёки мажнунлик мақомига етганлигининг ўзига хос ифодаси деб ҳам айтиш мумкин. Бу ҳақда Фарҳоднинг ўзи шундай дейди:

Деди: недур санга оламда пеша,
Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамеша.

Мажнунлик алоҳида мақом бўлиб, бу мақомда Мажнуннинг ҳам Фарҳод сингари жунун силсиласига тортилгани маълум. У Лайли ишқига гирифтор бўлгач, унинг исмини муттасил такрорлар, одамлар эса уни мажнун деб ўйлар эдилар:

Лайли, Лайли, – дебон чекиб ун,
Эл деб: мажнундир, ушбу мажнун.[2]

Бу хабар Лайли отасининг қулоғига етиб, Мажнуннинг телбалиги ўз қизига бўлган ишқ туфайли эканлигии билгач, у ҳам, худди Хусрав сингари, қаттиқ дарғазаб бўлади. Мажнунни жунун аҳлидек банд айлашни талаб қилиб, унинг отасига дўқ уради:

Ким топса эди жунунға пайванд,
Мажнунға илож банд эрур, банд.[3]

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.16.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 9-том. – Б.110.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 9- том. – Б.114.

“Солосил ва ағлол” ҳукми билан аёғига занжир, бўйнига ғул солинган Мажнун ўзини “танур ичида”да қолгандек ҳис қилади. Жону тани, балки кулбаю масканига ўт туташгандек туюлади. Уни ўтга ташлаганлари етмагандек, қўл-оёғини банд ҳам қилганлар:

Ўт ичра бировниким солурлар,
Бандини аёғидин олурлар.
Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,
Мундоқму азим эмиш гуноҳим!?[1]

Фарҳоднинг аҳволи бундан ҳам оғир: у ўз кулбасига ҳам эмас, Салосил дев қўрғонига қамалган. Агар шоир Мажнуннинг руҳий ҳолатини ўт ичра ёнаётган одамга ташбеҳ қилган бўлса, Фарҳод тасвирида ўзакдошлик санъатидан фойдаланади. *Салосил* ҳам девнинг, ҳам қўрғоннинг номидир. *Салосил* жумладаги *силсила* сўзи билан ўзакдош: Силсила салосилнинг бирлик шакли: *силсила занжир* бўлса, *салосил занжирлар* деганидир. Ўзакдош сўзлар занжирбандлик ҳолатини беҳад кучайтириб, ўта ғамгин бир манзара яратган: Мажнуннинг ишқ ўтида куйгани етмай, яна оёғига банд солганларидек, *Фарҳод ҳам, жунун аҳлидек ишқ* ***силсиласи****га тортилгани* етмай, ***Салосил*** *девнинг* ***Салосил*** *қўрғонига занжирбанд қилинган*! Улуғ шоир силсила ва салосил сўзларини келтирар экан, бу сўзлар воситаси билан жунун ва зулм занжирларининг расмини ҳам чизгандек бўлади: ўзак ҳарфлар, занжир ҳалқаларига ўхшашдан ташқари, *муқаттаъ* (ажратиб ёзиладиган) ҳарфлардан фарқли ўлароқ, *мусалсал* (силсиласимон, уланадиган) ҳарфлардир: *силсила* (سلسله) – *Салосил* (سلاسل), яъни – سلسل.

Арман эли Фарҳоднинг Салосил қўрғонида занжирбанд эканлигидан хабарсиз эди. Ҳамма уни Хусрав қатл қилдирди деб ўйлар, чуқур қайғуга ботиб, унга қатиқ мотам тутар эди. Кишилар уни эслаб, кўз ёши тўкар, ошиқлар ўтлиқ оҳ чекиб, оламни ўртар, табъ аҳли дардли ғазаллар тўқир, муғаннийлар жудолик аламларини куйга солиб, марсиялар айтар эди. Ширин ҳам кўп вақтлар Фарҳоддан дарак бўлмаганлиги учун алам ва изтиробда қолган эди. Ҳижрон алами уни гоҳ худ, гоҳ бехуд қилар, дардини одамлардан яшириб, хилват қасрда кечаю кундуз йиғлар эди. Бир куни юраги қаттиқ сиқилиб, “қаср томи узра чиқади, ки бир соат ҳавойи касб қилғай, ҳаводин ғунчадек кўнгли очилғай”. Шу чоғ Ширин қулоғига мунгли бир қўшиқнинг ҳазин саслари эшитилади. Бу қўшиқ Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги марсия бўлиб, бир зори маҳзун кажрафтор фалакдан шикоят қилар, Фарҳоднинг ҳийла домига тушиб, макр ва зулм қурбони бўлганлигидан афсус ва надомат чекар эди. Улуғ шоир бошига бундай оғир мусибат тушган Ширинниng бу пайтдаги руҳий ҳолатини сарлавҳада қуйидагича тасвирлайди: *Ширинниng ишқ аҳли суруд ва симоъидин анинг марсияси навҳасин истимоъ қилғони ва самоъда важд аҳлидек бехудона йиқилғони* (355).

Агар шоир авввалги сарлавҳада занжирбанд Фарҳоднинг ҳолатини *жунун аҳли*га ўхшатган бўлса, Ширинниng *ишқ аҳли суруд ва симоъ*ини тинглаб, ҳушдан кетишини *самоъ чоғи важд аҳлининг бехудона йиқил*ишига қиёс қилади. “Бу ердаги суруд ва симоъ тасаввуф аҳлининг ритуал куй ва қўшиқларидир, важд ҳам ўшалар ишидир”, – деб ёзади А.Қаюмов сарлавҳадаги *суруд, симоъ ва важд* сўзларига изоҳ бериб.[2] *Самоъ* эса сўфийлар мажлиси бўлиб, қуйидаги уч унсурни ўз ичига олган: *куй, қўшиқ ва рақс*. Самоъда қўшиқ асосий

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 9-том. – Б.125.
[2] Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Б.87.

ўринни эгаллаган. Самоъ мажлисларида бирор қўшиқ куйланар, сўфийлар рақсга тушар, рақслар ҳалқа-ҳалқа, доира-доира бўлиб ижро этилар эди. Қуйидаги байтда тилга олинган *самоъ даври* шунга ишорадир:

Қилмай ул Зуҳра жабин базмда бир даври симоъ,
Не учун бўлди экин шефта кўнглум раққос.[1]

Самоъдан мақсад *важд* бўлган. Сўфий қўшиқ ва рақс таъсирида жазавага тушиб, ўзи ва ўзлигини унутар, бехудлик даражасига етиб, йиқилиб қолар эди. Самоъ чоғидаги ана шу ҳолат *важд* деб аталган. Улуғ шоирнинг қуйидаги байтида самоънинг ақлу ҳуш ва сабрни кўнгилдан учирувчи қуюн тарзида таърифланишида ҳам важд назарда тутилган:

Ул шўх самоъ ичра учурмоққа кўнгулдин
Ҳушу хираду сабрни офат қуюнидур.[2]

Энди Ширинниng Фарҳод ўлимидан хабардор бўлиб, *самоъда важд аҳлидек бехудона қандай йиқилғонини* тасаввур қилиш мумкин. Аммо улуғ шоир сарлавҳада Ширинниng бехудона йиқилишини важд аҳлининг аҳволига нисбат бериш билангина кифояланган эмас, бу ҳолат тасвирига бағишланган байтларда ташбеҳларнинг бутун бир силсиласи бор. Улар ҳам Ширинниng самоъдаги важд аҳлидек бехудона ҳолатининг бениҳоя мутаассир лавҳаларидир. Қўшиқнинг маҳзун саслари, – дея важд тасвирига киришади шоир, – Ширин бағрига ўткир ханжардай санчилди, бағри куйиб, шундай кучли оҳ тортдики, қуёш шамдек ўчиб, оламни қоронғилик босгандек бўлди. Ширин юзларини тирнаб, қонга бўяйди. Унинг жудолик дарди бир лаҳзада сарғайтириб юборган юзидан оқаётган қизил қонлар гўё сариқ гул узра сочилган қизил гул каби эди:

Секиз гул барги бирла бетааммул,
Сариқ гул узра оқизди қизил гул.

Маъшуқа лабларининг лаълга, ошиқ чеҳрасининг эса каҳрабога нисбат берилгани маълум, чунки маъшуқа лаблари лаълдек қизил, ошиқ чеҳраси эса каҳрабодек сариқ бўлади. Аммо бирор шумхабар эшитган кишининг оғзи қуриб, юзу лабларининг сарғайиб кетиши ҳам бор гап. Шоир анъанага янгича тус бериб, қизил рангни Ширин бармоқлари, сариқ рангни эса унинг лабларига кўчиради: Ширинниng бармоқлари қонга бўялиб, хино қўйгандек қип-қизил бўлган, аммо лаблари қуриб қолганидан сарғайиб кетган эди:

Бўлуб бармоқлари қондин хино ранг,
Вале лаъли қурурдин каҳрабо ранг.

Ширин юзларини тирнаб, қип-қизил қон қилган, кўзларидан эса қонли ёшлар оқар эди. Шоир бу ўринда оригинал ташбеҳ яратиб, бу ҳолатни қон теккан юзни сув билан ювишга ўхшатади. Аммо Ширин юзидаги қонларни сув эмас, кўзларидан оққан қон ювар эди:

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.197.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б.103.

Сиришки қони юз қонида оққон,
Ҳамоноким, юр эрди қон била қон.

Ширин дунёга сиғмай, алам ва изтиробдан, тонг ели гул ёқасини чок қилганидек, ёқасини чок-чок қилади:

Бўлиб гулгун ҳарири чок элидин,
Нечукким гул яқоси тонг елидин.

Кейинги байтларда ҳам шоир бири биридан мутаассир ташбеҳлар келтиради: гул ва икки ғунча. Гул Ширинниng гулдек бадани бўлса, икки ғунча унинг икки кўкрагидир. Аммо уларни ғунча деб айтиб ҳам бўлмайди, – дейди шоир бу фикрни рад этиб, – улар гўё Ширин кўксини тешиб ўтган ғамнинг икки икки пайкони эди:

Дема ғунча, ики пайкон де они,
Ғам ўқи кўксидин ўтган нишони.

Ширинниng икки наргис кўзидан қип-қизил лолалар – қатра-қатра ёшлар сочилади, аммо қонли кўз ёшлари унинг совуқ оҳидан музга айланиб, қип-қизил дўл – жолаларга ўхшаб қолган эди. Ширинниng юзлари ўтдек ёнар, анбарин зулфи эса ўт узра кўтарилган тутун каби эди, чунки кўзлари ўша ўт устига кўз ёшидан тинимсиз сув сепар эди:

Юзи ўтида зулфи анбаролуд,
Ул ўтқа чун ёғиб ашки, чиқиб дуд.

Бундай оғир ғамдан беҳол бўлиб, Ширин ниҳоят *важд аҳлидек бехудона йиқилади*:

Урунуб онча шўру шайн қилди,
Ки заъф айлаб, эси озиб йиқилди.

Шундай қилиб, сарлавҳада юз кўрсатган ташбеҳ шеърий байтлардаги ташбеҳлар занжири билан бирлашиб, Ширинниng руҳий ҳолати ҳақида мукаммал бир тасаввур яратади. Бироқ, шеърий байтлардан фарқли ўлароқ, сарлавҳада бу тасаввурни янада кучайтириш ва аниқроқ ифодалашга хизмат қилган яна бир тасвирий восита бор, бу – восита иштиқоқ санъатидир. Шоир *самоъ* зикрида сўз юритар экан, ишқ аҳли куйлаган қўшиқни *симоъ*, Ширинниng ишқ аҳли суруд ва симоъига қулоқ солишини эса *истимоъ* деб атайди. Симоъ (سماع), самоъ (سماع)[1] ва истимоъ (استماع) бир ўзакдан ясалган сўзлардир: سمع. Ўзакдош сўзлар замирига яширинган руҳият тасвирида ҳам бетакрор санъат, балки улуғ шоирга хос бетакрор санъаткорлик бор: *важд аҳли* ***самоъ*** *мажлисида* ***симоъ истимоъ*** *қилиб, бехудона йиқилганидек, Ширин ҳам ишқ аҳли суруд ва* ***симоъ****идин Фарҳод ўлими ҳақидаги марсия оҳангларини* ***истимоъ*** *қилиб,* ***самоъ****даги важд аҳлидек бехудона йиқилган эди!*

Шибҳи иштиқоқ. Иштиқоқнинг ўзига хос яна бир тури бўлиб, мумтоз поэтикада у *шибҳи иштиқоқ*, яъни *иштиқоққа ўхшаш* санъат деб аталган. Бу санъат намуналарида

[1] Бу сўз кўпинча симоъ деб ўқилади. Аммо Е.Э.Бертельс бундай ўқишнинг хато эканлигини таъкидлаган эди. Қаранг: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – С. 43.

айрим сўзлар ўзакдошдек туюлса ҳам, улар ўртасида ўзакдош сўзлардаги сингари маъно жиҳатидан ҳеч қандай алоқадорлик бўлмайди, фақат ўзак ҳарфларгина бир-бирига ўхшайди, холос. Бу жиҳатдан у маълум даражада тажнис санъатини ёдга солади, аммо тажнисда сўзлар қисман ёки тўла шаклдош бўлса, бу санъатда шаклдошлик фақат ўзакдошдек туюлган ҳарфларгагина тааллуқлидир. Шибҳи иштиқоқ ўта мураккаб санъат, у ижодкордан сўзларнинг шаклию маъно нозикликлари, келиб чиқишию тузилишидан тўла хабардор бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам шибҳи иштиқоқ Навоийгача бўлган туркий шеъриятда деярли учрамайди.

Алишер Навоий шибҳи иштиқоқ санъатига алоҳида эътибор билан қараган. Шоир девонида ушбу санъатнинг кўплаб етук намуналарини мавжуд. Жумладан, қуйидаги байт ҳам шулар жумласидандир:

Не дардингни кўнглумда асрор[1]ға тоқат,
Не сиррингни оғзимға олмоққа ёро.[2]

Байтда ишқ дардига мубтало ошиқнинг чорасиз аҳволи акс этган бўлиб, лирик қаҳрамоннинг айтишича, ишқ дардини кўнгилда асраш учун унда на тоқат бор, на ишқ сирларини ошкор этиш учун журъат. Шоир ошиқнинг мураккаб руҳий ҳолатини тасвирлар экан, унинг мушкул аҳволига ғоят мос тушувчи икки сўзни келтиради: *асрор ва сирр*. *Асрор* ўзбекча сўз (асра+р) бўлиб, асраш, асрамоқ, *Сирр* эса арабча сўз бўлиб, ўзгалардан яширин сақлаш лозим бўлган фикрлар деган маъноларни билдиради. Асрор ўзбекча, сирр эса арабча сўз бўлишига қарамай, уларнинг ўзак ҳарфлари бир хил: срр (а**ср**о**р** – си**рр**). Бу сўзлардаги асосий ҳарфларнинг бир хиллиги мисралар орасидаги ўзаро оҳангдорлик ва боғланишни кучайтириб, байтда нафис бир бадииятни юзага келтирган. На келиб чиқиш, на маъно жиҳатидан алоқадорлиги бўлмаган сўзларни бу каби алоқадор қилиб қўйиш фақат Навоийгагина хос бўлган алоҳида бир санъат. Бироқ улуғ шоирнинг санъаткорлиги шу билангина тугаган эмас: байтда *асрор* сўзининг иккинчи маъносига ҳам жуда нозик ишора бор. Гап шундаки, ўзбекча *асрор*дан ташқари, арабча *асрор* деган сўз ҳам мавжуд. *Сирр* сўзи билан ўзакдош бўлган *асрор* сўзининг маъноси – сирлар. Бинобарин, биринчи мисрадаги асрор сўзини арабча асрор деб ҳам ўйлаш мумкин. У ҳолда байтнинг маъноси яна ҳам қуюқлашади: *нафақат ишқ дарди, балки ишқ асрорини кўнгилда асраш учун тоқат ҳам, ўша ишқ сирларини ошкор этиш учун журъат ҳам йўқ*! Сирр ва асрор сўзлари байтда нафис сўз ўйинлари ҳосил қилиб, ишқ сир-асрорлари ва уларни асраш қийинчиликлари билан боғлиқ кечинмалар тасвирини яна ҳам таъсирчан тарзда ифодалашга хизмат қилган.

Ҳайратланарли жиҳати шундаки, шоирнинг тенгсиз маҳорати лирик шеърларида ҳам, эпик асарларда ҳам бирдек намоён бўлган. Жумладан, XXI боб сарлавҳасида *анжум* ва *анжуман* сўзларидан шибҳи иштиқоқ яратиб, тасвирда юлдуздай сержилоликни юзага келтирган. Фарҳод ва хоқон Суқрот ҳакимни қидириб, Юнон мулки тупроғига қадам қўйган чоғларида, бундан хабар топган барча “ашрофу раоё” – юрт улуғлари ҳам, фуқаролар ҳам уларга пешвоз чиқади. Хоқон ҳам ҳиммат қўлини кенг тутиб, ҳар бирининг ҳолига яраша лутфу иноят айлар экан, ҳикмат аҳлига, айниқса, кўп эҳтиром кўрсатади:

---

[1] Бу сўз девонда *асрар* деб ёзилган, тўғри эмас, бу ҳолда санъат йўқолади.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б. 9.

Кўп айлаб аҳли ҳикмат эҳтиромин,
Қилиб ҳар қайсининг таъйин мақомин.

Хоқон уларга бу ён келиш сабабларини баён қилади: улардан Суқрот ҳузурига олиб борадиган йўлни кўрсатиб, бу йўлда учрайдиган уч хатарни бартараф қилиш сирларидан хабар беришларини сўрайди. Аҳли ҳикмат хоқондан уларни маъзур тутишини сўраб дейдики, биз ҳам бу сўзларни эшитганмиз, шоҳ истаса, шарҳини ҳам қилишимиз мумкин, аммо бу ишнинг ҳақиқатига етган эмасмиз, шунинг учун бундан фойда йўқ. Бу сирдан огоҳ фақат бир киши бор, унинг исми Суҳайло бўлиб, замон аҳли уни Суқроти замон деб атайди. Ўзи ҳам Суқрот сингари бир ғорни ўзига макон айлаган. Сўзларингга фақат угина жавоб бериши мумкин:

Бу мушкил нукта ҳаллин ул қилур, ул,
Анинг сори буюрсанг, бошлали йўл.

Шоҳ ва шаҳзода бу сўзлардан хурсанд бўлиб, юнон ҳакимлари ҳамроҳлигида Суҳайлойи ҳаким сари йўлга тушадилар. Шоир бу ҳолатни XXI бобнинг сарлавҳасида шундай тасвирлайди: *Ул ой ва қуёшнинг анжум кирдор ҳукамо анжумани бирла Суҳайлойи ҳаким ғориға бормоқлари*.

Парчадаги асосий тимсол – *Суҳайло.* Шунинг учун санъаткор шоир бутун сўз ва тасвирий воситаларни шу тимсол билан боғлайди. Суҳайло, маълум бўлганидек, эл аро Суқроти замон деб ном олган ҳакимнинг исми, шу билан бирга, *Суҳайл* деган жуда ёрқин бир юлдуз ҳам бор. Суҳайло ва Суҳайл сўзлари бир-бирига жуда ўхшаш, ҳатто ўйлаш мумкинки, Суҳайло исми Суҳайл сўзидан ясалган, улар ўзакдош, бинобарин, Суҳайло исмида ҳам юлдуз маъноси бор. Суҳайло юлдуз экан, унинг ҳузурига келганлар ҳам юлдузмонанд бўлишлари лозим эди. Шу сабабли ҳам шоир хоқонни ой, Фарҳодни қуёш, юнон ҳакимларини эса тўғридан тўғри анжум – юлдузлар деб атайди: *хоқон – ой*, *Фарҳод – қуёш, юнон ҳакимлари эса анжум кирдор – юлдузсимон.* Шу қаторда яна бир сўз бор: *анжуман*. Анжуманнинг маъноси йиғилиш, мажлис бўлиб, бу ўринда биргалик ёки ҳамроҳлик маъносида келади, бинобарин, унда юлдузлик маъноси йўқ. Аммо тузилиши анжум сўзига ўхшаш. Шундай тасаввур пайдо бўладики, анжуман сўзи анжум билан ўзакдош: анжум юлдуз бўлса, анжуман юлдузлар мажлисидир. Энди анжуман ҳам юлдузлар қаторидан жой олади: *ой, қуёш, Суҳайло, анжум, анжуман.*

Шоир бир ўринда тилдаги мавжуд шаклдош сўзлардан санъат яратса, бошқа ўринда унинг ўзи шаклдош бўлмаган сўзларни шаклдош қилиб, беқиёс маҳорат намойиш қилади. XVI боб сарлавҳаси бу фикрнинг ёрқин мисолидир: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи ва Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоғи ва жамии санойиъ ва ҳунар дақойиқи анинг илгига келмоғи*.

Сарлавҳа ташбеҳ, истиора, шибҳи иштиқоқ каби юксак санъатлар тилсими бўлиб, бу тилсимнинг калити – *Қоран* ва *Моний* сўзлари. Қоран ва Моний зимнига жо бўлган санъатлар нафосатини тўлиқ ҳис қилмоқ учун аввал Фарҳодга аталган тўрт боғ ва тўрт қаср қурилиши тасвирланган XVI бобнинг сарлавҳаси билан танишмоқ лозим. XVI боб сарлавҳаси: *Мулкоронинг тўрт равзаи Эрам монанд била тўрт қасри фалак пайванд иморатин тўрт айириб, ҳар бирига Зуҳалваш саркор ва Аторудсон меъмор таъйин қилиб,*

рубъи маскундек ободлиғига машғул бўлғони ва Фарҳоднинг иш тамошосиға келиб, аҳли ҳунар санъатини тамошо қилиб, Қорани сангтарош ишига етишгач, ғаробатидин фаҳми тешаси ул иш идроки хорасидин кунд бўлуб, қуёш мағриб тоғига майл этгондек анинг хораси устига тушуб, метин тилидин сўз сўруб, хоро садосидин жавоб топиб, ул иш майли мумдек кўнглига "Кан-нақши фил ҳажар" бўлғони.

Сарлавҳада вазир Мулкоронинг Фарҳод учун гўзалликда Эрам монанд тўрт боғ ва баландликда фалак пайванд тўрт қаср қурилишини бошлаб, уларнинг ҳар бирига Зуҳалваш саркор ва Аторудсифат меъмор таъйинлаб, Фарҳоднинг ҳунар аҳли санъатини тамошо қилиб, тошйўнар Қоран маҳоратидан ҳайратга келиб, сангтарошлик сирларини ўрганиш иштиёқи кўнглида тошга ўйилган нақшдек ўрнашиши ҳикоя қилинган. Шоир боғ ва қасрлар таърифига киришар экан, ташбеҳлар занжирини кетма-кет тиза бошлайди: боғлар *Эрам монанд*, қасрлар эса *фалак пайванд*, Эрам монанд боғ саркорлари *Зуҳалваш*, фалак пайванд қаср меъморлари эса *Аторудсифат*. Ташбеҳлар занжирига мувофиқ тимсоллар ҳам жуфт-жуфт: 1) боғ – Эрам; қаср – фалак; 2) саркор – Зуҳал; меъмор – Аторуд.

Эрам, ривоятларда айтилишича, Однинг ўғли Шаддод қурдирган афсонавий боғ. Шаддод Аллоҳга иймон келтиришни истамай, ер юзида жаннатмисол бир боғ бино қилишга киришади. Бу боғ шундай гўзал эдики, "ҳеч ким оламда андоғ боғ иморат қилмаб эди: дарахтлари олтиндин, шохлари кумушдин, барглари зумраддин, мевалари лаъл ва ёқутдин. Ариқларида сув ўрниға асалдин шароб оқизиб қўйди, туфроғ ўрниға мушк ва анбар қўйғон эрди", "баландлиғи уч юз газ эрди".[1] Шаддод ана шу жаннатмисол боққа Эрам деб ном беради. Фарҳод учун қурилаётган тўрт боғ ҳам боғ эмас, "тўрт равзаи Эрам монанд" – Эраммисол тўрт жаннат боғи! Қасрлар эса "тўрт қасри фалак пайванд".

Тўрт боғнинг "Эрам монанд", тўрт қасрнинг "фалак пайванд" эканлиги тушунарли. Аммо саркор билан Зуҳал, меъмор билан Аторуд ўртасида қандай алоқадорлик бор? Улуғ шоир нечук Эрам монанд боғ саркорларини Зуҳалга, фалак пайванд қаср меъморларини Аторудга ўхшатди экан? Меъмор ва Аторуд ўртасидаги ўхшашлик маълумдек туюлади: фалак баланд, Аторуд фалакдан ҳам баланд – у иккинчи фалакдаги сайёра, қасрлар баландликда ҳам фалакка, ҳам Аторудга ташбеҳ қилинган: ҳам фалак пайванд, ҳам Аторудсифат. Фалак пайванд қаср меъморларининг эса Аторудсифат бўлиши табиий. Аммо бу фикрга ишониш учун бир иштибоҳ монелик қилади: ташбеҳлар жуфт-жуфт экан, Аторуднинг жуфти бўлган Зуҳал билан саркор ўртасида ҳам шундай алоқадорлик бўлиши лозим. Бироқ қанчалик қидирмайлик, меъморлар ва Аторудни бир-бирига боғлаб турувчи ришталар йўқ. Демак, ташбеҳнинг асл сабаби бу эмас.

Ана энди жавоб излаб дастлабки сарлавҳага қайтамиз. Айтилган эдики, сарлавҳа, балки сарлавҳалар бадийяти тилсимининг калити – Қоран ва Моний. Қоран ва Моний калитларини ташбеҳлар занжирига солиб кўрамиз: 1) саркор – Зуҳал – Қоран; 2) меъмор – Аторуд – Моний.

Зуҳал ва Қоран, Аторуд ва Моний! Зуҳал ва Аторуд – сайёра, Қоран – тошйўнар уста, Моний – рассом. Самодаги сайёралар билан оддий тошйўнар ёки рассом ўртасида қандай алоқадорлик бўлиши мумкин? Ҳақиқатан ҳам, Зуҳал билан Қоран, Аторуд билан Моний орасидаги фарқ том маънода ер билан осмонча! Бироқ улуғ шоирнинг беқиёс истеъдод ва тафаккурининг қудрати шундаки, у бир-биридан беҳад узоқ тушунчалар орасидан

[1] Рабғузий Носириддин Бурҳониддин ўғли. Қисас ул-анбиё. – Тошкент, ҳиж. 1329. – Б.112.

ҳам мустаҳкам ришталар топиш ва уларни бир-бири билан занжирдек боғлашга қодир. Аввало, Аторуд ва Моний ҳақида. Аторуд, осмоннинг иккинчи қаватидан жой олиш билан бирга, бир қатор одат ва сифатларга ҳам эга. Чунончи, у ғоят билимдон, айни чоғда, найрангбоз, нилуфар ранг соҳиби, фалак котиби, кенг маънода эса қалам аҳли: шоир, рассом ва меъморларнинг пири. Демак, Аторуд ва Монийнинг ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас: Моний рассом бўлса, Аторуд рассомлар пири. Фалакпайванд қаср иморатига таъйин қилинган Аторудсон меъмор ҳам Моний. Зеро, меъморгина эмас, меъморлик санъатининг Аторудсифат пири ҳам!

Зуҳал ва Қоран ришталарини топиш учун Зуҳал тавсифномасини кўздан кечирамиз: еттинчи осмон сайёраси, ланг, яъни чўлоқ – жуда секин юради, тақводор обид, шу билан бирга, наҳс – бадбахт, бахтсизлик келтирувчи юлдуз, қора ранг соҳиби. Аторуд рассомлар пири эди, бироқ, кўриниб турибдики, Зуҳалнинг ҳеч бир сифати тошйўнарлик билан боғлиқ эмас, Зуҳал ва Қоран орасида на маъно ва на шакл жиҳатидан кўзга ташланиб турувчи алоқадорлик бор. Эътиборни Қоранга қаратамиз, бироқ мавжуд манбаларда унинг тошйўнар уста эканлигидан ташқари ҳеч нарса дейилмаган. Лекин... дейилиши ҳам мумкин эмас, чунки Қоран Қоран исми ҳам, унга сингдирилган маънолар ҳам улуғ шоирнинг ўз ихтироси. Шунинг учун муаммонинг ечимини шоир қаҳрамонининг ўзидан излаш лозим. Ҳақиқатан ҳам, Қоран сўзига яхшироқ эътибор берилса, унинг икки қисмдан иборат эканлигини сезиш мумкин: қора + н. Демак, Қораннинг ўзаги қора, “н” эса унга қўшилган қўшимча! Қоран, худди Тўлан каби (Тўла+н), қора сўзига “-н” қўшимчасини қўшиб ясалган ўзбекча исм!

Маълум бўладики, улуғ шоир етти сайёра ичидан Зуҳални бежиз танлаган эмас. *Қоран* – аслан *қора*. Шундай экан, бадиий тасвир учун Зуҳалдан кўра мосроқ тимсол бўлиши мумкин эмас: *Зуҳал* ҳам Қорандек *қора*, чунки у *қора ранг соҳиби!* Ташбеҳи измор, яъни яширин ташбеҳ Қоран ва ҳатто Зуҳал фазилатларига фазилат қўшган: *Қоран Зуҳалваш*: моҳир сангтарош, шу билан бирга, *Зуҳалдек улкан ва қудратли! Зуҳал* эса *Қоранваш:* энг катта сайёра, шу билан бирга, *Қорандек сангтарошлар пири!*

Қора ранг фақат Қоран ва Зуҳал тимсолларидагина эмас, сарлавҳанинг Фарҳоднинг Қоран маҳоратидан ҳайрати тасвирланган иккинчи қисмида ҳам сезилиб туради: *Фарҳоднинг иш тамошосиға келиб, аҳли ҳунар санъатини тамошо қилиб, Қорани сангтарош ишига етишгач, ғаробатидин фаҳми тешаси ул иш идроки хорасидин кунд бўлуб, қуёш мағриб тоғига майл этгондек анинг хораси устига тушуб, метин тилидин сўз сўруб, хоро садосидин жавоб топиб, ул иш майли мумдек кўнглига “Кан-нақши фил ҳажар” бўлғони.* Жумладаги *“Кан-нақши фил ҳажар”* иборасининг маъноси “тошга ўйилган нақшдек”. Шоир Қоран ҳақида сўзлар экан, ҳамма нарсани Қоран рангига бўяйди: теша (темир) қора, *тош* қора, *тоғ (тош)* қора, метин қора, мум қора. “Кан-нақши фил-ҳажар” ибораси эса Каъбадаги машҳур “Ҳажар ул-асвад” – *“Қора тош”га тўғридан-тўғри ишора!*

Қоран ва қора ранг, Қоран ва Зуҳал алоқаси кейинги сарлавҳада ҳадди аълога кўтарилган: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи*.

Мазкур парча икки жумладан иборат бўлиб, илк жумлада Фарҳоднинг тошйўнарлик ҳунарини ўрганиш учун Қоран билан юзма-юз бўлиши тасвирланган: *Фарҳоднинг Қоран*

била хоро йўнарда муқорин[1] *бўлуб.* Жумланинг иккинчи қисмида шоир ружуъ санъатини қўллаб, ўз фикрини рад этади. Йўқ, – дейди у, – Фарҳоднинг Қоран билан эмас, балки ўша Ойнинг бу Зуҳал билан юзма-юз бўлмоғи: *балки ул Ойнинг*[2] *бу Зуҳал била қирон қилмоғи*. Иккинчи жумлада тасвирланишича, Қоран билан юзма-юз бўлган Фарҳодга тошйўнарлик фанида соҳибқиронлик эшиги очилган: *ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи.*

Кўриниб турибдики, агар шоир аввалги сарлавҳада Қоранни Зуҳалга яширин ташбеҳ қилиш билан кифояланган бўлса, энди истиора санъатини қўллаб, уни тўғридан-тўғри Зуҳал деб атайди: Фарҳод Ой бўлса, Қоран – Зуҳал! Бироқ, шу билан бирга, Қоран сўзининг ўзгача талқини ҳам мавжуд: Қоран қора билан эмас, балки қирон билан ўзакдош – унинг ўзаги қирон, муқорин, соҳибқирон сўзлари каби қрн –قرن . Бинобарин, Қораннинг маъноси қора эмас, балки қирон каби яқинлик!

Қоранни қирон қилган шоир энди поэтик нигоҳини шу томон – Қоран, қирон, муқорин ва соҳибқирон сўзлари ҳамда бу сўзлар ўзида жо қилган маънолар томон қаратади. Навоий давридаги тушунчаларга кўра, осмон етти қават бўлиб, унинг ҳар бир қаватида биттадан сайёра бор. Гарчи етти сайёра самода бурждан буржга кўчиб, тинимсиз айланиб турса ҳам, икки сайёранинг бир пайтда бир бурж остида учрашиб қолиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Бундай учрашув илми нужум – юлдузлар ҳақидаги илмда қирон, қирон пайтида дунёга келган кишилар эса *соҳибқирон* дейилган.[3] Соҳибқиронлик улуғ бахт бўлиб, инсоният тарихида фақат уч киши: Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда Амир Темургина соҳибқиронлик бахтига мушарраф бўлган, холос.

Жумладаги самовий тушунчалар икки маъно: ҳам ўз, ҳам кўчма маънода ишлатилиб, Фарҳоднинг тошйўнарлик касбида камолот касб этишини баланд пардаларда ифодаловчи ажойиб тамсилга айланган: Ой Зуҳал билан қирон қилганидек, Фарҳод Қоран билан муқорин (юзма-юз) бўлган; Ой Зуҳал билан қирон қилганда, самода соҳибқиронлик эшиги очилганидек, Фарҳод Қоран билан муқорин бўлганда, тошйўнарлик фанида соҳибқиронлик эшиги очилган. Соҳибқиронлик эшигининг очилиши тасвирнинг авж нуқтаси. Бу сўзнинг "қирон эгаси"дан ташқари яна бир маъноси бор: еттти иқлим, яъни бутун ер юзини эгаллаган подшоҳлар ҳам соҳибқирон дейилган. Демак, Фарҳод Қоран билан муқорин бўлиб, бутун ер юзини эгаллаган подшоҳлардек, *жамии санойиъ ва ҳунар дақойиқин* эгаллаб, сангтарошлик фанида соҳибқиронлик даражасига кўтарилган:

Анингдек қилди хоро йўнмағин вирд,
Ки юз Қоран қошида бўлди шогирд! (90)

Фарҳоднинг Қорандан сангтарошлик сирларини ўрганиб, бу фанда соҳибқиронлик даражасига кўтарилиши шибҳи иштиқоқ воситаси билан яна бир карра тасдиқланган: Фарҳод – Қоран – қирон – муқорин – соҳибқирон. Яъни улуғ шоир демоқчи бўладики, Ой Зуҳал билан қирон қилганидек, Фарҳод Қоран билан муқорин бўлар экан, унга соҳибқиронлик эшигининг очилиши табиий, чунки Қораннинг ўзи соҳиби *қирон*дир!

Алишер Навоий сўзни афсунгардай ўйнатади. Қоранни ҳам қора, ҳам қирон билан боғлаш, ҳам талмеҳ, ҳам таносуб, ҳам шибҳи иштиқоқ яратиш, айни чоғда, ҳам маъно, ҳам

[1] Нашрда муқарни деб ёзилган – хато, чунки қирон сўзининг бундай шакли йўқ.
[2] Достонда Ой кичик ҳарф билан ёзилган – тўғри эмас, чунки Ой ҳам Зуҳал сингари сайёранинг номи.
[3] Ғиёсуддин Муҳаммад. Ғиёс ул-луғот. Иборат аз се жилд. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988 . – С.3.

шакл, ҳам ранглар уйғунлигига эришиш улуғ шоир афсунгарлик маҳоратининг ҳайратбахш мўъжизаларидир.

Истихрож. Сарлавҳаларда улуғ шоирнинг бетакрор маҳоратини намойиш қилувчи санъатлардан бири – истихрож. Мумтоз бадииятга оид асарларда бирор бадиий тафсилнинг араб ҳарфларига ўхшатиб тасвирланиши китобат санъати дейилган бўлса, байтда ўхшатилган ҳарф ва сўзларнинг йиғилиб, бирор янги сўз ҳосил қилиши истихрож санъати деб аталган.[1] Истихрож сўзининг луғавий маъноси чиқариш, чиқариб олиш, танлаб олиш.[2] Бу санъат тасвирга тортилган ҳарфлардан бирор сўз чиқарилгани учун шу ном билан аталган.[3] Достондаги Яратувчининг мадҳига бағишланган II боб сарлавҳасида ҳам муаммо санъати мавжуд: *Бу шавқ достонининг "алиф"лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша зулфлар туррасиянглиғ дилкаш эрконига боис феҳрастида Ҳақ отидин туғро ва дебочаси Қайюми мутлақ сифоти била мутарро эрконининг баёни*.

Улуғ шоирнинг сарлавҳада қайд қилишича, "Фарҳод ва Ширин" *шавқ достони*. Санъаткор *шавқ достони*нинг "алиф" ва "лом"ларини шундай таърифлайди: *"алиф"лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва "лом"лари бинафша сочлар жингалакларидек дилкаш*. Кетма-кет икки ташбеҳ: шавқ достонининг "алиф"лари сарвқадлар бўйига, "лом"лари эса бинафша зулфлар жингалакларига ўхшатилган. "Алиф"лар сарвқадлар бўйидек тик: ا, "лом"лар бинафша сочлар жингалакларидек эгик: ل. Муаллиф "алиф"ни сарвқадлар бўйига, "лом"ни бинафша сочлар жингалакларига ўхшатиб, шавқ достонининг "алиф" ва "лом"лари ҳақида мукаммал бир тасаввур яратган. Бироқ шоир "алиф"ни бўйга, "лом"ни соч жингалакларига ўхшатиш билангина чекланиб қолмайди. Жумлада ташбеҳларнинг бутун бир силсиласи бор: "алиф"лар сарвга, сарв қадга, қад эса санубарга ташбеҳ қилинган, чунки сарв ҳам, қад ҳам, санубар ҳам "алиф"дек тик. "Лом"лар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: "лом" зулфга, зулф бинафшага, бинафша туррага ўхшатилган: зулф ҳам, бинафша ҳам, турра ҳам "лом"дек эгик. Ташбеҳнинг бу тури ташбеҳи мусалсал – занжирсимон ташбеҳ дейилади: *"алиф" – сарв – қад – санубар; "лом" – зулф – бинафша – турра*.

Сарлавҳанинг иккинчи қисмида "алиф" ва "лом"ларнинг бу қадар зебо ва дилкашлигининг сабаблари баён қилинган. Бунга сабаб феҳрастида Ҳақ отидин туғро[4] ва дебочаси Қайюми мутлақ сифоти била мутарро эканлигидир. Бу парчада ҳам "алиф" ва "лом" билан боғлиқ тасвир давом эттирилган. Чунончи, туғро "алиф"га ишора, чунки туғро ҳам "алиф" сингари тик, айни чоғда, туғро "алиф", "алиф" эса Ҳақнинг оти. Аниқроқ қилиб айтганда, шавқ достонининг ҳар бир "алиф"и – Ҳақнинг оти! "Алиф" Ҳақнинг оти экан, "лом" Ҳақнинг Қайюми мутлақ деган сифоти. Ёки бошқача қилиб айтганда, шавқ достонининг ҳар бир "лом"и – Ҳақнинг Қайюми мутлақ сифоти! Мутарро ҳам "лом"га ишора, мутарронинг маъноси тоза, янги, ялтироқ. Бу жиҳатидан мутарронинг "лом", зулф, бинафша сўзлари билан алоқадорлиги йўқдек туюлади. Лекин Навоий асарларида ҳеч бир сўз бошқа сўзлар билан боғланмай қолиши мумкин эмас. Ҳақиқатан, шундай боғлиқлик бор: мутарро турра сўзи билан шаклдош, улардаги ўзак ҳарфлар бир хил: مطرا- طره, яъни:ط- ط . Ҳарфдошлик

[1] Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001 – Б. 64.
[2] Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев, С. Иброҳимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 284-бет.
[3] Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.10; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Б.65; Навоий асарларининг луғати. – Б. 401.
[4] Туғро – китобларнинг бошига туширилган чизиқли расм (Унинг кўриниши "алиф"га ўхшайди – А.Қ.). – Навоий асарлари луғати. – Б.619.

мутарро ва турра ўзаро ўзакдош, турра кокил бўлса, мутарро кокил қилинган, дегандек тасаввур уйғотади. Энди ташбеҳлар силсиласи бундай бўлади: *“алиф” – сарв – қад – санубар – туғро –Ҳақнинг оти; “лом” – бинафша – зулф – турра – мутарро – Унинг сифоти*.

Шоир “алиф”лар Ҳақнинг оти, “лом”лар Ҳақнинг сифоти дер экан, бу фикрни истихрож санъати билан яна бир бор таъкидлайди: “алиф” ва “лом” бир-бири билан кўшилса, ал бўлади: ال, “лом”нинг учи (турра сўзининг уч деган маъноси ҳам бор[1]) бинафша зулфлар турраси янглиғ жингалак қилинса, лаҳ бўлади: له. Ал – ال ва лаҳ – له бир-бирига қўшилса, Аллоҳ бўлади: الله. Демак, шавқ достонининг феҳрастида туғро бўлган Ҳақнинг оти الله – Аллоҳ! Шунинг учун ҳам бу шавқ достонининг “алиф”лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва “лом”лари бинафша зулфлар турраси янглиғ дилкаш! Улуғ шоир ўз асарини бежиз *шавқ достони* деб атаган эмас. Сўфиёна истилоҳда “Шавқ деб кўнгилнинг маъшуқ томон ҳаяжон билан интилишига айтилур”.[2] Сарлавҳадан маълум бўладики, ўша маъшуқнинг исми Аллоҳ. Достоннинг феҳрастию дебочаси Унинг ишқи билан музайян: “алиф”лари Унинг оти, “лом”лари эса Унинг сифоти!

Қирқ учинчи бобнинг сарлавҳасида ҳам шоир ҳижрон азоблари: ҳажр қаро шомининг тийралиги ҳамда жудоликнинг мислсиз дард-аламларини муаммо воситаси билан очиб беради. Макру ҳийла билан асир олинган Фарҳод Салосил қўрғонига занжирбанд қилиниб, Хисравнинг буйруғи билан уни беш юзта нигоҳбон қўриқлаб туради. Албатта, Фарҳод истаса, бир лаҳзада банддан озод бўлиши мумкин. Чунки Суқрот ҳаким Фарҳодга исми аъзам – Аллоҳнинг улуғ исмини ўргатган бўлиб, Фарҳод ўша исмни тилга олса, қўл ва оёқларига урилган кишанлар дарҳол ечилиб кетади. Бироқ Фарҳоднинг пок кўнгли бу истакни рад этади, чунки Хисрав, агар Фарҳод банддан халос бўлиб кетгудай бўлса, соқчиларни ўлдиражагини айтган. Шунинг учун ҳам не чоғли қийин бўлмасин, Фарҳод Салосил қўрғонида қолишга, Ширидан айрилиб, ҳижрон аламларини чекишга мажбур. Достонда Фарҳоднинг чексиз қайғу ва изтироб, дард ва алам билан тўла ҳолати ғоят ёрқин ва мутаассир тасвирланган кўплаб поэтик лавҳалар бор: Фарҳод тонг қушлари сингари машриққа мурожаат қилади, фалакдан зорланиб, осмондаги Ой, Аторуд, Зуҳра, Қуёш, Баҳром, Муштарий ва Зуҳал каби сайёраларга ўз дардини сўзлайди, кўкдаги юлдузларга ҳижрон аламларидан шикоят қилади. Сарлавҳа ана шу муҳлик ҳолатнинг дебочасидир: *Фарҳод рўзгорининг қаролиги, яъни ҳажр шомига мубталолиги ва ул шом тули ниҳоятсизлиғиким, адами иборат анинг қуёшининг айни ва субҳининг дамидин бўлғай ва саводининг ғоятсизлиғиким, мавти киноят анинг ҳумумининг қалби ва зулматининг этагидан бўла олғай ва мундоқ тийра тунда анинг хасдек танининг куймагиким, тутун ичра ахгардин афсона айтур эрди ва бу янглиғ қаттиғ кечада тешуклик бағрининг қонға бўялмоғиким, хора ичинда ёқути аҳмардин нишона кўргузур эрди ва мундоғ тунни шамъдек гудоз била саҳарга еткургани ва чархдек таку тоз била кундузга келтургани*.

Сарлавҳа икки мазмуний бўлакдан иборат: биринчи бўлакда ҳажр шомининг тийралиги, иккинчи бўлакда эса ҳажр кечасида Фарҳод мубтало бўлган аччиқ изтироб ва аламлар тасвирланган. Биринчи бўлакда уч жумла мавжуд. Биринчи жумла Фарҳод рўзгорининг қаролиги ҳақида: *Фарҳод рўзгорининг қаролиги, яъни ҳажр шомига мубталолиги.* Ушбу қисқагина жумлада шоир *Фарҳоднинг рўзгори* ҳамда *ҳажр шоми* ҳақида ғоят қайғули бир

[1] Фарҳанги забони тожикӣ. Иборат аз ду жилд. Жилди II. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 379.
[2] Миръоти ушшоқ. – С. 159.

манзара яратган: Фарҳоднинг рўзгори қаро, чунки у ҳажр шомига мубтало. Жумладаги шом сўзи ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланган. Шоир ҳажр шоми деганда, бир тарафдан, ҳижроннинг бир кечасини, шу кечадаги Фарҳоднинг ҳолатини назарда тутган бўлса, иккинчи тарафдан, ҳижронни қоронғи кечага ўхшатган. Жумла лозиму малзум санъати асосига қурилган: *Фарҳод ҳажр шомига мубтало, шунинг учун рўзгори қаро.* Жумлада ташбеҳи измор – яширин ташбеҳ санъати ҳам бор, Фарҳоднинг рўзгори ҳажр шомига ўхшатилган: *Фарҳоднинг рўзгори ҳажр шомидек қаро.*

Иккинчи жумла ҳажр шомининг ниҳоясизлиги ҳақида: *ул шом тули ниҳоятсизлиғиким, адами иборат анинг қуёшининг айни ва субҳининг дамидин бўлғай.* Шоирнинг тасвирлашича, ҳажр туни шу қадар узунки, унинг охири йўқ. Шоир ҳажр тунининг бепоёнлигини ҳажр тунида йўқ нарсалар билан далиллайди: ҳажр туни шу қадар чексиз-чегарасизки, на *қуёшининг айни* – қуёшининг косаси ва на *субҳининг дами* – тонгининг нафаси бор: на тонг отади ва на қуёш чиқади. Бинобарин, *адами иборат* – йўқлик сўзининг ҳажр туни қуёшининг айни ва субҳининг дамидан бўлиши ажабланарли эмас. Шоир ҳажр тунининг ниҳоятсизлигини истихрож санъати билан ҳам кўрсатади. Шоирнинг айтишича, *адами иборат* – адам сўзи ҳижрон туни *қуёшининг айни ва субҳининг дамидан бўлғай.* Қуёшнинг арабча номи – *айн*, у шундай ёзилади: عين. Айни чоғда, "айн" араб ёзувидаги бир ҳарфнинг номи ҳам: ع. Алишер Навоий *қуёшининг айни* деганда ҳам қуёшни, ҳам қуёшга ўхшаган "айн" ҳарфини назарда тутган, ҳақиқатан ҳам, "айн" ҳарфининг бош қисми қуёш косасига ўхшайди: ء. *Субҳнинг дами* – тонг чоғида эсадиган майин ва ёқимли шамол. *Дам* сўзи қуйидагича ёзилади: دم. Қуёшнинг *"айн"и* – ء ва субҳнинг *"дам"и* – دم ни бир-бирига қўшамиз, ҳосил бўлган сўз *адам*: عدم, яъни йўқлик.

Учинчи жумла ҳажр тунининг ортиқ даражада қаролиги ҳақида: *ва саводининг ғоятсизлиғиким, мавти киноят анинг ҳумумининг қалби ва зулматининг этагидан бўла олғай.* Жумлада тасвирланишича, ҳажр туни қоп-қора зулмат, бу зулмат шу даражада ранж-машаққатлар билан тўлиб-тошганки, унинг боши ҳам, охири ҳам ўлим! Фарҳод учун ҳижрон ўлим эканлигини шоир истихрож усули билан ҳам келтириб чиқаради: *мавт,* яъни ўлим ҳижрон туни *ҳумумининг,* яъни машаққатларининг *қалби ва зулматининг этагидан бўлгай*. *Ҳумум* сўзи араб ёзувида шундай ёзилади: هموم, зулмат эса бундай: ظلمت. Ҳумумнинг қалби, яъни ўртасидаги ҳарфлари "мим" ва "вов": مو, зулматнинг этаги, яъни охиридаги ҳарф эса "те": ت. Ҳумумнинг қалби, яъни "мим" ва "вов" ҳарфларига зулматнинг этаги, яъни "те" ҳарфини қўшамиз. Ҳосил бўлган сўз *мавт:* موت, яъни ўлим.

Шу ўринда истихрож бўлиб келган сўзларнинг жумлалар мазмуни билан мустаҳкам алоқадор эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Сарлавҳадаги асосий масала Фарҳод рўзгорининг қаролиги, рўзгорининг қаролигига сабаб унинг ҳажр шомига мубталолиги. Улуғ шоир Фарҳод рўзгорининг қаролиги ҳақида мукаммал бир манзара яратиш учун тасвирда аксарият қора ранг ифодаловчи сўзларга мурожаат қилади, санъат бўлиб келувчи сўз эса ҳажр тунининг қаролиги ҳақидаги тасвирнинг ўзига хос хулосасига айланади: *ҳажр – шом – рўзгор – қаро – мубтало – ниҳоятсизлик – адам.* Иккинчи жумла: *савод – ҳумум – зулмат – ғоятсизлик – ўлим.* Дарҳақиқат, шоир айтганидек, агар ҳажр туни ошиқ учун *адам – йўқлик* бўлса, бу туннинг қоронғилиги *мавт – ўлим!*

Шундай қилиб, ошиқ учун ҳажр ўлим билан баробар. Бироқ Хисрав учун Фарҳодни Ширидан жудо қилиб, бандиликда сақлаш етарли эмас. Хисрав Фарҳоддан бутунлай

қутулиб, Ширинга ёлғиз ўзи эгалик қилишни истайди. Шунинг учун у яна бир қабиҳ ишга қўл уради: вазири Бузург Уммид билан маслаҳатлашиб, қилмиши макр-ҳийладан иборат бўлган бир золи маккорни Фарҳод ҳузурига жўнатади. У Фарҳодга Хисрав Арман кишварини эгаллади, Меҳинбону Хисрав билан сулҳ тузишга мажбур бўлди, Хисравга тегишни истамаган Ширин эса ўзини ҳалок қилди, деган ёлғон хабарни етказади. Хисрав билар эдики, барча кишиларни ҳам ўзи сингари ростгўй деб билган Фарҳод бу сўзга албатта ишонади. Ҳақиқатан ҳам, золи маккордан бу сўзларни эшитган Фарҳоднинг фарёди оламни ларзага келтиради:

Ғиреви тортибон Фарҳоди мазлум,
Деди: Бас қилки, бўлди қисса маълум!
Ғараз гар жон эди, олдинг ана, ҳой,
Ўлук тандин не истарсен яна, вой!

Жаҳондан қўл силкиб, адам – йўқлик дашти сари йўл олар экан, Фарҳод ўлими олдидан унга умр бўйи ҳамроҳ бўлган нарсалар: ишқ, ҳижрон, бало, оҳ, ғам, кўз ёши, метин, теша, тоғ, чарх, гардун ва бошқалар билан бир-бир хайрлашади.[1] Фарҳоднинг сўнгсиз дард ва ҳаяжон билан тўлиб-тошган сўзларидан гоҳ миннатдорлик, гоҳ шикоят, гоҳ узр, гоҳ алам оҳанглари янграйди. У, жумладан, ўзига муттасил йўлдош бўлган ишқ, ҳижрон ва ғамга шундай дейди: Эй ишқ, сен менга доимо ҳамдард бўлдинг, қусур кўрсатмадинг. Мардларча бирга юрдинг. Эй, ҳижрон, энди менинг бошимдан кеч, Худо ёринг бўлсин! Эй ғам, сен менинг танимни тупроқ билан бирлаштир, мендан сенга неки етган бўлса, кечир!

Фарҳод метини ва тешаси билан хайрлашади, уларга етказган жафолари учун кечирим сўрайди. Фарҳоднинг тоққа айтган сўзлари ҳам ғоят ҳаяжонли: Эй, борлиқнинг энг чидамли юки! Баъзан сенинг бағринг тешамга ғилоф бўлди, баъзан жисминг метиним билан ёрилди. Юзинг кўз ёшларим билан қонга бўялди, нафасимдан бошинг узра тутунлар пайдо бўлди. Энди сен авф тиғини тортиб, кетар пайтимда бутун гуноҳларимни кечир!

Ниҳоят, барча яқинлари билан хайрлашиб бўлган Фарҳод охирги нафасида Ширинниng номини тилга олиб, унинг ёди билан жон беради:

Чу бу ерларга еткурди навони,
Етушти оғзиға озурда жони.
Бузулғон жони жонониға тушти,
Бало ўти бузуқ жониға тушти.
Қилиб жонони отин тилга таълим,
Тутуб жонон отин, жон этти таслим.

Ушбу воқеалар тасвирланган қирқ тўққизинчи бобга Алишер Навоий шундай сарлавҳа қўйган: *Фарҳоднинг умри хайли вужуд мулкидин жало бўлғони ва ул жало паришонлиғидин ажал хайлиға мубтало бўлғони ва ҳаёти юз ёшуриб, яъни унинг ёти бўлиб, умри қуёши ботиб, яъни ул умр анга талх кўруниб, қиё тиғи била кўксин ёриб, кўнгли чокидин йиллар ёшурғон дарду андуҳ тиконларин чиқориб, бехудона афсоналар била кўнглин холи этгони ва*

[1] Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Б. 121-122.

марг жомин паймона қилиб навмидлик ашки била майи равон бўлғони ва ул фано бодасидин паймонасининг тўлғони ва ул паймонани ажал соқийлари илгидин сипқора ичгони ва соғолмас майдин жонон ёди била маст бўлиб, жонидин кечгони.

Сарлавҳада уч жумла бўлиб, биринчи ва иккинчи жумлалар "ўлим муаммо"сидан иборат. Биринчи жумла Фарҳод жонининг танасини тарк этиши ҳақида: *Фарҳоднинг умри хайли вужуд мулкидин жало бўлғони ва ул жало паришонлиғидин ажал хайлиға мубтало бўлғони*. Шоир жумлада Фарҳод жонининг вужуд мулкини тарк этишини кишиларнинг ўз ватанларини тарк этиб, ўзга мамлакатларга кетишига ўхшатган: *Фарҳоднинг умр қабиласи вужуд мамлакатини тарк этиб, ўзга юртларга кетгони. Паришонлик* сўзининг маъноси тўзиш, тарқоқлик, ажралиш. Паришонлик, бир тарафдан, ўз мамлакатини тарк этган қабила кишиларининг йўлдаги тарқоқлигига ишора бўлса, иккинчи тарафдан, жоннинг вужуддан ажралишини билдиради. Бу сафар шоир Фарҳод жонининг вужуддан ажралиб, ажалга мубтало бўлишини ўз мамлакатини тарк этиб, тарқоқлиги туфайли йўлда қароқчилар яғмосига учраган кишиларга ўхшатади: *ва ул ажралиш паришонлигидан ажал гуруҳига дуч келгони.* Шоир паришонлик туфайли *жало ажал* бўлганлигини истихрож санъати билан ҳам кўрсатиб беради. Жало сўзи "жим" – ج, "лом" – ل ва "алиф" – ا ҳарфларидан иборат:جلا – *жало.* Жало паришон бўлса, яъни сўздаги ҳарфлар тўзиб, ўрин алмашса, ажалга айланади: اجل = ا+ج+ل = ا+ل+ج – *ажал.* Ватанни тарк этган кишилар тарқоқлик туфайли ажалга учраганидек, Фарҳоднинг жони ҳам вужуд мулкини жало айлаб, жало паришонлигидан ажалга мубтало бўлади.

Иккинчи жумла Фарҳод умрининг ниҳоясига етиши ҳақида: *ва ҳаёти юз ёшуриб, яъни унинг ёти бўлиб, умри қуёши ботиб, яъни ул умр анга талх кўруниб, қиё тиғи била кўксин ёриб, кўнгли чокидин йиллар ёшурғон дарду андуҳ тиконларин чиқориб, бехудона афсоналар била кўнглин холи этгони*. Шоир Фарҳоднинг Ширин ишқида жон беришини дастлаб *ҳаёти юз ёшуриб* тарзида ифодалайди. Ҳаёти юз яширгач, ҳаёт Фарҳод учун ёт бўлиб қолади. Шоир бу сафар Фарҳод ҳаётининг у учун ёт бўлишини аёлларнинг номаҳрам кишилардан юз яширишига ўхшатади. Дарҳақиқат, юз яшириш ёт, номаҳрамлар учун хос. Ҳаётнинг Фарҳодга ёт бўлиб, ундан юз яшириши билан аёлларнинг номаҳрам кишилардан юз яшириши ўртасида ўта нозик алоқадорлик бор: ҳаёт сўзи араб тилида муаннас, яъни аёл жинсига мансубдир.

Умр қуёшининг ботиши ҳам Фарҳоднинг ўлимини билдирадиган ифода. Фарҳоднинг умр қуёши ботиб бормоқда, чунки Ширинсиз умр унинг учун *талх – аччиқ*. Фарҳоднинг *қиё тиғи била кўксин ёриб, кўнгли чокидан йиллар ёшурғон дарду андуҳ тиканларини чиқариб, бехудона афсоналар била кўнглин холи этиши* унинг ўлим олдидан ўз яқинлари билан бир-бир хайрлашувига ишора. Мазкур жумлада иккита истихрож бор. Биринчи истихрож Фарҳод *ҳаётининг юз яшириши* билан боғлиқ. Ҳаёт сўзи қуйидагича ёзилади: حيات. Ҳаётнинг юзи, яъни биринчи ҳарфи "ҳо" – ح. Агар ҳаёт юз яширса, яъни "ҳо" – ح ҳарфи кўздан ғойиб бўлса, "ҳаёт" – حيات "ёт" бўлади: يات. Улуғ шоир *ҳаёти юз яшуруб, яъни унинг ёти бўлиб* деганда шу ҳолатни назарда тутган. Иккинчи санъатФарҳод *умр қуёшининг ботиши*да. Умр сўзи қуйидагича ёзилади: عمر. *Умри қуёши* деганда улуғ шоир ҳам Фарҳоднинг жонини, ҳам умр сўзидаги биринчи ҳарф "айн" – عين ни назарда тутган. *Умр қуёшининг ботиши*, бир тарафдан, Фарҳод умрининг поёнига етиши бўлса, иккинчи тарафдан, умр – عمر сўзидан "айн" – ع нинг ғойиб бўлишидир. Агар "айн" кўздан ғойиб бўлса, умрдан "мр" – مر қолади. Уни мурمر деб

ўқиш мумкин. *Мур*нинг маъноси эса *талх* – аччиқ. Шоир *умри қуёши ботиб, яъни ул умр анга талх кўриниб* деганда шу ҳолатга ишора қилган. Умр қуёши ботиб, унинг аччиқ бўлиб қолиши ва бу ҳолатнинг ҳарфлар воситаси билан ҳам ифодаланиши тасвирда аламли бир кайфият, айни чоғда, юксак навоиёна бадииятни юзага келтирган: *Фарҳод учун Ширин – умр қуёши, Ширинсиз умр эса умр эмас, мур: талх – аччиқ!*

LIV боб сарлавҳасидаги етакчи санъат ҳам истихрож ва муаммодир. Мазкур боб достоннинг хотимаси бўлиб, фахрия услубида битилган. У шоирнинг бемисл истеъдоди: ўз тафаккур қудратининг аъло мартабаси ҳамда баланд овозаси ҳақидаги ифтихор тўла сўзлари билан бошланади. Шоирнинг фикрлар олами шу қадар юксакки, у фалакнинг авж поясидан жой олган, шу қадар порлоқки, ҳатто қуёшга ҳам соя солган:

Манга чун фикрати хуршед соя,
Бу олий торам узра берди поя, –

дейди улуғ шоир фахр билан. Фахру ифтихор туйғулари кейинги байтларда ҳам бениҳоя юксак пардаларда жаранглайди: осмон қалъасига от солганимда, – дейди у, – қуёш чангимда қолиб кетди, Аторуд шоирлар пири бўлса-да, унинг қаламига ҳам шикаст етди. Табъимдан шунча кўп назм юлдузларини сочдимки, ер кўринмай қолди, шундай юлдузларки, ҳар бири Зуҳра, балки Муштарий, балки қуёшдан ҳам ёруғ. Улар ер юзини қуёшдек ёритди, олам элининг кўзи улардан чароғон бўлди:

Бори оламни тутгач меҳр нури,
Ёруди эл кўзи андин зарури.

Аммо лаҳза ўтмай, бу сўзлар шоирни хижолатга солади, улар шоир наздида лофу газоф – беҳуда, асоссиз сўздан бошқа нарса эмас. Бу даъволар ичра маъно йўқ, шунинг учун даъво дастгоҳини йиғиштир, – дейди шоир ўзига маломат тошларини ёғдириб:

Бу даъви дастгоҳин бир замон йиғ,
Бу даъви ичра маъни йўқ, не осиғ!?

Таъна-дашномлар шоирнинг ҳушини жойига келтиради. У шоирлик ҳақида сўзлашни бир лаҳзага йиғиштиради:

Қўяй бир лаҳза шоирлиқ шиорин,
Чин айтай ўз шиорим йўқу борин.

Шоирнинг ўз шиори хоксорлик: у аввал ўзини қуёшга ўхшатган бўлса, энди бир ҳовуч тупроққа қиёс қилади, бир тупроққки, одамлар уни хоҳлаганча тепкилашлари, сарсари шамол хоҳласа, осмонга учириб, хоҳласа ерга уриши мумкин. Бир нафас ҳам орому сукун йўқ. Бундай тупроқдан бир нарса унармиди, унганда ҳам у хору хасдан ўзга ҳосил берармиди, дейди шоир беқиёс ажзу ниёз намойиш қилиб:

Натижа берса бу тупроқ ила гард,
Хасу хошок ўлур, йўқ сабзау вард.

Аммо шоир хору хас эмас, бу тупроқдан сабзаю гул унишидан умидвор бўлади. Бунинг учун бир деҳқон лозим, у тупроқни юмшатиб, унга гул уруғи сочса, вақтида сув қўйиб, вақтида парвариш қилса, нечун бу тупроқдан гул унмасин:

Топиб мунча навозиш, қил тааммул
Ким, ул тупроқ невчун бермасин гул!

Ана шу деҳқон, аввало, қаро тупроққа навозиш айлаб, ундан қуёшдек равшан табъ гулларини ундирган Тангри бўлса, сўнгра, замон подшоҳидир. Шоир бирига беҳад шукроналик, иккинчисига эса сўнгсиз дуогўйлик изҳори қилади. Ҳақ лутфию шоҳ иқболи мадакор бўлиб, – дейди сўз якунида шоир:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдир найи килким шакаррез.
Кўнгил бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.
Қаю мулк ичраки фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим.

Шоир сарлавҳада ўз кайфият ва кечинмаларини муаммо усули билан шундай ифода этади: *Бу нома итмомиға хома тузмакдин таронасозлиғ ва бу ҳангома ихтитомида саъй кўргузмакдин фасонапардозлиғ ва башарият иқтизоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқдинким, ўз нафйиға "ло"дурур – уялмоқ ва ярим учун даъво кўргузмакдинким, ўз манъиға "даъ"дурур – хижолатқа қолмоқ ва бедилона ажзға тушмакдин ғоятсиз иззат кўрмоқ ва дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ, "Алҳамду лиллоҳил-лази ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтимомиҳи; ва саллалоҳу алайҳи ва олиҳи ва асҳоби киромиҳи"*.

Сарлавҳанинг биринчи ва иккинчи жумлаларида шоир асарни ниҳоясига етказиш муносабати билан юзага келган хушҳол кайфиятни юксак бадиийлик билан ифода этади. Икки жумладаги ҳар бир сўз ўзаро қофиядош бўлиб, тарсеъ санъатининг насрдаги ноёб намунасига айланган: *бу нома – бу ҳангома*, *итмоми – ихтитоми*, *хома тузмак – саъй кўргузмак*, *таронасозлиғ – фасонапардозлиғ*. Бунинг устига қофиядош сўзлар бир-бири билан деярли маънодош: *нома* – асар, *ҳангома* – воқеа; *итмом* – ниҳоя, *ихтитом* – хотима; *хома тузмак* – қалам йўнмоқ, *саъй кўргузмак* – интилмоқ; *таронасозлиғ* – куйламоқ, *фасонапардозлиғ* – афсона сўйламоқ. Жумлалар мазмунини шундай баён қилиш мумкин: *Бу асар ниҳоясига қалам йўнганлик тўғрисида куйламоқ ва бу воқеа хотимасига интилганлик ҳақида афсона сўйламоқ.* Шу билан бирга, жумлада озгина киноя оҳанги ҳам бор, чунки афсона шунчаки ҳикоя эмас, балки ўйдирма, ҳақиқатга хилоф ҳикоядир.

Учинчи жумла шоир зоҳир қилган ҳадсиз лоф ҳақида. Юқорида таъкидланганидек, шоир фахрия усулини ишга солиб, ўз истеъдодини қуёшга тенглаштирган, аммо кўп ўтмай унинг ўзи бу сўзларни лофу газоф деб атаган эди. Шоирнинг сарлавҳада изоҳлашича, бу каби *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ башарият иқтизоси – инсонлик тақозоси бил*адир. Лекин шундай бўлса-да, бу ҳол уни хижолатга солади. Чунки ҳадсиз лофнинг ўзи бу сўзларни рад этиб, ***ўз*** *нафйиға "ло" – "*йўқ, бундай эмас" деб турар эди: *башарият иқтизоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқдинким, ўз нафйиға "ло"дурур – уялмоқ.* Байтнинг жозибаси *ҳадсиз лоф*да бўлиб, *ҳадсиз лоф*нинг *"ло" – "*йўқ, бундай эмас" деб туриши муаммодир. *Лоф* сўзи араб ёзувида шундай ёзилади: لاف. *Ҳад* сўзининг маъноси чегара, бундан ўйлаш мумкинки, шоир зоҳир қилган лоф ҳаддидан ошиб, чегарадан чиқиб кетган, шунинг учун ҳадсиз лофнинг ўзи *"ло" – "*йўқ, бундай эмас" деб рад қиладики, лофнинг бу сўзидан шоир уялиб кетади. Аммо шу билан бирга, *ҳадсиз лоф*нинг ўзгача маъноси ҳам бор. Лоф сўзининг ёзилишидан кўриниб турибдики, унинг ҳадди, яъни чегараси "ф" – ف ҳарфидир. Агар лоф –لاف ҳадсиз, яъни "ф" – ف ҳарфисиз зоҳир бўлса, ундан "ло" – لا қоладики, бу *ўз нафйиға "ло"дурур*: لا – йўқ, бундай эмас.

Тўртинчи жумлада ҳам бу фикр давом эттирилган: *ярим учун даъво кўргузмакдинким, ўз манъиға "даъ"дурур – хижолатқа қолмоқ.* Шоирнинг жумлада таъкидлашича, агар *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ башарият иқтизоси – инсонлик тақозоси била* бўлган бўлса, шоирлик учун *даъво кўргузмак ярим учун*дирки, бу *ўз манъиға "да" – ташла, йўқ қил* демакдир. Жумла мазмунини очувчи калит сўз – *ярим*. Унинг маъно жиҳатидан ҳам шоирга, ҳам даъво сўзига алоқадорлиги бор. Ярим сўзининг шоирга алоқадорлиги шундаки, у ўзини *ярим – нотамом, ноқис* деб атайди. Шоирлик учун *даъво кўргузмак* унинг *ярим*, яъни нотамом, ноқислиги *учун*дир. Бинобарин, уни, яъни нотамомлик, ноқисликни *ташламоқ, йўқ қилмоқ* лозим. Зеро, *ярим учун даъво кўргузмак ўз манъиға "даъ"дурур*. *Ярим* сўзининг *даъво*га алоқадорлиги шундаки, у *даъвонинг ярмиси* деган маънони ҳам англатади. Агар "даъво" – دعوى сўзининг ярмисини, жумлада айтилганидек, *ташласак, йўқ қилсак*, даъводан "даъ" – دع қоладики, ҳақиқатан ҳам, у *ўз манъиға "даъ"дурур*.

Бешинчи жумладан бошлаб шоирнинг сўзлари бутунлай ўзгача оҳангда жаранглай бошлайди: *бедилона ажзға тушмакдин ғоятсиз иззат кўрмоқ*. Жумладаги *бедил* сўзининг луғавий маъноси *дилсиз* ёки *кўнгилсиз.* Аммо жумлада бу маънолар кўзда тутилмаган. Навоий асарларида бу сўз кўпинча, қуйида келтирилган байтдагидек, *дилбарга кўнгил берган ёки кўнгил олдирган ошиқ* маъносида келади:

Ул пари лутф айлабон девоналар кўнглин олур,
Не ажаб, ушшоқи бедилнинг кўнгул олдурмағи.[1]

Ажз ожизлик демак. Аммо ажз ҳам оддий ожизлик эмас, қуйидаги байтда изоҳ берилганидек, бедил сўзи сингари, муҳаббат шевасига хос сўз:

Муҳаббат шевасининг лозими ажзу ниёз эрмиш,
Вафо ойинининг хосияти сўзу гудоз эрмиш.[2]

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б. 436.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Б. 175.

Бинобарин, ажз ҳар қандай ожизлик эмас, ёр олдидаги ожизлик, шундай ожизликки, у, қуйидаги байтда тасвирланганидек, ёрни ошиққа ошно айлайди, агар ошиқ гадо бўлса, уни подшоҳ билан дўст қилади:

Ниёзу ажзидин ар ўлса дам-бадам, не ажаб,
Гадовашеки, анга подшо эрур мунис.[1]

Ғоятсиз сўзини *бениҳоя, сўнгсиз* деб изоҳлаш мумкин. Энди шоир жумлада шундай дегани маълум бўлади: *бедилона,* (яъни ёр олдида ошиқона) *ажзға тушмакдин* (яъни ожизлигини изҳор қилмоқдан) *ғоятсиз* (яъни бениҳоя) *иззат кўрмоқ*. Лекин бу талқин тўғри эмасдек туюлади, чунки бобда ишқий туйғулар эмас, балки шоирнинг ахлоқий кечинмалари қаламга олинган. Шунинг учун уни қуйидагича тушуниш тўғрироқ бўлади: *бедилона* (яъни Аллоҳ қудрати қаршисида ўзини бир бечора, хоксор деб билиб,) *ажзға тушмакдин* (яъни ожизлигини изҳор қилмоқдан) *ғоятсиз* (яъни бениҳоя) *иззат кўрмоқ*. Шундай қилиб, шоир аввал *инсоният тақозоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилган ва ҳадсиз лоф ўз нафйига "ло"* бўлганлигини надомат билан қайд қилган бўлса, энди *бедилона ажзға туш*иб, *ғоятсиз иззат кўр*ганлигини қувонч ва мамнуният билан изҳор қилади.

Улуғ шоир *бедилона ажзға тушмакдин* қандай қилиб *ғоятсиз иззат кўрмоқ* мумкинлиги ҳақида бизга кўрсатма ҳам беради. Биринчи кўрсатма *бедилона* сўзидир. Бу сўзнинг ўзаги *дил*, дил эса инсон жисмининг *ўртаси* ёки *маркази.* Бедилона сўзи ажз сўзи билан боғланган, шунинг учун уни *ўртаси йўқ ажз* деб ҳам тушуниш мумкин. Ажз сўзи араб ёзувида қуйидагича ёзилади: عجز. Ажзнинг дили, яъни ўртаси "ж" – ج ҳарфи. Шоир уқтирганидек, ажзнинг дили, яъни ўртаси йўқ, уни ўртасидаги ҳарфдан айирамиз: عز – "аз". Иккинчи кўрсатма *ғоятсиз* сўзи, шоир ғоятсиз иззат дер экан, иззат сўзининг ниҳоясини – охирги ҳарфини ҳам назарда тутган. Бу сўз шундай ёзилади:عزت . Энди уни, кўрсатилганидек, ниҳоясиз қиламиз, яъни "т" – ت ҳарфисиз қолдирамиз: عز – "изз". Маълум бўладики, шоир ҳақиқатан ҳам, бедилона ажз –عز кўргизиб, ниҳоясиз иззат топган:عز .

Олтинчи жумла ҳам юксак ахлоқий фазилатлар таърифи ва унга мос юксак бадиий санъатлар тасвиридан иборат: *дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ*. Мазкур жумла аввалги жумла билан деярли ўхшаш: ғоявий мазмун ҳам, сўз маънолари ҳам, тасвирий воситалар ҳам. *Дилсўхтавор* сўзининг маъноси *дили куйганлардек*, дилнинг куйиши эса, маълумки, ошиқларга хос. *Фақр – гадолик*, аммо шундай гадоликки, унда Аллоҳ дўстлигидан ўзга нарсага муҳтожлик йўқ. "Фақирлик Ҳақ сиррига етмоқ",[2] – деб ёзади И.Ҳаққулов. Бу ҳақда улуғ шоир қуйидаги байтда шундай дейди:

Навоий, фақр кўйида тааллуқ куфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳ, дўстдин неким насибинг бўлса, бўл қониъ.[3]

Эй Навоий, – деб ўзига мурожаат қилади шоир, – фақр кўчасида биргина дўст – Аллоҳ бор, бу дўстликдан неки насиб бўлса, ўшанга қаноат қил, *тааллуқ*, яъни ундан ўзгага кўнгил боғлаш куфрдан ўзга нарса эмас. Агар устингда фақирона либос бўлса-ю, аммо ичинг дунё

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Б. 168.
[2] Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. ДД. – Тошкент, 1995. – Б.149.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 239.

меҳри билан лиммолим бўлса, – дейди у қуйидаги байтда, – бу фақр эмас, фақр кўнгилни дунё меҳридан озода тутишдир:

Ични урён қилки, тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.[1]

Агар кўнгил дунё меҳридан холи бўлса, салтанат зарбоф тўнларининг ҳожати йўқ, – дейди у бошқа бир байтида, – бундай гадо учун бўйрадан тўқилган фақрлик либосининг ўзи етарлидир:

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.[2]

Чунки фақр Мақсудга элтувчи йўлдир:

Васлға йўл ҳажрдин фақр ўлди, кўргил турфаким,
Бирдин учмоғдур хижил, бирдин томуғ, бирдин сирот. [3]

Фақр бир гулшандир, манзил-мақоми фақр гулшани бўлган гадонинг ҳиммати шу қадар юксаладики, унинг кўзига нилуфар рангидаги осмон гумбази ҳам бу гулшандаги бир нилуфар гулича кўринмайди:

Гулшани фақр ичра то кирдим, эрур, балким эмас
Гунбади нилуфарий гулшанда бир нилуфарим.[4]

Жумладаги *фараҳ* сўзининг маъноси *хурсандлик*. Айтилганлардан келиб чиқилса, жумлада шоир шундай дегани маълум бўлади: *дилсўхтавор*, яъни дили куйган ошиқларга хос *фақр кўргузмак билан ниҳоясиз фараҳ*, яъни хурсандчилик *топмоқ*. Фақр сўзининг араб ёзувидаги кўринишига эътибор берайлик: فقر. Фақр дилсўхтавор экан, шоир ишорасига амал қилиб, фақрнинг дилини, яъни ўртасидаги ҳарфини куйдирамиз: فر. Бу, айни чоғда, *дилсўхтавор фақр кўргузмак билан топ*илган *ниҳоясиз фараҳ*дир. Фараҳ сўзи қуйидагича ёзилади: فرح. Жумлада таъкидланишича, оддий фараҳ эмас, балки ниҳоясиз фараҳдир, фараҳни ниҳоясиз қиламиз, ниҳоясиз фараҳ шундай бўлади: فر. Аён кўриниб турибдики, *дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ* у маънода ҳам, бу маънода ҳам рост, бунинг далили шу сўзларнинг ўзидир: فر фа(қ)р – فر фар(аҳ).

Шоирнинг ўз руҳий ҳолати: “Фарҳод ва Ширин”дек ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан тенгсиз бир достонни тугатиш билан боғлиқ фахр ва фараҳ туйғуларининг бу каби пурмаъно ва ҳамоҳанг сўзлар, ҳам бу сўзлар жисмига жо бўлган ҳарфлар воситаси билан ифодаланиши асло саръатпардозлик бўлмай, ҳақиқий санъаткорлик, балки фақат улуғ шоиргагина насиб бўлган фусункор санъатсозлик нишоналаридир. Ҳарфий санъатлар ғоявий мазмун тақозоси билан яратилган бўлиб, айтиш мумкинки, улар асар ғоявий

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 146.
[2] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 31.
[3] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 31.
[4] Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Б. 320.

мазмунининг муъжаз ва мухтасар ифодаси ҳам ўзига хос хотима, хулосасидир. Асар ғоявий мазмуни эса, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, *Киши ўзликни қўймай они топмас* (яъни инсон ўз кўнглини башарий нуқсон ва иллатлардан пок қилмай, Ҳақ васлини топа олмайди). Зеро, сарлавҳада таъкидланганидек, *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ ўз нафйиға, балки ўзлик нафйига "ло", даъво кўргузмак* эса *ўз манъиға, балки ўзлик манъиға "даъ"дурур*. Чунки *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ ва даъво кўргузмак башарият тақозоси ва ноқислик аломати бўлиб, уни йўқ қилмоқ, ташламоқ, бошқача қилиб айтганда эса фоний қилмоқ лозим. Ғоятсиз иззат кўрмоқ ва ниҳоятсиз фараҳ топмоқ учун эса бедилона ажзға тушмак ва дилсўхтавор фақр кўргузмак даркор. Ҳақиқий итмом* – комиллик йўли, балки шарти шудир.

Шоир сарлавҳага ғоятсиз иззат ва ниҳоятсиз фараҳга етказган Аллоҳга ғоятсиз шукр ва ниҳоятсиз ҳамд айтиш билан нуқта қўяди: *Алҳамду лиллоҳил-лази ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтимомиҳи – мени* (бу достон саҳифаларини) *ифтитоҳ қилиб – очиб, ихтимом қилишга* – хотимасига етказишга *муваффақ қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!*

IV боб хулосалари:

1. Алишер Навоийнинг фикрича, қўлга қалам олишдан мақсад маъно (мазмун) бўлмоғи, шу билан бирга, маъно дилкаш, шунга мувофиқ сурат (шакли) ҳам хуш бўлмоғи лозим. Бу фикр достондаги сарлавҳаларга ҳам тегишлидир.

2. Улуғ шоирнинг *лафз зебида маъно юз бер*ишига хизмат қилувчи воситалари хилма-хил ва ранго-ранг бўлиб, *ташбеҳ, истиора* улар орасида етакчи ўрин тутади. Бу санъатларга хос муҳим жиҳат шундаки, шоир аксарият ҳолларда асардаги муҳим воқеа ва тафсилларнинг ўзини ташбеҳ ва истиорага айлантиради. Достондаги воқеалар ривожида тоғ тасвири муҳим ўрин тутади. Асарда ана шу тафсил билан боғлиқ ташбеҳ ва истиораларнинг бутун бир силсиласи: *хородек кўнгил, кўнгил хораси, қалъа хораси, хородек маҳкам, илик тоши, тил хароши, тошдек қаттиқ, жавоблар хораси, сўз сангборони.* Гарчи бу ташбеҳ ва истиораларнинг барчасига ҳам хоро тафсили асос бўлган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири учун хоронинг муайян бир жиҳати муқояса объекти бўлган. Жумладан, *қалъа хораси, хородек маҳкам, илик тоши, тил хароши, тошдек қаттиқ, жавоблар хораси* бирикмаларида ташбеҳ сабаби хорога хос қаттиқлик, мустаҳкамлик. Бу жиҳатдан улар Хусрав сўзларига нисбат берилган шишанинг зидди: хоро қанчалик мустаҳкам бўлса, шиша шунчалик мўрт. Шиша ва хоро тафсиллари бағрига жо бўлган маънолар ҳам диққатга сазовор: *шиша сохта ишқ* (авом ишқи, ҳақиқий ишқдан бехабарлик) бўлса, *хоро ҳақиқий ишқ рамзидир!* Мавзу ва тасвирий воситалар ўртасидаги бундай узвийлик натижасида, бир тарафдан, ҳолат ёки фикр аниқ ва ёрқин ифодаланган бўлса, иккинчи тарафдан, ғоявий мазмун шу муносабат билан яна бир бор таъкидланади. Ҳар бир ташбеҳ ва истиорани ғоявий мазмуннинг ихчам ва мўъжаз ифодаси деб айтиш мумкин.

Сарлавҳаларда яратилган талмеҳларга хос хусусият шундаки, улуғ шоир бадиий тимсолларнинг анъанавий талқини билан чекланмай, уларнинг янги-янги тасвир имкониятларини кашф этади, шунингдек, бирданига бир эмас, икки афсона асосида талмеҳ яратади. XXXVII бобнинг сарлавҳасида талмеҳнинг ана шундай ноёб намунасини кўриш мумкин: унда Хусрав, Хусрав элчиси, Ширин ва Меҳинбонуга хос хусусиятлар Сулаймон, Ҳудҳуд, Билқис, Қоф тоғи ва Анқо ҳақидаги афсоналар асосида усталик гавдалантирилган. Талмеҳ намуналари шоирнинг сўз қўллаш, сўзларни ҳам маънан, ҳам шаклан алоқадор қилиб қўйиш соҳасидаги санъаткорлигининг ҳам ёрқин кўзгусидир.

3. Тарди акс санъати сарлавҳалар бадииятида муҳим ўрин тутиб, ранг-баранг ғоявий-услубий мақсадлар ифодаси учун хизмат қилган: биринчидан, нозик сўз ўйини ҳосил қилган бўлса, иккинчидан, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати ҳақида ғоят мутаассир тасаввур яратган. Шу билан бирга, тарди акснинг жумла бадиий қурилишида ҳам алоҳида ўрни борлиги кўриниб турибди: тарди акс ҳосил қилувчи сўзлар занжирнинг икки ҳалқасига айланиб, жумлада занжир ҳалқаларидек изчилликни юзага келтирган: *тош ариғи – ариғ тоши, синуқ заврақ – заврақ синуқи, жамоли кўзгуси – кўзгу жамоли*.

Шоирнинг беқиёс маҳорати шундаки, қанчалик ёркин бўлмасин, бир жумлада бирор санъатнинг ўзи билан кифояланган эмас. Бир санъат иккинчи санъат билан қўшилиб, жумлани сўз санъатининг мумтоз намунасига айлантирган ўринлар бисёр. Сарлавҳаларда ружуъ кўпинча тарди акс санъати билан қўшилиб кетган: *Фарҳод била Ширин май висолидин, балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлғонлари*. Тарди акс ва ружуъ аксарият ҳолларда зид фикр ва ҳолатлар тасвири учун қўлланган. Сўзларнинг тескари тартибда такрорланиши ёки аввалги фикрнинг инкор қилиниши натижасида, биринчидан, нозик сўз ўйини юзага келган бўлса, иккинчидан, муайян фикр, кечинма ёки ҳолат тадрижий ва босқичма-босқич ривожланиб, кучли таъсирчанлик ҳосил қилган.

4. Насрий сарлавҳаларда ҳарфий санъатлар ҳам изчил қўлланган, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ, итихрож шулар жумласидандир. Иштиқоқ санъати сарлавҳаларда хилма-хил аспектларда намоён бўлган: IX бобда қарама-қарши маъно касб этиб, фикр-қарашлар ўртасидаги зиддиятлар тасвирини қабариқ ҳолда ифодалашга хизмат қилса: *иқбол – муқобала*, ўзак ҳарфлар – قبل – ***қбл***, *тарҳ – мутораҳа*, ўзак ҳарфлар – طرح– ***трҳ***, XII боб сарлавҳасида эмоционал тасвир яратишга: *нақш – мунаққаш,* ўзак ҳарфлар – نقش – ***нқш***, XVII ва XXXV боб сарлавҳаларида эса тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни: *хизрваш – ахзар*, ўзак ҳарфлар – خضر – ***хзр***; *ашара – ушр – ашир*, ўзак ҳарфлар –عشر – ***а(у)шр***; XLII ва XLIV боб сарлавҳаларида эса қаҳрамонлар руҳий ҳолатини: *силсила* (سلسله) – *Салосил* (سلاسل), яъни – سلسل. Симоъ (سماع), самоъ (سماع) ва истимоъ (استماع) таъкидлашга хизмат қилган. Шоирнинг тенгсиз маҳорати шибҳи иштиқоқ санъатида ҳам намоён бўлган. Шоир бир ўринда тилдаги мавжуд шаклдош сўзлардан санъат яратса, бошқа ўринда унинг ўзи шаклдош бўлмаган сўзларни шаклдош қилиб, беқиёс маҳорат намойиш қилади: қоран = қора+н.

5. Сарлавҳаларда улуғ шоирнинг бетакрор маҳоратини намойиш қилувчи санъатлардан бири – истихрож. Истихрож ва муаммоларнинг достон мазмуний мундарижасида тутган ўрни шу қадар муҳимки, шоир ўз достонини Аллоҳ исми яширинган муаммо билан бошлайди: الله. Кейинги сарлавҳаларда мазкур санъатнинг ҳайратомуз намуналарини яратади: *адам –* عدم, *мавт –* موت, *жало –* جلا . Достон хотимасини ҳам муаммо ва истихрож билан якунлайди: лоф – لاف, даъво –دعوى , бедилона ажз – عز, дилсўхтавор фақр – فر, ниҳоясиз фараҳ – فر.

Насрий сарлавҳалар бадиияти шоир таъкидлаган *Лафз зебида Навоийға берур маъни юз* сўзларининг ёркин исботидир.

ХУЛОСА

1. “Хамса”, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” шеърий асар бўлса ҳам, ундаги ҳар бир бобга насрий сарлавҳалар қўйилган. Достондаги сарлавҳалар ўзига хос поэтик қурилишга эга, улар:

а) йирик ҳажмли. Ўртача 50-70 сўздан иборат;

б) бир неча жумладан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги 3-7 жумлали бўлиб, улар ичида энг кўпини 5-7 жумлали сарлавҳалар ташкил қилади. Жумла ва байтлар миқдори жиҳатидан сарлавҳалар билан шоир ғазаллари ўртасида маълум алоқадорлик кўзга ташланади;

в) сарлавҳалар композицион жиҳатдан воқеабанд ва мусалсал ғазалларга ўхшаб кетди. Воқеалар баёни сарлавҳада воқеабандликни юзага келтирса, *сажъ, илтизом, таносуб* каби санъатлар силсилавий изчиллик яратиш воситасидир. Сажъ шеърий асардаги қофия каби икки, уч ва ҳатто тўрт жумлани ўзаро боғлаб, банд ҳосил қилади, илтизом эса бутун сарлавҳани бир композицион нуқтага бирлаштиради. Бу воситалар орасида *таносуб*нинг алоҳида ўрни бор: у композицион восита бўлиш баробарида, услубий ҳодиса ҳамдир. Сарлавҳаларда деярли барча лафзий ва маънавий санъатлар таносуб қонуниятлари асосида ўзаро уйғунлашиб, бадиий тафаккурнинг алоҳида кўринишини юзага келтиради. Фақат улуғ шоир ижодига хос бўлган бундай услубий хусусиятни *юксак таносуб* ёки *серқирра алоқадорлик* деб айтиш мумкин.

2. Сарлавҳалар “бобда тасвирланган фикр ва воқеаларнинг қисқача баёни” бўлса ҳам, айнан эмас, ўзгача тимсол ва образлар билан шаклланган баёнидир. Сарлавҳа ва шеърий матнни бир мавзунинг икки хил ифодаси деб айтиш мумкин.

3. Сарлавҳа ва шеърий матн ўртасидаги муносабатлар хилма-хил усул ва кўринишларда намоён бўлади. Сарлавҳадан ўрин олган мазмун шеърий бобларда *тўлдирилиши, изоҳланиши* ёки сарлавҳа ва бобларо муносабат *ғоявий ният ва унинг ифодаси* шаклида бўлиши мумкин. Сарлавҳа ва шеърий матн ўртасидаги ўзаро муносабат бадиий тасвир жиҳатидан, айниқса, диққатга сазовор: сарлавҳа муайян бир тимсол ёки бадиий восита асосига қурилиб, сўнг шу тимсол ёки восита “бароати истиҳлол”, шунингдек, “соқийнома”дан ҳам ўрин олади. Поэтик тимсол учун асос бўлган омил эса бобнинг умумий мазмуни: ундаги бирор воқеа ёки образдир. Гарчи тимсоллар бир-бирига монанд бўлса-да, уларнинг вазифаси ҳар хил: агар сарлавҳада тасвирий ихчамлик ва изчилликка хизмат қилса, “бароати истиҳлол”да сарлавҳа билан шеърий матнни боғловчи бадиий риштага айланади, “соқийнома”да эса муайян бир руҳий, ахлоқий, фалсафий ёки эстетик тушунчанинг рамзи даражасига кўтарилади.

4. Сарлавҳаларнинг достон мазмуний мундарижасида тутган ўрни ҳам беқиёсдир. Улар муайян образ ва поэтик тимсоллар, шоирнинг нияти, қолаверса, достон ғоявий мазмунини очишга хизмат қилувчи ўзига хос калит ҳам. Чунончи, *“Рақам Фарҳод ила Ширинга сурмак”*ка ундаган асл сабаб, маълум бўлишича, оригиналликка интилиш ёки Хусравнинг ишқда беқарорлиги эмас, шоирнинг сўз санъатининг вазифаси ҳамда инсон саодати ҳақидаги адабий-фалсафий қарашларидир.

5. “Фарҳод ва Ширин”, шоир сарлавҳада таъкидлаганидек, “маоний ақмишаси” – *Ҳақ ишқи, унинг дарду сўзи* ҳақидаги достондир. Бу ғоя достонда ишқ ва шоҳлик зиддияти ва

мубоҳасасида очила боради. Шоир талқинидаги Фарҳод Хусрав, балки хусравлардан фарқли ўлароқ, бошига салтанат эмас, ишқ тожини кийган қаҳрамондир. Муқаддимада марказга қўйилган бу масала достон охирига қадар гоҳ ошкор, гоҳ эса яширин тарзда юз намоён бўлади.

6. Шоир Ҳақ васли ҳақда сўзлар экан, висол йўлини шундай таърифлайди: *Бири ўзликни қилмоқ бўлди фоний, Яна бир доғи топмоқ бўлди они.* Достон поэтикаси мазкур асосга қурилган бўлиб, барча муҳим воқеа ва эпизодлар ана шу ғоянинг муайян ва тадрижий тарзда юзага чиқишидан иборат. Бу силсиладаги дастлабки ҳалқа Фарҳоднинг Юнон мулкига сафаридир. Бу воқеа Навоийнинг ўз ихтироъси бўлиб, уларни шоир Ҳақ ишқи ғоясининг инкишофи учун лирикада мавжуд бўлган тимсоллар асосида ижод қилган. Фарҳод бир бир манзилда бир офатни маҳв этиб, унинг хазинасидаги бир мўъжизавий жисмга эга бўлади: 1) *аждарҳо – Афридун ганжи*; 2) *дев – Сулаймон узуги*; 3) *тилсим – Жамшид жоми*. Дастлабки тимсоллар: аждарҳо, дев, ва тилсим *ўзлик* рамзлари бўлса, кейинги тимсоллар: Афридун ганжи, Сулаймон узуги ва Жамшиднинг жоми *васл* рамзларидир. Умуман, бу тимсоллар кўп маъноли бўлиб, уларни ўрни билан *Ҳақ жамолининг жилваси* деб ҳам, *кўнгил* деб ҳам, *фано* деб ҳам талқин қилиш мумкин. Фарҳод отасининг хазинасида дуч келган *тилсимли сандиқ* ва *Оинаи Искандарий*, Фарҳод Арман кишварида қазиган *тоғ* ва *айнул ҳаёт чашмаси*да ҳам шу ғоя мужассам.

7. Арман кишварига сафар *ўзликни фоний қилмоқ ва Ҳақ васлини топмоқ* ғоясининг яна бир ифодасидир. Юнон сафари *аввалги фано* эди. Бу мақомда Фарҳоднинг кўнгил Оинаси ўзликнинг *касрат*, *нафс* ва *ғайр нақши* каби қатор иллатларидан покланиб, унда *Ёр жамоли жилва қилди.* Арман кишваридаги воқеалар: Фарҳоднинг "фироқ хоро камари"ни тарк айлаб, "висол атласи чархи ҳарамида тўққуз парда ичра маҳрам бўл"[1]иши эса *иккинчи фанодир*. Иккинчи фано Фарҳодни ёрга ошно қилади. Шоир фано тасвирида Пайғамбар (савс) меърожидан ўрнак олган: *тўққуз парда* тўққиз осмон бўлса, *чарх ҳарами* Пайғамбарга (савс) муяссар бўлган *ҳарими ваҳдат* – васл ҳарамидир. Агар Муҳаммад пайғамбар "тийра хокдондан"[2] ломаконга кўтарилиб, "ҳарими ваҳдат ичра қадам чек"кан бўлсалар, Фарҳод "фироқ хоро камари"ни тарк айлаб, "висол чархи ҳарамида маҳрам бўл"ади. Бу икки ҳолат тасвирининг образли қурилиши деярли бир хил: *тийра хокдон – тўққиз осмон – ҳарими ваҳдат = хоро камари – тўққиз парда – висол чархи ҳарами.*

8. Сарлавҳалар нафақат изчил композиция ва услуби, айни пайтда юксак бадиий тасвир воситалари билан ҳам ажралиб туради. Муҳими шундаки, улар ғоявий мазмуннинг мутаассир ифодасига хизмат қилиш билан бирга, асардаги воқеа ва тимсоллар асосида яратилиб, улар билан юксак даражада уйғунлашиб кетади. Мавзу ва тасвирий воситалар ўртасидаги бундай узвийлик натижасида, бир тарафдан, ҳолат ёки фикр аниқ ва ёрқин ифодаланса, иккинчи тарафдан, ғоявий мазмун шу муносабат билан яна бир бор таъкидланади. Бинобарин, ҳар бир воситани ғоявий мазмуннинг ихчам ва мўъжаз ифодасидир. Бу хусусиятни *хоро* ва унинг зидди сифатида яратилган *шиша* тимсоллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Достонда қад ростлаган ишқ ва шоҳлик зиддияти бобма-боб инкишоф эта бориб, охир оқибат хоро ва шиша қиёфасида намоён бўлади: *хоро Ҳақ ишқи* бўлса, *шиша шоҳлик* тимсолидир.

9. Бундай мажозийлик ва серқатламлилик талмеҳ, тарди акс ва ружуъ санъатларига ҳам хос. Уларда акс этган муайян фикр, кечинма ёки ҳолат тадрижий ва босқичма-босқич

[1] XXXV боб сарлавҳаси.
[2] V боб сарлавҳаси.

ривожланиб, кучли таъсирчанлик ҳосил қилган.

10. Юксак даражадаги таъсирчанлик шоир яратган иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ, истихрож каби ҳарфий санъатларга ҳам хос. Улар сарлавҳаларда хилма-хил аспектларда намоён бўлган: бир ўринда қарама-қарши маъно касб этиб, фикр-қарашлар ўртасидаги зиддиятлар тасвирини қабариқ ҳолда ифодалашга хизмат қилса, бир ўринда тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик, бошқа ўринда эса қаҳрамонлар руҳий ҳолатининг ифодаси бўлиб келган. Шоирнинг ҳарфий санъатларга эътибори шу қадар кучлики, ибтидода асар ғоясини муаммо ва истихрож билан ифодаласа, интиҳода ҳам муаммо ва истихрож билан якунлайди: асар ғояси эса *Киши ўзликни қўймай Они топмас*.

11. Мазкур хулосалар нафақат “Фарҳод ва Ширин”, балки “Хамса”даги бошқа достонларга ҳам тааллуқлидир. Шу билан бирга, улардаги сарлавҳаларнинг ҳар бир достон мазмун ва бадиияти билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларга ҳам эга эканлиги шубҳасиз. Уларни махсус тадқиқ қилиш галдаги вазифа бўлиб, “Хамса” достонларининг ғоявий мазмунини чуқурроқ англаш ҳамда Навоийнинг мислсиз бадиий маҳорати ҳақида теранроқ тасаввур

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Монография, илмий мақола ва илмий тўпламлар:

1.Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 1996. – 109 б.

2.Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд: 1994. – 102 б.

3.Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. – Хўжанд: 1994. – 86 б.

4.Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 184 б.

5.Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 420 б.

6.Алишер Навоий “Хамса”си (Тадқиқотлар). – Тошкент: Фан, 1986. – 144 б.

7.Алпай: Alpay G. Ali Şir Nevaînin Ferhad va Şirin Mesnevîsi Üzerindeki Etkiler. TDK-Belleten Dergisi TDAY-B 1970. 5 –Ankara 1989.

8.Арагон Л. Навоий. // Шарқ юлдузи, 1987, №4, 180–181б.

9.Аъзамов А. Муножотнома. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 40 б.

10.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965. – 498 с.

11.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1965. – 524 с.

12.Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – 524.

13.Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 152 б.

14.Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: “Ал-ҳудо” – “Моваройуннаҳр” нашриётлари, 2005. –120 б.

15.Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 224 б.

16.Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. – Ташкент: ГИХЛ, 1961. – 376 с.

17.Зохидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 490 б.

18.Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – 64 б.

19.Имомназаров М. Кўнгил ҳақида тўрт достон шарҳи. // “Sharq mash`ali” журн., 2016, №1.

20. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // “Шарқ юлдузи” журн., 1988, №4, 176–181-бетлар.

21. Имомназаров М. Ҳақиқат ва Мажоз. Фарҳоднинг Юнонга сафари. // “Шарқ юлдузи” журн., 1990, №4, Б.147–152-бетлар.

22.Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // “Шарқ юлдузи” журн., 1991, №4. –159–166-бетлар.

23.Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар. Тўплам: Навоий ва ижод сабоқлари – Тошкент: Фан, 1981. – 159 б.

24.Исҳоқов Ё. Навоий потикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.

25.Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 120 б.

26.Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 128 б.

27.Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2008.– 112 б.

28.Комилов Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газ. – 1991 – 27 сент.

29.Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моворауннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
30.Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1983. – 310 с.
31.Кўпрулу: Köpülü F. Ali Şir Nevai, TTK, İstanbul: 1941. A.S.Levend. Ali Şir Nevai; hayati, sanati ve şahsiyeti, TTK, Ankara, 1965.
32.Левенд: Levend A.S. Ali Şir Nevai; hayati, sanati ve şahsiyeti, TTK, Ankara, 1965.
33.Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти, Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.
34.Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 748 б.
35.Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажозлар олами. – Тошкент: Tamaddun, 2014. – 184 б.
36.Маҳмудов Н. Мухтасар ва кўркам баён. // Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 102 б.
37.Маҳмудов Н. Сарлавҳалар лингвопоэтикаси (Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги боблар мисолида. // Alisher Navoiy hayoti va ijodi – namuna maktabi. TDPU. Respublika ilmiy anjumani materiallari. II kitob. – Toshkent: 2016, 280 b.
38.Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъат уйғунлиги. Фил. фан. ном. дисс. – Тошкент: 2006. – 156 б.
39.Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – М.: Наука. ГРВЛ, 1989. – 240 с.
40.Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 168 б.
41.Навоий ва ижод сабоқлари – Тошкент: Фан, 1981. – 160 б.
42.Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 160 б.
43.Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 76 б.
44.Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 152 б.
45.Олим С. Ийҳомангиз санъатлар. // “Жаҳон адабиёти” журн., 2015, 2-сон.
46.Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – 90 б.
47.Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 216 б.
48.Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: O`zbekiston, 2011. – 236 б.
49.Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995. – 156 б.
50.Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – 72 б.
51.Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 111 б.
52.Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 214 б.
53.Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – 152 б.
54.Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 328 б.
55.Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.

56.Сотимов У. Минтақалар оша довруғ таратиб. // Фан ва турмуш, 1984. – №2.
57.Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2010. – 376 б.
58.Тил ва адабиёт масалалари. Илмий тўплам. – Наманган, 2014. – 160 б. Фитрат: Fitrat. „Farhodu Shirin“ dostoni to‘g‘risida. Tanlangan asarlar. 2-jild. – Тошкент: 2000.
59. Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Тошкент: Фан, 1971. – 56 б.
60.Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 372 б.
61.Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 188 б.
62.Эрали Б. Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 80 б.
63.Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин” ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – 276 б.
64.Ўбек адабиёти. Мажмуа. 10-синф. Тузувчилар: Б.Қосимов, Н.Жумаев, С.Олим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 400 б.
65.Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1977. – 460 б.
66.Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 384 б.
67.Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 168 б.
68.Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 160 б.
69.Ғаниева С. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Ўзфанакадемнашр, 1962. – 84 б.
70.Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1959. – 196 б.
71.Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963. – 174 б.
72.Ҳамидова М. “Хамса” мавжлари. – Тошкент: Фан, 1986. – 56 б.
73.Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 153 б.
74.Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 208 б.
75.Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б.
76.Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

77.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
78.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
79.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 558 б.
80.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 544 б.
81.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 б.
82.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 390 б.
83.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 542 б.
84.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 9-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 356 б.
85.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 10-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 448 б.

86. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
87.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
88.Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 20-том. – Тошкент: Фан, 2003. – 568 б.
89.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баён билан). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 464 б.
90.Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: Фан, 1960. – 854 б.
91.Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – 320 б.
92.Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филология фан. док...дисс... – Тошкент: 1998. – 295 б.
93. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филология фан. док... дисс. автореферати. – Тошкент, 1998. – 48 б.
94.Ватват Рашид ад-Дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии (Хада'ик ас-сихр фи дака'ик аш-ши'р). – Москва: Наука, ГРВЛ, 1985. – 326 с.
95.Навоий асарларининг луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.
96.Низомии Ганҷавӣ. Куллиёт. Дар панҷ ҷилд. Ҷилди якум. Хусрав ва Ширин. – Душанбе: Ирфон, 1983. – 464 с.
97.Рабғузий Носириддин Бурҳониддин ўғли. Қисас ул-анбиё. – Тошкент, ҳиж. 1329.
98.Рабғузий Носириддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.
99.Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанг-э эстелоҳот ва таъбирот-э эрфонӣ. – Теҳрон: 1370. – 818 с. (سید جعفر سجادی. اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. - تهران: طهوری، ۱۳۷۰۳۷۶)
100.Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди I. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 952 с.
101.Фарҳанги забони тожики. Иборат аз ду жилд. Жилди II. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 950 с.
102.Эркинов А. Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XIX аср манбалари. Фил. фан. док. дисс. – Тошкент: 1998. – 282 б.
103.Ғаффоров Н. "Алишер Навоий "Хамса"сида сўфийлар тимсоли. НД. – Тошкент, 1999. – 135 б.
104.Ғиёсуддин Муҳаммад. Ғиёс-ул-луғот. Иборат аз се жилд. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988. – 416 с.
105.Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. ДД. – Тошкент, 1995. – 282 б.
106.Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Фан, 1981. – 400 б.

Мундарижа

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СУЛТОНИ

Кириш 7
Комил шахсият ва ижодий салоҳият уйғунлиги. Алишер Навоий ва ислом маърифати 11
Буюк шахс ва давлат арбоби 25
Буюк шоирнинг ирфоний ва адабий-эстетик олами ҳаёт фалсафаси талқини 30
“Дунё” тимсоли ва унинг талқинлари 42
Футувват ғояси ва фатий образи 47
Мирзо Улуғбек даври адабиёти Алишер Навоий талқинида 56
“Хамса” – буюк бадиий обида “Хамса”нинг калити 65
Буюк шоирнинг ижод концепцияси 67
Она образининг поэтик суврати 74
Диний-маърифий асарлар моҳияти “Арбаъин”да маърифий мазмун ва бадиий шакл мутаносиблиги 79
“Сирожу-л-муслимин”да фиққ масалаларининг бадиий ифодаси 86
Навоийга издошлик саодати Навоий ва Фурқат 101
Навоий ва Абдулла Орипов 109
Хулоса ўрнида 123

АБДУЛҲАМИД ҚУРБОНОВ

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»: БАДИИЯТ ВА ҒОЯЛАР ОЛАМИ

Кириш 126

I БОБ. САРЛАВҲАЛАР ПОЭТИКАСИ

1-фасл. Сўз ва жумла 129
2-фасл. Композиция ва услуб 136
3-фасл. Сарлавҳа ва умумматн муносабати 150

II БОБ ҒОЯВИЙ НИЯТ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

1-фасл. Ғоявий ният: “ки дилкаш бўлғай ушбу сафҳа тасвир” 165
2-фасл. Бадиий талқин: “дард боғи ғунчаси” 177

III боб ФАНО ТИМСОЛЛАРИ

1-фасл. Аввалги фано: “кўнгилнинг очилиши” 195
2-фасл. Иккинчи фано: Ёрга ошнолик 210

IV боб БАДИИЙ МАҲОРАТ

Дилкаш маънонинг хуш суратлари 233
1-фасл. Истиоравий-рамзий тасвир усуллари 235
2-фасл. Композицион-стилистик воситалар 245
3-фасл. Ҳарфий санъатлар 248
Хулоса 270
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 273

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Нурбой Жабборов: Маоний аҳлининг соҳибқирони; Абдулҳамид Қурбонов: “Фарҳод ва Ширин”: бадиият ва ғоялар олами; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 280 бет.

Ж.20: Нурбой Жабборов: Маоний аҳлининг соҳибқирони; Абдулҳамид Қурбонов: “Фарҳод ва Ширин”: бадиият ва ғоялар олами. 280 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

.

ISBN 978 9943 5123–5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирманчи жилд

Нурбой ЖАББОРОВ
МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ
«ФАРҲОД ВА ШИРИН»:
БАДИИЯТ ВА ҒОЯЛАР ОЛАМИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 17,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.